ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ

Ш. ШОДМОНОВ
М. РАХМАТОВ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

ДАРСЛИК

УШБУ КИТОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ, ҲАМДА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

ZAMIN NASHR
NASHRIYOTI

ТОШКЕНТ-2021

УЎК 33.01(075)
КБК 65я7
Ш. Шодмонов, М. Рахматов. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Замин нашр», 2021. – 856 б.

«Иқтисодиёт назарияси» фани бўйича тайёрланган мазкур дарслик 2002 йилда чоп этилган ўқув қўлланма ва 2005, 2010, 2017 - йилларда чоп этилган дарсликларнинг қайта ишланган ва тўлдирилган нашри ҳисобланади. Ушбу дарсликни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва олий ўқув юртларида бакалаврлар тайёрлашнинг янги давлат андозаси талаблари ҳисобга олинган. Ундаги мавзулар мазмунини ёритишда Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, маърузалари, амалдаги ва айниқса мамлакатимизда кейинги вақтларда қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилган. Мамлакатимизда ва хорижда нашр этилган қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг қисқача таҳлили берилган, улардаги ижобий томонлардан фойдаланилган ва баъзи бир мунозарали жиҳатлар эса танқидий равишда ўрганилиб, муаллифларнинг шахсий ёндашувлари асосида баён этилган.

Дарслик бир-бири билан мантиқан боғланган тўрт қисмдан иборат бўлиб, уларда иқтисодиётнинг умумий асослари, бозор иқтисодиёти, макроиқтисодиёт ва жаҳон хўжалигига оид мавзулар кенг ўрин олган. Айниқса, ҳозирги замонда ривожланган бозор иқтисодиётининг қонун-қоидаларига, молия, кредит, банк ва пул тизимининг ролига катта эътибор берилган.

Дарслик бакалавриатнинг барча таълим йўналишларидаги талабалар, мазкур соҳа билан қизиқувчи мутахассислар учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги №418-сонли буйруғига асосан дарслик сифатида барча бакалавр йўналишидаги талабалар ва ўқувчилар учун тавсия этилади.

Маъсул муҳаррирлар:
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси академиклари: Қ.Абдурахманов,
С.Гуломов

Тақризчилар: проф. Б.Ходжиев;
проф. О.Ҳамроев.

ISBN 978-9943-6888-8-9
© Ш. Шодмонов, М. Рахматов 2021.
© «Замин нашр», 2021.

КИРИШ

Мамлакатимизда кейинги йилларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилди. Иқтисодиётда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, модернизация, таркибий ўзгариш ва диверсификация натижасида янгидан-янги замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш қувватлари, янги энергия манбалари, турли хил инфратузилмалар, йўллар, транспорт воситалари ишга туширилмоқда. Миллий валютамизни эркин конвертация қилишга киришилди. Бу ўзгаришлар ва халқимизнинг фидокорона меҳнати натижасида яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турлари ҳажми кўпайиб, сифати тубдан яхшиланиб боришига, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг кескин ўсиши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги эртанги кунга бўлган ишончининг тобора ошиб боришига олиб келмоқда.

Айни пайтда, мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида ва бошқа қатор мажлисларда сўзлаган нутқлари ва қилган маърузаларидан, қабул қилинган янги фармонлар ва қарорлардан ҳамда Олий Мажлисга мурожаатномасидан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган стратегик вазифалардан бизга шу нарса маълум бўлиб турибдики, мамлакатимизда эришилган улкан ютуқлар билан бир қаторда ўз ечимини топмаган мураккаб муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган ўта долзарб ва қийин вазифалар жуда кўп экан.

Мамлакатимиз президенти таъкидлаганидек, “олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”[1].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь.

Бугунги кунда пандемия таъсирида жаҳон иқтисодиёти катта йўқотишлар ва инқирозга дуч келиб туриши дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган қарама-қаршиликларнинг кучайиб бориши, жаҳон бозорида вазиятнинг тез ўзгараётгани дунёнинг кўплаб мамлакатларида инвестицион фаолликнинг сусайиши реал иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати сусайиши рўй бериб, жаҳон бозорида харид талабининг камайиши давом этмоқда, ишсизлик даражаси юқорилигича қолмоқда, ижтимоий кескинлик кучаймоқда. Бундан ташқари мамлакатимиздаги айрим соҳалар, тармоқлар ва компанияларда экспорт ҳажми камайиб, импорт ҳажми ошиб кетиши, кўплаб капитал маблағлар сарфланишига қарамай ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигининг суст ўсиши фан-техника тараққиёти юз бериб, янги техника ва технологияларнинг кириб келишига қарамай кетган харажатлар ва маҳсулот таннархи пасайиш ўрнига аксинча, ошиши ҳолати юз бериши каби нохуш ҳолатлар содир бўлиб турибди. Бу ҳолатлар мамлакатимиз олдида турган кенг кўламли дастурий мақсад ва вазифалар – ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш, хусусий мулк, хусусий тадбиркорликни кучайтириш, иқтисодий ривожланиш йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қисқа ва узоқ муддатга белгиланган стратегик вазифалар ва муаммоларни ҳал этиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни талаб қилади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда. “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”[2].

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати

Ҳаётнинг ўзи олдимизга қўйган ушбу мураккаб муаммоларни тезроқ ҳал қилиш, уларнинг ечимини излаб топиш, миллий истиқлол мафкурасининг мазмунини ва хусусиятларини чуқурроқ тушуниш кўп жиҳатдан кишиларнинг иқтисодиёт сирларини, айниқса, бозор иқтисодиёти муносабатларининг мазмунини, уларнинг талаблари, зиддиятли ва чалкаш хусусиятларини, қонун-қоидаларини, амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашнинг, илм-фанни ривожлантириб, рақамли иқтисодиётга ўтишнинг мақсади ва моҳиятини чуқурроқ билишларига боғлиқдир. “Иқтисодиёт назарияси” фани иқтисодиёт тушунчаларини, унинг қонун-қоидаларини, тежамли хўжалик юритиш сирларини, турли кишилар ва хўжаликларнинг бир-бирлари билан манфаатли иқтисодий алоқада бўлиб, унумли меҳнат қилиш, янги техника ва технологияларни, инновацион ғояларни қўллаб, меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини ва шаклларини ўргатади.

“Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта тўғри йўлдан адашиш бўлади”[3]. Жамиятда рўй берадиган иқтисодий қонунларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнлари моҳиятини тушуниб, амалга ошириш учун зарур бўлган билимларни беришда «Иқтисодиёт назарияси» фанининг роли беқиёсдир. Бугунги кунда ёш авлодда бунёдкорлик ғояларини шакллантириш, уларнинг илмий дунёқарашини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодий билимларини, маданиятини ошириш каби муҳим амалий вазифаларни бажариш орқали мазкур фаннинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь.

“Иқтисодиёт назарияси” фани мамлакатимизда яшаётган ҳамма кишиларнинг даромадлари, уларнинг турмуш даражаси фақат миллий иқтисодиёт тараққиётига боғлиқлигини, шу юртда меҳнат қилаётган кишиларнинг ижодий меҳнати билан вужудга келган миллий маҳсулотнинг кўпайиши, унинг тўғри тақсимланиши ва фойдаланилиши, миллий пул барқарорлиги билан боғлиқлигини ҳам ўргатади ва миллий истиқлол мафкурасининг одамлар онгида шаклланишига, уларнинг интеллектуал камолотга эришувида муҳим роль ўйнайди.

Доимий ўзгариб турувчи ички ва ташқи иқтисодий муҳит ва унинг инсонлар, корхоналар, мамлакатлар ва бутун дунёга кучайиб борувчи таъсирини кузатиб, амалга оширилиши зарур бўлган хатти-ҳаракатлар ва иқтисодий фаолият жараёнларини олдиндан сезиш ва кўра билиш, қисқача қилиб айтганда, **иқтисодий зийраклик** – юксак маънавиятли шахс фазилатларидан бири бўлиб, уни чуқур иқтисодий билим ва кўникмаларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шунингдек, «Иқтисодиёт назарияси» фани кишиларнинг жамият иқтисодий ҳаётини ташкил этиш, унда фаол иштирок этиш ва янада ривожлантириш борасида жамият ва давлат олдидаги жавобгарликлари, яъни **иқтисодий масъулиятларини** тарбиялашда етакчи ўрин эгаллайди. Биз қураётган эркин, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик фуқаролик жамиятига барча жамият аъзоларида **иқтисодий маданиятлиликни** шакллантириш орқали эришишимиз мумкин. Бу эса амалдаги иқтисодий қонунлар, қоидалар тўғрисидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиб, ўзлаштирилган билимлар асосида меҳнат ва ишлаб чиқариш фаолиятларини ташкил эта олиш хусусиятини намоён этиб, уни фақат мазкур фан хизматлари орқали таъминлаш мумкин.

«Иқтисодиёт назарияси» фани фақат билиш билан чекланмай, балки **иқтисодий билим ва кўникмаларнинг турли даражадаги амалий татбиқи** билан ҳам шуғулланади. У давлатнинг иқтисодий сиёсатини шакллантириш, иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган

назарий қоида ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этади.

«Иқтисодиёт назарияси» фанининг бугунги кундаги аҳамияти ёш авлодда ватан ва эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат ҳиссини, турли мафкуравий хуружларга ўз фикри билан қарши тура олиш қобилиятини тарбиялаш каби муҳим вазифаларни бажариш орқали тобора ошиб бормоқда.

«Иқтисодиёт назарияси» фанининг аҳамияти унинг **методологик вазифаси** орқали ҳам намоён бўлиб, фаннинг ўзи, таҳлили ва тамойиллари, олинган хулосалар, тадқиқ этилаётган иқтисодий қонунлар бошқа ижтимоий ва тармоқ фанлари учун услубий асос бўлиб хизмат қилади. «Иқтисодиёт назарияси» фанини чуқур ўрганиш, унинг қоида ва тушунчаларини билиш бошқа иқтисодий фанларни ўзлаштириш ва янада ривожлантиришнинг гарови ҳисобланади.

Лекин ҳозирги даврдаги бозор иқтисодиётининг ички сир-асрорларини, унинг ҳақиқий қиёфасини, унда содир бўлиб турадиган номутаносиблик, ишсизлик ва инқирозлар каби нохуш воқеа ва ҳодисаларнинг сабабларини синчиклаб ўрганишга интилаётган ўқувчи ва талабаларимиз, иқтисодиётнинг муаммоли тугунларини ечишга ҳаракат қилаётган раҳбар ходимлар, иқтисодчи мутахассислар, бозор иқтисодиёти билан қизиқаётган кенг китобхонлар оммаси талабларига жавоб берадиган ўзбек тилидаги адабиётлар, қўлланмалар, айниқса, олий ўқув юртлари талабалари учун тайёрланган дарсликлар етарли эмас. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари етишмаслиги бўйича олий ўқув юртлари ва коллежлардаги аҳвол ўрганилиб, мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида дарслик, махсус ва бадиий адабиётга бўлган реал эҳтиёжни ўрганиб, турли дарсликларни яратиш, уларни бошқа тилларга таржима қилиш, ўқув юртлари, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини таъминлаш бўйича қўйган вазифаларидан[4],

[4] Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги 816-сон қарорига асосан қабул қилинган “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш ҳамда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини янгилаб бориш тартиби тўғрисида Низоми”дан келиб чиқиб, “Иқтисодиёт назарияси” фани бўйича мазкур дарслик қайта тайёрланди.

Албатта, бу вазифанинг уддасидан чиқиш осон иш эмас. Қўйилган вазифанинг мураккаблиги шундан иборатки, шу даврга дунёдаги ҳеч бир мамлакат иқтисодий жараёнларни бошқариш ва ҳаракатларни уйғунлаштиришнинг бир механизмидан бутунлай бошқасига бирданига ўтган эмас. Бу узоқ даврни талаб қиладиган жараён бўлиб, алоҳида даврни тақозо қилади. Унинг ҳамма учун бир хил бўлган ўлчами ва нусхалари ҳам йўқ.

Шундай экан, бозор иқтисодиёти даврини ва мамлакатимизда ҳозирги даврда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларни, ўзгарувчан хўжалик тизимини фақат АҚШ ёки Европа мамлакатларида мавжуд бўлган, кўплари бундан 200-300йил олдин ёзилиб, эскириб кетган, ўз мамлакатларида ҳам инқирозларнинг олдини олиш, иқтисодиётни тартибга солиш йўлларини кўрсата олмаган ва мунозарали бўлиб, бизнинг реал иқтисодий ҳаётимиздан тамомила узоқ бўлган назариялар асосида иқтисодиётнинг ривожланиш йўлини ёритиб бўлмайди. Шунингдек, бизнинг иқтисодий тафаккур тарихимизда узоқ вақт ҳукмрон бўлган, иқтисодий ҳодисаларни асосан синфий нуқтаи назаридан ва синфий кураш жиҳатларидан олиб қараган, иқтисодий тараққиётнинг умуминсоний томонларини кейинги ўринга сурган эски марксистик йўналишдаги ақида ва қоидаларга асосланиб ҳам бозор хўжалиги ҳамда ҳозирги замон иқтисодиётида юз бераётган жиддий ўзгаришларни ва бошқа бир қатор воқеалар, ҳодисалар ва жараёнларни тушунтириб бўлмайди.

ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил 16 январ.

Мазкур дарсликни тайёрлашда АҚШда, Европа мамлакатларида, Япония, Хитой, Малайзия, Сингапур ва бошқа қатор мамлакатларда мавжуд бўлган адабиётлардаги ғоялар, шунингдек, классик ва ҳозирги замон иқтисодий назарияларининг асосий ғояларини танқидий ўрганиб, уларнинг фойдали рационал мағзини олишга ҳаракат қилинган. Шу билан бирга, жаҳонга машҳур аллома, давлат арбоби сифатида танилган ўтмишдаги ватандошларимиз томонидан илгари сурилган иқтисодий ғоя ва фикрлар, қоидаларнинг асосий мазмуни дарсликка киритилган. Бунда у ёки бу гуруҳнинг ёки синфнинг манфаати эмас, биринчи навбатда, умуминсоний, умумдавлат манфаатлари ва қадриятлар, Ватанимиз иқтисодий ривожи манфаати асос қилиб олинган ва унга бир қадар устуворлик берилган.

Дарсликда мустақил ривожланаётган Ватанимизнинг равнақ топиши, бозор иқтисодиёти шароитида яшашимиз, фаолият кўрсатишимиз, иқтисодий муносабатда бўлишимизни ҳисобга олиб, бозор иқтисодиёти муаммоларини, унинг сабаб-оқибатларини, қонун-қоидаларини, тушунчаларини, уларнинг қай даражада, қандай шаклда амал қилаётганлигини батафсилроқ ёритишга ҳаракат қилинган. Унда иқтисодий жараёнларнинг фақат юзаки, кўриниб турган томонларигагина эмас, шу билан бирга уларнинг ички моҳияти, зиддиятлари ва боғланишларига, иқтисодий жараёнларнинг сабаб ва оқибатларига алоҳида эътибор берилган. Мазкур дарсликда Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва ҳозирги даврда республикамиз иқтисодий тараққиётининг муаммолари, айниқса, қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар ва қарорларда, президентимизнинг маъруза ва нутқларида баён этилган иқтисодиётни жадал ривожлантириш тамойиллари, йўналишлари ва хусусиятлари ҳам қамраб олишга ҳаракат қилинган ҳамда назарияни амалиётга яқинлаштириш мақсадида бозор иқтисодиётининг кўпгина умумий қонун-қоидалари бевосита Ўзбекистон ҳаёти мисолида ёритилган.

Дарсликни тайёрлашда диалектик, илмий асбтракция,

таҳлил ва синтез, тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлиги ва бошқа қатор илмий усуллардан фойдаланилган. Бунда, айниқса, ҳар бир иқтисодий воқеа, ҳодиса, жараён ва тушунчалар бир-бирига қарама-қарши бўлган икки томон бирлигидан иборат деб қаралиб, икки томонлама ёндашув ва таҳлил усули кенгроқ қўлланилган, шу йўл билан ёритилаётган масаланинг асл моҳиятини тушуниш осонлаштирилган. Асосий иқтисодий тушунчаларни соддароқ қилиб оддий тилда мисоллар, жадваллар, расмлар ва графиклар асосида тушунтиришга ҳаракат қилинган.

Ушбу дарслик янги давлат стандарти талаблари бўйича тайёрланган ва Республика мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тавсия этилган дастур асосида ёзилган. Унда дастурдаги мавзулар асосан қамраб олинган, кўпгина материаллар имкон даражасида қисқартириб берилган. Шунинг учун матнда камчилик ва мунозарали жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин.

Дарсликни тайёрлашда ўқитишнинг янги педагогик ва информацион технологиялар талаблари ва хусусиятлари ҳисобга олиниб, ҳар бир бобдан кейин хулосалар, асосий таянч тушунчалар ва атамалар, шунингдек, такрорлаш ва мунозара учун саволлар ҳам берилган.

Мазкур дарсликнинг асосий мазмуни 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тавсия этилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан нашр қилинган «Иқтисодиёт назарияси» маърузалар матни, 2002 йилда нашр қилинган «Иқтисодиёт назарияси» ўқув қўлланмаси, 2005 йилда, 2010 йилда ва 2017 йилда нашр қилинган «Иқтисодиёт назарияси» дарсликларида баён этилган бўлиб, кўпчиликнинг муҳокамаси ва мулоҳазасидан ўтган. Ушбу дарсликда юқоридаги китобларнинг асосий мазмуни сақланиб қолинган ҳолда, кейинги йилларда, айниқса ҳозирги даврда мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар, амалга

оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган стратегик вазифалар, шунингдек, АҚШ, Европа мамлакатлари, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар ҳамда мамлакатимизда чоп этилган иқтисодий адабиётлардаги муҳим деб ҳисобланган ғоялар киритилган. Шунингдек, ушбу дарсликни тайёрлашда "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида харажатлар миқдорини камайтириш, таркибини такомиллаштиришнинг фундаментал (назарий) асосларини ишлаб чиқиш" мавзусидаги ОТ-Ф1-155 – рақамли фундаментал лойиҳа бўйича олиб борилаётган тадқиқот натижаларидан фойдаланилган.

Ушбу дарсликда иқтисодий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар объектив таҳлил қилиниб, етарли илмий-услубий асосда ёритишга ҳаракат қилинган. Ушбу дарслик талаба ва ўқувчиларни назарий ва услубий билимлар билан қурольлантириб, иқтисодий жараёнларни билишга, тафаккур қилишга ва мустақил равишда таҳлил қилишга ўргатади деган умиддамиз.

Иқтисодиёт назарияси бўйича мазкур дарслик асосан олий ўқув юртлари талабалари ва магистрантлари учун мўлжалланган бўлиб, шунингдек, ундан академик лицей, касб-ҳунар мактаблари, коллежлари ва умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари, катта-илмий-ходим-изланувчилар ҳамда иқтисодиёт назарияси соҳасидаги билимларга қизиқувчи барча китобхонлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Муаллифлар дарсликнинг тузилиши, мазмуни, муаммоларнинг баён қилиниш тартиби ва услуби бўйича билдирилган ҳар қандай таклиф-мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилади ва кейинги ўқув қўлланма, дарсликлар тайёрлашда ҳисобга олади.

I - БЎЛИМ.
Иқтисодий тараққиётнинг умумий асослари

1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Иқтисодиёт назарияси фанини ўрганиш, иқтисодий жараёнларнинг туб моҳиятини тўғри тушуниш кўп жиҳатдан уни ўрганувчиларнинг маълум назарий ва услубий билим билан қуролланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мазкур боб кишилик жамияти тараққиётининг асоси бўлган иқтисодиёт тушунчасини, унинг олдида турган вазифаларни, узоқ давр давомида иқтисодий билимларнинг шаклланиши ва иқтисодиёт назарияси фанининг вужудга келишини қисқача тавсифлаш билан бошланади. Иқтисодиёт назарияси фанидаги асосий оқимлар ва назарияларнинг умумий баёни берилади. Иқтисодиёт ва унинг бош масаласи, иқтисодиёт назарияси фанининг предмети, вазифалари ва бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги баён этилади. Шу билан бирга иқтисодий қонунлар ва категориялар ҳамда уларнинг амал қилиш механизми, иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг асосий усуллари мазмунини очиб беришга эътибор қаратилади.

1.1. Иқтисодиёт ва унинг бош масаласи

Иқтисодиёт назарияси фани ва унинг қонун-қоидаларини билиш учун, энг аввало, иқтисодиёт ва унинг вазифалари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш лозим. Инсоният ҳаёти ва унинг тараққиёти жуда мураккаб, кўп қиррали ва ғоят чигал, муаммоларга бойдир. Бу муаммолар кишиларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, фан, маданият, сиёсат, мафкура, ахлоқ, давлатни бошқариш соҳаларидаги ва ниҳоят, оиладаги ва бошқа фаолият турларининг борган сари кўпайиб, ривожланиб ҳамда уларнинг ўзгариб бориши

натижасида вужудга келади. Узоқ даврлар давомида инсоният фикрини банд қилиб келган айрим масалалар бугунги кунда оддий ҳақиқат ва осон билиш мумкин бўлган нарсага ўхшаб кўринади.

Масалан, бугун ҳаммага маълумки, кишилар сиёсат, санъат, адабиёт, фан, маърифат, маданият, таълим олиш билан шуғулланишдан олдин бирламчи ҳаётий неъматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришлари керак. Шунинг учун ҳар бир киши, ўзининг кундалик ҳаётида бир қатор муаммоларга, яъни кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-рўзғор буюмларига эга бўлиш, билим олиш каби эҳтиёжларни қандай қилиб, нима ҳисобига қондириш мумкин деган муаммоларга дуч келади.

Шу муаммоларни ечиш ва ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида кишилар турли йўналишларда, соҳаларда фаолият кўрсатадилар. Демак, инсоннинг турли фаолиятлари ичида энг асосийси, инсониятнинг яшаши ва унинг камол топишини таъминлайдигани моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган иқтисодий фаолиятдир.

Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, кишиларнинг яшаши, камол топиши учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган, бир-бири билан боғлиқликда амал қиладиган турли-туман фаолиятлар яхлит қилиб, бир сўз билан, иқтисодий фаолият деб аталади.

Қадимда иқтисодий фаолиятнинг асосий шакли уй хўжалиги доирасида рўй берган. Шунинг учун қадимги грек олимларининг (Ксенофонт, Платон, Аристотель) асарларида иқтисодиёт – уй хўжалиги ва уни юритиш қонунлари деб тушунтирилган. Араб лексиконида «иқтисод» тежамкорлик маъносида тушунилган, чунки ислом динига оид адабиётларда тежамкорликка алоҳида эътибор берилган. Лекин, ҳозирги даврда иқтисодиёт тушунчаси фақат уй, индивидуал хўжалик юритиш ёки тежамкорлик маъноси билан чекланмайди.

Балки **иқтисодиёт – мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган хўжаликлардан, хўжаликлараро, давлатлараро бирлашмалар, корпорациялар, концернлар, қўшма корхоналар, молия ва банк тизимларидан, давлатлар ўртасидаги турли иқтисодий муносабатлардан иборат ўта мураккаб иқтисоий тизимни англатади.**

Бунинг устига барча ресурсларимиз – табиий бойликлар, малакали ишчи кучлари, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарлари, пул маблағлари ва бошқа ресурсларнинг барчаси чекланган миқдордадир. Ҳаттоки, ишлаб чиқаришнинг бугунги даражасида инсоният ихтиёридаги турли табиий бойликларнинг тахминан қанча вақтга етишини олдиндан башорат қилиш мумкин. Жумладан, инсоният 2500 йилга келиб, барча металл захираларини сарфлаб бўлиши башорат қилиниб, бунда темир рудаси 250 йилга, алюминий 570, мис 29, рух 23, қалай 35, қўрғошин 19 йилга етиши тахмин қилинмоқда. Амалда ҳозир яшаётган авлод ҳам ишлаб чиқаришда қўрғошин, қалай, рух, олтин, кумуш, платина, никел, вольфрам, мисдан фойдаланиш муаммосига дуч келмоқда. Яқин юз йил ичида ишлаб чиқаришни энергоресурслар: нефть, газ, кўмир билан таъминлаш муаммоси ҳам алоҳида муаммо бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас[5].

Ушбу чекланган иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиб, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб борувчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эришиш, ресурслар ва маҳсулотларни тўғри тақсимлаш йўлларини топиш иқтисодиётнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Иқтисодиёт қамров даражасига қараб турлича бўлиши мумкин: жаҳон иқтисодиёти, миллий иқтисодиёт, тармоқ иқтисодиёти, минтақа ва ҳудуд иқтисодиёти, корхона ёки фирма иқтисодиёти, оила иқтисодиёти. Баъзан уларни яхлитлаштириб, макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт деб аталади. Иқтисодиётнинг бу турлари, даражалари, шакллари

[5] Зубко Н.М. Экономическая теория. - Минск: НТЦ АПИ, 1998. 61-б.

қандай бўлишидан қатъий назар уларнинг ҳаммаси бир мақсадга бўйсунган: у ҳам бўлса инсониятнинг яшаши, кўпайиши ва камол топиши учун шарт-шароит яратиб бериш, турли хил ҳаётий воситаларни яратиб, уларнинг эҳтиёжларини қондириб боришдан иборатдир. Шундай экан, иқтисодиёт инсон ҳаётининг асосини, унинг пойдеворини ташкил этиб, унинг ўзи ҳам инсонсиз, унинг фаолиятисиз мавжуд бўлмайди ва мазмунга ҳам эга эмас.

Инсон томонидан яратилган товарлар ва хизматларнинг, ресурсларнинг доимо ҳаракатда бўлиб, такрор-такрор ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади, уларнинг бу тўхтовсиз ҳаракати **такрор ишлаб чиқариш** дейилади. Такрор ишлаб чиқариш қуйидаги фазалар бирлигидан иборатдир:

1) ишлаб чиқариш жараёни;
2) тақсимлаш жараёни;
3) айирбошлаш жараёни;
4) истеъмол қилиш жараёни.

Ишлаб чиқариш – кишилик жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни яратиш жараёни. Барча товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида яратилиши сабабли, у такрор ишлаб чиқаришнинг энг асосий ва бошланғич фазаси ҳисобланади. Агар ишлаб чиқарилмаса, тақсимланадиган, айирбошланадиган ва ниҳоят, истеъмол қилинадиган нарсалар бўлмайди.

Мисол учун, одамларнинг нон маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш учун энг камида қуйидаги асосий жараёнларни амалга ошириш лозим: экин майдонларини ҳайдаш ва уларга ишлов бериш; ерга уруғ қадаш ва униб чиқиб, то ҳосил етишгунча парваришлаш; ғаллани ўриш ва дон омборларига жойлаш; донни тегирмондан чиқариб, ун маҳсулоти олиш; ундан нон заводлари ёки нонвойхоналарда нон тайёрлаш. Ўз ўрнида, ҳар бир жараён учун керакли бўлган меҳнат воситаларини ҳам ишлаб чиқиш керак бўлади.

Масалан, экин майдонини ҳайдаш учун тракторлар, омочлар; уруғ қадаш учун сеялкалар; ғаллани ўриш учун комбайнлар; омборга ташиш учун юк машиналари; донни янчиш учун тегирмонлар; нон ёпиш учун нон заводлари, тандирлар ва ҳоказо. Агар бу воситаларнинг бирортаси бўлмаса, ё ишлаб чиқариш жараёни тўхтайди ёки самарадорлиги пасайиб кетади.

Тақсимот – ишлаб чиқариш омиллари ва унинг натижаларини иқтисодиётнинг турли қисм ва субъектлари ўртасида тақсимлаш жараёни. Бу босқичда, энг аввало, ишлаб чиқариш воситалари, капитал, ишчи кучи ва бошқа ресурслар турли тармоқлар, соҳалар, ҳудудлар ва ниҳоят, корхоналар ўртасида тақсимланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш натижаси бўлган товар ва хизматлар, уларнинг пул ҳолидаги кўриниши бўлган даромадлар ҳам тақсимланади.

Бизнинг мисолимиздаги нон маҳсулотини ишлаб чиқариш учун ҳам ушбу фаолият соҳасига керакли ресурслар – тракторлар, омочлар, сеялкалар, комбайнлар, юк машиналари, тегирмонлар ва тандирлар; уларни ишга солувчи тракторчи, ҳайдовчи, деҳқон, ишчи ва нонвойлар – барчаси тақсимот жараёнидан ўтади. Улар айнан меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув туфайли турли-туман фаолият ва жараёнлар бўйича ўз ўрниларини топадилар. Шунингдек, тайёр бўлган нон маҳсулотини сотишдан олинган даромад ҳам турли касб эгалари – тракторчи, ҳайдовчи, деҳқон, ишчи ва нонвой ўртасида, мулк эгалари ўртасида тақсимланади. Улар маҳсулотдаги ўз улушларини иш ҳақи ёки фойда, фоиз, рента кўринишида оладилар.

Тақсимот қанча адолатли ва тўғри бўлса, ишлаб чиқаришнинг юксалишига шунча ижобий таъсир кўрсатади, уни рағбатлантиради.

Айирбошлаш – жамият аъзоларининг иқтисодий фаолият турлари ёки ишлаб чиқариш натижалари бўйича маълум бир ўлчам (масалан, қиймат миқдори) асосида ўзаро

алмашиш жараёни. Меҳнат тақсимоти натижасида айрим гуруҳ кишилар товар ва хизматларнинг маълум турларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришга ихтисослашадилар. Ҳар бир товар турини ишлаб чиқарувчи ўз товарини сотиб, ўзига керакли бўлган бошқа товар ёки хизматларни сотиб олади. Жумладан, бизнинг мисолимиздаги нонвой ҳам ўз маҳсулоти – нонни сотиб, тушган пулига қассобдан – гўшт, деҳқондан – сабзавотлар, дўкондордан – кийим-кечак ва бошқа зарур товарларни сотиб олади.

Натижада турли хил йўналишдаги ишлаб чиқарувчилар ёки хизмат кўрсатувчилар ўртасида иқтисодий алоқа – айирбошлаш, пул орқали олди-сотди жараёни содир бўлади.

Истеъмол – эҳтиёжларни қондириш мақсадида маҳсулот ва хизматларнинг ишлатилиши, фойдаланилиши жараёни. Истеъмол такрор ишлаб чиқаришнинг охирги фазаси бўлиб, бу жараён орқали жамият аъзоларининг турли-туман эҳтиёжлари қондирилади. Истеъмол икки турда бўлади: ишлаб чиқариш (унумли) истеъмоли ва шахсий истеъмол. Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан фойдаланиш **унумли истеъмол** дейилади. Нонвой ишлатган ун, кўмир ёки табиий газ, ўсимлик мойи – буларнинг барчаси унумли истеъмол ҳисобланади. Чунки, буларнинг барчаси маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлади. Истеъмол буюмларининг эҳтиёжларни қондириш мақсадида ўз аҳамияти бўйича пировард равишда ишлатилиши **шахсий истеъмол** дейилади. Нонвой тайёрлаган ноннинг одамлар томонидан сотиб олиниб, истеъмол қилиниши шахсий истеъмолни англатади. Маҳсулот ва хизматлар шахсий истеъмолидан сўнг, улар ўрнига яна янгисини ишлаб чиқариш зарурати пайдо бўлади.

Шундай қилиб, товар ва хизматлар, ресурслар ҳаракати доимо тўхтовсиз такрорланиб турадиган жараёндир (1.1-расм):

1.1-расм

Товарлар, хизматлар ва ресурсларнинг такрор ишлаб чиқариш фазаларидаги ҳаракати

Иқтисодиётнинг доимий ва бош масаласи – эҳтиёжларнинг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги ҳамда улар ўртасидаги зиддиятнинг ҳал қилинишидир. Бу масалани тўғри тушуниш учун, энг аввало, эҳтиёжнинг моҳиятини, унинг турларини билиш зарур.

Инсоннинг яшаши ва камол топиши, умуман инсониятнинг ривожланиши учун керак бўлган ҳаётий воситаларга бўлган зарурати иқтисодиёт назарияси фанида эҳтиёж деб аталади.

Барча ҳаётий эҳтиёжлар (иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий, сиёсий эҳтиёжлар) ичида ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар алоҳида ўрин тутади. Бу эҳтиёжлар кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва ҳаёт кечириши учун турли неъматлар ҳамда хизматларга заруратдан иборат бўлади. Шу жиҳатдан олганда ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар моддий ва маънавий эҳтиёжларни ўз ичига олади.

Моддий эҳтиёжлар – бу моддий кўринишдаги неъматлар воситасида қондирилувчи заруратдир. Булар истеъмол учун зарур бўлган кўплаб ҳаётий предметларни (ишлаб чиқариш ва транспорт воситалари, озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой ва ҳ.к.) ва зеб-зийнат буюмларини (тақинчоқ, атир-упа, турли безаклар ва ҳ.к.) ўз ичига олади.

Маънавий эҳтиёжлар – бу инсоннинг шахс сифатида камол топиши, дунёқараши ва маънавиятининг шаклланиши учун тақозо этиладиган номоддий неъмат ва

хизматларга бўлган заруратдир. Улар кишиларнинг билим ва дам олиш, маданий савиясини ошириш, малака-маҳоратга эга бўлиш, турли маънавий йўналишдаги хизматлардан баҳраманд бўлиш каби эҳтиёжлардан иборат бўлади.

Эҳтиёжларни истеъмол қилиш тавсифига кўра шахсий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига ажратиш мумкин.

Шахсий эҳтиёжлар – кишиларнинг пировард истеъмоли учун мўлжалланган маҳсулот ва хизматларга бўлган зарурат. Масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари, шахсга кўрсатиладиган турли хизматлар шахсий эҳтиёжларни намоён этади.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари – маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни амалга ошириш мақсадида ишлатилувчи турли иқтисодий ресурсларга бўлган зарурат. Ишлаб чиқариш эҳтиёжларига хомашё (нефть, пахта ва ҳ.к.), материаллар (пўлат, ёғоч, тола ва ҳ.к.), асбоб-ускуналар, иш машиналари (юк машинаси, экскаватор, бульдозер ва ҳ.к.), ишчи кучи ва бошқаларни киритиш мумкин.

Шунингдек, эҳтиёжларни якка тарзда ва биргаликда қондирилувчи эҳтиёжлар; бирламчи ва иккиламчи эҳтиёжлар; якка, гуруҳий, ҳудудий, умумжамият эҳтиёжлари каби турларга ажратиш мумкин.

Инсоннинг шахсий манфаати, қизиқишлари ва турмуш тарзига мослаб қондирилиши мумкин бўлган эҳтиёжлар якка тарзда қондирилувчи эҳтиёжлар дейилади. Уларга овқатланиш, кийиниш кабиларни мисол қилиш мумкин. Ҳатто овқатланиш жараёни биргаликда (оилавий ёки бир неча кишилар билан) амалга оширилган тақдирда ҳам, ҳар бир кишининг овқатга бўлган эҳтиёжи алоҳида, якка тарзда қондирилади.

Одатда кишиларнинг турли даражалардаги гуруҳи (оила, жамоа, мамлакат фуқаролари ва ҳ.к.) томонидан биргаликда намоён этилувчи эҳтиёжлар биргаликда қондирилувчи эҳтиёжлар дейилади. Масалан, таълим олиш бинолари, касалхоналардан, дам олиш жойларидан баҳраманд

бўлиш, спорт ўйинлари ва кўнгилочар томошаларни биргаликда кўриш, мамлакат мудофааси ва тинчлигини сақлаш кабилар шулар жумласидандир.

Бирламчи эҳтиёж – бу инсоннинг ҳаётий фаолиятида зарурлик даражаси нисбатан юқори бўлган ва шу сабабли, биринчи навбатда қондириладиган эҳтиёж. Инсон ҳали билим олиши, санъат билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқаришидан илгари озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириши лозим.

Иккиламчи эҳтиёж – бу бирламчи эҳтиёжлар қондирилиб бўлгандан сўнг ундан юқори даражада намоён бўладиган ва қондириладиган эҳтиёж. Бу турдаги эҳтиёжларга билим олиш, малака ошириш, санъат билан шуғулланиш, дам олиш ва ҳ.к.ларни киритиш мумкин.

Якка эҳтиёж – бу алоҳида шахснинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи, дунёқараши ва бошқа хусусиятлари таъсирида шаклланувчи эҳтиёжи. Жамиятдаги кишилар сони қанчалик кўп бўлмасин, улар ўз эҳтиёжларининг таркиби, даражаси ва қондирилиш воситалари жиҳатидан озми-кўпми фарқланадилар. Масалан, катта ёшдаги одамлар ва болалар, эркаклар ва аёллар, олий маълумотлилар ва маълумотсизлар, спортчилар ва спиртли ичимликларга мойил кишилар ва ҳоказоларнинг якка эҳтиёжлари таркиби ўзаро фарқ қилади. Ҳаттоки, бир жинсдаги, ўзаро тенг ва бошқа белгилари бўйича ўхшаш инсонларнинг якка эҳтиёжлари баъзи бир жиҳатдан фарқ қилиши мумкин.

Гуруҳий эҳтиёж – бу маълум гуруҳ ёки жамоаларга бирлашган кишиларнинг биргаликдаги эҳтиёжи. Бир оиланинг эҳтиёжи бошқа биридан, бир меҳнат жамоасининг эҳтиёжлари бошқасидан ўз таркиби ва даражаси жиҳатидан фарқ қилади. Масалан, фараз қилайлик, Комиловлар оиласи беш кишидан иборат бўлсин. Ота – шифокор, она – ўқитувчи, икки ўғил – талаба, қиз – мактаб ўқувчиси. Зокировлар оиласи эса олти кишидан иборат: бува ва буви – нафақада, ота – бухгалтер, она – уй бекаси, қиз – талаба ва ўғил – мактаб

ўқувчиси. Ҳар иккала оиланинг таркиби ва фаолият турлари бир-биридан фарқ қилганлиги сабабли, уларнинг оилавий эҳтиёжлари ҳам ўз таркиби ва даражасига кўра фарқланади. Худди шунингдек, мебель ишлаб чиқарувчи корхона меҳнат жамоаси эҳтиёжи таркиби ва даражаси жиҳатдан тикувчилик фабрикаси меҳнат жамоасиникидан бошқача бўлади.

Ҳудудий эҳтиёж – бу муайян ҳудудларда истиқомат қилувчи кишиларнинг биргаликдаги эҳтиёжи. Инсон муайян ҳудудда истиқомат қилганлиги сабабли, унинг баъзи бир эҳтиёжлари мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи барча инсонларнинг умумий эҳтиёжлари сифатида намоён бўлади. Масалан, ҳар бир маҳалла ўзининг гузари, унда жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар боғчаси, дам олиш жойлари, истироҳат боғлари ва бошқа иншоотларга эҳтиёж сезади.

Умумжамият эҳтиёжлари – бу жамият миқёсидаги барча кишилар учун умумий бўлган эҳтиёж. Ҳар бир мамлакатнинг фуқаролари ҳам барча учун умумий бўлган неъматларга эҳтиёж сезадилар. Масалан, мамлакат чегарасининг дахлсизлиги, унинг мудофаа қобилиятининг мустаҳкамлиги, юрт фаровонлиги, экологик тоза муҳит, ижтимоий-маданий тадбирлар, ҳуқуқ-тартибот ишларининг юқори даражада амалга оширилиши ва бошқалар.

Жамият эҳтиёжларига қуйидаги бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:

а) жамиятнинг иқтисодий тараққиёт даражаси;

б) жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий тузум;

в) табиий-географик шароитлар;

г) тарихий-миллий анъаналар ва урф-одатлар;

д) аҳоли сонининг ўсиши, унинг таркибидаги ўзгаришлар;

е) халқаро, давлатлар, миллатлар ва минтақалар ўртасидаги алоқалар.

Ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан, моддий эҳтиёжларни тўлиқ қондириш мумкин эмас. Жамиятда ҳар бир маълум даврда кўплаб қондирилмаган эҳтиёжлар мавжуд бўлади.

Вақт ўтиши билан янги буюмларнинг пайдо бўлиши, кенг рекламанинг таъсири ва савдонинг ривожланиши натижасида эҳтиёжлар ўзгаради ва кўпайиб боради. Шундай экан, жамиятнинг, яъни уни ташкил қилувчи шахслар, муассаса ва корхоналар эҳтиёжларининг чексизлиги, уларнинг тўхтовсиз янгиланиб ва ўсиб бориши табиий бўлиб, уни ўзига хос қонун орқали ифодалаш мумкин. **Эҳтиёжларнинг ишлаб чиқариш ва етказиб беришга нисбатан миқдоран ўсиб, таркиб ва сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши эҳтиёжларнинг устувор даражада ўсиб бориш қонуни дейилади.** Бу қонун ишлаб чиқариш билан эҳтиёжлар ўртасидаги узвий, тўғридан-тўғри боғлиқликни акс эттиради.

Эҳтиёжларнинг ўзи ҳам бир-бирини тақозо қилади. Бир эҳтиёж ўз орқасидан бошқа бир эҳтиёжни келтириб чиқаради. Масалан, компьютер техникасига эҳтиёжнинг пайдо бўлиши, ўз навбатида уни ишлатишни ўрганиш, унга хизмат кўрсатиш, дастур тузиш каби эҳтиёжларни келтириб чиқаради.

Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши уни қондириш воситалари даражаси билан чегараланади. Чунки эҳтиёжлар чексиз ўзгаргани ҳолда уни таъминлаш учун керак бўладиган иқтисодий ресурслар чекланган бўлади. **Иқтисодий ресурслар деганда товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган барча восита ва имкониятлар мажмуи тушунилади.**

Иқтисодий ресурсларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) табиий ресурслар (ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон ва биологик ресурслар);

2) ишчи кучи ресурслари (кишиларнинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятлари мажмуи);

3) капитал (ёлланма меҳнат томонидан ҳаракатга келтирилиб фойда олиш мақсадида ишлатиладиган бинолар, машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, қурилмалар, хомашё ва материаллар, сотишга тайёр товарлар, пул маблағлари ва бошқалар);

4) тадбиркорлик қобилияти (кишиларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш қобилиятлари).

Иқтисодий ресурсларнинг ишлаб чиқариш омилларидан фарқи шундаки, уларга ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадиган ишчи кучи, табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш воситаларидан ташқари ҳамма моддий ресурслар, товар ва пул захиралари ҳам киради.

Ресурсларнинг чекланганлиги эҳтиёжни қондиришнинг муҳим йўли бўлган ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам чеклаб қўяди. Бу имкониятлар даражаси доимо бир хил бўлиб турмайди, балки янги техникалар ва технологияларнинг яратилиши ва ишга солиниши ишлаб чиқариш имкониятларини, унинг чегараларини кенгайтириш имконини беради. Иқтисодий ресурслар, ишлаб чиқариш ва эҳтиёжларни қондириш даражаси ўртасидаги доимий ва мустаҳкам алоқадорликни қуйидагича ифодалаш мумкин (1.2-расм):



1.2-расм. **Иқтисодий ресурслар ва эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси ўртасидаги боғлиқлик.**

Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш имкониятларини ва бинобарин эҳтиёжларни қондириш даражасини ошириш зарурлиги иқтисодиёт олдига қуйидаги муаммоларни қўяди:

1) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг оптимал вариантларини (энг зарур ва тежамли турларини) танлаб олиш ва ресурсларни кўпроқ ишлаб чиқаришга жалб қилиш;

2) мавжуд ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш;

3) фан-техника ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиб, янги энергия, материал, хомашё турлари, уларнинг манбаларини топиб, фойдаланишга жалб қилиш, ресурслар

унумдорлигининг ошишига эришиш.

Бу муаммоларни ҳал қилиш зарурияти кишилардан чуқур иқтисодий бошқа билимларга эга бўлиб, доимо изланиш ва юксалишда бўлишини тақозо қилади.

1.2. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши

Иқтисодий ҳаёт сирларини билиш ва шу йўлдаги фаолиятнинг асосий йўналишларини аниқлашга интилиш жуда қадим замонлардан мавжуд бўлиб, бу интилиш иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, уни кишиларга керак бўлган томонга йўналтиришга ижобий таъсир этиш зарурияти дан келиб чиққан.

Иқтисодиётга оид билимларга дастлаб, антик дунёнинг кўзга кўринган олимлари Ксенофонт, Платон, Аристотель асарларида, шунингдек, қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё олимларининг асарларида эътибор қаратилган эди.

Биз минг йиллар оша бизгача етиб келган муқаддас Қуръони Карим, ҳадислар, Қобуснома, Ибн Холдун асарлари, боболаримиз Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур асарларини ўқир эканмиз, уларда инсоннинг яшаши учун табиат эҳсонлари етарли эмаслиги, ижодий меҳнат қилиш кераклиги қайта-қайта уқтирилганлигига яна бир карра амин бўламиз. Жумладан, араб мутафаккири Ибн Холдун Абдураҳмон Абу Зайд (1332-1406) нинг иқтисодиёт билимларини ривожлантиришдаги ҳиссаси жуда каттадир. У ўзининг 1370 йилда ёзилган «Китоб-ул-ибар» («Ибратли мисоллар китоби») асарида дунёда биринчи бўлиб товарнинг икки хил хусусиятини – истеъмол қиймати ва қиймат тушунчаларини, оддий ва мураккаб меҳнатни, зарурий ва қўшимча меҳнат ҳамда зарурий ва қўшимча маҳсулот тушунчаларини ажрата билди. Шунингдек, Ибн

Холдун томонидан товарларни айирбошлаш жараёнида улар бир-бирига таққосланганда меҳнатни тенглаштириш шаклида юзага чиқиши, яъни товарда гавдаланган меҳнатнинг миқдори ва унинг нафлилигининг ҳисобга олиниши ҳам таъкидланган[6].

Алишер Навоийнинг иқтисодий масалаларга оид ғоялари «Вақфия» (1482) ва «Маҳбуб-ул-қулуб» (1500) асарларида баён этилган. У маҳсулотни уч қисмга бўлиб, биринчи қисмини кетган харажатга, иккинчи қисмини ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларига, учинчи қисмини эса аҳолининг ижтимоий манфаатлари учун сарфлашга чақиради. Бундан ташқари маҳсулотни яратишда меҳнатнинг ролига ва ишлаб чиқариш воситаларининг иштирокига алоҳида эътибор беради. Шу билан бирга бойликни ҳалол меҳнат билан топиш, тўплаш ва фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди[7].

Лекин Аристотелдан бошлаб бутун дунёнинг, жумладан Марказий Осиёнинг кўпгина олимлари иқтисодиётни изчил ўрганиш асосида унинг кўпгина қонун-қоидаларини, тушунчаларини ёритиб берган бўлсалар ҳам, ҳали иқтисодиёт назарияси фан сифатида шаклланмаган эди.

Иқтисодиёт назарияси мустақил фан сифатида кўпгина мамлакатларда миллий бозор шаклланган ва жаҳон бозори вужудга келаётган даврларда «сиёсий иқтисод» номи билан шакллана бошлади.

Сиёсий иқтисод грекча сўздан олинган бўлиб «политикос» - ижтимоий, «ойкос» - уй, уй хўжалиги, «номос» - қонун дегани. Яъни уй ёки ижтимоий хўжалик юритиш қонунлари маъносини беради. 1575-1621 йилларда яшаб, ижод қилган француз иқтисодчиси Антуан Монкретьен биринчи марта 1615 йилда «Сиёсий иқтисод трактати» номли кичик илмий асар ёзиб, бу фанни мамлакат миқёсида иқтисодиётни бошқариш фани сифатида асослади. Кейинчалик классик иқтисодчилар бу фикрни тасдиқлаб, сиёсий иқтисод кенг маънода моддий ва

---

[6] А.Раззоқов, Ш.Тошматов, Н.Ўрмонов. Иқтисодий таълимотлар тарихи. - Т.: «Молия». 2002, 42-бет.

[7] Ўша манба. 2002, 89-90-бетлар.

бошқа ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни бошқарувчи қонунлар тўғрисидаги фандир, деб ёзган эдилар.

Иқтисодиёт назарияси фани шаклланиши жараёнида бир қанча ғоявий оқимлар, мактаблар вужудга келган. Улар жамият бойлигининг манбаи нима, у қаерда ва қандай қилиб кўпаяди, деган саволларга жавоб топишга уринишган. Бундай иқтисодий оқимлардан дастлабкиси **меркантилизм** деб аталган. Бу оқим тарафдорлари одамларнинг, жамиятнинг бойлиги пулдан, олтиндан иборат, бойлик савдода, асосан, ташқи савдода – муомала жараёнида пайдо бўлади, кўпаяди, савдода банд бўлган меҳнат - унумли меҳнат, бошқа меҳнатлар эса унумсиздир, деб тушунтириб келдилар. Кейинчалик, иқтисодий билимлар ривожланиб, такомиллашиб борган сари, айирбошлаш, яъни бевосита савдо жараёнида маҳсулот яратилмаслиги, фақат ишлаб чиқариш ва у билан боғлиқ бўлган жараёнларда (ташиш, қадоқлаш, саралаш, сақлаш) маҳсулотнинг ва бинобарин қийматнинг кўпайиши маълум бўлди. Айирбошлашнинг эквивалентлик тартиби, яъни тенг меҳнатга - тенг бойлик мувозанати бузилган тақдирда бойлик бировлар фойдасига қайта тақсимланади, натижада кимдир бойиб, кимдир хонавайрон бўлиб боради. Меркантилистлар иқтисодиёт назариясининг асосий вазифаси давлатнинг иқтисодий сиёсатига амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат деб таъкидладилар. Уларнинг фикрича, иқтисодиётда ижобий савдо балансига эришилиши учун давлат иқтисодиётга фаол аралашиши, яъни миллий ишлаб чиқариш ва савдони ўз паноҳига олиши зарур деб ҳисоблайди.

Кейинги оқим **физиократлар** деб аталган. Улар меркантилистлардан фарқли ўлароқ, бойлик қишлоқ хўжалигида яратилади ва кўпаяди, деган ғояни олға сурдилар. Уларнинг вакили бўлган Ф.Кенэ машҳур «Иқтисодий жадвал» асарини (1758) ёзди ва унда физиократизм мактаби асосларини яратди. Унинг назарий ва сиёсий дастурини таърифлаб берди. Бу асарда Ф.Кенэ алмашувнинг эквивалентлик таълимотини илгари сурди. Унинг фикрича алмашув ёки

савдо бойлик яратмайди, алмашув жараёнида тенг миқдорли қийматларнинг алмашуви рўй беради, товарларнинг қиймати бозорга кирмасдан олдин мавжуд бўлади. Ф.Кенэнинг таълимотида соф маҳсулот назарияси марказий ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, ялпи ижтимоий маҳсулот ва ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқ соф маҳсулот ҳисобланган. Ф.Кенэ соф маҳсулот билан қўшимча маҳсулотни чалкаштириб, иккаласини айнан бир нарса деб тушунади. У қўшимча қиймат деҳқонларнинг қўшимча меҳнати самараси сифатида юзага келади деб изоҳлайди, айрим жойларда эса қўшимча қийматни табиатнинг соф ҳадяси деб қараб, уни яратишда табиат ҳам иштирок этади, деб тушунтиради[8]. Бу ерда у ўзи билмаган ҳолда қиймат билан нафлилик(истеъмол қиймат)нинг фарқига бора олмаганлигини ифода этади. Ф.Кенэ таълимотини А.Тюрго, Дюпон де Немур ва бошқалар давом эттирди. Физиократларнинг таълимоти бўйича қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат бирдан-бир унумли меҳнат деб ҳисобланиб, бошқа соҳалардаги меҳнат эса унумсиз меҳнат деб ҳисобланган.

Кейинчалик иқтисодиёт фанининг **классик мактаби** намояндалари бўлмиш А.Смит, У.Петти, Д.Рикардо каби атоқли иқтисодчи олимлар бойлик фақатгина савдода ёки қишлоқ хўжалигидагина эмас, балки шу билан бирга саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа хўжалик соҳаларида ҳам яратилишини исботлаб бердилар ва **“ҳамма бойликнинг онаси ер, отаси меҳнат”**, деган қатъий илмий хулосага келдилар. Шуни айтиш керакки, А.Смитнинг «кўринмас қўл» тамойили ҳозирги кунда жуда кўп тилга олинмоқда. У ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» (1776) деган китобида инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат хусусий манфаатдир деб кўрсатади. Инсон ўз хусусий манфаатини амалга оширишга, яъни фойда олишга интилиб, меҳнат тақсимоти шароитида қандайдир товар ёки хизмат турини яратади, бошқаларга етказиб беради, ўз

[8] Ўша манба. 147-149-бетлар.

капиталини кўпайтиради ва шу интилишда ўзи билмаган ҳолда жамият тараққиётига ҳисса қўшади деб тушунтиради. У капитал, меҳнат, товар, ишчи кучи ва бошқа ресурсларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш тамойилини илгари суради. Ушбу мактабнинг «классик» деб ном олишига уларнинг қуйидаги ютуқлари сабаб бўлди.

Биринчидан, А.Смит ва Д.Рикардо иқтисодиётни ўрганишга илмий ёндашув берадиган тадқиқот усулларини ишлаб чиқди ва муваффақиятли қўлладилар. Айнан ана шу усуллар ёрдамида улар меркантилистларнинг «бойликнинг манбаи – савдо», физиократларнинг “бойлик фақат қишлоқ хўжалигида яратилади” деган ғояларининг тўғри эмаслигини, чекланганлигини исботладилар.

Иккинчидан, иқтисодиёт тўғрисидаги барча йиғилган билимларни классик мактаб намояндалари маълум бир илмий тизимга келтирдилар. Бу нарсага улар биринчи бўлиб иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол ўртасидаги тизимли алоқани тадқиқ этгани сабаб бўлди.

Учинчидан, инглиз классиклари иқтисодий ҳодисаларнинг кўзга кўринган томонларини тадқиқ қилиш билан чекланиб қолмадилар. Улар ушбу ҳодисаларнинг моҳиятини, улар ўртасидаги сабаб-оқибатли алоқадорликни аниқладилар, шунингдек, капиталистик иқтисодиёт қонунларини очдилар.

Иқтисодиёт назарияси фанининг ривожланишида Сисмондининг ҳам муҳим ҳиссаси бор. У капиталистик иқтисодий механизмни танқид қилиб, сиёсий иқтисод инсон бахти йўлида социал механизмни такомиллаштиришга қаратилган фан бўлмоғи лозим деб кўрсатади. Капиталистик иқтисодий тузумни танқид қилиш билан бир қаторда ундан кўра прогрессив бўлган жамият қуриш ғояси Сен-Симон, Шарль Фурье, Роберт Оуэн каби социал утопистлар томонидан илгари сурилган эди. Улар хусусий мулкни қаттиқ танқид қилиб, уни тугатиш тарафдори эдилар.

Улардан кейин **марксизм** деб номланган назарий йўналиш

тарафдорлари ўзларининг назариясида жамият тараққиётига табиий-тарихий жараён деб қараб, ижтимоий-иқтисодий формациялар, уларнинг иқтисодий тузуми, таркибий қисмлари, вужудга келиш, ривожланиш ва бошқаси билан алмашиш сабаблари тўғрисидаги таълимотни ҳамда қўшимча қиймат назариясини яратдилар.

Иқтисодиёт назарияси предметининг янгича талқини хўжаликюритишнингбозортизимитўғрисидаги**маржинализм** деб аталган янги бир таълимотни яратди. У инглизча сўздан олинган бўлиб, сўнгги қўшилган деган маънони беради. Унинг асосчилари Австрия иқтисодий мактабининг намояндалари (К.Менгер, Ф.Визер, Бем-Баверк ва б.) бўлиб, улар томонидан қўшилган товар нафлилигининг, қўшилган меҳнат ёки ресурс унумдорлигининг пасайиб бориш қонуни деган назариялар ишлаб чиқилди. Маржинализм назарияси аниқ олинган товарга бўлган талаб ва унинг нархи ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро таъсирини таҳлил қилишда кенг қўлланилди.

Иқтисодиёт назариясининг янги йўналиши **неоклассик**, яъни янги классик деб ном олди. Бу назариянинг йирик намояндаларидан бири А.Маршалл бўлиб, у иқтисодий жараённинг функционал боғланиши ва функционал нисбатларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди, бозор мувозанатини ва нархни аниқловчи омиллар талаб ва таклифдан иборат деб қаради. Бу назарий йўналишнинг намояндаларидан бири швейцариялик иқтисодчи Леон Вальрас бўлиб, у умумий иқтисодий мувозанат моделининг нусхасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди.

Австрия иқтисодий мактабининг намояндаси Й.Шумпетер «Иқтисодий тараққиёт назарияси» (1912) номли китобида иқтисодий тизимлар ўзгаришининг ички кучларини, уларнинг ички мазмунини ва туртки берувчи кучини кўрсатишга ҳаракат қилди ва у иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч тадбиркорлик деган хулосага келди.

Иқтисодиёт назариясининг ҳозирги замон йўналишларидан бири **кейнсчилик мактабидир.** 1936 йилда инглиз

иқтисодчиси Жон Мейнард Кейнс ўзининг «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» деган китобида макроиқтисодий кўрсаткичлар: миллий даромад, капитал харажатлар, истеъмол ва жамғаришнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиб, инвестиция ва истеъмолнинг энг мақсадга мувофиқ тарзда ташкил топиши иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили деб кўрсатади. Кейнс таълимоти, яъни кейнсчилик мактаби таъсирида иқтисодиётда макроиқтисодий таҳлил йўлга қўйилди. У иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг фаол иштироки зарурлигини исботлади.

Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясининг муҳим йўналишларидан бири **монетаризм** деб аталади. Агар Кейнс назариясининг ишлаб чиқилишида марказий муаммо ишсизлик бўлган бўлса, монетаризм назариясининг асосий муаммоси ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиб бориш шароитида инфляциянинг вужудга келишидир. Ушбу ҳолат стагфляция деган ном олди. Монетаризм мактабининг асосчиси Милтон Фридмен бўлиб, унинг иқтисодиёт назариясига қўшган ҳиссаси пул назариясини янги мазмун билан бойитди. Монетаристлар товар ишлаб чиқариш жараёнига пулнинг қайта таъсир этиш механизмини, пул дастаклари ва монетар сиёсатнинг иқтисодиётни ривожланишига таъсирини чуқур тадқиқ этишди. Монетаризм пул-кредит дастаклари ёрдамида иқтисодиётни тартибга солишда ўзига хос ёндашувни вужудга келтирган назариядир.

Ҳозирги пайтда маржинализм, монетаризм, кейнсчилик ва бошқа қатор йўналишдаги иқтисодий назариялар йиғиндиси «Экономикс» номли китобда мужассамлашган бўлиб, у АҚШ, Англия ва бошқа қатор мамлакатларда дарслик сифатида ўқитилади. Рус тилидаги таржимаси орқали бизга маълум бўлган П.Самуэльсон, Р.Макконнелл ва Л.Брюларнинг китоблари унинг намуналаридир. Ҳозирда бу йўналишдаги фан бизда ва бошқа қатор МДҲ мамлакатларида «Иқтисодиёт назарияси» деб атала бошлади.

Юқорида баён этилган ва бошқа қатор назариялар таҳлили

шуни кўрсатадики, «Иқтисодиёт назарияси» фан сифатида шакллангунга қадар босиб ўтган йўл ва унда вужудга келган ғоялар, оқимлар жуда мураккаб, кўпинча бир-бирига зид ва қарама-қаршидир. Шу билан бирга айтишимиз керакки, ҳеч қайси иқтисодий мактабнинг назариялари мутлақ ва доимий ҳақиқат курсисига эгалик қила олмайди. Ҳар бир мактаб маълум даражада муаммоларга бир томонлама ёндашганлигини ёки бўлмаса баъзи бир назарий саволларни ёритишда англашилмовчиликка йўл қўйганлиги билан ажралиб туради, сабаби барча назарий оқимлар қайсидир ижтимоий гуруҳ манфаатлари нуқтаи назаридан ва ўша давр реал ҳолатидан келиб чиққан бўлиб, масалага бир томонлама ёндашувга йўл қўйилганлиги кўриниб туради. Шундай бўлсада, улар бир-бирини тўлдиради, иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг ички зиддиятларини, қонунларини маълум даражада умумлаштириб ифодалайди. Демак, жамият ўз тараққиётини белгилашда алоҳида бир назария асири бўлиб қолмаслиги керак, чуқур назарий таҳлил асосида уларнинг салбий томонларини ташлаб юбориб, рационал мағизларини олиб, улардан оқилона фойдаланган ҳолда жамият ривожланиши умуммиллий манфаатлар билан уйғунлаштирилиши зарур.

1.3. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва вазифалари

Иқтисодиёт назарияси фанининг предметини аниқлашга оид масаланинг ечими жуда мураккаб бўлиб, бу ҳақда ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам турли олимлар ҳар хил фикрлар билдириб келмоқдалар. Масалан, Аристотель бу фанга уй хўжалигини бошқариш қонунлари тўғрисидаги фан деб қараган бўлса, меркантилистлар, физиократлар ва инглиз классик иқтисодий мактаби вакиллари унга бойлик тўғрисидаги, унинг манбалари ва кўпайтириш йўллари, бойликни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш тўғрисидаги фан деб қарадилар. Кейинги пайтда мазкур фанни халқ хўжалиги,

ижтимоий хўжалик тўғрисидаги фан деб ҳам ҳисобламоқдалар. Айримлар иқтисодиёт назарияси фанини моддий ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни бошқариш қонунлари тўғрисидаги фан деб кўрсатадилар. А.Маршалл эса иқтисодиёт назарияси (сиёсий иқтисод) фанининг предмети инсоният, жамиятнинг меъёрдаги ҳаётий фаолиятини тадқиқ қилишдан иборат, деб ёзади.

Иқтисодиёт назарияси фани сиёсий иқтисод номи билан юритилган даврда қатор дарсликларда ва айрим асарларда унинг предмети моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган муносабатларни ўрганишдан иборат, деб кўрсатилган эди.

АҚШ ва бошқа баъзи бир мамлакатлардан кириб келган «Экономикс» дарсликларида (иқтисодиёт назарияси «Экономикс» деб юритилган дарсликларда) бу фаннинг предмети кишиларнинг моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоларини таҳлил қилиш, кишиларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатларини ўрганишдан иборат, деб кўрсатилган.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ва ҳозирги даврда Россия Федерациясида чоп этилаётган турли иқтисодиёт назарияси дарсликларида бу фаннинг предмети бўйича бир-бирига яқин бўлган таърифлар берилмоқда (1.1-жадвал).

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети тўғрисида билдирилган барча фикрлардан кўриниб турибдики, сиёсий иқтисодга доир дарслик ва бошқа айрим китобларда ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган муносабатларни ўрганишга алоҳида эътибор берилган бўлса, «Экономикс»да ва кейинги пайтларда Россияда чиқарилган дарсликларнинг кўпчилигида асосан кишиларнинг ресурсларга, моддий ашё ва буюмларга бўлган муносабатини, хатти-ҳаракатини ўрганишга, чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилиб, масалага тор доирада (фақат ишлаб чиқариш жараёнидаги муносабатлар)

ёки бир томонлама (фақат кишиларнинг моддий ашёларга муносабати) ёндашувга йўл қўйилган.

1.1-жадвал

«Иқтисодиёт назарияси» дарсликларида фаннинг предметига берилган таърифлар

Муаллифлари	Таъриф	Манба
М.Н.Чепурин, Киселева Е.А.	Иқтисодиёт назарияси кишиларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатини, яъни уларнинг моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳаракатларини ўрганади	Курс экономической теории: учебник / Под общ. ред. проф. Чепурина М.Н., проф. Киселевой Е.А. – 6 - исправленное, дополненное и переработанное издание. – Киров: «АСА», 2007. С.28.
С.С.Носова	Ишлаб чиқарувчи кучларнинг эришилган даражаси асосида моддий неъмат ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш бўйича кишилар ўртасида вужудга келувчи ишлаб чиқариш муносабатларининг йиғиндиси	Носова С.С. Экономическая теория. Элементарный курс: учебное пособие / С.С.Носова. - М.: КНОРУС, 2008. С.16.
Г.П.Журавлева, В.И. Видяпин	Умумий иқтисодиёт назарияси ижтимоий фан бўлиб, у чекланган ресурслар шароитида эҳтиёжларни қондириш мақсадида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида кишилар ва гуруҳларнинг хатти-ҳаракатини ўрганади	Экономическая теория (политэкономия): Учебник/ Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, акад. Г.П.Журавлевой. – 4-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2004. С.31.
В.Д.Камаев	Бойлик ва ресурсларнинг чекланганлиги, улардан самарали фойдаланиш билан яхлит ҳолдаги ишлаб чиқариш муносабатлари тизимини, ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчи сифатидаги инсоннинг хатти-ҳаракатини ўрганади.	Камаев В.Д. Экономическая теория: Краткий курс: учебник / В.Д.Камаев, М.З.Ильчиков, Т.А.Борисов-ская, 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2007. С.21.
Д.Д.Москвин	Ишлаб чиқариш муносабатларини ва уларнинг ишлаб чиқарувчи кучлар билан ўзаро таъсирини ўрганади	Основы экономической теории. Политэкономия: Учебник /Под ред. д-ра экон. наук, проф. Д.Д.Москвина. Изд. 3-е, исправл. М.: Едиториал УРСС, 2003. С.24.
Е.Ф.Борисов	Неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда таркиб топувчи кишилар ўртасидаги муносабатларни ўрганади	Борисов Е.Ф. Экономическая теория: вопросы – ответы: Учеб. пособие. – 2-е изд., перераб. и доп. М.: ИНФРА-М, 2008. С.16.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиёт назарияси фани масаланинг у томонини ҳам, бу томонини ҳам четда қолдирмаслиги, масалага бир томонлама ёндашувга ва тор

доирада қарашга йўл қўймаслиги лозим. Чунки ҳар қандай меҳнат, ҳар қандай ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, энг аввало, табиат ашёлари, моддий воситалар, пул маблағлари орқали амалга оширилади ва улардан фойдаланилади.

Шунинг учун мавжуд ресурсларга, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга, улардан унумли фойдаланишга бўлган муносабат, ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсирида ўрганилиши лозим. Бошқа тарафдан, ҳеч қандай меҳнат ёки ишлаб чиқариш алоҳида олинган киши ёки гуруҳ томонидан, бошқалар билан алоқаларсиз, муносабатларсиз амалга оширилмайди. Улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бир-бирлари билан албатта ўзаро муносабатда бўладилар ва шу муносабатга қараб ҳаракат қиладилар, ўз хулқ-атворларини, хатти-ҳаракатларини белгилайдилар.

Мана шуларни ҳисобга олиб, **иқтисодиёт назарияси фанининг предмети – иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг тўхтовсиз ошиб борувчи эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳаётий неъматларни (моддий неъматлар ва хизматларни) ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатларни, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш қонун-қоидаларини ўрганишдан иборат,** деб айтиш мумкин.

Иқтисодиёт назарияси фанининг мақсади ва вазифасини икки томонлама, яъни ҳам амалий ва ҳам назарий томонларини тушунтириш мумкин. Аксарият ҳозирги замон иқтисодий адабиётларида иқтисодиёт назариясининг тўртта асосий вазифаси ажратиб кўрсатилади:

1) билиш вазифаси – ҳар қандай фан каби иқтисодиёт назарияси ҳам фундаментал аҳамиятга эга: жамиятда инсонларнинг табиат ашёлари, бошқа моддий ашёлар ҳамда ўзаро бир-бирлари билан алоқаларида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни тадқиқ этиб, бизни ўраб турган олам тўғрисидаги фикрларимизни кенгайтиради. Айни

пайтда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва таҳлил қилиш, иқтисодиётнинг турли жабҳаларида қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларни баҳолаш учун зарур бўлган билимлар билан бойитади, иқтисодий тафаккурлаш даражасини оширади;

2) амалий вазифа – амалий иқтисодиётнинг асосий мақсади чекланган ресурслардан унумли фойдаланиб иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва шу асосда ўсиб борувчи эҳтиёжларни қондира боришдан иборат. Шу мақсаддан келиб чиқиб, чекланган турли хил ресурсларнинг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни таъминлаш, ҳар бир фаолият тури бўйича харажатлар миқдори билан эришилган самара, яъни товар ва хизматлар миқдорини таққослаш, ресурслардан унумлироқ фойдаланиш йўлларини топишдан иборатдир;

3) услубий вазифаси – иқтисодиёт назарияси фанининг ўзи, билиш услублари, таҳлили ва унинг тамойиллари, олинган хулосалар, тадқиқ этилаётган иқтисодий қонунлар ва категориялар бошқа ижтимоий тармоқ фанлари учун услубий асос бўлиб хизмат қилади;

4) ғоявий-тарбиявий вазифаси – ушбу вазифа шундан иборатки, унинг ёрдамида талабалар, мутахассислар ва иқтисодиёт илмини ўрганувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиради, миллий истиқлол ғоясини талаба ёшлар онгига сингдиради, уларни миллат манфаатлари йўлида иқтисодиётни ривожлантириш, миллий маҳсулотни кўпайтириш, миллий пул қадрини ошириш, миллий товарларни жаҳон миқёсида бозоргир бўлишини таъминлаш, мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш рухида тарбиялайди. Иқтисодиёт назарияси фани талаба ёшларга ишлаб чиқарилган моддий неъматлар ва кўрсатилган хизматларнинг инсон меҳнатининг маҳсули эканлигини тушунтириб, уларни меҳнат ҳамда чекланган ресурсларни тежаш рухида тарбиялайди.

1.4. Иқтисодий қонунлар ва категориялар (илмий тушунчалар)

Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий муносабатларда амал қиладиган иқтисодий қонунлар ва категорияларни ҳам ўрганади.

Иқтисодий қонун – иқтисодий ҳаётнинг турли томонлари, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги доимий, такрорланиб турадиган, барқарор сабаб-оқибат алоқаларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Масалан, қиймат қонуни турли товарлар ўртасидаги эквивалентликни, ўлчовдошлик каби алоқаларни ифодалайди. Талаб қонуни эса, талаб билан баҳо ўртасидаги алоқадорликни ифодалайди.

Иқтисодий қонунлар объектив хусусиятга эга бўлиб, уларнинг келиб чиқиши, амал қилиши, ривожланиши ва барҳам топиши алоҳида кишиларнинг онгига, уларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас.

«Иқтисодиёт назарияси» фани иқтисодий қонунларни қуйидаги гуруҳларга туркумлайди:

1. Умумий иқтисодий қонунлар – кишилик жамияти ривожланишининг барча босқичларида амал қилади. Масалан, вақтни тежаш қонуни, эҳтиёжларнинг тез ўсиб бориш қонуни, такрор ишлаб чиқариш қонуни, ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар хусусияти ва ривожланиш даражаси мос келиш қонуни ва бошқалар.

2. Хусусий ёки даврий иқтисодий қонунлар – инсоният жамияти тараққиётининг бир неча босқичларида амал қилади. Масалан, талаб қонуни, таклиф қонуни ва қиймат қонуни. Бу қонунлар товар-пул муносабатлари мавжуд бўлган бир неча босқичларда амал қилади.

3. Махсус, ўзига хос иқтисодий қонунлар – алоҳида олинган иқтисодий тизим шароитида амал қилади. Масалан, қўшимча қиймат қонуни.

Бу қонун бозор иқтисодиётининг энг юқори чўққиси

бўлган “капитализм” деб аталмиш тараққиёт босқичининг махсус иқтисодий қонунидир. Аралаш иқтисодиётга ўтиши билан бу қонун сўна бошлайди. Иқтисодий қонунларнинг юқорида санаб ўтилган гуруҳларини бир-биридан фарқлаш учун қуйидаги шартли расмдан фойдаланамиз (1.3-расм).



Расмдан кўринадики, кишилик жамиятининг ривожланиши бир неча босқичларни босиб ўтиб, улар 1, 2, 3, … ва ҳ.к. тартибида белгиланган. Юқорида таъкидланганидек, махсус иқтисодий қонунлар бу босқичларнинг ҳар бири учун алоҳида тарзда амал қилиб, улар мазмунан бир-биридан фарқланади. Даврий иқтисодий қонунлар эса тараққиётининг бир неча (бизнинг расмда 3 та) босқичи учун тегишли бўлади ва уларда амал қилади. Умумий иқтисодий қонунлар кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларини қамраб олиб, уларнинг ҳаммасида амал қилади. Масалан, такрор ишлаб чиқариш қонуни, меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориш қонуни ва ҳоказо.

Иқтисодий қонунларнинг ҳар қайсиси ўзича амал қилмайди, балки улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқликда амал қилади, уларнинг бири иккинчисини тақозо этади. Шунинг учун уларни биргаликда иқтисодий қонунлар тизими деб юритилади. Иқтисодий қонунлар ёки уларнинг тизими ўзгармас нарса эмас, балки улар маълум бир тарихий шароитда вужудга келади, ривожланади ва маълум шароитда йўқ бўлиб кетади. Масалан, қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонунлари, натурал ишлаб чиқариш даврида амал

қилмаган. Товар ишлаб чиқариш ва пул орқали айрибошлаш ривожланган даврдан бошлаб амал қилмоқда. Бир замонлар келиб, ишлаб чиқаришнинг товар шаклидан бошқа шаклига ўтилса, бу қонунлар йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Иқтисодий қонунлар билан бир қаторда иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий жараёнларнинг алоҳида томонларини тавсифлайдиган иқтисодий категория (илмий тушунча)ларни ҳам таърифлаб, уларнинг мазмунини очиб беради.

Иқтисодий категория – барқарор такрорланиб турадиган, иқтисодий жараёнлар ва реал ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунча.

Иқтисодий категория (илмий тушунча) лар алоҳида кишилар томонидан ўйлаб топилмаган, балки реал иқтисодий ҳодисаларни ифода этадиган илмий тушунча бўлиб, илмий фикрлаш тафаккур маҳсулидир. Масалан, товар, пул, бозор, капитал, ишчи кучи, иқтисодий мувозанат, молия, кредит ва бошқалар шулар жумласидандир. Иқтисодий қонунлар билан иқтисодий категорияларнинг фарқи шундаки, биринчиси иқтисодиётнинг турли бўғинлари, соҳалари, бўлаклари орасидаги боғлиқликни, уларнинг бири ўзгарса, албатта иккинчиси ҳам ўзгариши мумкинлигини кўрсатади. Иқтисодий категория (илмий тушунча) лар эса иқтисодий ҳодисаларнинг бир томонини, унинг мазмунини ифода этади. Масалан, нарх, талаб деган тушунчалар орқали биз энг аввало бу тушунчаларнинг иқтисодий мазмунини тушуниб оламиз. Талаб қонуни орқали эса, талаб ҳажми билан нарх ўртасидаги алоқадорликни билиб оламиз.

Умуман олганда, иқтисодий қонунлар ва категориялар бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Улар биргаликда иқтисодий тараққиёт жараёнларини акс эттиради.

1.5. Иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг усуллари

Ҳақиқий фаннинг амалда вужудга келиши фақатгина тадқиқот предметининг шаклланиши билан эмас, шу билан бирга унинг билиш услубиятининг қарор топиши, такомиллашиб бориши билан ҳам боғлиқдир.

Реал иқтисодий жараёнларда илмий изланиш ва таҳлилларни амалга ошириш, республикамизнинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидаги саъйи-ҳаракатлари ва уларнинг натижаларини баҳолаш учун ҳам иқтисодиёт назариясининг илмий тадқиқот усуллари ва услубиятидан хабардор бўлиш, иқтисодий тафаккурлаш имкониятларига эга бўлишни тақозо этади.

Услубият – бу илмий билишнинг тамойиллари тизими, йўллари, қонун-қоидалари ва аниқ ҳадисларидир. Бу объектив реалликни билиш диалектикаси, мантиқи ва назариясини ўз ичига олувчи бир бутун таълимотдир. Услубият умумилмий тавсифга эга, лекин ҳар бир фан ўзининг предметидан келиб чиқиб, ўзининг илмий билиш усулларига эга бўлади. Шунинг учун услубият умумилмий ва айни вақтда хусусий бўлади.

Диалектик усул қоидалари илмий билишнинг умумий усули бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиёт назариясида қўлланиладиган бу тамойилларнинг айримлари қуйидагилардир:

1) иқтисодиёт бир-бири билан алоқада, чамбарчас боғлиқликда, зиддиятда, ўзаро таъсир қилиб турадиган турли бўғинлардан, бўлаклардан иборат яхлит бир жараёнки, у доимо ҳаракатда, ривожланишда, мазмун ва шакл жиҳатдан ўзгариб турадиган ички ва ташқи ҳодисалар билан алоқада бўлади;

2) иқтисодий жараённинг ҳар бир бўлагини алоҳида олиб, унинг ўзига хос хусусиятларини, келиб чиқиш ва йўқ бўлиш сабаблари ва оқибатларини, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини, ички ва ташқи алоқадорлик ва боғлиқлик

томонларини замон ва маконда ўрганиш;

3) иқтисодий жараёнларни оддийдан мураккабгача, қуйидан юқоригача ривожланишда, деб қараш. Бу ерда сон жиҳатидан ўзгаришлар тўплана бориб, сифат жиҳатидан ўзгаришга олиб келишини ҳисобга олиш зарур.

4) ички қарама-қаршиликлар бирлигига ва уларнинг ўзаро курашига ривожланишнинг манбаи сифатида ёндашиш.

Иқтисодий фаолиятлар, ҳодиса ва жараёнлар табиий, моддий, шахсий омиллар ва пул маблағлари каби омилларга таянган ҳолда кечади, бу омиллар ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳамда зиддиятда бўлади ва бир-бирига таъсир кўрсатади, улар доимо сифат ва миқдор жиҳатдан ўзгариб туради, турли даврларда турлича ижтимоий шаклга эга бўлади, эски иқтисодий қонунлар, тушунчалар ўрнига янгилари пайдо бўлади. Ана шулар ҳисобга олинса, бу фан учун диалектика қоидаларини қўллашнинг қанчалик зарурлиги ва муҳимлиги дарҳол намоён бўлади. Шу билан бирга, иқтисодиёт назарияси фанининг ўзига хос тадқиқот усуллари ҳам мавжуддир, улардан энг муҳими илмий абстракциядир. Иқтисодий жараёнларнинг моҳияти ўзгаришини ўрганишда микроскоплардан, кимёвий лабораториялардан фойдаланиб бўлмайди, бунда абстракция кучи ишга солинади.

Илмий абстракция усули – тафаккур ва таҳлил пайтида халал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ҳодисаларни фикрдан четлаштириб, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътиборни қаратишдир. Бу усул ёрдамида ўрганилаётган воқеа ва ҳодисанинг ички, кўзга кўринмайдиган моҳияти, унинг асл мазмуни билиб олинади.

Аслида ҳар бир иқтисодий жараён ёки ҳодиса ўнлаб омилларнинг таъсири остида рўй беради. Мазкур жараён ёки ҳодисанинг чуқур мазмунини очиб бериш мақсадида ҳар бир омилни ўрганиш, бир томондан, ўта мушкул ва сермашаққат ҳисобланса, бошқа томондан, у қадар муҳим бўлмаган жиҳатларни ҳам юзага чиқариб, тадқиқотчини воқеанинг асл моҳиятидан чалғитади. Шунга кўра, тадқиқотчи учун жараён

ва ҳодисаларни илмий таҳлил қилишда биринчи даражали, аҳамиятли ва асосий омилларни ажратиб олиб, диққат марказини шунга қаратиш муҳим ҳисобланади. Бу ҳаракатлар амалда тадқиқотчининг онгида, фикран ва мунтазам равишда содир бўлади. Айнан шу жараён илмий абстракциялашдир.

Илмий абстракциялаш натижасида ҳодиса ва жараёнларнинг энг умумий хусусият ва алоқаларини намоён этувчи илмий тушунча – категориялар ишлаб чиқилиши мумкин. Масалан, дунёда ишлаб чиқарилаётган миллионлаб турлича товарларнинг ташқи хоссаларидаги кўплаб тафовутлардан абстракциялашган ҳолда, биз уларни ягона иқтисодий категория – товар тушунчаси орқали ифодалаймиз. Бунда турли товарларни бирлаштирувчи энг асосий жиҳат – бу сотиш, айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот эканлигини қатъий эътироф этамиз. Бироқ, илмий абстракциялаш учун тадқиқотчи муайян ҳодиса ва жараённинг мазмун-моҳиятига оид билимлар билан етарли даражада қурольланган бўлиши лозим. Акс ҳолда, у асосий ва иккиламчи даражали омилларни тўғри ажрата олмай, пировардида нотўғри хулоса чиқаришига олиб келади.

Илмий билишнинг муҳим усулларидан яна бири – таҳлил ва синтез усулидир. Таҳлил ва синтез деярли барча фанлар учун самарали қўллаш мумкин бўлган усуллардан бири ҳисоблансада, унинг иқтисодий фанлар учун аҳамияти жуда беқиёсдир.

Таҳлил – бу ўрганилаётган бир бутунни алоҳида қисмларга ажратиш ва уларни изчиллик билан ўрганиш. Тадқиқотчи воқеа-ҳодисанинг моҳиятини чуқур англаши, у ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши учун унинг ички таркибий қисмларига кириб бориши зарур. Бу эса тадқиқот объектини алоҳида таркибий қисмларга ажратиш ва уларни изчиллик билан ўрганиш орқали амалга оширилади. Мисол учун, биз Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш суръати 2015 йилда ўтган йилга нисбатан 8 фоизни ташкил этганини биламиз. Бундай ўсиш суръатига нималар ҳисобига эришилганини аниқ

тасаввур қилиш учун эса фақат таҳлилий жараёнлар орқали эришамиз. Яъни, ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш, даромадлар ва харажатлар, мулкчилик шакллари, тармоқлар ва минтақалар бўйича таркибий қисмларини алоҳида ажратиб олиш ва уларни ўрганиш орқали ўсиш суръатининг манба ва омиллари, уни янада оширишнинг имкониятлари тўғрисида тўғри хулоса чиқара оламиз.

Синтез – бу ўрганилган қисмлардан олинган хулоса ва натижаларни бир бутун яхлит жараён деб қараб умумий хулоса чиқаришдир. Мураккаб иқтисодий тизимлар ана шу йўл билан ўрганилади, иқтисодий тизим бутунича тасвирлаб берилади.

Иқтисодий фанларда кўпинча синтездан аниқ иқтисодий кўрсаткичларни умумлаштириш орқали яхлит хулоса чиқариш жараёнида фойдаланилади. Масалан, корхоналар иқтисодий фаолияти натижаларини умумлаштириш орқали тармоқ ва соҳалар иқтисодий фаолиятига уларнинг фалияти натижаларини умумлаштириш орқали эса – миллий иқтисодиётга баҳо бериш, унинг умумий натижаларини аниқлаш мумкин. Шу билан бирга, синтез усули иқтисодиёт назарияси фанида кўплаб иқтисодий таълимот ва назарияларнинг илмий асосга эга бўлган, тўғри ва муҳим жиҳатларини ажратиб олган ҳолда, уларни умумлаштириш орқали янги ғоя ва назарияларни ҳосил қилиш имконини бериши билан аҳамиятлидир. Жумладан, нархнинг мазмунини, унинг нималар асосида шаклланишини илмий асосда очиб беришда қийматнинг турли назарияларини синтез қилиш усулидан фойдаланиш бунинг яққол далилидир.

Мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлиги усули. Иқтисодиёт назариясида тарихийлик далили тарихий ривожланиш нуқтаи назаридан тадқиқот олиб бориш зарурлигини тақозо қилади. Чунки иқтисодий жараёнлар тарихий жараён сифатида ривожланади. Мантиқийлик усулида жараёнлар фақатгина тарихий нуқтаи назардан эмас, шу билан бирга асосий ички зарур қонуний боғланишлар бўйича ҳам таҳлил қилинади. Масалан, биз пулнинг иқтисодий табиатини

ўрганишда унинг тарихий жиҳатлари, жумладан, қиймат шаклларининг ривожланишини кўриб чиқамиз. Бу эса, биздан тарихга, товар-пул муносабатларининг дастлабки куртаклари пайдо бўлган жамиятга назар ташлаб, ўша даврдаги иқтисодий муносабатларни таҳлил қилишни тақозо этади. Бироқ, бу ҳолат ўтмишдаги барча иқтисодий муносабатларга эмас, балки айнан пулнинг дастлабки асослари билан мантиқий боғланган муносабатларгагина тааллуқлидир.

Пулнинг келиб чиқиш сабаблари, шаклланиш жараёнлари пухта ўрганилгандан кейин мантиқ ва тафаккурлаш кучи ишга солиниб, унинг ҳозирги даврдаги асл мазмуни, вазифалари хусусиятлари билиб олинади. Шундагина пулнинг кенг ва чуқур мазмунга эга бўлган объектив тарихий категория эканлиги маълум бўлади.

Фойдаланилаётган усуллар ичида **эксперимент** усули маълум ўрин эгаллайди, иқтисодий ўсишнинг кескин ўзгариши босқичларида, жумладан иқтисодиётнинг инқироз ва беқарорлик босқичларида экспериментдан кенг фойдаланилади. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш пайтида эксперимент алоҳида ўринга эга. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун пухта тайёргарлик кўриш, яъни илмий тажриба, эксперимент ўтказиш ҳисоб-китоб воситасига асосланиш ва илмий йўналишларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Иқтисодиёт соҳасида ўтказиладиган экспериментларга эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш, муайян иқтисодий тадбирларни алоҳида корхона ёки ҳудудларда синовдан ўтказиш кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Жумладан, Ўзбекистонда зарар кўриб ишловчи ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларга айлантириш жараёни дастлаб Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида тажрибадан ўтказилиб, кейинчалик бошқа туман ва вилоятларда босқичма-босқич амалга оширилганлигини ҳам иқтисодий эксперимент сифатида баҳолаш мумкин.

Макроиқтисодий ва микроиқтисодий таҳлилни қўшиб олиб бориш. Микроиқтисодий таҳлилда иқтисодиётнинг

бошланғич бўғини бўлмиш корхона, фирма ва фермер хўжаликларининг ички жараёнларини алоҳида иқтисодий субъектларнинг хатти-ҳаракати, хулқи тадқиқ қилинади. Бу таҳлилда алоҳида олинган товарларнинг харажатлари, капитал ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг, нарх ташкил топишининг, иш ҳақи тўлашнинг, талаб ва таклиф таркиб топишининг шакл ва механизмларини ўрганиш марказий ўрин тутади.

Макроиқтисодий таҳлил макро даражада (мамлакат ёки жаҳон миқёсида) миллий иқтисодиётнинг тўлалигича фаолият қилиши тадқиқоти билан шуғулланади. Миллий маҳсулот ялпи ички маҳсулот динамикаси нархлар даражасининг ўзгариши, инфляция, ишчи кучининг бандлиги масалалари бу таҳлил объекти бўлиб ҳисобланади. Микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт ўзаро боғланган ва бир-бири билан ўзаро таъсирда бўлади.

Индукция ва дедукция бир-бирига қарама-қарши бўлган, аммо ўзаро боғлиқликдаги фикрлаш усулидир. **Фикрнинг хусусий фактлардан умумий фактларга қараб ҳаракати индукция, аксинча, умумий фактлардан хусусий фактларга томон ҳаракати дедукция деб аталади.** Мисол учун, биз «А» корхонадаги ишчилар иш ҳақининг оширилганлиги, бошқа шароитлар ўзгармагани ҳолда, меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келганлигининг гувоҳи бўлдик, деб фараз қилайлик. Бундан, бутун иқтисодий тизим учун тегишли бўлган «ишчилар иш ҳақининг оширилиши, бошқа шароитлар ўзгармагани ҳолда, меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади», деган умумий хулоса чиқаришимиз индукциядир. Аксинча, бундай назарий қоидани олдиндан билган ҳолда, унинг турли тармоқлар, алоҳида корхоналардаги амал қилиш ҳолатини аниқлашимиз ва баҳолашимиз дедукцияни англатади.

Иқтисодий жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилишда **икки томонлама ёндашув усули** муҳим ўрин тутади. Бунда барча иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар бир-бирига қарама-қарши

турган икки томон бирлигидан иборат деб қаралади. Масалан, товар қиймати ва нафлиликнинг бирлигидан иборат деган нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ва хулоса чиқарилади. Акс ҳолда бир томонламаликка йўл қўйилиб, янглиш тасаввурга ва нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин[9].

Иқтисодий жараёнларни миқдорий жиҳатдан таҳлил қилишда **таққослаш, статистик, математик ва график усулларидан** кенг фойдаланилади. Айниқса, ҳозирги даврда график усулни кенг ўзлаштириш ва қўллаш зарурдир. Графиклар назария моделларини ифодалашда воситачи бўлиб хизмат қилади. Аниқроқ қилиб айтганда, график усул ўзгарувчи миқдорлар ўртасидаги боғлиқликни кўргазмали қилиб тасвирлайди.

Бу усуллар ёрдамида иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг мазмунини, улардаги ўзгаришларни, келиб чиқиш сабаб-оқибатларини билиш мумкин бўлади.

Хулосалар

1. Иқтисодиётнинг бош масаласи – эҳтиёжларнинг тўхтовсиз ўсиб бориши ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги ўртасидаги зиддият ва уни ҳал қилиш йўлини излаб топишдан иборатдир. Бу зиддиятли ҳолатни ечиш зарурияти кишилар олдига қуйидаги муаммоларни қўяди:

а) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг оптимал вариантларини (энг зарур ва тежамли турларини) танлаб олиш ва ресурсларни кўпроқ ишлаб чиқаришга жалб қилиш;

б) мавжуд ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш;

в) фан-техника ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиб, янги энергия, материал, хомашё турлари, уларнинг

[9] Бу усулнинг назарий ва амалий жиҳатлари ва уни қўллашнинг аҳамияти проф. Ш.Шодмонов, доц. Г.Баубекова «Инновационные методы в преподавании экономической теории»; Ш.Шодмонов, М.Рахматов. “Иқтисодиёт назарияси фанининг икки чигал тугуни ва унинг ечими”. Монография. - Тошкент: Иқтисодиёт, 2019. номли китобларида батафсил баён этилган.

манбаларини топиб, фойдаланишга жалб қилиш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига эришиш;

г) кишиларнинг чуқур иқтисодий билимларга эга бўлиши.

2. «Иқтисодиёт назарияси» фан сифатида шакллангунча босиб ўтган йўл ва унда вужудга келган ғоялар, оқимлар жуда мураккаб, кўпинча бир-бирига зид ва қарама-қаршидир. Шундай бўлсада, улар бир-бирини тўлдиради. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, ҳеч қайси иқтисодий мактабнинг назарияларини мутлақ ва доимий ҳақиқатга эга деб бўлмайди. Турли-туман фикр ва қарашлар оламидан ҳақиқатни излаб топиш чуқур иқтисодий билим ва тафаккурни тақозо этади.

3. «Иқтисодиёт назарияси» фани барча иқтисодий фанларнинг назарий-услубий асосидир. У фундаментал фан бўлиб, инсонларни жамиятнинг иқтисодий асосларини илмий тадқиқ этишга йўналтиради, уларни назарий-услубий билим билан қуроллантиради.

4. Иқтисодиёт назарияси жамият тараққиётининг иқтисодий қонунлари ва категориялари тўғрисидаги фан бўлиб, у турли ижтимоий-гуманитар фанлар билан чамбарчас боғлиқдир.

5. Иқтисодиёт назарияси нафақат назарий фан, балки у бевосита амалий аҳамият ҳам касб этади. Иқтисодиёт назариясини билмай туриб, мураккаб иқтисодий жараёнларни тўғри ҳал қилиб бўлмайди.

6. «Иқтисодиёт назарияси» фани доирасида инсон ва жамиятнинг яшаши ҳамда фаолиятининг ижтимоий, иқтисодий ва тарихий томонларини тадқиқ қилиш ва билиш мумкин.

7. Иқтисодиёт назарияси фанининг билиш, амалий, услубий ва ғоявий-тарбиявий вазифалари мавжуд. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ватанпарварлик, миллий ғурур, янгиликка интилиш, тежамкорлик рухида тарбиялашда иқтисодиёт назарияси фанининг ғоявий-тарбиявий вазифасининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Асосий таянч тушунчалар:

Иқтисодий фаолият – чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, кишиларнинг яшаши, камол топиши учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган, бир-бири билан боғлиқликда амал қиладиган турли-туман фаолиятлар мажмуи.

Иқтисодиёт – мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган хўжаликлардан, хўжаликлараро, давлатлараро бирлашмалар, корпорациялар, концернлар, қўшма корхоналар, молия ва банк тизимларидан, давлатлар ўртасидаги турли иқтисодий муносабатлардан иборат ўта мураккаб тизим.

Ишлаб чиқариш – кишилик жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни яратиш жараёни.

Тақсимот – ишлаб чиқариш омиллари ва унинг натижаларини иқтисодиётнинг турли қисм ва субъектлари ўртасида тақсимлаш жараёни.

Айирбошлаш – жамият аъзоларининг иқтисодий фаолият турлари ёки ишлаб чиқариш натижалари бўйича ўзаро алмашиш жараёни.

Истеъмол – эҳтиёжларни қондириш мақсадида маҳсулот ва хизматларнинг ишлатилиши жараёни.

Эҳтиёж – инсоннинг яшаши ва камол топиши, умуман инсониятнинг ривожланиши учун керак бўлган ҳаётий воситаларга бўлган зарурат.

Моддий эҳтиёж – моддий кўринишдаги неъматлар воситасида қондирилувчи зарурат.

Маънавий эҳтиёж – инсоннинг шахс сифатида камол топиши, дунёқараши ва маънавиятининг шаклланиши учун тақозо этиладиган номоддий неъмат ва хизматларга бўлган зарурат.

Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни – эҳтиёжларнинг турлари кенгайиб, миқдоран ўсиб, сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши.

Иқтисодий ресурслар – товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш истеъмол жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган барча восита ва имкониятлар мажмуи.

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети – иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳаётий неъматларни (товарлар ва хизматларни) ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш қонун-қоидаларини ўрганиш.

Иқтисодий қонун – иқтисодий ҳаётнинг турли томонлари, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги барқарор такрорланиб турадиган муҳим ички сабаб-оқибат алоқалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Иқтисодий категория – барқарор такрорланиб турадиган, иқтисодий жараёнлар ва реал ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунча.

Услубият – илмий билишнинг тамойиллари тизими, йўллари, қонун-қоидалари ва аниқ ҳадислари.

Илмий абстракция усули – таҳлил пайтида халал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ҳодисаларни фикрдан четлаштириб, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътиборни қаратиш.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Иқтисодиёт тушунчаси ва унинг бош масаласи нима?
2. Эҳтиёж нима? Унинг қандай турларини биласиз?
3. Иқтисодий ресурс тушунчасига ва унинг турларига таъриф беринг.
4. Нима учун ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш инсоннинг турли хил фаолиятлари ичида энг асосийси ҳисобланади?
5. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети нимадан иборат? У бошқа иқтисодий фанлар ичида қандай ўрин тутади?

6. Иқтисодиёт назарияси фан сифатида шаклланишида қандай илмий мактаб ва йўналишлар вужудга келган?

7. Иқтисодиёт назариясининг қандай вазифалари мавжуд? Бу вазифаларнинг бугунги кундаги аҳамияти нималарда намоён бўлади?

8. Иқтисодий қонунлар нима ва уларнинг қандай турлари мавжуд? Иқтисодий қонунларнинг иқтисодий категориялардан фарқи нимада намоён бўлади?

9. Иқтисодиёт назариясини ўрганишда қандай усуллардан фойдаланилади?

10. Макроиқтисодий таҳлил билан микроиқтисодий таҳлил ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

2-боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча босқичларида, барча мамлакатларда инсон ҳаётининг асосини моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ташкил этади. Чунки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари бўлмаса, айирбошлайдиган, тақсимлайдиган ва истеъмол қиладиган неъматларнинг ўзи бўлмайди. Ҳар қандай жамиятда инсоният истеъмолсиз яшай олмаганидек, ишлаб чиқармасдан ҳам турольмайди. Бу масала ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларининг катта муаммосига айланган. Чунки, дунёда рўй бераётган жаҳон иқтисодий инқирозлари, аҳоли сонининг ошиб бориши ва бошқа сабабларга кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулотлар миқдорининг ўсиш суръатлари сусайиши, бу кўрсаткичнинг айрим мамлакатларда сезиларли даражада пастлиги кузатилмоқда. Дунё мамлакатлари рейтингида бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон ҳам 187 та мамлакатлар ичида 134-ўринда туриши ҳам яхши кўрсаткич эмас. Агар аҳоли сонининг ошиб бориши ва ҳар бир кишининг товарлар ва хизматларга бўлган талаби ошиб боришини ҳисобга олсак, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш

ўта жиддий ва долзарб ҳаётий масала эканлиги ҳаммага аён бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз президенти ва ҳукумати мустақилликка эришган кундан бошлаб то ҳозирги кунгача ишлаб чиқариш жараёнини[10] аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг асосий манбаи ва йўли деб қараб уни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Аҳолининг ўсиб борувчи талабларини мавжуд имконият ва ресурсларимизни реал ҳисобга олган ҳолда 2030 йилгача ЯИМ ҳажмини 2 баравардан кўпроқ ошириш вазифаси қўйилгани ва мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестициялар ҳажмининг асосий қисмини ишлаб чиқаришни, унда қўлланиладиган янги техника ва технологияларни ривожлантиришга сарфланаётгани бу соҳага қаратилган катта эътиборнинг далилидир. Бунинг устига Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш”[11] вазифаси қўйилгани муаммонинг жиддийлигидан далолат беради.

Бироқ, бугунги кунда Иқтисодиёт назарияси бўйича ёзилган айрим илмий ишлар, рисолалар, дарслик ва ўқув қўлланмаларда ишлаб чиқариш жараёнининг мазмун-моҳиятини ёритиш тамомила эътибордан четда қолмоқда. Бу бир томондан, кўпгина ўқувчи ёшларнинг, жумладан, талабаларнинг маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) қаерда, кимнинг меҳнати билан, ким томонидан, қандай ишлаб чиқарилишини, уни қандай ривожлантиришни, шу соҳаларда кишиларнинг тер тўкиб қилаётган меҳнатларининг аҳамиятини тушунмасликка олиб келади, иккинчи томондан, иқтисодиётга қизиқувчи ва у билан шуғулланувчи барча кишиларнинг бутун ишлаб

[10] Ишлаб чиқариш жараёни деганда, моддий ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатишни биргаликда қаралади.

[11] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони.

чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида содир бўлаётган ишлаб чиқариш муносабатларидан бехабар қолишига сабаб бўлади, учинчидан эса, бутун жаҳонда содир бўлаётган иқтисодий инқирозларнинг туб сабабини тушунмасликка олиб келади. Холбуки инқироз ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ўзининг турлари, сифати, ҳажми бўйича талабга жавоб бермаслиги яъни муомаладаги пул агрегати яъни пул миқдори билан товарлар ва хизматлар ҳажми, турлари ва сифати ўртасидаги нисбатнинг бузилиши сабабли келиб чиқади. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш эса бундай инқирозларнинг олдини олиш омили бўлиб хизмат қилади.

Ушбу бобда бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш омиллари, унинг инфратузилмаси ва ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган иқтисодий муносабатлар ва муаммолар баёни берилади. Ишлаб чиқаришнинг омиллари ва инфратузилмаси тавсифи, мақсади ва мазмуни очиб берилади, унинг натижалари ва самарадорлиги билан боғлиқ масалалар баёни ҳам ёритилади ва «ишлаб чиқариш имкониятлари» тушунчасига ҳам ўрин ажратилади. Шунингдек, АҚШ, Европа ва Росиия каби мамлакатларда кенг тарқалган кейинги қўшилган маҳсулот нафлилиги ва унинг камайиб бориши, кейинги қўшилган меҳнат ва капитал унумдорлигининг пасайиб бориш қонуни каби ғоялар билан таништирилади, уларнинг камчилик жиҳатлари очиб берилади. Бу ерда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнининг ҳар тарафлама ривожлантирилиши, бу жараёнларни модернизациялаш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш, диверсификациялаш ҳамда мувозанатли ва мутаносибли ривожлантирилиши иқтисодий инқироздан қутилишнинг ёки унинг олдини олишнинг муҳим йўли сифатида қаралади. Ундан ташқари, 2017 йил 7 февралда мамлакатимиз Президенти Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси”нинг мазмунига, унда белгиланган ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш вазифаларини, уларни амалга оширишнинг натижаларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.

2.1. Ишлаб чиқариш омиллари ва инфратузилмаси

Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини чуқур англаш учун энг аввало, ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг таркибий қисмлари билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилувчи барча ресурслар ишлаб чиқариш омиллари дейилади. Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъий назар ишлаб чиқариш содир бўлиши учун учта омил: ишчи кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари бўлиши шарт. Бундан кўринадики, ишлаб чиқариш омиллари, иқтисодий ресурслардан фарқли ўлароқ, ўз ичига фақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бевосита иштирок этувчи ресурсларни олади. Мисол учун, иқтисодий ресурснинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланган пул ресурслари истеъмол моллари захиралари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилмаганлиги сабабли, ишлаб чиқариш омили бўла олмайди. Ишлаб чиқариш омилларининг моҳиятини янада кенгроқ тушуниш учун уларнинг ҳар бирига алоҳида таъриф бериб ўтамиз.

Ишчи кучи деб инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндисига айтилади. Ишчи кучи меҳнат қобилиятига эга бўлган кишилар учун хосдир. Лекин ишчи кучи инсоннинг ўзи эмас ёки унинг меҳнати ҳам эмас, унинг меҳнатга бўлган қобилиятидан иборатдир.

Меҳнат қуроллари деб, инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситаларга айтилади. Буларга турли хилдаги машиналар, станоклар, тракторлар, қурилмалар, ускуналар ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Меҳнат предметлари эса бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалардир. Ер, сув, хомашё ва бошқа турли материаллар меҳнат

предметининг асосий турларини ташкил этади. Меҳнат предметлари табиатда тайёр ҳолда учраши мумкин ёки олдинги даврдаги меҳнат маҳсули, яъни хомашё бўлиши мумкин. Масалан, табиатда ўсиб турган турли хил ўсимликлар, дарахтлар, ўрмонлар, ер ости бойликлари ва бошқалар табиатда тайёр учрайдиган меҳнат предмети бўлса, қазиб олинган темир, мис, қўрғошин, нефтьеь, ишлаб чиқарилган пахта ғалла сут каби маҳсулотлар инсон меҳнати ишловидан ишловидан ўтган хомашёлардир.

Меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари биргаликда ишлаб чиқариш воситалари деб юритилади. Бу эса меҳнат жараёнининг табиатидан келиб чиқади; шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш воситалари барча ижтимоий-иқтисодий тизимлар, инсоният тараққиётининг ҳамма босқичлари учун хосдир.

Ишлаб чиқариш омиллари инсоният тараққиётининг ҳамма босқичлари учун умумий бўлсада, бу омилларга турли адабиётларда турлича таъриф берилади. Жумладан, «Сиёсий иқтисод» дарсликларида ишлаб чиқаришнинг икки омили: моддий ва шахсий омиллари мавжудлиги тан олинади. Бунда меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларидан иборат ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришнинг моддий омилини ташкил этади, ишчи кучи эса унинг шахсий омили деб юритилади. Ҳозирги бозор иқтисодиётига доир кўпчилик адабиётларда эса ишлаб чиқаришнинг тўрт омили: меҳнат, капитал, ер, тадбиркорлик қобилияти тан олинади.

Бу ерда ишчи кучи билан меҳнат ўртасидаги фарқни англаб олиш жуда муҳимдир. Чунки, **меҳнат инсоннинг, тўғрироғи ишчи кучининг маълум мақсадга қаратилган фаолияти жараёни бўлиб, ишчи кучи тушунчасидан тамомила фарқланади.** Кўпгина адабиётларда эса уларга синоним (бир хил тушунча) сифатида қаралиб, бундай ҳолат кўплаб чалкашликларни келтириб чиқаради. Бизга маълумки, **ишчи кучи инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндисидир. Меҳнат эса барча**

омилларнингбиргаликдаги ҳаракати ишчи кучининг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши натижасида содир бўладиган ва маълум самара олишга қаратилган фаолиятдир.

Шунинг учун биз меҳнат деган тушунчани эмас, балки ишчи кучи деган тушунчани ишлаб чиқаришнинг омили деб биламиз ва ишлаб чиқариш омиллари ишчи кучи, капитал, табиат ва тадбиркорлик қобилиятидан иборат деб таъкидлаймиз (2.1-расм).



2.1-расм. Ишлаб чиқариш омилларининг туркумланиши.

Ишчи кучи инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти даврида инсон эмас, меҳнат жараёни ҳам эмас, балки ишчи кучи товар сифатида сотилади ва сотиб олинади. Ишчи кучининг бошқа товарлар каби қиймати ва нафлилиги мавжуддир ва бинобарин, унинг бозори ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган меҳнат бозори тушунчаси ўрнига ишчи кучи бозори, меҳнат ресурслари ўрнига ишчи кучи ресурслари дейилса тўғри ва тушунарли бўлар эди.

Капитал тушунчаси ҳам турли адабиётларда турлича талқин қилинади. Кўпчилик капитал тушунчасини тарихий тушунча деб қараб, унинг капитализмга хослигини исботлайди ва капитални ўз эгасига қўшимча қиймат келтирувчи қиймат, ўз-ўзидан кўпаювчи, ўсувчи қиймат деб ҳисоблайди. Айрим ғарб иқтисодчилари ҳам, масалан, Ж.Кларк, Л.Вальрас, И.Фишерлар капиталга даромад келтирувчи, фойда келтирувчи, фоиз келтирувчи қиймат деб қарайдилар.

Қатор ғарб иқтисодчиларининг жумладан, Д.Хайман, П.Хейне, Э.Долон, Ж.Робинсон, Р.Дорнбуш ва бошқаларнинг фикрини келтириб ва уларни умумлаштириб, проф. В.Д.Камаев ўзининг раҳбарлигида ёзилган дарслигида «ҳақиқатдан ҳам — капитал ўзидан ўзи кўпаювчи қиймат»[12] деб ёзади. Бундай фикр Д.Д.Москвин, В.Я.Иохин, А.Г.Грязнова, Е.Ф.Борисов ва бошқаларнинг раҳбарлигида нашр этилган қатор иқтисодиёт назарияси китобларида ҳам айтилади. Лекин, Америка ва Европа мамлакатларидан кириб келган «Экономикс» дарсликлари ва бошқа айрим адабиётларда капитални барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қўлланиладиган моддий воситалардан, яъни ҳамма турдаги машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, завод-фабрикалар, омборлар, транспорт воситалари ва бошқа шу кабилардан иборат деб кўрсатади, унга пул ва товарни киритмайди. Бундан кўриниб турибдики, айрим иқтисодчилар капиталистик иқтисодий тузумнинг социал моҳиятини очиш учун масалага бир томонлама қараб, ишлаб чиқариш омилларининг қийматига эътиборни кучайтирган. Иқтисодчиларнинг айримлари эса капитални бир томонлама қараб, унинг қиймат тарафини эътиборга олмасдан фақат моддий ашёвий томонини кўрсатадилар ва капитал тушунчасининг тарихийлигини эътибордан четда қолдирадилар. Шунинг учун ҳам улар уни қотиб қолган доимий, ўзгармас тушунча деб ишлаб чиқариш воситаларини (унинг фақат моддий-ашёвий томонини ҳисобга олиб) капитал деб атайдилар. Биз бу капитал тушунчасига бўлган икки томонлама ёндашувни бир танганинг икки томони, бир тушунчанинг, яъни капитал тушунчасининг икки томони: унинг бир томони моддий ва ашёвий кўриниши, иккинчи томони эса унинг қиймат кўриниши эканлигини эътиборга оламиз ва уни бозор иқтисодиёти шароитида капитал деб ишлатамиз. Биз капитал деганда ёлланма меҳнат томонидан ҳаракатга келтирилиб, ўз

[12] Қаранг: Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. 217-бет.

эгаларига даромад, фойда келтирадиган, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳаларида қўлланадиган ишлаб чиқариш воситаларини, сотишга тайёр турган товарларни, янги воситалар ва ишчи кучини сотиб олишга мўлжалланган пул маблағларини, уларнинг ашёвий томони ва қийматининг бирлигини тушунамиз. Бошқача қилиб айтганда, **«капитал» ҳам қийматга, ҳам нафлиликка эга бўлган, маълум фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган, ёлланма ишчи кучи томонидан ҳаракатга келтириладиган воситалардир.**

Ҳамма адабиётларда ерга деярли бир хил тушунча берилади, яъни **ер деганда тупроқнинг унумли қатлами, ўтлоқлар, яйловлар, сув, ҳаво, ўрмон, қазилма бойликлар, умуман табиий ресурслар тушунилади.** Маълумки, кейинги вақтларда қуёшдан, шамолдан энергия олинмоқда, ҳаводан фойдаланилмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ер деган сўз ўрнига табиат сўзини ишлатсак тўғри бўлар деб ўйлаймиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида катта эътибор бериладиган омиллардан бири тадбиркорлик қобилиятидир. **Тадбиркор деб иқтисодий ресурслар, яъни ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи ресурсларининг, табиий ресурсларнинг бир-бирига қўшилишини таъминлайдиган, ташкилотчи, янгиликка интилувчи, ташаббускор, иқтисодий ва бошқа хавфдан, жавобгарликдан қўрқмайдиган кишиларга айтилади; бу хислатлар мажмуи эса тадбиркорлик қобилияти деб юритилади.** Мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёев айтганларидек, “Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир”[13]. Ҳозирги даврда айрим адабиётларда ахборот ва унинг воситаларини, экологияни ҳам алоҳида омил деб кўрсатадилар. Бизнинг фикримизча, улар табиат ва капитал омилларида ўз ифодасини топади. Шунинг

[13] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 23 декабрь.

учун уларни алоҳида омил деб қарашга ҳожат йўқ.

Ишлаб чиқариш омиллари ҳеч қачон бир жойда қотиб турмайди, балки доимо ривожланиб ўсиб боради. Ишлаб чиқариш воситалари ҳам, ишчи кучи ҳам доимо ҳаракатда, ривожланишда бўлади. Илгариги оддий омоч-бўйинтириққа, болға ва болтага асосланган ишлаб чиқаришдан ҳозирги замон автоматлашган ишлаб чиқаришгача келиш фикримизнинг далилидир.

Ишлаб чиқариш жараёнининг содир бўлиши учун унинг омиллари билан бир қаторда инфратузилмаси маълум даражада ривожланган бўлиши зарур. Чунки, шу инфратузилма бўлмаган, ривожланмаган жойда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг кўпгина турларини амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун улар бир-бирига мос равишда ривожланиб бориши зарур.

Миллий иқтисодиётининг тараққий этишида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг роли ҳисобга олинган ҳолда унинг иқтисодий категория сифатидаги мазмун-моҳиятини чуқурроқ тушунишни ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги ўрнини аниқлаб олишни тақозо этади.

“Инфратузилма” тушунчаси лотинча “infra” – қуйи, ости ва “struktura” – тузилма сўзларидан пайдо бўлган (яъни, “остки тузилма” ёки “қўшимча” маъносида талқин қилиш мумкин). XX аср бошларида бу атама орқали қурольли кучларнинг ҳаракатини таъминловчи фронт орти иншоотлар мажмуи ифодаланган (моддий воситалар омборлари, ҳарбий базалар, полигонлар ва ҳ.к.). 40-йилларнинг ўрталаридан бошлаб мазкур тушунча ғарб иқтисодий фанидан бошлаб амалий иқтисодиётга кириб келди. У орқали саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи хўжалик тармоқлари мажмуи тушунила бошланди[14].

Юқоридаги бир қатор фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, ишлаб чиқариш инфратузилмаси деганда асосий

[14] Комаров М.П. Инфраструктура регионов мира. – М., 2006. – С.20.

ишлаб чиқариш соҳасига хизмат қилувчи, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг нормал амал қилиши учун зарур бўлган умумий шарт-шароитларни яратувчи ва таъминловчи объектлар мажмуини тушунилади.

Бундан кўринадики, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг табиати асосий ишлаб чиқаришга ёрдамчи хизматлар кўрсатувчи субъектларни мунтазам ажратиб бориш ҳамда тармоқдаги алоҳида корхоналар кўринишида ташкил этиш орқали намоён бўлади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналари асосий ишлаб чиқаришга нисбатан иккиламчи даражани намоён этиб, ўз тараққиётида доимо товар ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган бўлади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси иқтисодий тизимда такрор ишлаб чиқариш барча фазаларининг (ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол) бирлигини, унинг узлуксиз амал қилишини таъминлаб, иқтисодий тизим амал қилиши ва ривожланишининг бевосита ва мажбурий шартларидан бирига айланади.

Ишлаб чиқариш жараёни, унинг омиллари ва инфратузилмасининг бир-бири билан боғлиқлигини ва ўзаро таъсирини қуйидагича ифода этиш мумкин (2.2-расм).



2.2-расм. Ишлаб чиқариш жараёни, унинг омиллари инфратузилмасининг бир-бири билан боғлиқлиги ва ўзаро таъсири.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, унинг мутаносиб ва барқарор ўсишини таъминлаш кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланганлик даражасига боғлиқ.

Мана шу сабабларга кўра, иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида умуман инфратузилмани, хусусан ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шунга кўра, кейинги йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқариш инфратузилмасини, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мазкур йўналишга инфратузилмага алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида

“Йўл-транспорт янада ривожлантириш, иқтисодий-ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”[15] вазифалари белгиланган. Бундай алоҳида эътиборнинг бир қатор сабаблари бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодиётни тараққий эттириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратиши, мамлакатимизнинг турли минтақа ва ҳудудларида мавжуд бўлган бой минерал-хомашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятларини кенгайтириши;

2) ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиришнинг муҳим шарти ва омили ҳисобланиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириши;

3) ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилиши;

4) инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиладиган кенг кўламли соҳа ҳисобланиб, янги иш ўринларини ташкил этиш, ишчи кучи бандлигини таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш имконини бериши ва ҳ.к.

Шунга кўра, кейинги йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқариш инфратузилмасини, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Жумладан, замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, шу асосда иқтисодиётни изчил ва барқарор юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги

[15] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони.

“Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги”ги ПҚ-3794-сонли Қарори ҳамда 2020 йил 10 январдаги “2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4565-сон Қарори асосида “2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури” қабул қилинган.

Ушбу дастур асосида автомобиль йўллари, кўприклар ҳамда йўл ўтказгичларини ва бошқаларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларни ўз ичига олади. Дастурни амалга ошириш учун жами 48598,9 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Бу чора-тадбирларнинг барчаси пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ўсиши учун замин яратади.

2.2. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни

Жамиятнинг иқтисодий асосини, инсон ҳаётий фаолиятининг манбаини тушуниш учун ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини билиш зарур.

Ишлаб чиқариш жараёни – бу кишилик жамиятининг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Моддий ва маънавий неъматлар яратиш, турли хизматлар кўрсатиш жараёни кишилар иқтисодий фаолиятининг асосий томонидир.

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш, биринчи навбатда, меҳнат жараёнидир ёки бошқача қилиб айтганда, табиатдаги бор нарсаларнинг кўринишини ўзгартириб, ўзининг истеъмоли учун мувофиқ ҳолга келтириш учун қилинган меҳнат фаолиятидан иборатдир. Масалан, кишилар табиатда мавжуд бўлган ердан фойдаланиб турли хил деҳқончилик, чорвачилик

маҳсулотларини етиштирадилар. Ўрмонлардаги дарахтлардан фойдаланиб, уларнинг шаклини ўзгартириб, турли хил ёғоч буюмлар ясайдилар, уйлар қурадилар. Ер бағрида (конларда) мавжуд бўлган турли рудалар (темир, мис, рух, қўрғошин ва ҳ.к.), минерал хомашёлардан фойдаланиб, ўзлари учун зарур истеъмол буюмлари, ишлаб чиқариш воситалари яратадилар. Ана шу меҳнат жараёнида кишилар, энг аввало, табиат билан, унинг кучлари ва ашёлари билан ҳамда ўзаро бир-бирлари билан маълум муносабатда бўладилар.

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, “хомашёни жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлашнинг 3-4 босқичли тизимига ўтишимиз зарур. Бу тизимнинг маъно-моҳияти шундан иборатки, у **биринчи босқичда** хомашёни дастлабки қайта ишлаш, яъни ярим фабрикатлар тайёрлаш, **кейинги босқичда** саноат асосида ишлаб чиқариш учун тайёр материалларга айлантириш, **учинчи, якуний босқичда** эса истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни назарда тутади.

Бу борадаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳар бир турдаги бирламчи хомашё, яъни ярим фабрикатларни чуқур қайта ишлашдан тортиб, уни истеъмол учун тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган якуний босқичга қадар бутун ишлаб чиқариш жараёнини кузатиб бориш зарурати пайдо бўлмоқда”.[16]

Кишилар ўзларининг онгли, мақсадга мувофиқ унумли меҳнати билан табиат моддаларининг шаклларини ўзгартирадилар ва истеъмол учун зарур бўлган маҳсулотни вужудга келтирадилар. Меҳнат жараёнида кишилар ҳамда табиат ўртасидаги моддалар алмашинуви билан бирга инсоннинг ўзи ҳам ҳар томонлама камол топиб боради, яъни кишилар ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятини,

[16] И.Каримов. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь..

билимини оширади ва уларни амалда қўллашни кенгайтириб боради. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш жараёни истеъмол қийматларни вужудга келтириш учун мақсадга мувофиқ қилинадиган ҳаракатдир, табиат яратган нарсаларни инсон истеъмоли учун ўзлаштириб олишдир, инсон билан табиат ўртасидаги модда алмашувининг умумий шартидир, инсон ҳаётининг абадий табиий шароитидир.

Ишлаб чиқаришнинг **таркибий тузилиши** муҳим аҳамият касб этиб, у турли соҳалар, бўлинмалар, яратилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар турларини ифодалайди. Энг аввало, ишлаб чиқаришни **моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига** ажратиш лозим (2.3-расм).



2.3-расм. Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши.

Ўз навбатида моддий ишлаб чиқариш соҳаси **моддий неъматларни ишлаб чиқариш** (масалан, автомобиль, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва ҳ.к.) ва **моддий хизматлар кўрсатиш** (транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар)дан иборат бўлади.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳаси ҳам **номоддий неъматларни ишлаб чиқариш** (масалан, мусиқа асарлари, бадиий ва илмий асарлар, ихтиро ва кашфиётлар) ва **номоддий хизматлар кўрсатиш** (ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)га ажралади. Бу соҳалар бир-

бири билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланади ва бир-бирига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида моддий товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ЯИМдаги мутлақ миқдори ва нисбий улуши ҳисобга олинади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаси ўз навбатида икки бўлинмадан иборат бўлиб, биринчи бўлинмада **ишлаб чиқариш воситалари** (станок, машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, хомашё ва турли материаллар) яратилса, иккинчи бўлинмада эса **истеъмол буюмлари** ишлаб чиқарилади.

Биринчи бўлинмада ишлаб чиқаришдан чиққан товарлар шу йилнинг ўзида иккинчи бўлинмада ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқариш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин, иккинчи бўлинмада яратилган товарлар ва номоддий соҳа хизматлари ўз навбатида биринчи бўлинма учун зарурдир. Шунинг учун улар ўртасида доимо товар айирбошлаш ва бошқа иқтисодий алоқалар содир бўлиб туради.

Сарфланаётган меҳнат икки хил тавсифга эга бўлганлиги учун ҳар қандай маҳсулот, шу жумладан, бозор шароитидаги ёки унга ўтиш давридаги меҳнат маҳсули ҳам икки хил хусусиятга эга: истеъмол қийматига, яъни маълум бир нафлиликка ва қийматга эга бўлиб, жонли ва буюмлашган меҳнат сарфининг маълум миқдорини ўзида мужассамлаштиради. Бу товарнинг ўзаро боғлиқ ва ҳамиша бир-бирини тақозо қиладиган икки томонидир (бу ҳақда кейинги бобда батафсилроқ тўхталамиз). Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш жараёнига ҳамиша унинг пировард мақсади билан биргаликда қаралади. Ишлаб чиқаришнинг мақсади чекланган ресурслардан унумли фойдаланиб, кишилар эҳтиёжини қондириш экан, унинг самараси товар ва хизматларнинг натурал ва қиймат жиҳатдан ўсишида, кўпайишида кўринади. Шу нуқтаи назардан олганда ишлаб чиқариш жараёни ҳамиша нафлиликни, яъни истеъмол қийматини яратиш, кўпайтириш ва қийматларнинг ўсиш жараёни ҳисобланади, унинг асосий мақсади эса, истеъмол

қийматини, яъни нафли товарни яратишдан иборат бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда кишилар эҳтиёжини қондиришга қаратилиши ва шунга зарур бўлган сифат ва миқдорда нафлиликни яратишни бош мақсад қилиб қўйиши унинг ижтимоий йўналишини ифода этади. Лекин бу умумий ижтимоий йўналиш аниқ кишиларнинг, тадбиркорларнинг манфаати билан боғлангандагина амалга ошади. Бозор иқтисодиёти шароитида ёки унга ўтиш даврида ҳар бир мулк эгаси ёки тадбиркор маълум миқдорда фойда олишни, сарфланган воситаларига, пул маблағларига нисбатан кўпроқ қийматга эга бўлишни мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни бир томондан, нафлиликни яратиш жараёни бўлса, иккинчи томондан, қийматнинг ўсиш жараёни бўлиб ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, бир томондан истеъмол қийматини (нафлиликни) яратиш ва кўпайтиришдир, иккинчи томондан, моддий воситалар ва меҳнатнинг сарфланиши, янги қийматнинг яратилиши, бошқача қилиб айтганда, қийматнинг ўсиш жараёнидир. Бу ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама хусусиятидир.

Масалан, тадбиркор ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 10 млн. сўмлик пахта толаси сотиб олди, дейлик. Толадан ип йигириш учун қўлланилган асосий воситалар амортизацияси, энергия, ёнилғи ва бошқа харажатлар 4 млн. сўмни, иш ҳақи 3 млн. сўмни ташкил этиб, 3 млн. сўмлик қўшимча маҳсулот яратилиб, уни тадбиркор фойда сифатида оладиган бўлса, яратилган маҳсулотнинг қиймати 20 млн. сўмни, қўшилган қиймат 10 млн. сўмни, янги яратилган қиймат 6 млн.сўмни ташкил этади. Агар (4 млн. сўм + 10 млн. сўмни) олдинги яратилган қиймат деб ҳисобласак, у 6 млн. сўмга кўпайиб 20 млн. сўмга етади. Бу 20 млн. сўм ҳам нафлиликнинг ҳам қийматнинг ўсишини ифодалайди.

Агар биз 8 млн. сўмлик қўшилган қийматдан 2 млн. сўмини амортизация, энергия ва бошқалардан иборат моддий

харажатлар, яъни олдиндан яратилган қийматлар деб қарасак, 6 млн. сўмлик қиймат, яъни 4 млн. сўмлик иш ҳақи ва 2 млн. сўмлик фойда шу ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил қилинган янги қиймат ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама табиатини қуйидагича ифода этишимиз мумкин (2.4-расм).



2.4-расм. **Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама табиати.**

Ишлаб чиқариш жараёнини икки томонлама таҳлил қилиб ўрганиш унинг мазмунини тўғри тушуниш имконини беради ва турли хил чалкашликлар, мунозарали тортишувларга чек қўяди. Жумладан, шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган ишлаб чиқариш воситалари қиймати кўпаймаган ҳолда, қанча қийматга эга бўлса шунча қиймат аниқ меҳнат билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматига ўтказилади. Лекин ишлаб чиқаришнинг охирида қиймат ошиқча бўлиб чиқади. Бу ишчи кучи томонидан яратилган янги қиймат эвазига содир бўлади. Янги қиймат фақат ишчи кучи томонидан жонли абстракт меҳнат билан яратилади.

Ишлаб чиқариш воситалари нафлиликни яратишда тўлиқ қатнашади, қийматнинг ташкил топишида эса қисман, яъни унинг ейилган (истеъмол қилинган) қисми қатнашади. Бу

ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган айрим табиий кучлар (масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда тупроқ унумдорлиги, қуёш ва шамол энергияси) қийматга эга эмас, шунинг учун улар товарнинг нафлилигини ҳосил қилишда омил сифатида тўлиқ қатнашсада, лекин қийматнинг ташкил топишида, унинг кўпайишида умуман қатнашмайди (2.5-расм).



2.5-расм. Товар ва хизматлар нафлилиги ва қийматининг яратилишида ишлаб чиқариш омилларининг роли.

Демак, ишлаб чиқарилган товарларнинг нафлилигини яратишда ҳар учала омил: табиат, капитал, ишчи кучи тўлиқ қатнашади, қийматнинг ташкил топишида эса меҳнат тўлиқ , капитал қисман қатнашади, табиат эса умуман қатнашмайди. Бу нарсани билиш, муҳим назарий ва услубий аҳамиятга эга бўлиб, қиймат ёки нафлиликнинг ўсишида қайси омил муҳим роль ўйнашини билиш имконини беради ва шу билан бирга турли хил бехуда мунозараларга чек қўйилади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама табиати унинг натижаларининг ҳам икки томонлама тавсифи борлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш жараёнининг даражаси бир жойда тўхтаб турмайди, доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлади ва унинг натижаси ҳам кўпайиб боради.

2.3. Хизмат кўрсатиш ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми сифатида

Хизмат кўрсатиш жараёни ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисми ва муҳим йўналишидир.

Шунинг учун ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатларида хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш эвазига ялпи ички маҳсулот ҳажмини кўпайтириш аҳолининг турмуш даражасини оширишга эришилмоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида ишчи кучининг 70 фоиздан ортиғи ушбу соҳада фаолият юритишмоқда. Айрим маълумотларга кўра, АҚШ ялпи ички маҳсулотида хизматлар соҳасининг улуши 78 фоиз, Японияда 72 фоиз, Германияда 69 фоиз ва Россияда 60 фоизни ташкил қилмоқда.[17]

Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳаларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва уни интенсив ривожлантиришнинг аниқ йўлларини излаб топиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан – “Саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди”[18] – дея таъкидланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да - “Хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини, энг аввало, хизматларнинг замонавий, технологик турларини

[17] Ю.Иванов. Доля сферы услуг в ВВП России. –М.: Вопросы статистики. 2017 й. №3.

[18] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлиса мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

тубдан ўзгартириш”[19] лозимлиги белгилаб қўйилиши ушбу соҳанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нақадар катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ҳаммамизга маълумки, собиқ иттифоқ даврида унинг таркибига кирувчи барча республикалар, жумладан, Ўзбекистонда ҳам нашр қилинган иқтисодий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳеч қандай қиймат, маҳсулот ва даромад яратилмаслиги тўғрисидаги нотўғри назариялар мавжуд эди. Ўша даврда уларнинг фикрича, фақатгина моддий ишлаб чиқариш соҳаларида маҳсулот яратилади ва у барча даромадлар, шу жумладан, жамият миллий даромадининг асосий манбаи, деб ҳисобланган. Хизмат кўрсатиш соҳасида эса ҳеч қандай маҳсулот яратилмайди ва у жамиятнинг моддий бойлигини кўпайтирмайди, деб ўйлашган.

Бундай нотўғри ғоянинг асосчиси инглиз иқтисодчиси А.Смит бўлиб, унинг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари” номли асарида бу ғоя илгари сурилган. Ушбу нотўғри концепция фақатгина илмий ғоя сифатида эмас, балки кўпгина мамлакатларнинг, жумладан, собиқ СССРнинг ҳам иқтисодий ва статистик амалиётининг асосини ташкил қилди. Ушбу ғояга асосан хизмат кўрсатиш соҳаларининг маҳсулоти миллий маҳсулот ҳажми ва таркибида ҳисобга олинмас эди.

Ривожланган мамлакатларнинг аксарияти ушбу концепциянинг нотўғри эканлигини биздан кўра анча илгари тушунишди ва ўз иқтисодий амалиётида миллий маҳсулот ҳажми ва таркибини ҳисоблаш жараёнида хизматлар соҳасининг маҳсулотларини ҳисобга оладиган бўлишди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин (1993 йилдан бошлаб) босқичма-босқич миллий ҳисоблар тизимига ўтишни бошлади ва шундан кейингина ЯИМ таркибида хизматлар соҳасининг маҳсули ҳисобга олинадиган бўлди.

ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг маҳсулини

[19] “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

ҳисобга олишнинг тўғри ва зарурлигини тушунишда унинг назарий жиҳатларига эътибор бериш муҳим ҳисобланади. Айниқса, кўрсатилган хизматлар маҳсулининг икки томонлама табиатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган маҳсулот бошқа буюмлашган товарларга ўхшаб моддий шаклда намоён бўлмайди. Лекин, кўрсатилган хизматлар ҳам худди бошқа буюмлашган товарлар сингари икки томонлама хусусиятга эга: нафлилик ва қиймат (алмашинув қиймати). Хизмат кўрсатиш соҳаси маҳсулотининг бундай иккита ҳусусиятга эга бўлиши хизмат кўрсатиш жараёнида унга сарфланган меҳнатнинг икки ёқлама характеридан яъни, меҳнатнинг аниқ ва абстракт тавсифга эгалигидан келиб чиқади.

Хизматлар маҳсулининг нафлилиги унга сарфланган аниқ нафли меҳнат маҳсули эканлигидадир. Маълум бир самарали натижага эришиш учун муайян мақсадга йўналтирилган аниқ меҳнат ва шунга мос равишда аниқ турдаги ишлаб чиқариш воситалари, яъни, бинолар, асбоб-ускуналар, энергия, ёнилғи, хомашё ва шу кабилар сарфланади. Бундан кўринадики, ҳар бир хизматнинг тури бўйича барча сарфлар аниқ меҳнат ва аниқ моддий-буюмлашган шаклда амалга ошади.

Хизматларни икки тоифага бўлиб ўрганиш мумкин. 1. Қийматни яратувчи хизматлар; 2. Қийматни оширувчи хизматлар.

Айрим хизматлар меҳнат маҳсули сифатида моддий-буюмлашган шаклга эга бўлмайди ва аксарият ҳолатларда улар ишлаб чиқариш жараёнининг ўзидаёқ истеъмол қилинади. Масалан, врачнинг беморни даволаши, ўқитувчининг дарс бериши, сартарош ва бошқа касб эгаларининг кўрсатадиган хизматлари, ижтимоий овқатланиш жараёнидаги хизматлар ўша хизмат кўрсатилган пайтнинг ўзидаёқ истеъмол қилинади ва инсонларнинг эҳтиёжини қондиради. Бу ерда хизматларнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниш вақти бир пайтнинг ўзида амалга ошади. Бундан ташқари, хизматларнинг истеъмол қилиниши ўзидан кейин маълум бир фойдали натижалар

қолдиради. Масалан, бемор шифо топади, саводсиз киши билимли бўлади, пасажжир ёки юк ўз манзилига етади, уй ёки квартира таъмирланади ва ҳоказолар.

Шундай қилиб, аҳолининг турли хилдаги хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш жараёнида турли хил шакллардаги аниқ меҳнат ва ишлаб чиқариш воситалари сарфланади ва эвазига самарали нафлиликнинг турли хил шакллари етказиб берилади. Хизмат маҳсулотининг қиймати кўрсатилган хизматнинг самарали нафлилигига айланади.

Кўрсатилган хизматларнинг қиймати худди моддий буюмлашган товарлар қиймати каби унга сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат билан яъни, ишлаб чиқариш харажатлари (ишчи кучига тўланган иш ҳақи, ишлаб чиқариш воситалари) ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритаётган ишчилар ва хизматчиларнинг қўшимча меҳнати билан яратилган қўшимча маҳсулот қиймати билан белгиланади.

Хизматлар қиймати худди моддий буюмлашган товарлар қиймати шаклланган каби қўлланилаётган воситаларга ишчи кучига сарфланган харажатлар қиймати ва қўшимча маҳсулот қийматидан иборат бўлиб, ўз табиатига эга бўлади ва ўзининг ҳаракати жараёнида умумиқтисодий қонуниятларга бўйсунади.

Товар – “хизмат” бошқа товарлар каби ўз эквиваленти бўйича пулга алмашади, яъни пул шаклидаги худди шундай қийматга алмашади. У ҳам бошқа товарлар каби икки ёқлама хусусиятга эга бўлади.

Товар – “хизмат”нинг иккиёқлама табиатини қуйидаги 2.9-расмда тез ва осон тушуниш мумкин:

2.6-расм. Товар – “хизмат”нинг икки ёқлама табиати.

Товар – “хизмат” иккиёқлама табиатининг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш жуда катта илмий, услубий ва амалий аҳамиятга эгадир. **Товар – “хизмат” нафлилигининг** хусусияти шундаки, у яратилган вақтнинг ўзидаёқ истеъмол қилинади, у бошқа моддий буюмлашган товарлар каби узоқ муддат ҳаракатда юрмайди, сақланмайди ва жамғарилмайди. Унинг **пул шаклидаги қиймати** эса ўз ҳаракатини давом эттираверади ва у худди моддий буюмлашган товарлар қиймати каби такрор ишлаб чиқарилади ва жамғарилади. Товар – “хизмат”нинг ушбу қиймати бошқа товарларга айрбошланади, яъни хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган барча корхона ва ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган асосий ва айланма воситалар ҳамда ишчи кучини ўз товар – “хизмат”ларини сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобига сотиб олишади. Бундан ташқари, йилдан-йилга уларнинг пул ва бошқа маблағлари ошиб, кўпайиб боради. Товар – “хизмат”ларнинг иккиёқлама табиатини тушунишнинг муҳимлиги шундаки, хизматлар йил давомида яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошишида, ишлаб чиқариш кучларининг кенгайишида ва аҳолининг турли хилдаги хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришда жуда катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари, у мамлакат статистика тизими ва иқтисодиётни прогнозлаштиришда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Хизматлар соҳасининг иқтисодий тараққиётдаги салмоқли ўрнини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги йилларда иқтисодиётни диверсификациялаш ва таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, мамлакатдаги ишчи кучи бандлигини таъминлаш, аҳоли даромадларини ва турмуш сифатини оширишнинг, эҳтиёжларни қондиришнинг муҳим йўналишлари ва омилларидан бири сифатида хизматлар соҳаси ва сервисни жадал ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйича хизматлар соҳаси асосий кўрсаткичларининг динамикаси[20]

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2018	2019
Хизматлар ҳажми, трлн. сўм	**26,0**	**33,7**	**42,6**	**53,7**	**65,9**	**75,4**	**92,5**	**146,8**	**190,4**
Ўтган йилга нисбатан ўсиш, фоизда	116,1	117,2	114,7	114,4	115,1	114,0	114,5	108,4	112,5
Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми, минг сўм	911,7	1148,7	1429,1	1774,0	2141,9	2407,6	2905,6	4455,6	5668,6

Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурининг асосий вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш жараёнида, 2010-2019 йилларда бозор хизматлари ҳажми бир неча маротабага ошиб, 190,4 трлн.сўмгача кўпайди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми мазкур даврда 5668,6 минг сўмни ташкил этди (2.2-жадвал).

Аҳолитомониданҳархилтурдагихизматкўрсатиштурларига бўлган талабнинг доимий ўсиши ва давлат томонидан ушбу соҳага алоқадор инфратузилмаларни (ижтимоий, транспорт-коммуникация, савдо ва бошқалар) ривожлантириш бўйича кўрилаётган амалий чоралар хизматлар соҳасининг барча тармоқларини жадал ривожланишини таъминлади.

Ҳозирги шароитда миллий ҳисоблар тизими амал қилиб турган мамлакатларда хизматлар бир қанча гуруҳларга бўлинади. Булар қуйидагилардир:

- истеъмол соҳасида кўрсатила¬диган хизматлар;
- ижтимоий соҳада кўрсатиладиган хизматлар;
- ишлаб чиқариш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар;
- тақсимот соҳасида кўрсатиладиган хизматлар.

Инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаёти даражасини ошириш, турмуш тарзини яхшилаш ва такомиллаштиришда хизматлар соҳаси муҳим аҳамиятга эга. У моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежайди, ишчининг бўш вақтини

[20] https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2027-ozbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi

кўпайтиради, меҳнатининг ижодий мазмунини оширади, иш вақтидан ташқаридаги нооқилона харажатларни қисқартиради, инсонлар ҳаётини янада завқли ҳамда ёқимли қилади. Шу орқали Ўзбекистон аҳолисининг барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламлари ҳаётий манфаатларини юзага чиқаради.

Кейинги йиллар хизматлар соҳасида ишловчилар сони маълум бир сабабларга кўра ўсиб борди. Бу сабаблар қаторига ишлаб чиқаришдаги такомиллаштиришлар натижасида кўплаб товарлар кам ишчи кучи билан ишлаб чиқарилишини киритиш мумкин. Бу ҳолат кўплаб ишчи кучини ишлаб чиқариш соҳасидан озод қилди ва уларнинг турли хил хизматлар кўрсатиш соҳаларига ўтишига сабаб бўлди.

Мамлакатимизда хизматлар бозори хизматларнинг янги истиқболли турлари – туризм, банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация ва бошқа хизматларни ривожлантириш ҳисобидан такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютер ва шахсий автотранспорт билан таъминлашни кескин ошириш уларга кўрсатилаётган хизматларнинг тобора кўпайишига имкон яратди.

Телекоммуникация тармоқлари, компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш миллий дастурларининг амалга оширилиши, симсиз телефон алоқаларнинг ўсишига, уяли алоқа абонентлари ва Интернет тармоғига жамоавий уланиш жойлари сонининг кўпайишига олиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда, хизматлар ишлаб чиқариш истеъмолчиларнинг даромадлари даражаси, диди ва нимани афзал кўришларига қараб табақаланиб бормоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш қуйидаги бир неча йўналишлар орқали амалга оширилиши лозим:

– хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ҳамда бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар иқтисодиётида устувор ўринни эгаллайди. Хизматлар соҳасида малакали маркетолог-мутахассисларнинг етишмаслиги

кўпинча тадбиркорлар интуицияси ва таваккалчилиги ҳисобига қопланади. Бу ҳолат эса иқтисодий самарадорлик ва илмий-амалий мақсадга мувофиқликдан анча узоқ. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, назария ва амалиётда хизматлар маркетингига кам эътибор берилади ҳамда ушбу ҳолат иқтисодий назария ва хўжалик амалиётида салбий таъсир ўтказади;

– Ўзбекистонда мавжуд маҳаллий хизмат кўрсатиш корхоналарининг ривожланиши асосан тадбиркорлик ва ташкилий босқичини ўтмоқда. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг келажакдаги ҳолатини белгилаш маълум маънода хизмат кўрсатиш қувватларига бўлган талаб ўзгаришини олдиндан баҳолашга боғлиқ. Шундай экан, бу йўналишда илмий изланишларни кучайтириш, хизмат кўрсатиш корхоналари бошқарувини илмий ташкил этиш, хизмат кўрсатиш соҳасининг янада самарали фаолият кўрсатишини таъминлаб беради.

– мамлакатимиздаги корхоналар фаолиятини қўшимча молиялаш зарурияти келиб чиқмоқда. Бу вазифа кредит ташкилотларининг маблағлари эвазига амалга оширилиши мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳасини кредитлашни ҳуқуқий такомиллаштириш бу вазифани бажаришдаги асосий омиллардан бири ҳисобланади;

– Хизмат кўрсатиш корхоналарида корпоратив маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши, унинг корхона мавқеига таъсири ушбу корхонада фаолият кўрсатаётган ходимларга боғлиқ бўлади. Хизмат кўрсатиш бозорида корпоратив маданиятни шакллантириш эса бу соҳа ривожи учун хизмат қилади;

– хизмат кўрсатиш соҳасида маркетинг ёндашувини ва унинг замонавий хусусиятларини кенг жорий қилиш;

– хизматлар харажатларини режалаштириш ва молиялаштиришнинг янгича услубларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳажмларнинг ўсиши билан бирга, бозор хизматларининг

таркибий нисбатлари ҳам ўзгарди. Хизматлар умумий ҳажмида транспорт хизматлари қисқариб, янги бозор хизматларининг улуши кўпайди.

Умуман хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатда иқтисодиёт субъектлари томонидан кўрсатилган ҳар қандай хизмат турларининг икки томонлама табиатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хизматлар ҳам худди моддий товарлар сингари иккита ҳусусиятга (нафлилик ва қиймат) эга бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринларини ташкил этиш, ушбу соҳада инвестиция, солиқ, пул-кредит ва илмий-техник сиёсатни такомиллаштириш ҳамда янги ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, бозор хизматларининг тармоқ тузилмасида сифатли таркибий ўзгаришлар амалга ошириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш омиллари ҳисобланади. Ушбу омиллардан самарали фойдаланиш мамлакатимиз аҳолисига турли хилдаги хизматлар кўрсатиш ва уларни истеъмол қилишнинг оқилона тузилмасини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширилишини таъминлаш имконини беради. Бежизга “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да Республикамизда хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш учун – “...туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш, йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”[21]- белгилаб қўйилган.

[21] “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

2.4. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари

Ишлаб чиқариш жараёнида турли омилларнинг бир-бирлари билан ўзаро таъсирда бўлиши ва бирикиши асосан турли хилдаги корхоналарда амалга оширилади. Бундай корхоналар сонининг ўсиши ва йириклашуви айни пайтда иқтисодиётдаги товар ва хизматлар турлари ва ҳажмининг ўсишидан дарак беради. Жумладан, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, энг муҳими, Конституциямизда кўзда тутилганидек, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиётида товар ва хизматлар ҳажмини босқичма-босқич кўпайтиришга қаратилган.

Юзаки қараганда, ҳар бир корхонадаги (давлат, хусусий, қўшма корхона, фермер, деҳқон, томорқа хўжалиги) индивидуал ишлаб чиқариш мустақил, бир-биридан ажралган ҳолда амалга ошадиганга ўхшаб кўринади. Аммо хилма-хил товарлар ва ресурсларнинг узлуксиз оқимида индивидуал ишлаб чиқарилган товарлар ва маблағларнинг ҳаракатлари бир-бири билан қўшилиб, ўралиб-чатишиб кетади. Чунки алоҳида олинган индивидуал ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти ва айрим маблағлар, маҳсулотларнинг ҳаракати ўзаро боғлангандир. Шу сабабли, индивидуал меҳнатлар ва товарлар ҳаракатининг қўшилиб кетиши, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, жами яратилган товар ва хизматларнинг ҳаракатини билдиради. Демак, **ижтимоий ишлаб чиқариш ўзаро боғланган ва алоқада бўлган барча индивидуал ишлаб чиқаришларнинг йиғиндисидир.** Ҳар бир индивидуал ишлаб чиқариш, унинг сармояси ва ресурслари эса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ажралмас бир бўлагидир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш, яъни турли омилларнинг ҳаракати натижасида жуда кўп турдаги товарлар ва хизматлар массасидан иборат бўлган ялпи ички маҳсулот

вужудга келади. Бу яратилган маҳсулотлар мамлакатимиз аҳолисининг талабларини қондириб, уларнинг турмуш даражасини оширишга, ишлаб чиқаришни сифат ва миқдор жиҳатдан янада кенгайтиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлари изчил амалга ошириб келинмоқда.

Маълумки, ҳар йили йилнинг бошида мамлакатимизда олдинги йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг якунлари ва янги йилдаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб олинади. Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифалар амалга оширилиб, салмоқли натижа ва сезиларли ўзгаришлар қўлга киритилмоқда. Иқтисодиётнинг юқори барқарорсуръатларбиланўсишивамакроиқтисодиймувозанати ва мутаносиблиги маълум даражада таъминланмоқда, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, диверсификациялаш ишлари давом эттирилмоқда. Шуни айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда бу борадаги ишлар танқидий таҳлил қилиниб, янгича ёндашув билан билан олиб борилмоқда. Айни вақтда бу таҳлиллар юқори салоҳиятга эга бўлган корхоналарга ҳар бир турдаги маҳсулотни хомашё ва ярим фабрикат бўйича чуқур қайта ишлашнинг узоқ ва яқин келажакдаги йилларга мўлжалланган аниқ истиқболга эга бўлган мутлақо янги дастурий комплекс ёндашуви асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни талаб этмоқда. Бу кўрилган чора ва тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб келмоқда.

Саноатбарчаиқтисодиёттармоқларинижадалривожлантиришга хизмат қилади. Кейинги йилларда бу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, юқори технологияли заводлар, технопарклар, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Ўтган йили саноатда қўшимча қиймат ўсиши 10 фоиздан ошди.

Лекин диверсификация жиҳатидан қараганда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Масалан, саноатнинг 69 фоизи асосан хом ашё ёки бирламчи қайта ишлашга тўғри келади. Экспортнинг 52 фоизини рангли металлар, энергия ресурслари ва ҳўл мева ташкил этади. Бу экспортда ҳалигача тайёр маҳсулотга нисбатан хомашё устунлигини кўрсатади.

Экспорт қилинаётган товарларни юртимизда ишлаб чиқариш, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириб сотиш даражаси етарли эмас. Хусусан, миснинг атиги 25 фоизи мамлакатимизда қайта ишланиб, қолган қисми хомашё сифатида экспорт қилинмоқда. Шунингдек, рухнинг 80, молибденнинг 99, ипакнинг 88, терининг 60 фоизи хомашё тарзида экспорт қаратилмоқда[22].

Лекин кейинги йилларда мавжуд хомашёлардан фойдаланиб ишлайдиган янги ишлаб чиқариш корхоналари кўплаб қурилмоқда. 2020 йилнинг охирига бориб мамлакатимизда ҳар бири 100 мегаватт қувватга эга учта қуёш электр станциясини фойдаланишга топшириш режалаштирилган”.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда етакчи бўлган йирик лойиҳаларни ўз муддатида амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, “Навоийазот” негизида 100 минг тонна поливинилхлорид, Тошкент металлургия заводида 500 минг тонна металл прокати, Шўртан газ-кимё мажмуасида 744 минг тонна дизель ёқилғиси, Тошкент механика заводида маиший техника ишлаб чиқариш кластери, “Кварц”, “Сирдарё Гласс” ва “Зарафшон ойна” корхоналарида ойна ишлаб чиқариш лойиҳалари йилига 2,5 миллиард доллар миқдорида маҳаллийлашган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Зафаробод туманидаги «Huahin Cement Jizzakh» МЧЖ томонидан 2019 йилда цемент ишлаб чиқариш лойиҳаси учун қиймати 82,2 млн.АҚШ доллар маблағ сарфланган. Бугунги

[22]http://uza.uz/oz/politics/sanoatni-rivozhlantirish-b-yicha-vazifalar-belgilab-berildi-02-05-2019

кунда заводни қурилишида 500 нафар ишчилар ишламоқда. Магистирал йўлдан заводга борадиган йўлларга шағаллар ётқазилиб таъмирланган. Хитойдан келтирилган ускуналарни ўрнатиш, ишловчилар учун ётоқхона ва ошхона қурилмоқда, 85 фоиз қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Қуввати 1,2 млн.тоннага тенг цемент ишлаб чиқариш корхонаси жорий йилнинг март ойида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда. Корхона ишга тушгач 2020 йилда 1 трлн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.[23]

ЯИМ ҳажмини ва унинг ўсиб боришини ифодалашда уни тўғри ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эгадир. Мустақилликдан олдинги даврда собиқ СССРда ва унинг таркибида бўлган ҳозирги МДҲ давлатларида мамлакат бўйича ишлаб чиқаришда вужудга келтирилган маҳсулотлар йиғиндиси жами ижтимоий маҳсулот деб аталган. **Жами ижтимоий маҳсулот кўрсаткичида йил мобайнида яратилган моддий неъматлар йиғиндиси ҳисобга олинган, унда хизмат кўрсатиш соҳаларида вужудга келтирилган маънавий неъматлар ва хизматлар қиймати акс этмаган.** Лекин бир ишлаб чиқариш тармоғидан чиққан ҳозирги вақтда оралиқ истеъмоли деб аталмиш хомашё, материаллар, ёнилғи ва энергияларнинг қиймати бошқа босқичларда ва тармоқларда ишлатилиб, бир неча бор такрор-такрор ҳисобга олиниб, маҳсулотнинг ҳажми сунъий равишда ошириб кўрсатилган, истеъмолга бориб тушадиган тайёр маҳсулот эса ундан бир неча баробар кам бўлган (2.4-жадвал).

[23] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

2.4-жадвал

Ялпи ички маҳсулотнинг технологик босқичлар бўйича тузилиши (шартли рақамлар мисолида)

Изчил тармоқлар	Оралиқ маҳсулот (хомашё, ёқилғи)	Қўшилган қиймат				Ялпи ички маҳсу-лот	Жами ижти-моий маҳсу-лот
		Амортизация	Иш ҳақи	Солиқ ва тўловлар	Фойда		
	Истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати (c)		Зарурий маҳсулот (v)	Қўшимча маҳсулот (m)			
Пахта ишлаб чиқариш	40	30	30	20	20	100	140
Пахтани қайта ишлаш	140	40	50	25	30	145	285
Тўқимачилик	285	50	60	30	40	180	465
Тикувчилик	465	45	50	35	30	160	625
Жами	930	165	190	110	120	585	1515
	c=1095		v=190	m=230		585	1515

Жадвалдан кўринадики, жами ижтимоий маҳсулот 1515 бирликни, ялпи ички маҳсулот эса 585 бирликни ташкил этади. Демак, мамлакат миқёсида такрор ҳисобга йўл қўймаслик учун ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашда сотиб олинган хомашё, ёнилғи ва материаллар қиймати ҳисобга олинмайди, фақат қўшилган қиймат ҳисобга олинади. Аммо ҳар бир корхона ва тармоқ учун сотилган товар маҳсулоти фақатгина ялпи ички маҳсулотдан эмас, балки яратилган ялпи маҳсулотдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, жами ижтимоий маҳсулот ёки ялпи маҳсулот таркибида оралиқ маҳсулот ҳамда айрим такрорий ҳисоблар мавжуд бўлганлиги сабабли у ишлаб чиқариш натижасига тўғри баҳо бера олмайди.

Такрорий ҳисоб – бу тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг бир неча технологик босқичлардан ўтиши натижасида оралиқ истеъмоли деб аталмиш баъзи маҳсулот (хомашё, ёқилғи, материал, энергия ва ҳ.к.)лар қийматларининг такроран ҳисобга олиниши. Жадвалдаги мисолимиздан кўринадики, пахта толаси, йигирилган ип, газламанинг қийматини ташкил этувчи хомашё, ёқилғи, материал ва бошқаларнинг ишлаб чиқаришнинг турли технологик босқичларида қайта-қайта қатнашади, уларнинг

ҳисобга олиниши натижасида такрорий ҳисоб 930 бирликни ташкил этган.

Ялпи ички маҳсулот қийматини тўғри баҳолаш, унда такрорий ҳисобга йўл қўймаслик учун оралиқ ва пировард маҳсулот тушунчаларини ҳам ажратиб олиш лозим. **Оралиқ маҳсулот – бу тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгусида яна қайта ишлов берилиши зарур бўлган ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товар ва хизматлардир.** Бизнинг мисолимизда 140 бирлик пахта хомашёси, 285 бирлик пахта толаси ва йигирилган ип, 465 бирлик тўқилган газлама оралиқ маҳсулотлар бўлиб ҳисобланади. Чунки улар тикувчилик маҳсулоти (кўйлак ёки костюм) ишлаб чиқаришнинг изчил жараёнида навбатдаги босқичда қайта ишлов беришга муҳтождирлар. Айнан 625 бирлик қийматга эга тикувчилик маҳсулоти эса пировард маҳсулот ҳисобланади. Демак, **пировард маҳсулот – бу ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларидан ўтган ҳамда бевосита истеъмол учун мўлжалланган тайёр маҳсулотдир.**

Бундан кўринадики, жамият аъзоларини ишлаб чиқаришнинг умумий натижасидан кўра кўпроқ ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари қизиқтиради.

Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси бўлиб такрорий ҳисобни ўз ичига олмаган, жамият аъзоларининг эҳтиёжларини бевосита қондиришга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ва хизматлар ҳисобланади. Шунга кўра, кўпинча ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси сифатида ялпи ички маҳсулот, соф ички маҳсулот (миллий даромад) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. **Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин (1993 йилдан бошлаб) миллий ҳисоблар тизими жорий қилинди ва бунга асосан мамлакат ҳудудида яратилган маҳсулот ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) деб аталиб, шу шаклда ҳисобга олина бошланди.**

Ялпи ички маҳсулот деб мамлакатда йил давомида

меҳнат қилаётган кишилар томонидан яратилган, шу мамлакат тараққиёти ва аҳолиси фаровонлиги йўлида фойдаланадиган, бевосита истеъмолчиларга етказиладиган тайёр маҳсулотга айтилади.

Яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажми ва таркибини ҳисоблашда унинг ўзгариш динамикасини таҳлил қилишда икки томонлама – нафлилик (натурал ашёвий) ва қиймат жиҳатидан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга ЯИМнинг ўзгариш динамикасини таҳлил қилишда доимо уни такрор ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қараб, унинг уч қисмдан иборат эканлигини ва ҳар бир қисмининг функционал вазифаси борлигини ҳисобга олиш лозим.

Нафлилик (натурал ашёвий) жиҳатдан ёндашилганда, ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириш учун, биринчидан, истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларини фақат қиймат ҳолидагина эмас, балки уни моддий буюм шаклида ҳам қайта тиклаш зарур. Бунинг учун албатта мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот таркибида маълум миқдорда турли-туман ишлаб чиқариш воситалари натурал (асосий ва айланма воситалар) шаклда мавжуд бўлиши керак. Чунки бу воситаларсиз ишлаб чиқаришни такрорлаб бўлмайди. Иккинчидан, ишчи кучининг қайта тикланиши учун зарур истеъмол буюмлари мавжуд бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам моддий маҳсулотлар икки хил товар маҳсулот сифатида ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари шаклида мавжуд бўлади, бу эса ўз навбатида, иккиийирик бўлинма ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи бўлинмалар ўртасида товар айирбошлаш имконини беради. Ундан ташқари жуда кўп корхона ва ташкилотлар аҳолига турли-туман хизмат кўрсатиш билан шуғулланадики, улар меҳнатининг натижаси хизматларда намоён бўлади. Бу эса ялпи ички маҳсулотнинг муҳим қисми бўлган турли хил хизматлардан иборат эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, йил давомида мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот

нафлилик (натурал ашёвий) жиҳатидан уч қисмдан: ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари ва турли хил хизматлардан иборат бўлади. Йил давомида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни, яъни миллий маҳсулотни бундай учта кўринишга бўлиб ўрганиш ва билиш муҳим илмий, амалий ва услубий аҳамиятга эгадир. Чунки уларнинг ҳар бир тури бўйича талаб ва таклифлар ўрганилиб, талабга яраша ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконини беради.

Бу ерда шу нарсани таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари икки қисмдан: асосий ва айланма воситалардан иборат бўлади. Лекин ялпи ички маҳсулот таркибига фақат ейилган асосий воситалар қиймати киради, айланма воситалар эса қўшилмайди, улар оралиқ маҳсулотлар таркибида қолади.

Яратилган маҳсулот **қиймат жиҳатдан** ҳам уч қисмдан иборат бўлади, яъни:

1) ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган **ишлаб чиқариш воситалари қийматининг маҳсулотга ўтган қисми аммортизация фонди (АФ);**

2) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг бир қисми, яъни, ишчиларга тегишли қисми – зарурий маҳсулот қиймати (ЗМ);

3) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг мулкдорлар, тадбиркорлар ва жамият учун ишлаб чиқарилган қисми – **қўшимча маҳсулот қиймати (ҚМ)**дан иборатдир.

Ҳозирги даврдаги бозор иқтисодиётига доир адабиётларда ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самараси ўртасидаги боғлиқлик **ишлаб чиқариш функцияси** деб аталади. Масалан, ишлаб чиқариш омиллари – табиат (N), капитал (К) ва ишчи кучи (L)ни ишлаб чиқаришда қўллашдан олинган маҳсулотни М дан иборат деб фараз қилсак, ишлаб чиқариш функцияси $M = f(N, K, L)$

дан иборат бўлади. Бу формула ишлаб чиқаришга жалб қилинган омилларнинг, яъни сарфларнинг ҳар бирлиги эвазига

олинган маҳсулотни билдиради ва эътиборни кам ресурс сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олиш имкониятини қидиришга қаратади. Ундан ташқари, бу кўрсаткич ҳар бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга ва кўпайтириш мўлжалланган маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришга қанча ресурс сарфи талаб қилинишини олдиндан аниқлаш имконини беради.

Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган турли хил омиллар сарфини бирданига ёки уларнинг айрим турларини кўпайтириш йўли билан маҳсулот ҳажмини кўпайтириш мумкин. Лекин бошқа омиллар ва шароитлар тенг бўлгани ҳолда айрим омиллар сарфини ошириш йўли билан маҳсулотни чексиз кўпайтириб бўлмайди. Омиллардан фойдаланиш ва уларнинг миқдорини ошириш эвазига олинган маҳсулот уч хил ўлчанади: умумий маҳсулот, ўртача маҳсулот ва сўнгги қўшилган маҳсулот.

Умумий маҳсулот – жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш эвазига олинган маҳсулотнинг мутлақ ҳажми. Одатда корхона ёки якка тартибдаги ишлаб чиқарувчининг фаолияти энг аввало унинг умумий маҳсулоти орқали баҳоланади. Мисол учун, «А» корхонада 1 ой давомида барча мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда 100 бирлик маҳсулот яратилди, деб фараз қилайлик. Бу ўринда 100 бирлик ҳажмдаги умумий маҳсулот уни яратишга сарфланган ресурслар тўғрисида маълумот бера олмайди. Биз фақат ушбу корхона фаолиятини бошқа бир корхона фаолияти натижасига таққослаб, баҳолашимиз мумкин. Масалан, худди шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи «В» корхонада бир ой давомида 80 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, дейлик. У ҳолда, «А» корхонада «В» корхонага нисбатан 1,25 баравар кўп умумий маҳсулот ишлаб чиқарилган, деб хулоса чиқариш мумкин. Бироқ, бу маҳсулот нима эвазига, қандай сарфлар ҳисобига яратилганлигини айта олмаймиз. Бунинг учун бизга ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган омиллар тўғрисида ҳам маълумот керак бўлади. Бу маълумотлардан

фойдаланган ҳолда ўртача маҳсулотни ҳисоблаш мумкин.

Ўртача маҳсулот – жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларининг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми:.

$$\breve{У}М = М/(И, К).$$

Айтайлик, 100 бирлик маҳсулот 10 бирлик ишчи кучи, 8 бирлик капитал ва 15 бирлик табиий ресурсларни сарфлаш эвазига яратилган. У ҳолда ҳар қайси омилнинг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмини ҳисоблаймиз:

1) ишчи кучи омили бирлигига тўғри келадиган ўртача маҳсулот:

$$\breve{У}М_{И} = \frac{100}{10} = 10 \text{ бирликка тенг.}$$

2) капитал омили бирлигига тўғри келадиган ўртача маҳсулот:

$$\breve{У}М_{К} = \frac{100}{8} = 12{,}5 \text{ бирликка тенг.}$$

3) табиий ресурс омили бирлигига тўғри келадиган ўртача маҳсулот:

$$\breve{У}М_{Е} = \frac{100}{15} \approx 6{,}7 \text{ бирликка тенг.}$$

Ишлаб чиқариш натижасини баҳолашда ишлаб чиқариш омиллари навбатдаги бирлигини сарфлашнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш, яъни ҳар бир омил қўшимча сарфининг у келтирадиган самара билан таққослаш муҳимдир. Бу сўнгги қўшилган маҳсулот кўрсаткичи орқали ифодаланади.

Сўнгги қўшилган маҳсулот – энг сўнгги қўшилган омил (капитал ёки ишчи кучи) эвазига ўсган маҳсулот ҳажми.

«А» корхонада кейинги ойда бошқа ишлаб чиқариш омиллари сарфи ўзгармагани ҳолда, ишчи кучи ресурсларининг сони 2

бирликка оширилган, яъни 12 бирликни ташкил этиб, бунинг натижасида умумий маҳсулот 110 бирликка етган бўлсин. У ҳолда, ишчи кучи омилининг сўнгги қўшилган маҳсулоти 5 бирлик (10/2)ни ташкил этади.

Ҳар бир қўшилган омил эвазига олинган қўшилган маҳсулот сўнгги қўшилган омил унумдорлиги деб айтилади. Сўнгги қўшилган маҳсулот (ўсган) миқдорини сўнгги қўшилган (ўсган) ишчи кучи ёки капитал миқдорига бўлиш йўли билан қўшилган омил, яъни қўшилган капитал ёки қўшилган ишчи кучи унумдорлиги аниқланади, яъни:

$$КМ = \Delta М / \Delta К \text{ ёки } КМ = \Delta М / \Delta И .$$

Бу тушунчаларни яна бир шартли мисол аниқроқ ифодалаш мумкин (2.5-жадвал).

2.5-жадвал

Қўшилган маҳсулот ва қўшилган омиллар унумдорлиги

	1-йил	2-йил	Сўнгги қўшилган миқдор	Қўшилган омиллар унумдорлиги ΔМ/ΔО
Жалб қилинган капитал, минг сўм	120	150	30	1
Ишчи кучи (ишчилар сони, нафар)	100	120	20	1,5
Олинган умумий маҳсулот, дона	100	130	30	-
Ўртача маҳсулот:	100	130	30	-
а) минг сўм капиталга, дона	0,83	0,87	0,04	-
б) 1 ишчига, дона	1	1,08	0,08	-

Юқорида айтилганидек, алоҳида олинган омил эвазига қўшилган маҳсулот маълум даражага боргандан кейин камая бошлайди. Бу камайиш айниқса унинг ҳар бир бирлиги эвазига қўшилган маҳсулотда аниқ сезилади. Мана шу қўшилган омил унумдорлигининг пасайишига қараб маржиналистик йўналиш вакиллари **унумдорликнинг пасайиб бориши қонуни** деган қонунни кашф қилишган. Уларнинг ғояси бўйича ҳар бир кейинги қилинган харажат ёки омил олдингисига қараганда кам самара беради ва оқибатда умумий ўртача маҳсулот ҳам пасайиб кетади.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, кейинги жалб қилинган

омил ёки харажат унумдорлигининг пасайиб бориши қонуни ҳар доим ҳам амал қилавермайди. Балки у қуйидагича тўрт ҳолат мавжуд бўлган шароитдагина амал қилиши мумкин:

1) ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари ўзгармай фақат бир омил тўхтовсиз оширилганда;

2) фан-техника тараққий этмай тўхтаб қолганда ёки унинг янгиликлари ишлаб чиқаришга жалб қилинмаганда;

3) омиллар ўртасидаги миқдор ва сифат нисбатлари бузилганда;

4) шарт-шароитни ҳисобга олмасдан харажатлар хўжасизларча, кўр-кўрона амалга оширилганда.

Юқорида белгилангандан бошқа ҳолатларда бу қонун амал қилмайди.

Яратилган ялпи ички маҳсулотдан истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати чегириб ташланса, қолган қисми соф ички маҳсулот дейилади. Демак, соф маҳсулот бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда банд бўлган менежерлар, ишчилар, деҳқонлар ва мухандислар, техник ходимлар ва бошқаларнинг сарф қилинган жонли меҳнати билан яратилган зарурий ва қўшимча маҳсулотдан иборатдир.

Зарурий маҳсулот деб ишчи ва хизматчилар иш вақтининг бир қисми бўлган зарурий иш вақтида зарурий меҳнат билан яратилган, ишчи кучини нормал ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулотга айтилади. Бунга келгуси авлод ишчиларини етиштириш, яъни ишчиларнинг оиласи ва болалари учун зарур бўлган маҳсулот ҳам киради.

Соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми, яъни қўшимча иш вақтида ходимларнинг қўшимча меҳнати билан яратилган қисми қўшимча маҳсулот дейилади.

Ишлаб чиқаришнинг тизими ва мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар ҳар бир корхонада, тармоқда қўшимча маҳсулот

ҳажмини кўпайтиришга ҳаракат қилинади. У асосан уч йўл билан – ишловчилар сонини кўпайтириш, иш кунини узайтириш ва иш куни чегараси ўзгармаган ҳолда зарурий иш вақтини камайтириш эвазига қўшимча иш вақтини кўпайтириш йўли билан амалга оширилади.

Мисол учун корхонада 120 киши ишлаган бўлса ва ҳар бир киши 10 минг сўмдан қўшимча маҳсулот яратса, ҳаммаси бўлиб 1200 минг сўм қўшимча маҳсулот яратилади. Агар ишчилар сони 150 кишига етказилса (150*10минг) 1500 минг сўм қўшимча маҳсулот яратилади. Бунда қўшимча ишчилар сонини кўпайтириш эвазига қўшимча маҳсулот кўпайтирилмоқда. Агар ишчилар сони ўзгармасдан 120 киши холида қолиб иш соати 8 соатдан 10 соатга узайтирилса (10*1250 бир соатлик яратилган қўшимча маҳсулот) бир кунда бир ишчи 12500 сўм, ҳамма ишчилар эса (120*12500) 1500 минг қўшимча маҳсулот яратилади.

Бундан кўринадики, бу икки йўл билан қўшимча маҳсулотни кўпайтириш мумкин. Лекин бу икки йўл чекланган бўлиб, узлуксиз равишда ишчилар сонини кўпайтириб ҳам, иш кунини узайтириб ҳам бўлмайди. Чунки улар чекланган бўлиб, ишчилар сонини кўпайтириш корхонага қимматга тушади, иш кунини узайтириш эса ишчилар норозилигини келтириб чиқаради. Демак, қўшимча маҳсулотни кўпайтиришнинг чексиз бўлган учинчи йўлидан кенг фойдаланиш мумкин. Бу йўл ишлаб чиқаришда тўхтовсиз равишда янги техника-технологияларни қўллаш, хомашё ва энергияларнинг янги турларини топиб, улардан самарали фойдаланиш йўлларини очиш билан меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига зарурий иш вақтини камайтириш ва қўшимча иш вақтини узайтириб қўшимча маҳсулотни кўпайтириш мумкин.

Ишчилар сонини кўпайтириш ва иш кунини узайтириш йўли билан олинган қўшимча маҳсулот **абсолют (мутлоқ) қўшимча маҳсулот** дейилади.

Иш куни ўзгармаганда зарурий иш вақтини

камайтириб, қўшимча иш вақтини кўпайтириш эвазига олинган қўшимча маҳсулот эса нисбий қўшимча маҳсулот деб аталади. Масалан, иш куни давомийлиги 8 соат ҳажмида қолгани ҳолда, меҳнат унумдорлиги ва интенсивлигини ошириш ҳисобига зарурий маҳсулот яратишга сарфланиши керак бўлган вақт 4 соатдан 3 соатга туширилди, деб ҳисоблайлик. Бунда қўшимча маҳсулот яратишга сарфланган вақт 5 соатга етади, яъни нисбий қўшимча маҳсулот ҳажми ортади.

Ҳозирча бизнинг иқтисодий амалиётимизда (статистик, бухгалтерия ҳисобларида) зарурий ва қўшимча маҳсулот ҳисобланмайди. Лекин уларнинг миқдорини, ўсиши ва камайишини ҳамма даражаларида ҳисоб-китоб қилиш мумкин. Бунинг учун уларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш зарур.

Йил давомида олинган қўшимча маҳсулотлар йиғиндиси қўшимча маҳсулот массаси, унинг зарурий маҳсулотга нисбати эса (фоизда ифодаланиши) қўшимча маҳсулот нормаси деб юритилади.

Агар қўшимча маҳсулот нормасини m', массасини m, зарурий маҳсулотни v билан белгиласак қўшимча маҳсулот нормаси

$$m' = m/v \times 100\%$$

кўринишдаги формула билан аниқланади.

Мисол учун, «А» корхонанинг йил давомидаги қўшимча маҳсулот массаси 100 млн. сўм, зарурий маҳсулот ҳажми эса 250 млн. сўмдан иборат бўлсин. У ҳолда қўшимча маҳсулот нормаси 40% ни ташкил этади =(100/250)*100.

Маълумки, қўшимча маҳсулот билан зарурий маҳсулот ўртасида ҳар доим зиддият ва алоқадорлик бўлади. Уларнинг ҳар иккаласидан ҳам бутун иқтисодиётни ривожлантириш ва жамият аъзоларининг фаровонлигини ошириш мақсадлари йўлида фойдаланилади.

Баъзан даврий матбуотда ва айрим адабиётларда қўшимча маҳсулотнинг мазмунини тўғри тушунмасликдан уни қўшимча қиймат ва қўшилган қиймат билан бир хил синоним тушунча сифатида ифода этилади. Лекин қўшимча маҳсулот тушунчаси қўшимча қиймат ва қўшилган қиймат тушунчаларидан сифат ва миқдор жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

Қўшимча маҳсулот ялпи ички маҳсулотнинг таркибий қисми бўлганлиги учун унда мавжуд бўлган икки томонлама хусусият, яъни қиймат ва нафлилик хусусиятлари қўшимча маҳсулотга ҳам мансуб бўлади, яъни қўшимча маҳсулот икки томонлама хусусиятга эга бўлади.



Бундан кўринадики, қўшимча қиймат қўшимча маҳсулотнинг бир томони бўлиб, унинг фақат қийматини яъни унда мужассамлашган қўшимча меҳнатни ифодалайди. Унда нафлиликнинг бирор бир грамми ёки атоми бўлмайди. Нафлилик фақатгина қўшимча маҳсулотда бўлиб, унинг муҳим томонидир. Қўшимча маҳсулот қўшимча қийматдан фақатгина шу сифат жиҳатдангина эмас, шу билан бирга миқдор жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Маълумки, ишлаб чиқарувчи кучлар тўхтовсиз ривожланиб меҳнатнинг унумдорлик кучи ошиб боради. Шунга биноан қўшимча маҳсулотнинг нафлилиги қийматига нисбатан тез ошиб боради, чунки қўшимча маҳсулот қўшимча қийматнинг меҳнат унумдорлигига кўпайтмасига тенг бўлади, яъни:

(қўшимча маҳсулот = қўшимча қиймат х меҳнатнинг унумдорлик кучи).

Шунингдек қўшимча маҳсулот билан қўшилган қиймат

ўртасида ҳам туб фарқ мавжуддир. Ҳар бир корхонада ва тармоқлардақўшилганқийматасосийвоситаларамортизацияси + иш ҳақи + яратилган қўшимча маҳсулот (солиқ тўловлари ва фойда)дан иборат бўлади. Бундан кўриниб турибдики, агар қўшилган қиймат амортизация, иш ҳақи ва яратилган қўшимча маҳсулотдан иборат бўлса, қўшимча маҳсулот унинг бир таркибий қисмидир. Ҳамма тармоқ ва соҳаларда яратилган қўшилган қийматлар йиғиндиси мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини ташкил этади. Шундай қилиб, қўшимча қиймат, қўшилган қиймат ва қўшимча маҳсулот бир хил (синоним) тушунчалар эмас балки тамомила бир-биридан фарқ қиладиган алоҳида-алоҳида иқтисодий категориялардир.

Ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган қўшимча маҳсулот сотилиш жараёнида корхонанинг умумий фойдасига айланади. Бу фойдадан давлат солиқ сифатида, ссуда капитал эгалари эса фоиз сифатида, ер эгалари рента сифатида ўз улушларини оладилар. Бу даромад турлари қўшимча маҳсулотнинг сотилиб, дастлабки тақсимлангандан кейинги ўзгарган шаклларидир. Юзаки реал ҳаётда қўшимча маҳсулот юқоридаги тўртта шаклларда намоён бўлади. Кимки иқтисодий жараёнларнинг туб илдизини тушунмаса, бу даромадларнинг манбаини, қаерда ва ким томонидан яратилишини тушунмасдан қолаверади. Зарурий ва қўшимча маҳсулотларнинг мазмунини тушунишда уларнинг реал ҳаётдаги модификациялашган шаклларини билиш муҳим роль ўйнайди. Маълумки, зарурий ва қўшимча маҳсулот уларнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнидаги кўринишидир. Аммо, улар олди-сотди ва тақсимлаш жараёнларидан ўтиб, ўз шаклларини ўзгартириб, модификациялашган шакл оладилар.

Янгидан яратилган соф маҳсулотнинг таркиби ва модификациялашган шакллари 2.8-расмда аниқроқ тасвирлаш мумкин.

2.8-расм. Зарурий ва қўшимча маҳсулотнинг модификациялашган шакллари.

Фойданинг турли тўловлардан қолган қисми эса тадбиркорларнинг соф фойдаси бўлиб, унинг ҳисобидан ўзларининг истеъмолини қондиради, инвестицияни, турли социал йўналишдаги ишларни амалга оширадилар. Кўриниб турибдики, қўшимча маҳсулотни кўпайтириш ҳеч кимга зарар бермайди, аксинча жамият аъзоларининг ҳаммаси учун манфаатлидир.

Маълумки, қўшимча маҳсулот билан зарурий маҳсулот ўртасида ҳар доим зиддият ва алоқадорлик бўлади. Уларнинг ҳар иккаласидан ҳам бутун иқтисодиётни ривожлантириш ва жамият аъзоларининг фаровонлигини ошириш мақсадларида фойдаланилади.

Лекин уларнинг соф миллий маҳсулотдаги ҳиссаси турли омиллар таъсирида, масалан, техника тараққиётининг ривожланиши, ижтимоий ишлаб чиқариш таркибининг ўзгариши, меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида ўзгариб туради. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши натижасида зарурий маҳсулотнинг абсолют миқдори ўсган ҳолда соф миллий маҳсулотдаги ҳиссаси камайиб, қўшимча маҳсулотнинг ҳиссаси ошиб боради. Бундай ҳолатлар қўшимча маҳсулот нормасининг ошишида ўз аксини топади.

Бу баён этилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, қўшимча меҳнат ва бинобарин, қўшимча маҳсулот бутун-бутун тарихий тараққиёт давомида ишлаб чиқаришни, фан техникани, таълимни, соғлиқни сақлашни, маданиятни ривожлантириш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашнинг иқтисодий манбаи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

2.5. Ишлаб чиқариш имкониятлари ва унинг чегараси

Иқтисодиёт назарияси фани мавжуд чекланган иқтисодий ресурслардан қандай қилиб фойдаланилганда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини тўлароқ қондириб бориш мумкин, деган муаммо устида бош қотиради. Бунда, биринчидан, иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг турли хил муқобил вариантлари мавжуд бўлиши кўзда тутилиб, улардан энг самаралиси, яъни жамият эҳтиёжларини анча тўлароқ қондирадиган миқдорда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш имконини берадиган турини танлаб олишга ҳаракат қилинади.

Иккинчидан, иқтисодий ресурслар нисбатан чекланганлиги сабабли жамият аъзоларининг барча эҳтиёжларини бирданига қондириш мумкин бўлмайди. Шунинг учун жамиятга қайси маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайсиларидан вақтинча воз кечиш лозимлигини ҳал қилиш, яъни танлашни амалга ошириш зарур бўлади. Шундай танлаш орқали, ресурсларнинг мавжуд даражасида маҳсулот олишнинг аниқланган энг юқори миқдори жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятини кўрсатади. Жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятидан тўлиқ фойдаланиш учун иқтисодий ресурсларнинг тўла бандлигига эришиш ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмини таъминлаш зарур.

Тўла бандлик – иқтисодиётдаги ишлаб чиқаришга яроқли бўлган барча ресурслардан тўла унум билан фойдаланиш ҳолати. Бунда ишчи мажбурий ишсиз бўлиб қолмаслиги, иқтисодиёт ишлашни хоҳлаган ва унга

лаёқатли бўлган барча ишчи кучини иш билан таъминлаши, ҳайдаладиган ерлар, бино ва иншоотлар ёки капитал ускуналар ҳам бўш қолмаслиги ҳамда тўла қувват билан ишлаши лозим.

Ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажми, ресурсларни самарали тақсимлашни, яъни улардан маҳсулотнинг умумий ҳажмига энг кўп ҳисса қўшадиган қилиб фойдаланишни ва мавжуд технологияларнинг энг яхшисини қўллашни ҳам билдиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш имкониятларининг маълум чегараси бўлади. Чунки, ресурслар камёб бўлганлиги сабабли иқтисодиёт тўла бандлик ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмида ҳам товар ва хизматларни чекланмаган миқдорда ишлаб чиқаришни таъминлай олмайди.

Ишлаб чиқариш имконияти чегарасини жадвал маълумотларидан фойдаланиб янада аниқроқ тасвирлаш мумкин (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

Ресурслар тўлиқ банд бўлганда ишлаб чиқариш имкониятлари (шартли рақамлар)

Маҳсулот тури	Муқобил вариантлар				
	A	B	C	D	E
Нон (млн. дона)	0	1	2	3	4
Тегирмон (минг дона)	10	9	7	4	0

Ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси тўғрисида яхшироқ тасаввурга эга бўлиш учун:

биринчидан, иқтисодиёт фақат икки хил маҳсулот – нон ва тегирмон ишлаб чиқаради (бунда нон истеъмол товарларини, тегирмон ишлаб чиқариш воситаларини билдиради);

иккинчидан, иқтисодий ресурслар миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгармайди;

учинчидан, меҳнат унумдорлиги ва технология доимий бўлиб қолади, деб фараз қиламиз.

Мавжуд ресурслар чекланганлиги сабабли иқтисодиётнинг тегирмон ва нон ишлаб чиқариш ҳажмини бирданига кўпайтириб бориш имконияти чекланган. Ресурларнинг чекланганлиги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг чекланганлигини билдиради. Бундай шароитда тегирмон ишлаб чиқаришни

ҳар қандай кўпайтиришга ресурсларнинг бир қисмини – нон ишлаб чиқаришни камайтириш орқали эришади. Аксинча, агар нон ишлаб чиқаришни кўпайтириш афзал кўринса, бунинг учун зарур ресурслар фақат тегирмон ишлаб чиқаришни қисқартириш ҳисобига олиниши мумкин.

Жадвалда жамият танлаши мумкин бўлган саноат тегирмонлари ва нон миқдорининг муқобил уйғунлашуви ифодаланган. А муқобил вариантга биноан, иқтисодиёт ўзининг бутун ресурсларини тегирмон, яъни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришга йўналтиради. Е муқобил вариантда эса мавжуд ресурслар тўлиғича нон, яъни истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Жадвалдаги асосий ғоя қуйидагича: ҳар қандай вақт оралиғида иқтисодиёт тўла бандлик ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмида нон маҳсулотини кўпроқ ишлаб чиқариши учун тегирмоннинг бир қисмидан воз кечиши зарур. Иқтисодий ресурслар камёб бўлганлиги сабабли, иқтисодиёт нон ва тегирмон ишлаб чиқариш ҳажмини бир вақтда кўпайтира олмайди.

Ишлаб чиқариш имконияти ҳақидаги тушунчани чуқурлаштириш учун жадвалда келтирилган маълумотларни расмда тасвирлаймиз (2.9-расм).

Ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғидаги ҳар бир нуқта икки хил маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қандайдир энг кўп ҳажмини кўрсатади. Жамият учун маҳсулотларнинг эришиб бўладиган ҳар хил уйғунлашувларидан танлаб олиш имконияти эгри чизиқ ичида жойлашади.

Нон ва тегирмон ишлаб чиқаришнинг ҳар хил уйғунлашувини амалга ошириш учун жамият улардаги мавжуд ресурсларнинг тўла бандлиги ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмини таъминлаши зарур. Нон ва тегирмоннинг барча уйғунлашуви уларнинг энг кўп миқдорини кўрсатиб, бу барча мавжуд ресурслардан эса самарали фойдаланиш натижасида олиниши мумкин.



Иқтисодиётда ресурсларнинг тўла бандлиги ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун ҳар иккала маҳсулотнинг танланган ҳажми ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи деб номланувчи ABCDE чизиғида жойлашган бўлиши лозим. Бу чизиқдан чап томонда жойлашган ҳар қандай нуқта ресурслардан тўлиқ фойдаланмасликни англатади. Масалан, расмдаги G нуқта иқтисодиётда 1,6 млн. дона нон ва 5 минг донага яқин тегирмон ишлаб чиқарилаётганини билдиради. Бу эса, ресурслардан фойдаланишнинг муайян даражасида, қўшимча ресурсларни жалб этмаган ҳолда, қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш имконияти мавжудлигини кўрсатади:

а) нон ишлаб чиқаришнинг мавжуд ҳажмини сақлаб қолган ҳолда, тегирмон ишлаб чиқариш ҳажмини 8 минг донагача етказиш;

б) тегирмон ишлаб чиқаришнинг мавжуд ҳажмини сақлаб қолган ҳолда, нон ишлаб чиқариш ҳажмини 2,7 млн. донагача етказиш;

в) бир вақтнинг ўзида ҳар иккала маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш.

Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғидан ташқарида жойлашган ҳар қандай нуқтага (масалан W) ресурсларнинг

мавжуд ҳажми ва ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологияси даражасида эришиб бўлмайди.

Жамият бу маҳсулотлар уйғунлашувидан бирортасини танлаши зарур: кўпроқ тегирмон ишлаб чиқариш камроқ нон ишлаб чиқаришни билдиради ва аксинча. Ҳар қандай маҳсулотнинг қандайдир миқдорини олиш учун, воз кечишга тўғри келадиган бошқа маҳсулот миқдори бу маҳсулотнинг муқобил харажатлари деб аталади.

Биз бу ерда фақат икки нарса тегирмон ва нон мисолида иқтисодий ресурсларнинг тўла бандлиги ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажми билан хусусиятли деб ҳисобладик. Агар банд бўлмаган ресурслар бўлса ёки ресурслардан самарасиз фойдаланилса (тўлиқ фойдаланилмаса) иқтисодиёт жадвалда кўрсатилган ҳар бир муқобил вариантдагидан камроқ маҳсулот ишлаб чиқарган ва бу расмда келтирилган ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғининг ичида жойлашган бўлар эди.

Агар ресурсларнинг миқдори, сифати ҳамда техника, технология ўзгарса иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ҳам (ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғининг ҳолати) ўзгаради. Мавжуд ресурсларнинг кўпайиши ҳар бир вариантда битта ёки ҳар иккала маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига олиб келади.

Ҳозирги даврда фан-техника тараққиёти ва бинобарин техника ва технологиялар ўзгариши жадаллашган вақтда ишлаб чиқариш имконияти тўхтовсиз кенгайиб боради. Энергиянинг, хомашё ва материалларнинг янги турлари топилиб ишга тушурилади. Янги техника ва технологиялар қўлланилиб, меҳнат унумдорлиги, ерлар ҳосилдорлигини, чорва моллари маҳсулдорлигини, тежамкорликни ошириш имконини беради.

2.6. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни ошириш масаласи ҳар доим иқтисодиёт назарияси фанининг долзарб муаммоси сифатида, унинг диққат марказида бўлиб келади. Айниқса, ҳозирги пайтда бу масала янада кескин қўйилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмасдан туриб мамлакатимиз олдида турган муҳим масала – мустақил иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифасини амалга ошириб бўлмайди. **Самарадорликнинг иқтисодий мазмуни сифатида ҳар доим ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан унга авансланган ресурслар, маблағлар ёки қилинган харажатлар ўртасидаги нисбат тушунилади.**

Лекин, турли ижтимоий-иқтисодий тизимлар шароитида шу жамиятнинг мақсадидан келиб чиқиб, самарадорлик муаммосининг туб моҳияти ўзгаради. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги сабабли ҳар бир иқтисодий субъект кўпроқ фойда олишга интилади. Иқтисодий адабиётларда самарадорликнинг бош мезони ҳақида ҳам турлича фикрлар мавжуд. Айрим олимлар ишлаб чиқариш самарадорлигининг бош мезони фойда, бошқа бирлари эса ялпи миллий маҳсулот, соф маҳсулот, учинчилари миллий даромад, тўртинчилари эса қўшимча маҳсулот деб кўрсатадилар. Биз бу ўринда санаб ўтилган фикрларнинг қайси бири тўғри эканлиги ҳақида батафсил тўхтолмаймиз, лекин шуни айтиш керакки, кўпчилик олимлар томонидан бозор иқтисодиёти шароитида самарадорликнинг бош кўрсаткичи олинган фойданинг харажатларга нисбати, яъни рентабеллик ёки фойдалилик даражаси билан белгиланади деб тан олинади. **Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги олинган фойданинг (Ф) ишлаб чиқаришга сарфланган ресурслар қийматига (И) нисбати билан аниқланади,** яъни:

$$P' = \frac{Ф}{И} \times 100\%,$$

бу ерда: Р’ – фойда нормаси;

И – иқтисодий ресурс сарфлари.

Мисол учун, А корхонада йил давомида 800 млн. сўмлик ресурс харажат қилиб, 200 млн. сўм ҳажмида фойда олинган бўлсин. У ҳолда фойда нормаси 25% (200×100/800) ни ташкил этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп қиррали масала бўлиб, бу айтилган биргина асосий кўрсаткичда, уни тўла равишда ҳар томонлама ифодалаб бўлмайди. Шунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлигини тўла ифодалашда унда қатнашган омилларнинг унумдорлигини, улардан самарали фойдаланиш даражасини ифодалайдиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг манба ва усулларини тавсифловчи умумий иқтисодий қонунлардан бири вақтни тежаш қонуни ҳисобланади. Вақтни тежаш қонуни – ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиб бориши билан жамият томонидан ҳаётий неъматлар бирлигини яратишга сарфланаётган вақтнинг қисқариб боришини ифодаловчи умумий иқтисодий қонун. Вақтни тежаш ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий ресурсларини умумлаштирувчи даражаси ҳисобланади. Ҳар қандай тежам охир-оқибатда вақтни тежашга бориб тақалади. Вақтни тежаш қонунининг мазмуни жонли ва буюмлашган меҳнатни, яъни муайян даврда сарфланган иш вақти жамғармаси ҳамда ўтган даврлардаги иш вақти сарфларининг натижасини тежашни ўз ичига олади. Вақтни тежаш қонуни намоён бўлишининг аниқ шакли бўлиб қуйидагилар майдонга тушади:

1) меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
2) машина ва жиҳозлардан фойдаланишнинг яхшиланиши;
3) ишлаб чиқариш материал сиғимининг пасайиши;
4) хўжалик нисбатларининг оптималлашуви.

Бундан кўринадики, ишлаб чиқариш самарадорлигини

ифодаловчи кўрсаткичлардан бири меҳнат унумдорлигидир. **Меҳнат унумдорлиги деб ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилиятига айтилади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (истеъмол қийматининг) сарфланган меҳнат миқдорига нисбати билан белгиланади.** Сарфланган меҳнат миқдори эса ишланган вақт билан, киши куни, киши соати ва ҳ.к. билан белгиланади. Агар меҳнат унумдорлигини МУ, маҳсулотни М билан, сарфланган иш вақтини В билан белгиласак, меҳнат унумдорлиги қуйидагича аниқланади:

$$МУ = М/В.$$

Меҳнат унумдорлиги сарфланган жонли меҳнатнинг ҳар бир бирлиги эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан аниқланади. Мисол учун, «А» корхонада 40 киши меҳнат қилиб, улар кун давомида 8 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсинлар. У ҳолда, бир киши кунида яратилган маҳсулот 200 донани ташкил этади. Агар маҳсулот сони 10 минг донага етса, у ҳолда бир киши кунида яратилган маҳсулот 250 донани ташкил этиб, меҳнат унумдорлиги 125% (250×100/200) га ошади.

Самарадорликни аниқлашда капитал унумдорлиги кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади ва уни ишлаб чиқаришда қатнашган капиталнинг ҳар бир бирлиги эвазига олинган маҳсулот, даромад ёки фойда миқдори билан аниқланади. Агар капитал унумдорлигини – КУ, ишлаб чиқаришда қатнашган капитал миқдорини – К, маҳсулотни – М, ялпи даромадни – ЯД, фойдани – Ф деб белгиласак, қуйидаги формулалар ҳосил бўлади:

$$КУ = М/К; \qquad КУ = ЯД/К; \qquad КУ = Ф/К.$$

Самарадорликни аниқлашда бу кўрсаткичлардан ташқари маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, энергия сиғими деган кўрсаткичлар ҳам қўлланилиб, улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигини яратиш

учун кетган, ёки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат, энергия ва моддий ашёлар миқдорини ифодалайди. Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири ишлаб чиқаришда қатнашган турли омиллар самарадорлигини ифодалаб, бир-бири билан чамбарчарс боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун унга таъсир қиладиган омилларни ҳам билиш зарурдир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бир қанча омиллар таъсир қилади:

1) фан-техника тараққиётни тезлаштириш, энергияларнинг хомашё ва материалларнинг янги турларини топиш ва унинг натижаларини тезлик билан ишлаб чиқаришда қўллаш;

2) табиий ва иқтисодий омилларни ҳисобга олиб ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш;

3) иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва унинг ташкилий бўғинларини ўзгартириш;

4) ишлаб чиқарувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб, уларнинг фаоллигини ошириш;

5) мавжуд табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, янги, арзон, сифатли хомашё ва энергия турларини, экинларнинг янги ҳосилдор навларини, чорва молларининг маҳсулдор зотларини топиб, ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

6) кишиларнинг билим савиясини, малакасини ошириш, етук ишчи ва мутахассислар тайёрлаш.

Булар ичида фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришда қўллаш, ҳамма ишга инновацион ёндашиш омили ҳозирги кунда республикамиз учун долзарб ва муҳим аҳамият касб этади. Фан-техника тараққиётининг эволюцион ва революцион шакллари фарқланади. Эволюцион шаклда ривожланиш деганда, ФТТнинг мавжуд технологияси асосида, машиналар ва ускуналар қисман модернизациялаш асосида ривожланиши тушунилади. Революцион шаклда ривожланиши деганда эса, фан-техниканинг бир қанча

соҳаларида бирданига катта ўзгаришлар бўлиб, техниканинг энг сўнгги янгиликларини, авлодларини ишлаб чиқаришда қўллаш, тамойилиал янги технологик тизимга ўтиш тушунилади. Фан-техника тараққиётининг кейинги шаклда ривожланиши юксак самара беради. Шунинг учун ҳам айрим меъёрий ҳужжатларда ва мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев маърузаларида иқтисодиётнинг барча тармоқларини ҳозирги замон фан ва техникасининг энг янги ютуқлари асосида тайёрланган техника ва технологиялар билан қайта қурольлантириш лозимлигини таъкидламоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида "ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш"[24] вазифаси қўйилган.

Хулосалар

1. Ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар умумий иқтисодий муносабатларининг асосий негизини ташкил этиб, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларида бўладиган муносабатларнинг йўналишини белгилаб беради. Шунинг учун уларни ўрганиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

2. Инсоният зарур неъматлар истеъмолисиз яшай олмайди. Шунга кўра, бу неъматларни мунтазам равишда ишлаб чиқариш муҳим ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида инсоннинг яшаши учун зарур бўлган барча ҳаётий воситалар яратилади.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш омиллари – табиат, капитал, ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилиятидан

[24] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, ПФ-4947-сонли Фармони, 3.2-банди.

иборат бўлиб, уларнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракати билан ишлаб чиқариш содир бўлади. Улар ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатади. Бу омиллардан бирининг сифат ва миқдор жиҳатидан ўзгариши пировардида бошқа омилларнинг ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади.

4. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, бир томондан истеъмол қийматини (нафлиликни) яратиш ва кўпайтиришдир, иккинчи томондан, моддий воситалар ва меҳнатнинг сарфланиши, янги қийматнинг яратилиши, бошқача қилиб айтганда, қийматнинг ўсиш жараёнидир. Бу ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама хусусиятидир.

5. Ишлаб чиқариш жараёнида барча омиллар ҳаракатда бўлади, лекин улар ичида жонли меҳнат, яъни ишчи кучи фаол бўлиб, у барча ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракатга келтиради, уларга «жон киритади», асосий капитал қийматининг йўқолиб кетмаслигини таъминлаб, янги яратилган товар ва хизматларга ўтказади. Ва ниҳоят, бу жараёнда янги товар ва хизматлар вужудга келади.

5. Янги вужудга келган товар ва хизматлар икки хил хусусиятга – нафлилик ва қийматга эга бўлиб, икки томонлама ҳисобга олинади: натурал-ашёвий (нафлилик) ва қиймат томонидан. Натурал-ашёвий томондан у уч қисмга: ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари ва турли хизматларга бўлинади. Қиймат тарафидан ҳам уч қисмга: истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати (c), зарурий маҳсулот қиймати (v) ва қўшимча маҳсулот қиймати (m)га бўлинади.

7. Бундан 100 йил илгари маржиналистлар томонидан кашф қилинган ва иқтисодиётнинг универсал қонуни деб аталган қонун – «кейинги қўшилган омил (қўшилган капитал, қўшилган меҳнат) унумдорлигининг пасайиб бориш қонуни» кўр-кўрона исрофгарчиликка, ортиқча харажатларга йўл қўйилмаса, ҳозирги замон фан-техника тараққиёти шароитида амал қилмайди.

8. Ишлаб чиқариш жараёни доимо ўзгариб, такомиллашиб ва кенгайиб боради. Унинг ривожланиб боришида ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш, диверсификациялаш ва таркибий жиҳатдан ўзгартириб бориш муҳим роль ўйнайди.

9. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий мезони фойда ҳисобланади. Бунда фойданинг фойда миқдорининг харажатлар миқдорига нисбати олинади.

Асосий таянч тушунчалар:

Ишлаб чиқариш омиллари – ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилувчи барча ресурслар.

Ишчи кучи – инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси.

Меҳнат қуроллари – инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситалар.

Меҳнат предметлари – бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалар.

Ишлаб чиқариш жараёни – кишилик жамиятининг амал қилиши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолият.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш – жамият миқёсида ишлаб чиқариш жараёнларининг мунтазам равишда янгиланиб ва такроран амалга оширилиб туриши.

Оддий такрор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш миқёсларининг ўзгармаган ҳолда такрорланиши.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш миқёсларини мунтазам равишда ошириб боришга асосланган ҳолдаги такрорланиши.

Ишлаб чиқаришнинг умумий натижаси – мамлакат бўйича яратилган ялпи ички маҳсулотнинг йил давомидаги йиғиндиси.

Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси – ишлаб чиқариш соҳасидаги ўз ҳаракатини тугатган, жамият

аъзоларининг эҳтиёжларини ё бевосита (истеъмол фонди орқали), ёки билвосита, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш (жамғариш фонди) орқали қондиришга тайёр маҳсулот.

Соф маҳсулот – яратилган маҳсулотдан истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати чегириб ташлангандан қолган қисми.

Зарурий маҳсулот – ишчи ва хизматчилар иш вақтининг бир қисми бўлган зарурий иш вақтида зарурий меҳнат билан яратилган, ишчи кучини нормал ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулот.

Қўшимча маҳсулот – соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми, яъни қўшимча иш вақтида қўшимча меҳнат билан яратилган маҳсулот.

Қўшимча маҳсулот массаси – йил давомида олинган қўшимча маҳсулотлар йиғиндиси.

Қўшимча маҳсулот нормаси – қўшимча маҳсулот массасининг зарурий маҳсулотга нисбати.

Ишлаб чиқариш функцияси – ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самараси ўртасидаги боғлиқлик.

Умумий маҳсулот – жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш эвазига олинган маҳсулотнинг мутлақ ҳажми.

Ўртача маҳсулот – жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларининг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми.

Сўнгги қўшилган маҳсулот – энг сўнгги қўшилган омил (капитал ёки ишчи кучи) эвазига ўсган маҳсулот ҳажми.

Меҳнат унумдорлиги – ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилияти.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Ишлаб чиқариш омиллари нималардан иборат?
2. Ишчи кучи нима, унинг меҳнат тушунчасидан нима фарқи бор?

3. Капитал тушунчасига таъриф беринг ва унинг таркибига нималар киришини тушунтириб беринг.

4. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини ва унинг икки томонини тушунтиринг.

5. Оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг моҳияти нимада?

6. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижаларини тушунтириб беринг.

7. Яратилган маҳсулотнинг натурал ва қиймат таркиби нималардан иборат?

8. Зарурий ва қўшимча маҳсулот нима, қўшимча маҳсулот нормаси ва массаси формуласини ёзиб тушунтиринг.

9. Қўшилган меҳнат, қўшилган капитал ва қўшилган маҳсулот тушунчаларини изоҳлаб беринг.

10. Сўнгги қўшилган меҳнат ва капитал унумдорлигининг пасайиб бориш қонунининг моҳияти нима ва у ҳозирги даврда амал қиладими?

3-боб. ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ВА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Иқтисодий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиётининг турли босқичларида ўзига хос хусусият касб этади. Иқтисодий муносабатлар бир жойда ўзгаришсиз қотиб турмайди. Улар доимо ўзгариб, ривожланиб боради. Шунга кўра, мазкур бобда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичлари ва уларни билишга бўлган турлича ёндашувлар, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва технологик усуллари ҳамда иқтисодий тизим тушунчалари батафсил кўриб чиқилади. Таҳлил давомида иқтисодий тизим моделлари ва уларнинг хусусиятлари кўрсатиб берилади.

Ишлаб чиқариш ҳар доим муайян мулкчилик шакли доирасида амалга оширилади. Шунинг учун бу ерда мулкчилик муносабатларининг моҳияти, мулк шаклларининг иқтисодий мазмуни, уларнинг ўзгариш ва бозор иқтисодиётини

шакллантириш жараёнида мулк шаклларини ўзгартириш йўллари ва усуллари каби масалаларга алоҳида ўрин ажратилади.

Мамлакатимизда тараққиётнинг ҳозирги янги босқичида мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, уларнинг ривожига кенг йўл очиб бериш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга ҳам эътибор берилади.

3.1. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичлари ва уларни билишга бўлган турлича ёндашувлар

Кишилик жамияти ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўзаро бирлиги ва зиддияти асосида тараққий этиб бориб, унинг турли босқичларига ўзига хос бўлган иқтисодий тизимлар мувофиқ келади. Инсоният тараққиёти босқичлари ва ҳар бир босқичга хос бўлган иқтисодий тизимларни ўрганиш иқтисодий жараёнларни, уларнинг ўзгарувчан эканлигини билишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тараққиёт босқичларини билишда турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- тарихий-формацион ёндашув;
- маданийлашиш (цивилизация) даражаси жиҳатидан ёндашув;
- техника ва технологик тараққиёт даражаси жиҳатидан ёндашув;
- иқтисодий тизимлар ўзгариши жиҳатидан ёндашув.

Ижтимоий тараққиёт босқичларини билишга **тарихий-формацион ёндашувда** ишлаб чиқаришнинг ижтимоий усуллари ва унинг таркибий қисмларини таҳлил қилишга эътибор берилган.

Ишлаб чиқариш усули ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш (иқтисодий) муносабатларининг бирлигидан иборат. Ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омиллари, яъни

ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари биргаликда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ташкил қилади. Бошқача айтганда, **ишлаб чиқарувчи кучлар – бу ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар билан табиат ўртасидаги боғланишни амалга оширувчи шахсий ва техник-буюмлашган элементлар тизимидан иборат.** Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим мезони ва умумий кўрсаткичидир.

Одамлар ишлаб чиқариш жараёнида фақат табиат кучлари, ашёлари ва бошқа моддий ашёлар билан эмас, шу билан бирга ўзаро бир-бири билан ҳам муносабатларда бўладилар, яъни ишлаб чиқариш муносабатларига киришадилар. Бунда ишлаб чиқаришда таркиб топадиган ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бир-биридан фарқ қилади. Ташкилий-иқтисодий муносабатлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жараёнида вужудга келади. Мазкур муносабатлар кишилар ўртасидаги алоқалар сифатида намоён бўлиб, шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳолатини бевосита тавсифлайди, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти муайян босқичларнинг хусусиятларини ва уларнинг ижтимоий уйғунлашувини акс эттиради. Бу масалан, меҳнат тақсимоти, уни ихтисослаштириш ва кооперациялаш, ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ва уйғунлаштирилишидир. Ишлаб чиқариш ҳар доим муайян ижтимоий шаклга эга бўлади. Бу ижтимоий шакл иқтисодий муносабатларни вужудга келтиради, уларнинг моҳияти ва асосини ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабатлари ташкил этади.

Иқтисодий муносабатлар – бу кишилар ўртасида уларнинг ўзлари учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлардир. Улар ишлаб чиқариш муносабатлари ёки иқтисодий муносабатлар деб ҳам аталади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг муайян даражаси ишлаб чиқариш муносабатларининг у ёки бу турини тақозо

қилади. Муайян тараққиёт даражасидаги ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари муайян турининг бирлиги ва ўзаро таъсири ишлаб чиқариш усулини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш муносабатлари фақат ишлаб чиқарувчи кучлар билангина ўзаро алоқада бўлиб қолмайди. Улар бир вақтда базис ҳам ҳисобланиб, унинг устида ишлаб чиқариш муносабатларининг ушбу тизимига хос бўлган алоҳида сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, миллий, оилавий ва бошқа ижтимоий муносабатлар ҳамда тартиботларнинг алоҳида турлари қад кўтаради. Ана шуларнинг йиғиндиси жамиятнинг устқурмасини ташкил этади. Сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ ва устқурманинг бошқа элементлари ҳам фаол роль ўйнайди, ўзларини вужудга келтирган ишлаб чиқариш муносабатларига, улар орқали эса жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларига ҳам акс таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш усули билан жамият устқурмаси ижтимоий-иқтисодий формацияни ташкил этади.

Ижтимоий-иқтисодий формациянинг таркибий қисмларини алоҳида расм орқали ифодалаш мумкин (3.1-расм). Бу ерда икки ҳолатга эътибор бериш муҳим. Биринчидан, ишлаб чиқариш муносабатлари мустақил, алоҳида тизимни ташкил қилмайди. Улар ишлаб чиқарувчи кучлар билан ҳам, шунингдек, устқурма билан ҳам ҳар доим ўзаро таъсирда бўлади. Иккинчидан, турли формацияларда ўзига хос ишлаб чиқариш муносабатлари амал қилади ва бу эса ҳар бир формацияга мос келувчи ишлаб чиқариш усулини белгилаб беради.

3.1-расм

Ижтимоий-иқтисодий формациянинг таркибий тузилиши

Инсоният жамияти тарихида бир-бири билан изчил алмашиб келган қатор ишлаб чиқариш усуллари ва шунга мувофиқ ижтимоий-иқтисодий формациялар ажралиб туради. Ишлаб чиқариш усуллари алмашувининг классик намунаси Европада намоён бўлган деб ҳисобланади. Европа ҳудудида бир-бири билан алмашиб, ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодал ва капиталистик муносабатлар изчил таркиб топди. Бошқа қитъаларга қараганда бу ерда капитализмгача бўлган даврда мана шу муносабатларнинг ҳаммаси аниқроқ қайд этилган. Осиё, Африка, Австралияда Европа мустамлакачилигининг таъсири сезилади. Адабиётларда Осиёча ишлаб чиқариш усули деб аталмиш усул ҳақида ҳам қайд қилинади. Бу усулнинг шаклланишида мамлакатларнинг катта туркумига хос бўлган ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг суғориш тизимларини марказлаштирилган тарзда тартибга солиб туриш ва давлатнинг ана шу шароитларда алоҳида роли билан боғлиқ сифат хусусиятлари акс этади.

Иқтисодий фанда ижтимоий тараққиётни **цивилизациянинг тарихий ривожланиш типлари** натижаси сифатида ўрганиш ҳам муҳим ўрин тутади. «Цивилизация» сўзи лотинчада фуқароларга оид, ижтимоий деган маъноларни англатади. Бу тушунча фанга француз файласуфлари томонидан нисбатан

яқин вақт – икки аср олдин киритилган бўлиб, тафаккур ва эркинлик ҳукмрон бўлган жамиятларни тавсифлаш учун қўлланилган. Умуман олганда цивилизация ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг оқилона ташкил этилган тузуми сифатида талқин этилади.

Жамият тараққиётини цивилизация нуқтаи-назаридан ўрганишда цивилизацияларнинг алмашуви назарияси муҳим ўрин тутади. Бу назария тарафдорлари қуйидаги 7 та босқичдан иборат цивилизацияни ажратиб кўрсатадилар:

1) давомийлик муддати 30-35 асрни ўз ичига олган неолит даври;

2) давомийлик муддати 20-23 асрни ўз ичига олган шарқий қулдорлик даври (бронза асри);

3) давомийлик муддати 12-13 асрни ўз ичига олган антик давр (темир асри);

4) давомийлик муддати 7 асрни ўз ичига олган эрта феодал даври;

5) давомийлик муддати 4,5 асрни ўз ичига олган индустрлашишдан олдинги давр;

6) давомийлик муддати 2,5 асрни ўз ичига олган индустриал даври;

7) давомийлик муддати 1,3 асрни ўз ичига олган юқори индустрлашиш даври .[25]

Бу қайд қилинган босқичлардан кўриниб турибдики, ушбу назарияда турли қарашлар ва ёндашувларни аралаштириш ҳолатига йўл қўйилиб, жамият тараққиёти босқичларини ажратишнинг аниқ бир мезони ёки белгиси мавжуд эмас.

Жамият тараққиёти босқичларига **технологик ёндашув** ҳам маълум бир оқим ҳисобланади. Улар жамият тарихий тараққиёти давомида рўй бераётган ўзгаришлар кўлами ва тавсифини яхшироқ тушуниб олиш учун ишлаб чиқаришнинг турли технологик усулларини таҳлил этиш, машиналашган

[25] Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. 55-б.

ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихига мурожаат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Меҳнат воситалари, материаллар, технология, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг технологик усули дейилади. Улар ўртасидаги чегараларни жамият тараққиёти тарихининг йирик босқичлари ажратиб туради. Бир технологик ишлаб чиқариш усулидан бошқасига ўтиш асосан, меҳнат воситаларининг тавсифидаги ўзгаришлар, фан ва техника тараққиёти билан белгиланади. Ишлаб чиқариш технологик усулларининг дастлабки учта босқичлари алоҳида фарқланади. Булар оддий кооперация, мануфактура ва машиналашган ишлаб чиқариш. **Оддий кооперация – бу бир хил товарни ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифасини бажарувчи ходимларнинг энг оддий шаклидаги уюшиши, биргалашиб маълум тартиб ва режа асосида ишлайдиган кишилар гуруҳидир.** Кооперациянинг якка тартибдаги ҳунармандчилик ишлаб чиқаришига нисбатан афзалликлари қуйидагилар орқали намоён бўлади:

1) кўплаб ишчиларнинг биргаликдаги меҳнати ишчи кучидаги алоҳида тафовутларнинг йўқолишига, уларнинг сифат жиҳатидан бир хиллашувига олиб келди;

2) бино ва иншоотлардан биргаликда фойдаланиш натижасида ёқилғи, ёритиш ва бошқа шу каби харажатларнинг кам сарфланиши маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш воситаларининг тежалишига олиб келди;

3) биргаликдаги меҳнат беллашувни келтириб чиқариб, меҳнат унумдорлигини оширди.

Мануфактура – бу меҳнат тақсимотига асосланган, лекин машина ҳали мавжуд бўлмаган шароитдаги кооперациядир. Мануфактура даврида ишлаб чиқаришнинг умумлашув жараёни давом этади. Ялпи ишчи кучи таркиб топади, ҳар бир айрим ходим эса ялпи ишчи кучининг таркибий қисмига айланади. Бунда оддий кооперациядагидек қўл меҳнатига ва шунга мос қурольга таянади. Мануфактура

ихтисослаштирилган қуроль ва асбоблар вужудга келтириб ҳамда ишчини тор операцияларни бажаришга боғлаб, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш учун зарур шарт-шароит тайёрлайди. Бу даврда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатнинг мазмуни ва тавсифида, ишлаб чиқаришнинг бутун технологик усулида, иқтисодий муносабатларда ва бутун ижтимоий ҳаётда ҳам туб ўзгаришлар рўй беради. Меҳнат унумдорлиги анча ўсади. XVIII асрнинг сўнгги 30 йили ичида бошланган саноат революцияси натижасида йирик машиналашган ишлаб чиқариш вужудга келди.

Йирик машиналашган ишлаб чиқариш, меҳнат тақсимотига ва машиналашган меҳнатга асосланган кооперациядир. Фабрика ичидаги меҳнат тақсимоти тамомила машиналарнинг вазифалари билан белгиланади.

Фан-техника, технология ва ахборот тизимидаги ўзгаришларга қараб Р.Арон, Ж.Гелбрейт, У.Ростоу ва бошқа олимлар жамият тараққиёти босқичларини уч босқичга: индустрлашишгача бўлган жамият, индустрлашган жамият, юқори индустрлашган ёки ахборотлашган жамиятларга бўлиб ўрганишни тавсия этадилар.

Бунда улар **индустрлашишгача бўлган жамиятнинг асосий белгилари** сифатида қуйидагиларни кўрсатадилар: а) аҳолининг асосан қишлоқ хўжалиги билан бандлиги; б) қўл меҳнатининг ҳукмронлиги; в) меҳнат тақсимотининг жуда саёзлиги (деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо, бошқарув ва бошқалар); г) натурал хўжаликнинг ҳукмронлиги.

Жамият тараққиётининг иккинчи муҳим босқичи – индустрлашган жамиятнинг асосий белгилари: а) ишлаб чиқаришнинг машиналашганлиги; б) саноатнинг фан-техника ютуқлари асосида ривожланиши, унда ишчилар сонининг кўпайиши; в) шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолисига нисбатан тезроқ кўпайиши ва бошқалар.

Тараққиётнинг учинчи муҳим босқичи – **юқори даражада индустрлашган жамиятнинг асосий белгилари:** а) хизмат кўрсатиш соҳасининг юксак даражада ривожланиши; б) ишчи

кучининг асосий қисми (60-70%) шу соҳада банд бўлиши; в) фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши, фан ходимларининг ва малакали мутахассислар ролининг ошиши; г) иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида ва кундалик ҳаётда ахборот ва ҳисоблаш техникаларининг кенг қўлланилиши; д) товарлар ва хизматлар сифатига путур етказмасдан иқтисодий ресурсларнинг ҳамма турларини тежаш имконини берадиган янги техника ва технологияларнинг кенг қўлланилиши ва бошқалар.

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, техника ва технологиядаги ўзгаришлар жамият тараққиётида асосий рольни ўйнайди ва ташкилий, бошқарув тизимларининг, ишчи-хизматчилар таркибининг ўзгаришига, меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келади. Лекин бу техник ўзгаришларга қараб бир томонлама ёндашув билан жамият тараққиёти қонунларини аниқлаб бўлмайди. Айниқса, иқтисодий тизимлар ва уларнинг тавсифини билишда ҳам техник, ҳам ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни биргаликда олиб, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ва шу диалектик алоқадорлик ва таъсир натижасида содир бўладиган тараққиёт қонунларини ўрганиш зарурдир.

Жамият тараққиётига, жумладан техника ва технологиянинг ривожига ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг кучли таъсирини шунда кўриш мумкинки, бир неча минг йиллаб ривожланмаётган товар хўжалиги ва бозорнинг вужудга келиши билан айрим мамлакатлар ва юртларда техника-технология тараққиёти гуркираб ўсиб кетди. Техника тараққиётининг барча босқичлари – оддий кооперация, мануфактура, машиналашган, яъни индустрлашган ишлаб чиқариш, юқори даражадаги индустрлашган, ахборотлашган жамият босқичлари кейинги 250-300 йилга, яъни товар хўжалиги ривож топган даврга тўғри келади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда кўпгина иқтисодчилар жамият тараққиёти босқичларини иқтисодий тизимларга бўлиб ўрганадилар.

3.2. Иқтисодий тизимлар ва уларнинг турли моделлари

Ҳар бир даврда ва маконда амал қилаётган иқтисодий муносабатлар мажмуаси иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик механизми ва иқтисодий муассасалар билан биргаликда иқтисодий тизимни ташкил қилади.

Иқтисодиёт назарияси фанида кўпинча иқтисодий тизим тушунчасини ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан боғлаб туркумлашга ҳаракат қилинади. Шу асосда дунёдаги ривожланган мамлакатлар иқтисодий тизимнинг учта нусхасига киритилади: анъанавий иқтисодиёт, маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёти ва бозор иқтисодиёти тизимлари.

Анъанавий иқтисодиёт – деярли ҳамма мамлакатлар босиб ўтган тарихий тизимдир. У ҳозирги даврда ҳам баъзи иқтисодий жиҳатдан паст ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, уларда урф-одатлар, удумларга, анъаналарга асосланган иқтисодий жараёнлар орқали амал қилади. Анъанавий иқтисодиётда натурал ёки майда товар хўжалиги ҳукмрон бўлади. Бу ерда ишлаб чиқариш, айирбошлаш, даромадларни тақсимлаш вақти-вақти билан ўрнатиладиган урф-одатларга асосланади. Меросхўрлик ва сулола (табақа) шахсларнинг иқтисодий роли юқори бўлиб, асосан улар ҳукмронлик қилади, ижтимоий-иқтисодий турғунлик аниқ ифодаланади. Техника тараққиёти ва янгиликларни жорий қилиш кескин чекланган, чунки улар кўпинча анъаналарга зид келади ва ижтимоий тузум барқарорлигига хавф туғдиради. Иқтисодий фаолиятга нисбатан диний ва маданий тартиблар бирламчи ҳисобланади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодиёт муаммосини ҳал қилишнинг бир хил ва умум тан олинган ечими мавжуд эмас. Ҳар хил маданият ва тарихий ўтмиш, ҳар хил урф-одат ва анъаналар, қарама-қарши мафкуравий қарашларга эга бўлган турли жамиятлар аниқ иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун турли хил тартиблардан фойдаланади.

Бозор иқтисодиётига қарама-қарши тизим **маъмурий-**

буйруқбозлик иқтисодиёти ҳисобланади. Бу тизим амалда барча моддий ресурсларга ижтимоий, аниқроғи, давлат мулкчилигининг ҳукмронлиги ва маъмурий органлар томонидан иқтисодий қарорларнинг марказлашган тартибда қабул қилиниши билан тавсифланади. Фойдаланадиган ресурсларнинг ҳажми, маҳсулотнинг таркиби ва тақсимланиши, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш кабиларга тегишли барча муҳим қарорлар марказий бошқариш органлари томонидан қабул қилинади.

Иқтисодий тараққиётда муҳим босқич ҳисобланган тизим **бозор иқтисодиёти тизимидир.** Бозор иқтисодиёти тизими асосан икки босқичга эгадир. Биринчиси эркин рақобатга асосланган классик бозор иқтисодиёти бўлиб, баъзи адабиётларда уни соф капитализм деб ҳам юритилади. Иккинчиси эса ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти бўлиб, уни аралаш иқтисодиёт тизими деб ҳам юритилади.

Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти ресурсларга хусусий мулкчилик, иқтисодий фаолиятда ва тадбиркорликда эркинлик, иқтисодий жараёнларни тартиблашда ва уйғунлаштиришда бозор механизмидан фойдаланиш билан тавсифланади. Бундай тизимда ҳар бир иқтисодий субъектнинг хатти-ҳаркати унинг хусусий манфаатига асосланади. Улар ўзлари қабул қилган хўжалик ечимлари ва қарорлари асосида даромадларини энг юқори даражада етказишга интиладилар. Бу алоҳида қабул қилинган қарорлар бозор тизими ёрдамида уйғунлаштирилади. Рақобат шароитида товарларнинг ишлаб чиқарилиши, ресурсларнинг таклиф қилиниши шуни билдирадики, ҳар бир маҳсулот ва ресурсларнинг кўплаб мустақил ҳаракат қилувчи харидор ва сотувчилари мавжуд бўлади. Бу ерда иқтисодий жараёнларга давлатнинг аралашуви чекланган тавсифга эга бўлади. Шу сабабли давлатнинг роли хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва эркин бозорнинг амал қилишига қулай шароит яратувчи ҳуқуқий тартиблар ўрнатишдан иборатдир.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти. Ҳозирги даврда

реал ҳаётда бозор иқтисодиёти соф бозор механизми ва режали иқтисодиёт унсурларини мужассамлаштиради. Мулкчиликнинг ҳар хил шакллари, тадбиркорликнинг турли йўналишлари мавжуд бўлади, унда режалаштириш, прогнозлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кучаяди. Масалан, АҚШ иқтисодиёти ҳозирги даврда олдинги эркин бозор иқтисодиётидан сезиларли фарқ қилади. Бу фарқлар қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, мулкнинг бир қисми давлат қўлида бўлиб, у иқтисодиётда фаол роль ўйнайди. Бу иқтисодиётнинг барқарорлиги ва ўсиши учун шароит яратишда, бозор тизими етарли даражада ишлаб чиқармайдиган ёки умуман етказиб бермайдиган айрим товарлар ва хизматлар билан таъминлашда, даромадлар тақсимланишини ўзгартиришда ва шу кабиларда намоён бўлади;

иккинчидан, соф капитализмдан фарқли ўлароқ, АҚШ иқтисодиётида йирик корпорациялар ва кучли касаба уюшмалари шаклидаги қудратли иқтисодий ташкилотлар мавжуд.

Бу ерда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хусусий мулкчилик ва бозор тизимига суяниш, ижтимоий мулкчилик ва марказдан режалаштириш ҳар доим ҳам бир вақтда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Масалан, собиқ миллатчи Германия иқтисодиёти авторитар капитализм деб аталган, чунки мулкчилик хусусий бўлиб қолсада, мамлакат иқтисодиёти қаттиқ назорат остига олинган ва марказдан бошқарилган. Бунинг тескариси, бозор социализми деб аталган собиқ социалистик Югославия иқтисодиётида ресурсларга ижтимоий мулкчилик хос бўлган ва бир вақтда иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш ва бошқаришда эркин бозор асосида олиб борилган. Швеция иқтисодиётида ҳам 90% дан ортиқ хўжалик фаолияти хусусий фирмаларда тўпланган бўлсада, давлат иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва даромадларни қайта тақсимлашда фаол қатнашади. Ҳозирги вақтда Хитой Халқ Республикасида давлатнинг марказлашган

ҳолда иқтисодиётга аралашуви ва режалаштириш тизими сақланиб қолган ҳолда бозор механизмлари муваффақият билан қўлланилиб, барқарор ва тез суръатлар билан иқтисодий ўсишга эришмоқда.

3.3. Мулкчилик муносабатларининг моҳияти ва иқтисодий мазмуни. Мулк объектлари ва субъектлари

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий тизимининг асосий муносабатларидан бирини ташкил қилиб, инсоният тараққиётининг маҳсули ҳисобланади. Мулкчилик муносабатлари моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда жамият бойликларини ўзлаштириш жараёнларида вужудга келади. Шундай экан, **мулкчилик муносабатлари – бу мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ва ўзлаштириш жараёнларида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.**

Мулкка **эгалик қилиш** мулкнинг эгаси қўлида сақланиб туришини билдиради ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклини ифодалайди. Айрим ҳолларда мулкка эгалик қилиш унинг эгаси ихтиёрида сақланган ҳолда, ундан амалда фойдаланиш эса бошқалар қўлида бўлади. Бунга ижарага берилган мол-мулкни мисол қилиб келтириш мумкин. Мулкдан **фойдаланиш –** бу мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилишидир. Мол-мулкни **ўзлаштириш** юз берганда у даромад олиш учун ёки шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилишини билдиради. Мулкни **тасарруф этиш** – бу мол-мулк тақдирининг мустақил ҳал қилинишидир. У мол-мулкни сотиш, мерос қолдириш, ҳадя қилиш, ижарага бериш каби ҳолатларни эркин танлаш имконияти орқали намоён бўлади.

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмунини унинг ажралмас жиҳатлари (эгалик қилиш, фойдаланиш, ўзлаштириш ва тасарруф этиш) белгилаб берсада, бу муносабатлар тавсифи

нафақат алоҳида мулк шаклларида, балки битта мулк шакли доирасида ҳам фарқланиши мумкин. Мулкчилик жамиятдаги ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий муносабатлар мазмунини ўзида ифодалайди. Мулкчиликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мазмуни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади, шу сабабли мулкчилик бир вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий категория ҳисобланади. Бу бирликда, юқорида кўрсатилганидек, ҳал қилувчи рольни мулкчиликнинг иқтисодий томони эгаллайди. Мулкчилик хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари орқали иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилади. Агар мулк иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилмаса, яъни ўзлаштирилмаса, ишлаб чиқаришда фойдаланилмаса ёки мулк эгасига даромад келтирмаса, бунда у «ҳуқуқий» категория сифатида қолади. Бошқа томондан, мулкчиликнинг ҳуқуқий жиҳати унинг иқтисодий томонига нисбатан фақат бўйсунувчи роль ўйнамайди. Бу шунда кўринадики, ишлаб чиқариш воситаларига маълум ҳуқуқий эгалик қилмасдан, ҳеч ким ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошира олмайди, ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдалана олмайди. Шу сабабли мулкчиликнинг ҳуқуқий меъёрлари (эгалик қилиш, тасарруф қилиш, фойдаланиш ҳуқуқи) иқтисодий муносабатларнинг аниқлаштирилган кўриниши ҳисобланади.

Ҳуқуқий меъёрлар, бир томондан, айнан мулкчилик муносабатларини муҳофаза қилиш зарурати билан боғлиқ ҳолда вужудга келса, бошқа томондан, улар товар ишлаб чиқариш шароитида мулкчилик муносабатларини ривожлантиришда ғоят муҳим роль ўйнайди. Бу роль шунда кўринадики, товар хўжалиги шароитида айрим ижтимоий қатламлар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмасдан, айирбошлаш муносабатларида иштирок этиб (масалан, савдо воситачилари) мулкдорга айланиш имконияти пайдо бўлади. Шундай қилиб, мулкчиликнинг ҳуқуқий меъёрлари, биринчидан, ишлаб чиқариш воситалари ва яратилган моддий неъматларнинг муайян шахсларга (ҳуқуқий ёки жисмоний)

тегишли эканлигини, иккинчидан, мулк эгаларининг қонун билан қўриқланадиган ваколатларини ва ниҳоят, учинчидан, мол-мулкни ҳимоя қилиш усулларини белгилаб беради.

Мулкчилик муносабатлари унинг объектлари ва субъектлари бўлишини шарт қилиб қўяди. **Мулкка айланган барча бойлик турлари мулкчилик объектларидир.** Мулк объекти бўлиб, инсон яратган моддий ва маънавий бойликлар, табиий бойликлар, ақлий меҳнат маҳсули, инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти – ишчи кучи ва бошқалар ҳисобланади. Мулк объектида асосий бўғин – бу ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш воситалари кимники бўлса, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам унга тегишли бўлади.

Реал ҳаётда ишлаб чиқариш воситаларининг умумлашиш даражаси турли хил, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши турли даражада ва турли шаклларда амалга оширилади. Шунга мос равишда мулк субъектлари вужудга келади. Мулк субъекти жамиятда маълум ижтимоий-иқтисодий мавқега эга бўлган, мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкий муносабатлар иштирокчилари бўлиб, улар жамоа, синф, табақа ёки бошқа ижтимоий гуруҳларга бирлашган бўлади. Айрим кишилар, оилалар ва давлат ҳам мулкчилик субъекти сифатида майдонга чиқиши мумкин.

Мулк объектлари ва субъектлари ёрдамида мулкчилик муносабатлари ва ҳуқуқларини янада яққолроқ тушуниш мумкин. Мулкчилик муносабатлари – бу мулк объектини ўзлаштириш бўйича мулк субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатдир. Бу қоидани қуйидаги тасвир орқали ифодалаш мумкин:

Мулкчилик ҳуқуқлари эса мулк субъектининг мулк объектига нисбатан муносабатидир, яъни ундан фойдаланиш ва назорат қилиш юзасидан келиб чиқувчи ҳуқуқлар мажмуидир:



Мулк субъектлари кўп даражали бўлиб, шу субъектлардан биронтаси ўзини мулк эгаси сифатида юзага чиқара олмаса, унда мулкчилик муносабатлари расмий ва юзаки тус олади.

3.4. Мулкчиликнинг турли шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида мулкчилик муносабатлари ўз ичига давлат мулкини, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва матлубот соҳаларидаги жамоа мулкининг хилма-хил турларини, ижтимоий ташкилотлар мулкини, уй хўжалиги ва шахсий томорқа хўжалиги ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган меҳнаткашларнинг шахсий мулкини, ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасидаги аралаш мулк шаклларини ва хусусий мулкларни олади. Шу сабабли «Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисида»ги Қонунида турли-туман мулклар қуйидаги мулк шаклларига киритилади: давлат мулки, жамоа мулки, хусусий мулк, шахсий мулк, аралаш мулк (3.2-расм).

Мулкчилик турли шаклларининг мавжуд бўлиши ва уларнинг иқтисодий мезони, аввало, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг умумлашуви даражаси билан боғлиқ. Шу билан бирга мулкчилик шакллари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳолати, ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ташкилий-иқтисодий муносабатларининг етуклик даражаси

билан мос келиши зарур.

Давлат мулки – эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш давлат ихтиёрида бўлган мулк объектларидан иборат. Давлат мулки асосан икки йўл билан ҳосил бўлади:

1) хусусий мол-мулкнинг миллийлаштирилиб, давлат ихтиёрига ўтказилиши;

2) давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар қуриш, давлатга қарашли корхона ва ташкилотларда инвестицияларни амалга ошириш.

3.2-расм

Мулкчилик шаклларининг таснифланиши

Давлат мулки ҳақиқатда ҳам халққа қарашли бўлган, бўлинмайдиган ёки умумий ресурслардан фойдаланиш учун жуда мосдир. Бунга мисол қилиб такрор ишлаб чиқариб бўлмайдиган табиий ресурсларни, йирик иншоотлар ва транспорт воситалари, йўллар каби иқтисодий тузилманинг каттагина қисмини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда Фуқаролик кодексига мувофиқ давлат мулки республика мулкидан ва маъмурий-ҳудудий (муниципал) тузилмалар мулкидан иборат бўлади. Ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, республика ҳокимияти ва бошқаруви тузилмалари мол-мулки, давлатга қарашли маданий ва тарихий бойликлар, бюджет маблағлари, олтин захираси, валюта фонди ва бошқа давлат фондлари республика мулки ҳисобланади.

Маъмурий-ҳудудий (муниципал) тузилмалар мулкида давлат ҳокимияти маҳаллий органлари мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалиги корхоналари ва бошқа мулкий мажмуалар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари кабилар мол-мулки бўлади.

Жамоа мулки – муайян мақсад йўлида ўзларида бўлган ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириб жамоага бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларни ҳамжиҳатлик билан ўзлаштиришни билдиради. Жамоа мулки давлат мулкини корхона жамоаси сотиб олиши, бадал тўлаб корхона қуриши, акция чиқариб, уларни сотиш каби йўллар орқали пайдо бўлди. Жамоа мулкининг муҳим хусусияти шундаки, ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулига айрим шахслар эмас, балки маълум гуруҳ, кишилар эгалик қилади. Жамоа мулкига кооперативларнинг, ижара ва жамоа корхоналарининг, акциядорлар жамиятлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, жамоа ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг мулки киради.

Шахсий мулк – бу фуқаролар мулки бўлиб, уларнинг оилавий фаолият юритишида шахсий ёки оилавий меҳнатга асосланиб, ўз эҳтиёжини қондиришига хизмат қилади. Бу мулк шакли асосан шахснинг ёки унинг оила аъзоларининг меҳнати ва ундан келган даромадлари асосида кўпаяди ва ривож топади.

Фуқаронинг шахсий мулки асосан, уларнинг ижтимоий

ишлаб чиқаришда иштирокидан, ўз хўжалигини юритишдан тушган меҳнат даромадлари ҳисобига вужудга келади ва кўпаяди. Бозор иқтисодиёти шароитида шахсий мулк акциядан олинадиган дивиденд, банк фоизлари, хусусий соҳибкорлик даромади каби янги манбаларга ҳам асосланади. Шахсий мулк объектлари – бу турар жойлар, боғ-ҳовли ва уйлар, транспорт воситалари, пул жамғармалари, уй-рўзғор ва шахсий истеъмол буюмлари, якка тартибда ва бошқа хўжалик фаолияти учун керакли ишлаб чиқариш воситалари, уларда ҳосил қилинган маҳсулот ва бошқалар бўлиши мумкин. «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонунда кўрсатилганидек, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳасидаги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги кичик корхоналар фуқаро ва унинг оила аъзоларининг мулки бўлиши мумкин. Шахсий мулк объектлари эҳтиёжларини қондириш доирасидан чиқиб, даромад топиш йўлида ишлатилиши мумкин.

Хусусий мулк – бир шахсга жумладан, тадбиркорга қарашли бўлиб, ёлланма мехнатга асосланган ҳолда даромад олишга қаратилган мулкдир. Бу ерда мулк эгаси билан тадбиркорни бир хил қараш керак эмас. Мулк эгаси ўз мулкини ўзи юритиши ҳам мумкин, уни тадбиркорга ижарага бериши ҳам мумкин. Агар мулк эгаси ўз мулкини ўзи юритса, у бир вақтнинг ўзида ҳам мулк эгаси ҳам тадбиркор сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонунида (7-модда) хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир, деб кўрсатилган. Шу билан бирга хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслиги таъкидланади. Хусусий мулк ҳам бошқа ҳар қандай мулк шакллари каби ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. У сўзсиз, ташаббускорлик ва тадбиркорликни, меҳнатга масъулиятлилик муносабатларини рағбатлантиради. Шу билан бирга, товар ишлаб чиқариш шароитида у

хуфёна даромад орттиришга интилиш ҳиссини туғдиради. Мулкчиликнинг бу шаклини тан олиш иқтисодиётда уни қўллаш фойдали бўлган бўғинларни аниқлаш, уни тартибга солишнинг молиявий ва ҳуқуқий механизмларини шакллантиришни тақозо қилади. Лекин хусусий мулкчиликни бундай тан олиш уни мутлақлаштириш билан умуман боғлиқ эмас. Бу мулк сотиб олинган ишлаб чиқариш воситалари асосида мустақил хўжалик юритиш ёки давлат корхоналари, кооператив фирмалар, магазин, ошхона ва шу кабиларни сотиб олиш орқали вужудга келиши, кўпайиши мумкин.

Турли шаклдаги мулкларнинг аралашиб, бирикиб кетиши натижасида аралаш мулк пайдо бўлади. Бу мулк алоҳида олинган объектнинг турли мулкдорлар иштирокида ўзлаштирилишини билдиради.

3.5. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мақсади, йўллари ва усуллари

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни ва рақобат муҳитини шакллантириш учун шарт-шароитни вужудга келтиришдан иборат. Бунда асосийси мулкчилик масаласини ҳал қилишдир. Узоқ йиллар мобайнида Собиқ Иттифоқ таркибига кирган давлатлар қатори бизнинг республикамиз иқтисодиётида ҳам умумхалқ мулки деб аталган, аслида эса давлатлаштирилган мулк тўлиқ ҳукмронлик қилиб келди. Назария ва амалиётда умумхалқ мулки деб ҳисобланган мулк субъекти сифатида давлатнинг чиқиши жамият аъзолари ўртасида бу мулкка «ҳеч кимники», «давлатники», «бировнинг мулки» деб қарашларнинг шаклланишига олиб келди. Бозор иқтисодиётини вужудга келтириш вазифаси ўтиш даврида мулкчиликда давлат секторининг салмоғи анча юқори бўлган мамлакатларда бу мулкнинг маълум қисмини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни тақозо қилади. Шунга кўра,

Ўзбекистонда ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга муҳим аҳамият касб этувчи жараён сифатида қаралиб, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунида (1991 йил 19 ноябрь, 425-XII-сон) қуйидагича таъриф берилади:

Давлат тасарруфидан чиқариш – давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

Хусусийлаштириш – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир [26].

Бундан кўринадики, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришга қараганда анча кенг тушунча. Хусусийлаштириш - давлат мулкига эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтишидир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришдан ташқари, бу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларини вужудга келтиришни ҳам кўзда тутади. У бир қатор йўллар билан амалга оширилади: давлат корхоналарини акциядорлик жамиятига айлантириш, давлат корхонасини сотиб, уни жамоа мулкига айлантириш; мулкни қийматга қараб чиқарилган чеклар (ваучер) бўйича фуқароларга бепул бериш; мулкни айрим тадбиркор ва иш бошқарувчиларга сотиш; айрим давлат корхоналарини чет эл фирма ва фуқароларига сотиш ёки қарз ҳисобига бериш; давлат мол-мулкини аукционларда ким ошди савдоси орқали сотиш ва ҳ.к.

Хусусийлаштиришнинг усуллари ҳам турли-туман бўлиб, уларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин: 1) давлат мулкини бепул бўлиб бериш орқали хусусийлаштириш; 2) давлат мулкини сотиш орқали хусусийлаштириш; 3) давлат мулкини бепул

[26] “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. / Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 65-б

бўлиб бериш ҳамда сотишни уйғунлаштириш орқали хусусийлаштириш (3.3-расм).

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки палласидаёқ мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди ва давлат мулки монополизмини тугатиш ҳамда бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантириш вазифаси қўйилди. Аввало мулкчиликнинг турли хил шакллари қарор топиши учун тенг ҳуқуқий меъёрлар ва амал қилиш механизмлари яратилди.

3.3-расм . Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг усуллари.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндашувнинг **муҳим хусусияти** – уни **махсус дастурлар** асосида босқичма-босқич амалга оширишдан иборат.

Республикада хусусийлаштиришнинг манзилли йўналтирилганлиги унинг навбатдаги хусусиятидир. Бу аҳолининг барча қатламларига мазкур жараёнда аниқроқ ва натижалироқ қатнашиши имконини беради. Хусусийлаштиришнинг манзилли йўналтирилганлиги уй-жойларнинг ўз эгаларига имтиёзли ёки бепул берилишида, аҳолининг кўпроқ муҳтож ва заиф қатламларини қўллаб-қувватлашнинг турли хил дастурлари бюджет маблағлари ҳисобига қопланишида, қишлоқ аҳолиси ўз ёрдамчи хўжалиги учун чек ерлар олиши кабиларда ифодаланади.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг **тўловлилиги** унинг навбатдаги муҳим хусусиятидир. Пулни тўлаш орқали давлат тасарруфидаги корхона ва объектларни хусусийлаштиришда мулкни бепул тақсимлаш билан боғлиқ салбий ҳолатлар бартараф этилиши билан бирга қатор муаммоларни ҳал қилиш имконияти яратилади. Булардан асосийси аввало тадбиркорликни, хусусийлаштирилган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг молиявий манбалари пайдо бўлади, бозор инфратузилмасини барпо этиш учун ресурслар вужудга келади ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш дастурини рўёбга чиқариш учун маблағлар жамланади. Давлат мол-мулкини янги мулкдорларга сотиш йўли орқали уларни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилиши билан бирга хусусийлаштиришдан олинадиган маблағлар шу корхонанинг ўзини қўллаб-қувватлашга, янги рақобатлашувчи корхоналар барпо этишга ҳам сарфланади.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ***биринчи босқичини*** (1992-1993 йиллар) ўз ичига олиб, бу босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини қамраб олди (3.4-расм).

Енгил, маҳаллий саноатга, транспорт ва қурилишга, бошқа тармоқларга қарашли айрим ўрта ва йирик корхоналар кейинчалик сотиб олиниш ҳуқуқи билан кўпроқ ижара корхоналарига, жамоа корхоналарига, ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Акцияларнинг назорат пакети давлат ихтиёрида сақлаб қолинди. Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида давлат иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган, бироқ бутун мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган айрим секторларни, айрим корхоналарни сақлаб туришни ва маблағ билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олди.

3.4-расм. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш босқичлари.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичи натижасида кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкини бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш учун керак бўлган муассасалар тизими вужудга келтирилди. Савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналари хусусий ва жамоа мулки қилиб берилди.

Давлат ижтимоий дастурида белгилаб берилган ***иккинчи босқич*** 1994-1995 йилларга тўғри келди. Бу босқичда кўплаб ўрта ва йирик корхоналар акциядорлик жамиятларига айлантирилди ҳамда уларнинг акциялари республика қимматли қоғозлар бозорининг асосини ташкил этди. Давлат мулки акциядорликка айлантирилиши билан бир қаторда кичик хусусий бизнес корхоналарини ташкил қилиш жадаллаштирилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг бу босқичида очиқ турдаги акциядорлик жамиятларини вужудга келтириш, давлат мулкини танлов асосида ҳамда ким ошди савдосида сотиш амалиётга жорий қилинди. Кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорининг янги муассасалари барпо этилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан келадиган самара икки ёқлама тавсифга эга. Бир томондан, у аҳолининг бўш турган маблағларини ўзига жалб қилиб, уларнинг бозорга тазйиқини пасайтиради. Иккинчи томондан, янги маблағларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни юзага келтириш учун шароит яратади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, хусусийлаштириш иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторини шакллантиришнинг ягона йўли эмас. Ташаббускорлик асосида якка тартибдаги хусусий мулкчиликка асосланган, шунингдек, турли хил кооперативлар, ширкатлар, масъулияти чекланган жамиятлар кўринишидаги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш – иккинчи қудратли жараён ҳисобланади.

Республика иқтисодиёти 1996 йилдан бошлаб мулкни

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ***учинчи босқичига*** кирди. Бу босқич даврида (1996-1998 йиллар) хусусийлаштирилмайдиган объектлар рўйхатига кирмаган барча объект ва корхоналар (жами 3146 та) давлат тасарруфидан чиқарилди. Натижада 1997 йилда савдо-сотиқ ҳажми ва умумий овқатланиш маҳсулотларининг 95 фоиздан ортиқроғи давлатга қарашли бўлмаган секторга тўғри келди. Уй жойларни хусусийлаштириш жараёнида илгари давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартира ёки давлат уй-жой фондининг 95 фоиздан ортиқроғи фуқароларнинг шахсий мулки бўлиб қолди.

Хусусийлаштириш жараёнларининг ***тўртинчи босқичи*** (1998-2003 йиллар)нинг асосий вазифалари сифатида давлат бюджетига хусусийлаштиришдан тушган маблағларни йўналтириш, хусусийлаштирилган корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб этиш, бошқарув самарадорлигини ошириш ва мулкчиликнинг янги муносабатларини тўлақонли амал қилиши учун шароитлар яратиш тадбирларини амалга ошириш белгиланди. Хусусийлаштиришнинг тўртинчи босқичини амалга ошириш мобайнида 1998-2003 йилларда 17836 та давлат объектлари хусусийлаштирилиб, улар асосида 16852 та нодавлат мулкидаги корхоналар ташкил этилган. Жумладан, ушбу корхоналарнинг 3667 таси (21,8%) акциядорлик жамиятлари, 10138 таси (60,2%) хусусий корхоналар, 3047 таси (18,1%) бошқа шаклдаги корхоналардан иборат. Бу даврда хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳажми 167,3 млрд. сўмни ташкил этган.

Ўзбекистонда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг – **бешинчи босқичи** (2004-2016 йиллар) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан боғлиқ. Мазкур Фармон асосида иқтисодий ночор корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини

жадаллаштириш, шунингдек, мазкур корхоналарни модернизациялаш ва барқарор ривожлантириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида хусусийлаштирилган объектларга нарх белгилаш механизми жорий этилди. Хусусан, хусусийлаштирилган корхоналар давлат активларининг бошланғич нархларини секин-аста пасайтириб бориш ҳамда давлат, иқтисодий ночор корхоналарни ва паст ликвидли объектларни ноль даражадаги харид қиймати бўйича танлов асосида инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан инвесторларга сотиш тартиблари тасдиқланди [27].

Мамлакатимизда ҳозирда ҳам хусусийлаштириш жараёнлари босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Маълумотлардан маълум бўлишича, 2004-2016 йиллар давомида 6140 та давлат объекти хусусийлаштирилиб, бунинг натижасида тушган маблағларнинг жами ҳажми 1001,3 млрд. сўмни ташкил этган (3.2-жадвал).

3.2-жадвал

Ўзбекистонда давлат объектларининг хусусийлаштирилиши ҳолати[28]

Йиллар	Хусусийлаштирилган объектлар сони (бирлик)	Хусусийлаштиришдан тушган пул маблағлари, млрд. сўм
2004	1228	78,5
2005	980	80,5
2006	673	70,5
2007	631	111,1
2008	392	130,6
2009	135	35,7
2010	96	23,0
2011	95	39,2
2012	83	32,1
2013	82	44,1
2014	288	88,0
2015	848	103,2
2016	609	164,8
Жами	6140	1001,3

[27] Валижонов А.Р. Особенности современного этапа разгосударствления и приватизации. – Восемнадцатые Международные Плехановские чтения «Реформирование и модернизация национальной экономики – стратегический курс на демократизацию и обновление общества»: Тезисы докладов профессорско-преподавательского состава и специалистов-практиков (26 марта 2005г). Выездная сессия в г.Ташкенте. – М.: изд-во РЭА, 2005. С. 22-23.

[28] www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Кўпгина иқтисодий адабиётларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий беш босқичи мавжуд эканлиги таъкидланган. Лекин вақт ўтиши билан амалга оширилган ислоҳотлар натижасида назариялар ҳам ўзгариш хусусиятига эга бўлар экан. Шундан келиб чиққан ҳолда хусусийлаштиришнинг кейинги босқичи ҳам юзага чиқа бошлади.

Мулкни хусусийлаштириш ва уни янада жадаллаштиришнинг олтинчи босқичи 2017 йил ва ундан кейинги даврларни ўз ичига олади. Бунинг ҳуқуқий асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш ва бу жараённи жадаллаштириш, уларни хусусийлаштиришда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, хусусий мулк қилиб сотилган объектларда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил этишга қаратилган.

Шунингдек, 2017 йил 23 февралида Президентнинг “Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2017 йилгача бўлган даврда хусусийлаштирилган 39631 та корхона ва объект мавжуд бўлиб, улардан 22921 таси ҳозирда фаолият кўрсатмоқда. 12616 таси эса турли сабабларга кўра ишламайди.[29]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги “Давлат-хусусий шерикликни

[29]https://gkk.uz/uz/yangiliklar/smi-o-komitete/3272-khususijlashtirilgan-korkhonalar-llab-uvvatlanmo-da

ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3980-сонли Қарори ҳам қабул қилинди. Унга кўра, анъанавий равишда давлат тасарруфида ва бошқарувида бўлган иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммо ва камчиликлар давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этишни жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сонли қарори қабул қилинди.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг фаолияти хусусийлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда очиқлик, шаффофлик, давлат ва жамоатчилик назорати, фуқаролар иштирокининг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва “Рақобат тўғрисида”ги Қонун талабларига риоя этишга қаратилган.

Мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёни электрон тарзда амалга оширилмоқда. Бунда акциялар бўйи¬ча очиқ биржа савдолари ва биржадан ташқари савдолар (uzse.uz), қолган барча давлат активлари бўйича эса электрон онлайн аукцион савдолар (e-auksion.uz), шунингдек, давлат объектларини инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда “ноль” харид қийматида сотиш, давлат-хусусий шериклик асосида сотиш (акцияларни ишончли бошқарувга бериш)дан фойдаланилмоқда (3.3-жадвал).

3.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштириш тизимидаги ўзгаришлар[30]

Олдин	Ҳозир
Хусусийлаштириш дастурлари йилда бир марта қабул қилинган.	Хусусийлаштириш дастурларини тасдиқлаш чекланмаган, ҳатто ҳар бир ҳудуд (вилоят, туман) ёки иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи кесимида ҳам хусусийлаштириш дастурлари қабул қилинмоқда.
Хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорлар фақат марказлашган ҳолда қабул қилинган.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, халқ депутатлари кенгашларига ваколатлар берилди.
Давлат мулки объектлари аукцион савдоларда фақат баҳоланган қийматларда сотилган.	Давлат мулки объектлари баҳоланмасдан 1 сўм бошланғич қийматда аукцион савдоларга қўйилмоқда.
Савдоларни ташкил этиш ва уни ўтказишда шахслар аралашуви юқори даражада бўлган.	Давлат мулки объектларини (бундан акциялар истисно) сотиш бўйича савдоларнинг барчаси “E-ijro auksion” электрон савдо майдончасида амалга оширилади, тизим тўлиқ автоматлаштирилган ва шахс аралашуви бартараф этилган.
Кенг жамоатчиликни хабардор қилишда интернет воситалари (online тизим)дан деярли фойдаланилмаган.	Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий веб сайти (davaktiv.uz), телеграм-бот канали (https://t.me/DAVAKTIVUZ), facebook ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали эълон ва маълумотлар бериб борилмоқда.
Ўта бюрократлаштирилган, мураккаб, шаффофлиги паст ва узоқ вақт талаб этадиган тизим пайдо қилинган.	Қарорлар тез ва шаффоф қабул қилинадиган, марказлашмаган, шахслар аралашувидан холи тизим яратилди.

Ушбу яратилаётган қулайликлар тадбиркорларнинг нафақат маҳаллий, балки ташқи бозорларни ҳам пухта ўрганаётгани инобатга олинса, аукцион савдоларнинг электрон онлайн тизимга ўтказилиши ҳам қулайлик, ҳам камхаржлилик жиҳати билан барча манфаатдор томонларга мос келади.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида хусусий мулк ва унинг асосида ривожланаётган хусусий тадбиркорликка кенг эътибор берилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси сингари тармоқлар, уй-жой фонди тўлиқ хусусий

[30] Жамолиддин Қудратов // Хусусийлаштириш: ўзгаришлар ва янги қадамлар // Biznes Daily «Биржа» Республика иқтисодий газетаси, 2019 йил 6 августь. №90 (2565). http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/66704-xususiylashtirish-o'zgarishlar-va yangi qadamlar

мулк эгалари тасарруфига ўтказилди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган, озиқ-овқат, тикувчилик маҳсулотлари, тўқимачилик, чарм-пояфзал, мебел ва фармацевтика саноати тармоқларида давлатнинг улуши анчага камайтирилди.

Республикамизда хусусийлаштириш бўйича қўйилган вазифа – давлат сектори бозор иқтисодиёти шароитида ҳам сезиларли роль ўйнашини инкор қилмайди. Чунки иқтисодиётнинг давлат корхоналари маълум даражада сақланиб қолиши керак бўлган соҳалар ҳам мавжуд. Бундай корхоналар учун уларнинг бозор шароитларига мослашувига имкон берадиган хўжалик юритиш механизмини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, улардан самарали фойдаланиш, умуман иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинганлиги ва жорий этилганлигини, уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг кафолати бўлиб хизмат қилишини таъкидламоқ зарур.[31]

Бу ишларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад қаровсиз ҳолда бўлган бино ва иншоотлар негизида замонавий, рақобатбардош маҳсулотларни тайёрловчи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиб, қўшимча иш ўринларини яратишдир. Бу эса, ўз навбатида, бозорларимизни харидоргир ва импорт ўрнини босувчи кўплаб янги турдаги товар ҳамда маҳсулотлар билан бойитиш, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини бундан-да юксалтиришга хизмат қилади.

Давлат активларини бошқариш агентлиги ташкил қилингандан сўнг ўтган қисқа вақт ичида муайян ишлар амалга оширилди. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

[31]https://gkk.uz/uz/yangiliklar/smi-o-komitete/3272-hususijlashtirilgan-korkhonalar qo'llab-quvvatlanmoqda

асосида давлат мулки объектларини хусусий секторга сотишда бозор ислоҳотларига ўтиш таъминланди, иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш, фаол инвестиция сиёсатини юритиш, жамият ва давлат фаолиятининг барча соҳаларини жадал ва барқарор ривожлантириш учун амалий чоралар кўрилди.

Натижада давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида фуқаролар, тадбиркорлар, шу жумладан, инвесторлар ўртасида шаффофлик ва савдоларнинг очиқлиги таъминланди. 2019 йилнинг биринчи ярмида жами 384 та давлат активи хусусий мулкка сотилган: Шундан:[32]

– 15 таси тўлов қийматида (объект ва акция пакети (улуши) бўлиб, 7 тасида нархини тушириш механизми қўлланган ҳолда 23 994,0 млн. сўм тўлов қийматида 9 650,0 млн. сўм инвестиция киритиш ва 25 та янги иш ўрни яратиш шарти билан;

– 293 таси бошланғич нархи 1 сўм бўлган қийматда ўтказилган савдоларда жами 8 463,0 млн. сўм сотиб олиш тўловларини тўлаш ҳамда 201 853,0 млн. сўм инвестиция киритиш ва 3 310 та янги иш ўрни яратиш шарти билан;

– 76 таси “ноль” харид қийматида жами 146 213,0 млн. сўм ва 37 860,0 минг АҚШ доллари эквивалентида инвестиция киритиш ҳамда жами 2 786 та янги иш ўрни яратиш шарти билан сотилган.

Шунингдек, жорий йилнинг 30 июнь ҳолатига кўра, савдода турган активлар сони жами 186 та бўлиб, шундан 26 таси тўлов қийматида, 22 таси “ноль” қийматда ҳамда 138 таси бош¬ланғич баҳоси 1 сўм бўлган қийматдаги объектлардир.

Бугунги кунда бажарилаётган ишлардан бири сифатида Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек, “Биз бўш турган давлат мулки объектларини ўзаро шериклик асосида хусусий секторга ўтказиш бўйича ишларни давом эттирамиз. Интернет тармоғида электрон савдолар ва аукционлар орқали **ер участкаларини, жумладан, тадбиркорлар учун ажратишнинг ягона тартибини** ўрнатиш зарур. Шу

[32]http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta birja/66704-xususiylashtirish o'zgarishlar va yangi qadamlar

мақсадда 2018 йилдан бошлаб **электрон савдо майдонлари орқали давлат активларини сотиш бўйича электрон тизим ташкил этилди”** [33].

2019 йил 13 августдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун ва Президентнинг Фармони эълон қилинди.

Хусусий мулкка берилган бундай катта эътибор иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқларининг жадал ва кенг ривожланиши, янги иш ўринларининг кўпайишига имкон яратади.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама самарадорлигини кўрсатмоқда.

Чунки хусусий корхоналарда сидқидилдан меҳнат қилишга ундайдиган омиллар ва шахсий манфаатдорлик даражаси ва энг асосийси, ўзининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг якуний натижаси учун масъулият ҳисси бутунлай юқори эканлиги ҳаммага маълум.

Хулосалар

1. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти бир хилда ва текис кечмай, уни турли босқичларга ажратиш мумкин. Мазкур босқичларни билишда тарихий-формацион, маданийлашиш (цивилизация) даражаси, техника ва технологик тараққиёт даражаси, иқтисодий тизимларнинг ўзгариши каби жиҳатлар бўйича ёндашувлар мавжуд.

2. Иқтисодий тизим ҳар бир даврда ва маконда амал қилаётган иқтисодий муносабатлар – иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик механизми ва иқтисодий муассасалар мажмуасини ўз ичига олади. Иқтисодиёт назариясида кўпинча иқтисодий тизим тушунчасини ишлаб чиқарувчи кучларнинг

[33] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 23 декабрь

ривожланиш даражаси билан боғлаб, шу асосда дунёдаги мамлакатлар иқтисодиёти анъанавий иқтисодиёт, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти ва бозор иқтисодиёти тизимларига ажратилади.

3. Мулкчилик муносабатлари – шахсий, жамоа ва давлат манфаатларини ўзида ифода этиб, ишлаб чиқариш омиллари ва натижаларидан фойдаланиш борасида кишилар, жамоалар, тармоқлар, ҳудудлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар мажмуасидир.

4. Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни моддий ва маънавий неъматларни ўзлаштириш борасидаги иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради. Агар мулкчиликнинг иқтисодий мазмуни у ёки бу объектни ўзлаштириш ва фойдаланиш борасида субъектлар ўртасидаги муносабатларни билдирса, мулкчиликнинг ҳуқуқий мазмуни субъектнинг объектга нисбатан бўлган муносабатини акс эттиради.

5. Мулкни давлат тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш – корхоналар устав фондида давлат улушининг қисқариши, уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва хорижий инвесторларни хусусийлаштириш жараёнига жалб этишни кенгайтиришга қаратилган комплекс дастурдан иборат жараёндир.

6. Мулкчиликни такомиллаштиришнинг ҳозирги даврдаги хусусиятларидан бири – давлат ва хусусий мулк шерикчилигини кенг жорий қилишдир.

Асосий таянч тушунчалар:

Ишлаб чиқариш усули – ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари бирлиги ҳамда ўзаро таъсири.

Ишлаб чиқарувчи кучлар – ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар билан табиат ўртасидаги боғланишни амалга оширувчи шахсий ва техник-буюмлашган унсурлар тизими (ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситалари).

Ижтимоий-иқтисодий формация – ишлаб чиқариш усули

билан жамият устқурмаси мажмуи.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар – ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар.

Ишлаб чиқаришнинг технологик усули – меҳнат воситалари, материаллар, технология, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш мажмуи.

Оддий кооперация – бир хил ишни ёки хизмат вазифасини бажарувчи ходимларнинг энг оддий шаклидаги уюшмаси.

Мануфактура – меҳнат тақсимотига асосланган, лекин машина ҳали мавжуд бўлмаган шароитдаги кооперация.

Йирик машиналашган ишлаб чиқариш – меҳнат тақсимоти ҳамда машинали меҳнатга асосланган кооперация.

Иқтисодий тизим – мавжуд иқтисодий муносабатлар мажмуасининг иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик механизми ва иқтисодий муассасалар билан биргаликдаги тизими.

Мулкчилик муносабатлари – мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ўзлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

Мулкдан фойдаланиш – мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилиши, яъни унинг нафли жиҳатларининг бевосита истеъмол қилиниши.

Мулкни тасарруф этиш – мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш.

Мулкка эгалик қилиш – мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туриши ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг иқтисодий шакли.

Мулк объектлари – мулкка айланган барча бойлик турлари.

Мулк субъектлари – мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкий муносабатлар иштирокчилари.

Хусусийлаштириш – мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг давлатдан хусусий ва бошқа шахсларга ўтиши.

Давлат тасарруфидан чиқариш – мулкни давлат ҳисобидан чиқарилиб, бошқа нодавлат мулк шаклларининг вужудга келтирилиши.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Тараққиёт босқичларини билишда қандай ёндашувлар мавжуд?
2. Ишлаб чиқариш усули нима ва унинг таркибий қисмлари нималардан иборат?
3. Ишлаб чиқариш усулларининг энг муҳим ўзига хос белгиларини ажратиб кўрсатинг. Бир ишлаб чиқариш усулининг бошқасига алмашиниши сабаблари ҳақида мулоҳаза билдиринг.
4. Ишлаб чиқариш технологик усулининг таркибий қисмларини санаб кўрсатинг. Фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқариш технологик усулига таъсири қандай?
5. Ишлаб чиқариш технологик усулларининг босқичлари бир-биридан нима билан фарқланади?
6. Иқтисодий тизим нусхаларини фарқлантирадиган асосий белгиларини санаб кўрсатинг.
7. Мулкчиликнинг моҳиятига таъриф беринг ва унинг турли шаклларининг иқтисодий мазмунини тушунтиринг. Мулкчиликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мазмунини ажратиб кўрсатинг.
8. Мулк субъектларининг кўп даражали бўлишига сабаб нима? Мулкчилик шаклларининг фарқланиши асосида нима ётади?
9. Бозор иқтисодиётига ўтиш нима учун мулкчиликнинг турли шаклларини тақозо қилади? Давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш нима учун ҳозирги босқичда объектив зарурият ҳисобланади? Хусусийлаштириш босқичлари ва шаклларига тавсиф беринг.
10. Хусусийлаштиришнинг қандай усулларини биласиз? Бу усуллардан бирини танлаб олишга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

4-боб. ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИНИНГ АСОСИДИР

Олдинги бобларда ишлаб чиқаришнинг умумий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳамма босқичларига хос бўлган қонун-қоидалари ва тушунчаларини, ижтимоий тизимлар ва мулк шаклларининг ўзгариб туришини кўриб чиқдик. Лекин айрим иқтисодий жараёнлар тарихий тавсифга эга бўлсада, узоқ даврлар давомида сақланиб қолиши мумкин. Жумладан, инсоният тарихий тараққиётининг кўпгина босқичларида ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг айрим турлари узоқ вақт мавжуд бўлади. Масалан, ибтидоий жамоа тузими емирилаётган шароитдаёқ вужудга келган товар айирбошлаш бир ишлаб чиқариш усулидан бошқасига ўтиб, бир неча минг йиллардан бери амал қилиб, ривожланиб келмоқда. Шу билан бирга бирон-бир ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ёки жараёнларнинг турли тарихий давр шароитидаги мазмуни, ўрни, роли ва ижтимоий оқибатлари кўп жиҳатдан турлича бўлади. Лекин уларнинг умумий, энг хусусиятли белгилари сақланиб қолади. Ана шундай тарихий иқтисодий жараёнлардан бири товар-пул муносабатлари бўлиб, ҳозирги даврда унинг ўрни ва роли янада ошиб долзарблик касб этмоқда. Шу сабабли ушбу бобда ижтимоий хўжалик, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг натурал ва товар шакллари таҳлили, уларнинг биридан иккинчисига ўтиш сабаблари, товар ва унинг хусусиятлари, товар қийматининг миқдори, уни аниқлашга бўлган турли ёндашувлар, пулнинг вужудга келиши, моҳияти ва вазифалари, Ўзбекистон миллий валютасининг муомалага киритилиши ва унинг барқарорлигини таъминлаш дастурий ҳаракатлари ёритилади.

4.1. Натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтиш ва унинг ривожланиши

Кишилик жамиятининг ривожланишида ижтимоий хўжаликни ташкил этишнинг иккита умумий иқтисодий шакли ажралиб туради. Умумий иқтисодий шаклларнинг тарихан биринчиси натурал ишлаб чиқариш ҳисобланади. Ижтимоий хўжаликнинг бу шаклида яратилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондириш учун, хўжалик ички эҳтиёжлари учун мўлжалланган. Демак, ўз эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқариш – натурал ишлаб чиқариш, бундай ишлаб чиқаришга асосланган хўжалик эса – натурал хўжалик деб аталади. Бундай хўжаликларда истеъмол ҳажми ва таркиби кўпинча ишлаб чиқариш ҳажми ва таркибига мос келган, уларнинг бир-бири билан боғланиши бир хўжалик доирасида амалга ошганлиги сабабли жуда осон кечган. Бундай муносабатлар энг аввало ибтидоий жамоада, кейинчалик патриархал деҳқон хўжалиги, феодал поместьяларида ҳукм сурган. Натурал ишлаб чиқариш шакли барча иқтисодий жараёнларни бир хўжалик доирасида қатъий чеклаб қўяди, ташқи хўжаликлараро алоқалар учун йўл очилмайди. Ишчи кучи муайян хўжаликка жуда қаттиқ бириктириб қўйилади ва кўчиб юриш имкониятидан маҳрум бўлади. Натурал хўжалик шаклларининг худди шу хусусиятлари қишлоқ хўжалик жамоаларини минг йиллар давомида барқарор сақланиб қолишининг «сири»ни очиб беради. Натурал хўжалик ишлаб чиқариш мақсадларини ниҳоятда чеклаб, ҳажми ва тури жиҳатидан кам бўлган эҳтиёжларни қондиришга бўйсунган. Шунинг учун ҳам жамият ривожланиш йўлида аста-секинлик билан натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтади.

Ҳозирда ижтимоий хўжалик юритиш шакли сифатида натурал хўжалик деярли барҳам топган. Шунга қарамай, ҳали у қадар ривожланмаган ҳамда жаҳон ҳамжамияти иқтисодий алоқаларидан ажралиб қолган қолоқ мамлакатларда натурал хўжалик кўринишлари ҳамон сақланиб қолган. Шунингдек,

товар ишлаб чиқариш оммавий тус олишига қарамай, ижтимоий ҳаётнинг баъзи бир жабҳаларида натурал ишлаб чиқариш элементларини учратиш мумкин. Масалан, оиладаги шахсий эҳтиёжларни қондириш учун уй бекалари томонидан овқатлар, турли хил консерва маҳсулотларининг тайёрланиши, кир ювиш, дазмоллаш, уйларни тозалаш каби хизматларнинг бажарилиши, шахсий томорқада турли хил сабзавот ва резавор меваларнинг етиштирилиши кабилар шулар жумласидандир. Бироқ, шунга қарамай, кишилик жамияти тараққиётининг юксалиб бориши билан, натурал ишлаб чиқариш миқёслари қисқариб, ўз ўрнини товар ишлаб чиқаришга бўшатиб беради.

Маҳсулот ва хизматларни ўз эҳтиёжини қондириш учун эмас, балки бозорда айирбошлаш учун ишлаб чиқариш – товар ишлаб чиқариш, бундай ишлаб чиқаришга асосланган хўжалик эса – товар хўжалиги дейилади. Товар хўжалигида кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар буюм орқали, улар меҳнати маҳсулини олди-сотди қилиш орқали намоён бўлади. Товар ишлаб чиқариш натурал хўжаликнинг ривожланиши, маҳсулотлар тури ва миқдорининг ўсиши натижасида пайдо бўлади. Натурал ва товар хўжаликларининг бир-биридан фарқини 4.1-жадвал орқали кўриш мумкин.

Товар ишлаб чиқариш ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларнинг, меҳнатни ўлчаш ва уни жамиятнинг жами меҳнати таркибига киритишнинг ўзига хос усулидир. Натурал хўжаликни сиқиб чиқариш ва товар айирбошлашнинг ривожланиш жараёни меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, хусусий мулкнинг вужудга келиши ва ривожланиши асосида индивидуал хўжаликларнинг товар айирбошлашга, олди-сотдига ўтиш йўли билан боради. Айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви, уларни турли хил ишлаб чиқарувчилар ўртасида айирбошлашни зарур қилиб қўяди.

Натурал ва товар хўжалигининг асосий фарқлари

Асосий жиҳатлар	Натурал хўжалик	Товар хўжалиги
1. Неъматлар ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади	Шахсий эҳтиёжларни қондиришда фойдаланиш	Бошқа товарларга айирбошлаш, бозорда олди-сотди қилиш
2. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибининг аниқланиши	Эҳтиёжлар ва имкониятлар-дан келиб чиққан ҳолда олдиндан аниқланади	Бозордаги муайян талаб ва ишлаб чиқарувчининг хусусий манфаати асосида аниқланади
3. Истеъмолчини ўзига жалб этиш учун кураш	Бундай кураш мавжуд эмас	Бундай кураш мавжуд ва товар хўжалигининг ривожланиши билан кучайиб боради
4. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг истеъмол қилиниш даражаси	Барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўлиқ истеъмол қилинади	Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг айрим турлари ва қисмлари сотилмай қолиши, яъни истеъмол килинмаслиги мумкин
5. Ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучининг иштирок этиш тамойиллари	Ишлаб чиқариш жараёнида фақат ўзининг ва оила аъзоларининг ишчи кучидан фойдаланилади	Ишлаб чиқариш жараёнида устун равишда ёлланма ишчи кучидан кенг фойдаланиш мумкин

Айни пайтда ихтисослашув меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади, демак, товар айирбошлаш фақат зарургина эмас, балки фойдали бўлиб ҳам боради. Вақтни ва моддий ресурсларни тежаш товар хўжалигини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб чиқади. Айирбошлаш жараёнига тортиладиган ишлаб чиқарувчилар тобора бир-бирларига кўпроқ боғланиб борадилар. Дастлабки даврларда товар хўжаликлари жамоалар, қулдорлик латифундиялари, феодал ва деҳқон хўжаликлари ўртасида алоқалар ўрнатилишига ёрдам бериб, ишлаб чиқаришнинг ва умуман жамиятнинг ривожланиши учун қўшимча имкониятлар очган.

Маълум тарихий даврларга келиб товар муносабатлари жамият иқтисодиётининг барча томонларини кенг ва чуқур қамраб олади.

Товар хўжалигининг вужудга келиши ва амал қилинишининг ижтимоий-иқтисодий асослари ҳамда шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат:

1) ижтимоий меҳнат тақсимотининг рўй бериши. Бунда

ишлаб чиқарувчилар у ёки бу аниқ маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Ихтисослашув, ўз навбатида, қиёсий устунлик тамойили бўйича, яъни маҳсулотни нисбатан кам муқобил қийматда ишлаб чиқариш лаёқати билан аниқланади;

2) шахсий ва хусусий мулкчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши. Бунда улар ўз мулклари ҳамда меҳнат натижаларини ўзлари тасарруф қиладилар;

3) ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашуви. Иқтисодий алоҳидалик хўжалик фаолиятига оид барча қарорларни ишлаб чиқарувчининг ўзи ҳал қилишини билдиради;

4) Пулнинг келиб чиқиши ва ривожланиши;

5) Ишчи кучининг товарга айланиши.

Худди шу беш ҳолат ҳамма нарсани товар сифатида айирбошлаш ва ишлаб чиқаришни товар сифатида олиб боришни зарур қилиб қўяди ва бозор иқтисодиёти вужудга келишининг шарт-шароити ҳисобланади. Меҳнат маҳсули товарга, яъни бозорда айирбошлаш учун, сотиш учун тайёрланадиган нарсага, ишлаб чиқарувчилар эса товар ишлаб чиқарувчиларга айланади. Товар ишлаб чиқаришнинг моҳиятини янада кенгроқ тушуниш учун унинг асосий унсури бўлган товарнинг хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4.2. Товар ва унинг хусусиятлари

Товар-пул муносабатларини тушунишда товарнинг мазмунини, унинг хусусиятларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Товарга таъриф беришда ҳам иқтисодчилар томонидан турлича ёндашувлар мавжуд. Жумладан, Е.Ф.Борисов таърифига кўра «Товар – бу бозорда бошқа товарга эквивалент асосида айирбошлашга мўлжалланган, меҳнат орқали яратилган ижтимоий нафлиликдир» [34]. Бундан кўринадики,

[34] Борисов Е.Ф. Экономическая теория: учеб. – 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Издво Проспект, 2005. С.144.

у товарга инсон меҳнати маҳсули сифатида қарайди ва унинг нафлилигига эътиборни қаратади.

В.И.Видяпин ва бошқалар таҳрири асосида тайёрланган дарсликда «неъмат» ва «товар» тушунчаларига кенг изоҳ берилган. Унда товар иқтисодий неъматнинг махсус шакли бўлиб ҳисобланиши кўрсатиб берилган: «Товар – бу айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган махсус иқтисодий неъмат» [35]. Бу ва бошқа қатор олимларнинг фикрлари асосида таъкидлаш мумкинки, товар – бу бирон-бир нафлиликка ва қийматга эга бўлган, айирбошлаш учун яратилган меҳнат маҳсулидир.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида турли мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган миллионлаб турдаги маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар товар шаклини олган. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми товар шаклида олди-сотди жараёнидан ўтади. Мамлакатимизда яратилган кўплаб турдаги товарлардан баъзиларини мисол келтириш мумкин (4.2-жадвал).

4.2-жадвал

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган баъзи товар турлари[36]

Товар маҳсулотлари номлари	2010	2012	2014	2016	2018
Енгил автомобиллар (минг дона)	217,7	235,5	250,7	92,7	213,3
Автобуслар (дона)	1268	1100	1217	908	949
Тракторлар (дона)	2807	1792	2196	720	3393
Ўсимлик ёғи (минг тонна)	235,6	236,0	230,0	197,1	185,1
Ун (минг тонна)	1217,3	1820,3	1979,3	2268,2	2726,0

Мамлакатимизда товар ишлаб чиқариш ва айрибошлашнинг ривожланаётганлигини чакана савдо айланмаси ва пуллик хизмат кўрсатишнинг йилдан-йилга ошиб боришида ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, глобал молиявий-

[35] Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. С.143.

[36] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

иқтисодий инқироз давом этиб турган шароитда товар ишлаб чиқаришни ривожлантириш иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини кучайтиришни тақозо этади. Ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш,унимаънавийжиҳатданянгилаш,таркибийжиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёни пировардида товарлар миқдорининг ошиши, сифатининг такомиллашуви ва турларининг кўпайишига имкон яратади. Айниқса, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш, уларнинг сифатини такомиллаштиришдан иборат диверсификация жараёни товар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг муҳим йўналишлари бўлиб ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида дунёнинг ҳамма мамлакатларида, ҳамма ҳудудларда ва улардаги ҳамма хўжаликларда,шу жумладан, бизнинг мамлакатимиз хўжаликларида ҳам оммавий равишда товар ишлаб чиқарилади ва айирбошланади, бу жараёндан ҳамма фойдаланади, олди-сотди қилади. Лекин шу олди-сотди бўлаётган товарнинг икки хил хусусиятга эга эканлигини, бу хусусиятларни билишнинг бозор иштирокчилари учун ўта муҳим эканлигини ҳамма ҳам тушунавермайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ишлаб чиқарилган нарса: маҳсулот ёки хизмат ҳам товар бўлавермайди. Масалан, деҳқоннинг ўз томорқа хўжалигида ўзининг истеъмоли учун етиштирган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари кўпчилик оилада кишиларнинг ўз оиласи учун қилган хизматлари товар бўлмайди. Товар бўлиши учун энг аввало, у бозорда сотиш учун бошқаларнинг эҳтиёжини қондириш учун ишлаб чиқарилиши, унда икки хусусият: нафлилик ва қиймат мавжуд бўлиши шарт.

Демак, товар бир-бирига қарама-қарши турган икки

томоннинг қиймат ва нафлиликнинг бирлигидан иборатдир. Товардаги бир-бирига қарама-қарши турган бу икки хусусият унда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама тавсифидан яъни аниқ ва абстракт меҳнатнинг натижасида келиб чиқади.

Бунда аниқ меҳнат табиат ашёларидан фойдаланиб товарнинг нафлилигини яъни кишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжини қондириш қобилиятини яратади, яъни ернинг тупроқ унумдорлигидан фойдаланиб, турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаради, ер қаридан олинган темирдан турли хил асбоб ускуналар, буюмлар, машиналар ясайди. Ўрмонда ўсиб турган ёғочлардан уйлар қуради, ёғоч буюмлар ясайди ва ҳ.к. Абстракт меҳнат эса унинг қийматини яратади. Гап шундаки, меҳнатнинг икки томонлама табиати бир вақтнинг ўзида рўй беради ва бир вақтнинг ўзида товарнинг икки хил хусусияти яратилади. Товарнинг қийматини ва нафлилигини, уларнинг бир-бирига қарама-қарши турган икки томонини, бу икки томоннинг доимо ҳаракатда, ривожланишда бўлиб, ўзгариб туришини, улар бир-бири билан ўзаро таъсирда ҳамда ўрин алмашиб, шакл алмашиб туришини билмаслик натижасида сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган иқтисодий жараёнларни, уларнинг омиллари, манбалари ва натижаларини бир-бири билан адаштириш, уларга бир хил тушунча деб қараб, чалкашликларга йўл қўйиш холларини келтириб чиқаради. Масалан, товарнинг қиймати ва нафлилигининг фарқига бормаслик, уларни аниқ ажрата билмасдан бир хил тушунча деб қараш назарий ва амалий жиҳатдан зарарли хулосалар ва амалий ҳаракатлар қилинишига сабаб бўлади. Бундай ноаниқлик ва чалкашликларни К.Марксгача яшаб, ижод қилган ва ундан то ҳозиргача иқтисодий таълимотлар тарихида маълум бўлиб, ижод қилган ва ижод қилаётган олимларнинг деярли барчасининг ғояларида яққол кўриш мумкин.

Агар биз икки томонлама ёндашув ва таҳлил усулини қўллаб, ҳар бир товарда ва хизмат бирлигида, бинобарин яратилган барча товарларда қиймат ва нафлилик борлигини

мана шу қиймат ва нафлилик деган тушунчаларни, уларнинг келиб чиқиш сабаби бўлган меҳнатнинг икки томонлама тавсифини (аниқ ва абстракт меҳнатни) уларнинг ҳаракатидаги ўзгаришларни билсак, уни эътиборга оладиган бўлсак ва уни ривожлантирсак, ўз фаолиятимизда қийматни кўпайтиришга эмас, аксинча, уни камайтириб нафлиликни кўпайтиришга ҳаракат қилишимиз зарурлигини англаймиз. Бу нарсани тўғри ва аниқ тушуниш учун мисол билан кўрсатишимиз мумкин. Масалан, ғалла, пахта, сабзавот экаётган хўжалик уларни экиш, ўстириш, парваришлаш ва ниҳоят йиғиб олиш учун меҳнат, моддий, пул харажатларини амалга оширади. Бунда турли даражадаги хўжалик учун, жумладан деҳқон учун етиштираётган турдаги маҳсулотнинг ҳажми ва сифатини ошириш муҳимдир, харажатларни эса иложи борича камроқ сарфлаш, бинобарин, қийматни пасайтириш асосий мақсад бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ишлаб чиқарилган нафлиликка эга бўлган нарса ҳам товар бўлавермайди, у товар бўлиши учун унда икки хусусият қиймат ва нафлилик мавжуд бўлиши, бозорда айирбошлаш учун мўлжалланган бўлиши шарт.

Товар икки хусусиятга эга: бир томондан, у кишиларнинг бирор-бир нарсага бўлган эҳтиёжини қондира оладиган, иккинчи томондан эса, бошқа буюмларга айирбошлана оладиган, яъни олди-сотди жараёнидан ўта оладиган буюмдир. Бошқача айтганда, товар нафлиликка (истеъмол қийматига) ва қийматга эгадир.

Буюмнинг истеъмолга яроқли эканлиги унинг кишилар учун нафли эканлиги, муайян наф келтириши орқали намоён бўлади. У шахсий истеъмол буюми ёки ишлаб чиқариш воситалари сифатида кишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжини қондиради. Демак, **товарнинг нафлилиги деб унинг кишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжлаарини қондира олиш қобилиятига айтилади.**

Нафлиликни аниқлашда ҳам турлича ёндашувлар мавжуд.

Масалан, маржинализм мактаби асосчилари ҳам, уларнинг кейинги давомчилари ҳам товарлар нафлилигини аниқлашда алоҳида олинган индивиднинг хаёлидаги психологик ёндашув билан, яъни ҳеч ким билан алоқаси бўлмаган ўрмонда ёлғиз яшайдиган чолнинг ёки кимсасиз орольда бир ўзи қолиб кетган Робинзоннинг хаёли билан аниқлаш усулини қўллайдилар. Ҳолбуки, товар айирбошлаш жамият аъзолари ўртасида, гавжум бозор қатнашчилари ўртасида реал қайноқ ҳаёт жараёнида содир бўлади. Улар нафлиликнинг негизида объектив иқтисодий жараён борлигини, нафлилик табиат ашёси билан жонли меҳнатнинг бирикиши натижасида, тўғрироғи нафлилик аниқ меҳнат билан табиат ашёсининг хусусиятлари ўзгартирилиши натижасида вужудга келишини ўйлаб ҳам ўтирмайдилар. Товарлар нафлилигини тўғри тушунишда нафлиликнинг ижтимоийлигини тушуниш муҳим ҳисобланади. Табиатда мавжуд бўлган ёки инсон меҳнати билан яратилган маҳсулотнинг ҳаммасида нафлилик мавжуд бўлиши мумкин. Лекин товар сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот фақатгина ўзининг эмас, бошқаларнинг эҳтиёжини қондириш қобилиятига эга бўлиши керак. Чунки товар ўзи учун эмас, бошқаларга сотиш учун ишлаб чиқарилади. Шунинг учун товар айирбошлаш (олди-сотди) ривожланиши билан товардаги нафлилик ҳам ижтимоий тус олади, яъни у оддий нафлилик тушунчасидан “ижтимоий нафлилик” тушунчасига айланади. Албатта, табиатда мавжуд бўлган ёки инсон меҳнати билан яратилган ҳар қандай товар ҳам нафлиликка эга бўлавермайди. Масалан, сифатсиз, кераксиз ишлаб чиқарилган ёки керагидан ортиқча ишлаб чиқарилган товарлар нафлилиги жамият учун, бозор учун кераксиз бўлиб, тан олинмайди. Шунинг учун иқтисодиёт назариясида ижтимоий зарурий нафлилик деган тушунча ишлатилади ва реал бозор ҳар қандай нафлиликни эмас, балки ижтимоий зарурий нафлиликни тан олади.

Ижтимоий зарурий нафлилик деб – талаб миқдори ва сифатига мос келадиган турдаги миқдор ва сифатдаги нафлиликка айтилади.

Неъматлар товар бўлиши учун, улар айирбошлашга мўлжалланган, маълум меҳнат сарфланган, бозорга сотишга чиқарилган бўлиши зарур. Шунга кўра, товар маҳсулотдан фарқланади. Товар, энг аввало, ўз истеъмоли учун эмас, балки бошқаларнинг истеъмоли учун бозорга сотиш мақсадида тайёрланадиган маҳсулотдир. Товарнинг натурал-буюм ва ижтимоий-иқтисодий томонлари, хусусиятлари ана шундан келиб чиқади.

Товарнинг алмашув қиймати – бу бирор турдаги нафлиликнинг бошқа турдаги нафлиликка айирбош қилинадиган миқдорий нисбатидир. Масалан, битта болта 20 кг донга айирбош қилинади. Айирбош қилинадиган товарларнинг бу миқдорий нисбатида уларнинг алмашув қиймати ифодаланади.

Қийматнинг меҳнат назарияси тарафдорлари[37] фикрига кўра, товарлар қийматининг умумий асоси бўлиб меҳнат ҳисобланади, шу сабабли улар маълум миқдорларда бир-бирига тенглаштирилади. Товарларнинг оғирлиги, ҳажми, шакли ва шу каби табиий хусусиятларидан бирортаси қийматнинг умумий асоси бўла олмайди. Ҳатто айирбошлашнинг зарур шарти сифатида товарларнинг нафлилиги ҳам асос бўла олмайди. Чунки, турли товарларнинг нафлилиги сифат жиҳатидан фарқ қилиш билан бирга миқдорий ўлчамга эга эмас. Миқдор жиҳатдан таққослаш учун товарларда мавжуд бўлган умумий нарса – уларни яратиш учун сарфланган меҳнатдир.

Товарлар ўлчовдош бўлишининг боиси шуки, буларнинг ҳаммаси умуман инсон меҳнати маҳсулидир, яъни инсон кучи, мияси, мушаклари, асаблари ва ҳоказолар сарфининг маҳсулидир. Товарда мужассамлашган ижтимоий меҳнат унинг қийматини ташкил қилади. Бу қиймат товар айирбошлаганда кўринади, шунинг учун алмашув қиймати (яъни истеъмол қийматларини айирбошлаш нисбати) қиймат шакли бўлиб, унинг ички мазмунини ташкил этади. Бу ҳолат Л.М.Куликов

[37] Товар қийматини меҳнат билан аниқлашга ёндашувларида маълум фарқлар мавжуд бўлсада, уларга А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, Ж.С.Милль ва бошқа айрим иқтисодчиларни, уларнинг издошларини киритиш мумкин.

томонидан қиймат ва алмашув қийматини товарнинг алоҳида асосий хусусиятлари сифатида ажратилиб кўрсатилишида намоён бўлади. «Қиймат – бу товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш (кўпинча қисқача қилиб «ишлаб чиқариш харажатлари» деб атайдилар) қанчага тушганлиги ифодасидир. Товарни айирбошлаганда (сотилганда) ишлаб чиқарувчи (сотувчи), табиийки, ўз харажатларини қоплашни истайди, бироқ бозорда бошқача нисбатлар таркиб топиши мумкин. Энди уларни бошқа кўрсаткич – алмашув қиймати ифодалайди. Бу бир товар бошқасига айирбошланадиган миқдорий нисбатдир»[38]. Товарнинг ўзи эса икки томон – нафлилик ва қийматнинг узвий бирлигидан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Л.Куликов томонидан қийматга берилган юқоридаги таъриф баъзи ҳолларда иқтисодчилар томонидан йўл қўйиладиган янглиш фикрлардан ҳам холи эмас. Яъни, қийматнинг ишлаб чиқариш харажатлари билан айнийлаштирилишини у томонидан йўл қўйилган хатолик деб ҳисоблаймиз. Аслида, ишлаб чиқариш харажатлари қийматнинг бир қисми бўлиб, аксарият ҳолларда миқдор жиҳатидан қийматдан кам бўлади.

Товар қийматининг миқдори **ижтимоий-зарурий иш вақти орқали ҳисобланади. Ижтимоий зарурий иш вақти муайян ижтимоий нормал ишлаб чиқариш шароитида ва муайян жамиятдаги меҳнат малакаси ва жадаллиги даражаси ўртача бўлган шароитда бирон бир товарни ишлаб чиқариш учун сарфланиши зарур бўлган иш вақтидир.**

Товар қийматининг миқдорини ҳисоблашда меҳнатнинг оддий ва мураккаб, малакали ва малакасиз, ақлий ёки жисмоний турлари ҳисобга олинади. Қийматни ҳисоблашда нисбатан мураккаб меҳнат кўпайтирилган ёки даражага кўтарилган оддий меҳнат сифатида ҳисобга олинади, шу сабабли оз миқдордаги мураккаб меҳнат кўп миқдордаги оддий меҳнатга тенглаштирилади.

---

[38] Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. – М.: ТК Вебли, Издво Проспект, 2005. С.129.

Товарнинг икки хил хусусиятга эга бўлишига сабаб товар ишлаб чиқарувчи меҳнати табиатининг икки томонламалигидадир. Товарда гавдаланган меҳнат бир томондан, бу – муайян турдаги аниқ меҳнатдир. Шунинг учун, нафлиликни яратадиган меҳнат аниқ меҳнат деб ном олган (4.1-расм).

Аниқ меҳнат деб – маълум мақсадга қаратилиб, муайян бир шаклда сарфланадиган, аниқ турдаги истеъмол қийматни (нафлиликни) вужудга келтирадиган меҳнатга айтилади. Масалан, нонвойнинг нон ёпишга, дурадгорнинг стол ёки стул ясашга, чеварнинг дўппи тикишга, тикувчининг кўйлак ёки костюм тикишга қаратган меҳнат аниқ меҳнатдир.



4.1-расм. Меҳнатнинг икки ёқлама тавсифидан келиб чиқувчи товарнинг икки хил хусусияти.

Иккинчи томондан, ушбу меҳнат – аниқ шаклидан, тури ва йўналишидан қатъий назар, умуман товарларнинг ҳамма турида гавдаланган инсон меҳнатидир, жами ижтимоий меҳнатнинг бир қисмидир. У ўзининг шу сифатида **абстракт меҳнат** деб аталади. Бу меҳнат эса товар қийматини яратади. Қиймат товарнинг эмас, балки фақат меҳнатнинг ижтимоий тавсифи бўлиб, унда табиат ашёларининг бирорта ҳам молекуласи, заррачаси йўқдир. Қийматнинг асосида одамлар бир-бирлари учун меҳнат қилишларини билдирувчи ижтимоий меҳнат ётади. Бироқ, алоҳидалашган товар ишлаб

чиқарувчилар меҳнати ўзининг ижтимоий хусусиятини фақат меҳнат маҳсулларини айирбошлаш орқали кўрсатади.

Товарлар қийматининг миқдори меҳнат унумдорлигига қараб ўзгаради. **Меҳнат унумдорлиги деб меҳнатнинг вақт бирлиги ичида маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятига айтилади. У маълум иш вақти бирлиги мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти билан ўлчанади.** Мисол учун, дурадгор бир иш куни давомида 4 та стол ясади. Агар иш кунини 8 соатдан иборат, деб олсак, у ҳолда 1 та стол ясаш учун 2 соат вақт сарфланган. Яъни, дурадгорнинг 1 соатлик меҳнат унумдорлиги 0,5 та столга тенг. Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши товар бирлиги қийматининг ўзгаришига сабаб бўлади. Меҳнат унумдорлиги ўсса, товар бирлигининг қиймати камаяди ёки аксинча, меҳнат унумдорлиги пасайса, товар бирлигининг қиймати ошади. Мисолимиздаги дурадгор ясаган битта столнинг қиймати 2 соатлик меҳнат сарфига тенг эди. Дейлик, унинг меҳнат унумдорлиги икки баравар ортиб, бир иш кунида 8 та стол ясаш даражасига етди. У ҳолда, битта столнинг қиймати ҳам икки барвар пасайиб, 1 соатлик меҳнат сарфига тенг бўлади.

Меҳнат интенсивлиги иш вақти бирлиги мобайнида сарфланган меҳнат миқдори орқали тавсифланувчи кўрсаткич ҳисобланади. **Меҳнат интенсивлиги деганда иш вақти бирлиги давомида меҳнат сарфининг ошиб бориши, яъни меҳнатнинг жадаллашиши тушунилади.** Меҳнат интенсивлигининг ошиши муайян вақт давомида кўпроқ қиймат яратилишига имкон беради. Меҳнат интенсивлиги ошганда вақт бирлиги ичида яратилган товар миқдори ошиши мумкин. Лекин қиймат ҳам ошганлиги туфайли унинг бир бирлигига тўғри келадиган қиймат ўзгармай қолиши мумкин.

4.3. Қиймат тўғрисидаги турли назариялар эволюцияси

Товар қийматининг негизини аниқлаш доимий равишда тортишувлар ва мунозараларга сабаб бўлиб, бу борада қуйидаги икки асосий йўналиш мавжуд:

1) қийматнинг меҳнат назарияси;

2) қийматнинг нафлилик ёки кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси.

Қийматнинг меҳнат назарияси асосчилари Уильям Петти, Адам Смит, Давид Рикардолар ҳисобланади. У.Петти – қийматнинг меҳнат назариясининг дастлабки асосчиси бўлиб, у қийматнинг манбаи меҳнат ҳисобланишини, айнан меҳнат сарфи товар қиймати миқдорини белгилаб беришини кўрсатиб ўтган. Бироқ, У.Петти товарнинг истеъмол қиймати ва қиймати ўртасидаги фарқни аниқ кўра олмаган. У товарнинг қиймати фақат қимматбаҳо металларни ишлаб чиқаришга сарфланувчи меҳнат орқали яратилади, деб ҳисоблаган. А.Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқотлар» (1776) номли асарида товарнинг истеъмол ва алмашув қийматини фарқлаб берган. У товар қийматининг ягона манбаи бўлиб моддий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай соҳасида сарфланган меҳнат ҳисобланади, деган хулосага келган. Шу билан бирга, товар қийматининг миқдорини ҳар қандай меҳнат эмас, балки жамият учун зарур бўлган ўртача меҳнат белгилаб беришини кўрсатиб ўтган.

Д.Рикардо қийматнинг ягона мезони бўлиб товар ишлаб чиқаришга сарфланган ҳамда иш вақти сарфлари орқали аниқланувчи меҳнат ҳисобланишини исботлаб берган. У товарнинг истеъмол қиймати ва қиймати ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатиб, ҳар қандай ишлаб чиқаришда товарнинг қиймати сарфланган меҳнат орқали аниқланишини таъкидлаган. Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, қийматнинг меҳнат назарияси тарафдорларининг фикрича, товарларни айирбошлаш уларнинг қиймати асосида амалга оширилади. Қийматнинг миқдори эса, товарларнинг ҳар бир бирлигини ишлаб чиқаришга ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан, яъни ижтимоий зарурий

иш вақти билан ўлчанади. Қийматнинг меҳнат назарияси тарафдорлари товар ишлаб чиқариш шароитида товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни, ижтимоий меҳнатни тақсимлаш ва рағбатлантиришни тартибга солувчи объектив қиймат қонунининг мавжудлигини эътироф этадилар. **Қиймат қонуни товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш унинг қиймати асосида амалга ошишини, қийматнинг ўзи эса ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари орқали ўлчанишини ифодалайди.**

Қиймат қонуни индивидуал меҳнат сарфи ижтимоий зарур меҳнат сарфидан камроқ бўлган ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиради. Бу билан ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга ундайди. Акс ҳолда улар бозордан сиқиб чиқарилишлари ёки хонавайрон бўлишлари мумкин.

Қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчиларни табақалаштиради, меҳнат ва моддий сарфларни камайтиришни рағбатлантиради ва меҳнатнинг ишлаб чиқариш соҳалари бўйича тақсимланишини тартибга солиб туради. Масалан, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришган ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини ижтимоий зарур сарфларидан камроқ сарфлашга эришиб бозор нархларида сотишлари ва юқори фойда олишлари мумкин. Лекин улар иш фаолиятининг муваффақияти кафолатланган деб бўлмайди. Чунки улар ишлаб чиқаришга фан-техника янгиликларини, самарали ишлаб чиқариш усулларини ўз вақтида қўллаб турмасалар, маълум вақтдан сўнг ўз устунликларидан ажралиб қолишлари мумкин.

Қиймат қонунининг тартибга солиб турувчи механизми рақобат кураши натижасида бозор нархларининг стихияли равишда тебраниб туришидан, уларнинг ижтимоий қийматдан фарқ қилиб туришидан иборат. Товар нархининг ижтимоий қийматидан четга чиқиш шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат деб ҳисобланади:

Талаб = таклиф бўлган ҳолда нарх = қиймат.

Талаб > таклиф бўлган ҳолда нарх > қиймат.

Талаб < таклиф бўлган ҳолда нарх < қиймат.

Шундай қилиб, товарлар нархининг улар қийматидан фарқ қилиши товар ишлаб чиқарувчиларнинг хоҳиши билан содир бўлмай, балки объектив қиймат қонунининг кучи таъсири остида бўлади.

Нафлилик ва кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияларининг[39] дастлабки ғоялари XVIII аср охирларида пайдо бўлиб, унинг асосчиларидан бири Кондильяк ва Галиани деган иқтисодчилар эди. Кейинчалик унинг нисбатан ривожлантирилган ғоялари кейинги қўшилган миқдор нафлилиги" деган ғоя эди. Бу ғоянинг асосчилари австрия мактаби вакиллари К.Менгер (1840-1921), Ф.Визер (1851-1926), Е.Бем-Баверк (1851-1914) ва бошқалар ҳисобланади. Мазкур назарияга кўра, кишилар томонидан жуда хилма-хил моддий ва маънавий неъматлар (ҳамда хизматлар) уларни ишлаб чиқаришга ижтимоий зарурий меҳнат сарфланганлиги учун эмас, балки ушбу неъматлар нафлиликка эга бўлганлиги учун қадрланади. Инсонлар томонидан маълум нафлиликларга эҳтиёж сезилганлиги сабабли у ёки бу товарни ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари амалга оширилади. Мазкур назария тарафдорлари фикрларига кўра, фақат товарнинг нафлилиги унинг қийматига ва бинобарин, нархига асос бўлиши мумкин. Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси билан қийматнинг меҳнат назариясининг бир-бирига тўғри келмаслиги турли хил истеъмол қийматларини ёки нафлиликни ҳисобга олиш муаммоси билан боғлиқ. Чунки, турли кўринишдаги иккита товарнинг нафлилигини шунчаки умумий тарзда ўзаро таққослаш мумкин эмас.

Бу назария тарафдорлари нафлиликнинг икки турини ажратиб кўрсатиш зарур деб ҳисоблайдилар: а) абстракт

[39]«Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги» атамасини қўллашда муаллифлар томонидан кўплаб мулоҳазаларга борилди. Сабаби – бугунги кунда иқтисодий адабиётларда бу атаманинг турли вариантлари («меъёрий нафлилик», «меъёрий фойдалилик», «чегаравий нафлилик», «чегаравий фойдалилик» ва ҳ.к.) қўлланиб келмоқда. Бироқ, бу атамалар луғавий таржима сифатида ўринли қўлланилган бўлсада, мазкур тушунчанинг ҳақиқий мазмунини ифодалай олмайди. «Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги» атамаси эса бу мазмунга кўпроқ мос тушади. Бобнинг баён этилишини осонлаштириш мақсадида кейинги ўринларда қўлланилувчи «сўнгги қўшилган миқдор нафлилиги», «қўшилган миқдор нафлилиги», «кейинги қўшилган нафлилик» каби иборалар бир хил маъно касб этади.

ёки умумий нафлилик, яъни неъматларнинг кишилар биронбир эҳтиёжларини қондириш лаёқати; б) аниқ нафлилик, бу неъмат мазкур нусхаси фойдалилигининг субъектив нархини билдиради. Бу субъектив нарх икки омилга боғлиқ: мазкур неъматнинг мавжуд захираси ва унга бўлган эҳтиёжнинг тўйинганлик даражаси. Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги муаммосини ўрмонда яшовчи чол эга бўлган беш қоп дон мисолида, унинг онгида содир бўлган психологик хаёл орқали тасвирлаб кўрсатадилар. Бу қоплардаги доннинг нафлилиги камайиб борувчи тартибда жойлашади: биринчи қопдаги дон энг зарур, яъни чолнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш учун истеъмол қилинади, иккинчиси – овқатланишни яхшилаш учун, учинчиси – уй паррандаларини боқиш, тўртинчиси – пиво тайёрлаш, бешинчиси – чолнинг ўз уйи атрофида сайраб юрган қушларни боқиб, кўнгилхушлик қилиши учун. Бундан кўринадики, бешинчи қопнинг нафлилиги чол учун у қадар аҳамиятли эмас, чунки агар бу қопдаги дондан маҳрум бўлса у фақатгина кўнгилхушлик қилиш имкониятидан воз кечади холос. Бироқ, тўртинчи қопдаги доннинг йўқ бўлиши чолни пивосиз, учинчиси эса паррандаларсиз қолдириши мумкин. Фақат битта қопдаги дон қолган тақдирда чол учун унинг нафлилиги энг юқори даражага етади, яъни у овқатланиш эҳтиёжи билан тенглашади. Шу ўринда турли қоплардаги донларнинг нафлилиги турлича экан, уларнинг қайси бири донларнинг умумий нафлилик даражасини аниқлаб беради, деган савол туғилади. Ҳолбуки, қоплардаги донларнинг бир-биридан фарқи йўқ экан, чол учун уларнинг нафлилиги бешинчи, сўнгги қопдаги доннинг нафлилиги орқали аниқланади. Демак, ҳар бир неъматнинг сўнгги қўшилган бирлиги, яъни унча муҳим бўлмаган эҳтиёжни қондирувчи бирлигининг нафлилиги камайиб бориш хусусиятига эгадир.

Агар узоқ даврлар мобайнида тортишувлар ва бўлинишларга олиб келган бу икки йўналишдаги назарияларга эътибор билан қаралса, уларнинг ҳаммаси товарда гавдаланган меҳнатнинг икки томонлама тавсифини, ундан келиб

чиқувчи товарнинг икки хил хусусияти (нафлилиги ва қиймати)ни тушунмасликдан, уни билишга бир томонлама ёндашувдан келиб чиққанлиги маълум бўлади (4.2-расм).

4.2-расм

Қийматнинг меҳнат назарияси ва кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариясининг ўзаро алоқаси ҳамда бир-бирини тўлдириши



Қиймат ва нарх назариясида янги йўналишни бошлаб берган олим машҳур инглиз иқтисодчиси А.Маршалл ҳисобланади. Товарларнинг қийматини аниқлашда меҳнат назарияси ҳам, нафлилик ва қўшилган нафлилик назарияси ҳам етарли асосга эга эмас, деб ҳисоблаган А.Маршалл бир нечта назарияларни синтез қилиш йўли билан аниқлик киритишга ҳаракат қилди.

У қўшилган миқдор нафлилиги назариясининг бир томонламалигини товар қиймати ва баҳосини фақат нафлилик билан тушунтириб бўлмаслигини кўра билди. А.Маршалл кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариясини талаб ва таклиф назарияси ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари назарияси билан боғлашга ҳаракат қилди.

А.Маршаллнинг товар қиймати нима билан аниқланишини билишда қўшилган миқдор нафлилиги ва ишлаб чиқариш харажатларини синтез қилиш (умумлаштириш) зарурлиги ҳақидаги фикри жуда машҳур. Неоклассикларнинг қиймат ва нархнинг бир негизли (монистик) назариясини яратишга уринишдан чекинишлари хусусан А.Маршалл ишлари билан боғлиқ. Неоклассикларнинг қоидалари қийматнинг ягона манбаи, нархнинг ягона асоси ва бозор хўжалигида жамият даромадларининг ягона манбаи топилиши зарурлигини билдиради. Бундай ягона манба, масалан, инглиз классик иқтисодий мактаби ва марксча назарияларда меҳнат, маржиналистларда қўшилган миқдор нафлилиги категорияси ҳисобланади. А.Маршалл назариясида эса қиймат ва нарх ҳам талаб (қўшилган миқдор нафлилиги) ва ҳам таклиф (товар ишлаб чиқариш харажатлари) томонида ётувчи бозор кучлари ўзаро таъсири орқали аниқланади. А.Маршалл фикрича, товар қиймати тенг даражада кейинги қўшилган миқдор нафлилиги ва ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади.

Шундай қилиб, А.Маршаллдан бошлаб иқтисодиёт назариясида турли назарияларни синтез қилишга ўтилди. Лекин А.Маршалл ушбу синтезни охиригача етказа олмади.

У ижтимоий зарурий нафлилик ва ижтимоий зарурий меҳнат товарнинг икки томони эканлигини аниқ кўра олмади.

Шунинг учун, у ижтимоий зарурий нафлилик ўрнига қўшилган нафлиликни, ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари ўрнига ишлаб чиқариш харажатларини қўйди. Натижада товарнинг қиймати ҳам, нафлилиги ҳам тўлиқ ҳисобга олинмади.

Умуман айтганда, узоқ тарихий даврдан бошлаб тортишувга сабаб бўлган нарса – товарда гавдаланган ижтимоий меҳнатнинг икки ёқлама тавсифи ва шу асосда ҳосил бўладиган товарнинг икки хил хусусиятига эга бўлишини инобатга олмасликдир. Меҳнат назариячилари товарга сарфланган меҳнат миқдорига асосий эътиборни қаратган бўлса, маржиналистлар унинг нафлилигига эътибор бериб келадилар. Уларнинг бири кўпроқ товарни ишлаб чиқарувчилар манфаати нуқтаи назаридан таҳлил қилган бўлса, иккинчиси истеъмолчи (харидорлар) манфаати нуқтаи-назаридан қарайдилар. Ҳолбуки товарнинг қийматини ва бинобарин нархини аниқлашда унинг икки томонига ва сотувчилар билан харидорлар манфаати тўқнашган тугунга эътибор қаратиш зарур.

4.4. Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва вазифалари

Пул узоқ замонлардан бери одамларга маълум. Пулнинг келиб чиқиши турли назариётчилар томонидан товар айирбошлаш жараёнининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади.

Пулнинг вужудга келиши ва моҳиятининг турли илмий концепциялари мавжуд бўлиб, улар орасида рационалистик ва эволюцион концепциялар муҳим ўрин тутади.

Рационалистик концепция пулнинг келиб чиқишини кишилар ўртасидаги битим, келишув натижаси сифатида изоҳлайди. Бу ҳолат уларнинг товарларни айирбошлаш чоғида қийматларнинг ҳаракатланиши учун махсус воситалар зарурлигига амин бўлишига асосланади. Пулнинг ўзаро келишув сифатида амал қилиши тўғрисидаги мазкур ғоя XVIII асрнинг охирларигача ҳукм сурди. Пулнинг келиб чиқишига

субъектив психологик ёндашув кўплаб ҳозирги замон хорижий иқтисодчиларнинг қарашларида ҳам учраб туради. Уларнинг фикрича, пул категорияси объектив иқтисодий категория бўлмай, кишилар келишувига ёки давлатнинг хоҳишига боғлиқ бўлган юзаки, субъектив категориядир. Уларнинг бу концепциясига ишониб бўлмайди.

Пул келиб чиқишининг эволюцион концепциясига кўра улар ижтимоий меҳнат тақсимоти, товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Қиймат шакллари ва айирбошлаш ривожланишининг тарихий жараёнини тадқиқ қилиш орқали товарлар умумий олами ичидан пул ролини бажарувчи алоҳида товарнинг ажралиб чиқишини тушуниш мумкин. Бир товарнинг қиймати уни бошқа бир товарга айирбошлаш орқали аниқланади (Т-Т). Бир қарашда айирбошлаш битимида ҳар иккала товар ҳам бир хил роль ўйнайдигандек кўринади. Аслида эса уларнинг роли турличадир. Бир товар ўз қийматини бошқа товарга нисбатан ифодалайди. Иккинчи товар эса биринчи товарнинг қийматини ўзида ифодалаб, эквивалент ролини бажаради, яъни қийматнинг эквивалент шаклини ташкил этади. Худди мана шу ерда пулнинг дастлабки куртаги пайдо бўлади. Пулнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида қиймат шаклларининг ривожланиш босқичларини билиш муҳим ўрин тутади. Умуман олганда, қийматнинг **оддий ёки тасодифий, мунтазам, кенгайтирилган, умумий ва пул шакллари** мавжуд.

Айирбошлаш жараёнининг тарихан узоқ давом этган даври мобайнида турли товарлар умумий эквивалент ролини ўйнаган. Масалан, айрим жойларда чорва моллари, айрим жойларда туз, айрим жойларда мўйна, нодир металлар (кумуш, мис, олтин) ва бошқалар. Эквивалент ролини ўйновчи турли товарлар ичидан баъзи бирлари ўзининг барча томонидан тан олиниши туфайли ажралиб чиқа бошлади (масалан, нодир металлар). Чунки, эквивалент ролини ўйновчи товарларнинг

барчаси ҳам айирбошлаш жараёнида воситачилик вазифасини бир хилда муваффақиятли бажара олмас эди. Натижада, барча товарларнинг қийматини бир хил товар қиймати орқали таққослаш мумкин бўлган қийматнинг умумий шакли вужудга келди.

Тарих ва археология фаниларининг берган маълумотларига кўра, товар-пул муносабатлари энг қадимдан пайдо бўлган ва ривожланган давлатлардан бири бизнинг мамлакатимиз ҳисобланади. Чунки бу ерда пул ишлатила бошланганига 2 минг йилдан ошган. Бунга мисол қилиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар ва қабилалар фойдаланган дастлабки пул белгилари ҳамда тангаларни кўрсатиш мумкин. Тарихчиларнинг тадқиқотларига кўра, эрамиздан аввалги V-IV **асрларда Ахмонийлар империясида зарб қилинган олтин дариклар ва кумуш сикларни,** эрамиздан аввалги III-II асрлар охирига бориб, Шимолий Бақтрия, Сўғд, Бухоро, Хоразмда кумуш ва субэратли (бронза устига юпқа кумуш қопланган) “ўхшатма” тангалар зарб қилинганини айтиш мумкин.

Эрамиздан аввалги I асрда давлатнинг ўз кумуш ва мис тангалари зарб қилина бошланди. Танганинг олд томонида маҳаллий ҳукмдор сурати, орқа томонидан – турли тасвирлар ва белгилар, сўғдча ва хоразмча, кейинроқ эса бақтрийча ёзувлар бўлган. Сўғд ва Хоразм давлатларида эрамизнинг биринчи ярмида кумуш ва мис қўлланилган антик андозасининг Ўрта Осиёга хос тури сақланиб қолган. Ўзбекистон билан Туркманистоннинг жанубий қисмида яшаган кўчманчи халқ - қабилалари барпо этган улкан Кушон империясида пул тизими кумушга эмас, балки олтинга асосланганини айтиш мумкин.

Ўша даврда тангалар мамлакатнинг турли шаҳарларида масалан, Самарқанд, Бухоро, Машҳад, Балҳ, Нишопур, Сарахс ва бошқа шаҳарларда чиқарилган. Бундан ташқари XVI-XVII асрларда Абдуллахон ва Шайбонийхонлар томонидан ўтказилган пул ислоҳотида ҳам асосан олтин пулга асосланган.

Шайбонийхон Самарқандни забт этгандан кейин, 1507 йилда пул ислоҳотини ўтказган. Шайбонийхон (1501-1610) ва Абдуллахон (1583-1598) зарб этган тангалар бизгача етиб келган. Абдуллахон даврида танга (олтин ва кумуш) зарб қилиш давлат пойтахти – Бухорода марказлаштирилган. 1695-1709 йилларда олтин танга зарб қилиш мунтазам тус олди. Танга оғирлиги 4,8 грамм, сифат софлиги жуда юқори – 958 бўлган[40].

Шайбонийхон ва Абдуллахонлардан кейин 1695-1709 йилларда Жонийлар давлати шаклланиб олтин танга зарб қилиш мунтазам йўлга қўйилди.

Шундай қилиб, пулнинг келиб чиқиши тарихида энг аввало, умумий эквивалентлик ролини бажарувчи бир нечта металлар (олтин, кумуш, мис, бронза в.б.), кейинчалик эса бимитализм яъни икки хил металл пуллар (кумуш ва олтин)дан охирида эса монометал (олтиндан) ясалган тангалар муомалада бўлган.

Бизнинг мамлакатимиздан анча кейин, XIX асрнинг охирида мамлакатлар бирин-кетин олтин валютага, яъни монометалл тизимига ўта бошладилар. Бу ҳол Австрияда 1892, Японияда 1897, Россияда 1898, АҚШда эса 1900 йилда содир бўлди. Англияда олтин пул тизими XVII асрнинг охирида, Германияда 1871 йилда, Голландияда 1877 йилда жорий этилган эди.

Умумий эквивалент ролининг нодир металларга, жумладан олтинга юклатилиш сабаблари қуйидагилар орқали изоҳланади:

– сифат жиҳатдан бир хил ўлчамга келтириш мумкинлиги;

– зангламаслиги ва узоқ муддат сақлаш мумкинлиги;

– бўлинувчанлиги ва бўлгандан кейин яна яхлит ҳолга келтириш мумкинлиги;

– бўлинганда ҳам ўз қийматини сақлаб қола олиши;

– табиатда нисбатан камёблиги;

– озгина миқдордаги ва оғирликдаги нодир металлнинг

---

40 Чжен В.А. Пул ва молия бозорлари. - Т.: 1996. 25-26-бетлар.

қиймати анча юқорилиги.

Шу хусусиятларга кўра умумий эквивалент ролини ўйновчи кўплаб товарлар ичидан махсус товар – олтин пул ажралиб чиқди. Шундай қилиб, пул – бу ҳамма товарларни сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган, умумий эквивалент ролини ўйновчи махсус товардир.

Энди товарлар дунёси иккига – бир томондан, нафлиликнинг ифодаси бўлган товарларга ва иккинчи томондан, қийматнинг моддийлашган ифодаси бўлган пулга ажралади:

Товарлар дунёси → Товарлар
Товарлар дунёси → Пуллар

Пулнинг иқтисодий мазмунини билишда унинг асосий назарияларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, пулнинг металлистик, номиналиситик ва миқдорий назарияларини фарқлаш мумкин. Пулнинг келиб чиқиши ва муомалада бўлиши металл пуллар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли дастлаб пулнинг металлистик назарияси вужудга келган. Унинг асосий моҳияти пулни нодир металлар (олтин ва кумуш) билан айнийлаштириш орқали намоён бўлган.

Пулнинг **металлистик** назариясининг ривожланишида меркантилистик мактаб намояндаларининг қарашлари муҳим ўрин тутади. Улар пулнинг қадр-қимматини олтин ва кумушнинг табиий хоссаларида деб билиб, унинг товар мазмунини тан олганлар. Бироқ, пулни нодир металлар билан айнийлаштириш уларнинг моҳияти ва иқтисодиётдаги ролига нотўғри баҳо бериш ҳамда пул фетишизмининг ривожланишига олиб келди.

Пулнинг **номиналистик** назарияси тарафдорлари металлистик назарияга қарши чиқиб, пулларнинг товар табиати ҳамда улар ички қийматини зарурлигининг ўзини

инкор этадилар. Номиналистлар пулга шартли белги сифатида қараб, уларнинг нодир металлар билан алоқадорлигини рад қиладилар. Номиналистик назария тарафдорларининг қарашлари ўрта асрларда тўла қийматга эга бўлмаган металл тангаларнинг муомалага чиқарилиши билан пайдо бўлди. Баъзи бир намояндалар пуллар – давлат ҳокимиятининг маҳсули, шунга кўра фақат давлатгина пулларнинг қийматини белгилаши мумкин, деган фикрларни илгари сурдилар. XX асрнинг бошларида, олтин стандартнинг тан олинмаслиги, унинг бекор қилиниши билан, номиналистик назария янада ривожланди.

Пулнинг **миқдорий** назарияси – бу муомаладаги пул миқдори, товар нархлари даражаси ҳамда пулларнинг қиймати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни изоҳлашга асосланган иқтисодий таълимотдир. Унинг моҳияти муомаладаги пул миқдори нархлар ва пул қиймати даражасининг мутаносиб равишда ўзгаришининг дастлабки сабабидир, деган қоидадан иборат.

Пулнинг моҳиятини тўлароқ тушуниш учун унинг қуйидаги **асосий вазифаларини** кўриб чиқамиз: 1) қиймат ўлчови; 2) муомала воситаси; 3) бойлик тўплаш воситаси; 4) тўлов воситаси.

Пулнинг **қиймат ўлчови** вазифасини идеал пул бажаради. Товарэгасиёкисотиболувчификранидеалравишдашутоварнинг алмашув қийматини пул билан ифодалайди. Товарнинг нархи талаб ва таклиф миқдори тенг бўлган тақдирдагина унинг қийматига мувофиқ келади. Акс ҳолда, нарх қийматдан фарқ қилади. Демак, товарларнинг нархи уларнинг қиймати, пулнинг қиймати, талаб ва таклифнинг нисбати ва бошқа омилларга боғлиқ. Товар алмашув қийматининг пул билан ифодаланиши унинг нархини англатади. Товарнинг алмашув қийматини ўлчаш учун муайян миқдордаги пул материалини бирлик қилиб олиш зарур. Бундай бирлик **нархлар ўлчови**

(масштаби) деб аталади. Бир томондан нархлар ўлчови ҳар қандай ўлчов бирлиги каби шартлидир. Иккинчи томондан эса, у муайян мамлакатда ҳамма томонидан эътироф этилган бўлиши керак. Шунинг учун давлат пул бирлиги ҳуқуқини қонун билан мустаҳкамлайди, бу бирлик шу тариқа расмий тан олинади.

Товар муомаласи жараёнида нақд пул бўлиши керак, чунки товарларни олди-сотди пайтида уларнинг рамзий нархлари реал пулга айланмоғи лозим. Бу жараёнда пул муомала воситаси вазифасини бажаради. Дастлаб товарларни айирбошлашда пулнинг бевосита кумуш ёки олтин қуймалар шаклида мавжуд бўлиши муомала вақтида қийинчиликлар туғдирган: пул металлни ўлчаш уни майда бўлакларга бўлиш, сифатини белгилаш зарур бўлган. Кейинчалик металл қуймалари ўрнига монета (металл танга)лар ишлатила бошлаган. Узлуксиз муомалада бўлиш натижасида олтин тангалар ейилиб кетиши, ўз вазнининг бир қисмини йўқотиши сабабли муомалага тўла қийматли бўлмаган қиймат белгилари чиқарилган.

Пул муомаладан чиқарилганда **бойлик тўплаш** вазифасини бажара бошлайди. Натурал хўжалик шароитида бойлик тўплаш, жамғариш маҳсулот жамғариш шаклида амалга оширилган. Товар хўжалигининг ривожланиши бойлик тўплашнинг пул жамғариш шаклини келтириб чиқаради. Товар хўжалиги тараққиётининг дастлабки даврларида пул жамғариш уни муомаладан чиқариб олиш йўли билан амалга оширилган. Кейинчалик фойда кетидан қувиш ҳукмрон аҳамият касб этиб, бўш ётган пул фойда келтирмаслиги сабабли пул эгалари уни ҳаракатга солишга, уни фойдали жойда ишлатиш йўлини топишга интилдилар.

Товарлар насияга тўлов муддати кечиктириб сотилганда, пул **тўлов воситаси** вазифасини бажаради. Харидорлар товарнинг пулини тўлов муддати келгандан кейингина тўлайди. Пулнинг бу вазифаси товар муомаласи доираси билан чекланмай, пул

қарз берилганда, рента ва солиқларни тўлашда ҳам тўлов воситаси вазифасини бажаради. Қоғоз пуллар, вексел ва банкнотлар – пулнинг тўлов воситаси сифатидаги вазифасидан келиб чиққан.

Бугунги кунда замонавий, яъни қоғоз-кредит пулларнинг иқтисодий мазмуни ва табиати тўғрисида сўз юритилганда, Америка, Ғарбий Европа ва Россияда чоп этилган иқтисодий адабиётларнинг кўпчилигида қоғоз пулнинг товар эмаслиги қатъий таъкидланади. Бунда айрим иқтисодчилар пулнинг табиатини унинг ликвидлиги, бошқа бирлари эса унинг декрет пул, яъни қонун томонидан мустаҳкамланганлиги орқали белгилайдилар [41].

Классиклар ҳам, миқдорийлик назарияси тарафдорлари ҳам пулнинг алоҳида товар эканлигини ва бошқа товарлардан унинг ана шу алоҳида хусусияти ажратиб туришини тушунмайдилар. Бизнинг назаримизда қоғоз пуллар ҳам алоҳида товар бўлиб, бошқа барча товарларнинг қийматини ифодалайдиган умумий эквивалент сифатида хизмат қилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бизнинг кундалик ҳаётимизда деярли дунёнинг ҳамма мамлакатларида барча валюта айирбошлаш пунктларида пул савдоси содир бўлиб турибди. Бу ҳодиса бир кунда бир марта эмас миллион марталаб содир бўлмоқда. Мана шунинг ўзи қоғоз пулларнинг товар эканлигини исботлайди. Ундан ташқари қоғоз пуллар ҳам бошқа товарлар каби икки томонлама хусусиятга эга: бир томондан, умуман товар сифатида бошқа товарлар сингари қийматга эга бўлса, иккинчи томондан, нафлиликка, яъни истеъмол қийматига эга. Унинг истеъмол қиймати умумий эквивалент сифатида бошқа исталган товарга алмашувчанлигида ифодаланади. Тўла қимматли пуллардан ўз қийматига эга бўлмаган пул

[41]Қаралсин: Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. 163-б.; Экономическая теория: Учебник./ Под ред. А.Г.Грязновой, Т.В.Чечелевой. – М.: Издательство «Экзамен», 2004, 189-191-б.; Курс экономической теории. Учебное пособие под ред. Чепурина М.Н., Киселевой Е.А. Киров, изд-во «АСА», 1995. 96-б.

белгиларини қўллашга ўтиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ривожланиши натижасида қоғоз пул оддий товарларга хос бўлган хусусиятлар – қиймат ва истеъмол қийматга эга бўлмайди. Аммо у махсус товар сифатида олтин пулдаги икки хусусиятни – қиймат белгиси ва расмий нафлиликни сақлаб қолади.

Қоғоз пул умумий эквивалентлик вазифасини бажарганда, бошқа товарлар қиймати бевосита қийматга эга бўлган товар (олтин) билан эмас, балки қиймат белгисига эга бўлган ваколатли «товар» билан ўлчанади[42] (4.3-расм).

Бозор иқтисодиёти шароитида пул фақатгина умумий эквивалент бўлиб эмас, балки ўз эгасининг қўлида фойда, даромад олиш воситаси бўлиб хизмат қилади, ўзидан-ўзи ўсувчи қийматга, бир сўз билан айтганда капиталга айланади. Бунинг натижасида қоғоз пуллар иккита таркибий қисмга ажралади: нақд пуллар (қоғоз пул, танга-чақалар) ва кредит пуллар (чек, вексел, сертификат, тўлов талабномалари ва ҳ.к.). Уларнинг туб хусусиятлари 4.4-расмда акс эттирилган.



4.3-расм. Олтин ва қоғоз пулларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Бундан кўринадики, пул капитал сифатида муомалада бўлади, унга қўшимча ижтимоий вазифа юклатилади. Энди у даромад келтирадиган махсус воситага айланади.[43]

[42] Юсупов Р.А. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида миллий валюта барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.- Т., 2001. 9-11-б.

[43] Шодмонов Ш. Бозор иқтисодиётига ўтишда пулнинг янги мазмуни ва роли.



4.4-расм. Нақд ва кредит пулларнинг хусусиятлари.

Шундай қилиб, товар айирбошлаш, ишлаб чиқариш ва пулнинг келиб чиқиши ҳамда товар-пул муомаласининг ривожланиши бозор ва бозор иқтисодиётининг келиб чиқишига сабаб бўлди ва унинг ривожланишига шарт-шароит яратди.

4.5. Ўзбекистонда миллий валюта – сўмнинг муомалага киритилиши ва унинг барқарорлигини мустаҳкамлаш йўналишлари

Ҳар қандай мамлакатдаги товар-пул муносабатларининг тўлақонли амал қилиши, энг аввало, муайян мамлакат миллий валютасининг мавжуд бўлиши ҳамда барқарор амал қилишини тақозо этади.

Мамлакатимизда миллий валютанинг аҳамиятига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада биринчи Президентимиз И.Каримовнинг: «Миллий валюта – миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир» [44], деган сўзларини эслаш ўринлидир. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ўз миллий валютамизни муомалага киритиш муҳим ва мураккаб вазифалардан бири сифатида намоён бўлди. Бу

Бозор, пул ва кредит. Махсус нашр, 2001. 9-б.

[44]Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. 217-б.

борада ҳукуматимиз томонидан ҳар томонлама асосланган, изчил иқтисодий сиёсат амалга оширилди. Унга биноан, республикамиз ўз мустақиллигини эълон қилган бўлсада, дастлабки йилларда собиқ Иттифоқ пул бирлиги – рубль ҳудудида амал қилиш объектив зарурат сифатида тан олинди. Зеро, иттифоқдош республикаларнинг сиёсий жиҳатдан мустақилликка эришишларига қарамай, улар иқтисодиётининг бирданига, зудлик билан рубль ҳудудидан ажралиб чиқишлари учун иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд эмас эди. Бундай ҳолат ягона пул макони доирасида юқори даражада мувофиқлаштирилган иқтисодий, биринчи навбатда, пул-кредит сиёсатининг амалга оширилишини тақозо этар эди. Шунга кўра, дастлабки паллада Россия Федерацияси Марказий банки пул эмиссияси бўйича монополистик ҳуқуқни амалга ошириб, рубль амал қилган барча мамлакатларнинг ҳудудида пул барқарорлигини ушлаб туриш бўйича чора-тадбирларни кўриш масъулиятини зиммасига олди. Бироқ, бозор муносабатларининг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда нархларни эркинлаштириш жараёнлари республикаларо савдо жараёнларида номутаносибликларни келтириб чиқара бошлади. Республикалар савдо балансларини тақчиллигини экспорт нархларини ўзгартириш, кредит эмиссияси ҳисобига молиялаштиришга мажбур эдилар. Бундан ташқари, давлат корхоналарини кенг миқёсли субсидиялаш бўйича тадбирлар аҳамиятли даражада Россия Давлат банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобига молиялаштирилар эди. Кўрсатиб ўтилган омиллар натижасида рубль ҳудудидаги пул-кредит назоратининг бўшашиб кетиши инфляция жараёнларининг кучайишига олиб келди.

Ўзбекистоннинг ўз миллий валютасини муомалага киритиши зарурлиги 1993 йилда дастлаб Россиянинг, кейинчалик МДҲ бошқа қатор мамлакатларининг ўз миллий валютасини муомалага киритиши билан янада кучайди. Чунки, Ўзбекистонга бошқа республиклар ҳудудида амал қилиш

ҳуқуқини йўқотган эски рубль пул бирликлари оқиб кела бошлади. Қолаверса, рубль ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мустақил равишда мамлакатдаги пул-кредит соҳасининг ривожланишини тўлиқ назорат қила олмас эди. Ўзбекистон рубль ҳудудидаги бундай аҳвол натижасида жуда мушкул ва зарарли ҳолатга тушиб қолган эди. Чунки бошқа давлатлар тўлов ва ҳисоб-китобларида фойдаланилиши тўхтатилган 1961-1992 йиллар намунасидаги қадрсизланган рубллар эвазига Ўзбекистондан турли маҳсулотлар олиб чиқиб кетила бошлади. Ўзбекистонга бошқа давлатларда ўз кучини йўқотган совет пуллари оқиб келишининг олдини олиш ҳамда республика истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 5 майда «Пул муомаласини тартибга солиш ҳамда республика истеъмол бозорини ҳимоялашни кучайтириш тўғрисида»ги қарорни қабул қилди. Ушбу қарорга биноан аҳоли томонидан товарларни харид қилиш ва депозит операцияларини амалга оширишда паспорт ҳамда купон тизими татбиқ этилди. Хусусан, қарорда: 1993 йилнинг 10 майидан бошлаб омонатларга пулларнинг қўйилиши фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан паспорт асосида амалга оширилиши; 25 минг рублгача бўлган қийматдаги товарларни – чеклар, чек дафтарчалари ёки омонатчиларнинг топшириғи бўйича уларнинг банк муассасаларидаги шахсий ҳисоб рақамларидан нақд пулсиз ўтказиш орқали сотилиши; чеклар ва чек дафтарчаларини фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бериш ва бошқа чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Ўзбекистоннинг ўз миллий валютасини муомалага киритиш икки босқичда амалга оширилди: биринчи босқич 1993 йилнинг ноябрь ойидан 1994 йилнинг июнигача бўлган даврни, иккинчи босқич эса 1994 йилнинг июнь-июль ойларини ўз ичига олди.

Пул ислоҳотини ўтказишда мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг даромадларининг йўқотилишига йўл қўймаслик тамойилига катта эътибор қаратилди. Шунга кўра, муомаладаги эски пул бирликларининг амал қилишини тўхтатиш ҳам секин-аста, босқичма-босқич амалга оширилди. Жумладан:

- 1993 йилнинг 15 ноябридан бошлаб 1992 йил намунасидаги 5000 ва 10000 рубль қийматдаги пул белгиларининг амал қилиши тўхтатилди;
- 1993 йилнинг 1 декабридан бошлаб СССР Давлат банкининг 1961-1992 йиллардаги 200, 500 ва 1000 рубль қийматидаги пулларининг барча кўринишдаги тўловлар сифатида қабул қилиниши тўхтатилди;
- 1993 йилнинг 15 декабридан бошлаб 50 и 100 рубль қийматдаги пул белгиларининг амал қилиши тўхтатилди;
- 1994 йилнинг 1 январидан бошлаб 1, 3, 5, 10 ва 25 рубль қийматдаги пул белгилари муомаладан чиқарилди;
- 1994 йилнинг 15 апрелидан бошлаб Ўзбекистоннинг барча ҳудудида Россия Банки банкнотларининг муомалада бўлиши тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «сўм-купон»нинг муомалада бўлиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида 1993 йилнинг 6 декабридан бошлаб 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000, 10000 сўм қийматидаги «сўм-купонлар» мамлакатимиз ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида тан олинди.

Ўзбекистонда миллий валютани жорий этишда дастлаб «сўм-купон»нинг муомалага киритилиши қуйидагиларга имкон яратди: биринчидан, миллий пул ислоҳотининг иқтисодий, техник ва ижтимоий томонларини оптималлаштириш учун республика ички иқтисодиётидаги барча реал омилларни тўла аниқлаш ва ҳисобга олиш; иккинчидан, мустақил молия-

кредит ва нарх сиёсатини юритиш бўйича муайян тажриба орттириш; учинчидан, миллий пул бирлигини жорий этиш стратегияси ва механизмини ўрганиш, инфляция жараёнига қарши кураш тадбирлари ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизмини йўлга қўйиш ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 111-моддасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952-XII сонли қарорига мувофиқ, 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валюта – «сўм» муомалага киритилди. Миллий валютанинг жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Марказий банкининг касса ишини ташкил этиш тўғрисида, милий валютани муомалага чиқариш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги кўрсатмаси, шунингдек, қимматликларни қайта баҳолаш ҳамда юридик шахсларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига ўзгартиришлар киритиш тартиби ишлаб чиқилди. Банк муассасалари томонидан 1994 йилнинг 1 июли ҳолати бўйича юридик шахсларнинг ҳисоб ва жорий рақамларидаги барча пул маблағларини ва бошқа қимматликларни инвентаризация қилиш ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида 1000 сўм-купонни 1 сўм нисбатида қайта ҳисоблаш ишлари амалга оширилди.

Товар-пул муносабатларининг самарали амал қилиши кўп жиҳатдан миллий валютанинг барқарорлигига ҳам боғлиқ. Бу борада мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов: «Бугунги энг муҳим вазифа – валютамизни бақувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. У юксак қийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш – умуммиллий вазифа» [45], дея таъкидлаб, бунга эришиш учун аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган тўртта алоҳида дастурлар тўпламини кўрсатиб берди (4.3-жадвал).

45 Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. 218-б.

4.3-жадвал

Ўзбекистонда миллий валюта – сўмнинг барқарорлигини ошириш вазифаларини ҳал этиш борасидаги дастурлар

Дастурнинг мазмуни	Дастурнинг асосий йўналишлари	Амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар
Миллий валютани товар билан барқарор таъминлаш	- республика бозорини истеъмол моллари билан тўлдириш; - аҳолининг энг зарур талабларини қондирувчи миллий ишлаб чиқариш-ни кенгайтириш	- истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш; - замонавий истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни жадал суръатларда ташкил этиш; - кичик корхоналар фаолияти учун кенг майдон очиб бериш; - аҳолининг турли мамлакатлардан келтирилган сифатли молларни сотиб олиш имкониятига эга бўлиши учун зарур шароитлар яратиш; - импорт моллар таркибини такомиллаштириш; - миллий маҳсулотлар рақобатбардош-лигини ошириш
Етарли валюта захираси билан таъминлаш	- ташқи иқтисодий сиёсатни тубдан қайта кўриб чиқиш; - мамлакатнинг экспорт имкониятини кенгай-тириш	- экспортга йўналтирилган корхоналар сонини кўпайтириш; - экспортга йўналтирилган корхоналар фаолиятини рағбатлантириш; - жаҳон бозорида рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш
Миллий валютани қадрлаш ва ундан тежаб-тергаб фойдаланиш	- қатъий молиявий-кредит сиёсатини изчиллик билан ўтказиш; - кредит ресурсларидан самарали ва муайян мақсад йўлида фойдаланиш	- аҳоли ва корхоналар томонидан молия-вий ресурслардан тежамли фойдаланишни кучайтириш; - кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш; - кредит ресурсларини энг кўп самара берадиган соҳаларга йўналтириш
Инфляцияга қарши бақувват, пухта ўйланган сиёсат ўтказиш	- миллий валютанинг юксак тўлов қобилиятини узоқ муддат давомида сақлаб қолишини таъминлаш; - ишлаб чиқариш ҳажми билан тўловга қобил талабнинг ўсиши ўртаси-даги мақбул нисбатни таъминлаш	- муомалага чиқариладиган ҳар бир сўмнинг муайян товарлар билан таъмин-ланишига эришиш; - савдо корхоналарининг ишини тубдан яхшилаш; - истеъмол фондининг ўсишини ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматнинг моддий ҳажми кўпайишига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш; - нақд пул ва кредит эмиссиясининг ўсишига, аҳоли қўлида пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик

Бу белгиланган дастурларнинг изчил равишда амалга оширилиши миллий валютамизнинг мустаҳкамланишига, қатъий валюталарга нисбатан унинг алмашув курсининг барқарорлашувига аҳамиятли даражада таъсир кўрсатади. Миллий валютамиз сўмнинг барқарорлигини таъминлаш, унинг харид қувватини ошириш доимий равишда давлатимизнинг эътиборида бўлиб, унинг чора-тадбирлари кўрилмоқда. Унинг бир мисоли сифатида мамлакатимиз Президенти томонидан 2017 йил 7 февралда қабул қилинган фармонини айтиш мумкин. Бу фармонда "илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш"[46] банди киритилган.

Бундан ташқари, ушбу ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар ҳажмини, турини кўпайтири, сифатини ошириш, улар сотиладиган бозорлар миқёси ва географиясини кенгайтиришнинг бир қанча йўналишлари, чора-тадбирлари белгиланган бўлиб, улар миллий валютамиз барқарорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатимизда товар-пул муносабатларини такомиллаштириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди, жумладан, миллий валютамизни эркин конвертация қилишга киришилди. Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларидан чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди. Чет эл валютасининг олди-сотди операциялари ҳажми либерализация даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, ўртача 1,3 миллиард долларни ташкил этди. Шу билан бирга, давлатимизнинг олтин-валюта захиралари йил давомида 1,1 миллиард долларга кўпайди"[47].

---

[46] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, ПФ-4947-сонли Фармони, 3.1-банди.

[47] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 23 декабрь.

Хулосалар

1. Товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг пайдо бўлиши ижтимоий меҳнат тақсимотининг ҳамда хусусий мулк келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчилар алоҳидалашувининг ривожланиши билан боғлиқ.

2. Товарнинг икки хил хусусияти – нафлилиги ва қиймати товарда гавдаланган инсон меҳнатининг икки ёқлама тавсифи натижасида вужудга келади. Агар нафлилик аниқ меҳнат орқали яратилса, алмашув қиймати абстракт меҳнатнинг натижаси ҳисобланади.

3. Қиймат товарнинг ижтимоий хоссаси бўлиб, унда табиат ашёларининг бирорта ҳам молекуласи, заррачаси йўқдир. Қийматнинг асосида одамлар бир-бирлари учун меҳнат қилишларини билдирувчи ижтимоий меҳнат ётади. Бироқ, алоҳидалашган товар ишлаб чиқарувчилар меҳнати ўзининг ижтимоий хусусиятини фақат меҳнат маҳсулларини айирбошлаш орқали кўрсатади.

4. Товар қийматини аниқлаш борасида иқтисодиёт назариясида асосан икки хил йўналишдаги ёндашув мавжуд: қийматнинг меҳнат назарияси, нафлилик ва кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариялари. Биринчи назария товар қийматини унда мужассамлашган ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари ташкил қилади деса, иккинчи назария товарнинг қийматини унинг нафлилиги, айниқса кейинги қўшилган товар нафлилиги белгилаб беради, деб кўрсатади.

5. Товарларни айирбошлаш жараёнининг узоқ вақт ривожланиши натижасида умумий эквивалент вазифасини бажарувчи, бошқа ҳамма товарларни айирбошлаш мумкин бўлган алоҳида товар пул сифатида ажралиб чиқди.

6. Пул ўзининг ривожланиш тарихида қуйидаги босқичларни босиб ўтди: товар пуллар (пул ўрнини ҳар хил маҳсулотлар босган); тўла қийматга эга пуллар (олтин ёки кумуш); тўла қийматга эга бўлмаган пуллар (қоғоз пуллар, оддий металл тангалар); кредит пуллар (вексел, банкнот, чек, кредит карточка).

7. Мамлакатимизнинг мустақил иқтисодий тараққиётини таъминлашда миллий валютамиз (сўмнинг) муомалага киритилиши ниҳоятда катта роль ўйнади.

Асосий таянч тушунчалар:

Натурал ишлаб чиқариш – маҳсулотлар ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондириш, ички хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжаллаган ишлаб чиқариш.

Товар ишлаб чиқариш – маҳсулотларни ўз истеъмоли учун эмас, балки бозорда сотиш, айирбошлаш учун ва бошқаларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш.

Товар – бирон-бир нафлиликка ва қийматга эга бўлган, айирбошлаш учун яратилган маҳсулот.

Нафлилик – товарнинг кишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжини қондириш лаёқати.

Ижтимоий зарурий нафлилик – талаб миқдорига мос келадиган миқдордаги нафлилик.

Қиймат – товарда гавдаланган ижтимоий-зарурий меҳнат.

Алмашув қиймати – бирор турдаги истеъмол қийматнинг бошқа турдаги истеъмол қийматга айирбош қилинадиган миқдорий нисбати, айрим товарлар қийматининг бошқа товар қийматида ифодаланиши.

Ижтимоий зарурий иш вақти – муайян ижтимоий нормал ишлаб чиқариш шароитида ва муайян жамиятдаги меҳнат малакаси ва жадаллиги даражаси ўртача бўлган шароитда бирон бир товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақти.

Қиймат қонуни – товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш унинг қиймати асосида амалга ошишини, қийматнинг ўзи эса ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари орқали ўлчанишини ифодаловчи сабаб-оқибат боғлиқлиги.

Аниқ меҳнат – маълум мақсадга қаратилган, муайян бир шаклда сарфланадиган ва аниқ турдаги истеъмол қийматларни, нафлиликни вужудга келтирадиган меҳнат.

Абстракт меҳнат – турли товарларда гавдаланган меҳнатнинг

аниқ шаклидан қатъий назар умуман инсон меҳнатининг сарфланиши, ижтимоий меҳнатнинг бир қисми.

Меҳнат унумдорлиги – аниқ меҳнатнинг вақт бирлиги ичида маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятидир. У маълум вақт давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетган вақт билан ўлчанади.

Меҳнат интенсивлиги – вақт бирлиги ичида меҳнатнинг сарфланиш тезлиги ёки жадаллигининг ошиб бориши.

Пул – ҳамма товарларни сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган умумий эквивалент ролини бажарувчи махсус товар.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Ижтимоий хўжалик шаклларига умумий тавсиф беринг. Натурал ва товар хўжалигининг асосий фарқлари нималардан иборат?

2. Товар ишлаб чиқариш ва бозорнинг вужудга келишининг умумий шарт-шароитларини тушунтиринг.

3. Нима учун товарга нафлилик (истеъмол қиймат) ва алмашув қийматининг бирлиги сифатида қаралади? Товардаги бу икки хил хусусият нимадан келиб чиқади?

4. Қийматнинг меҳнат назарияси мазмунини тушунтириб беринг.

5. Қийматнинг сўнгги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси асосида нима ётади?

6. Кейинги (сўнгги) қўшилган миқдор нафлилиги нима ва унинг пасайиш сабабини тушунтиринг.

7. Товарлар қийматини аниқлашга бўлган қуйидаги фикрларга ўз муносабатингизни билдиринг:

а) ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан белгиланади;

б) кейинги қўшилган товарларнинг нафлилиги билан аниқланади;

в) кейинги қўшилган товарларнинг нафлилиги ва ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади.

8. Пулнинг мазмунини ва вужудга келишининг умумий шарт-шароитларини тушунтириб беринг.

9. Пулнинг рационалистик ва эволюцион концепцияларининг мазмуни нимадан иборат?

10. Пул қандай вазифаларни бажаради? Ҳар бир вазифасининг мазмунини тушунтириб беринг.

11. Олтин пул ва қоғоз пул ўртасидаги умумийлик ва фарқларини кўрсатиб беринг.

12. Қоғоз ва кредит пулларнинг қадр-қиймати ва барқарорлиги нима билан белгиланади?

II Б Ў Л И М. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ НАЗАРИЯСИ

5-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МАЗМУНИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИ

Олдинги бобда товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнларининг ривожланиши натижасида пулнинг вужудга келганлиги, товар-пул муносабатларининг ривожланиб, иқтисодиётнинг барча жабҳаларини қамраб олганлиги, аста-секин бозор иқтисодиётининг шаклланиб келаётганлиги баён этилди. Ушбу бобда бозор иқтисодиётининг мазмуни, унинг асосий белгилари, субъектлари ва ривожланиш босқичлари талқинига алоҳида ўрин ажратилган. Бозор иқтисодиётининг доимий ва асосий муаммолари, унинг афзалликлари ва зиддиятлари таҳлилига ҳам ўрин берилган. Шунингдек, бозор ва унинг турлари, бозор инфратузилмаси, унинг таркибий қисмлари ҳамда унсурларини ёритиб беришга алоҳида эътибор қаратилган.

5.1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва асосий белгилари

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти дунёнинг кўпчилик мамлакатлари учун хос бўлиб, у турли мамлакатларда ҳар хил даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан амал қилмоқда ва ривожланмоқда. Бу иқтисодиётнинг амал қилиш механизми

кўплаб асрлар давомида таркиб топиб, шаклланиб, ҳозирги даврда маданийлашган шаклни касб этди ва кўпгина мамлакатларда ҳукмрон иқтисодий тизимга айланди. Мазкур иқтисодиётнинг барқарорлиги шу билан изоҳланадики, узоқ даврли иқтисодий эволюция давомида унинг амал қилишининг асосий классик қоидалари сақланиб қолди.

Олдинги бобда таъкидланганидек, хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг рўй бериши бозор иқтисодиётининг келиб чиқиши ва мавжуд бўлишинг умумий шарти ҳисобланади. Хусусий мулкчилик ва меҳнат тақсимоти ижтимоий хўжаликнинг товар шаклини тақозо қилади, товар ишлаб чиқаришнинг мавжуд бўлиши ўз-ўзидан пул муомаласи, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмолнинг бозорга оид хусусиятини кўзда тутади. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши бозор иқтисодиёти тараққиётининг асосини ташкил этади.

Ишлаб чиқаришнинг мустақиллиги, тадбиркорликнинг эркинлиги, ресурслар эркин алмашинувининг таъминланиши бозор иқтисодиётини самарали амал қилишининг муҳим шартлари бўлиб ҳисобланади. Товар ишлаб чиқарувчи қанчалик мустақил бўлса, бозор ҳам шу даражада яхши ривожланади. Эркин айирбошлаш товар ишлаб чиқарувчи фаолиятининг нисбатан самарали йўналишларини кўрсатиб берувчи эркин нархларнинг шаклланишига имкон яратади.

Бозор иқтисодиёти – бу товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир. Бундай иқтисодиёт эркин товар-пул муносабатларига асосланиб, унинг негизида товар ва пулнинг турли шакллардаги ҳаракати ётади, у иқтисодий монополизмни инкор этади. Айрим адабиётларда бозор иқтисодиёти – бозор хўжалиги субъектлари иқтисодий хатти-ҳаракатларининг эркин, мустақил равишда юз бериши ва уларнинг товар-пул механизми орқали бир-бирига боғланиб мувофиқлашуви деб баҳо берилади. Бозор иқтисодиётида бозор алоқалари бутун тизимни, унинг барча

босқичлари – ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларини ҳамда иқтисодий муносабатларнинг барча субъектларини қамраб олади. Шуни ҳам эътиборда тутиш керакки, ҳозирги шароитда ўртача ривожланган иқтисодиётда 24 млн.дан ортиқ турдаги товарлар мавжуд бўлиб, ҳар йили уларнинг 1/10 қисми янгиланиб туради. Бундай шароитда бозорнинг иштирокисиз товар турлари ва ҳажми бўйича талаб ва таклифни тартибга солишни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бу эса бозорнинг вазифасини ҳеч қандай марказлаштирилган режалаштириш идоралари муваффақиятли бажара олмаслигининг яққол далилидир. Бозор иқтисодиёти эса энг самарали ва муаммоларни тезлик билан ҳал эта олувчи ижтимоий-иқтисодий тизим ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти субъектлари таркибига тадбиркорлар ҳам, ўз меҳнатини сотувчи ишчилар ҳам, пировард истеъмолчилар, ссуда капитали эгалари ва қимматли қоғозлар эгалари ҳам киради. Одатда, бозор хўжалигининг барча асосий субъектлари учта гуруҳга бўлинади: уй хўжаликлари, корхоналар (тадбиркорлик сектори) ва давлат.

Уй хўжаликлари – иқтисодиётнинг истеъмол соҳасида фаолият кўрсатувчи асосий таркибий бирлик. Уй хўжаликлари доирасида моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилган товар ва хизматлар истеъмол қилинади. Бозор иқтисодиётида уй хўжаликлари мулк эгаси ҳамда ишлаб чиқариш омилларини етказиб берувчилар ҳисобланади. Иқтисодий ресурсларни сотишдан олинган пул даромадлари шахсий эҳтиёжни қондириш учун сарфланади.

Тадбиркорлик сектори – бу иқтисодиётнинг даромад (фойда) олиш мақсадида амал қилувчи бирламчи бўғинидир. У иш юритиш учун ўз капиталини ёки қарз олинган капитални ишга солишни тақозо этади, бу капиталдан олинган даромад ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун сарфланади. Тадбиркорлар товар хўжалигида товар ва хизматларни етказиб беради.

Давлат – ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб қўймаган, асосан, иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган турли бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг мажмуи.

Шунингдек, баъзи дарслик ва ўқув қўлланмаларда бозор иқтисодиётининг яна бир алоҳида, мустақил субъекти сифатида банклар ажратиб кўрсатилади.[48]

Банк – иқтисодиётнинг меъёрда амал қилиши учун зарур бўлган пул массаси ҳаракатини тартибга солувчи молия-кредит муассасаси.



5.1-расм. Бозор хўжалиги субъектлари ўзаро алоқасининг умумий модели.

Шундай қилиб, юқорида келтириб ўтилган бозор иқтисодиёти субъектларининг ўзаро таъсири ва алоқасини қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин (5.1-расм).

Ҳар қандай бозор иқтисодиётини тартибга солиш механизми, асосан, тўртта таркибий қисмдан иборат бўлади: нарх, талаб, таклиф, рақобат.

Нархлар нисбати ўзгариб туради, шунинг учун нарх ишлаб чиқарувчи учун ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши зарурлигини аниқлашда йўл кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Талаб ва таклиф ҳамда рақобатчилик муҳитидаги ўзгаришлар ўз навбатида, нархлардаги ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва умумий белгилари қуйидагилардан иборат:

- турли шакллардаги мулкчиликнинг мавжуд бўлиши ва унда

[48] Экономическая теория (политэкономия): Учебник/ Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, акад. Г.П.Журавлевой, – 4-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2004, с.78-79.; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма./Акад. М.Шарифхўжаевнинг илмий таҳрири остида. – Т.: «Ўқитувчи», 2002, 74-б.

хусусий мулкчиликнинг устуворлиги;

– тадбиркорлик ва танлов эркинлиги;

– рақобат курашининг мавжудлиги;

– давлатнинг иқтисодиётга чекланган ҳолда аралашуви;

– корхона ва фирмаларнинг ички ва ташқи шарт-шароитлар ўзгаришларига мослашувчанлиги.

Бозор иқтисодиётининг бу белгилари унинг барча босқичлари учун умумийдир. Лекин бозор иқтисодиётининг мазмуни ва белгилари ҳақида гап борганда бу иқтисодиётнинг тарихан таркиб топган икки турини бир-биридан фарқ қилиш зарур. Унинг биринчи кўриниши узоқ вақт давомида шаклланиб, ғарбдаги ривожланган мамлакатларда XIX асрнинг охирларигача давом этиб келди. У иқтисодий адабиётларда классик ёки соф бозор иқтисодиёти деб ном олди. Унинг асосий белгилари: а) иқтисодий фаолият юритишнинг хусусий мулкчиликка асосланганлиги; б) капитал ва ишлаб чиқаришнинг корхона миқёсида умумлашганлиги; в) тадбиркорлар, ишчилар, товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг шахсан эркинлиги; г) тадбиркорларнинг юқори фойда олиш учун курашлари; д) иқтисодиётнинг талаб ва таклиф, эркин бозор нархи ва рақобат курашлари асосида тартибланиши; е) аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинмаслиги, ишсизликнинг ва аҳоли ижтимоий табақалашувининг кучайиши; ж) бозор ҳаракатларининг стихияли амалга оширилиши, номаълум бозор учун ишлаш.

Бозор иқтисодиётининг иккинчи кўриниши **ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти** деб аталиб, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидан буён амал қилади. Унинг асосий белгилари:

а) иқтисодий ва тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг турли мулкчилик шакллари, яъни хусусий, давлат, жамоа, аралаш ва бошқа мулк шаклларига асосланганлиги;

б) капитал ва ишлаб чиқаришнинг юқори даражада

умумлашганлиги, мулкнинг бир қисми йирик монополиялар ва давлат қўлида тўпланиб, миллий ва халқаро миқёсда умумлашганлиги; в) иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг фаол иштироки. Бунда давлат фан-техника тараққиёти ва бошқа омилларни ҳисобга олиб, турли иқтисодий тадбирларни, ривожланиш истиқболини аниқлаш, турли соҳалар ва тармоқлар ўртасидаги нисбатларни тартибга солиш чора-тадбирларини белгилаш вазифаларини бажаради;

г) хўжаликларни юритишда режа усулидан фойдаланишнинг кучайиши (бизнес режаси, прогнозлаш, турли хил дастурлар асосида ишлаш, буюртмаларни бажариш, маркетинг тизими орқали бошқариш ва бошқалар);

д) ижтимоий ҳимоянинг кучайиши. Бунда давлатга, жамоалар ва хусусий кишиларга тегишли турли хил ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта фондларининг вужудга келиши.

Бу ҳар иккала турда бозор иқтисодиётининг асосий белгилари ва хусусиятлари сақланиб қолади, уларда товар ва пулнинг ҳаракати, уларнинг қонун-қоидалари ривожланиш учун негиз ва шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги замон бозор хўжалиги иқтисодиётдаги хусусий ва давлат секторларининг ўзаро алоқасига асосланади. Иқтисодиётга таъсирнинг интенсивлиги даражаси ҳамда давлат томонидан ҳал этилувчи устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, замонавий бозор иқтисодиётининг қуйидаги моделлари фарқланади (5.2-расм).

5.2-расм. Замонавий бозор хўжалиги моделлари.

Бозор иқтисодиётида юқорида тилга олинган белги ва тартиблар билан бирга, барча ҳозирги замон иқтисодий тизимларига хос бўлган бир қатор шарт-шароитлар бўлиши тақозо қилинади. Булар қуйидагилар: илғор технология ва янги техник воситалардан кенг миқёсда фойдаланиш; ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиши, модернизациялаш диверсификациялаш ва бошқалар.

5.2. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари

Ижтимоий хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига асосланган йўлини танлаган ҳар қандай мамлакат мазкур иқтисодий тизимнинг қандай амал қилишини мукаммал билиши муҳим ҳисобланади. Бунинг учун, энг аввало, ҳар қандай

иқтисодий тизимнинг умумий муаммоларини ифодаловчи қуйидаги саволларга жавоб топиш керак бўлади:

1) қандай маҳсулот ва хизматларни, қанча миқдорда ишлаб чиқариш зарур?

2) ушбу маҳсулот ва хизматларни қандай техника ва технология воситасида ишлаб чиқарилади?

3) бу маҳсулот ва хизматлар ким учун ишлаб чиқарилади?

Иқтисодий адабиётларда ушбу муаммолар қисқача – «нима, қандай қилиб, ким учун ишлаб чиқариш зарур?» тарзида ифодаланади. Бу муаммолар анъанавий иқтисодиётда асосан урф-одатлар, кўп йиллар давомида мавжуд бўлиб келаётган анъаналар, миллий, диний, иқлим ва бошқа омиллар таъсирида ҳал этилса, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизимда марказлаштирилган ҳолдаги тақсимот ва режалаштириш орқали ҳал этилади. Лекин бозор иқтисодиёти бу муаммоларни ўзгача тарзда ҳал этади. Бунда бозор иқтисодиёти тизимининг ўзига хос хусусиятларидан, унинг талаблари ва қонун-қоидаларидан келиб чиқади.

Нима ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш зарурлиги бозор иқтисодиёти шароитида энг аввало иқтисодий ресурслар билан таъминланиш даражасига, талаб ва таклиф нисбатига боғлиқ. Бунда мавжуд бўлган ресурслар қандай ҳажмда банд қилиниши ёки қайси қисми ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиши ҳам ҳисобга олиниши лозим. Бу саволга жавоб беришда корхона зарар кўрмаслик ва юқори даражада фойда олиш учун интилиш қоидасига амал қилади. Шу билан бирга маҳсулот ва хизматларнинг қандай тўплами жамият талабларини тўла қондира олиши эътиборга олинади. Бозор иқтисодиёти шароитида фақат талаб мавжуд бўлган, бинобарин, фойда келтириши мумкин бўлган маҳсулот ва хизматлар яратилади. Бунда корхона фойдаси ҳажмини товарни сотишдан олинадиган умумий пул даромади ва уни ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари ўртасидаги нисбат аниқлайди.

Бозор иқтисодиёти фан-техника тараққиётини

рағбатлантиради. Биринчи бўлиб тежамли технологияларни қўллаш корхонанинг ўз рақобатчилари олдидаги вақтинчалик устунлигини таъминлайди. Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши корхонанинг иқтисодий фойда олишини билдиради. Бундан ташқари, бозор тизими янги технологиянинг тез тарқалиши учун шароит ҳам яратади. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона юқори фойда бериши мумкин бўлган техника ва технология ёрдамида ишлаб чиқаришни амалга оширадилар. Қисқача хулоса қилинадиган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида «нима, ким учун ва қандай қилиб ишлаб чиқариш зарур» деган муаммога қуйидагича жавоб берилади:

а) юқори фойда берадиган барча товарлар ва хизматлар тўловга лаёқатли истеъмолчилар талабига етарли ҳажмда ишлаб чиқарилади;

б) товар ва хизматлар тўлов лаёқатига эга, юқори фойда олиш имконини берадиган харидорлар учун ишлаб чиқарилади;

в) юқори фойда олишни таъминлайдиган, ресурсларни тежаш имконини берадиган техника ва технология ёрдамида ишлаб чиқарилади.

Олдинги бобдан маълумки, мавжуд иқтисодий тизимлар орасида бозор иқтисодиёти ўзининг афзалликлари билан ажралиб туради. Айнан шу афзалликлар мазкур иқтисодий тизимнинг самарали ва барқарор амал қилиши, ривожланишига замин яратади. Энг аввало, бозор иқтисодиётининг учта устун жиҳатини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. Ресурсларни тақсимлашнинг самарадорлиги. Бозор тизими ресурсларни самарали тақсимлашга ёрдам беради. Бунинг мазмуни шуки, рақобатли бозор тизими ресурсларни жамиятга энг зарур бўлган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга йўналтиради. У ишлаб чиқариш учун ресурсларни уйғунлаштиришнинг анча самарали усулларини ва ишлаб чиқаришга янги, анча самарали технологияни қўллашни тақозо этади. Қисқаси, бозор тизими шахсий манфаатни шундай

тартибда бошқарадики, у жамият учун мавжуд ресурслардан зарур товарларни талаб даражасидаги миқдорда ишлаб чиқаришни таъминлайди.

2. Иқтисодий фаолият ва танлов эркинлиги. Бозор иқтисодиётитизиминингмуҳимафзалликларидан биришундаки, у шахсий эркинлик ролига устуворлик беради. Ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб алоҳида шахс ва корхоналар иқтисодий фаолиятини уйғунлаштириш ҳисобланади. Бундай уйғунлаштиришни амалга оширишнинг икки усули мавжуд. Биринчиси – марказдан бошқариш ва мажбур қилиш тадбирларини қўллаш бўлса, иккинчиси – бозор тизими воситаси орқали ихтиёрий ҳамкорликдир. Фақат бозор тизимигина иқтисодий фаолиятни мажбур қилмасдан уйғунлаштиришга лаёқатлидир. Бозор иқтисодиёти тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини намойиш қилиб, айнан шу туфайли у муваффақиятга эришади.

3. Иқтисодий субъектлар тинимсиз ҳаракат ва изланишларининг таъминланиши. Бозор иқтисодиётининг яна бир афзаллиги шундаки, унда ҳар бир шахс, корхона, фирма ва корпорациялар тинимсиз ҳаракатда ва изланишда бўлишади. Чунки хўжасизлик, сусткашлик, беғамлик ҳар қандай хўжалик тизимини хонавайрон қилишга олиб келади. Жисмоний ва юридик шахслар рақобатга бардош бериш, доимий равишда фойда олишни таъминлаш учун курашади. Натижада бозор иқтисодиёти миллион-миллион кишиларни ҳаракатга солади, уларни боқимандалик кайфиятидан қутқаради.

Бозор иқтисодиётнинг юқорида кўриб чиқилган асосий афзалликлари билан бир қаторда бошқа кўплаб **ижобий жиҳатларини** ҳам санаб ўтиш мумкин. Жумладан:

- унинг ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан шароитларига мослашуви ва кўникишининг юқори даражаси;
- фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг жадал суръати;
- турли-туман эҳтиёжларни қондириш, маҳсулот сифатини ошириш қобилияти;

- бузилган мувозанатни нисбатан тезлик билан қайта тиклаш;

- чекланган ахборот – турли ресурсларнинг нарх даражаси ва уларнинг сарфланиш даражасига йўналган ҳолда бозор иқтисодиётининг муваффақиятли амал қила олиш имконияти.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, **бозор иқтисодиётининг ҳам ўзига хос камчилик ва зиддиятлари мавжуд.** Бозор иқтисодиётининг **асосий зиддияти** шундан иборатки, у ўзининг бош назорат механизми — рақобатнинг кучсизланишига йўл қўяди ва ҳатто буни рағбатлантиради. Бундай иқтисодиётда рақобат кучсизланишининг иккита асосий манбаи мавжуд:

1) бозор иқтисодиёти шароитидаги эркин муҳитда тадбиркорлар фойда кетидан қувиб ва ўз иқтисодий мавқеларини яхшилашга интилиб, рақобатнинг чекланган йўлидан озод бўлишга ҳаракат қиладилар. Фирмаларнинг қўшилиб кетиши, компанияларнинг хуфёна келишуви, рақобатлашувнинг ноқонуний усуллари (масалан, жисмоний куч ишлатиш, зўравонлик, тазйиқ ўтказиш ва ҳ.к.) ни қўллаш – буларнинг барчаси рақобатнинг кучсизланиши ва унинг тартибга солувчилик таъсирининг пасайишига олиб келади;

2) бозор тизими рағбатлантирадиган техника тараққиёти ҳам рақобатнинг заифлашишига олиб келади. Энг янги технология, одатда: а) жуда катта миқдордаги реал капиталдан фойдаланишни; б) йирик бозорлар бўлишини; в) комплексли, марказлашган ва қатъиян бир бутун бўлиб бирлашган бозорнинг таркиб топишини; г) бой ва ишончли хомашё манбаларини талаб қилади. Бундай технология бозорнинг ҳажмига нисбатан кенг миқёсдаги ҳисобланувчи ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлиши зарурлигини билдиради. Бошқача айтганда, энг янги технологияни қўллаш асосида ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлигига эришиш, аксарият ҳолларда кўп миқдордаги майда фирмалар эмас, унча кўп бўлмаган йирик ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлишини тақозо қилади.

Бозор тизими жамиятнинг юқори эҳтиёжли товарлар

билан таъминланишига ҳам кафолат бермайди. Рақобатнинг кучсизланиб бориши истеъмолчининг эркинлигига ҳам путур етказади. Бозор тизими ўзининг истеъмолчининг хоҳишига анча мос келувчи ресурсларни тақсимлаш лаёқатини ҳам йўқотиб бориши мумкин.

Бозор иқтисодиётнинг навбатдаги зиддияти жамият аъзолари даромадларидаги тенгсизликнинг кучайиб бориши ва аҳолининг табақаланиши билан боғлиқ. Бундай иқтисодиёт ҳар қандай юксак даражада ривожланмасин даромадлар тенгсизлигини бартараф қила олмайди, фақат уни маълум даражада юмшатиш мумкин.

Бозор иқтисодиётининг умумий эътироф қилинган камчиликларидан яна бири шундан иборатки, у ижтимоий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариб, бозорга таклиф қилишга қодир эмас. Шу сабабли жамият аъзоларини бундай неъматлар ва хизматлар билан таъминлаш давлат зиммасида бўлади.

Товарлар ҳажми билан пул массаси ўртасидаги рўй бериб турадиган номувофиқликни бартараф эта олмаслик ҳам бозор иқтисодиётининг зиддияти ҳисобланади. Бу пулнинг қадрсизланиши, яъни инфляция жараёни орқали намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётининг асосий зиддиятлари билан бир қаторда қуйидаги камчилик ёки салбий жиҳатлари ҳам мавжуд:

– атроф-муҳитни ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият турлари таъсиридан муҳофаза қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги;

– ресурсларнинг қайта тикланмайдиган турларини сақлаш имкониятининг йўқлиги;

– меҳнат қилиш билан боғлиқ кафолатларнинг мавжуд эмаслиги;

– фанда фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг ривожланишига кўмаклашувнинг йўқлиги;

– ривожланишнинг беқарорлиги, инқирозли ҳолатларнинг бўлиб туриши ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизлик даражасининг ошиши каби ҳолатларининг мавжудлиги.

Шунингдек, 2008 йилда АҚШ ипотека кредитлаш тизимида вужудга келган ҳамда кўплаб ривожланган мамлакатларга тарқалиб, аввал иқтисодиётнинг молиявий секторида, кейинчалик эса реал сектор ҳамда ижтимоий соҳасида жиддий талофатларга олиб келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам кўп томондан бозор иқтисодиётининг зиддиятли жиҳатлари таъсири билан боғлиқ. Аксарият ривожланган мамлакатларда бозорнинг ўзини-ўзи тартиблаш механизмини мутлақлаштириш ва бунда давлатнинг назорат қилиш, тартибга солиш вазифаларига умуман эътибор қаратмаслик пировардида инқироз ҳолатларининг рўй беришига олиб келди. Ўзбекистонда давлат томонидан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни тартибга солиш жараёнларига доимий эътибор қаратилиб, зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади.

5.3. Бозор ва унинг вазифалари

Бозор тушунчаси бозор иқтисодиётининг муҳим категорияси бўлиб, иқтисодиёт назариясида ҳам, хўжалик юритиш амалиётида ҳам, барча мамлакатлар тажрибасида ҳам қўлланиладиган илмий-амалий тушунчадир. Энг аввало «бозор» ва «бозор иқтисодиёти» тушунчаларининг бир-биридан фарқланишини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Чунки, кўпинча бу икки тушунчани бир хил маънода ифодалаш, баъзи адабиётларда синоним сўзлар сифатида қўллаш ёки уларни чалкаштириш ҳоллари учрайди. Бозор жамиятда бозор иқтисодиёти шакллангунга қадар меҳнат тақсимотининг рўй бериши натижасида вужудга келган бўлиб, у ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг айирбошлаш жараёнини ўз ичига олади. Бозор иқтисодиёти эса бозор муносабатларининг тарихан узоқ давр мобайнида ривожланиши натижаси бўлиб, товар-пул қонунлари асосида ташкил этилувчи ва фаолият кўрсатувчи иқтисодий тизимни англатади.

Бозор иқтисодиёти такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазаларини: ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларини қамраб олади. Бозор эса фақат битта фазани, яъни айирбошлаш фазасини ўз ичига олади. Бозор тушунчаси юзаки қараганда оддий тушунчага ўхшаб кўринади, айримлар бозорни товарлар сотиладиган ва харид қилинадиган жой деб ўйлашади. Лекин унинг ички мазмунига эътибор берилса, у кўп қиррали бўлиб, мазмуни ўзгарувчан эканлигини, турли даврларда турли маънони англатишини билиб олиш мумкин. Бозор тушунчаси товар айирбошлашнинг келиб чиқиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у ибтидоий жамоа тузумининг охирларида келиб чиққан ва дастлаб товар алмашув, товар айирбошлаш жойи ёки майдони деган мазмунни англатган. Дастлаб, бозор икки ёки бир неча қабила аъзолари бир-бирлари билан товар алмашув жойи сифатида намоён бўлган бўлса, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, шаҳарларнинг пайдо бўлиши билан алоҳида майдонлар ажратилиб, унда кишилар олди-сотди қилганлар. Лекин ҳали у даврларда товар айирбошлаш Т – Т кўринишида, яъни бир турдаги товарга бошқа турдаги товарни айирбошлаш шаклида бўлган. Бундай айирбошлашда вақт ва масофа бўлмай, бир вақтнинг ўзида ўша жойда алмашув жараёни содир бўлган. Кейинчалик товарларни бундай тарзда айирбошлашнинг зиддиятлари кучайиб бориши натижасида пул келиб чиқиб, сотиш ва сотиб олиш жараёни иккига ажралган ва Т – П – Т кўринишини олган. Энди товарни сотиш (Т – П) ва сотиб олиш (П – Т) замон ва макон жиҳатидан мос келмаслиги мумкин. Чунки сотувчи ўз товарини бир жойда пулга айирбошлаб, ўзига керакли товарни бошқа вақт ва бошқа жойда сотиб олиши мумкин. Пулнинг келиб чиқиши билан савдогарлар, яъни товарларни ишлаб чиқарувчидан олиб истеъмолчига, бир жойдан иккинчи жойга олиб бориб сотиш билан шуғулланадиган махсус гуруҳлар пайдо бўлди.

Меҳнат тақсимоти чуқурлашиб савдо соҳаси вужудга келди. Бу соҳа товар-пул ҳаракатини тезлаштириш имконини бериб,

истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчини боғлайдиган воситага айланди. Бунда ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ҳам бир-бирлари билан учрашиши шарт бўлмай, улар савдогарлар-воситачилар орқали алоқа қилишлари мумкин бўлиб қолди. Энди бозор тушунчасининг мазмуни ўзгариб, янги маъно касб этади, яъни товар-пул муомаласининг янги шакли сифатида намоён бўла бошлади. Олди-сотди жараёнида янги ўзига хос муҳим товар – ишчи кучининг пайдо бўлиши билан бозор умумий тус олиб, унинг мазмуни янада кенгайди. Эндиликда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларгина эмас, балки ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи ҳам бозор жараёни орқали ўтиб, ишлаб чиқаришга жалб этила борадиган, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита – бозор орқали содир бўла бошлади. Шундай қилиб, ҳозирги даврда бозор ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг кўп қиррали мураккаб алоқаларини, уларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган таъсирини боғлайдиган бўғин, жамият тараққиётида модда алмашувини таъминлайдиган жараён сифатида шаклланди. **Бозор – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар мажмуаси.**

Бозорнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

– сотувчи ва харидорларнинг ўзаро келишуви, эквивалентлилик тамойили асосида айирбошлаш;

– сотувчиларнинг харажатлари қопланиб, фойда олиши;

– тўловга лаёқатли бўлган харидорларнинг талабини қондириш ва рақобатчилик.

Бозор товарларни ишлаб чиқариш ва айирбошлаш, пулнинг вужудга келиши, уларнинг ривожланиши натижасида келиб чиққан тарихий тушунча бўлиб, ҳозирги даврда кенг тарқалган объектив иқтисодий жараёндир.

Бозордаги товар ва хизматлар миқдори талабга нисбатан кам бўлса нархлар ошиб кетади, айирбошлашнинг эквивалентлик

мувозанати бузилади, натижада товарни сотувчи меъёридан ортиқча даромад олиш имконига эга бўлади. Аксинча, бозорда товарлар миқдори талаб миқдоридан ошиб кетса, нархлар пасайиб кетиб, сотувчилар зарар кўрадилар. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида сусткашлик, нўноқлик ва хўжасизлик юз бериб, ортиқча харажатларга йўл қўйилса ҳам зарар ошиб кетади, чунки бозор бундай беҳуда сарфларни ҳисобга олмайди. Буларнинг барчасини бозор ўз механизми орқали амалга оширади. **Бозор механизми – бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишни ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалардир.**

Бозорнинг иқтисодий мазмунини очиб беришда унинг объекти ва субъектини ажратиб кўрсатиш лозим бўлади. **Бозор объекти – айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иқтисодий фаолият натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар, пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлар.**

Ҳозирги шароитда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дўконлари, автомобилга хизмат кўрсатиш станцияси, бензин қуйиш шахобчалари, саноат товарлари дўкони, тижоратчиларнинг савдо шахобчалари, турли хил супермаркетлар, йирик савдо марказлари ва савдо ярмаркалари, умумий овқатланиш шахобчалари бозорнинг одатдаги кўринишлари ҳисобланади. Фонд биржалари, валюта бозори, дон биржалари ва аукцион кабилар бозорнинг юқори даражада ривожланган кўринишларидир.

Бозор субъекти – айирбошлаш муносабатлари қатнашчиси. Бозор субъектлари икки гуруҳга – сотувчи ва харидорларга бўлиниб, улар бозор муносабатларининг турли вазифаларини бажаради. Сотувчилар бозорга товар ва хизматларни таклиф этади, харидорлар эса уларга талаб билдиради. Бозор ўз субъектлари манфаатини бир-бирига боғлаб, уларни мувофиқлаштиради. Айрим турдаги бозорларда сотувчи ва харидорлар ўртасида бевосита алоқа мавжуд бўлса,

бошқаларида билвосита алоқа мавжуд бўлиб, улар ҳеч қачон бир-бирини кўрмайди ёки билмайди.

Бозорнинг асосий вазифаси ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган товар ва хизматларни, иқтисодий ресурсларни истеъмолчиларга етказиб беришдан иборатдир. Бу ерда бозор ишлаб чиқариш билан истеъмолни бир-бирига боғлайди, ишлаб чиқарилган товар ёки хизмат ўз истеъмолчисини топади. Бунда бозор воситачи бўлиб хизмат қилади. Бозорда қиймат шакллари алмашади. У қийматни товар шаклидан пул шаклига айлантиради. Индивидуал меҳнат сарфлари сифатида чиққан товарлар бозор томонидан тан олинса, ижтимоий меҳнат сарфини намоён қилади ва товарнинг бозор қиймати ҳосил бўлади.

Бозор айирбошлаш категорияси бўлиб, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз такрорланиб туришига ёрдам беради. Ишлаб чиқариш, янгидан бошланиши учун яратилган товарлар сотилиши ва уларнинг пулга айланиши, пулдан эса керакли иқтисодий ресурслар харид қилиниши зарур. Бозор воситасида товарни сотишдан тушган маблағлар ҳисобига, ишлаб чиқарувчилар ресурслар сотиб олиш йўли билан сарфланган ишлаб чиқариш воситалари ўрнини қоплайдиган ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун керакли моддий ва меҳнат ресурсларига эга бўладилар. Бозор орқали ресурсларнинг эркин ҳаракати таъминланади ва уларнинг тармоқлар ўртасида тақсимланиши рўй беради. Истеъмолчилар бозорда у ёки бу товарга бўлган талабини билдиради.

Бозор бу талабни ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчиларга узатади. Ресурслар талаб билдирган тармоқлар ва соҳалар ўртасида тақсимланиб туради.

Бозор иқтисодиётни тартибга солиб туриш вазифасини талаб, таклиф, рақобат ва нархлар ёрдамида бажаради. У ўзида талаб ва таклифни жамлаб, бу билан нимани, қанча миқдорда ва қайси вақтда ишлаб чиқариш кераклигини аниқлаб беради. Бозор нарх воситасида иқтисодий ресурсларни

товарларга талаб камайган тармоқлардан талаб ортган тармоқларга оқиб келишини таъминлайди. Шунингдек, адабиётларда бозорнинг бошқа кўплаб қўшимча вазифалари ҳам келтирилади. Бу вазифаларни яққолроқ тасаввур этиш учун уларни махсус расм кўринишида ифодалаш мумкин (5.3-расм).



5.3-расм. Бозорнинг вазифалари.

Бозор турли хил вазифаларни бажарса-да, улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади. Бозорнинг иқтисодий мазмунини чуқурроқ тушуниш учун унинг турлари ва ички тузилишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

5.4. Бозорнинг турлари ва тузилиши

Ҳозирги даврда бозор мураккаб тузилишга эгадир. Бозорнинг ички тузилиши мураккаб бўлганлиги сабабли уни туркумлашга қуйидаги мезонлар асос қилиб олинади: бозорнинг етуклик даражаси, сотиладиган ва сотиб олинадиган маҳсулот тури, бозор субъектлари хусусиятлари, бозор миқёси, иқтисодий алоқалар тавсифи ва бошқалар.

Бозорнинг **етуклик даражасига қараб** ривожланмаган бозор, эркин (классик) бозор, ҳозирги замон ривожланган бозорларга бўлинади. **Ривожланмаган, шаклланаётган бозор тасодифий тавсифга эга бўлиб, унда товарни товарга айирбошлаш (бартер) усули кўпроқ қўлланилади.** Бозорнинг бу тури тарихан ҳали ҳақиқий пул мавжуд бўлмаган даврга

тўғри келади. Лекин ҳозирги даврда ҳам айрим мамлакатларда пул инқирозга учраб, ижтимоий ишончни йўқотган, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳам бозорнинг бундай тури амал қилиши мумкин.

Эркин (классик) бозор – товар ва хизматларнинг ҳар бир тури бўйича жуда кўп ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, сотувчилар ва харидорлар мавжуд бўлиб, улар ўртасида эркин рақобат амал қилувчи, нархлар талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга қараб эркин шаклланувчи бозордир. Эркин бозорда рақобатнинг турли усуллари қўлланилиб, аҳоли ва ишлаб чиқарувчилар кескин табақаланиши рўй беради.

Ҳозирги замон ривожланган бозори ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бозор алоқаларининг давлат томонидан тартибга солиб турилишига асосланади. Демак, давлат ҳам бозор иштирокчиси бўлиб, у бозор алоқаларини тартиблаштиради ва бошқаради. Ҳозирги замон ривожланган бозорида турли хил биржалар ва бошқа олди-сотди жараёнига хизмат қилувчи соҳалар тараққий этган бўлади. Рақобатнинг асоратли курашлари, аҳолининг табақалашуви юмшатилиб, уларнинг даромадлари ўртасидаги тафовутлар меъёр даражасида ушлаб турилади.

Бозор **ҳудудий жиҳатдан** ҳам турлича бўлиши мумкин. Булар маҳаллий бозорлар (Тошкент бозори, Самарқанд бозори, Ургут бозори, Лондон бозори, Нью-Йорк бозори, Пекин бозори ва бошқалар); миллий бозорлар (Ўзбекистон бозори, Россия бозори, Украина бозори, Англия бозори, Америка бозори, Хитой бозори ва бошқалар); ҳудудий бозорлар (Марказий Осиё ёки Осиё бозори, Ғарбий Европа бозори) ва ниҳоят жаҳон бозори.

Сотиладиган ва сотиб олинадиган товар, хизмат турига кўра бозорлар қуйидаги турларга бўлинади: истеъмол товарлари

ва хизматлари бозори, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи (ресурслар) бозори, валюта бозори ва фонд биржалари, илмий-техника кашфиёти ва ишланмалар бозори.

Муомалага чиқадиган субъектларнинг хусусиятига кўра улгуржи ва чакана савдони ажратиш мумкин. Чакана савдода, асосан, сотиб олувчилар фуқаролар ҳисобланади. Турли шаклдаги корхоналар, фирмалар, хусусий дўконлар ва бошқалар эса сотувчи ҳисобланади. Улгуржи савдода маҳсулотлар йирик партияларда кўтарасига сотилади.

Бозорнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб **истеъмол товарлари ва хизматлар бозори** ҳисобланади. Бу бозорда хўжалик субъектларининг барча учта тури: уй хўжаликлари, давлат ва корхоналар қатнашади.

Истеъмол товарлари ва хизматлари бозорининг махсус тури **интеллектуал товарлар бозоридир.** Бу бозорда ақлий меҳнат маҳсули бўлган товарлар – илмий ғоялар, техника янгиликлари, санъат ва адабиёт асарлари, ҳар хил ахборотлар олди-сотди қилинади. Интеллектуал бозор таркибида илмий-техника ишланмаларини айирбошлаш катта ўрин тутади. У амалда патент, лицензия ва ноу-хау сотишдан иборат бўлиб, бу бозорда асосан, инновация фирмалари иш кўради. Мазкур фирмалар янгиликлар яратиш, бозорда сотиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича хизмат кўрсатади.

Ишлаб чиқариш воситалари (ресурслар) бозорида товар сифатидаги меҳнат воситалари ва материаллар олди-сотди қилинади. Бу бозорда машина, асбоб-ускуна, хомашё, ёқилғи ва материаллар каби ишлаб чиқариш воситалари улгуржи равишда сотилади. Ресурслар бозоридаги товарлар шахсий истеъмолга эмас, ишлаб чиқариш истеъмолига хизмат қилади, яъни ишлаб чиқариш талабини қондиради.

Бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар истеъмол товарлари ва ресурслар бозори орқали анча тўлиқ ва ёрқин намоён бўлади (5.4-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, уй хўжаликлари ва давлат иқтисодий ресурсларга эгалик қилиб, уларни ресурслар бозорига етказиб беради. Корхоналар ресурсларга талаб билдиради. Корхоналарнинг ресурсларни сотиб олишга сарфлаган пул маблағлари ресурсларни етказиб берувчиларнинг даромадлари (иш ҳақи, рента, фоиз ва фойда) оқимини ташкил қилади.



5.4-расм. Истеъмол товарлари бозори ва ресурслар бозори ҳамда бозор субъектлари ўртасида ресурслар, маҳсулот ва даромадлар ҳаракати[49] .

Уй хўжаликлари ресурсларни сотишдан олинадиган пул даромадларини сарфлаш жараёнида кўплаб товар ва хизматларга ўзларининг талабини билдиради. Бир вақтда корхоналар айнан шу бозорда товар ва хизматларни таклиф қилади. Товар ва хизматларга истеъмол сарфлари оқими корхоналарнинг пул тушуми ёки даромадини ташкил қилади.

Иқтисодий ресурслар бозорининг таркибий қисмини ишчи кучи бозори ташкил қилади. Ишчи кучи бозорида ўзига хос

[49] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

хусусиятга эга бўлган иқтисодий ресурснинг олди-сотди битими амалга оширилади. Бу бозорда бизнес томонидан ишчи кучига бўлган талаб, уй хўжаликлари томонидан билдирилган ишчи кучи таклифи билан тўқнаш келади. Шундай экан, ишчи кучи бозорида иқтисодий субъектларнинг икки тури – тадбиркорлар ва ёлланма ишчилар ҳаракат қилади. Ишчи кучи инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти сифатида товарга айланади, бу қобилият бозор орқали унинг эгасидан ажратиб олинишини билдирмайди. Ишчи кучи бозорида инсоннинг ўзи эмас, унинг меҳнат қилиш қобилияти маълум муддатга сотилади.

Молия бозори турли-туман ва кўп жиҳатли бўлса ҳам олди-сотди объекти битта, яъни пул (пулга тенглаштирилган қоғозлар) ҳисобланади. Ортиқча маблағларга эга бўлган хўжалик субъектлари ўз молиявий ресурсларини уларга эҳтиёж сезган субъектларга таклиф қилади.

Молия бозорини молиявий битимларнинг ҳаракатига қараб туркумлаш мумкин. Бунда молия бозори иккига ажралади: қарз мажбуриятлари бозори ва капитал (мулк) бозори. **Қарз мажбуриятлари бозорида пул вақтинча қарзга олинади ва шахсий истеъмол учун ишлатилади. Капитал (мулк) бозорида жамғаришга қўйилган пулдан даромад олиш ҳуқуқи сотилади ва сотиб олинади.** Бу бозорда маблағлар капитал сифатида ишга солиниб, фойда келтиради. Шуни ҳисобга олиб капитал бозорини иккита бўғинга ажратиш мумкин: ссуда капитали бозори ва қимматли қоғозлар бозори. **Ссуда капитали бозори – пул шаклидаги капиталнинг фоиз тўлаш шарти билан қарзга бериш бўйича олди-сотди муносабатидир.** Бу бозорда асосан давлат ва банкларнинг қисқа муддатли мажбуриятлари муомалада бўлади.

Қимматли қоғозлар бозори – турли кўринишдаги қимматли қоғозлар (акция, облигация, вексель, чек, депозит кабилар) нинг олди-сотди муносабати. Мазкур бозор амалда фонд биржалари, аукционлар ва банклардан иборат бўлиб, унда брокер ва дилерлар воситачилик қилади.

Қимматли қоғозларнинг ҳаракати хусусияти бўйича молия бозори бирламчи ва иккиламчи (ҳосила) бозорларга бўлинади. Бирламчи бозорда янги нусхадаги қоғозлар сотилади ва сотиб олинади, иккиламчи бозорда олдин чиқарилган қимматли қоғозлар ҳаракат қилади. Бирламчи бозорда қимматли қоғозлар сотилса, иккиламчи бозорда қайта сотилади. Иқтисодиёт учун қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. У хўжалик субъектлари ўртасида молиявий воситаларнинг эркин ҳаракат қилишини таъминлайди. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида "суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек фонд бозорини капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида ривожлантириш"га[50] катта аҳамият берилмоқда. Бунинг учун эса макроиқтисодий кўрсаткичлар, айниқса, валюта бозори ҳолати устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, зарурият туғилганда, миллий валюта ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини ошириш, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш зарур.

Ҳозирги кунда кенг ривожланиб бораётган замонавий бозорлардан бири бу электрон савдо бозорлари бўлиб ҳисобланади. У 2015 йил 9 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонунининг янги таҳрири билан белгиланади ва амалга оширилади. Унда Интернет тармоғидаги тижорат соҳасига оид фаолликни, унда олди-сотдини амалга оширилишини ифодалаш учун қўлланилади; компьютер тармоғидан фойдаланган ҳолда

[50] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, ПФ-4947-сонли Фармони. 1-илова, 3.1-банд.

харид қилиш, сотиш, сервис хизмати кўрсатишни амалга ошириш, маркетинг тадбирларини ўтказиш имкониятини таъминлайди.

Электрон тижорат – бу савдо ва тижоратнинг ноанъанавий шакли бўлиб, бунда олувчи ва тўловчи ўртасидаги муносабат ва мажбуриятлар электрон коммуникация тизими, компьютер дастур таъминоти, маълумотлар хавфсизлиги ва тартибга солиш электрон тизими орқали амалга оширилиши кўзда тутади.

Электрон тижоратнинг анъанавий савдо турларидан фарқи қуйидагилардан иборат:

- харидор ўзига қулай вақт, жой ва тезликда маҳсулотни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга;
- савдо-сотиқ фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти;
- кўп сонли харидорларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта фирмаларга мурожаат қила олиш имконияти;
- керакли маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва ушбу маҳсулотлар мавжуд бўлган корхоналарга мурожаат қилишда техник ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш имконияти;
- харидорларнинг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли маҳсулот сотиб олиш имконияти;
- ҳозирги кундаги мавжуд жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни танлаш ва сотиш имконияти;
- электрон тижоратда савдони ташкил этиш корхоналарнинг рақобатини кучайтиради, монополиядан чиқаради ва маҳсулотларнинг сифатини ошириш имкониятини беради.

5.5. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари

Бозорнинг самарали амал қилиши кўп жиҳатдан унинг инфратузилмасининг ривожланганлик даражасига боғлиқдир.

Бозор инфратузилмаси – бу бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишига хизмат кўрсатувчи муассасалар тизимидир.

Бозор инфратузилмаси таркибига кирувчи муассасаларни қуйидаги асосий йўналишлар бўйича гуруҳлаш мумкин:

1) товар ва хизматлар муомаласига хизмат қилувчи муассасалар (омбор хўжалиги, транспорт ва алоқа хизматлари кўрсатувчи корхоналар, биржалар, аукционлар, савдо уйлари, савдо-сотиқ идоралари ва агентликлари ва ҳ.к.);

2) молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи муассасалар (банк, кредит муассасалари, суғурта ва молия компаниялари, солиқ идоралари ва ҳ.к.);

3) ижтимоий соҳага хизмат кўрсатувчи муассасалар (уй-жой ва коммунал хизмат идоралари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари ва ҳ.к.);

4) ахборот хизмати идоралари (маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи муассасалар).

Бозор инфратузилмаси муассасалари товар ишлаб чиқарувчиларнинг савдо-сотиқ, молия-кредит фаолиятига, асосий ҳамкорларни топишига, ишчи кучини ёллашига кўмаклашади, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш бўйича тадбирларини амалга оширади, тижорат алоқаларини ўрнатишга ёрдам беради. Уларнинг бир қисми давлат мулки доирасида фаолият юритиб, бепул хизмат кўрсатса, бошқалари мустақил тижорат муассасаси ва уюшмаларидан иборат бўлиб, кўрсатган хизматлари учун ҳақ олади.

Бозор инфратузилмаси таркибида товар ва хизматлар муомаласига хизмат қилувчи муассасалар муҳим ўрин тутиши сабабли улардан асосийларининг қисқача тавсифига тўхталиб ўтамиз.

Биржа – намуна (ёки стандарт)лар асосида оммавий товарларнинг мунтазам савдо-сотиқ ишларини ўтказувчи тижорат муассасаси. Унинг товар биржаси, фонд биржаси, валюта биржаси, меҳнат биржаси сингари турлари кенг тарқалган.

Товар биржаси – олдиндан белгиланган қоидалар асосида улгуржи савдони ташкил этиш шакли.

Фонд биржаси – қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича расмий жиҳатдан ташкил этилган ва мунтазам амал қилувчи бозор шакли.

Валюта биржаси – миллий валюталар курслари бўйича уларнинг эркин олди-сотдиси амалга ошириладиган, расмий жиҳатдан ташкил этилган бозори шакли.

Меҳнат биржаси – ишчилар ва тадбиркорлар ўртасидаги ишчи кучини олди-сотди битимини тузишда воситачиликни амалга оширувчи ва ишсизларни рўйхатга олувчи муассаса.

Биржада иштирокчилар томонидан товар айирбошлаш тўғрисидаги битимлар тузилади, лекин товарни етказиб бериш ва унинг ҳақини тўлаш биржадан ташқарида юз беради. Бунда товарнинг эгаси ва харидорлари қатнашиши шарт эмас. Улар номидан ишни брокерлар (даллоллар) юритади. **Брокер (маклер) – бу товар, фонд ва валюта биржаларида олди-сотди битимларини тузишда воситачилик қиладиган шахс ёки махсус фирма.** Улар одатда мижозлар топшириғига кўра ва унинг ҳисобига иш юритади, кафолат берувчи ҳисобига ўз номидан савдо битимлари тузиши ҳам мумкин.

Биржанинг яна бир хусусияти шундаки, бу ерда ҳали ишлаб чиқарилмаган, лекин тайёрланиши аниқ бўлган, олдин сотиб олиниб, эгаси ихтиёрига келиб тушмаган товарлар ҳам сотилади.

Биржалар ихтисослашган ёки универсал бўлиши мумкин. Ихтисослашган биржаларда айрим турдаги ёки бир гуруҳ товарлар, универсал биржаларда ҳар хил товарлар сотилади.

Аукцион – алоҳида хусусиятларга эга бўлган товарларни сотиш учун муайян жойларда ташкил қилинган махсус ким ошди савдо муассасаси. Аукционда савдо товарларнинг нисбатан чекланган рўйхати бўйича, оммавий сотувга қўйиш йўли билан ўтказилади. Аукцион эълон қилинган вақтда ва маълум даврда ўтказилади. Бунда товарларнинг бозорга келиб тушиш мавсуми ва ҳажми ҳисобга олинади. Аукцион савдосида

намуна товарлар рўйхатда кўрсатилган тартибда савдога қўйилади, харидорлар орасида энг юқори нархни таклиф қилган киши товарни сотиб олади. Аукционларда санъат асарлари, ноёб буюмлар, коллекциялар ҳам сотилиши мумкин.

Савдо ярмаркаси – муайян белгиланган вақтда ва жойда ўтказилувчи ҳамда ўтказилиш жараёнида улгуржи савдо битимлари тузилувчи товар намуналари кўргазмаси. Савдо битимлари товар ишлаб чиқарувчи билан савдо фирмалари ўртасида тузилиб, унда бевосита истеъмолчи қатнашмайди.

Савдо уйи – ўз ичига ташқи савдо компанияси билан бир қаторда ишлаб чиқариш, банк, суғурта, транспорт, улгуржи-чакана ва бошқа турдаги фирмаларни олувчи кенг тармоқли савдо компанияси. У ихтисослашган ёки универсал бўлиши мумкин. Ихтисослашган савдо уйи айрим товарлар билан (кийим-кечак, оёқ кийим, газлама ва ҳ.к.), универсал савдо уйи ҳар хил товарлар билан савдо қилади. Савдо уйлари таркибида савдо фирмалари муҳим ўрин тутади. Улар тижорат ишини юритувчи ва ихтисослашган савдо-сотиқ корхоналаридир. Фирмалар мустақил ёки йирик саноат корпорациялари таркибида иш юритиб, улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланадиган турларга бўлинади. Айрим фирмалар ҳар иккала савдо тури билан ҳам шуғулланади. Савдо уйлари ўз номидан ва кўпинча ўз ҳисобидан экспорт-импорт ҳамда бошқа савдо алоқаларини олиб боради. Ташқи савдо уйлари савдо корхоналарини сотиб олиш, жиҳоз ва ускуналарни ижарага топшириш, кредитлар бериш, суғурта хизмати кўрсатиш орқали молиявий ва ишлаб чиқариш хизматида ҳам қатнашади.

Улгуржи савдо фирмалари товарларни ўз мулки ва маблағлари ҳисобидан сотиб олиб, кейин истеъмолчиларга сотади. Чакана савдо фирмалари турлича фаолият юритиб, улар мустақил дўконлар, махсус дўконлар ва супермаркетлардан иборат бўлади.

Супермаркет – бу харидорнинг ўзига ўзи хизмат кўрсатишига асосланган кенг тармоқли савдо корхонаси. У

товарларнинг деярли барча турлари билан, жумладан импорт товарлар билан ҳам савдо қилади. Супермаркет харидорларга бепул маслаҳатлар беради, товарларни буюртма бўйича харидор уйига етказади, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатади.

Қўлга киритилган ютуқлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, авваламбор, тизимли демократик бозор ислоҳотларини жорий этиш, иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш, саноат тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини изчил давом эттириш — буларнинг бари муваффақиятларнинг асосий омилидир. Эътиборли жиҳати, ялпи ички маҳсулотнинг муттасил ўсиши анъанавий хомашё тармоқлари ёки бўлмаса, жаҳон бозоридаги қулай конъюнктура ва айрим хомашё ҳамда материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, аксинча, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш эвазига таъминланмоқда.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш натижаси ўлароқ, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, қайта ишланган ҳамда юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларни кўпайтириш барча тармоқ ва саноат корхоналарининг ташқи бозордаги позициясини мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Инфратузилма тизимида молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи муассасалар алоҳида ўринга эга. Улар молия бозори, унинг асоси бўлган капитал бозорини шакллантиради ва амал қилиш тартиб-қоидаларини ўрнатади. Молиявий муассасаларнинг аксарияти ўзига хос белгилар билан бир қаторда ягона умумий белгига ҳам эга. Бу улар фаолиятининг доимо молиявий мажбуриятлар билан боғлиқлигидир. Яъни, молиявий муассасалар субъектларнинг ортиқча пул маблағларини жалб этиб, ўз номидан молиявий маблағларга эҳтиёж сезган субъектларга пул қарз беради.

Бозор инфратузилмасининг банклар, суғурта компаниялари, солиқ ва божхона идоралари каби муассасалари молия-кредит

муносабатларида алоҳида ўзига хос ўринга эга. Уларнинг иқтисодий фаолияти ва молиявий муносабатларда тутган ўрни билан кейинги бобларда батафсил танишамиз.

Хулосалар

1. Бозор ва бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларининг ривожланиши натижасида вужудга келади.
2. Бозор муносабатлари субъектлари ўзаро боғлиқ ҳолда ва алоқада бандлик, миллий даромад ва ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми каби ижтимоий ишлаб чиқариш натижаларини акс эттирадиган ва доимий ҳаракатда бўладиган даромадлар ва харажатлар оқимини шакллантиради.
3. Бозор муносабатларининг ҳар бир иштирокчиси ўз мақсад ва манфаатларидан келиб чиқиб, мустақил қарор қабул қилади. Айнан хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлиги ва мустақиллиги бозор кўринишидаги иқтисодий муносабатларни вужудга келтиради ҳамда ўз ривожланишининг табиий-эволюцион, динамик хусусиятини белгилаб беради.
4. Бозор иқтисодиёти – мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим бўлиб, бирлашган, ўзаро боғланган ва биргаликда ҳаракатланадиган бир қатор таркибий тузилмаларни ўз ичига олади.
5. Бозор иқтисодиётининг самарали амал қилиши учун унинг инфратузилмаси шакллантирилади. Бозор инфратузилмаси – бу бозор муносабатларига кўмак беришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий институтлар тизимидир.
6. Бозор иқтисодиёти тизимининг афзаллигига қарамай, шундай муаммолар борки, уларни бозор механизми воситасида ҳал этиш кам самара келтиради ёки умуман ҳал этиб бўлмайди. Ана шундай муаммоларни ҳал этиш учун давлат уларни ўз зиммасига олиши ёки зарур шарт-шароитларни яратиб бериши керак.

Асосий таянч тушунчалар:

Бозор иқтисодиёти – товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.

Бозор механизми – бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишни ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалар.

Бозор – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида бўладиган муносабатлар йиғиндиси.

Бозор объекти – айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иқтисодий фаолият натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар, пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлар.

Бозор субъекти – айирбошлаш муносабатлари қатнашчиси.

Уй хўжаликлари – иқтисодиётнинг асосан истеъмол соҳасида фаолият кўрсатувчи бозорга ишчи кучи етказиб берувчи асосий таркибий бирлик.

Тадбиркорлик сектори – иқтисодиётнинг турли соҳаларида даромад (фойда) олиш мақсадида фаолият кўрсатувчи бирламчи бўғини.

Давлат сектори – ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб қўймаган, асосан иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган турли бюджет ташкилотлари ва муассасалари мажмуи.

Банк – иқтисодиётнинг меъёрда амал қилиши учун зарур бўлган пул массаси ҳаракатини тартибга солувчи молия-кредит муассасаси.

Ссуда капитали бозори – пул шаклидаги капиталнинг фоиз тўлаш шарти билан қарзга бериш бўйича олди-сотди муносабати.

Қимматли қоғозлар бозори – турли кўринишдаги қимматли қоғозлар (акция, облигация, вексель, чек, депозит кабилар)нинг олди-сотди муносабати.

Бозор инфратузилмаси – бу бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишига хизмат кўрсатувчи муассасалар тизимидир.

Биржа – намуна (ёки стандарт)лар асосида оммавий товарларнинг мунтазам савдо-сотиқ ишларини ўтказувчи тижорат муассасаси.

Товар биржаси – олдиндан белгиланган қоидалар асосида улгуржи савдони ташкил этиш шакли.

Фонд биржаси – қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича расмий жиҳатдан ташкил этилган ва мунтазам амал қилувчи бозор шакли.

Валюта биржаси – миллий валюталар курслари бўйича уларнинг эркин олди-сотдиси амалга ошириладиган, расмий жиҳатдан ташкил этилган бозори шакли.

Меҳнат биржаси – ишчилар ва тадбиркорлар ўртасидаги ишчи кучининг олди-сотди битимини тузишда воситачиликни амалга оширувчи ва ишсизларни рўйхатга олувчи муассаса.

Брокер (маклер) – бу товар, фонд ва валюта биржаларида олди-сотди битимларини тузишда воситачилик қиладиган шахс ёки махсус фирма.

Аукцион – алоҳида хусусиятларга эга бўлган товарларни сотиш учун муайян жойларда ташкил қилинган махсус ким ошди савдо муассасаси.

Савдо ярмаркаси – муайян белгиланган вақтда ва жойда ўтказилувчи ҳамда ўтказилиш жараёнида улгуржи савдо битимлари тузилувчи товар намуналари кўргазмаси.

Савдо уйи – ўз ичига ташқи савдо компанияси билан бир қаторда ишлаб чиқариш, банк, суғурта, транспорт, улгуржи-чакана ва бошқа турдаги фирмаларни олувчи кенг тармоқли савдо компанияси.

Супермаркет – бу харидорнинг ўзига ўзи хизмат кўрсатишига асосланган кенг тармоқли савдо корхонаси.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва асосий белгилари нималардан иборат?

2. Классик ва ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг умумий томонлари ва фарқларини тушунтириб беринг.

3. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари нималардан иборат?

4. Бозор иқтисодиётининг асосий иштирокчилари кимлар ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар қай тарзда кечади?

5. Бозор тушунчасининг таърифини беринг ва унинг асосий вазифаларини кўрсатинг.

6. Бозорни туркумлашда қандай мезонлар асос қилиб олинади? Уларни санаб кўрсатинг.

7. Етуклик даражасига қараб бозорнинг қандай турлари ажратилади?

8. Сотиладиган ва сотиб олинадиган товар, хизмат турига кўра бозорнинг қандай турларини ажратиш мумкин?

9. Ҳудудий жиҳатдан бозорнинг қандай турлари мавжуд?

10. Бозор инфратузилмаси нима? Унинг таркибий қисмлари ва асосий унсурларига таъриф беринг.

6-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тарихдан бизга маълумки, бир-биридан кескин фарқ қиладиган бир тизимдан иккинчисига ўтиш жараёни маълум ўтиш даврини тақозо қилади. Шунингдек, марказлашган маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан воз кечиб, бозор муносабатларини шакллантиришда ҳам махсус ўтиш даври зарур бўлиб, бу даврнинг мазмуни ва асосий белгиларини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу бобда ўтиш даври назарияси, хусусан бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари баён қилинади. Шунингдек, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари, республикада бозор ислоҳотларини амалга оширишнинг мазмуни, мақсади ва асосий йўналишлари кўрсатиб берилади. Шунингдек, бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, таркибий ўзгартириши, кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизациялашни амалга ошириш жараёнида

макроиқтисодий барқарорликка эришиш каби стратегик вазифаларни амалга ошириш йўллари таҳлил қилинади.

6.1. Ўтиш даврининг мазмуни. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг умумий мазмуни иқтисодий муносабатларнинг алоҳида унсурларини ислоҳ қилиш ёки иқтисодий сиёсатга тузатишлар киритиш эмас, балки бутун иқтисодий муносабатлар тизимини ўзгартиришдан иборатдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври – маъмурий буйруқбозлик ёки бошқа тизимни бартараф этиб ёки тубдан ўзгартириб, бозор тизимининг асосларини шакллантириш жараёнлари амалга оширилувчи тарихий даврдир.

1980-1990 йилларга келиб дунёда рўй берган муҳим ўзгаришлар иқтисодий тараққиёт истиқболлари тўғрисидаги назарияларни қайтадан кўриб чиқиш ва уларга жиддий ўзгартиришлар киритишни зарур қилиб қўйди. Чунки, бу вақтга келиб ғарб мамлакатларида узоқ вақтдан бери (А.Смит давридан бошлаб) ҳукм суриб келган эркин иқтисодий тартибга солиш, яъни иқтисодиётнинг ўзини-ўзи тартибга солиш ғояси ҳам, иқтисодиётни марказлаштирилган тарзда тартибга солиш ва бошқариш ғояси ҳам инқирозга учради. Бундай шароитда иқтисодий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги йўлларини қидириб топиш зарур бўлиб қолди. Бу вақтга келиб кўпгина ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари умумлаштирилиб, иқтисодиётнинг янги тараққиёт йўли – онгли равишда бошқариладиган ва тартибга солинадиган бозор иқтисодиёти деб тан олинди ва аксарият давлатлар шу йўлни танладилар. Лекин бундай бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари (моделлари) хилма-хил бўлиб, уларнинг умумий ва хусусий томонлари фарқланади.

Жаҳон тажрибасида бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча йўллари умумлаштирилиб, қуйидаги учта асосий турга бўлинади:

1) ривожланган мамлакатлар йўли;

2) ривожланаётган мамлакатлар йўли;

3) собиқ социалистик мамлакатлар йўли.

Бу йўллар турли туман ва ҳар хил бўлишига қарамай уларда умумийлик мавжуддир. Уларнинг умумийлиги шундаки, бу йўлларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига ўтишни мақсад қилиб қўяди ва мазкур иқтисодиётнинг қонун-қоидалари, амал қилиш механизми кўп жиҳатдан умумий бўлади. Шу билан бирга ҳар бир йўлнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор, бу эса бозор муносабатларини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий, тарихий, миллий шароитлари ҳар хил бўлишидан келиб чиқади. Масалан, бозор муносабатларига ўтишнинг ривожланган мамлакатлар йўлида оддий товар хўжалигидан эркин рақобатга асосланган классик ёки эркин бозор иқтисодиётига ва ундан ҳозирги замон бозор иқтисодиётига ўтилади.

Мустамлакачиликдан озод бўлиб, мустақил ривожланаётган мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлининг хусусияти – бу қолоқ, анъанавий иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига ўтишдир. Ниҳоят, собиқ социалистик мамлакатлар йўлининг муҳим белгиси марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан ҳозирги замон ривожланган бозор тизимига ўтишдан иборатдир. Бу йўлнинг бошқа йўллардан фарқи шундаки, тоталитар иқтисодиётнинг бозор иқтисодиёти билан умумийлиги йўқ, улар батамом бир-бирига зид. Шу билан бирга маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларнинг ўзи ўтиш шароитлари, иқтисодий ривожланиш даражаси, мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари билан бир-бирларидан фарқланади.

Ҳозирда узоқ давр мобайнида ижтимоий хўжаликни маъмурий-буйруқбозлик тамойиллари асосида юритиб келган, кейинчалик уларга бозор механизмларини уйғунлаштириш

орқали ўзига хос ўтиш йўлини яратган мамлакатлар тажрибасини ҳам алоҳида кўрсатиш мумкин. Жумладан, Хитой, Вьетнам каби илгари фақат маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётига асосланган мамлакатлар бугунги кунда туб ислоҳотлар орқали самарали бозор иқтисодиётини вужудга келтириш борасида сезиларли муваффақиятларга эришмоқдалар. Буларнинг барчаси бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларининг ўзига хос хусусиятларидир.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиётига **революцион йўл** билан, яъни жадал усулда ёки **эволюцион йўл** билан, яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин. Биринчи ҳолда, туб ислоҳотларни ўтказиш, аввалги тизимни ва таркиб топган иқтисодий муносабатларни бирданига ва батамом синдириш яъни, тўнтариш ясаш талаб этилиб, «карахт қилиб даволаш» усули («шоковая терапия») деб ном олди. Эски иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич янги бозор муносабатларига айлантира бориб, ларзаларсиз, шикастсиз самарали бозор иқтисодиётини вужудга келтириш мумкин. Ислоҳотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, эволюцион йўл камроқ ижтимоий ларзаларга олиб келади, анча изчил ва муқаррардир.

Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларигина эмас, балки унинг андозалари ҳам хилма-хилдир. Энг аввало, улар шундай бозор иқтисодиёти вужудга келтирилаётган ва амал қилиб турган мамлакатларнинг миллий хусусиятлари ва анъаналари билан фарқ қилади. Шу боисдан бозор иқтисодиётининг маълум андозалари уларни амалга оширувчи муайян мамлакатга мансублигига қараб ажратилади. Масалан, Германия, Жанубий Корея, Туркия, Аргентина, Польша андозалари ва ҳоказо[51] .

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан ҳозирги замон бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурлиги иқтисодий ўсиш экстенсив омилларидан фойдаланиш имкониятларининг тугаб

[51] Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993. 23-бет.

бориши билан нотовар иқтисодиётнинг амал қилиш лаёқатининг пасайиши орқали ифодаланади.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими иккита муҳим камчиликка эга:

1) унинг мослашувчан эмаслиги, рўй бераётган ўзгаришларга жуда секинлик билан мослашиб бориши;

2) меҳнаткашларда моддий қизиқиш ва хўжалик юритиш ташаббускорлигининг йўқлиги оқибатида самарадорликнинг ўта даражада пасайиб кетганлиги.

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш кўплаб мамлакатларда умумий тенденцияга эга. Бу жараён иқтисодиётни эркинлаштириш, чуқур институционал (энг аввало, мулкчилик муносабатларида) туб ўзгаришларни ўз ичига олади, бироқ, бир вақтнинг ўзида молиявий барқарорлаштириш чора-тадбирларини амалга оширилишини тақозо этади. Маъмурий-буйруқбозлик тизимини ўзгартириш мазкур тизим асосининг ўзгаришини ҳамда уни сифат жиҳатидан фарқ қилувчи бозор тизимига алмаштирилишини англатар экан, бундай турдаги ўзгаришларни тизимий ислоҳотлар деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўтиш даврида бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. **Иқтисодиётни эркинлаштириш. Эркинлаштириш – бу хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимидан иборат.** У бутун иқтисодиётга татбиқ этилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

– хўжалик фаолиятини амалга оширишда давлат монополиясини бекор қилиш;

– ресурсларнинг марказлашган ҳолдаги тақсимотини тугатиш;

– нархларнинг асосан, талаб ва таклиф нисбати асосида шакллантирилишига ўтиш;

– ички ва ташқи бозорларда трансакцион битимлар устидан давлат назоратини пасайтириш.

2. Иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини яратиш. Бу йўналиш қуйидаги жараёнларнинг амалга оширилишини тақозо этади:

– барча иқтисодий агентларнинг иш фаоллиги учун тенг имконият ва шароитлар яратилиши;

– бозорга хорижий рақобатчиларнинг ҳам кириши учун имкон берилиши;

– кичик бизнеснинг ривожланишига ҳалақит берувчи маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш, имтиёзли кредитлар бериш орқали қўллаб-қувватлаш ва тармоққа киришидаги тўсиқларни пасайтириш;

– табиий монополияларнинг нарх ва маҳсулот сотиш сиёсатини тартибга солиш ва бошқалар.

3. Институционал ўзгаришлар. Мазкур ўзгаришлар қуйидаги соҳаларни қамраб олади:

– мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, жумладан, хусусий секторни яратиш;

– бозор инфратузилмасини (тижорат банклари, товар ва фонд биржалари, инвестиция фондлари ва ҳ.к.) шакллантириш;

– иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг янги тизимини яратиш;

– бозор шароитларига мос тушувчи хўжалик қонунчилигини қабул қилиш ва бошқалар.

4. Таркибий ўзгаришлар. Таркибий ўзгаришлар биринчи навбатда иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари таркибида олдинги тизимдан қолган номутаносибликларни юмшатиш ёки бартараф этишга йўналтирилган. Иқтисодиёт таркибий тузилишини қайта қуришдан асосий мақсад – ички ва ташқи бозорларда тўловга қодир талабга мос бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ривожлантиришдан иборат.

5. Иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб

чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Диверсификация – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш, уларнинг сифатини такомиллаштириш.

6. Макроиқтисодий, асосан, молиявий барқарорлаштириш. Аслини олганда бу жараён тизимий ислоҳотлар қаторига кирмайди, чунки у бозор иқтисодиёти барқарор амал қилаётган мамлакатларда ҳам тез-тез ўтказилиб туради. Бу йўналишнинг муҳим аҳамияти шундан келиб чиқадики, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг инқирози энг аввало ва кучли равишда молиявий соҳада, айниқса юқори инфляция шаклида намоён бўлади. Инфляциянинг узоқ вақт мавжуд бўлиши бозор муносабатларининг меъёрда қарор топишига тўсқинлик қилади, шунинг учун уни бартараф этиш ўтиш даври иқтисодиёти учун ўта муҳим ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорлаштириш чора-тадбирлари тизимига пул эмиссиясини чеклаш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш, ижобий фоиз ставкасини таъминлаш ва бошқалар киради.

7. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бозор хўжалигига мос бўлган тизимини шакллантириш. Бу тизим аҳолининг нисбатан муҳтож қатламини аниқ ижтимоий қўллаб-қувватлашга ўтишга йўналтирилган.

Бозор тизимининг кўрсатиб ўтилган асосий унсурлари шаклланишининг якунига етиши ўтиш даври тугаганлигидан дарак беради.

6.2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари

Марказлашган маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишда мақсад бир хил бўлса-да, турли мамлакатлар турли йўлларни танлашлари мумкин. Юқорида таъкидланганидек, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишнинг революцион ва эволюцион йўллари мавжуд. Польша, Чехословакия, Россия ва бошқа айрим мамлакатлар бозор иқтисодиётига ўтишнинг революцион йўлини, бирданига катта тўнтаришлар қилиш йўлини танладилар. Ўзбекистонда эса ўзига хос маданий, тарихий, иқтисодий ва табиий хусусиятларни ҳамда бу йўлдаги жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда революцион тўнтаришларсиз, ижтимоий тўқнашувларсиз, ижтимоий ҳимояни кучайтирган ҳолда аста-секинлик, лекин қатъиятлилик билан босқичма-босқич ривожланган бозор иқтисодиётига ўтиш йўли танланди.

«Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар. Буни ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда» [52]**.**

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш ва кейинги тараққиёт йўли ижтимоий-йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётини шакллантиришга йўл бўлиб, пухта ўйлаб, ишлаб чиқилган, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган "ўзбек модели" деб ном қозонган тараққиёт йўли эди. Бу йўлни амалга оширишга биринчи Президентимиз томонидан

[52] И.Каримов. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маруза. -Т.: "Ўзбекистон", 2013. 4-бет.

ишлаб чиқилган **қуйидаги бешта муҳим тамойил** асос қилиб олинган:

– иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг сиёсатга нисбатан устуворлигини таъминлаш;

– ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши;

– бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланиши, қонунлар устуворлигининг таъминланиши;

– бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга ошириш;

– бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш.

Бозор муносабатларига ўтишда бу тамойилларнинг ҳаммаси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир, лекин уларнинг ичида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки тегишли ҳуқуқий негизни, бозор инфратузилмаларини яратиш, одамларда бозор кўникмаларини ҳосил қилиш, янги шароитларда ишлай оладиган кадрларни тайёрлаш учун вақт керак бўлади.

Бундан ташқари, бозор муносабатларига ўтиш фақатгина иқтисодиёт соҳаларини ўзгартириш билан чекланмайди. У ижтимоий ҳаётнинг бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлган барча соҳаларини, шу жумладан сиёсий, маънавий-ахлоқий, маиший ва бошқа соҳаларни ҳам тубдан ўзгартиришни тақозо қилади. Буларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, эволюцион йўл билан ўтиш ҳақидаги ғоя жуда муҳим ва афзал эканлигини кўрсатади. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тамойилини амалга ошириш иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий босқичларини аниқ фарқлаш, бу босқичларнинг ҳар бири учун аниқ мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишни талаб қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида энг аввало, қуйидаги иккита вазифани бирданига ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилган:

– тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка

барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;

– Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш.

Шу вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи босқичда ислоҳ қилишнинг қуйидаги муҳим йўналишлари аниқлаб олинди ва амалга оширилди:

– ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш;

– маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш;

– ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш.

Республикада бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар унинг ўз тараққиётида кейинги сифат жиҳатдан янги босқичга ўта бошлаш учун мустаҳкам шарт-шароит яратди. Шу билан бирга ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи натижалари кейинги босқичнинг стратегик мақсадлари ва устун йўналишларини аниқ белгилаб олиш имконини берди.

Иккинчи босқичда инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий қилиш мақсад қилиб қўйилади. Шу мақсаддан келиб чиқиб И.А.Каримов мазкур босқичда амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги бир қатор вазифаларни кўрсатиб берди:

– давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш;

– ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;

– миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш;

– иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш,

хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш [53].

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш борасида биринчи босқичда тутилган йўл давом эттирилди.

Бу эса иқтисодиёт соҳасида қуйидаги аниқ вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади:

– иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш;

– хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосида амалда мулкдорлар синфини шакллантириш;

– мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётда устувор ўрин эгаллашига эришиш;

– мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш;

– иқтисодиётда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

Машҳур беш тамойилга – асосланган ўзбек модели бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш стратегияси сифатида барча амалий ишларимизнинг мустаҳкам пойдевори, тараққиётимизнинг асосий йўналишига айланди.

Шу нарсани айтиш мумкинки, стратегик аҳамиятга эга бўлган бу модель бозор иқтисодиёти назарияларини янада бойитди, ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлар учун яна бир намунага айланди.

---

[53] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 332-333-бетлар.

2017 йилдан кейинги даврда амалга оширилаётган ислоҳотларга назар ташлайдиган бўлсак, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос хусусиятларига таянган ҳолда бир қатор ишлар амалга оширилаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу борада бажарилаётган вазифаларнинг белгилаб берилишида Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан таклиф этилган ҳамда халқ референдуми орқали маъқулланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси"ни келтиришимиз мумкин.

Ушбу стратегиянинг мазмун-моҳиятига кўра, **2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини** қуйидагича белгилаб берилди.

- давлат ва жамиятқурилишитизиминитакомиллаштириш;
- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
- иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
- ижтимоий соҳани ривожлантириш;
- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий рухдаги ташқи сиёсат юритиш.

6.3. Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва унинг асосий йўналишлари

Иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бир туридан бутунлай бошқа янги турига ўтиш, иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг асосий йўналишларини аниқлаб олишни тақозо қилади. **Иқтисодий ислоҳотлар – иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи.**

Иқтисодий ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад мамлакат аҳолиси учун яшаш ва фаолият кўрсатишнинг энг яхши шароитларини яратиш, уларнинг маънавий-ахлоқий етуклигига эришиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Ислоҳотларни амалга оширишдан олдин бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий модели яратилди (бу борадаги маълумотлар мазкур бобнинг 2-бандида баён этилди).

Бу моделда янги иқтисодиётга ўтишнинг умумий томонлари ва миллий хусусиятлари назарда тутилади, ислоҳотларнинг асосий йўналишлари белгиланади.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– мулкий муносабатларни ислоҳ қилиш;

– аграр ислоҳотлар;

– молия-кредит ва нарх-наво ислоҳоти;

– бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор инфратузилмасини яратиш;

– ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти;

– ижтимоий ислоҳотлар.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бош бўғини **мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартиришдир,** чунки шу орқали кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатлашиш муҳити шакллантирилади ҳамда бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарт-шароитлари вужудга келтирилади. Шу сабабли республикада мулкий муносабатларни ислоҳ қилишдан кўзда тутилган мақсад давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичидаёқ қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлди:

– Республикамиз иқтисодиётида аграр соҳанинг салмоқли ўринга эгалиги, ишчи кучининг кўпгина қисми қишлоқ

хўжалигида бандлиги, иқтисодий ўсишнинг кўп жиҳатдан шу тармоқ аҳволига боғлиқлиги;

– Республика бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил қиладиган саноат тармоқларини (пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил, озиқ-овқат, кимё саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва бошқалар) ривожлантириш истиқболлари бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқлиги;

– ўтиш даврининг бошларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (асосан пахта), валюта ресурслари, республика учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, техника ва технология ускуналарини четдан сотиб олишни таъминлаётган асосий манба эканлиги;

– мустақиллик шароитида қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги ролининг ортиб бориши.

Мавжуд иқтисодий тизимнинг изчиллик билан бозор муносабатларига ўсиб ўтишида **молия-кредит соҳасини ислоҳ қилиш** алоҳида ўрин тутади. Молиявий муносабатларда давлат бюджети тақчиллигини камайтириб бориш, бюджетдан бериладиган дотациялар ва субсидияларни босқичма-босқич қисқартириш, биринчи даражали, энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина бюджетдан маблағ ажратиш, иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг асосий муаммоларидан бири **нархларни эркинлаштиришдир.** Нархларнинг эркин шаклланиши учун нархлар тизимини ислоҳ қилиш ҳам зарурдир. Дастлаб давлат харид нархларининг амал қилиш доираси қисқартирилади ва кейин ички нархлар жаҳон нархларига мувофиқлаштириб борилади. Шунингдек, нархларни эркинлаштиришда айрим турдаги хомашё ва маҳсулот нархлари билан аҳоли ва корхоналар даромадлари ўртасидаги тенгликка эришишга ҳаракат қилинади.

Нархлар ислоҳоти бошлангандан 1994 йилгача ҳамма турдаги хомашё ва маҳсулотлар бўйича эркин нархларга ўтилди,

барча истеъмол моллари нархи устидан давлат назорати бекор қилинди.

Ислоҳ қилишнинг **дастлабки босқичида** (1992 йил) кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техник воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмол моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг келишилган нархлари ва тарифларга ўтилди. Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди. Нархлар ислоҳотининг **иккинчи босқичида** (1993 йил) келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш умуман тўхтатилди. Нархларни эркинлаштиришнинг **учинчи босқичида** (1994 йил октябрь-ноябрь) халқ истеъмол моллари асосий турларининг нархи эркин қўйиб юборилди. Шундай қилиб, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни тўлиқ эркинлаштириш билан тугади.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш **бошқаришнинг тегишли тизимини яратишни** талаб қилади. Шунга асосан республикада бутун иқтисодиётни, тармоқлар ва ҳудудларни бошқаришнинг энг мақбул ва ҳозирги даврга мос бўлган тузилмалари ишлаб чиқилди. Кўплаб марказий иқтисодий органлар ва вазирликлар тугатилди (Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нархлар қўмитаси, Давлат агросаноат қўмитаси ва бошқа қўмита ҳамда вазирликлар) ёки уларнинг фаолияти тубдан қайта қурилди. Фаолияти тугатилган маъмурий аппаратлар ўрнига бозор иқтисодиётига хос янги бошқариш бўғинлари тузилди.

Бошқаришнинг маҳаллий даражасида (вилоят, туман, шаҳар) ижроия-бошқарув вазифаларини бажариш учун ҳокимликлар жорий қилинди. Қуйи бўғин бошқарувида корхона ва ташкилотларга иқтисодий эркинлик берилиб, улар янгича иш услубига ўтди.

Ислоҳ қилиш натижасида таркиб топган бошқарув тизими бозор иқтисодиётига ўтиб бориш билан янада такомиллашиб ва ривожланиб боради.

Бозор ислоҳотлари **бозор инфратузилмасини яратиш** чора-тадбирларини ҳам қамраб олади. Бунда молия, банк-кредит тизими муассасалари, суғурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари ҳамда компанияларини, биржа тизимини яратиш тақозо қилинади. Республикада бозор инфратузилмасини яратиш бир қатор йўналишлар бўйича борди. **Биринчи йўналиш** бўйича товар-хомашё биржаси тизими ривожланди. Бу, ўз навбатида, брокерлик ва дилерлик идоралари, савдо уйлари, воситачи фирмалар пайдо бўлишига олиб келди. **Иккинчи йўналишда** капитал бозорининг ишини таъминлайдиган тузилмалар вужудга келтирилди. Кредит ресурслари бозори ва валюта бозори вужудга келтирилди ҳамда давлатга қарашли бўлмаган суғурта компаниялари тузилди. **Учинчи йўналиш** ишчи кучи бозорини шакллантиришдан иборат бўлиб, бу соҳада 240 дан ортиқ бандликка кўмаклашувчи марказларни ўз ичига олувчи катта тармоқ тузилди.

Бозор ислоҳотлари **ташқи иқтисодий алоқаларга** ҳам тегишлидир. Бу соҳада ислоҳотларни амалга ошириш борасида республиканинг замонавий ташқи иқтисодий комплекси мутлақо янгидан шакллантирилди, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг моҳият эътибори билан янги механизми вужудга келтирилди. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган муассасалар (Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати) барпо этилди. Республиканинг барча вазирликлари ва идоралари, корхоналарида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи махсус бўлимлар, ташкилотлар ва фирмалар тузилди.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб яшаш ва фаолият кўрсатиш шароитларини вужудга келтиришдан иборат. Шу сабабли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бутун даври давомида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар кўриш объектив заруратдир.

Республикада **аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-**

тадбирлари қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилди:

биринчи йўналиш – нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш;

иккинчи йўналиш – Республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш;

учинчи йўналиш – ислоҳотларнинг дастлабки босқичида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш.

Республика учун ижтимоий ҳимоялаш тизимини танлаб олишда халқнинг узоқ йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятлари, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятлари ҳисобга олинади. Шундай қилиб, ислоҳотларнинг барча йўналишлари мавжуд иқтисодий тизимнинг изчиллик билан бозор иқтисодиётига ўсиб ўтишига қаратилди. Бу ислоҳотлар Ўзбекистоннинг мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, уни иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва халқаро миқёсда обрў-эътиборли мамлакатга айлантиришга хизмат қилди.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш асосида тараққиётни жадаллаштириш бугунги куннинг муҳим босқичига айланмоқда.

Хулосалар

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг умумий мазмуни иқтисодий муносабатларнинг алоҳида унсурларини ислоҳ қилиш ёки иқтисодий сиёсатга тузатишлар киритиш эмас, балки бутун иқтисодий муносабатлар тизимини ўзгартиришдан иборатдир.
2. Ўтиш даври қуйидаги мезонлар билан тавсифланади:

цикллилик (жамиятда у ёки бу таркибий ўзгаришларнинг қайтарилиб туриши), беқарорлик (жамиятда мавжуд бўлган турли кучларнинг кураши ва ўзаро таъсири), муқобиллик (ислоҳотлар ва ривожланиш йўлларини танлаш имконияти), тарихийлик (эски тизимнинг йўқолиб кетиши, ўрнига бошқа тизимнинг вужудга келиши, унинг ривожланиши).

3. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишда танлаган йўли беш тамойилни ўз ичига олиб, "Ўзбек модели" деб ном қозонган модель асосида – ўзига хос маданий, тарихий, иқтисодий ва табиий хусусиятларини ҳамда бу йўлдаги жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда революцион тўнтаришларсиз, ижтимоий тўқнашувларсиз, ижтимоий ҳимояни кучайтирган ҳолда аста-секинлик, лекин қатъиятлилик билан босқичма-босқич ривожланган бозор иқтисодиётига ўтишдан иборатдир.

4. Иқтисодий ислоҳотлар – бу бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Иқтисодий ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад мамлакат аҳолиси учун яшаш ва хўжалик фаолияти юритишнинг энг яхши шароитларини яратиш, уларнинг маънавий-ахлоқий етуклигига эришиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат.

5. Иқтисодий ислоҳотларнинг бош бўғини мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартиришдир, чунки шу орқали кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатлашиш муҳити шакллантирилади ҳамда бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарт-шароитлари вужудга келтирилади.

6. Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, иқтисодиётни ривожлантириш борасида бир қатор вазифалар туради. Булар хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш; макроиқтисодий барқарорликка эришиш; миллий валютани мустаҳкамлаш; иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш; ижтимоий кафолатлари кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш вазифаларидир.

7. Ўтиш даврида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни кенг аҳоли қатламлари томонидан қўллаб-қувватланишининг асосий шарти ислоҳотларнинг ижтимоий йўналтирилганлигидир.

8. Миллий тараққиётимизнинг ҳозирги палласида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнлари янада кучайтирилиб, пировард стратегик мақсадимиз – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ҳаракатлар изчил равишда амалга оширилади. Модернизация жуда кенг тушунча бўлиб, бугунги кунда уни жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи сифатида ифодалаш мумкин.

Асосий таянч тушунчалар:

Бозор ислоҳотлари – бозор иқтисодиётини ва бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври – маъмурий-буйруқбозлик тизимини бартараф этиш ёки тубдан ўзгартириш ҳамда бозор иқтисодиёти тизимининг асосларини шакллантириш жараёнлари амалга оширилувчи тарихий давр.

Иқтисодий ислоҳотлар – иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи.

Иқтисодий уклад – турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритишнинг шакллари ва турлари.

Иқтисодиётни эркинлаштириш – бу хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими.

Ислоҳотлар концепцияси – ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсад ва йўналишлари, уни амалга оширишнинг вазифалари ва стратегик йўлларининг умумий ғояси.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш – танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш.

Модернизациялаш – жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнлари мажмуи.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг жаҳон тажрибасида синалган асосий йўллари (моделлари) ни таърифлаб беринг. Уларнинг умумий ва ўзига хос томонларини кўрсатинг.
2. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўли қандай хусусиятларга эга? Республика иқтисодиётини ислоҳ қилишга қандай тамойиллар асос қилиб олинади?
3. Бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш тамойилининг мазмунини батафсил тушунтиринг. Ҳар бир босқичнинг мақсад ва вазифаларини тўлароқ баён қилинг.
4. Мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш қандай йўналишлар бўйича амалга оширилди? Ҳар бир йўналиш бўйича ўзингизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.
5. Бозор муносабатларига ўтишда иқтисодий ислоҳотлар ўз олдига қандай вазифаларни қўяди? Бу вазифаларнинг тўлароқ тавсифини беринг.
6. Бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида давлатнинг етакчилик фаолияти нимадан иборат эканлигини тушунтириб беринг.

7. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг қандай давлат дастурларини биласиз? Улар бир-бири билан қандай боғланганлигини таҳлил қилинг.

8. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг мазмунини тушунтиринг. Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш ўз олдига қандай вазифаларни қўяди?

9. Биринчи Президентимиз томонидан белгилаб берилган миллий тараққиётимиз алоҳида даврларининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Бу даврларда қандай иқтисодий чора-тадбилар амалга оширилди?

10. Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг асосий устувор вазифаларини сўзлаб беринг.

7-БОБ. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ НАЗАРИЯСИ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ

Ушбу дарсликнинг биринчи бобида эҳтиёж категориясининг мазмуни, турлари ва унга таъсир этувчи омилларни, шунингдек, иккинчи бобда ишлаб чиқаришнинг мазмуни омил-лари каби масалаларни кўриб чиқилган эди. Бу бобда шу категорияларнинг бозор иқтисо-диёти давридаги кўриниши ва амал қилиш механизмлари ёритишга ҳаракат қилинади.

Бозор механизмининг амал қилишида талаб ва таклиф категориялари ва уларнинг амал қилиш қонунлари муҳим ўрин тутади. Талаб ва таклиф нисбатининг ўзгариши нарх шаклланиши ҳамда даражасига сезиларли таъсир қилади. Бу бобда дастлаб талаб ва таклиф тушунчалари, талаб ва таклиф таъсирида мувозанатлашган нархнинг ўрнатилиши тушунтириб берилади. Шу ўринда талаб ва таклиф қонунлари, уларнинг миқдорига таъсир этувчи омиллар, улар ўртасидаги мувозанатликни баён этишга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, талабнинг шаклланиши ва амал қилиши, унга таъсир этувчи омилларни ўрганишда иқтисодиёт назариясида

муҳим йўналишлардан бирига айланган истеъмолчи хатти-ҳаракати назарияси билан ҳам танишиб чиқамиз.

7.1. Талаб тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Талаб қонуни

Эҳтиёж кишиларнинг ҳаётий воситаларга бўлган заруриятини ифодаловчи илмий категория сифатида инсоният тараққиётининг ҳамма босқичлари учун умумий ва доимийдир. Лекин у тараққиётнинг турли даврларида ўз шаклини ўзгартириб туриши мумкин. Хусусан, унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги тарихий кўриниши талаб тушунчасидир. Талаб эҳтиёждан фарқ қилиб, мустақил иқтисодий категория (илмий тушунча) сифатида амал қилади.

Эҳтиёжнинг фақат пул билан таъминланган қисми талабга айланади. Демак, **талаб – бу пул билан таъминланган эҳтиёждир.** Эҳтиёж зарур миқдордаги пул билан таъминланмаса, у «хоҳиш», «истак» бўлиб қолаверади. Масалан, талаба янги русумдаги қўл телефонини харид қилиш мақсадида дўконга кирди. Қўл телефонининг нархи 300 минг сўм бўлиб, талабада фақат 200 минг сўм мавжуд, деб фараз қилайлик. Бу ҳолда талабанинг янги русумдаги телефонга нисбатан эҳтиёжи талабга айланмайди ва бинобарин, қондирилмайди. Бу ўринда талаба яна 100 минг сўм миқдорида пул қидириб топиши ёки нархи 200 минг сўмгача бўлган телефон харид қилиши мумкин. Шу ҳолдагина унинг қўл телефонига нисбатан эҳтиёжи талабга айланади.

Талабнинг бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади, чунки нарх ўзгариши билан товарнинг сотиб олинадиган миқдори ҳам ўзгаради. Шу боғлиқликдан келиб чиқиб, талабга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **маълум вақт оралиғида, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмолчиларнинг товар ва хизматлар маълум турларини сотиб олишга қодир бўлган эҳтиёжи талаб дейилади.**

Талаблар турлича бўлиб, одатда бир хил товар ёки хизматларга бўлган талабнинг икки тури фарқланади: якка талаб ва бозор талаби. Ҳар бир истеъмолчининг, яъни алоҳида шахс, оила, корхона, фирманинг товарнинг шу турига бўлган талаби якка талаб дейилади. Бир қанча (кўпчилик) истеъмолчиларнинг шу турдаги товар ёки хизматга бўлган талаблари йиғиндиси бозор талаби дейилади.

Якка талаб ҳам бозор талаби ҳам миқдор жиҳатдан аниқланади. Лекин бу миқдор ҳар доим ҳам бир хил бўлиб турмайди, балки ўзгарувчан бўлади. Талаб миқдорининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Уларнинг ичида энг кўп таъсир қиладиган омил нарх омилидир.

Нарх ва сотиб олинадиган товарлар миқдори ўртасидаги бўладиган боғлиқликни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида қараб чиқамиз (7.1-жадвал).

7.1-жадвал

Нарх ва сотиб олинадиган товар миқдори ўртасидаги боғлиқлик (рақамлар шартли равишда қўйилган)

Бир килограмм картошка нархи (сўм)	Картошкага бўлган якка талаб миқдори (бир ойда килограмм)	Картошкага бўлган бозор талаби миқдори (бир ойда тонна)
700	10	10
600	20	20
500	30	30
400	50	50
300	60	60

Жадвалдаги мисолда картошканинг 300 сўмдан 700 сўмгача бўлган нарх даражаларида, уларга бўлган талаб миқдорлари ифодаланган. Маълумотлар товар нархининг пасайиши сотиб олинадиган товар миқдорининг ўсишига ва аксинча, нархнинг ўсиши талаб миқдорининг камайишига олиб келишини кўрсатади. Нархнинг энг юқори – 700 сўм даражасида якка талаб (масалан, ўртача бир оиланинг талаби) энг оз миқдор – 10 кг ни ташкил этган бўлса, нарх пасайиши билан талаб миқдори кўпайиб бормоқда: 600 сўмда – 20 кг, 500 сўмда – 30 кг ва ҳ.к. Нархнинг энг паст даражаси – 300 сўмга талабнинг

энг юқори миқдори – 60 кг тўғри келмоқда. Жадвалнинг навбатдаги устунида картошкага бўлган бозор талаби миқдори ифодаланган. Бунда муайян ҳудудда тахминан 1000 та оила истиқомат қилади ва улар картошка нархининг ўзгаришига нисбатан деярли бир хил хатти-ҳаракат, муносабатда бўладилар, деган шартга асосланилди. Мисолдан кўринадики, бозор талаби миқдорининг нархга нисбатан ўзгариши ҳам якка талабнинг ўзгаришига мутаносиб равишда рўй бермоқда.

Товар нархи ва сотиб олинадиган товар миқдори ўзгариши ўртасида бўладиган тескари ёки қарама-қарши боғлиқлик талаб қонуни дейилади. Реал иқтисодий ҳаётда баъзан бу қоидага зид бўлган, яъни айрим товар нархининг ўсиши билан унга бўлган талаб миқдорининг янада ортиши ҳолати ҳам учрайди. Бу ҳолат **Гиффен самараси** деб (инглиз иқтисодчиси Р.Гиффен номи билан) аталади. Гиффен камбағал ишчи оилалари картошка қимматлашишига қарамасдан уни истеъмол қилишлари кенгайишини кузатиб, бу самарани тасвирлаб кўрсатган. Тушунтириш шунга асосланадики, картошка камбағал оила овқатида маҳсулотларнинг асосий қисмини эгаллайди. Агар картошка нархининг ўсиши рўй берса, бунда камбағал оила гўшт сотиб олишдан умуман воз кечишга мажбур бўлади, ўзининг кўп бўлмаган даромадининг барчасини картошка сотиб олишга сарфлайди. Демак, бундай вазиятда нархларнинг ошиши зарур товарларга талаб миқдорининг камаймасдан, аксинча кўпайишига олиб келиши мумкин.

Товар нархи ва унинг харид қилинадиган миқдори (талабнинг) ўртасидаги тескари боғлиқликни оддий икки ўлчамли графикда ҳам тасвирлаш мумкин: ётиқ чизиқ бозор талаби миқдорини, тик чизиқ нархни кўрсатади (7.1-расм).



7.1-расм. Талаб эгри чизиғи.

Графикдаги DD чизиқ нарх ва талаб ҳажми ўртасидаги тескари боғлиқликни тасвирий акс эттиради. Ундаги ҳар бир нуқта товарнинг аниқ нархи ва истеъмолчи шу нархда сотиб олиши мумкин бўлган товар миқдорини кўрсатади.

Нарх ва талаб ҳажмининг ўзгариши ўртасидаги тескари боғлиқликни кўрсатувчи бу чизиқ талаб эгри чизиғи дейилади.

Талаб миқдорига нархдан ташқари таъсир қилувчи омиллар. Талаб ҳажмининг ўзгариши фақат товар нархига эмас, балки бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Бу омиллар **талабнинг нархдан ташқари омиллари** дейилади.

Талабга нархдан ташқари қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатади:

1) истеъмолчининг диди;
2) бозордаги истеъмолчилар сони;
3) истеъмолчининг даромадлари;
4) бир-бирига боғлиқ товарларнинг нархи;
5) келажакда нарх ва даромадларнинг ўзгариши эҳтимоли.

Бу омилларнинг ўзгариши талаб ҳажмининг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатишини қараб чиқамиз.

1. Бирор маҳсулотга истеъмолчи дидидаги ижобий ўзгариш рўй берса, нархнинг тегишли даражасида унга бўлган талаб ортади. Бу ўринда реал ҳаётда истеъмолчилар «мода», яъни бирон-бир товарнинг кенг русум бўлган турини сотиб олишга ҳаракат қилишларини мисол келтириш мумкин. Истеъмолчи

дидига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар талабнинг қисқаришига олиб келади.

2. Ўз-ўзидан аниқки, бозорда истеъмолчилар сони кўпайса, талаб ортади, истеъмолчиларнинг сони камайса, талаб қисқаради. Масалан, алоқа воситаларининг такомиллашуви халқаро молиявий бозор доирасини, ундаги қимматли қоғозларнинг олди-сотди жараёнларида иштирок этувчилар сонини мислсиз кенгайтиради ҳамда акция ва облигация каби молиявий активларга бўлган талабнинг ўсишига олиб келади. Туғилиш даражасининг пасайиши болалар боғчаси ва мактабга бўлган талабни камайтиради.

3. Пул даромади ўзгаришининг талаб ҳажмига таъсири бошқа омилларга қараганда анча мураккаб. Пул даромадининг ортиши жуда кўп товарларга талабни нисбатан оширади, даромаднинг камайиши эса бундай товарларга талабни камайтиради. Даромад ошса, унинг ўсишига қараб истеъмолчилар аксарият ҳолларда нархи юқори бўлсада, кўпроқ сифатли товарларни харид қилишга ҳаракат қилишади. Бунда улар нон, картошка, карам каби маҳсулотларни камроқ сотиб олишлари мумкин. Чунки ортиқча даромад уларга анча юқори оқсил таркибига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, масалан, гўшт ва сут маҳсулотлари харид қилиш имконини беради. Даромаднинг ўзгариши билан талаб миқдори тўғри боғлиқликда ўзгарадиган товарлар олий тоифали товарлар дейилади.

Даромаднинг ўзгариши билан талаб миқдори тескари боғлиқликда ўзгарадиган товарлар паст тоифали товарлар дейилади.

Истеъмолчилар даромади ва улар томонидан сотиб олинадиган товарлар миқдори ўрта-сидаги боғлиқлик немис иқтисодчиси ва статисти Эрнест Энгель (1821-1896) томонидан чуқур тадқиқ этилган. Шунга кўра, истеъмолчи даромади билан у томонидан сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар миқдори ўртасидаги ўзаро боғлиқлик Энгель қонуни дейилади.

Бу қонуннинг амал қилишини Энгель эгри чизиғи орқали ифодалаш мумкин (7.2-расм).



7.2-расм. Энгель эгри чизиғи.

Олий тоифали ёки нормал товарлар учун Энгель эгри чизиғи ўсувчан кўринишида бўлади. Ҳақиқатан ҳам, аҳоли даромадлари ўсиб бориши билан бу турдаги товарлар кўпроқ харид қилинади. Паст тоифали товарлар учун Энгель эгри чизиғи пасаювчан кўринишда бўлиб, даромадлар ошиб бориши билан истеъмолчилар уларни камроқ миқдорда сотиб оладилар. Агар товарнинг истеъмоли даромад даражасига боғлиқ бўлмаса, у ҳолда Энгель эгри чизиғи тик ҳолда бўлади. Расмдан кўринадики, истеъмолчининг бир ойлик даромади 10 минг сўмдан 20 минг сўмга ошганда, у сотиб олган маҳсулот миқдори 1 донадан 2 донага, 20 минг сўмдан 30 минг сўмга ошганда 2 донадан 4 донага ошмоқда. Даромадларнинг кейинги ўсиши билан товарлар сотиб олиш ҳажмининг ўсиши секинламоқда: 30 минг сўмдан 40 минг сўмгача – 4 донадан 6 донагача, 40 минг сўмдан 50 минг сўмгача – 6 донадан 7 донагача.

Даромаднинг бундан юқори даражаларида эса сотиб олиш ҳажмининг ўсиши бутунлай тўхтаган (даромаднинг 60 минг сўм ва ундан юқори даражаларида мазкур товарнинг 7 донаси

сотиб олинмоқда). Энгель эгри чизиғи истеъмолчилар пул даромадлари ўзгаришининг талабга қандай таъсир қилиши тўғрисида ахборот беради. Бу ахборот товар ишлаб чиқарувчилар учун ўз товарларининг мумкин бўлган сотиш ҳажми ва бозор конъюнктурасини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

4. Ўзаро боғлиқ товарлар нархи ўзгаришининг талабга таъсирини ўрганишда уларни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади: 1) ўзаро бир-бирини алмаштирувчи ёки ўринбосар товарлар; 2) ўзаро бир-бирини тўлдирувчи товарлар.

Ўзаро бир-бирини алмаштирувчи товарлардан бирининг нархи ўзгариши билан бошқасига бўлган талабнинг ўзгариши тўғри боғлиқликда бўлади. Масалан, сариёғ нархининг ошиши маргаринга бўлган талабнинг ортишига олиб келади. Сариёғ нархининг пасайиши эса маргаринга бўлган талабни камайтиради.

Ўзаро бир-бирини тўлдирувчи товарлардан бирининг нархи ўзгариши билан бошқасига бўлган талабнинг ўзгариши тескари боғлиқликда бўлади. Масалан, агар автомобилнинг нархи ошса, бензинга бўлган талаб қисқаради. Аксинча, автомобилнинг нархи тушса, бензинга бўлган талаб ошади.

5. Келгусида истеъмолчи даромадлари, товар нархи ўзгаришининг кутилиши ва товарлар миқдорининг етарли бўлиши ёки бўлмаслиги каби омиллар талаб ҳажмини ўзгартириши мумкин. Келгусида нархнинг нисбатан ошишининг кутилиши истеъмолчи жорий талабининг ошишига олиб келади. Аксинча, нархнинг пасайиши ва даромаднинг кўпайишининг кутилиши товарларга бўлган жорий талаб ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлади. Шу ўринда, глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳам жаҳон ва миллий бозорлардаги талаб ҳажмига салбий таъсир кўрсатиб, аксарият ҳолларда унинг қисқаришига олиб келаётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

7.2. Таклиф тушунчаси. Таклиф миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Таклиф қонуни

Бозор ҳолатининг ўзгаришига истеъмолчи ёки харидорнинг муносабати уларнинг талаби орқали намоён бўлса, ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг муносабати таклиф орқали намоён бўлади.

Маълум вақт оралиғидаги нархларнинг муайян даражасида ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар томонидан маълум турдаги товар ва хизматларнинг бозорга чиқарилган миқдори таклиф дейилади. Нарх ўзгариши билан сотишга чиқариладиган маҳсулот миқдори ҳам ўзгариши сабабли талаб каби таклифнинг ҳам бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади. Алоҳида ишлаб чиқарувчи ҳамда бозор таклифини ифодаловчи мисол 7.2-жадвалда кўрсатилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, картошка нархининг 700 сўм даражасида якка таклиф (масалан, битта сотувчи таклифи) энг юқори миқдор – 60 кг ни ташкил этган. Нарх пасайиб бориши билан эса таклиф миқдори ҳам пасайиб бормоқда: 600 сўмда – 50 кг, 500 сўмда – 30 кг ва ҳ.к.

Жадвалнинг навбатдаги устунида эса картошканинг бозор таклифи (яъни, жами сотувчилар томонидан сотилиши мумкин бўлган) миқдори ифодаланиб, у ҳам ўз тавсифига кўра якка таклифга мос тушади.

7.2-жадвал

Нарх ва таклиф миқдори ўртасидаги боғлиқлик
(рақамлар шартли равишда қўйилган)

Бир килограмм картошка нархи (сўм)	Картошканинг якка таклифи миқдори (бир ойда килограмм)	Картошканинг бозор таклифи миқдори (бир ойда тонна)
700	60	60
600	50	50
500	30	30
400	20	20
300	10	10

Демак, нархнинг ошиши билан шунга мос равишда сотишга чиқариладиган товарлар таклифи миқдори ҳам ортади,

нархнинг тушиши билан таклиф ҳажми қисқаради. **Нархнинг ўзгариши билан таклиф этилаётган товар миқдорининг тўғри боғлиқликдаги ўзгариши таклиф қонуни дейилади.** Истеъмолчи учун нархнинг ошиши тўсиқ ролини ўйнаса, ишлаб чиқарувчи учун рағбатлантириш вазифасини бажаради.

Нарх даражаси ва таклиф миқдори ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатувчи маълумотларни графикда ифодалаб, **таклиф эгри чизиғини** тасвирлаш мумкин (7.3-расм).



7.3-расм. Таклиф эгри чизиғи.

Бозорда таклиф қилинадиган товар ҳажмига нархдан ташқари бир қатор омиллар ҳам таъсир қилади. Бу омилларнинг асосийлари қуйидагилар:

1) ресурслар нархи;
2) ишлаб чиқариш технологияси;
3) солиқ ва субсидиялар;
4) бошқа товарлар нархи;
5) нарх ўзгаришининг кутилиши;
6) бозордаги сотувчилар сони.

Мазкур омиллардан бир ёки бир нечтасининг ўзгариши таклиф ҳажмининг ўзгаришини тақозо қилади.

Таклифга таъсир қилувчи омилларни алоҳида-алоҳида қараб **чиқамиз.**

1. Ресурслар нархи. Ишлаб чиқариш харажатлари ва

таклиф ўртасида мустаҳкам ўзаро боғлиқлик мавжуд. Ресурс нархларининг пасайиши ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва таклифни оширади. Аксинча, ресурсларга нархнинг ошиши ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва таклифни қисқартиради. Масалан, минерал ўғитлар нархининг пасайиши буғдой таклифини оширади, қурилиш материаллари нархларининг ошиши уй-жой ва ишлаб чиқариш бинолари таклифини қисқартиради.

2. **Ишлаб чиқариш технологияси.** Технологияларнинг такомиллашуви маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради. Ресурсларнинг мавжуд нархида ишлаб чиқариш харажатлари камаяди ва таклиф кўпаяди. Масалан, пахта зараркунандаларига қарши анча самарали биологик усулларнинг яратилиши пахта толасининг миқдори ва сифатини, бинобарин таклифини оширади.

3. **Солиқлар ва субсидиялар даражаси.** Солиқларнинг аксарият турлари ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киради. Шу сабабли солиқларнинг ошиши ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва таклифни қисқартиради. Масалан, импорт товарларга бож тўловларининг ошиши унинг таклифини қисқартиради. Аксинча, давлат қандайдир товар ишлаб чиқариш ёки бирор соҳага субсидия (субсидия – давлат томонидан аҳоли ёки корхоналарга ўз зарарларини қоплаш ёки бошқа мақсадлар учун қайтарилмаслик шарти билан берилувчи маблағ) берса, бу амалда харажатларни камайтиради ва унинг таклифини оширади.

4. **Бошқа товарлар нархи.** Бошқа товарлар нархларининг ўзгариши ҳам мазкур товар таклифини ўзгартиради. Масалан, бошқа ўзгармас шароитларда қўй гўшти нархининг пасайиши натижасида ундан олинадиган фойда даражаси ҳам пасайиб, қассоблар томонидан мол гўшти таклифининг оширилишига олиб келади.

5. **Нарх ўзгаришининг кутилиши.** Келгусида маҳсулот нархи ўзгаришининг кутилиши ҳам ишлаб чиқарувчининг

бугунги кундаги бозорга маҳсулот етказиб бериш хоҳишига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, келажакда нефть нархининг кескин пасайишининг кутилиши нефтьььнинг таклифини пасайтиради.

6. Ишлаб чиқарувчилар ёки сотувчилар сони. Товар ишлаб чиқарувчилар қанчалик кўп бўлса, таклиф қилинадиган маҳсулот миқдори шунчалик кўп бўлади. Тармоқдаги ишлаб чиқарувчилар сони ортиб бориши таклифни кўпайтиради, чунки товар ишлаб чиқариш кўпаяди.

Таклиф ҳажмининг ўзгаришига товарнинг сақланиш хусусияти, сақлаш харажатлари ва транспорт-ташиш имкониятлари ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, узоқ вақт сақлаб бўлмайдиган қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун таклиф камдан-кам ўзгарувчан бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнининг хусусияти, табиий ресурсларнинг мавжуд даражаси ҳам таклифга таъсир кўрсатади. Масалан, нархнинг ўзгаришига жавобан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки бошқа хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш имконияти мавжуд бўлса таклиф ўзгаради. Қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган ерлар чекланган бўлса, унинг нархи (рента) қанчалик ошмасин, ер таклифини ошириб бўлмайди.

Ижодий касб соҳа ходимларининг (масалан, олимлар, шоирлар, ёзувчилар, мусаввирлар ва бошқалар) меҳнат маҳсули ва ноёб санъат асарларининг таклифи ҳам ноўзгарувчан бўлади.

7.3. Талаб миқдори ва таклиф миқдори ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши. Бозор мувозанати

Биз юқорида турли омиллар таъсирида талаб ва таклиф миқдорининг ўзгариб туришини кўрдик. Лекин талаб билан таклиф миқдорлари бир-бирлари билан доимо маълум нисбатда бўлади, бу нисбатлар ўзгариб туради. Баъзан талаб таклиф миқдоридан ошиб кетиб, нарх кўтирилса, айрим пайтда таклиф талаб миқдоридан ошиб кетиб, нарх пасайиб кетади.

Талаб миқдори билан таклиф миқдори бир-бирига тенг бўлган ҳолат бозор мувозанати дейилади. Бозор мувозанати вужудга келган ҳолда шаклланган нарх бозор нархи дейилади. Баъзан уни мувозанатлашган нарх деб ҳам юритилади. Бозор мувозанати ва мувозанатлашган нарх доимо мавжуд бўлмайди, уларга таъсир қилувчи кўплаб омиллар мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлади. Аммо иқтисодиётда бозор мувозанатига интилиш доимо мавжуд бўлади.

Талаб ва таклиф тушунчалари таҳлили бизга сотувчи ва харидорлар манфаатининг мувофиқ келишини қараб чиқиш имконини беради. Бундай мувофиқлик ўз ифодасини мувозанатлашган нархда топади.

Олдинги бандларда кўриб чиқилган бозор талаби ва таклифи эгри чизиқларини битта графикка жойлаштириб, бозорнинг мувозанатлашган нуқтасини ҳосил қиламиз (7.4-расм).



7.4-расм. Бозор мувозанати.

Графикда Е нуқтага мувозанатлашган нарх (Нм) ва маҳсулотнинг мувозанатлашган миқдори (Мм) мос келади. Яъни, картошка нархи 500 сўм бўлганда, харидорлар 30 тонна картошкани сотиб олишга, сотувчилар эса 30 тонна картошкани бозорга чиқаришга тайёр ва бундай имкониятга эгадирлар. Нархнинг 400 сўм даражасида сотувчилар ва харидорлар аҳволи бутунлай ўзгаради: сотувчилар фақат 20 тонна картошкани сотишга, харидорлар эса 50 тонна сотиб олишга тайёр бўладилар ва ҳоказо.

Графикда нархнинг 700 сўм даражасидаги бозор ҳолати товарлар ортиқча ишлаб чиқарилишини кўрсатади ва тўйинган бозорни ифодалайди. Аксинча, 300 сўм даражасидаги бозор ҳолатида товар тақчиллиги (дефицит) вужудга келади ва тақчил товар бозорини тавсифлайди.

Бозор мувозанатини ўзига хос математик тенглик сифатида ҳам ифодалаш мумкин:

Тб = Тф = Нм = Мм,

бу ерда: Тб – талаб, Тф – таклиф, Нм – мувозанатлашган нарх, Мм – товарнинг мувозанатли миқдори.

Мувозанатлашган нархнинг моҳиятини тушуниш учун вақт омили катта аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли бозордаги бир зумлик, қисқа даврли ва узоқ даврли мувозанат ҳолатларини фарқлаш зарур. Бир зумлик мувозанат учун тақдим қилинадиган товарларнинг ўзгармас ёки доимий миқдори хос. Бу ишлаб чиқаришнинг бозор вазиятига тез, бирданига мослаша олмаслиги билан боғлиқ. Қисқа даврли мувозанат вақтинчалик амал қилувчи омиллардан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш ва таклифни кўпайтириш имкониятини тақозо қилади. Бундай вақтинчалик омилларга иш вақтидан ташқари (масалан, дам олиш ва байрам кунлари) ишлаш, иш сменасини кўпайтириш каби тадбирлар киради. Узоқ даврли мувозанатни таъминлаш узоқ муддатли даврда амал қилувчи омиллардан фойдаланишни тақозо қилади. Бунда ишлаб чиқаришни қайта қурольлантириш, янгилаш ва қўшимча қувватларни вужудга келтириш билан боғлиқ инвестициялар ҳақида гап боради. Бу даврда янги корхоналарни қуриш ҳам мумкин бўлади.

Истеъмолчининг товар нархларининг ўзгаришига сезгирлик даражасини аниқлашда нарх бўйича эгилувчанлик тушунчасидан фойдаланилади. Айрим маҳсулотлар нархидаги унча сезиларли бўлмаган ўзгаришлар сотиб олинадиган маҳсулот миқдорида катта ўзгаришлар бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай маҳсулотларга талаб нисбатан эгилувчан дейилади. Бошқа хил маҳсулотлар нархидаги сезиларли ўзгариш харид миқдорида

фақат катта бўлмаган ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Талаб ҳажмига таъсир қилувчи бошқа омиллар ўзгармай қолган шароитда нархнинг бир фоизга ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи дейилади. Бу кўрсаткич кўпинча оддий қилиб талабнинг эгилувчанлиги деб аталади. Талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги (Эт) даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Э_T = \frac{\Delta Q}{\Delta P},$$

Талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги товарнинг муайян нарх даражаси учун алоҳида ҳисобланади. Масалан, 7.1-жадвал асосида картошкага талабнинг нарх бўйича эгилувчанлигини кўриб чиқайлик. Маълумотлардан кўринадики, 1 кг картошка нархи 700 сўмдан 600 сўмга тушганда бозор талаби миқдори 10 тоннадан 20 тоннага қадар ортган. Бундай ҳолда талаб эластиклиги:

$$Э_T = \frac{10}{10} : \frac{100}{700} \approx 7 \text{ га тенг.}$$

Яъни, картошка нархининг 1 фоизга пасайиши унга бўлган талаб миқдорининг 7 фоизга ўсишига олиб келган. Юқорида таъкидлаганимиздек, товарнинг ҳар бир муайян нарх даражаси учун талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичлари фарқланади. Жумладан, жадвалдаги маълумотлар бўйича, картошка нархи 600 сўмдан 500 сўмга пасайганда талаб эгилувчанлиги кўрсаткичи 3% ни, 500 сўмдан 400 сўмга пасайганда 3,3% ни ташкил этади ва ҳ.к.

Талаб эгилувчанлигини белгилаб берувчи бир қатор омиллар мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Ўринбосар товарларнинг мавжудлиги. Одатда муайян турдаги эҳтиёжни бир қатор товарлар билан қондириш

имконияти мавжуд бўлади. Масалан, қишда совуқдан сақланиш учун пальто билан бир қаторда куртка, плашч ва бошқа иссиқ кийимлардан фойдаланиш мумкин. Ёки бирор жойга саёҳатга бориш учун самолёт билан бир қаторда тезюрар поезд, автомобилдан фойдаланиш мумкин. Бу ўринда куртка, плашч ва бошқа иссиқ кийимлар пальтонинг, тезюрар поезд, автомобиль самолётнинг ўринбосар товарлари ҳисобланади. Агар бирор товарнинг бошқа ўринбосар товарлари қанчалик кўп бўлса, унга бўлган талаб шунчалик кўп эгилувчан бўлади. Жумладан, соф рақобатли бозорда таклиф қилинадиган товарларнинг ўринбосар товарлари жуда кўп бўлиб, шу сабабли ҳар бир алоҳида сотувчи маҳсулотларига талаб бутунлай эгилувчан ҳисобланади.

2. Товар қийматининг истеъмолчи даромадидаги салмоғи. Истеъмолчи даромадида товар қиймати қанчалик катта ўринни эгалласа, унга талаб шунчалик юқори эгилувчан бўлади. Масалан, дафтар ёки қалам нархининг 10 фоизга ўсиши бир неча сўмни ташкил қилади ва бу талаб қилинаётган товар миқдорида жуда кам ўзгариш бўлишига олиб келади. Шу билан бирга, автомобиль ёки уй нархининг 10 фоизга ўсиши бир неча миллион сўмни ташкил қилиши мумкин. Нархларнинг бундай ошиши жуда кўп оилалар бир неча йиллик даромадининг катта қисмини ташкил қилади ва айтиш мумкинки, бу сотиб олинадиган маҳсулот миқдорини сезиларли равишда **камайтиради.**

3. Маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятлари. Зеб-зийнат буюмларига талаб одатда эгилувчан, ҳаётий зарур буюмларга эса талаб ноэгилувчан ҳисобланади. Масалан, нон ва электр энергияси зарурий истеъмол буюмлари ҳисобланади, шу сабабли улар нархининг ошиши нон ёки электр энергиясини истеъмол қилишнинг кескин камайишига олиб келмайди. Бошқа томондан, зеб-зийнат буюмларига нархлар ошганда уларни осонлик билан истеъмолдан чиқариб ташлаш мумкин.

4. Вақт омили. Қарор қабул қилиш учун вақт оралиғи қанча

узоқ бўлса, маҳсулотга талаб шунча эгилувчан бўлади. Масалан, агар мол гўштининг нархи 10%га кўтарилса, истеъмолчи уни харид қилишни бирданига қисқартирмаслиги мумкин. Лекин бир қанча вақт ўтиши билан у ўзининг мойиллигини товуқ гўшти ёки балиққа ўтказиши мумкин. Шунингдек, даромад бўйича талаб эгилувчанлиги ҳам мавжуд. Даромадлар кўпайиши билан товар ва хизматларга бўлган талаб ҳам ошади. Бундан кўринадики, даромад талабга таъсир кўрсатади. Бу таъсир даражасини аниқлаш учун даромад бўйича талаб эгилувчанлиги кўрсаткичидан фойдаланилади.

Истеъмолчи даромадининг бир фоизга ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич талабнинг даромад бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи дейилади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Э_T = \frac{\Delta Q}{\Delta Д}.$$

Бу ерда: ΔQ – талаб миқдорининг фоизли ўзгариши;
ΔД – даромаднинг фоизли ўзгариши.

Мисол учун, истеъмолчи даромади ойига 100 минг сўм бўлганида 5 кг гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиб, даромади 150 минг сўмга қадар ошганда, унинг гўшт маҳсулотлари истеъмоли ҳажми ойига 7 кг га етди, деб фараз қилайлик. Истеъмолчининг гўшт маҳсулотларига талабининг даромад бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичини ҳисоблаймиз:

$$Э_T = \frac{2}{5} : \frac{50}{100} = 0{,}8.$$

Яъни, истеъмолчи даромадининг 1% га ортиши ўз навбатида унинг гўшт маҳсулотларига бўлган талаби миқдорининг 0,8%

га ортишига олиб келмоқда. Худди талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи сингари таклифнинг нарх бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичини ҳам аниқлаш мумкин.

Таклиф ҳажмига таъсир қилувчи бошқа омиллар ўзгармай қолган шароитда, нархнинг бир фоизга ўзгариши таклифнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич таклифнинг нарх бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи дейилади. Бу кўрсаткич кўпинча оддий қилиб таклифнинг эгилувчанлиги деб ҳам аталади.

Таклифнинг нарх бўйича эгилувчанлиги (Этф) даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Э_{Тф} = \frac{\Delta Q}{\Delta P},$$

Бу ерда: ΔQ – талаб миқдорининг фоизли ўзгариши;
ΔP – нархларнинг фоизли ўзгариши.

Юқоридаги 7.2-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, картошка нархининг турли даражаларидаги ўзгаришга мувофиқ келувчи таклиф эгилувчанлиги кўрсаткичларини аниқлаш мумкин. Масалан, 1 кг картошканинг дастлабки нархи 700 сўмдан 600 сўмга пасайиши сотувчилар томонидан таклиф миқдорини 60 тоннадан 50 тоннага қадар қисқартирилишига олиб келган. Бу ҳолда, картошка таклифининг нарх бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи:

$$Э_{Тф} = \frac{10}{60} : \frac{100}{700} \approx 1{,}2 \text{ га тенг.}$$

Яъни, картошка нархининг 1% га пасайиши уни бозор таклифининг 1,2% га қисқаришига олиб келган. Таъкидлаш лозимки, талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги сингари таклифнинг нарх бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичлари ҳам товарнинг ҳар бир муайян нарх даражаси учун фарқланади.

Жумладан, жадвалдаги маълумотлар бўйича картошка нархи 600 сўмдан 500 сўмга пасайганда таклиф эгилувчанлиги кўрсаткичи 2,4% ни, 500 сўмдан 400 сўмга пасайганда 1,7% ни ташкил этади ва ҳ.к.

Таклиф эгилувчанлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омил, маҳсулотга нархнинг мавжуд ўзгаришини ҳисобга олиш учун зарур бўлган вақт оралиғи ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи нархнинг мавжуд ўзгаришига мослашиш учун қанчалик узоқроқ вақтга эга бўлса, ишлаб чиқариш ҳажми шунчалик катта ўзгаради ва шунга мос равишда таклифнинг эгилувчанлиги ҳам юқори бўлади. Биз юқорида вақт омилининг жуда қисқа, қисқароқ ва узоқ муддатли даврларидаги таклифнинг ўзгаришига таъсирини таҳлил қилиб берган эдик. Бу таъсир таклифнинг эгилувчанлигида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Шу ўринда, талаб ва таклиф эгилувчанлиги кўрсаткичларини аниқлашда уларнинг турли даражаларини умумий ҳолда баҳолаш муҳим ўрин тутади. Бунда асосан, қуйидаги учта ҳолатни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) талаб ёки таклиф эгилувчанлиги коэффициенти 1 дан катта (ЭТ, ЭТф>1). Бундай талаб ёки таклиф «эгилувчан» ёки «нисбатан эгилувчан» деб аталади. У талаб ёки таклиф этилаётган товар миқдорининг фоиздаги ўзгариши нархнинг фоиздаги ўзгаришига қараганда аҳамиятли даражада рўй беришини англатади;

2) талаб ёки таклиф эгилувчанлиги коэффициенти 1 га тенг (ЭТ, ЭТф=1). Бундай талаб ёки таклиф «бирга тенг эгилувчан» деб аталади. У талаб ёки таклиф этилаётган товар миқдорининг фоиздаги ўзгариши нархнинг фоиздаги ўзгариши билан тенг боришини англатади;

3) талаб ёки таклиф эгилувчанлиги коэффициенти 1 дан кичик (ЭТ, ЭТф<1). Бундай талаб ёки таклиф «ноэгилувчан» ёки «нисбатан ноэгилувчан» деб аталади. У талаб ёки таклиф этилаётган товар миқдорининг фоиздаги ўзгариши нархнинг фоиздаги ўзгаришига қараганда аҳамиятсиз даражада рўй беришини англатади.

Товарларнинг талаб ёки таклиф бўйича эгилувчанлик даражасини билиш реал ҳаётда уларнинг нарх стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда товар сотишдан олинадиган ялпи даромадни энг юқори ҳажмига етказишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

7.4. Истеъмолчи хатти-ҳаракати назарияси

Ҳозирда иқтисодиёт назариясига оид кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмаларда бозор талабининг шаклланиши ва намоён бўлишини истеъмолчининг хатти-ҳаракати орқали тушунтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бунда олдиндан ғарб адабиётларида мавжуд бўлиб келган турли назариялардан фойдаланиб, истеъмолчи хатти-ҳаракати назарияси алоҳида йўналиш сифатида баён этилмоқда[54]. Талабаларни мазкур назариянинг моҳияти билан таништириш мақсадида унинг асосий тушунчаларини кўриб чиқамиз.

Истеъмолчининг бозордаги хатти-ҳаракати сўнгги қўшилган нафлилик назарияси ҳамда истеъмолчи танлови назарияси орқали изоҳланади. Сўнгги қўшилган нафлилик назариясининг мазмуни билан IV бобда батафсил танишиб чиққан эдик. Бу назария ёрдамида истеъмолчининг манфаати нуқтаи назаридан унинг афзал кўриши қоидалари баён этилади. Агар нафлиликка истеъмолчи ўлчами билан қаралса, у истеъмолчининг бирон-бир неъматни истеъмол қилишидан олинадиган қониқишни англатади. **Истеъмолчи томонидан ўзи учун турли товарларнинг нафлилик даражасининг**

[54] Қаралсин: Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004, VI-боб; Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. – М.: ТК Вебли, Изд-во Проспект, 2005, V-боб, 3-§; Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, X-XI-боблар; Экономика: Учебник, 3-е изд., перераб. и доп./Под ред. д-ра экон. наук проф. А.С.Булатова. – М.: Экономистъ, 2005, IX-боб; Иохин В.Я. Экономическая теория: Учебник / В.Я.Иохин. – М.: Экономистъ, 2005, IX-боб; Курс экономической теории: Общие основы экономической теории. Микроэконмика. Макроэкономика. Основы национальной экономики: Учебное пособие / Под ред. д.э.н., проф. А.В.Сидоровича. – М.: «Дело и Сервис», 2001, VII-VIII-боблар.

баҳоланиши истеъмолчининг афзал кўриши дейилади.

Нафлилик функцияси маълум миқдордаги товарларга бошқа бир миқдордаги товарларни таққослашни билдиради. Нафлиликни мутлақ кўрсаткичларда ўлчашнинг аҳамияти бўлмай, истеъмолчи танловини нафлилик даражасининг кетма-кет жойлашуви билан изоҳлаш мумкин. Бир тўпламдаги товарлар нафлилиги бошқасидан қай даражада афзаллигини кўрсатиб бериш мумкин эмас.

Нафлилик функцияси истеъмол қилинаётган товарлар(X,Y) дан олинаётган нафлиликнинг ҳосиласини ифодалайди:

$$U(X,H) - XY$$

Сўнгги қўшилган нафлилик – муайян неъматнинг навбатдаги бирлигини истеъмол қилишдан олинган қўшимча нафлиликдир. Сўнгги қўшилган нафлилик умумий нафлиликнинг ўсган қисмидан иборат экан, у нафлилик функциясининг ҳосиласи ҳисобланади. Муайян эҳтиёжни қондирувчи ҳар бир навбатдаги неъмат олдингисига қараганда камроқ нафлиликка эга бўлади. Неъматларнинг чекланган миқдори шароитида эса доимо эҳтиёжни энг кам даражада қондирувчи «сўнгги нусхаси» мавжуд бўлади.

Сўнгги қўшилган нафлилик пасайиб бориш тенденциясига эга бўлиб, бу иқтисодий тамойил сифатида ифода этилади. Мазкур тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, агар алоҳида олинган якка истеъмолчининг ҳолатидан келиб чиқилса, неъматларни истеъмол қилиш ҳажмининг кўпайиб бориши билан маълум вақтдан бошлаб, муайян неъматнинг навбатдаги бирлигини истеъмол қилишдан олинган қўшимча нафлилик олдингисига нисбатан камайиб боради.

Киши қанчалик кўп миқдордаги товарни истеъмол қилса, у шунчалик кўп ялпи нафлиликка эга бўлади. **Ялпи (умумий) нафлилик сўнгги қўшилган нафлилик кўрсаткичларини жамлаш орқали аниқланади.** Агар истеъмолчи манфий сўнгги қўшилган нафлиликка эга бўлса, у ҳолда ялпи нафлилик камаяди. Сўнгги қўшилган нафлиликнинг пасайиб бориш қонунини истеъмол қилинган музқаймоқ мисолида 7.3-жадвал орқали ифодалаш мумкин.

Жадвалдан кўринадики, мусбат ишорали сўнгги қўшилган нафлиликнинг ошиб бориши билан, ялпи нафлилик миқдори ўсиб бормоқда. Бироқ, бу ўсиш суръати музқаймоқларнинг навбатдаги сони қўшилиши билан пасайиб бормоқда. Манфий ишорали сўнгги қўшилган нафлилик ялпи нафлиликнинг қисқаришига олиб келмоқда.

7.3-жадвал

Музқаймоқ истеъмол қилишдан олинган сўнгги қўшилган ва ялпи нафлилик

Истеъмол қилинган музқаймоқлар сони	Сўнгги қўшилган нафлилик (MU)	Ялпи нафлилик (U)
0	-	0
1	4	4
2	3	7
3	2	9
4	1	10
5	0	10
6	-3	7

Истеъмолчи товарларнинг турли тўпламини харид қилишда доимо **нафлиликни максималлаштириш қоидасига** амал қилади. Бу қоиданинг мазмуни қуйидагича баён этилади: **истеъмолчи ўзининг даромадини шундай сарфлаши керакки, даромад тўлиқ сарфланган ҳолатда товарни харид қилишдан олинган сўнгги қўшилган нафлиликнинг товар нархига нисбати барча товарлар учун бир хил қийматга эга бўлиши лозим,** яъни:

$$\frac{MU_x}{P_x} = \frac{MU_y}{P_y},$$

бу ерда: MU – X ва Y товарларнинг сўнгги қўшилган нафлилиги; P – уларнинг нархи. Бу қоида **истеъмолчининг мувозанатли ҳолатини** ифодалайди. Истеъмолчи ўзининг диди ва руҳиятига кўра турли хил товарлар тўпламини маъқул кўриши мумкин. Бунда у товарларнинг маълум бир тўпламини бошқа бирига таққослаб кўради. Истеъмолчи танловини тушунтиришда бефарқлик эгри чизиғи муҳим роль ўйнайди.

Бефарқлик эгри чизиғи эҳтиёжларни бир хил даражада қондирилишини таъминловчи истеъмол тўпламлари

йиғиндисини намоён этади. Яъни, истеъмолчи учун бефарқлик эгри чизиғида жойлашган товарлар тўпламини танлашда фарқ мавжуд бўлмайди. Бефарқлик эгри чизиғи пасайиб борувчи кўринишда бўлади. Бефарқлик эгри чизиғининг пасайиб бориши шу билан изоҳланадики, танланиши лозим бўлган ҳар иккала товар ҳам истеъмолчи учун нафли ҳисобланади. Шунга кўра, бир товарлар тўплами (масалан, А)дан бошқа бир товарлар тўплами (масалан, В га) томон ҳаракат қилиб, истеъмолчи нафлилик миқдорини оширади. Бироқ, айни пайтда худди шунча миқдордаги нафлиликка эга бўлган А товардан воз кечади. Қисқаси, В товар қанчалик кўп бўлса, А товар шунчалик оз бўлади, чунки А ва В товарлар ўртасида тескари алоқа мавжуд. Ўзгарувчилари ўртасида тескари алоқа мавжуд бўлган ҳар қандай эгри чизиқ эса пасайиб борувчи кўринишда бўлади.

Агар истеъмолчининг А ва В товарларнинг барча тўпламлари бўйича афзал кўришларини эгри чизиқлар орқали тасвирланса, бефарқлик картаси ҳосил бўлади. Ҳар бир бефарқлик эгри чизиғи киши ҳар бирига бир хилда қарайдиган товарлар тўпламини ифодалайди. 7.5-расмда бефарқлик картасининг бир қисмини акс эттирувчи учта бефарқлик эгри чизиғи тасвирланган. И3 бефарқлик эгри чизиғи эҳтиёжларни қондирилишининг энг юқори даражасини акс эттиради.

Эҳтиёжларнинг ҳар бир даражасига кўра чексиз бефарқлик эгри чизиғи мавжуд бўлиши мумкин. Биз содда кўринишда фақат учта эгри чизиқни ифодаладик. Бу уч эгри чизиқ товарлар тўпламининг ранжировкаси (тартибини) таъминлайди. Ранжирлаш тўпламларни афзалликнинг энг юқори даражасидан энг кам томонга йўналтирилган тартибда қўйиб чиқади. Бироқ, бу тартиб бир тўпламнинг бошқа биридан нечоғлиқ афзаллигини кўрсатиб бера олмайди.



7.5-расм. Бефарқлик картаси.

Истеъмолчи хатти-ҳаракатини тушунишда **истеъмолчи бюджетининг чекланганлиги** муҳим аҳамият касб этади. Бюджет чекланганлиги истеъмолчининг муайян пул даромадлари мавжудлиги шароитида нархларнинг муайян даражасида у ёки бу турдаги товарларнинг маълум чекланган миқдорини сотиб олиш имконияти орқали ифодаланади. Истеъмолчи бюджетининг чекланганлигини графикда икки турдаги товарни сотиб олишнинг турли комбинацияларини кўрсатувчи **бюджет чизиғи** шаклида ҳам акс эттириш мумкин. Истеъмолчи бюджети чизиғининг ҳолатига унинг даромадлари ва товарлар нархининг ўзгариши таъсир кўрсатиши мумкин. Мисол учун, истеъмолчи даромадининг муайян миқдорида 20 бирлик А товар ёки 10 бирлик В товар сотиб олиш мумкин бўлсин. Бирданига сотиб олиниши мумкин бўлган ҳар иккала товарнинг турли комбинациялари G бюджет чизиғида жойлашади. Агар истеъмолчининг даромади 2 барвар ошса, у ҳолда унинг бюджет чизиғи ҳам тегишли равишда G1 ҳолатига силжийди. Аксинча, даромаднинг камайиши, бюджет чизиғининг ҳам қисқаришига ва G2 ҳолатига силжишига олиб келади (7.6-расм).



7.6-расм. Даромад ўзгаришининг бюджет чизиғига таъсири.

Ўз навбатида нархнинг ўзгариши ҳам бюджет чизиғидаги турли ўзгаришларни келтириб чиқаради (7.7-расм).



7.7-расм. Нарх ўзгаришининг бюджет чизиғига таъсири.

Жумладан:

1) В товар нархининг пасайиши бюджет чизиғи бурчагининг ўзгарган ҳолда янги чизиқ ҳосил бўлишига олиб келади (М чизиқ);

2) В товар нархининг ошиши бюджет чизиғи бурчагининг

ўзгарган ҳолда янги чизиқ ҳосил бўлишига олиб келади (N чизиқ);

3) А ва В товарлар нархи илгариги нисбат сақланган ҳолда ошса, у ҳолда эски чизиққа параллел бўлган янги чизиқ ҳосил бўлади (L чизиқ).

Иқтисодиёт назариясида истеъмолчи танловини ўрганишда мазкур танлов оқилона равишда амалга оширилади ва қуйидаги шартлар таъминланади деб фараз қилинади:

1) мавжуд ва чекланган бюджетдан тўлиқ фойдаланилади;
2) эҳтиёжлар максимал даражада қондирилади.

Оптимал танлов ҳам қуйидаги шартларни келтириб чиқаради:

биринчидан, танлов нуқтасининг бюджет чизиғида ётиши. Истеъмолчи амалда барча даромадини истеъмолга сарфламай, маълум қисмини келгусидаги истеъмолга қолдирсада, назарий жиҳатдан биз унинг барчаси сарфланади, деб фараз қиламиз. Агар нуқта бюджет чизиғидан чапда ётса – унинг тўлиқ сарфланмаганлигини, ўнгда ётса – имконият даражасидан четда эканлигини тушунамиз;

иккинчидан, танланган истеъмол товарлари тўплами энг маъқул кўрилган комбинацияда бўлиши лозим (7.8-расм). Бунда учта бефарқлик эгри чизиғи ифодаланган бўлиб, улар истеъмолчига турли даражадаги қониқиш беради: И3 – энг юқори даражадаги қониқиш; И2 – ўртача қониқиш; И1 – энг кам қониқиш. Ҳар бир эгри чизиқда истеъмолчи танловини ифодаловчи биттадан нуқта жойлашган: И1 да – С; И2 да – D; И3 да – F нуқталар.



7.8-расм. Истеъмолчининг оптимал танлови.

Истеъмолчининг С нуқтани танлаши оқилона эмас, чунки D нуқта унга нисбатан кўпроқ эҳтиёжни қондиради; F нуқта энг кўп эҳтиёжни қондириши мумкин, бироқ у бюджет имкониятидан ташқарида ҳисобланади.

D нуқтада истеъмолчи эҳтиёжларининг қондирилиши максимумлашади, чунки бу нуқта эҳтиёжларнинг максимал қондирилишини таъминловчи товар ва хизматлар тўплами энг кўп қониқиш берувчи бефарқлик эгри чизиғининг бюджет чизиғи билан кесишган жойида ётади.

Хулосалар

1. Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизми – иқтисодий тизимнинг самарали ва мослашувчан дастагидир. Бозор механизмининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг ҳар бир элементи нарх билан чамбарчас боғлиқдир. Айниқса, нархнинг талаб ва таклиф ҳажмига таъсири ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг фаолиятини белгилаб беради.

2. Талаб – эҳтиёжнинг пул билан таъминланган қисмидир. Талаб қонунига мувофиқ нархнинг ўсиб бориши талабнинг

қисқаришига олиб келади, талабнинг кенгайиши эса нархнинг ўсишига олиб келади. Шунинг учун нарх (мустақил ўзгарувчи) билан талаб (тобе ўзгарувчи) ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд.

3. Талаб икки хил йўналишда ўзгаради: бири талаб ҳажмининг ўзгариши бўлиб, талаб эгри чизиғи бўйлаб ҳаракатланса, иккинчиси талаб хусусиятнинг ўзгариши бўлиб, талаб эгри чизиғининг ўзини ўнгга-юқорига ёки чапга-пастга қараб силжитади.

4. Таклиф ишлаб чиқарувчиларнинг бозорга сотишга чиқарган товарлари миқдори бўлиб, товарлар миқдори ишлаб чиқариш билан белгиланади, аммо айнан унга боғлиқ эмас, чунки захира, экспорт ва импорт омиллари ҳам таклиф қилинадиган товарлар миқдорига таъсир кўрсатади. Таклиф билан нарх ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд, нархларнинг ўсиши таклифнинг ўсишига олиб келади ва аксинча.

5. Талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири натижасида бозор мувозанати вужудга келади. Бозор мувозанати – талаб ҳажмининг таклиф ҳажмига мос келишидир. Бундай мос келишлик бозорда мувозанатли нархни ёки бозор нархини шакллантиради.

6. Бозордаги бир зумлик, қисқа даврли ва узоқ даврли мувозанатлик ҳолатни фарқлаш зарур. Бир зумлик мувозанат учун тақдим қилинадиган товарларнинг ўзгармас ёки доимий миқдори хос. Бу ишлаб чиқаришнинг бозор вазиятига тез, бирданига мослаша олмаслиги билан боғлиқ. Қисқа даврли мувозанат вақтинчалик амал қилувчи омиллардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш ва таклифни кўпайтириш имкониятини тақозо қилади.Узоқ даврли мувозанатга эришиш узоқ муддатли даврдаги омиллардан фойдаланишни тақозо қилади. Булар ишлаб чиқаришни қайта қурольлантириш, янгилаш ва қўшимча қувватларни вужудга келтириш билан боғлиқ инвестицияларни амалга ошириш, шунингдек, янги корхоналарни қуришдан иборат.

7. Хўжалик амалиёти учун бозор субъектларининг нарх ўзгаришига бўлган муносабатини ифодаловчи талаб ва таклиф эгилувчанлиги тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Талаб эгилувчанлиги кўрсаткичи асосида ишлаб чиқарувчилар ялпи тушум миқдорини осон аниқлаб олишлари мумкин. Агар талаб эгилувчан бўлса, нарх билан ялпи тушум қарама-қарши томон ҳаракатланади, талаб ноэгилувчан бўлса ҳаракат бир томонлама бўлади.

8. Истеъмолчининг бозордаги хатти-ҳаракати сўнгги қўшилган нафлилик назарияси ҳамда истеъмолчи танлови назарияси орқали изоҳланади. Сўнгги қўшилган нафлилик пасайиб бориш тенденциясига эга бўлиб, бу иқтисодий тамойил сифатида ифода этилади. Мазкур тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, агар алоҳида олинган якка истеъмолчининг ҳолатидан келиб чиқилса, неъматларни истеъмол қилиш ҳажмининг кўпайиб бориши билан, маълум вақтдан бошлаб, муайян неъматнинг навбатдаги бирлигини истеъмол қилишдан олинган қўшимча нафлилик олдингисига нисбатан камайиб боради. Истеъмолчи томонидан ўзи учун турли товарларнинг нафлилик даражасининг баҳоланиши истеъмолчининг афзал кўриши дейилади.

Асосий таянч тушунчалар:

Талаб – пул билан таъминланган, тўловга қодир эҳтиёж; маълум вақт оралиғида, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмолчиларнинг товар ва хизматлар маълум турларини сотиб олишга қодир бўлган эҳтиёжи.

Якка талаб – ҳар бир алоҳида истеъмолчи (масалан, шахс, оила, корхона, фирма)нинг товарнинг шу турига бўлган талаби.

Бозор талаби – бир қанча (кўпчилик) истеъмолчиларнинг шу турдаги товар ёки хизматга бўлган талаблари йиғиндиси.

Талаб қонуни – товар нархи ва сотиб олинадиган товар

миқдори ўзгариши ўртасида бўладиган тескари ёки қарама-қарши боғлиқлик.

Талаб эгри чизиғи – нарх ва талаб ҳажмининг ўзгариши ўртасидаги тескари боғлиқ-ликни кўрсатувчи эгри чизиқ.

Олий тоифали товарлар – даромаднинг ўзгариши билан талаб миқдори тўғри боғлиқ-ликда ўзгарадиган товарлар.

Паст тоифали товарлар – даромаднинг ўзгариши билан талаб миқдори тескари боғ-лиқликда ўзгарадиган товарлар.

Энгель қонуни – истеъмолчи даромади билан у томонидан сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар миқдори ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.

Таклиф – маълум вақт оралиғидаги нархларнинг муайян даражасида ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар томонидан маълум турдаги товар ва хизматларнинг бозорга чиқарилган миқдори.

Таклиф қонуни – нархнинг ўзгариши билан таклиф этилаётган товар миқдорининг тўғри боғлиқликдаги ўзгариши.

Бозор мувозанати – талаб миқдори билан таклиф миқдори ўртасидаги нисбат бир-бирига тенг бўлган ҳолат.

Бозор нархи – бозор мувозанати вужудга келган ҳолда шаклланган нарх.

Талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи – талаб ҳажмига таъсир қилувчи бошқа омиллар ўзгармай қолган шароитда, нархнинг бир фоизга ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич.

Талабнинг даромад бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи – истеъмолчи даромадининг бир фоизга ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич.

Истеъмолчининг афзал кўриши – истеъмолчи томонидан ўзи учун турли товарларнинг нафлилик даражасининг баҳоланиши.

Сўнгги қўшилган нафлилик – муайян неъматнинг навбатдаги бирлигини истеъмол қилишдан олинган қўшимча нафлилик.

Ялпи (умумий) нафлилик – сўнгги қўшилган нафлилик кўрсаткичларининг йиғиндиси.

Бефарқлик эгри чизиғи – эҳтиёжларни бир хил даражада қондирилишини таъминловчи истеъмол тўпламлари йиғиндиси.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Талаб қонунини тушунтиринг. Талабга қандай омиллар таъсир қилади? Бу омиллардан ҳар бири ўзгарса, талаб эгри чизиғида қандай ўзгариш рўй беради?
2. Таклиф қонунини тушунтиринг. Таклифга қандай омиллар таъсир қилади? Бу омиллардан ҳар бири ўзгарса, талаб эгри чизиғида қандай ўзгариш рўй беради?
3. Дон биржасида буғдойга бўлган талаб ва таклифнинг умумий ҳажми қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади деб фараз қилайлик:

Талаб, минг центнер ҳисобида	Бир центнер нархи (сўм) ҳисобида	Таклиф минг центнер ҳисобида	Ортиқча (+) ёки кам (-)
85	3400	72	
80	3700	73	
75	4000	75	
70	4300	77	
65	4600	79	
60	4900	81	

а) Бозор нархи ёки мувозанатлашган нарх қандай бўлади? Буғдойнинг мувозанатлашган миқдори қанча? 4-устунни тўлдиринг ва натижаларини тушунтириб беринг;

б) жадвал маълумотларидан фойдаланиб буғдойга бўлган талаб ва таклиф эгри чизиқларини график шаклида тасвирланг. Мувозанатлашган нарх ва мувозанатлашган миқдорни аниқланг;

в) нима учун 3400 сўм бу бозорда мувозанатлашган нарх бўла олмайди? 4900 сўмчи?

г) давлат буғдойнинг энг юқори нархини 3700 сўм қилиб белгилади деб фараз қилайлик. Бундай нарх қандай оқибатларга олиб келишини батафсил тушунтиринг. Ўз жавобларингизни графикда тасвирланг.

4. Талаб ва таклифнинг қуйидаги ўзгаришларининг ҳар бири рақобатли бозорда мувозанатли нарх ва маҳсулотларнинг мувозанатли миқдорига қандай таъсир кўрсатади? Жавобларингизнинг тўғрилигини текшириш учун талаб ва таклиф эгри чизиқлари графигидан фойдаланинг:

а) таклиф қисқаради, талаб эса ўзгаришсиз қолади; б) талаб қисқаради, таклиф эса ўзгаришсиз қолади; в) таклиф кўпаяди, талаб эса ўзгаришсиз қолади; г) талаб ҳам, таклиф ҳам кўпаяди; д) талаб ортади, таклиф эса ўзгаришсиз қолади; е) таклиф кўпаяди, талаб эса қисқаради; ж) талаб ортади, таклиф эса қисқаради; з) талаб ҳам, таклиф ҳам қисқаради.

5. Энгель қонунининг моҳиятини тушунтириб беринг.

6. Истеъмолчи хатти-ҳаракати назариясининг асосида нималар ётади? Бу назариянинг асосий қонун-қоидаларини изоҳланг.

7. Истеъмолчининг афзал кўриши нима? У истеъмолчи танловига қандай таъсир кўрсатади?

9. Бефарқлик эгри чизиғи нимани ифодалайди? Бефарқлик картаси-чи? Уларнинг истеъмолчи хатти-ҳаракатини тушунтиришдаги аҳамиятини изоҳланг.

10. Истеъмолчи бюджети чизиғига нарх ва даромаддаги ўзгаришлар қандай таъсир кўрсатади?

8-боб. РАҚОБАТ ВА МОНОПОЛИЯ

Бозор механизмининг асосий таркибий қисмларидан бири рақобат ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ўзининг етуклик даражаси ва ривожланиш хусусиятларидан қатъий назар рақобатнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти ривожланиб бориши билан рақобатчилик муносабатлари ҳам такомиллашиб, ўз шаклларини ўзгартириб боради. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини кўрсатиб, «Халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун

йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Бу борада табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади»[55], деб таъкидлаган эдилар.

Бу муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган жиҳатларни ёритиб бериш мазкур бобнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, бу бобда рақобатнинг мазмуни, зарурлиги, шакллари ва усуллари монополияларнинг иқтисодий асоси, турлари ва мамлакатимизда монополияга қарши қонунчиликнинг ривожлантирилиши рақобатчилик муҳитининг шакллантирилиши каби масалалар баён этилади.

8.1. Рақобатнинг моҳияти, шакллари ва усуллари

Рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман товар хўжалигининг энг муҳим белгиси, уни ривожлантириш воситаси ҳисобланади. Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш унга турли томондан ёндашишини талаб қилади. **Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасидаги рақобат** товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Бунда улар керакли ишлаб чиқариш воситалари, хомашё ва материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашади. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат пировардида истеъмолчиларни ўзига жалб этиш учун курашни ҳам англатади.

Ресурсларни етказиб берувчилар ўзларининг иқтисодий ресурсларини (капитал, табиий ресурслар, ишчи кучи) юқори нархларда сотиш учун рақобатлашадилар. Ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат бозор муносабатлари ривожланган, иқтисодиёт тўлиқ

[55] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь.

эркинлашган шароитда ёрқин намоён бўлади.

Рақобат **истеъмолчилар ўртасида** ҳам юз беради: улар товарларни қулай ва арзон нархларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар, яъни харидорлар ҳар бир сарфланган пул бирлиги эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлишга ҳаракат қиладилар. Арзон ва сифатли товарни сотиб олиш учун курашадилар. Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди. **Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади.**

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий жараён, воқеа ва ҳодисаларнинг икки томонлама хусусиятга эга эканлигини эътиборга олиб рақобат муносабатларининг мазмунини ёритишда ҳам икки томонлама ёндашув, таҳлил ва синтез қилиш усулини давом эттирган ҳолда қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин (8.1-расм).



8.1-расм. Рақобат иштирокчиларининг асосий мақсадлари.

Расмдан кўринадики, рақобат кураши икки томонлама: бир томондан ишлаб чиқарувчилар ўртасида, иккинчи томонидан эса истеъмолчилар ўртасида содир бўлади. Бунда ишлаб чиқарувчилар сарфланган харажатларнинг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш мақсадида рақобатлашадилар.

Мана шу фойда орқасидан қувиш натижасида улар орасида товарларни сотиш доираларини кенгайтириш, қулай бозорлар, арзон хомашё, энергия ва арзон ишчи кучи манбаларига эришиш учун кураш боради. Ўз навбатида харидорлар, яъни истеъмолчилар сарфлаган ҳар бир сўм харажати эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашадилар, уларнинг ҳар бири арзон, сифатли товар ва хизматларга эга бўлишга ҳаракат қилади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг фаолият кўрсатувчи тадбиркор ва мулк эгаси сифатида эркин ва мустақил бўлиши рақобатнинг иқтисодий асосини ташкил этади. Чунки ҳар бир мулк эгасининг ўз манфаати бўлиб, улар шу манфаатга эришиш учун интилади. Мулк эгасининг товар ишлаб чиқариш ва барча бошқа соҳалардаги фаолияти шу манфаатга бўйсундирилган бўлади. Бу жиҳатдан қараганда рақобат эркин иқтисодий фаолият қилувчи субъектлар манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлишини аниқ тавсифлайди. Рақобат мавжуд бўлишининг бошқа шарти товар-пул муносабатларининг маълум даражада ривожланган бозор тизимида амал қилишидир.

Рақобатнинг мазмуни унинг вазифаларини кўриб чиқиш орқали янада кенгроқ намоён бўлади. Ҳозирги бозор иқтисодиётида рақобатнинг қуйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) тартибга солиш вазифаси;
2) ресурсларни жойлаштириш вазифаси;
3) инновацион вазифа;
4) мослаштириш вазифаси;
5) тақсимлаш вазифаси;
6) назорат қилиш вазифаси.

Рақобатнинг **тартибга солиш** вазифаси ишлаб чиқаришни талаб (истеъмол)га мувофиқлаштириш мақсадида таклифга таъсир ўтказишдан иборат. Айнан шу вазифа ёрдамида иқтисодиётда таклифнинг талаб орқали, ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмининг якка тартибдаги ва ижтимоий эҳтиёжлар орқали белгиланишига эришилади, яъни иқтисодиёт бозор қонунлари асосида тартибга солинади.

Рақобатнинг **ресурсларни жойлаштириш вазифаси** ишлаб чиқариш омилларини улар энг кўп самара берадиган корхона, ҳудуд ва минтақаларга оқилона жойлаштириш имконини беради.

Рақобатнинг **инновацион вазифаси** фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланувчи ҳамда бозор иқтисодиёти субъектларининг ривожланишини тақозо этувчи турли кўринишдаги янгиликларнинг жорий этилишини англатади.

Рақобатнинг **мослаштириш вазифаси** корхона (фирма) ларнинг ички ва ташқи муҳит шароитларига рационал тарзда мослашишига йўналтирилган бўлиб, уларнинг шунчаки ўзини-ўзи сақлаб, иқтисодий жиҳатдан яшаб қолишидан хўжалик фаолияти соҳаларининг экспансияси (кенгайиши)га ўтишини билдиради.

Рақобатнинг **тақсимлаш вазифаси** ишлаб чиқарилган неъматлар ялпи ҳажми (ялпи ички маҳсулот)нинг истеъмолчилар ўртасида тақсимланишига бевосита ва билвосита таъсир ўтказади.

Ниҳоят, рақобатнинг **назорат қилиш вазифаси** бозордаги баъзи иштирокчиларнинг бошқа бир иштирокчилар устидан монополистик ҳукмронлик ўрнатишига йўл қўймасликка йўналтирилади.

Рақобат курашининг мазмуни тўғрисида тўлароқ тушунчага эга бўлиш учун унинг асосий шакллари ва белгиларини кўриб чиқиш зарур. **Ўз миқёсига кўра** рақобат икки турга – тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатга бўлинади.

Тармоқ ичидаги рақобат товар ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, юқори фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради. Ҳар бир тармоқдаги мавжуд корхоналарда ишлаётган ишчиларнинг малакаси, уларнинг техника билан таъминланиш ва меҳнат унумдорлиги даражалари турлича бўлганлиги сабабли, ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларнинг индивидуал (алоҳида) қиймати бир хил бўлмайди.

Тармоқ ичидаги рақобат товарларнинг ижтимоий қийматини, бошқача айтганда, бозор қийматини аниқлайди ва белгилайди. Бу қиймат, одатда, ўртача шароитда ишлаб чиқарилган ва муайян тармоқ товарларининг аҳамиятли қисмини ташкил этадиган товарларнинг қийматига мос келади.

Тармоқ ичидаги рақобат натижасида техника даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналар қўшимча фойда оладилар ва аксинча, техника жиҳатдан ночор корхоналар эса ишлаб чиқарилган товар қийматининг бир қисмини йўқотадилар ва зарар кўрадилар.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормасига эришиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат капиталларнинг фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқларга оқиб ўтишига сабаб бўлади. Янги капиталлар кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклиф кўпайишига олиб келади. Шу асосда, нархлар пасая бошлайди. Шунингдек, фойда нормаси ҳам пасаяди. Кам фойда келтирувчи тармоқлардан капиталнинг чиқиб кетиши тескари натижага олиб келади: бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради, товарларга бўлган талаб улар таклиф қилишидан ошиб кетади, бунинг оқибатида нархлар кўтарилади, шу билан бирга фойда нормаси ошади. Натижада тармоқлараро рақобат объектив равишда қандайдир динамик мувозанатни келтириб чиқаради. Бу мувозанат капитал қаерга сарфланганлигидан қатъий назар, тенг капитал учун тенг фойда олинишига интилишни таъминлайди. Демак, тармоқлараро рақобат капитал қайси тармоққа киритилмасин, худди шу тармоқ фойда нормаларини ўртача фойда нормасига «баравларштиради».

Иқтисодий адабиётларда **бир тармоқ ичидаги рақобатнинг** тўртта шакли алоҳида ажратиб кўрсатилади. Булар соф рақобат, соф монополия, монополистик рақобат ва олигополиядир.

Соф рақобат шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда кўп сонли корхоналар мавжуд бўлади. Юқори даражада ташкил қилинган бозорда кўплаб сотувчилар ўзларининг маҳсулотларини таклиф қиладилар. Айни пайтда, ушбу маҳсулот харидор ва истеъмолчиларининг сони ҳам жуда кўп бўлади. Соф рақобатли бозорда алоҳида корхоналар маҳсулот нархи устидан назорат ўрната олмайди ёки назорат сезиларсиз даражада бўлади. Чунки ҳар бир корхонада умумий ишлаб чиқариш ҳажми унча катта бўлмайди. Шу сабабли алоҳида корхонада ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки камайиши умумий таклифга, демак маҳсулот нархига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Соф рақобат шароитида янги корхоналар тармоққа эркин кириши, тармоқда мавжуд бўлган корхоналар эса уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Хусусан, янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг рақобатли бозорда маҳсулотларини сотишга ҳуқуқий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Соф монополияда тармоқ битта корхона ёки фирмадан иборат бўлганлиги сабабли, у мавжуд маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва яккаҳукмронлик шаклланади. Монополия шароитида фирма нарх устидан сезиларли назоратни амалга оширади. Бунинг сабаби оддий бўлиб, у маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва демак, таклифнинг умумий ҳажми устидан назорат қилади.

Монополистик рақобат ўз ичига ҳам монополия, ҳам рақобат унсурларини олади. Бунда тармоқдаги бир турдаги маҳсулотнинг ўнлаб ишлаб чиқарувчилари бир-бирлари билан қулай нарх ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш борасида рақобатлашадилар. Бироқ, айни пайтда, ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини табақалаштириш, яъни шу турдаги бошқа маҳсулотлардан қайси бир жиҳати (сифат даражаси, шакли, қадоқланиши, сотиш шароитлари ва ҳ.к.) бўйича фарқлантириш орқали унинг монопол ишлаб чиқарувчисига айланади.

Олигополия – тармоқда у қадар кўп бўлмаган корхоналарнинг мавжуд бўлиши ва ҳукмронлик қилишидир. Бу олигополиянинг энг муҳим белгиси бўлиб, қайси товарлар ва хизматлар бозорида нисбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмронлик қилса, шу тармоқ олигополистик тармоқ ҳисобланади.

Олигополистик тармоқ бир хил ёки табақалашган маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Кўпчилик саноат маҳсулотлари – пўлат, мис, алюминий, қўрғошин, темир ва шу кабилар физик маънода бир турдаги маҳсулотлар ҳисобланади ва олигополия шароитида ишлаб чиқарилади. Истеъмол товарлари – автомобиллар, кир ювиш воситалари, сигаретлар, маиший электр буюмлари ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар табақалашаган олигополия ҳисобланади.

Олигополия шароитида корхоналар ўртасидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлади. Олигополистик тармоқда ҳеч қайси фирма ўзининг нарх сиёсатини мустақил ўзгартиришга ботина олмайди.

Биз қараб чиққан рақобатнинг тўртта шаклининг ҳар бири миллий иқтисодиётда алоҳида-алоҳида, яъни соф ҳолда учрамайди. Иқтисодиёт соҳаларини батафсил ўрганиш, чексиз кўп ҳар хил рақобатли вазиятлар мавжудлиги шароитида, иккита бир хил тармоқни топиш қийинлигини кўрсатади. Ҳозирда турли даражадаги монополистик тузилмалар ривожланиб бориши билан улар ўртасидаги рақобатнинг шакллари ҳам турли кўринишларда намоён бўлиб бормоқда. Жумладан, **турли монополлашув даражасидаги тузилмалар ўртасида мавжуд бўлишига кўра** қуйидаги рақобат турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) монополлашмаган корхоналар ўртасидаги рақобат;
2) монополиялар ҳамда монополистик бирлашмаларга кирмаган ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат;
3) турли монополиялар ўртасидаги рақобат;
4) монополистик бирлашмалар ичидаги рақобат.

Шунингдек, иқтисодий адабиётларда **ғирром ва ҳалол**

рақобатлашув усуллари ҳам ажратиб кўрсатилади.

Рақобатлашувнинг ноанъанавий, жамият томонидан эътироф этилмаган, ижтимоий ахлоқ қоидалари доирасидан четга чиқувчи, ноиқтисодий (яъни, жисмоний куч ишлатиш, мажбурлаш, рақибларнинг обрўсига путур етказиш ва ҳ.к.) усулларидан фойдаланиш ғирром рақобат деб юритилади. Ғирром рақобат орқали фирмалар ўз рақибларининг тармоққа кириб келишини тажовузкорона ва шафқатсиз бартараф қилиши мумкин. Банкларни, моддий ресурс таъминотчиларини кредит ва материаллар етказиб беришдан воз кечишга мажбурлаш, етакчи мутахассисларни оғдириб олиш, нархни кескин пасайтириш ғирром рақобатнинг оддий усулларидир.

Ҳалол рақобат – рақобат курашида жамият томонидан тан олинган иқтисодий усулларни қўллаш, ўзининг мақсад ва манфаатларига эришишда умумжамият манфаатларига зид келувчи ҳолатларни қўлламаслик каби қоидаларга асосланади. Шу ўринда ҳалол рақобатнинг қуйидаги белгиларини ҳам кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- қалбаки беллашув, мажбурий сафарбарликни тан олмайди;
- боқимандалик, бефарқлик, юзакичилик, кўзбўямачилик каби салбий ҳолатларга барҳам беради;
- қариндош-уруғчиликни, ошна-оғайнигарчиликни, таниш-билишликни, маъмурий-буйруқбозликни тан олмайди.[56]

Рақобат курашининг икки усули фарқланади: нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат.

Нарх воситасида рақобатлашувда курашнинг асосий усули бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархини бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шундай маҳсулотлари нархига нисбатан пасайтириши ҳисобланади. Унинг асосий ва энг кўп қўлланиладиган кўриниши – «нархлар жанги» деб

56 Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. – Т.: «Меҳнат», 1997. 58-59-бетлар.

аталадики, бунда йирик ишлаб чиқарувчилар рақибларини тармоқдан сиқиб чиқариш учун нархни вақти-вақти билан ёки узоқ муддат пасайтириб туради. Бу усулни қўллаш учун ишлаб чиқарувчи бошқа рақибларига қараганда унумлироқ технологияни киритиши, малакалироқ ишчиларни ёллаши ва ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилиши керак бўлади. Фақат шундагина унинг товарининг индивидуал қиймати бозор қийматидан паст бўлиб, мазкур товар нархини пасайтириш имконини беради.

Нарх воситасида рақобатлашиш усулларидан бири – **демпинг нархларни қўллашдир.** Бунда миллий ишлаб чиқарувчилар ўзларининг товарларини бошқа мамлакатларга ички бозордаги нархлардан, айрим ҳолларда таннархидан ҳам паст бўлган нархларда сотади. Шу орқали улар ички бозорда нархларнинг барқарорлигига эришиш мамлакатдаги ортиқча маҳсулотни йўқотиш, янги бозорларга кириб олиш ва унда ўзларининг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

Айрим ҳолларда нарх ёрдамида рақобатлашишнинг белгиланган нархлардан чегирма қилиш, асосий харид қилинган товарларга бошқа товарларини қўшиб бериш, муайян ҳолларда имтиёзли нархларни белгилаш каби усулларидан ҳам фойдаланилади.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда нарх ёрдамида рақобат қилиш ўз ўрнига эга эмас, чунки ишлаб чиқарувчилардан бирининг ўз маҳсулоти нархини пасайтириши унинг рақобатчиларининг ҳам шундай ҳаракат қилишига олиб келади. Натижада фирмаларнинг бозордаги мавқеи ўзгармай, фақат тармоқ бўйича фойда ҳажмини камайтиради.

Нархсиз рақобат шу билан тавсифланадики, бунда рақобат курашининг асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг нафлилиги, сифати, сервис хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи фирманинг обрў-эътибори ҳисобланади.

Нархсиз рақобат билан бир вақтда **яширин нарх ёрдамидаги рақобат** ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда янги товарлар сифатининг ошиши ва истеъмол хусусиятларининг яхшиланиши улар нархларининг ошишига қараганда тез рўй беради. Ҳозирги даврда бир турдаги маҳсулотларнинг кўпайиши уларни сотишни рағбатлантирувчи реклама, товар белгилари ва фабрика муҳрларидан фойдаланишни келтириб чиқармоқда. Истеъмол бозорларида қўшимча хизмат кўрсатиш орқали харидорларни ўзига жалб қилиш кенг тарқалмоқда.

Нархсиз рақобатнинг товар сифатини табақалаштириш каби усули ҳам мавжудки, бунда товарлар бир хилдаги эҳтиёжни қондириши ва бир турга мансуб бўлиши, лекин турли-туман истеъмол хоссаларига эга бўлиши мумкин.

Товарлар талабга нисбатан ортиқча бўлган шароитда ишлаб чиқарувчилар товарларини кредитга сотиш усулидан фойдаланиб рақибларидан устун келишлари мумкин. Бунда дастлаб, товар нархининг фақат бир қисми тўланади, унинг қолган қисми эса шартномада келишилган аниқ муддатларда тўланади.

Фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги шароитда, **техника ва технологиянинг энг янги ютуқлари устидан назорат қилиш** учун кураш рақобатнинг асосий усулларидан бирига айланиб бормоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи корхоналар харидорларни жалб қилиш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларига кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатишни амалга оширмоқдалар. Масалан, компьютер ишлаб чиқарувчи фирма ўз маҳсулотини шунчаки сотиш билан чекланмасдан, балки уни ўрнатиб бериш, корхона ходимларини компьютердан фойдаланишга ўргатиш, кафолатланган муддатда ва ундан кейинги даврда таъмир ишларини бажариш, техникавий хизмат кўрсатиш кабиларни ҳам амалга оширади; маҳсулот хосса ва ўлчамларини буюртмачи эҳтиёжларига яқинлаштиради.

Нархсиз рақобат усуллари ичида **маркетинг** муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш

жараёнини талабга мослаштирувчи тадбирлар тизимидан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида талабни яхши ўрганган ва истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондира оладиган корхоналар ҳар доим рақобат курашида ютиб чиқади.

Йирик ишлаб чиқарувчилар бозордаги вазиятни ўзгартириш учун ўзларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни камайтириб товар таклифини қисқартирадилар. Шу сабабли иқтисодий беқарорлик даврларида ҳам нарх барқарорлигича қолаверади. Шундай қилиб, монополиялар ҳукмрон бўлган шароитда нархсиз рақобат муҳим ўрин тутади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, монополиялар товар сифатини ошириш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш йўли билан сотиладиган товар ҳажмини кўпайтириши мумкин. Иккинчидан, улар молиявий жиҳатдан кучли бўлганлиги сабабли маҳсулотини янгилаш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва рекламага зарур бўлган маблағни сарфлай оладилар.

8.2. Монополияларнинг иқтисодий асослари ва уларнинг турлари

Иқтисодиётда бозор механизмининг самарали амал қилиши ва рақобат муҳитининг таъминланиши монополиялар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва амал қилиш хусусиятларини кўриб чиқишни тақозо этади.

Монополия тушунчасига турли ўқув адабиётларида турлича таъриф берилади. Жумладан, баъзи ўринларда уни «давлат, корхоналар, ташкилотлар, сотувчиларнинг қандайдир хўжалик фаолиятини амалга оширишдаги мутлақ ҳуқуқи» [57]сифатида қаралса, бошқа ҳолатларда «фаолиятнинг у ёки бу соҳасида шахс ёки кишилар гуруҳининг ҳар қандай (баъзи адабиётларда – якка) ҳукмронлик ҳолати» деб таърифланади. Бу таърифлардаги монополиянинг «мутлақ ҳуқуқ» ёки «ҳар

[57] Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. 121-б.

қандай ёки якка ҳукмронлик ҳолати»[58] каби тавсифлари унинг моҳиятини аниқёритиб берольмаслиги сабабли, уни қуйидагича таърифлаш ўринли деб ҳисоблаймиз: **монополия – монопол юқори ёки монопол нархларни ўрнатиш асосида монопол юқори фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиқтисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналар (фирма, корпорациялар) нинг бирлашмалари[59] .**

«Монополия» атамасининг келиб чиқиши бозорга оид тушунчалардан (яъни, грекча «monoc» - ягона, битта ва «poleo» - сотаман) таркиб топсада, бироқ унинг иқтисодий асослари аслида ишлаб чиқаришга бориб тақалади.

Монополиялар вужудга келишининг моддий асоси ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ҳисобланади. **Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йирик корхоналарда тўпланишини намоён этади.** Ишлаб чиқариш тўпланишининг асосий сабаби бўлиб олинаётган фойда ҳажмининг кўпайиши ҳисобланади. Фойдани мунтазам равишда кўпайтириб бориш мақсадида тадбиркор олинган қўшимча маҳсулот (фойда) нинг бир қисмини капиталлаштиради, яъни унга қўшимча ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи сотиб олади. Бу эса баъзи бир корхоналарнинг ўсиши ҳамда ишлаб чиқариш миқёсларининг кенгайишига олиб келади. Шу билан бирга рақобат амалдаги капиталларнинг ихтиёрий ёки мажбурий бирлаштириш, марказлаштириш тенденциясини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш тўпланишининг моддий асоси бўлиб капиталнинг тўпланиши ва марказлашуви ҳисобланади.

[58] Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. – М.: ТК Вебли, Изд-во Проспект, 2005, 191-б.; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. - Т.: «Ўқитувчи», 2002. 246-б.

[59] Бу мазмундаги таърифлар қуйидаги манбаларда ҳам берилган: Шишкин А.Ф. Экономическая теория: Учебное пособие для вузов. 2-е изд. Кн.1. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1996, 597-б.; Борисов Е.Ф. Экономическая теория: учеб. – 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005, 208-б.; Основы экономической теории. Политэкономия: Учебник /Под ред. д-ра экон. наук, проф. Д.Д.Москвина. Изд. 3-е, исправл. – М.: Едиториал УРСС, 2003. 499-б.

Капиталнинг тўпланиши – бу қўшимча қийматнинг бир қисмини жамғариш (капиталлаштириш) натижасида капитал ҳажмининг ошишидир. Бу жараён қуйидаги кўрсаткичлар орқали тавсифланади: корхонадаги ишловчилар сони, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, қайта ишланаётган хомашё миқдори, товар айланмаси ҳажми, фойда ҳажми. Капиталнинг тўпланиши капиталнинг марказлашуви жараёни билан янада тўлдирилади. **Капиталнинг марказлашуви – бу бир капитал томонидан бошқа бирининг қўшиб олиниши ёки бир қанча мустақил капиталларнинг акциядорлик жамияти шаклида ихтиёрий бирлаши**ши орқали капитал ҳажмининг ўсишидир.

Ишлаб чиқаришнинг горизонтал ва вертикал тўпланиши фарқланади.

Ишлаб чиқаришнинг горизонтал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётнинг маълум тармоғи доирасидаги корхона ва фирмаларнинг йириклашувидир. У эркин рақобат даври, шунингдек, XX асрнинг бошларида ишлаб чиқариш тўпланишининг асосий шакли сифатида майдонга тушган эди.

Ишлаб чиқаришнинг вертикал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётдаги бир неча ўзаро боғлиқ тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўпланишидир. У илмий-техника инқилоби шароитларида кенг ривожланди.

Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ўз ривожининг маълум даражасида монополияларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ҳамда монополияларнинг пайдо бўлиши ўртасидаги ички алоқалар қуйидагиларда намоён бўлади:

1) тармоқларда бир неча йирик корхоналарнинг ҳукмрон мавқега эга бўлиши уларнинг бир-бири билан келишувига ҳамда монополистик бирлашмалар тузишига имкон яратади;

2) йирик корхоналар ўртасидаги рақобат жуда қалтис бўлиб, улар учун катта миқёсдаги йўқотишларга олиб келиши мумкин. Шунга кўра, рақобатни чеклаш, товарларга юқори

нархлар белгилаш ва юқори фойда олиш учун йирик ишлаб чиқарувчиларнинг монополистик иттифоқларга бирлашиши лозим бўлади.

Монополияларнинг вужудга келишида ишлаб чиқаришнинг тўпланишидан ташқари яна бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:

1) давлатнинг протекционистик божхона сиёсати. У чет элдаги рақобатчиларнинг ички бозорга кириш имкониятини йўқотиб, монополияларнинг пайдо бўлишига шароит яратади;

2) банклар фаолияти ва молиявий сиёсати. Банклар саноат монополияларининг жадал ўсишига имкон беради.

Монополияларнинг моҳиятини очиб беришда унинг турларини кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Монополияларнинг турларини бир неча мезонларга кўра ажратиш мумкин.

1. Бозорни қамраб олиш даражасига кўра: соф монополия, олигополия ва монопсония.

Соф монополия – тармоқдаги ягона ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги якка ҳукмронлик ҳолати ҳисобланади. Ўзбекистонда соф монополиялар сифатида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» АК кабиларни мисол келтириш мумкин. Дарҳақиқат, улар ўз тармоқларидаги тегишли фаолиятларнинг ягона ишлаб чиқарувчиси ва хизмат кўрсатувчиси ҳисобланадилар. Шунингдек, баъзи ҳолларда тармоқдаги монополист ишлаб чиқарувчилар сонининг кўпайиб бориши монополистик рақобат ҳолатининг вужудга келишига сабаб бўлади. Таъкидлаш жоизки, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида фақат углеводород хомашёси, қимматбаҳо ва рангли металлар, уран хомашёсини қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналарни, шунингдек, табиий монополияларнинг стратегик инфратузилма тармоқларини — темир ва автомобиль йўллари, авиаташувлар, электр энергия ишлаб чиқариш, электр ва коммунал тармоқларини тўғридан-тўғри

давлат бошқарувида сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда.

Олигополия – тармоқдаги бир неча йирик ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги ҳукмронлик ҳолати ҳисобланади. Олигополист ишлаб чиқарувчиларга Ўзбекистонда цемент (асосан Бекобод, Қувасой, Оҳангарон, Навоий шаҳарларида жойлашган), кўмир (Ангрен шаҳри, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё (Шарғун) ва Бойсун (Тўда) туманларида жойлашган) ишлаб чиқаришни мисол келтириш мумкин.

Монопсония – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони жуда кўп бўлиб, улар товар ёки хизматларининг ягона истеъмолчиси ёки харидори мавжуд бўлган шароитдаги якка ҳукмронлик ҳолати ҳисобланади. Мисол тариқасида деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган пахта толаси ва уларни шартнома асосида “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси таркибида пахта хомашёсини қабул қилиш ва қайта ишлашни ташкил қилиш бўйича “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти ва унинг ҳудудий филиалларига сотишини келтиришимиз мумкин. Бунда пахта етиштирувчилар тармоқда чексиз ва улар томонидан етиштирилган пахта хомашёсини фақатгина “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятига сотишади.

2. Монополиянинг вужудга келиши сабаби ва тавсифига кўра: табиий монополия, легал монополия, сунъий монополия фарқланади.

Табиий монополия таркибига камёб ва ишлаб чиқаришнинг эркин тарзда такрор ҳосил қилиб бўлмайдиган унсурлари (масалан, нодир металлар, фойдали қазилмалар ва ҳ.к.)га эга бўлган мулкдорлар ва хўжалик ташкилотлари киради. Шунингдек, мазкур монополия таркибига ўзига хос технологиянинг қўлланиши сабабли рақобатни ривожлантириб бўлмайдиган баъзи бир тармоқлар ва ишлаб чиқариш турлари ҳам киритилади.

Табиий монополия – корхонанинг технологик

хусусиятлари сабабли маҳсулотга бўлган талабни қондириш рақобат мавжуд бўлмаган шароитда самаралироқ амалга оширилувчи товар бозорининг ҳолати. Бундай самарадорлик ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши билан товар бирлигига тўғри келувчи харажатларнинг сезиларли даражада пасайиб боришида намоён бўлади. Шу билан бирга, табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмолини бошқа турдаги маҳсулотлар билан алмаштириб бўлмайди. 2017 йил бошида ҳар бири 10 турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарадиган 151 та табиий монополия субъектлари мавжуд.[60]

Легал (қонуний) монополия – бу қонуний тарзда ташкил этилувчи монополистик ҳолат. Улар таркибига рақобатдан ҳимоя қилувчи қуйидаги монополия шаклларини киритиш мумкин:

1) патент тизими – бу ихтирочи ва муаллифлар томонидан яратилган ихтирольар, фойдали моделлар, саноат намуналарини тасдиқловчи ҳамда уларга мутлақ ҳуқуқни тақдим этиш тизими. Бу жараён махсус гувоҳномалар – патентлар орқали амалга оширилади;

2) муаллифлик ҳуқуқи – илмий, бадиий ва санъат асарлари, ижро санъати фонограммалари, кўрсатувлар, эфир тўлқини ёки кабель орқали тасвир узатиш кабиларни яратиш ва улардан фойдаланиш муносабатларини қонуний тарзда тартибга солиш шакли. Муаллифлик ҳуқуқи фақат муаллифлар томонидан ўз маҳсулотларини маълум вақтга ёки бутунлай сотиш, улардан нусха олиш ва кўпайтиришга рухсат бериш имконини таъминлайди;

3) товар белгилари – бу савдо белгилари, нишонлари, махсус рамзлари, номи ва бошқаларни рўйхатга олиш, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича пайдо бўлган муносабатларни қонуний тарзда тартибга солиш шакли.

Сунъий монополия – монопол фойда олиш мақсадида

[60] Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси маълумоти асосида.

ташкил этилувчи бирлашмаларнинг шартли (табиий монополиялардан ажратиб туриш учун) номи.

Сунъий монополия ўз манфаатлари йўлида бозор муҳити тузилишини атайлаб ўзгартиради, яъни:

- бозорга янги рақибларнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун турли тўсиқлар ҳосил қилади (хомашё ва энергия манбаларини эгаллаб олади; банкларнинг янги корхоналарга кредит беришини тақиқлашга ҳаракат қилади ва бошқалар);
- ишлаб чиқаришнинг энг юксак даражадаги технологиясига эришиб, қолган рақибларининг бу даражага чиқишига имкон бермайди;
- ишлаб чиқариш миқёси самарасидан унумлироқ фойдаланиш имконини берувчи нисбатан йирик ҳажмдаги капитални қўллайди;
- ўз фаолиятини юқори даражада реклама қилиш орқали бошқа рақобатчиларни бозордан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади.

Сунъий монополиялар картель, синдикат, трест, консорциум, концерн каби аниқ шаклларда намоён бўлади.

Картель – битта саноат тармоғидаги бир неча корхоналарнинг уюшмаси бўлиб, унинг иштирокчилари ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотларига ўз мулкий эгалигини сақлаб қолади, яратилган маҳсулотларни сотиш эса квота, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги ҳар бир иштирокчининг улуши, сотиш нархлари, бозорларнинг бўлиб олиниши ва ҳ.к. бўйича келишув асосида амалга оширилади.

Синдикат – бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир неча корхоналарнинг бирлашмаси. Бунда ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик бирлашма иштирокчиларининг ўзида сақланиб қолгани ҳолда, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш махсус ташкил этилган ягона савдо ташкилоти орқали амалга оширилади.

Трест – ишлаб чиқариш воситалари ва тайёр маҳсулотга биргаликдаги мулкий эгаликни таъминловчи ишлаб чиқарувчиларнинг юридик шахс кўринишидаги бирлашмаси.

Консорциум – тадбиркорларнинг йирик молиявий операцияларини биргаликда амалга ошириш мақсадида бирлашуви (масалан, йирик миқёсли лойиҳаларга жуда катта миқдорда ва узоқ муддатли кредит бериш ёки инвестициялар қўйиш).

Концерн – расмий жиҳатдан мустақил бўлган, кўп тармоқли корхоналар (саноат, савдо, транспорт ва банк каби турли соҳа корхоналари) нинг мажмуини ўз ичига олувчи бирлашма. Одатда бундай бирлашма маълум ишлаб чиқариш фаолиятини босқичма-босқич равишда амалга ошириш учун зарур бўлган турли соҳа корхона ва ташкилотларидан тузилади. Бунда бош ташкилот қолган иштирокчилар фаолияти устидан молиявий назорат олиб боради. Ҳозирда сунъий монополияларнинг санаб ўтилган шакллари орасида концернлар кенг тарқалган.

Монополиянинг иқтисодий тараққиётга таъсир қилувчи ижобий ва салбий томони мавжуд. Унинг **ижобий томони** асосан қуйидаги иккита жиҳат орқали намоён бўлади. Биринчидан, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, у маълум тармоқларда нисбатан самарали амал қилади ва харажатларнинг тежалишига олиб келади. Иккинчидан, монополист бўлмаган, майда, рақобатлашувчи соҳа корхоналарига нисбатан монополистик корхоналарда ишлаб чиқаришга илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш учун кўпроқ рағбат ва имконият мавжуд бўлади. Чунки, унча йирик бўлмаган рақобатлашувчи корхоналарнинг одатда молиявий жиҳатдан имкониятлари чекланган бўлиб, улар ишлаб чиқаришга янгиликларни татбиқ этиш орқали келгусидаги даромадларни оширишдан кўра, кўпроқ жорий даромадга эътибор қаратадилар. Бундан ташқари, янги ғоялар рақиблар томонидан жуда тез ўзлаштириб олинади ва, бунинг оқибатида, бу ғояларни амалга ошириш харажатларини бир томон қилгани ҳолда, унинг самарасидан барча фойдаланади. Йирик монополистик фирмаларда молиявий имкониятлар кенг бўлиб, инновациядан олинган фойда уларнинг муаллифларига тегиши аниқ кафолатланади. Монополиянинг **салбий томони**

сифатида қуйидаги жихатларни кўрсатиш мумкин:

1) ресурсларнинг оқилона тақсимланмаслиги. Бу ҳолат монополияларнинг юқори фойда кетидан қувиб, сунъий равишда ишлаб чиқаришни чеклаш воситасида нархларни кўтариши, маҳсулотларнинг у қадар яхши бўлмаган турларини, паст техникавий даражасини, паст сифати ҳамда сотишнинг ёмон шароитларини вужудга келтириши орқали намоён бўлади. Натижада, рақобат шароитида амал қилувчи иқтисодиёт самарадорлигини бозор воситасида тартибга солиш механизми ишдан чиқади.

Монополиялар билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолиятлар эркин ҳамда оқилона танлов имкониятидан маҳрум бўлади, монополияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланмаган шарт-шароит ва нархлари тазйиқига чидай олмайди, иш фаоллигини пасайтириб, баъзи ҳолларда хонавайрон бўладилар. Оқибатда ишлаб чиқариш қисқариб, ишсизлик ва инфляция ўсади, хўжаликнинг издан чиқиши кучаяди. Жамият бойлиги ресурсларнинг оқилона рақобатли-бозор тақсимоти шароитида қўлга киритилиши мумкин бўлган миқдорига қараганда камайиб кетади;

2) даромадлардаги тенгсизликнинг кучайиши. Бу ҳолат ҳам нархларнинг монопол тарзда оширилиши (пасайтирилиши) ҳамда юқори фойда олиниши билан боғлиқ бўлиб, бу аҳоли қолган қисми даромадларининг нисбатан камайишига олиб келади;

3) иқтисодий турғунлик ва фан-техника тараққиётининг секинлашуви. Бундай ҳолатнинг вужудга келиши монополистларнинг рақобатчилар босимини сезмасликлари ҳамда аксарият ҳолларда юқори фойдани қўшимча уринишларсиз ўзларининг бозордаги ҳукмронликлари ҳисобига олишлари мумкин. Бу эса уларни ишлаб чиқаришни рационаллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш имкониятларини қидириш, маҳсулот сифатини ошириш, унинг ассортиментини кенгайтириш, ФТТни ривожлантириш ва харидорлар манфаатлари тўғрисида қайғуриш каби хатти-ҳаракатлардан қайтаради;

4) иқтисодиётда демократик ҳаракатларнинг тўсиб қўйилиши. Монополистлар иқтисодиётдаги эркин ва ҳалол рақобатга тўсқинлик қилиб, нисбатан кучсиз бўлган корхоналарни ўзларига бўйсундиришлари, жамиятга ўз ишчиларининг меҳнатига пасайтирилган миқдорда ҳақ тўлаш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқариш, ўта даражада ошириб юборилган сотиш нархлари (ёки пасайтирилган харид нархлари), ўз маҳсулотини истеъмол қилишга билвосита усул орқали мажбурлаш каби ўзларининг камситувчи шартларини кўндаланг қўйишлари мумкин. Бундан кўринадики, монополистик фаолият иқтисодий ривожланишига анча жиддий таъсир кўрсатиши, тараққиёт йўлига ғов бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра, бугунги кунда деярли барча мамлакатлар иқтисодиётида монополияларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари қўлланилиб, бу **монополияга қарши сиёсат** деб аталади. Давлатнинг монополияга қарши сиёсати асосини **монополияга қарши қонунчилик** ташкил этиб, у турли мамлакатларда турли даражада ривожланган бўлади.

Одатда АҚШдаги монополияга қарши қонунчилик нисбатан илгарироқ ва мукаммалроқ ишлаб чиқилган, деб ҳисобланади. У қуйидаги учта қонунчилик ҳужжатларига асосланади:

1. Шерман қонуни (1890 йилда қабул қилинган). Бу қонун савдони яширин монополлаштириш, у ёки бу тармоқдаги якка назоратни қўлга олиш, нархлар бўйича келишувларни тақиқлайди.

2. Клейтон қонуни (1914 йилда қабул қилинган). Бу қонун маҳсулот сотиш соҳасидаги чекловчи фаолиятларни, нарх бўйича камситиш, маълум кўринишдаги бирлашиб кетишлар, ўзаро боғланиб кетувчи директоратлар ва бошқаларни тақиқлайди.

3. Робинсон-Пэтмэн қонуни (1936 йилда қабул қилинган). Бу қонун савдо соҳасидаги чекловчи фаолиятлар, «нархлар қайчиси», нарх бўйича камситишлар ва бошқаларни тақиқлайди.

1950 йилда Клейтон қонунига Селлер-Кефовер тузатиши киритилди. Унда ноқонуний бирлашиб кетишлар тушунчасига

аниқлик киритилиб, активларни сотиб олиш орқали бирлашиб кетиш тақиқланди. Агар Клейтон қонуни йирик фирмаларнинг горизонтал равишдаги бирлашиб кетишларига тўсиқ қўйган бўлса, **Селлер-Кефовер тузатиши** вертикал равишдаги бирлашиб кетишларга чеклов киритди.

8.3. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини шакллантириш ва монополияга қарши қонунчилик

Рақобатнинг амал қилиши маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлишини тақозо қилади. Бу шарт-шароитлар фақат бозор муносабатлари қарор топган муҳитда бўлиши мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айни вақтда рақобатчилик муҳитининг шаклланишини билдиради. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда рақобатчилик муҳити узоқ давр давомида, ўз-ўзидан, эволюцион йўл билан вужудга келган. Бу аста-секин эркин рақобат муҳитини келтириб чиқарган.

Иқтисодиётда монополлашув тамойиллари кучайиб бориши билан рақобат чекланади, шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади. Бу эса, юқорида таъкидланганидек, давлатнинг монополияларга қарши сиёсатида ўз аксини топади. Ҳар бир мамлакатдаги аниқ вазият, яъни иқтисодиётнинг монополлашув даражаси унинг миқёси ва тавсифига қараб, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш, уни сақлаб қолиш, зарур бўлганда қайтадан тиклаш, рақобат усулларини қарор топтириш кабиларга қаратилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясига кўра, - “иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш”[61] вазифаси белгиланган. 2017 йилдан

[61] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони. 3.2-банди.

бошлаб иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобат муҳитини яратиш ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар бозорида босқичма-босқич монополияни қисқартириш кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга киришилди.

Лекин, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар шаклидаги монополиялар сақланиб қолган бўлиб, улар кўпинча тармоқ вазирликлари мавқеига эга бўлиб, маҳсулот ва хомашёларнинг алоҳида турларини лимит ва фонд кўринишида тақсимлашнинг эскича тизими, шунингдек, бизнесни амалга ошириш учун рухсат, лицензия, сертификатлар бериш, келишиш каби маъмурий тўсиқлар монополистик тенденцияларга кўпроқ имкон яратади. Иқтисодий тараққиётга тўсиқ бўлувчи бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади”[62] , деб таъкидланади.

Ўзбекистонда самарали рақобат муҳитини яратиш учун қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо этади:

а) иқтисодиётда давлат монополизмининг ҳар қандай намоён бўлишини максимал даражада бартараф этиш. Бунинг учун тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизимини такомиллаштириш учун нисбатан қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган чуқур институционал ислоҳотлар зарур;

б) бозор шароитида вужудга келаётган монополияларнинг бозордаги ўз устунлик мавқеларини суиистеъмол қилиш имкониятларининг олдини олиш. Давлат муассасалари рақобат ривожланишини таъминлашлари лозим.

[62] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь.

Бусиз самарали инновациялар, паст харажатлар ва нархлар, маҳсулотнинг юқори сифатига эришиш, бошқача айтганда, бутун иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин эмас[63].

Ўзбекистонда давлатнинг рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатида хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисобидан мулкчиликнинг бошқа шаклларини вужудга келтириш асосий ўрин тутади. Хусусийлаштириш натижасида, биринчидан, мулк ўз эгалари қўлига топширилса, иккинчидан, кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиради. Шундай қилиб, Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўли, бу рақобатни инкор қилувчи давлат монополиясидан нодавлат, турли хўжалик шаклларининг мавжудлигига асосланган ва иложи борича эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу ерда рақобатчилик муносабатларини шакллантириш, аввало, мустақил эркин товар ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлишини тақозо қилади, чунки рақобатнинг асосий шарти алоҳидалашган, мулкий масъулият асосида ўз манфаатига эга бўлган ва тадбиркорлик таҳликасини зиммасига олувчи эркин хўжалик субъектларининг мавжудлиги, уларнинг бозор орқали алоқа қилишидир. Шу мақсадда Ўзбекистонда «Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Қонун (1992 йил, август) кучга киритилди (ҳужжат кучини йўқотган, 8.01.1997) ҳамда унинг асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир туркум меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Мазкур қонунга кўра, бозорда атайлаб тақчиллик ҳосил қилиш, нархларни монополлаштириш, рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш, рақобатнинг ғирром усулларини қўллаш ман этилади. Қонунни бузувчилар рақибига етказган зарарни қоплашлари, жарима тўлашлари, ғирромлик билан олган фойдадан маҳрум этилишлари шарт.

[63] Шадыбаев Т. и др. Особенности антимонопольной политики в Узбекистане: общие принципы и правовая база. - Экономическое обозрение, №2, 2004, с.5.

Иқтисодиёт ва монополияга қарши амалиёт соҳасидаги аҳамиятли ўзгаришлар тегишли қонунчилик базасини янада такомиллаштиришни тақозо этди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 27 декабрда «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги янги Қонун қабул қилинди (ҳужжат кучини йўқотган, 07.01.2012). Ушбу қонун монополистик фаолият ва ғирром рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб бериб, республиканинг товар бозорларида рақобат муносабатларини шакллантириш ва самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, қонунда асосан иккита муҳим йўналиш, яъни биринчидан, монополияга қарши тарибга солишнинг тамойилиал янги кўриниши бўлиб, у мавжуд ва сақланиб қолган монополистлар томонидан бозорда ҳукмронлик мавқеини суиистеъмол қилишнинг олдини олиш ва унга барҳам беришни кўзда тутса, иккинчидан, энг асосий муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланган монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш эканлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун монополияларнинг амал қилишини тақиқламай, балки бозорда уларнинг ҳукмронлиги оқибатида келиб чиқувчи салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган. Қонунда кўзда тутилган тақиқлар ҳам ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари учун, ҳам Ўзбекистон ва бошқа ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари учун хос бўлган монополистлар хатти-ҳаракатига қарши қаратилган эди.

Лекин бозор иқтисодиётининг ривожланиб бориши билан шарт-шароитлар ва талаблар ўзгариб, бу қонунлар аста секинлик билан ўз кучини йўқота бошлади. Шунинг учун 2012 йил 6 январда янги “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, олдинги «Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Қонуни (1992 йил, август) ҳамда «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонуни (1996 йил 27 декабр) ўз

кучини йўқотган деб ҳисобланди. Қабул қилинган янги Қонун ҳамда кейинги йилларда мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорлар асосида тармоқларда монопол ҳисобланган бир қанча уюшмалар тугатилиб, ўрнида мустақил корхоналар вужудга келтирилди, бу эса рақобат муҳитининг янада кучайишига олиб келди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш ҳам долзарб вазифа ҳисобланади.

Шу сабабли ҳам мамлакатимизда яратилган технологияларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, "ноу-хау" намуналарини яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш зарур бўлади.

Хулосалар

1. Рақобат бозор иқтисодиётининг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, у бир томондан, ишлаб чиқариш муносабати сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан эса ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи механизм сифатида намоён бўлади. Рақобат ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш ва иқтисодий ресурсларни оптимал тақсимлашга имкон яратади.

2. Ўз миқёсига кўра рақобат энг аввало икки турга – тармоқ ичидаги рақобатга ва тармоқлараро рақобатга бўлинади. Иқтисодий адабиётларда бир тармоқ ичидаги рақобатнинг тўртта шакли алоҳида ажратилиб кўрсатилади. Булар соф рақобат, монополлашган рақобат, соф монополия ва олигополиядир. Соф рақобат ва соф монополия реал ҳаётда кам учрайди.

3. Рақобат – хўжалик юритишнинг асосий дастакларидан бири ҳисоблангани учун рақобат муҳитининг шаклланиши бозор иқтисодиётининг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Рақобат муҳити деб бозор муносабатлари иштирокчиларининг

хўжалик юритишда тенг имкониятларни таъминлайдиган иқтисодий, қонуний, ташкилий ва сиёсий шароитлар мажмуасига айтилади. Рақобат муҳитининг мавжудлиги – алоҳида олинган фирманинг бозор шароитида эркин ҳаракат қилишга эришишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

4. Монополияни тартибга солиш – миқдоран ҳисоблаш имконияти кам бўлган жуда мураккаб жараёндир. Ўзбекистонда давлатнинг монополияга қарши чора-тадбирлари нафақат монополияни чеклаш, балки монополиядан чиқариш жараёни билан узвий равишда олиб борилмоқда. Жуда кўплаб тармоқларда ҳукмрон мавқега эга бўлган корхоналар (улар ягона корхона-тармоқ сифатида иш юритишар эди) хусусийлаштирилиб, мустақил корхоналарга айлантирилди ва натижада тармоқда рақобат муҳити шакллантирилди.

5. Давлатнинг монополияга қарши қонунчилиги рақобатлашувчи субъектлар ишчанлигини сусайтирмайдиган даражада етарлича мослашувчан бўлиши даркор.

Асосий таянч тушунчалар:

Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашдан иборатдир.

Тармоқ ичидаги рақобат – ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, юқори фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида борувчи кураш.

Тармоқлараро рақобат – турли тармоқлар ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган кураш.

Ғирром рақобат – рақобатлашувнинг ноанъанавий, жамият томонидан эътироф этилмаган, ижтимоий ахлоқ қоидалари доирасидан четга чиқувчи, ноиқтисодий (яъни, жисмоний куч ишлатиш, мажбурлаш, рақибларнинг обрўсига путур етказиш ва ҳ.к.) усулларидан фойдаланиш.

Ҳалол рақобат – жамият томонидан тан олинган иқтисодий усулларни қўллаш, ўзининг мақсад ва манфаатларига

эришишда умумжамият манфаатларига зид келувчи ҳолатларни қўлламаслик каби қоидаларга асосланган рақобат кураши.

Нархвоситасидарақобатлашув–ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархини бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шундай маҳсулотлари нархига нисбатан пасайтириши асосидаги кураш.

Нархсиз рақобатлашув – асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сервис хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи фирманинг обрў-эътибори ҳисобланган кураш.

Монополия – монопол юқори нархларни ўрнатиш ҳамда монопол юқори фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиқтисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналар (фирма, корпорациялар)нинг бирлашмалари.

Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши – ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йирик корхоналарда тўпланиши.

Капиталнинг тўпланиши – қўшимча қийматнинг бир қисмини жамғариш (капиталлаштириш) натижасида капитал ҳажмининг ошиши.

Капиталнинг марказлашуви – бир капитал томонидан бошқа бирининг қўшиб олиниши ёки бир қанча мустақил капиталларнинг акциядорлик жамияти ва бошқа шаклларда ихтиёрий бирлашиши орқали капитал ҳажмининг ўсиши.

Соф монополия – тармоқдаги ягона ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги ва бинобарин, фойда олишдаги якка ҳукмронлик ҳолати.

Олигополия – тармоқдаги бир неча йирик ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги ҳукмронлик ҳолати.

Монополистик рақобат – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони кўп ҳамда улар ўртасида маълум даражада рақобат мавжуд бўлган, бироқ ҳар бир ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи ўз товар ёки хизматининг алоҳида,

махсус хусусиятлари мавжудлиги сабабли уларнинг нархи ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги маълум даражада ҳукмронлик ҳолати.

Монопсония – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони жуда кўп бўлиб, улар ишлаб чиқарган товар ёки хизматларининг истеъмолчиси ёки харидори ягона бўлган шароитдаги якка ҳукмронлик ҳолати.

Табиий монополия – корхонанинг технологик хусусиятлари сабабли маҳсулотга бўлган талабни қондириш рақобат мавжуд бўлмаган шароитда самаралироқ амалга оширилувчи товар бозорининг ҳолати.

Легал (қонуний) монополия – қонуний тарзда ташкил этилувчи монополистик ҳолат.

Сунъий монополия – монопол фойда олиш мақсадида ташкил этилувчи бирлашмаларнинг шартли (табиий монополиялардан ажратиб туриш учун) номи.

Картель – иштирокчилари ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотларига ўз мулкий эгалигини сақлаб қолиб, яратилган маҳсулотларни сотиш эса квота асосида амалга ошириладиган битта саноат тармоғидаги бир неча корхоналарнинг уюшмаси.

Синдикат – ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик бирлашма иштирокчиларининг ўзида сақланиб қолгани ҳолда, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш махсус ташкил этилган ягона савдо ташкилоти орқали амалга оширилувчи, бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир неча корхоналарнинг бирлашмаси.

Трест – ишлаб чиқариш воситалари ва тайёр маҳсулотга биргаликдаги мулкий эгаликни таъминловчи ишлаб чиқарувчиларнинг юридик шахс кўринишидаги бирлашмаси.

Консорциум – тадбиркорларнинг йирик молиявий операцияларини биргаликда амалга ошириш мақсадида бирлашуви.

Концерн – расмий жиҳатдан мустақил бўлган, кўп тармоқли корхоналар (саноат, савдо, транспорт ва банк каби турли соҳа корхоналари) нинг мажмуини ўз ичига олувчи бирлашма.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Рақобатнинг моҳияти ва мақсадини тушунтириб беринг.
2. Рақобатнинг асосий вазифалари нималардан иборат? Бу вазифаларнинг бир-биридан фарқини ажратиб кўрсатинг.
3. Рақобат шаклларига тушунча беринг ва уларнинг ҳар бирига хос белгиларини кўрсатинг.
4. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатнинг фарқини тушунтириб беринг.
5. Ҳалол ва ғирром рақобатлашув усулларига нималар киради?
6. Рақобатлашувнинг демпинг нархларни қўллаш усули қандай шароитларда амалга оширилади?
7. Монополия нима ва унинг вужудга келишининг иқтисодий асослари нималардан иборат? Монополиянинг қандай турлари мавжуд?
8. Капиталнинг тўпланиши ва марказлашуви ўртасида қандай фарқ бор?
9. Табиий, легал ва сунъий монополияларнинг бир-биридан фарқланишини кўрсатинг.
10. Монополиянинг ижобий ва салбий томонлари нималарда намоён бўлади?
11. Монополияга қарши сиёсат ва монополияга қарши қонунчиликнинг моҳияти қандай?
12. Рақобат муҳитининг шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
13. Ўзбекистонда рақобатни қўллаб-қувватловчи ва монополияга қарши курашувчи қандай ташкилотлар мавжуд?

9-боб. НАРХНИНГ МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нарх бевосита товарнинг қиймати ва нафлилиги билан боғлиқ бўлсада, ўзи мустақил амал қиладиган иқтисодий категория ҳисобланиб, бозор механизмининг муҳим таркибий

унсурларидан биридир. У ўзининг вазифалари орқали барқарор иқтисодиётнинг шаклланиши ҳамда самарали амал қилишига, бозор мувозанатининг таъминланишига, миллий даромаднинг иқтисодиёт турли тармоқ ва соҳалари, хўжалик юритувчи субъектлари бўйича тақсимланишига, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишига шароит яратади. Шунингдек, у ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириб, соғлом рақобат муҳитининг яратилишига катта таъсир кўрсатади. Президентимиз таъкидлаганидек, “Давлат томонидан 37 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархининг тартибга солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир қилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратишимиз керак”[64].

Ушбу бобда нархнинг иқтисодий мазмуни ва вазифалари, шаклланиш тамойиллари, нарх даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар, нарх турлари батафсил баён этилади. Шунингдек, турли даражадаги рақобат шароитида нархнинг шаклланиш хусусиятлари, давлатнинг нарх сиёсати ва унинг Ўзбекистондаги ўзига хос жиҳатлари ҳам кўриб чиқилади.

9.1. Нархнинг мазмуни, вазифалари ва унинг даражасига таъсир этувчи омиллар

Товарлар қиймати ва уларнинг нафлилиги ўзларининг намоён бўлишини нархда топади. Амалий ҳаётда қиймат товар ишлаб чиқарувчиларни, нафлилик эса истеъмолчиларни рағбатлантирувчи, уларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида амал қилади.

Товарнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган, лекин доимо бир-бирини тақозо этадиган, бирисиз иккинчиси бўлмайдиган икки хусусиятга, яъни маълум бир нафлиликка (истеъмол

[64] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь.

қийматига) ва қийматга эга эканлиги, товар ёки хизмат шу икки хусусият бирлигидан иборат эканлиги ўқувчига олдинги боблардан маълум. Олдинги ўринларда биз товарнинг қиймати ҳар қандай сарфларни эмас, балки мавжуд шароитда шу товарни ижтимоий зарурий миқдорда ва сифатда ишлаб чиқариш, яъни ижтимоий-зарурий нафлиликни яратиш учун зарур бўлган ижтимоий зарурий сарфларни ифода этишини айтиб ўтган эдик. Нархлар мазмунини аниқлашда товардаги мана шу икки хил хусусиятнинг, яъни ижтимоий қиймат ва ижтимоий нафлилик бирлигини, бунда истеъмол қиймати (нафлилик) қийматни ўзида олиб юрувчи моддий асос эканлигини тўғри ҳисобга олмаслик, унинг мазмунини очишда масалага бир томонлама ёндашиш натижасида, нарх мазмуни турли олимлар ва оқимлар томонидан турлича аниқланмоқда ва унга турлича таъриф берилмоқда. Бунинг устига нархнинг даражасига (юқори ёки паст бўлишига), унинг ўзгаришига турли хил омиллар таъсир қиладики, бу ҳам масалани тўғри тушунишни бир оз чигаллаштиради. Масалан, инглиз классик сиёсий иқтисод мактаби вакилларининг ғояларида ҳамда олдинги сиёсий иқтисод дарсликларида нархнинг асосини қиймат ташкил қилади дейилган бўлса, маржинализм йўналишидаги ва ҳозирги даврдаги П.Самуэльсон, К.Макконнелл ва С.Брюларнинг «Экономикс» дарсликларида, шунингдек, яқинда чоп этилган айрим иқтисодиёт назарияси ўқув қўлланмаларида товар нархининг асосини унинг нафлилиги, аниқроқ айтганда, қўшилган миқдор нафлилиги ташкил қилади, деган фикрлар берилади. Бунда сўнгги қўшилган миқдор нафлилигига алоҳида эътибор берилади. Учинчи гуруҳ олимлар эса нарх талаб ва таклиф асосида ташкил топади дейишади. Уларнинг ҳар бири ўзларича турли далиллар топиб, ўз ғояларини исботлашга ҳаракат қиладилар.

Росияда чоп этилган бир қатор «Иқтисодиёт назарияси» дарсликларида товарнинг икки хил хусусияти ва бинобарин, ҳар икки хил назариянинг моҳияти, мазмуни ва уларнинг нархни тўғри аниқлашдаги роли берилади, лекин нархнинг

асосида нима ётиши ҳақида аниқ фикр берилмайди.

Алоҳида товарларга қилинган меҳнат сарфлари турлича бўлиб, улардан айримлари ижтимоий меҳнат сарфи сифатида тўлиқ тан олинса, бошқаси қисман тан олинади, учинчиси эса умуман тан олинмаслиги мумкин. Бундан кўриниб турибдики, бозордаги мавжуд нархларга меҳнат сарфлари ёки қийматнинг айнан ўзи деб қараш нотўғридир. Чунки унга меҳнат сарфидан бошқа омиллар ҳам таъсир қилиб, натижада нарх қийматдан паст ёки юқори бўлиши мумкин. Жумладан, ўзгариб турувчи талаб ва таклиф таъсири остида бирор товарнинг бозор нархи тебраниб, унинг қийматидан у ёки бу томонга фарқланиши мумкин. Рақобат ҳам қиймат – нарх нисбатига худди талаб ва таклиф каби таъсир кўрсатади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, харидор у ёки бу товарни сотиб олишда, нафақат унинг қанча туришини, балки мазкур товарнинг истеъмол хусусиятлари ўзининг эҳтиёжи ва дидига қанчалик мос келишини, яъни унинг нафлилигини ҳам ҳисобга олади. Товарнинг харид қилиниши унинг алоҳида олинган бир киши учун эмас, балки жамият учун нафлилигини ва шу билан бирга ижтимоий қийматини ҳам тан олишни билдиради. Шу сабабли, «ижтимоий нафлилик» тушунчасининг ўзи бирор товар (хизмат) нинг жамият учун нафлилиги, қадр-қимматга эгалигини кўрсатади. Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, **нарх ўзида фақатгина қиймат ёки нафлиликнинг бирини эмас, балки ҳар иккаласининг бир вақтда мавжудлигини ва уларнинг маълум миқдорини пул кўринишида ифода этади.** Товардаги икки хусусият бирданига тан олинмаса, у пулда ифодаланмаса олди-сотди содир бўлмайди. Чунки товарнинг қиймати томонида сотувчининг манфаати, нафлилиги (истеъмол қиймати) томонида эса харидорнинг манфаати ётади. Товар эгаси товар ишлаб чиқариш сарфларини қоплаб, маълум даражада, иложи борича кўпроқ фойда олишни таъминлаши мумкин бўлган қийматни пул шаклида ўзлаштиришга интилса, харидор иложи борича сарфлаётган пулининг ҳар бир бирлигига

кўпроқ нафлилик (истеъмол қиймати) олишга ҳаракат қилади. Уларнинг манфаатлари тўғри келган нуқтада, даражада нарх ўрнатилиб, товар-пул алмашуви, олди-сотди содир бўлади. Бу ҳолатни яхшироқ тасаввур қилиш учун қуйидаги 9.1-расмга эътиборни жалб этамиз.



9.1-расм. **Нарх товардаги икки хил хусусиятларнинг пулдаги ифодаси.**

Бу расмдан товарнинг нархи маълум бир иқтисодий жараённи ифода этувчи мустақил илмий тушунча эканлиги, товарнинг икки хусусиятига асосланишини, улар билан чамбарчас боғлиқликда ўзгаришини кўриш мумкин.

Ундан ташқари, ҳозиргача иқтисодий фанларда реал ҳаётда турли-туман товарлар ва хизматлар нафлилигини, уларнинг ўзгаришини бир кўрсаткичга келтириб ҳисоблашнинг пул кўринишидан бошқа ўлчами топилган эмас. Нафлиликнинг маржиналистлар томонидан киритилган шартли ўлчами – ютиль (инглизча utility – нафлилик) ҳам турли товарлар нафлилиги ҳисобини олиб боришга қодир эмас. Булардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, **нарх – реал бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлилигининг пулдаги ифодасидир.**

Бу ерда шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, нархда алоҳида олинган ишлаб чиқарувчиларнинг индивидуал сарфлари эмас ёки алоҳида олинган индивидуал шахсларнинг психологик жиҳатдан нафлиликка берган баҳоси ҳам эмас, балки жамият томонидан тан олинган ижтимоий сарфлар ва жамият учун зарур бўлган миқдорда ва сифатда яратилган

ва тан олинган ижтимоий нафлилик (истеъмол қиймати) ўз ифодасини топади. Товарлар ва хизматлар учун қилинган ижтимоий сарфларнинг асосли равишда ўсиши ёки товар ва хизматдаги сифат кўрсаткичларининг ўсиши ушбу товар нархининг ошишига олиб келади. Масалан, автомобиль двигателида от кучининг ошиши, салони, бошқарув тизими ва тезлигида бўлган ўзгаришлар унинг нархи ошишига сабаб бўлади. Чунки шу ўзгаришлар билан бир вақтда унга сарфланган харажатлар ҳам ошган бўлади. Бундай икки томонлама ўзгаришлар натижасида нархларнинг ўзгариши ҳамма товарлар ва хизматларга хосдир. Нарх товар ва хизматлардаги икки хусусиятнинг пулдаги ифодаси сифатида, уларнинг ўзгариши натижасида ўзгаради. Шунинг учун реал ҳаётда турли товарлар ва хизматлардаги икки хил хусусият ўзгаришлари уларнинг ҳажмини ҳисоблашда икки хил нархда ҳисобга олинади (9.2-расм).



9.2-расм. **Товардаги икки хил хусусиятни ифодаловчи нархларнинг маҳсулот ҳажмини ҳисоблашда қўлланиши.**

Нархнинг иқтисодий мазмуни унинг вазифалари кўриб чиқилганда янада яққол намоён бўлади. Нарх қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

1. **Мувозанатликни таъминлаш вазифаси.** Бунда нарх бозорда талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради. **Бозор нархи – бу мувозанатлашган нарх бўлиб, у биринчидан,**

товарларнинг сотилишини таъминлайди, иккинчидан, бозорда товарлар тақчиллигини юзага келтирмайди.

2. Қиймат ва нафлиликни ўлчаш вазифаси. Нарх қиймат ва нафлиликнинг пулдаги ифодаси деб айтамиз, чунки қилинган сарф-харажатлар ва олинган натижалар (фойда ёки зарар) нархлар асосида ҳисоб-китоб қилинади. Ишлаб чиқариш ва унинг натижаларининг натурал кўрсаткичлари ҳам мавжуд (тонна, кг, м2, квт-соат ва ҳоказо). Бу кўрсаткичларни шу ҳолича таққослаб, умумий кўрсаткичга келтириб бўлмайди. Барча натурал кўрсаткичларнинг умумий ўлчови уларнинг пулда ифодаланган нархидир. Ҳисоб-китоб учун жорий ва қиёсий нархлар қўлланилади. **Жорий нархлар амалдаги нархлар бўлиб, улар ёрдамида йил давомидаги ишлаб чиқариш натижалари ҳисобланади. Қиёсий нархларда маълум йил (базис йил) асос қилиб олиниб, ишлаб чиқаришнинг натижалари шу нархда ҳисобланади ва бошқа йиллар билан таққосланади.** Ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад, реал иш ҳақи ва шу каби кўрсаткичлар динамикаси қиёсий нархларда ҳисобланади. Чунки жорий нархлар инфляция ва бошқа омиллар туфайли ўзгариши ва реал иқтисодий натижани кўрсатмаслиги мумкин.

3. Тартибга солиш вазифаси. Бозор ҳолати (конъюнктураси) талаб ва таклиф ҳамда уларнинг нисбатига боғлиқ. Талабнинг ортиши муайян товарни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, аксинча ҳолатда эса товар ортиқчалигини, уни ишлаб чиқаришни қисқартириш зарурлигини билдиради. Нарх товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятига уларнинг даромадлари орқали таъсир кўрсатади. Муайян товарнинг бир-бирига ишлаб чиқариш харажатлари миқдори ўзгармаган ҳолда нарх юқори бўлса, фойда миқдори ортади, нарх тушса, фойда камаяди ва ҳатто ишлаб чиқарувчилар зарар кўриши ҳам мумкин. Бу ишлаб чиқарувчилар фаолиятига кучли таъсир кўрсатади. Нарх ошса, ишлаб чиқариш кенгаяди. Бошқа капиталлар ҳам фойда юқори бўлган соҳа ва тармоқларга оқиб кела бошлайди. Хуллас, нарх ишлаб чиқаришни тартибга

солиб, уни ўзгартириб туради ва ривожини таъминлайди.

4. Рақобат воситаси вазифаси. Нарх рақобат курашининг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар ўз рақибларини енгиш учун нархни пасайтириш усулидан фойдаланишлари мумкин. Демак, нархни ўзгартириб туриш усули рақобатда кенг қўлланилади.

5. Ижтимоий ҳимоя вазифаси. Нарх аҳолининг кам даромад олувчи айрим қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради. Нархнинг бу вазифаси товар (хизмат)лар ижтимоий дотацияланган нархлар бўйича сотилганда бажарилади. Бунда улар давлат бюджети ва турли хайрия маблағлари ҳисобига молиявий таъминланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида ижтимоий ҳимоя вазифасини ўтовчи нархлар, аҳолининг кенг қатламларини ҳаётий зарур истеъмолчилик товарлари билан минимал даражада таъминлаш мақсадида ҳам қўлланилади. Масалан, бизнинг республикамизда 1991 йилдан 1995 йилгача ун ва ун маҳсулотлари, қанд-шакар, гўшт, ўсимлик мойи, чой, совун каби маҳсулотлар дотацияланган нархларда, чекланган миқдорда сотилди. Уларнинг дотацияланган ва ҳақиқий нархлари ўртасидаги фарқ бюджет маблағлари ҳисобига қоплаб борилди. Шундай қилиб, нарх бозор муносабатларининг воситаси сифатида бир-бири билан узвий боғланган муҳим вазифаларни бажаради.

Нархнинг мазмунини тўлароқ тушунишда, унинг даражасига таъсир этувчи омилларни билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Булардан асосийлари – бўлиб қиймат ёки ишлаб чиқариш сарфлари; товарнинг нафлилик даражаси; мазкур товарга талаб ва таклиф нисбати; рақобат ҳолати; давлатнинг иқтисодий сиёсати ва ҳ.к. ҳисобланади. Бу омиллар ичида товар қиймати ва нафлилиги унинг нархини белгиловчи асос бўлиб хизмат қилади (9.3-расм).

Бошқа омиллар эса нархнинг ижтимоий қиймат билан ижтимоий нафлилик миқдори атрофида гоҳ биринчисининг, гоҳ иккинчисининг фойдасига тебранишига сабаб бўлади.

Масалан, талаб ва таклиф нисбатини олайлик. Агар товарларнинг айрим турига талаб таклифга нисбатан баланд бўлса, ижтимоий қиймат ўзгармаган ҳолда нархнинг даражаси нисбатан юқори бўлади, ёки аксинча таклиф талабга нисбатан кўпроқ бўлса, ижтимоий қиймат ўзгармаган ҳолда нархнинг даражаси унга нисбатан паст бўлади.



9.3-расм. Нарх даражасига таъсир қилувчи омиллар.

Ҳозирги даврда иқтисодиёт назарияси бўйича чоп этилаётган кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмаларда нарх даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида пулнинг қадр-қиммати эътибордан четда қолмоқда. Ҳолбуки, пулнинг қадр-қимматининг ўзгариши ҳам нарх даражасига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу, айниқса, миллий валютани чет эл валюталарига айирбошлаш нисбатининг ўзгариши орқали яққолроқ намоён бўлади. Масалан, 1 АҚШ доллари 1300 сўмга тенг бўлган чоғда 10 доллар турувчи қандайдир товарнинг нархи 13000 сўм бўлади. Агар сўмнинг қадри ошиб, 1 доллар 1000 сўмга тенглашса, у ҳолда шу товарнинг нархи 13000 сўм эмас, балки 10000 сўм бўлади. Нарх даражасига бошқа омилларнинг таъсири масаласига алоҳида тўхталмаса ҳам бўлади. Чунки солиқ миқдори қанча кўп бўлса, нарх даражаси шунча юқори бўлиши ҳаммага аёндир.

9.2. Нарх турлари ва уларнинг мазмуни

Иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқларидаги ишлаб чиқариш ва сотиш шароитларининг хилма-хиллиги ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиши даражасидаги фарқлар нарх турларини фарқлаш заруратини туғдиради. **Иқтисодиётда амал қилиб турган барча нарх турлари нарх тизимини ташкил қилади.** Нархлар тизимида уларнинг айрим турларининг иқтисодий мазмунини қисқача қараб чиқамиз.

Улгуржи нарх – ишлаб чиқарувчилар томонидан катта миқдордаги товарлар бир йўла кўтарасига сотилганда қўлланиладиган нарх. Улгуржи нарх ишлаб чиқарувчилар ва таъминлаш-сотиш ташкилотлари харажатларини қоплаши ҳамда уларнинг маълум миқдорда фойда кўришини таъминлаши зарур. Улгуржи нарх товар биржалари ва савдо уйларида ҳам қўлланилади.

Шартнома нарх – сотувчи ва харидорнинг розилиги билан белгиланадиган, улар томонидан тузилган шартномада қайд қилинган нарх. Шартнома нарх одатда шартнома битими амал қилиб турган даврда ўзгармайди. Мазкур нарх ҳам миллий, ҳам халқаро бозорларда қўлланилади. У халқаро бозорда қўлланилганда товар (хизмат)ларнинг жаҳон нархларига яқин туради.

Чакана нарх – товарлар бевосита истеъмолчиларга сотиладиган нарх. Чакана нархга товарнинг улгуржи нархи, чакана савдо ташкилотларининг харажатлари ва уларнинг оладиган фойдаси киради. Чакана нарх товарларга бўлган талаб ва таклифни боғловчи ролини ўйнайди ҳамда уларнинг нисбатига қараб юқори ёки паст бўлиши мумкин.

Давлатнинг нархларни тартибга солиш фаолияти чегараланган (лимитланган) ва дотацияланган нархларни вужудга келтиради. **Чегаралланган нарх – давлат томонидан юқори ва қуйи чегаралари белгиланиб, шу доирада ўзгариши мумкин бўлган нарх.** Бундай нарх ёрдамида давлат

инфляцияни жиловлайди, нарх даражасини назорат қилади. **Дотацияланган нарх – давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нарх.** Бундай нархдан кам даромадли оилалар, бева-бечоралар, ишсиз ва ногиронларни ҳаётий зарур неъматлар билан энг кам даражада таъминлаб туришда фойдаланилади.

Демпинг нарх – бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва рақибларини бозордан сиқиб чиқариш учун фирмалар томонидан фойдаланиладиган махсус нарх. У «бозорга кириб олиш нархи» деб ҳам аталади. Демпинг нархда расмий нархнинг бир қисмидан кечиб юборилади.

Нуфузли нарх – сотиш ҳажмини ўзгартирмасдан, юқори фойда олишга эришиш учун фирмалар томонидан фойдаланиладиган нарх. Бу нархни қўллаш учун бозорда рақобат чекланган бўлиб, монопол вазият мавжуд бўлиши зарур. Мазкур вазиятда талаб нархга боғлиқ бўлмайди, шу сабабли нархнинг кўтарилиши товар сотилишини кескин камайтирмайди. Бундан ташқари аҳолининг юқори даромад олувчи қатлами харид қиладиган нуфузли товарлар ҳам мавжудки, улар нуфузли нархларда сотилади. Ривожланган мамлакатларда юқори даромад олувчи аҳоли қатлами учун дала ҳовлига эга бўлиш, машҳур курортларда дам олиш, сўнгги нусхадаги кийимлар кийиш, янги моделдаги автомашинада юриш – мартабали ёки обрўталаб истеъмол ҳисобланади. Мартабали истеъмол нуфузли нархларни юзага келтиради. Улар одатдаги нархлардан анча юқори бўлади. Нуфузли нархларни қўллашда товарларни ишлаб чиқариш харажатлари ва рентабеллик даражаси, бозордаги талаб, унинг ўзгариши ва бозордаги рақобатлашув шароити ҳисобга олинади. Шунга қараб, **маълум даврга ўзгармайдиган қатъий (стандарт) нарх ва ўзгарувчан нарх қўлланилади.** Шундай товарлар борки, истеъмолчилар уларнинг нархи ўзгармаслигини афзал кўради. Масалан, коммунал хизмат, транспорт хизмати тарифлари шундай нархлар жумласига киради.

Эркин бозор нархи – бу талаб ва таклиф асосида

вужудга келадиган бозор нархидир. Маданийлашган бозор шароитларини вужудга келтиришда эркин нарх жамият ва бозор муносабатлари барча субъектлари манфаатларини энг мақбул тарзда уйғунлаштиришга имкон беради.

Нарх диапазони нархлар оралиғининг пулдаги ифодасидир. Нарх диапазони қуйи, ўрта ва юқори нархларни ўз ичига олади. Нарх диапазони қанчалик кенг бўлса, товар муомаласи шунчалик тез юз беради, чунки талаб билан нарх ўзаро боғланади.

Бозор кўлами ҳисобга олинганда ҳудудий (минтақавий), миллий ва халқаро нархлар мавжуд бўлади. **Ҳудудий нарх фақат маълум ҳудудий бозорга хос бўлиб, у шу ҳудуд доирасидаги омиллар таъсирида ҳосил бўлади. Миллий бозор нархи бир мамлакат доирасида амал қилувчи ва уларнинг хусусиятини акс эттирувчи нархдир.** Миллий нарх мамлакат доирасидаги ижтимоий сарф-харажатларни, миллий бозордаги талаб ва таклифни, товар нафлилигини, унинг қанчалик қадрланишини ҳисобга олади. **Жаҳон бозори нархи муайян товарни ишлаб чиқаришга сарфланган байналминал харажатларни, товарнинг жаҳон стандарти талабига мос келиш даражасини ва халқаро бозордаги талаб ва таклиф нисбатини ҳисобга олади.**

Нархнинг хилма-хил турлари мавжуд бўлсада, улар бир-бири билан ўзаро боғланган, чунки уларда жамиятдаги иқтисодий ресурсларнинг ишлатилиш самараси ўз ифодасини топади. **Иқтисодиёт назариясида нарх нисбат**и деган тушунча бор, у нарх паритети деб ҳам юритилади. Иқтисодиёт ва ундаги жараёнлар бир-бирига боғлиқ бўлганидан нархлар бир-бирини юзага чиқаради. Масалан, руда нархи металл нархига, металл нархи машина нархига, машина нархи кийим нархи таркибига киради, чунки бу нархларнинг ҳар бири ўзидан кейинги маҳсулот харажатларини шакллантиради. Бозорга шундай ўзига хос товарлар чиқадики, улар кўпчилик соҳаларда ишлатиладиган энг муҳим иқтисодий ресурслар ҳисобланади. Булар металл, нефть, кўмир, газ, ёғоч, буғдой,

пахта каби товарлар бўлиб, улар нархининг ўзгариши бутун нархлар нисбатини ўзгартиради.

9.3. Рақобатнинг турли кўринишлари шароитида нархнинг шаклланиш хусусиятлари

Нархнинг шаклланишига бозорнинг ҳолати бевосита таъсир кўрсатади, чунки нархнинг шаклланишида бозордаги талаб ва таклиф нисбати асосий омиллардан бири ҳисобланади. Талаб ва таклиф миқдорига таъсир кўрсата олиш имкониятига кўра, бозордаги рақобатнинг турли кўринишлари фарқланади. **Мукаммал рақобат шароитида** ишлаб чиқарувчи (ёки сотувчи) ҳамда истеъмолчи (ёки харидор)ларнинг сони жуда кўп бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш орқали нарх шаклланишига таъсири умуман сезилмайди. **Номукаммал рақобат шароитида** эса ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) ёки истеъмолчилар (харидорлар)дан бирининг сони чекланган бўлиши уларнинг бозордаги ишлаб чиқариш ҳажмига ва, пировардида, бозордаги нархнинг шаклланишига сунъий таъсир кўрсатиш имконини беради. Бундай рақобатнинг турли даражаларида нархларнинг шаклланиш хусусиятлари бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли, биз қуйида мукаммал рақобат, соф монополия, олигополия ва монопсония шароитида нархларнинг шаклланиш хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Мукаммал рақобат шароитида нархнинг шаклланиши. Эркин рақобат кураши шароитида нархнинг ташкил топиш хусусиятларини тадқиқ этган дастлабки иқтисодчилардан бири А.Маршалл ҳисобланади. Унинг фикрича, товарнинг олди-сотди жараёнига қадар икки хил, **яъни сотувчи ва харидор нархлари** мавжуд бўлади. Назарий жиҳатдан ҳар икки нархнинг юқори ва қуйи даражалари мавжуд. Сотувчи ўз товари нархининг имкон қадар юқори бўлишидан манфаатдор, чунки бундай нарх унинг фойдаси ҳажмини оширади. Бироқ, эркин рақобат шароитида нархни бошқалардан юқори даражада белгилашга интилиш мазкур сотувчининг

бозордан сиқиб чиқарилишига олиб келиши мумкин. Сотувчи нархининг энг паст даражаси шу товарни ишлаб чиқариш учун кетган харажатларни қоплаши керак. Харидор товарни энг паст нархда сотиб олишдан манфаатдор, бироқ эркин рақобатли бозор шароитида унинг ҳам товар сотиб ололмай қолиш хавфи мавжуд бўлади. Харидор нархининг юқори даражаси эса, Маршалл таъбирича, сўнгги қўшилган миқдор нафлилигига тенг бўлиши керак.

Сотувчи ва харидор ўртасидаги қулай нархга эришиш борасидаги кураш ҳар икки нархнинг мослиги таъминлангунга, яъни бозор нархи пайдо бўлгунга қадар давом этади. Шундай қилиб, сотувчининг нархи томонидан ишлаб чиқариш харажатлари, харидор нархи томонидан эса сўнгги қўшилган миқдор нафлилиги майдонга тушиб, уларнинг нисбати асосида бозор нархи пайдо бўлади. Бу ҳолатни Маршалл шундай ифодалайди: «…«ишлаб чиқариш харажатлари» тамойили ҳамда «сўнгги қўшилган нафлилик» тамойили, шубҳасиз, ягона талаб ва таклиф умумий қонунининг таркибий қисми ҳисобланиб, улардан ҳар бирини қайчининг битта кесувчи томонига қиёслаш мумкин»[65]. Шу ўринда, 4-бобда билдирилган фикр-мулоҳазаларни яна бир бор эсга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Яъни, мукаммал рақобатли бозор шароитида нархнинг шаклланишида талаб ва таклифнинг таъсирида А.Маршалл таъкидлаганидек, сўнгги қўшилган нафлилик ва ишлаб чиқариш харажатлари эмас, балки ижтимоий зарурий нафлилик ва ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари ётади.

Талаб ва таклифнинг мувозанати мукаммал рақобат бозоридаги нархнинг шаклланишига мувофиқ келади (9.3-расм).

[65] Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3 т. - М.: Издательство “Прогресс”, 1993. Т.III. С.282.



9.3-расм. Мукаммал рақобатли бозор шароитида нархнинг шаклланиши.

Расмдан кўринадики, фақат нархнинг PE даражасидаги талаб миқдорига ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф миқдори мувофиқ келади. Нархнинг бу даражадан ҳар қандай пасайиши талабнинг таклифдан ошиб кетишини, нархнинг бу даражадан ҳар қандай юқори бўлиши эса, таклифнинг талабдан ошиб кетишини келтириб чиқаради.

Нархнинг PA даражасидаги ҳолат узоқ вақт мавжуд бўла олмайди. Чунки, товарларнинг сотилмай, тўпланиб қолиши билан сотувчилар ўртасидаги рақобат кучайиб, улар ўз товарларини тезроқ сотиш мақсадида нархни тушира бошлайдилар.

Нархнинг PB даражасидаги ҳолат ҳам барқарор турмайди. Чунки, бу ҳолатда талаб таклифдан ошиб кетиб, товарлар тақчиллиги бошланади. Тақчил товарга эга бўлиш учун бир-бири билан рақобатга киришган харидорлар унинг нархини ошира бошлайдилар.

Бозордаги ягона мувозанатлашган, нисбатан узоқ вақт барқарор амал қилувчи нарх сифатида талаб ҳажми таклиф ҳажмига мувофиқ келган ҳолдаги нарх PE майдонга тушади. Рақобатлашув асосида пайдо бўлган мувозанат доимо талаб ва таклиф эгри чизиқларининг кесишув нуқтасида жойлашади. Мувозанат нархи ҳар доим ҳам дарҳол, бир зумда таркиб топмайди. Унга эришишда токи талаб ва таклиф мувозанатга

келгунга қадар нарх атрофидаги тебранишларни ўз ичига олувчи маълум даврлар тақозо этилиши мумкин.

Монополия шароитида нархнинг шаклланиши. Монополия шароитида нарх шаклланишининг ўзига хос жиҳати шундаки, агар майда товар ишлаб чиқарувчилар фақат ўзларининг индивидуал нархларини ўзгартира олсалар, улардан фарқли ўлароқ бозор иштирокчилари сифатидаги монополиялар бозор нархларини ўзлари белгилай оладилар. Бунда монополиялар оммавий талабнинг ошиши билан нархнинг ошиши ҳамда оммавий таклифнинг ошиши билан нархнинг пасайиб боришидан ўзига хос тарзда фойдаланадилар. Оммавий тартибда товарларни сотувчи монополиялар ўз манфаатлари йўлида таклиф кам бўлганда нархнинг ошиши тенденциясидан фойдаланадилар.

Оммавий таклиф бўйича нарх ўзгариши қуйидаги миқдорий боғлиқликни акс эттиради: талабга нисбатан товарлар таклифи қанчалик юқори бўлса, бозор нархи даражаси шунчалик паст бўлади ва аксинча, таклиф камайиши билан нарх ошиб боради (9.4-расм).

Таклиф миқдори



9.4-расм. Таклиф бўйича нарх эгри чизиғи.

Расмдан кўринадики, тик ўқда муайян товарлар таклифи ҳажмининг кўпайиб бориши, ётиқ ўқда эса маҳсулот бирлигига бўлган нарх даражасининг ошиб бориши акс эттирилган. Таклиф бўйича нарх эгри чизиғи (P1P2) бозор нархининг товарлар оммавий таклифига боғлиқлигини ифодалайди.

Монополистлар маҳсулотларнинг сунъий тақчиллигини вужудга келтириш мақсадида ўз товарларининг сотиш ҳажмини атайлаб қисқартирадилар. Бозорда товарларнинг етишмаслиги монопол юқори нархларнинг ўсишига олиб келади.

Монополиялар нархни оширишнинг ҳар бир янги жараёнида товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини қисқартиришдан кўрилган зарарни ҳисобга олади. Даромаддан бундай йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида улар янги нархларни янада юқори даражада белгилайдилар. Шу билан бир вақтда монополиялар маҳсулотларнинг қисқарган ҳажмини сотишдан олинган тушум йўл қўйилган йўқотишни қоплаши ҳамда даромад миқдорининг ўсишини таъминлашини назорат қилиб турадилар. Монопсония шароитида нархнинг шаклланиши. Монопсония майда товар ишлаб чиқарувчилардан товарларнинг катта ҳажмини сотиб олиб, талаб бўйича нарх қонунидан ўзига хос тарзда фойдаланади.

Оммавий талаб бўйича нархнинг ўзгариши қуйидаги миқдорий боғлиқликни акс эттиради: таклифга нисбатан харидорларнинг оммавий талаби қанчалик катта бўлса, бозор нархи даражаси шунчалик юқори бўлади ва аксинча, талабнинг камайиши билан бозор нархи пасайиб боради. Бу боғлиқлик 9.5-расмда яққолроқ акс эттирилган. Расмдан кўринадики, тик ўқда муайян товарларга талаб ҳажмининг кўпайиб бориши, ётиқ ўқда эса маҳсулот бирлигига бўлган нарх даражасининг ошиб бориши акс эттирилган. Талаб бўйича нарх эгри чизиғи (P1P2) бозор нархининг харидорларнинг оммавий талабига боғлиқлигини ифодалайди.



9.5-расм. Талаб бўйича нарх эгри чизиги.

Монопсонист ўзи учун зарур бўлган товарни, масалан қишлоқ хўжалиги хомашёсини олдиндан паст нархларда сотиб олиб, унинг катта миқдордаги захирасини тайёрлаб қўяди. Бу эса унга янги ҳосилнинг йиғим-терими даврида ўзи сотиб олаётган хомашёга монопол паст нархларни ўрнатиш имконини беради. Бундай паст нархларда монопсонист жуда катта фойда олади. Сунъий равишда сотилаётган маҳсулот ортиқчалиги ҳудудининг вужудга келтирилиши харид нархларининг навбатдаги пасайишига олиб келиб, натижада монопсонистнинг фойдаси ошиб боради. Бунга ғарб мамлакатлари монопсониялари томонидан анча вақтдан буён Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари тадбиркорлари ва майда товар ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинаётган арзон хомашёни мисол тариқасида келтириш мумкин. Африкадан анъанавий тарзда экспорт қилинувчи бир қатор товарлар (чой, кофе, какао ва ҳ.к.) га ҳам азалдан ўта паст нархлар ўрнатиб келинади.

Бир вақтнинг ўзида монополия ва монопсония ҳисобланувчи фирма ўзининг даромадини «нархлар қайчиси»

усули орқали аҳамиятли даражада оширади. Бунда монопол юқори ва монопол паст нархлардан фойдаланилиб, улар ўртасидаги фарқ худди қайчининг иккита кесувчи томони бир-биридан узоқлашгандаги сингари катталашиб боради. Нархларнинг бундай ҳаракати товарлар ортиқчалиги ва тақчиллиги ҳудудларининг кенгайишига асосланади. У саноатнинг кўплаб қайта ишловчи корхоналари учун хосдир. Бу корхоналар ўзларининг тайёр маҳсулотларига ундирма саноат тармоқларида ўрнатилган нархларга нисбатан бир неча марта юқори нарх ўрнатадилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга кўра, “Баъзи бир корхоналарга имтиёзлар бериш орқали ўзимиз эркин рақобат муҳитини бўғиб, нархларнинг барқарор бўлишига салбий таъсир кўрсатмоқдамиз.

Энди биз бундай амалиётдан воз кечамиз. Бу масалада ҳаммага тенг шароит яратилади. Имтиёзлар айрим корхоналарга эмас, балки алоҳида ишлаб чиқариш ва хизмат турларини рағбатлантириш мақсадида берилади. Имтиёзни рўкач қилиб, энг муҳим фаолият турларини тўла монополия қилиб олишга мутлақо йўл қўйилмайди”[66].

9.4. Нарх сиёсати ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиш хусусиятлари

Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатларда давлатнинг нарх соҳасидаги сиёсати кўп жиҳатдан нархларни эркинлаштириш, миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштиришга қаратилади.

Нархларни эркинлаштириш – иқтисодий ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ислоҳотларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари кўп жиҳатдан шу муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ бўлади.

[66] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиса Мурожаатномаси // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 23 декабрь.

Нархларни эркинлаштириш хомашё билан маҳсулот айрим турларининг нархлари, нарх билан аҳоли ва корхоналар даромадлари ўртасида мутаносибликка эришишга қандай ёндашилиши билан фарқланади. Шу ёндашувларга асосланиб, нархлар қуйидаги йўллар билан эркинлаштирилади:

а) нархларни бирданига ёки «эсанкиратадиган» тарзда қўйиб юбориш;

б) нархларнинг ўсишини сунъий равишда тўхтатиб қўйиш;

в) нархни давлат томонидан бошқариш ва назорат қилишни маълум даражада сақлаб қолиш.

Бозор муносабатларига ўтаётган ҳар бир мамлакат шу йўллардан бирини танлашда улардан ҳар бирининг мавжуд реал шарт-шароитларга қанчалик мос келиши, аҳоли асосий қисмининг моддий аҳволига қандай даражада таъсир кўрсатиши, ислоҳ қилишнинг танлаб олинган йўлига қанчалик даражада жавоб бериши ва кутиладиган салбий оқибатларини ҳисобга олиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Собиқ иттифоқ мамлакатлари негизида вужудга келган бир қанча мустақил давлатлар нархларни эркинлаштиришнинг «эсанкиратувчи» йўлини танлаб олди. Барча турдаги хомашё ресурслари, истеъмол моллари ҳамда хизматлар нархлари бир йўла эркин қўйиб юборилиши натижасида нархлар кескин ошди. Бу аҳоли кенг қатламининг бирданига қашшоқлашувига, ижтимоий аҳволининг кескинлашувига олиб келди. Ишлаб чиқаришнинг пасайишига, миллий саноат ва қишлоқ хўжалигининг издан чиқишига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўзига хос тамойиллари, мамлакатдаги вазият ва аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, нархларни аста-секинлик билан ва босқичма-босқич эркинлаштириш йўли танлаб олинди. Шу йўл билан **нархларни эркинлаштиришнинг дастлабки босқичида (1992 йилнинг бошида)** кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг эркин нархлари ва тарифларига ўтилди. Аҳолини ҳимоялаш

мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди, айрим турдаги хизматларнинг энг юқори тарифлари жорий қилинди.

Нархларни эркинлаштиришнинг кейинги босқичида (1993 йил) келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тортибга солиш тўхтатилди. Қатъий белгиланган ва давлат томонидан тартибга солиб туриладиган нархларда сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг сони анча қисқарди.

Нархларни эркинлаштиришнинг навбатдаги босқичида (1994 йил октябрь-ноябрь) халқ истеъмол моллари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг тарифлари оширилди. Шундай қилиб, республикада иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни босқичма-босқич (уч босқичда) тўлиқ эркинлаштириш билан тугади.

Нархларни эркинлаштириш аҳолини ишончли иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари билан бирга олиб борилди. Давлат томонидан турли компенсациялар мақсадидаги жамғармалар тузилди, иш ҳақи, пенсия ва стипендияларнинг энг кам миқдори мунтазам суратда ошириб борилди, болалар учун нафақалар жорий этилди. Аҳолининг муҳтож қисмига ёрдам кўрсатилди, имтиёзли солиқ ставкалари жорий этилди. Айнан самарали ва оқилона нарх сиёсати воситасида мамлакатимизда бирламчи эҳтиёжга эга бўлган товарларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса, биринчидан, аҳолининг мазкур товарларга бўлган эҳтиёжларини миллий ишлаб чиқариш томонидан тўла ва сифатли таъминлаш имконини берди. Иккинчидан эса, озиқ-овқат ва бошқа стратегик аҳамиятга эга бўлган товарларнинг ўзимизда етарли ҳажмда ишлаб чиқариш имкониятининг қўлга киритилиши, республикамизнинг бошқа мамлакатлардан қарамлигини бартараф этиб, иқтисодий хавфсизликни таъминлади. Бу борада президентимиз Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш ўринлидир: «Истеъмол бозорида озиқ-овқат

маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда “даладан дўконгача” бўлган узлуксиз занжирни яратишдир»[67].

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ҳамда барқарорлигини оширишда нархнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда қатъий тежамкорлик тизимини рағбатлантириш орқали корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан маҳсулотлар таннархини пасайтиришга боғлиқдир.

2017 йилда Ўзбекистонда:[68]

- инфляция даражасини аниқлашда товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) ўзгаришини кузатиш методикасини такомиллаштириш;

- молия бозорларини ва тижорат банкларининг инвестициявий имкониятларини барқарорлаштиришга қаратилган Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаларини белгилаш тизимини такомиллаштириш;

- нақд пулсиз кўринишда товар ва хизматлар сотишда сунъий юқори нархлар ўрнатганлик учун жавобгарликни ошириш орқали ички бозорда нархнинг шаклланиш тартибини бошқаришда бозор механизмларини жорий қилиш;

- маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга нархларни декларация қилиш тартибини босқичма-босқич қисқартириш ҳамда кейинчалик 2020 йилда уни бекор қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, жумладан, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий

[67] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь.

[68] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони. 8-илова, №118.

этиш, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини ошириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 9 мартдаги «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2020 йил 9 мартдаги «Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларни имзолади.

Мазкур қарорлар Ўзбекистонда пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси ва давлат харид нархларини белгилаш амалиётини тўлиқ бекор қилишни кўзда тутади.

«Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга асосан, 2020 йил ҳосилидан бошлаб пахта хом ашёсини етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилинади.[69]

Шунингдек, 2020 йилдан бошлаб:

- пахта хом ашёсининг харид нархини белгилаш амалиётидан воз кечилади;
- пахта хом ашёси етиштирувчиларга районлаштирилган навларни эркин танлаш ҳуқуқи берилади;
- сертификатланган уруғлик етказиб бериш тизими сақлаб қолинади.

Жаҳон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил ҳосили учун кутилаётган нархлар эълон қилиниши ҳамда бозорлардаги нархлар ўзгаришидан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритиш амалиёти жорий этилади.

Қарорга мувофиқ, пахта толаси Республика товар хомашё биржасида бошланғич биржа нархида эркин сотилади, бунда

69 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 мартдаги «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

биржада бошланғич нарх шаклланишида 10 фоиз чегирма қўйиш бекор қилинади.

«Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга асосан, 2020 йил ҳосилидан бошлаб давлат буюртмаси асосида бошоқли дон етиштириш амалиёти босқичма-босқич бекор қилинади.[70]

Қарорга мувофиқ, 2021 йил ҳосилидан бошлаб:

- давлат томонидан ғаллага харид нархини белгилаш амалиётидан тўлиқ воз кечилади;
- давлат хариди тўлиқ бекор қилинади ҳамда етиштириладиган ғалла барча истеъмолчиларга биржа савдолари орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида эркин нархларда сотилади;
- дон нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун зарур миқдордаги ғалла фьючерс, форвард шартномалари асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда харид қилинади;
- хўжаликларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида сертификатланган уруғлик етказиб бериш тизими сақлаб қолинади;
- жаҳон бозори, минтақавий биржалар нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳосил йилида кутилаётган (индикатив) нархлар эълон қилиб борилади.

Хулосалар

6. Нарх ўзида фақат нафлилик ёки ижтимоий меҳнат сарфларининг бирини эмас, балки ҳар иккаласининг бир вақтда пулдаги кўринишини ифода этади. Демак, нарх – реал бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлилигининг пулдаги ифодасидир.

7. Нархнинг даражасига таъсир этувчи омилларни билиш

[70] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 мартдаги «Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

муҳим аҳамиятга эгадир. Булардан асосийлари қиймат ёки ишлаб чиқариш сарфлари; товарнинг нафлилик даражаси; мазкур товарга талаб ва таклиф нисбати; рақобат ҳолати; давлатнинг иқтисодий сиёсати, пулнинг қадр-қиммати ва ҳ.к. ҳисобланади. Бу омиллар ичида товар қиймати ва нафлилиги унинг нархини белгиловчи асос бўлиб хизмат қилади.

8. Нарх қуйидаги асосий вазифаларни бажаради: мувозанатликни таъминлаш вазифаси; қиймат ва нафлиликни ҳисобга олиш вазифаси; тартибга солиш вазифаси; рақобат воситаси вазифаси; ижтимоий ҳимоя вазифаси.

9. Нархнинг жуда кўп турлари мавжуд бўлсада, уларнинг барчаси бир-бири билан ўзаро боғланган, чунки уларда жамиятдаги иқтисодий ресурсларнинг ишлатилиш самараси ўз ифодасини топади.

10. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатларда давлатнинг нарх соҳасидаги сиёсати кўп жиҳатдан нархларни эркинлаштириш, миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштиришга қаратилади.

11. Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўзига хос тамойиллари, мамлакатдаги вазият ва аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, нархларни аста-секинлик билан ва босқичма-босқич эркинлаштириш йўли танлаб олинди.

12. Республикада нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш аҳолини ишончли иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари билан бирга олиб борилди.

Асосий таянч тушунчалар:

Нарх – реал бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлилигининг пулдаги ифодаси.

Бозор нархи – бир томондан, товарларнинг сотилишини таъминловчи, бошқа томондан, бозорда товарлар тақчиллигини юзага келтирмайдиган мувозанатлашган нарх.

Жорий нарх – йил давомидаги ишлаб чиқариш натижаларини ҳисоблашда қўлланилувчи амалдаги нарх.

Қиёсий нарх – ишлаб чиқаришнинг натижалари маълум йил (базис йил) асосида ҳисобланувчи ва бошқа йиллар билан таққосланувчи нарх.

Нарх тизими – иқтисодиётда амал қилиб турган барча нарх турлари.

Улгуржи нарх – ишлаб чиқарувчилар томонидан катта партиядаги товарлар бир йўла кўтарасига сотилганда қўлланиладиган нарх.

Шартнома нарх – сотувчи ва харидорнинг розилиги билан белгиланадиган, улар томонидан тузилган шартномада қайд қилинган нарх.

Чакана нарх – товарлар бевосита истеъмолчиларга сотиладиган нарх.

Чегаралланган нарх – давлат томонидан юқори ва қуйи чегаралари белгиланиб, шу доирада ўзгариши мумкин бўлган нарх.

Дотацияланган нарх – давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нарх.

Демпинг нарх – бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва рақибларини сиқиб чиқариш учун фирмалар томонидан фойдаланиладиган махсус нарх.

Нуфузли нарх – сотиш ҳажмини ўзгартирмасдан, юқори фойда олишга эришиш учун фирмалар томонидан фойдаланиладиган нарх.

Эркин бозор нархи – талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган бозор нархи.

Нарх диапазони – нархлар оралиғининг пулдаги ифодаси.

Ҳудудий нарх – фақат маълум ҳудудий бозорга хос бўлиб, шу ҳудуд доирасидаги омиллар таъсирида ҳосил бўладиган нарх.

Миллий бозор нархи – бир мамлакат доирасида амал қилувчи ва уларнинг хусусиятини акс эттирувчи нарх.

Жаҳон бозори нархи – муайян товарни ишлаб чиқаришга

сарфланган байналминал харажатларни, товарнинг жаҳон стандарти талабига мос келиш даражасини ва халқаро бозордаги талаб ва таклиф нисбатини ҳисобга оладиган нарх.

Оммавий талаб бўйича нархнинг ўзгариши – таклифга нисбатан харидорларнинг оммавий талаби қанчалик катта бўлса, бозор нархи даражаси шунчалик юқори бўлиши ва аксинча, талабнинг камайиши билан бозор нархи пасайиб бориши ўртасидаги миқдорий боғлиқлик.

Оммавий таклиф бўйича нархнинг ўзгариши – талабга нисбатан товарлар таклифи қанчалик юқори бўлса, бозор нархи даражаси шунчалик паст бўлиши ва аксинча, таклиф камайиши билан нарх ошиб бориши ўртасидаги миқдорий боғлиқлик.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

14. Нархнинг иқтисодий мазмунини унинг вазифалари орқали тушунтириб беринг. Нархларнинг асосий турларига қисқача тавсиф беринг.
15. Нархнинг ташкил топиши борасида қандай назариялар мавжуд? Уларнинг афзаллик ва камчилик томонларини кўрсатиб беринг.
16. Нархнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар нималардан иборат?
17. Мукаммал рақобат шароитида нархнинг ташкил топиш механизмини тушунтириб беринг.
18. Соф монополия шароитида нарх қандай шаклланади?
19. Монопсония шароитида нархнинг шаклланиши қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
20. Олигополия шароитида фирмаларнинг «инкор этиш» ва «эргашиш» хатти-ҳаракатларининг мазмуни нимадан иборат? «Нарх бўйича етакчилик» тушунчасини изоҳлаб беринг.
21. «Нархлар қайчиси» нима ва ундан қандай шароитларда фойдаланилади?
22. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистонда

нархни эркинлаштириш жараёни қай тарзда амалга оширилди?

23. Нарх сиёсати нима? Ўзбекистонда нарх сиёсати амалга оширилишининг қандай хусусиятлари мавжуд?

10-боб. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ТАДБИРКОРЛИК КАПИТАЛИ

Инсон фаолияти турлича бўлиб, турли хил йўналишга қаратилган бўлади. Уларнинг ичида тадбиркорлик фаолияти алоҳида ўрин тутади. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда тадбиркорлик қобилияти иқтисодий ресурс ҳисобланиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда шахсий омилининг таркибий қисмини ташкил этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар давомида, айниқса, унинг ҳозирги босқичида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, унга кенг эркинлик беришга, унинг ривожланишига тўсиқ бўладиган ҳар қандай ғов ва чекловларни бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти, мақсади ва бозор иқтисодиёти шароитида амал қиладиган шаклларини батафсил баён этиш, тадбиркорлик капиталининг мазмунини ва унинг ҳаракат шаклларини таҳлил қилиш, капитал ҳаракатида вужудга келадиган жараёнлар ва унинг намоён бўлишини, шунингдек, капиталнинг айланиш тезлиги ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларини ёритиш ушбу бобнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Тадбиркорликни айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлатимизнинг иқтисодий сиёсатида стратегик вазифага айланган даврда ушбу масалаларни ўрганиш ўта долзарбдир.

10.1. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, унинг вазифалари ва ривожланиш шарт-шароитлари

Тадбиркорлик фаолиятининг тарихи узоқ ўтмишга бориб

тақалсада, унинг илмий тушунчаси бозор иқтисодиёти шароитида VII асрга келиб пайдо бўлган ва мулкдор деган тушунча билан бир хил тушунилган. Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган, рақобатли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш, бошқариш турли хил шакл ва усулларда олиб борилади. Уларнинг ичида тадбиркорлик фаолияти алоҳида ўрин тутади ва бу фаолият орқали мулкчиликнинг турли шаклларини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш яъни фойда олиш амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда турли илмий-назарий адабиётларда тадбиркорлик фаолияти ва бизнес хусусида, унинг йўналишлари, тамойиллари, ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатлари тўғрисида кўплаб олимларнинг фикрлари, мулоҳазалари кенг ўрин эгалламоқда. Уларда кўпинча тадбиркорлик фаолияти ва бизнесни бир хил тушунча сифатида талқин қилинмоқда. Фикримизча, тадбиркорлик бизнесдан фарқ қилиб, тадбиркорлик – бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ижодкорлик, янгилик яратиш руҳи асосида ёндашиш билан боғлиқ фаолиятдир. Бизнес эса унга нисбатан кенг тушунча бўлиб, умуман фойда олиш нуқтаи-назаридан юритилувчи фаолиятдир.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти назариясининг ривожланишида уч босқич яъни, мазкур соҳани илмий жиҳатдан тадқиқ этишдаги алоҳида босқичлар шартли равишда ажратилади.

Биринчи босқич дастлабки бозор муносабатлари шаклланиш даври – XVIII асрда пайдо бўлиб, у тадбиркор томонидан амалга ошириладиган таваккалчилик жараёнлари билан боғлиқ. Айнан иқтисодиёт фанида тадбиркорлик фаолиятига оид дастлабки тадқиқотлар ҳам шу даврда Р.Кантильон, А.Тюрго, Ф.Кенэ, А.Смит ва Ж.Б.Сэй асарларида амалга оширилган.

Француз иқтисодчиси Р.Кантильон тадбиркорликнинг муҳим тавсифий хусусиятларидан бири сифатида

таваккалчиликни ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, тадбиркор – воқеа ва ҳодисаларни олдиндан кўра билиш хусусиятига эга бўлган, ўз зиммасига барча масъулиятни олиб таваккал қилувчи, ўз хатти-ҳаракатлари туфайли даромад олишга умид қилувчи ва ҳар қандай йўқотишларга тайёр бўлган шахсдир[71]. Р.Кантильондан кейин неоклассик мактаб намояндалари ўз асарларида ўзига хос таваккалчилик асосида рақобатлашиб, савдо фаолияти билан шуғуланувчи корхона эгасини тадбиркор деб ҳисоблай бошладилар.

Тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги назариялар ривожланишининг **иккинчи босқичида** тадбиркорликнинг асосий хусусияти сифатида инновацион фаолият ажратиб кўрсатилади. Бу оқимнинг асосчиси Й.Шумпетер бўлиб, унинг фикрича, иқтисодий ўсишнинг негизида тадбиркорни ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациясини ишлатишга, қўллашга бўлган интилиши ётади ва бу интилишнинг натижаси инновация, янгиликлар ҳисобланади.

Мазкур назариялар ривожланиши у**чинчи босқичининг** асосий ғояси - тадбиркорнинг муҳим шахсий фазилатлари, жумладан изланиш ва тадқиқот ҳисобланади. Бу оқим намояндалари Ф.Хайек ва Л.Мизес тадбиркорликка янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш ва тадқиқ қилиш деб қарайди, шу билан бирга фаолияти изланиш тарзида кечадиган ҳар қандай шахсни бўлғуси тадбиркор деб ҳисоблашади.

К.Макконнелл ва С.Брю тадбиркорликка асосида узлуксиз шартлар ва талаблар ётувчи муҳим фаолият тури сифатида қарайдилар. **Биринчидан,** тадбиркор товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш омилларини бирлаштиради ва «катализатор» вазифасини бажаради. **Иккинчидан,** бизнесни юритиш жараёнида у қарорлар қабул қилишдек қийин бир вазифани зиммасига олади. **Учинчидан,** тадбиркор – ташкилотчи шахс бўлиб, янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилади. **Тўртинчидан,** тадбиркор бу таҳликага

[71] Предпринимательства в конце XX века. - М.: 1992. 20-б.

борувчи инсондир. У нафақат ўз мол-мулки, вақти, меҳнати билан, балки ўз шериклари, акциядорлари қўшган маблағлар билан ҳам таҳликага боради[72].

Тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор бериб келаётган мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев бу тушунчага таъриф бериб, – "Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур" , деб таъкидладилар.

Тадбиркорлик фаолиятига юқорида келтирилган турли хил фикрлар ва ёндашувларни умумлаштирган ҳолда қисқа қилиб қуйидагича таъриф бериш мумкин: **тадбиркорлик фаолияти – шакли, тури ва соҳасидан қатъий назар фойда олиш ва уни кўпайтириш мақсадида энг замонавий фан-техника ютуқлари, инновация, янги технологияларни қўллаган холда амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир.** Тадбиркорликнинг ривожланиши, ўз навбатида, бир қатор шароитларнинг мавжуд бўлишини тақозо этиб, улар асосида умуман товар ишлаб чиқаришнинг умумий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ётади.

Биринчидан, тадбиркор хўжалик юритишда унинг бирон турини танлаш, ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш, уни ўзгаришларга мослаштириш, манбаларни танлаш, ресурс топиш, маҳсулот сотиш, уларнинг нархини белгилаш, фойдани тасарруф қилиш ва шу кабилар бўйича маълум ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши зарур.[73]

Иккинчидан, тадбиркор ишлаб чиқариш воситаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадга мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиши керак. Тадбиркорлик фаолияти мулкдорнинг ўзи томонидан ҳам, унинг мол-мулки асосида иш юритувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Учинчидан, хўжалик юритиш йўлини эркин танлаш,

[72] Макконнелл К., Брю С. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. – 19-изд.- М.: Республика, 2013, с.38.

[73] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиса Мурожаатномаси // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 24 январь

даромадни инвестициялаш имконияти ва шу кабиларни реал таъминлайдиган маълум иқтисодий муҳит ва ижтимоий-сиёсий шароит яратиши зарур.

Тўртинчидан, тадбиркорлик мулкчилик ва ўзлаштириш турли-туман шакллари ва турларининг мавжудлигини тақозо қилади. Ўз навбатида мулкчилик ва ўзлаштириш соҳаларидаги турли-туманлиликнинг ўзи объектив ҳодиса бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши оқибати сифатида майдонга чиқади.

Бешинчидан, етарли молиявий манбаларга, яхши маълумот ва малакали тайёргарликка эга бўлиш, умумий тижорат қонунчилиги, солиқ бўйича имтиёзлар, тадбиркорлик муҳити ва уни ривожлантиришда жамият манфаатдорлигининг мавжуд бўлиши тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги шарт-шароитлари ҳисобланади.

Юқорида қайд қилинган барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган давлатларда тадбиркорлик яхши ривожланади, акс ҳолда фаолиятнинг бу тури хуфёна иқтисодиёт соҳасига ўтиб кетиши эҳтимоли ҳам юқори бўлади.

Мана шу ҳолатларни эътиборга олиб мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев – “Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этяпмиз. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди”[74].

10.2. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари, уларни ташкил этиш ва бошқаришнинг бозор тизимлари

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий, умумдавлат мақсадларида фойдаланадиган ва ниҳоят, жамоа, гуруҳ, хусусий ва шахсий мақсадларда ишлатиладиган турлари мавжуд. Шунга мос равишда тадбиркорликнинг турли-туман:

[74] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиса Мурожаатномаси // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 24 январь.

давлат, жамоа, хусусий, аралаш ва бошқа ҳосила шакллари ривожланади.

Турли мамлакатларда давлат корхоналарининг ҳуқуқий мақоми турли-туманлиги билан анча фарқланади. Ҳатто бирон-бир мамлакатда барча давлат корхоналари фаолиятини тартибга солувчи ягона қонуний ҳужжат мавжуд эмас. Юқорида кўриб ўтилган шароитлар асосида давлат корхоналарини учта гуруҳга бўлиш мумкин:

- бюджет корхоналари;
- давлат ишлаб чиқариш корхоналари;
- аралаш компаниялар.

Бюджет корхоналари – давлатнинг вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатувчи ҳамда давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилувчи хўжалик мустақиллигига эга бўлмаган корхоналар. Улар ўзларининг ҳолати бўйича давлатнинг маъмурий-бошқариш тизимига киради ва бирон-бир вазирлик, маҳкама ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига бевосита бўйсунади ёки уларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Барча даромад ва харажатлари давлат бюджети орқали ўтиб, олинган фойдасидан солиқ тўламайди.

Давлат ишлаб чиқариш корхоналари – хўжалик фаолияти билан бирга давлат томонидан белгиланган доирада бошқариш ва тартибга солиш вазифаларини ҳам бажарувчи, алоҳидалашган мол-мулкка эга бўлган корхоналар. Бундан кўринадики, давлат ишлаб чиқариш корхоналари ёки корпорациялари ўзида тижорат корхоналари ва давлат органлари белгиларини мужассамлаштириб, корхоналарнинг анча кенг тарқалган ташкилий, ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Аралаш компаниялар – давлат ва хусусий омонатчиларнинг акцияларини бирлаштириш асосида ташкил этилган акциядорлик жамиятлари ва мажбуриятлари чекланган ширкатлар шаклидаги корхоналар. Аралаш компаниялар акциядорлик жамиятлари

тўғрисидаги қонун асосида иш юритади ва юридик шахс ҳисобланади, хўжалик фаолиятида хусусий фирмалар билан баробар тижорат асосида қатнашади. Шу билан бирга, улар хусусий фирмаларга нисбатан маълум имтиёзлардан фойдаланади. Бу имтиёзларга давлат томонидан молиявий ёрдам ва дотациялар бериш, чет эл лицензияларини енгил шартлар билан олиш, бошқа давлат корхоналаридан хомашё ва ярим фабрикатларни қатъий белгиланган нархларда олиш, ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш учун бозор билан таъминланганлик ва шу кабилар.

Корхоналарнинг мулкчилик мавқеидан ташқари хилма-хил ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳам мавжуд бўлади. Корхоналар хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш кооперативлари, жамоа корхоналари, ижара корхоналари, хўжалик бирлашмалари шаклида тузилиши мумкин.

Кооператив тадбиркорлик – жамоа мулкига асосланиб, кооперация аъзоларининг унинг фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этишини тақозо этувчи жамоа тадбиркорлигининг алоҳида шакли. Кооператив мулкчиликка асосланган тадбиркорликнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: ишловчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита қўшилиши (хусусий мулкчиликда бундай қўшилишда мулкдор, давлат мулкчилигида эса давлат воситачи ҳисобланади); кооперация аъзоларининг ишлаб чиқариш воситаларидан кенг фойдалана олиши; уларнинг иқтисодий жиҳатдан тенг ҳуқуққа эгалиги; жамоанинг ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириши; жамоа ва шахсий манфаатлар уйғунлигининг юзага келиши ва ҳ.к.

Хусусий тадбиркорлик алоҳида шахс ёки корхона томонидан хусусий ташаббус асосида ташкил қилинади. Тадбиркорликнинг бу шаклида мулк ва ишлаб чиқариш натижалари хусусий шахсларга тегишли бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёлланма меҳнатга асосланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик шахсий мулкка

асосланади, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ўзи ёки оила аъзолари меҳнати асосида амалга оширилади. Шахсий корхона эгаси унинг менежери ҳам ҳисобланиб, корхонанинг барча мажбуриятлари учун шахсий жавобгар бўлади. Хўжалик ҳуқуқи нуқтаи назаридан якка тартибдаги тадбиркорлик ҳуқуқий шахс ҳисобланмайди, шу сабабли унинг эгаси чекланмаган масъулиятга эга бўлиб, фақат фуқаролардан олинадиган даромад солиғини тўлайди. Бу одатда кичик магазин, хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар, деҳқон хўжаликлари, шунингдек, ҳуқуқшунос, врач, адвокат каби турли малакали мутахассислар хизмати кўринишида ташкил қилинган тадбиркорликдир.

Табдиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг муҳим шаклларидан бири акциядорлик жамиятларидир.

Акциядорлик жамияти – капитали қимматли қоғоз шаклида расмийлаштирилган турли омонатчиларнинг пул маблағларидан таркиб топувчи корхона. Йирик ишларни амалга ошириб, катта фойда олиш мақсадида бир неча тадбиркорлар ўзларининг моддий (ишлаб чиқариш воситалари) ва пул маблағларини бирлаштириб иттифоқ (жамият) тузадилар. Улар иқтисодий адабиётларда акциядорлик жамияти деб юритилади. Акциядорлик жамиятининг дастлабки капитали ички манба – таъсисчилар капитали ҳамда ташқи манба – акцияларни сотиш орқали жалб этилган капиталдан иборат бўлади. Шунга кўра, акция чиқариш ва уни эркин жойлаштириш акциядорлик муносабатларининг муҳим томонларидан бирини ташкил қилади.

Акциядорлик жамияти очиқ ва ёпиқ кўринишда бўлади. **Очиқ турдаги акциядорлик жамияти – иштирокчилари ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз сотиб олиш ва уларни эркин сотиш ҳуқуқига эга бўлган жамият. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти – акциялари фақат унинг таъсисчилари ёки олдиндан белгиланган бошқа шахслар доирасида тақсимланувчи жамият.**

Акция – бу унинг эгаси акциядорлик жамияти капиталига ўзининг маълум ҳиссасини қўшганлигига ва унинг фойдасидан дивиденд шаклида даромад олиш ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоз. Бундан ташқари акция корхонани бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини ҳам беради.

Акциянинг эгаси ёзилган ва эгаси ёзилмаган, оддий ва имтиёзли турларини фарқлаш мумкин. **Эгаси ёзилган акция – акциядорлик жамияти реестрида акция эгасининг номига қайд қилиниб, фақатгина унинг ёзма рухсати билан олди-сотди қилиниши мумкин бўлган акция.** Ёпиқ акциядорлик жамиятининг акциялари фақат эгаси ёзилган акциялардан иборат бўлиши мумкин. **Эгаси ёзилмаган акция – жамият акциядорларининг реестрига киритилмаган ҳолда бошқа шахсларга мулк қилиб берилу**вчи ҳамда эркин тарзда олди-сотди қилинувчи акция.

Оддий акция – дивидендни қўйилган маблағга мутаносиб равишда тақсимлаш имконини берувчи акция. Оддий акция имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланиб, акциядорлик жамияти захиралар тўлдирилиб бўлгандан сўнг қолган соф фойдани дивиденд шаклида тақсимлашда иштирок этади. Унинг эгаси акциядорлар умумий йиғилишида масалаларни ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

Имтиёзли акция – акциядорлик жамияти дивиденди ва мол-мулкини тақсимлашда оддий акция эгасига нисбатан устунлик берувчи акция. У, агар акциядорлик жамияти низомида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, овоз бериш ҳуқуқини бермайди, лекин қатъий белгиланган дивидендни келтиради.

Акциялар махсус товар сифатида сотилади ва сотиб олинади, шу сабабли ўзининг нархига эга. **Акцияда ифодаланган пул суммаси унинг номинал қиймати дейилади. Акциянинг фонд бозорида сотиладиган нархи акция курси деб аталиб, у олинадиган дивиденд миқдорига тўғри мутаносиб,**

банкка қўйилган пул фоизи миқдорига эса тескари мутаносибликда бўлади. Харидор акцияни ундан олинадиган даромади банкка қўйилган пулдан келадиган фоиздан кам бўлмаган тақдирдагина сотиб олади.

Акция курси қуйидагича аниқланади:

$$АК = \frac{Д}{Ф_c} \times 100\%,$$

бу ерда: АК – акция курси; Д – дивиденд; Фс – ссуда фоизи.

Ссуда фоизи ўсганда акция курси тушади. Агар дивиденд ссуда фоизига қараганда юқори даражада ўсса, акция курси кўтарилади.

Акциядорлик жамиятининг ташкил топиши таъсисчилик фойдаси каби даромад турининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. **Таъсисчилик фойдаси сотилган акциялар суммаси ва акциядорлик корхонасига ҳақиқатда қўйилган маблағ миқдори ўртасидаги фарқдан иборат.**

Акциядорлик корхонасида таъсисчилик фойдаси билан бир қаторда дивиденд каби даромад тури шаклланади.

Дивиденд (лотинча dividendus - бўлишга тегишли) – акция эгасига тўланадиган даромад. Дивиденд воситасида акция эгаси қимматли қоғознинг шу турига қўйилган пул маблағлари (капитал) нинг тегишли қисмига ўзининг мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқаради. Дивиденд орқали фақат акциядорлик жамияти олган фойданинг бир қисми тақсимланади. Унинг бошқа қисми жамғаришга, солиқ тўлашга ва шу кабиларга кетади. Дивиденд миқдори олинадиган фойда ва чиқарилган акция миқдорига боғлиқ ва ҳамда одатда ссуда фоизидан юқори бўлади.

Акцияларнинг назорат пакети – акциядорлик жамияти фаолияти устидан назорат ўрнатишни таъминлаш имконини берувчи акциялар сони. Назарий жиҳатдан олинганда, акциядорлик жамияти фаолияти устидан назорат олиб бориш учун овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг 51 фоизига эгалик қилиш зарур. Амалда эса, акцияларнинг

кўплаб акциядорлар ўртасида тақсимланиб кетганлиги у қадар юқори салмоққа эга бўлмаган акциялар сонини қўлга киритиш орқали ҳам назорат пакетига эгалик қилиш имконини беради.

Акциядорлик жамиятлари акция билан бирга облигация ҳам чиқаради.

Облигация – сотиб олишга сарфланган маблағни келгусида қатъий белгиланган фоизи билан қайтариш мажбуриятини ифодаловчи қимматли қоғоз шакли. У эгасининг жамиятга қайд қилинган фоиз олиш шарти билан пул қўйганлигини тасдиқлайди. Облигация акциядорлик жамияти молиявий маблағларини кўпайтириш учун чиқарилади. Акция эгаси корхона мулкдори, облигация эгаси эса унинг кредитори ҳисобланади. Ундан ташқари, облигация акциядан фарқ қилиб, ўз эгасига йиллик кафолатланган даромад келтиради, аммо акциядорлик жамияти ишларини ҳал қилишда овоз бериш ҳуқуқини бермайди. Облигациялар бўйича тўланадиган даромад одатдаги ссуда фоизи миқдоридан ортиқ бўлмайди. Унинг қиймати акциядорлик жамияти томонидан маълум муддат ўтгандан сўнг тўланади. Акцияга қўйилган маблағ облигацияга жойлаштирилгандан фарқ қилиб, акциядор талаби бўйича қайтарилиши мумкин эмас ва фақат сотиш орқали қопланади.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий тизимлари сифатида маркетинг ва менежмент катта аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда корхоналарни корпоратив бошқариш бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида акциядорлик жамиятларининг янги намунавий тузилмаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Шу тариқа, замонавий корпоратив бошқарув тизими талабларини инобатга олган ҳолда лавозим ва касбларнинг янги классификатори ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, унга бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган 566 та янги тоифа киритилди .

Маркетинг – товар-пул муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг яхлит

тизими бўлиб, бунда хўжалик муаммоларини ҳал этишда бозор талаблари, харидорларнинг товар ва хизматларга реал талаблари ва эҳтиёжлари ётади.[75]

Маркетинг фаолияти корхона амал қилишининг ташқи шароитлари тўғрисидаги ахборотнинг олиниши; рақобатчиларнинг товарларига қараганда бозор талабларини тўлароқ қондирувчи товарлар тўпламини яратиш; сотиш соҳасининг энг юқори назоратини белгилаб берувчи истеъмолчи, талаб, бозорга зарур даражада таъсир кўрсатишни таъминлаши лозим. Маркетингнинг замонавий концепцияси бозор учун зарур бўлган ва бозорда сотиш мумкин бўлган товарларни зарур ҳажмда ишлаб чиқаришни ташкил этиш тамойилига асосланади. Корхонанинг ишлаб чиқариш-техникавий, ташкилий, инвестиция ва бошқа фаолияти истеъмолчининг эҳтиёжларига, уларнинг яқин истиқболдаги ўзгаришига йўналтирилади. Харидорларнинг талаблари товар ишлаб чиқариш ҳажми ва номенклатурасини, мазкур талаб ва эҳтиёжларни қондиришни юқори даражаси эса энг кўп фойда олишни белгилаб беради. Маркетингнинг мақсади ва вазифаларини белгилаб олиш муҳим ҳисобланади. **Маркетингнинг мақсади –** энг юқори истеъмол қониқиши, истеъмол, турмуш сифатини ошириш, товар ва хизматларнинг кенг танловини таъминловчи корхона маҳсулотини сотишнинг зарур ҳажмига эришиш учун ишлаб чиқаришнинг юқори даромадлилиги ва самарадорлигини таъминлаш. Бу мақсадга маркетингнинг қуйидаги вазифалари орқали эришилади: корхонанинг ички ва ташқи маркетинг муҳитини таҳлил қилиш; маркетинг чора-тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бозор ва муаммоларни комплекс ўрганиш; истеъмолчилар ва талабнинг шаклланишини таҳлил қилиш; рақобатчилар ва рақобатни ўрганиш; сотишни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; янги товарнинг концепциясини шакллантириш; маркетинг тадқиқотлари асосида товар ишлаб чиқаришни режалаштириш; нарх

[75] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумоти.

сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш; маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; маркетингни ахборот билан таъминлаш; маркетингни бошқариш.

Маркетинг тамойиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- юқори даражада фойдали ва самарали хўжалик юритишни таъминлаш;
- ишлаб чиқариш-сотиш фаолиятини бозор талаблари асосида йўналтириш;
- товар ишлаб чиқаришнинг харидорларнинг эҳтиёжларига функционал боғлиқлигини таъминлаш;
- фаолиятни ишлаб чиқариш имкониятлари асосида эмас, балки бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш;
- бозорда юқори рақобатбардошликни таъминлаш;
- харидорларнинг эҳтиёжларини қондирувчи товарларни тайёрлаш ва такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш;
- бозор ҳолатини, унинг ривожланиш истиқболини, товар ва хизматларга мавжуд ва потенциал талабни комплекс ўрганиш;
- ишлаб чиқариш ва молиялаштиришни мувофиқлаштириш ва режалаштириш;
- маҳсулот тайёрлаш ва сотишнинг анъанавий шакл ва каналларини такомиллаштириш, шунингдек, янгиларини топиш;
- бошқарув тизимининг мослашувчан ва самарали ташкилий тузилмаларини жорий этиш;
- ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларининг ўзаро алоқаси ва таъсирининг юқори даражасини таъминлаш .

Менежмент – ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва юқори натижаларга эришиш мақсадида қўлланилувчи ишлаб чиқаришни бошқаришнинг шакллари, воситалари, усуллари ва тамойилларининг мажмуи. [76]

---

[76] Экономическая теория: Учебник. / Под общ.ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, с.199.

Менежментнинг асосий мақсади истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд моддий ва ишчи кучи ресурслари асосида товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш ҳамда корхона фаолияти рентабеллигини ва унинг бозордаги барқарор ҳолатини таъминлаш ҳисобланади. Шунга кўра, **менежмент қуйидаги вазифаларни** бажаришга қаратилган бўлади:

- ишлаб чиқаришни автоматлаштиришни таъминлаш ва юқори малакага эга бўлган ишчилардан фойдаланишга ўтиш;
- корхона ходимлари учун меҳнатнинг қулай шароитларини таъминлаш ва нисбатан юқори иш ҳақи белгилаш орқали иш фаолиятини рағбатлантириш;
- корхона фаолияти самарадорлиги устидан мунтазам назорат ўрнатиш, унинг барча бўлинмалари ишини мувофиқлаштириш;
- янги бозорларни мунтазам излаш ва ўзлаштириш;
- корхона ривожланишининг аниқ мақсадларини аниқлаш;
- мақсадларнинг устуворлиги, уларнинг кетма-кетлиги ва ечимнинг изчиллигини очиб бериш;
- турли даврларга мўлжалланган муаммоларнинг ҳал этилиши учун чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;
- зарур ресурслар ва уларни таъминлаш манбаларини аниқлаш;
- белгиланган вазифаларнинг бажарилиши устидан назоратни ўрнатиш .[77]

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий бозор тизими сифатида маркетинг ва менежментнинг ривожлантирилиши, миллий иқтисодиётда уларнинг усул ва воситаларидан кенг фойдаланиш пировардида корхона ва ташкилотлар фаолиятининг юксалиши ва иқтисодий ўсишнинг таъминланишига қулай замин яратади.

Бугунги кунда акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг кенг ривожланиб бораётган кўриниши бўлиб, корпоратив бошқарув ҳисобланади. Мамлакатимизда бу соҳани

[77]Экономическая теория: Учебник. / Под общ.ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, с.212.

ривожлантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Германиядаги Европа менежмент ва технологиялар мактабининг фаол иштирокида акциядорлик жамиятларининг раҳбар ходим ва мутахассисларини тизимли асосда тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, уларнинг замонавий корпоратив бошқарув усулларини эгаллашини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ташкил этилди.

Ўтган йили Германия ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган бошқа давлатлардаги етакчи таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини кенг жалб қилган ҳолда, мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари, банклар ва йирик корхоналарнинг раҳбар ходимлари корпоратив бошқарув соҳасида малака оширмоқда.

10.3. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада эркинлаштирилиши ва рағбатлантирилиши

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2016 йилнинг 5 октябрдаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-2750 сонли қарори ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари

учун турли имтиёз, қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, иқтисодиётни либераллаштириш, бизнес юритиш шарт-шароитларини янада енгиллаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича кескин ва таъсирчан чора-тадбирларнинг амалга оширилиши соҳанинг янада ривожланишига замин ва туртки бўлмоқда.

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига мазкур соҳани турли даражаларда қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими катта таъсир кўрсатди. Давлат томонидан унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди, кичик корхоналарни молия-кредит ва инвестиция жиҳатидан қўллаб-қувватлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат ва минтақавий дастурлар ишлаб чиқилди ва бугунги кунда ҳам ҳаётга изчил равишда татбиқ этилмоқда. Бу соҳада минтақалараро ва халқаро алоқалар йўлга қўйилмоқда, ҳукуматлараро ва халқаро шартномалар тасдиқланмоқда, тадбиркорларнинг жамоатчилик уюшмалари фаолияти жонлантирилмоқда, ахборот таъминоти тизими вужудга келтирилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари кучайтирилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчилик мустаҳкамланди, бозор инфратузилмасини шакллантириш ишлари жадаллаштирилди, бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш,

фаолиятнинг алоҳида турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнлари соддалаштирилди ва тартибга солинди. Молия, солиқ ва статистика ҳисоботларининг барча шакллари ва муддатлари кескин қисқартирилмоқда. Солиққа тортиш ставкалари унификация қилинди ва камайтирилди. Хусусан, 2007 йилда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 13 фоиздан 10 фоизга туширилган бўлса, 2014 йилдан эса саноат соҳасидаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоизни ташкил қилди ва бу ҳолат ҳанузгача ўзгаришсиз қолмоқда. Шунингдек, тадбиркорларга, аввало, кичик бизнес субъектларига асосий, шу жумладан, талаб юқори бўлган моддий ресурслардан кенг фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шаклланди. Масалан, банкларнинг барча филиалларида тадбиркорларга яқиндан маслаҳатлар бериш бўйича “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди. Шунингдек, филиаллар ва мини банкларда ташкил этилган “Тадбиркорлар бурчаги” орқали республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб борилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 5-октябрдаги ПФ-4848-сонли «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони доирасида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган “Давлат харидлари тўғрисида”, “Давлат ва хусусий сектор шериклиги тўғрисида”ги Қонун лойиҳалари ҳамда 30 дан зиёд қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш борасида фаол ишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар 2019 йил давомида 92,9 мингтадан ортиқ янги кичик тадбиркорлик субъектларини (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этиш имконини берди. Натижада 2020 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 334767 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 71837 тага кўпайди.

2019 йилда ўзининг хусусий ишини, ўз бизнесини ташкил этишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратиш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишлар банк тизими фаолиятининг диққат марказида бўлади.

Ҳозирда банклар томонидан аҳолига қуйидаги йўналишлар бўйича кредит ажратиш таклиф этилмоқда: чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, қуёнчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, боғдорчилик ва узумчилик, иссиқхоналар қуриш, балиқчилик, кичик ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш, касаначиликни ривожлантириш, ҳунармандчилик, сартарошхона хизматини ташкил этиш, тикувчилик ва чеварликни қўллаб-қувватлаш, пойабзал тузатиш устахонасини ташкил этиш, умумий овқатланиш хизматини ташкил этиш, маиший техникаларни тузатадиган устахоналар ташкил этиш, гўзаллик салонлари ташкил қилиш, аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи шахобчалар қуриш, автомобилларни ювиш шахобчаси ташкил қилиш, компьютер хизматлари кўрсатишни ташкил қилиш, савдо фаолиятини йўлга қўйиш, ҳаммомлар ташкил қилиш, нонвойхона ташкил қилиш, қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил

этиш, бошқа фаолиятни амалга ошириш учун.

Ҳудудларда кредит олиш жараёнида инвестицион лойиҳалар ва бизнес-режалар пухталигини таъминлаш мақсадида маслаҳат хизматлари кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Инвестицион иқлим ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш борасида банк тизими зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш.

Бунда:

– банк хизматлари бозорида рақобатни янада кучайтириш, иқтисодиёт субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, кредитлаш жараёнларини соддалаштириш ва масофадан хизмат кўрсатиш кўламларини кенгайтириш;

– тадбиркорликнинг бир тури сифатидаги банк фаолиятига барча кўринишлардаги ноқонуний аралашувлар ва бу борадаги қонун меъёрларининг бузилиш ҳолатлари олдини олиш;

– кредит ажратиш жараёнининг мақбул ва тезкор муддатда амалга оширилишига эришиш мақсадида банк филиалларининг кредит ажратиш борасидаги ваколатларини бос-қичма-босқич кенгайтириш масалалари асосий мезонлардан бўлиб қолади.

Ўз навбатида, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган фуқароларга намунавий лойиҳалар таклиф этилиб, уларга кредит ҳужжатларини тайёрлаш бўйича тегишли маслаҳатлар берилмоқда ва қисқа муддатларда кредит маблағлари ажратиш чоралари кўрилмоқда.

Банкларнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланиш, ўз бизнесини ташкил этиш фуқароларнинг куч ва имконияти, қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг шароит яратади.

Бундан ташқари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4-бандига кўра, **“Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш,**

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш” [78] каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти жадал ривожланиб, иқтисодиётнинг мустақил ва самарали секторига айланиб бормоқда (10.1-жадвал).

10.1 жадвал

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши[79]

Кичик бизнес улуши (%)	2000 й.	2016 й.	2018	2019
ЯИМда	31,0	56,9	60,4	56,9
Саноат маҳсулотида	11,3	45,0	37,4	34,9
Қурилишда	37,0	70,7	73,2	75,4
Чакана товар айланишида	45,3	89,6	79,6	77,4
Экспортда	10,2	28,5	27,2	28,7

2019 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан,

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 115406,4 млрд.сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 34,9 фоиз);
- 89352,0 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 47,0 фоизи) ўзлаштирилди ва 2018 йилга нисбатан ўсиш суръати 166,1 фоизни ташкил қилди;
- 51949,8 млрд.сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишларининг умумий ҳажмининг 75,4 фоизи) бажарилди ва 2018 йилга нисбатан ўсиш суръати 122,8 фоизни ташкил қилди;
- 99139,3 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 52,1 фоизи) бажарилди ва 2018 йилга нисбатан ўсиш суръати 104,8 фоизни ташкил қилди;
- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 84,3 фоизи

[78] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони.

[79] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” йиллик нашрлари, 2019 йил январь-декабрь.

ёки 138368,1 млрд.сўмни (ўсиш 105,4 фоизни) ташкил қилди;

- 5135,7 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 28,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2018 йилга нисбатан 1324,8 млн.АҚШ доллари ёки 34,8 фоизга кўп;
- автомобил транспорти юк айланмасининг 7,4 фоизига (жами автомобил транспорти юк айланмасининг 77,4 фоизи) кўпайиши таъминланди;
- йўловчи айлланмасининг эса 2,7 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 94,9 фоизга) кўпайиши таъминланди.

10.4. Тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракат босқичлари

Тадбиркор ихтиёрида бўлиб, фойда олиш мақсадида ишлатиладиган ва ёлланма меҳнат томонидан ҳаракатга келтириладиган барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблағлари биргаликда тадбиркорлик капитали деб аталади. Тадбиркорлик капитали ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида доимо ҳаракатда бўлади ва бу ҳаракат жараёнида бир қатор босқичларни босиб ўтади.

Капитал икки хил хусусиятга эга бўлиб, унинг қиймати – кўпчиликка маълум бўлганидек, ушбу капитални ишлаб чиқаришга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат сарфидан иборатдир. Капиталнинг нафлилиги эса унинг: а) кўплаб турдаги ва миқдордаги нафлиликларни (товар ва хизматларни) яратишда; б) ишчи кучининг иш билан бандлигини таъминлашда; в) қисман қийматнинг ташкил топишида, яъни шаклланишида; г) энг муҳими, қўшимча маҳсулотни яратишда ва ўзлаштиришда тўлиқ иштирок этиши орқали намоён бўлади.

Капитал қайси соҳада ва қандай шаклда амал қилмасин ҳамда қандай таркибий қисмлардан иборат бўлишидан қатъий назар, у барча кўринишларда икки томонлама хусусиятга эга

бўлади ва шу хусусиятларнинг бирлиги сифатида амал қилади. Капиталнинг бу хусусиятлари товардаги икки хил хусусиятдан ва уни келтириб чиқарувчи сабаб – товарда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама тавсифидан келиб чиқади. Чунки пул товар айирбошлаш ривожланишининг маҳсули бўлиб, тарихий ва мантиқий жиҳатдан капиталнинг бошланғич бўғини ҳисобланади.

Тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракатидаги икки томонлама хусусиятни қуйидагича ифодалаш мумкин (10.2-расм).



10.2-расм. Тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракатидаги икки томонлама хусусиятнинг намоён бўлиши.

Расмдан кўринадики, товардаги икки томонлама хусусият ўз навбатида тадбиркорлик капиталига ҳам ўтади. Чунки, у пул, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи кўринишидаги унумли капитал ҳамда тайёр товарлардан иборат бўлади. Айни пайтда, капитал товарлари ўсиш хусусиятига эга бўлган қийматни ҳам намоён этади.

Тадбиркорлик капиталининг ҳаракат жараёни икки жиҳатдан, яъни – бир турдаги нафлиликнинг сифат жиҳатдан бошқа турдаги нафлиликка ўтиши ва миқдор жиҳатдан кўпайиши ҳамда қийматнинг ўсиш жараёнидан иборат.

Тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракатидаги икки

томонлама хусусият пировардида янгидан яратилган товарнинг икки томони, биринчидан, сифат жиҳатдан янги турдаги ва кўринишдаги, миқдор жиҳатдан эса кўпайган нафлилик, иккинчидан эса, ўтказилган ва қўшилган қийматда намоён бўлади. Тадбиркорлик капитали ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида доимо ҳаракатда бўлади ва бу ҳаракат жараёнида бир қатор босқичларни босиб ўтади.

Ишлаб чиқаришга сарфланадиган ҳар қандай сармоя ўз ҳаракатини пул шаклидан бошлайди. Пул (П) тегишли ресурслар бозоридан зарур товарлар, яъни ишлаб чиқариш воситалари (Ив) ва ишчи кучи (Ик) сотиб олишга сарфланади (авансланади). Бу ҳолда пул шунчаки товарлар сотиб олишгагина эмас, балки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иқтисодий фаолият омилларини сотиб олишга сарфланади. Ушбу муомала соҳасида пул капитали ўз ҳаракатининг биринчи босқичидан ўтади:



Мазкур жараён натижасида пул шаклидаги маблағлар унумли капитал шаклига айланади ва улар ишлаб чиқариш жараёнининг потенциал омиллари ҳисобланади. Капитал ҳаракатида иккинчи босқич ишлаб чиқариш (И) жараёни ҳисобланиб, унинг натижасида истеъмолга тайёр товар товар (Т) шаклини олади. Бу ерда ҳосил қилинган товарлар қиймати ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучига сарфланган қийматдан ортиқ бўлади, яъни:



Чунки, ҳосил қилинган товарлар қийматида ишлаб чиқариш воситаларининг кўчган қиймати, ишчи кучи қийматининг эквиваленти ва улар томонидан вужудга келтирилган қўшимча маҳсулот қиймати ҳам мавжуд бўлади.

Учинчи босқичда ишлаб чиқарилган товарларни сотиш содир бўлади Т’ П’ ушбу босқичда товарлар пулга айланади ва ўзининг дастлабки шаклига қайтиб келади. Дастлаб, пул шаклида сарфланган маблағ яна пул шаклида, аммо миқдор жиҳатидан кўпроқ бўлиб қайтади. Шу сабабли уни П’=П+п кўринишида ифодалаш мумкин.

Товарларни сотишдан тушган пул капитали яна ишлаб чиқариш омиллари сотиб олиш учун сарфланади ва шу тариқа юқоридаги ҳаракат тўхтовсиз такрорланаверади.

Тадбиркорлик капиталининг ўз ҳаракатида уч босқични изчил босиб ўтиб, мунтазам равишда бир шаклдан бошқа бир шаклга айланиб, яна дастлабки шаклига қайтиб келиши унинг доиравий айланиши дейилади.

Доиравий айланишнинг биринчи ва учинчи босқичлари муомала соҳасида, яъни ресурслар ва товарлар бозорида, иккинчи босқичи эса ишлаб чиқаришда рўй беради. Шунинг учун формулада ишлаб чиқариш жараёни ва муомала соҳаси ўртасидаги оралиқлар нуқталар (…) билан ажратилиб кўрсатилади. Ҳар бир босқичда капитал муайян ҳаракат шаклига киради. Биринчи босқичда у пул шаклида, иккинчи босқичда унумли ёки ишлаб чиқариш омиллари ва учинчи босқичда товар шаклида юзага чиқади. Капитал доиравий айланиш жараёнида унинг ҳар бир шакли алоҳида вазифани бажаради ва шунга кўра улар капиталнинг ҳаракати шакллари дейилади.

Капитал **пул шаклининг ҳаракати** иқтисодий фаолият учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишдан иборат. Бунга пулни ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи сотиб олишга авансласш орқали эришилади. Капитал унумли шаклининг ҳаракати товарлар ишлаб чиқариш ва худди шу жараёнда қийматнинг ўсишига эришишни таъминлаш вазифасига қаратилади.

Капитал товар шаклининг ҳаракати орқали ишлаб чиқарилган товарлар қийматининг нарх шаклида рўёбга

чиқиши содир бўлади ва ўсган қийматнинг пулга айланиши билан тадбиркорнинг фойда олиш мақсади таъминланади.

Ишлаб чиқариш узлуксиз давом этиши учун тадбиркорлик капитали ўзининг бир шаклидан бошқа бир шаклига айланиб туриши ва айни пайтда ҳар учала шаклда ҳам мавжуд бўлмоғи лозим. Агар тадбиркорлик капитали бу шаклларнинг бирортасида тўхтаб қолгудек бўлса, унинг ҳаракатидаги узлуксизлик бузилади. Тадбиркорлик капиталининг ҳар учала шакли бир вақтда ўз доиравий айланишига эга бўлади.

Тадбиркорлик капитали пул шаклининг доиравий айланиши:



Унумли капиталнинг доиравий айланиши:



Тадбиркорлик капитали товар шаклининг доиравий айланиши:



Капитал ўз ҳаракатини қандай ижтимой-иқтисодий шаклларда амалга оширмасин, улар учун юқорида таъкидлаганимиздек, доиравий айланиш ва унинг босқичларининг ҳаракат кўриниши умумий. Шу билан бирга хўжалик юритишнинг айрим шаклларида тадбиркорлик капиталининг доиравий айланиши, уларнинг босқичлари ва ҳаракат шакллари ўзларининг иқтисодий мазмуни жиҳатидан фарқланади.

10.5. Тадбиркорлик капиталининг айланиши. Асосий ва айланма капитал

Тадбиркорлик капиталининг ҳаракати бир доиравий айланиш билан тўхтаб қолмайди, балки у узлуксиз давом этиб,

такрорланиб туради. **Доиравий айланишларнинг бундай узлуксиз такрорланиб, янгиланиб туриши тадбиркорлик капиталининг айланиши дейилади.**

Капиталнинг айрим қисмлари турли тезликда ҳаракат қилиши туфайли сарфланган маблағларнинг айланиш тезлиги турлича бўлади. Масалан, унумли истеъмолда бўлган хомашё ва материаллар қиймати, бир доиравий айланишдан кейин бошқа қисми масалан, меҳнат қуроллари қиймати бир неча доиравий айланишдан кейин ўзининг бошланғич шаклига қайтади.

Капитал ўзининг айланиш тавсифига кўра икки қисмга: асосий ва айланма капиталга бўлинади.

Асосий капитал – ишлаб чиқариш жараёнида бир нечта доиравий айланишлар давомида қатнашади, ўзининг қийматини тайёрланаётган маҳсулотга (хизматга) бўлиб-бўлиб, аста-секинлик билан ўтказиб боради ва бир неча йиллик хизмат муддати давомида ашёвий-буюм шаклини ўзгартирмайди.

Айланма капитал – бир доиравий айланиш давомида тўлиқ истеъмол қилинади, ўзининг қийматини ишлаб чиқариш натижаларига тўлиқ ўтказади ва ашёвий-буюм шаклини ҳам йўқотади.

Асосий ва айланма капиталлар бир-биридан қуйидаги белгилар асосида фарқланади.

1. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳаракат қилиш хусусиятлари. Асосий капитал узоқ давр (масалан станок 10 йил, бино 50-100 йил) давомида фаолият қилади, ўзининг олдинги натурал-буюм шаклини шу даврдаги доиравий айланишлар давомида сақлаб қолади. Аксинча, айланма капитал (масалан пахта, жун, металл ва б.) ҳар бир доиравий айланишда тўлиқ унумли истеъмол қилинади, ўзининг ашёвий-буюм шаклини йўқотади ва янги турлари билан алмашинади.

2. Қийматини ишлаб чиқариш натижаларига ўтказиш хусусияти. Асосий капитал ишлаб чиқариш жараёнида қатор

йиллар давомида фаолият қилиб, уларнинг қиймати товарларга қисман-қисман ўтиб боради. Хомашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия каби айланма капитал элементлари ҳар бир доиравий айланишда тўлиқ унумли истеъмол қилинади ва уларнинг қиймати маҳсулот ва хизматлар қийматига тўлиқ ўтади.

3. Капитал қийматининг айланиш усули. Қийматининг айланиш усули бўйича асосий капитал қиймати иккига бўлинади. Қийматнинг маҳсулотга ўтган қисми товарлар ва хизматлар билан бирга муомалада бўлади ва доиравий айланиш жараёнида товар шаклидан пул шаклига ўтади ҳамда қоплаш фонди шаклида аста-секин жамғарилади. Маҳсулотга ўтмаган қисми ишлаб чиқариш доирасида мавжуд бўлган асосий капиталда гавдаланганича қолаверади. Истеъмол қилинган меҳнат предметлари қиймати тўла-тўкис айланиб, янги маҳсулотлар қиймати таркибига киради.

4. Қайта тикланиш усули. Қайта тикланиш усулида асосий капиталнинг ишлаб чиқариш натижларига ўтказилган қиймати, бу воситалар бир қатор доиравий айланишларни ўз ичига олган муайян давр давомида ейилиб, ишдан чиққандан кейин пул шаклидан янги асосий капитал шаклига айланади. Айланма капитал ҳар бир доиравий айланишдан кейин ашёвий-буюм шаклида қайтиб тикланади.

Тадбиркорлик капитали ўз ҳаракатида ишлаб чиқариш ва муомала босқичларини босиб ўтади. Шу сабабли унинг айланиш вақти (Ав) ишлаб чиқариш вақти (Ив) ва муомала вақти (Мв) йиғиндисидан иборат:

$$Ав = Ив + Мв$$

Сарфланган маблағларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бў**лиш вақти, яъни ишлаб чиқариш воситалари сотиб олингандан тайёр товар бўлган даврга**ча ўтган вақт ишлаб **чиқариш вақтини, муомала жараёнида бўлиш вақти, яъни ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш ва тайёр**

товарларни сотиш учун кетган вақт муомала вақтини ташкил этади. Ишлаб чиқариш вақти уч қисмдан иборат бўлади:

1) бевосита меҳнат жараёни ёки иш даври (Ид);

2) турли танаффуслар даври (Тд);

3) ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқариш захираларида бўлиш даври (Зд).

Демак,

$$Ив = Ид + Тд + Зд$$

Иш даври – ишлаб чиқариш вақтининг асосий таркибий қисмидир. Бу вақт давомида маҳсулот меҳнатнинг бевосита таъсири остида бўлади. Иш даврининг узунлиги ишлаб чиқариладиган маҳсулот хусусиятига, қўлланиладиган меҳнатнинг миқдори ва унинг унумдорлиги даражасига боғлиқдир.

Танаффусларни табиий жараёнларнинг меҳнат буюмларига таъсир кўрсатиш зарурлиги ва ташкилий тавсифдаги сабаблар тақозо этади. Биринчи ҳолда, меҳнат буюмлари у ёки бу даражада узоқ давом этадиган жисмоний, кимёвий ва биологик жараёнларнинг таъсири остида бўлади (қуритиш, ачитиш ва шунга ўхшаш жараёнлар). Бунда меҳнат жараёни қисман ёки тўлиқ тўхтайди, ишлаб чиқариш жараёни эса давом этади. Ташкилий сабабларга кўра танаффуслар вақти корхоналарнинг иш режими билан, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш хусусиятлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш воситаларнинг захира ва эҳтиётлар сифатида бўлиш вақти – бу уларнинг ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган даврдир. Тез қуритадиган, тез ачитадиган, умуман технологик жараёнларни тезлаштирадиган янги техника ва технологияларнинг қўлланилиши танаффус даврининг ва

бинобарин ишлаб чиқариш вақтининг қисқаришига олиб келади. Транспорт шохобчаларини ривожлантириш, хўжалик алоқаларининг самарали тизимини белгилаш, ишлаб чиқариш воситалари бозорини шакллантириш, эҳтиёжларни пухта ҳисобга олиш, муомала вақтини қисқартириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Капиталнинг айланиш тезлиги улардан фойдаланиш самарадорлигига жиддий таъсир қилади. Айланиш тезлиги муайян давр ичида (А) қилинган айланишлар сони (n) ёки бир айланишнинг узун-қисқалиги (а) билан белгиланади: n=A/a; a=A/n.

10.6. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш самарадорлиги

Капиталнинг самарадорлик даражаси турли омиллар таъсирида шаклланади. Улар орасида асосий капиталнинг таркиби (тармоқ таркиби, турлар бўйича таркиби); асосий капиталдан фойдаланиш ва уни тақсимлаш самарадорлиги; эскирган меҳнат воситаларини янгилари билан амаштириш йўллари ва усуллари муҳим аҳамиятга эга.

Асосий капиталнинг тармоқ таркиби уларнинг айрим тармоқлар бўйича тақсимланиши ва ҳар бир тармоқнинг капиталнинг умумий қийматидаги ҳиссаси билан тавсифланади. Агар асосий капитал таркибида кўпроқ техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилайдиган тармоқларнинг улуши ошса, уларнинг тармоқ таркибининг яхшиланганлигини билдиради.

Асосий капиталнинг турлари бўйича таркиби улар ҳар бир турининг капитал умумий қийматидаги ҳиссаси ва нисбати билан тавсифланади.

Асосий капиталнинг айрим турлари ишлаб чиқаришда ўз иштироки бўйича бир хил роль ўйнамайди. Агар бинолар асосан ишлаб чиқариш жараёнининг бир меъёрда боришини таъминлаб, меҳнатнинг умумий шароитини ташкил қилиб,

ишлаб чиқариш самарадорлигига билвосита таъсир кўрсатса, меҳнат қуролларн (иш машиналари, ускуналар ва бошқалар) ишлаб чиқариш жараёнида фаол роль ўйнайди ва ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий қийматида ҳар бир мулк шаклининг ҳиссаси ўзига хослиги билан тавсифланади (10.2-жадвал).[80]

10.2-жадвал

Ўзбекистонда асосий капиталга киритлган инвестицияларнинг мулкчилик шакллари таркиби (фоизда)

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Жами	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**
Давлат	21,8	22,6	22,3	20,7	19,1	16,3	16,6	16	18,8	18,1
Нодавлат	78,2	77,4	77,7	79,3	80,3	83,7	83,4	84	81,2	81,2

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламдаги бозор ислоҳотлари, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари корхоналардаги мавжуд асосий ва айланма капиталлар қийматининг ўсишига ҳамда таркибининг ўзгариб, сифат жиҳатидан такомиллашиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Республика бўйича асосий капитални кўпайтириш манбалари тузилмасининг таҳлили ҳамон давлат бюджети маблағлари ҳиссасининг юқорилигини, банк кредитлари, чет эл инвестициялари ва кредитлари, бюджетдан ташқари фондларнинг ҳиссаси эса пастлигини кўрсатмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси бўйича таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларини диверсификация ҳамда модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

[80]Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси, 2019 йил. Тошкент – 2020.

Ушбу мақсадлар учун 2013-2018 йиллар яъни охирги йиллар мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда бир неча баробар кўп инвестицияларни йўналтирилди. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодиётни модернизация қилишни таъминлайди (10.3-жадвал).

10.3-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Жами (млрд. сўм)	**28694,6**	**35233,3**	**41670,5**	**49770,6**	**60719,2**	**107333,0**
фоизда	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**
Саноат	34,2	37,4	41,5	38,0	43,5	22,0
Қишлоқ хўжалиги	4,6	4,1	3,3	3,3	3,3	3,3
Қурилиш	1,5	2,3	2,5	1,9	4,1	2,3
Транспорт	15,2	11,9	9,0	11,6	8,7	7,4
Алоқа	2,7	2,2	2,4	2,2	3,1	0,9
Савдо ва умумий овқатланиш	5,2	5,6	6,0	6,8	6,0	5,0
Уй-жой ва коммунал хўжалиги	23,2	22,7	24,2	24,6	21,6	16,0
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	3,1	2,8	2,3	2,3	2,3	2,5
Таълим	2,6	2,3	2,3	2,7	2,0	2,6
бошқалар	7,7	8,7	6,5	6,6	5,4	5,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Таҳлиллар кўрсатадики, тадбиркорлик капиталини кўпайтириш манбаларида қарз маблағлари ролининг ошиши асосан хорижий кредитларнинг кўпайиши ҳисобига юз берган. Бу эса республикада чет эл кредитлари бўйича кафолатларнинг юқори даражаси ва тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг беқарорлиги билан изоҳланади.

Республика ҳукумати тадбиркорлик капиталини кўпайтиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва қўшма корхоналарни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда.

Замонавий технологияларни татбиқ қилиш зарурияти, тадбиркорлик бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва инвестиция муҳитининг яхшиланиши борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатга бевосита чет эл инвестицияларини олиб кириш фаоллашиб, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида чет эл инвестицияси таркиби сезиларли даражада ўзгарди.

Асосий капитални шакллантиришда чет эл инвестицияларининг иштирокини барқарорлаштириш ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, инвестиция муҳитини ривожлантириш ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда қуйидаги ўзгаришларни тақозо этади:

- ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олиш, глобал илмларни эгаллаш, солиқларнинг тартибловчи ролини такомиллаштириш, уларнинг рағбатлантирувчилик ролини кучайтириш;

- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни узоқ муддатли ҳудудий, мақсадли дастурларга мувофиқ олиб бориш;

- импортга чекловларни иқтисодиётда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш билан мутаносиб равишда киритиб бориш, мазкур тармоқларни асосан хорижий инвестициялар ҳисобидан молиялаштириш;

- мамлакатга хорижий капитални кенг миқёсда жалб қилишда кредитлар ҳиссасини камайтириш ва бевосита хорижий инвестициялар ҳиссасини ўстиришга эришиш лозим.[81]

Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш ўзаро боғланган икки жараёнга: асосий капиталнинг эскириши, яъни амортизация жараёни ва амортизация фондидан меҳнат воситаларини жисмоний шаклда тиклаш учун фойдаланишга таянади.

[81] Хажиев Б.Д. Тадбиркорлик капитали ва унинг самарали амал қилиши. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2008, 17-20 бетлар.

Меҳнат воситалари жисмоний эскиришининг икки шакли мавжуд:

1) улардан бевосита фойдаланиш натижасидаги жисмоний эскириш;

2) ҳаракатсиз туриш натижасида, табиий кучларнинг таъсирида жисмоний эскириш.

Меҳнат воситалари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш натижасида жисмоний эскирганда, улар техник, ишлаб чиқариш хоссасини ва истеъмол қийматини аста-секин йўқотиб боради. Айни вақтда асосий капитал табиий кучларнинг таъсирида жисмоний эскириши ҳам мумкин. Бундай эскириш қиймати қопланмайди ва у йўқотишни билдиради. Бу йўқотиш асосий капиталнинг ҳаракатсиз туриш натижасидаги эскиришига тенг бўлади.

Меҳнат воситалари жисмоний эскириш билан бирга маънавий жиҳатдан ҳам эскиради. Маънавий эскиришнинг ҳам икки хил тури мавжуд бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилади. Маънавий эскиришнинг биринчи тури меҳнат воситалари тайёрланадиган тармоқларда меҳнат унумдорлиги ошганлиги натижасида улар қийматининг пасайишида ифодаланади. Бу ишлаб турган ускуналарни янгилари билан алмаштиришни зарур қилиб қўймайди, чунки ишлаб турган ва янги ускуналарнинг техника даражаси бир хил бўлиб қолаверади. Бироқ, анча паст қийматга эга бўлган меҳнат воситаларининг кенг қўлланиши шунга олиб келадики, илгари сотиб олинган меҳнат воситалари қийматининг бир қисми йўқолади.

Маънавий эскиришнинг иккинчи турида анча мукаммал, арзон ва унумли машиналарнинг ишлаб чиқаришга кириб келиши билан илгари ўрнатилган меҳнат воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмай қолади ва натижада улар янгилари билан алмаштирилади. Маънавий эскиришдан кўриладиган зарарнинг олдини олишнинг асосий йўли меҳнат қуролларидан анча самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларнинг бир қисми амортизация фонди ёрдамида қопланади.

Амортизация асосий капитал эскириб боришига қараб, унинг қийматини аста-секин ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказиш, асосий капитални кейинчалик қайта тиклаш мақсадларида маҳсулотнинг амортизация миқдорига тенг қисмини ажратиб бориш жараёнидан иборат.

Амортизация ажратмалари белгиланган амортизация нормалари (меъёрлари) асосида ажратилиб борилади.

Асосий капиталнинг эскириши билан амортизация ўртасида мустаҳкам алоқа бор. Бироқ булар бир хил тушунчалар эмас. Эскириш меҳнат воситаларидан фойдаланиш вақтида уларнинг техник-ишлаб чиқариш хоссаларини аста-секин йўқотиш жараёнини акс эттиради. Амортизация анча мураккаб жараён бўлиб, истеъмол қилинган меҳнат воситалари қийматини уларнинг эскиришига мувофиқ равишда маҳсулотга ўтказиш, истеъмол қилинган меҳнат воситаларининг ўрнини қоплаш мақсадида пул фондини жамғариш жараёнини акс эттиради. Шундай қилиб, эскириш амортизациянинг дастлабки шарт-шароитидир.

Амортизация нормаси амортизация ажратмалари йиллик суммасининг шу асосий капитал қийматига нисбати сифатида аниқланади ва фоизда ифодаланади. Амортизация ажратмаларининг умумий нормаси асосий капитални такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ равишда икки қисмдан иборат бўлади: бир қисми асосий капитални тўла қоплашга (қайта тиклашга), иккинчиси уларни қисман қоплашга (капитал таъмирлашга) мўлжалланади.

Амалиётда умумий йиллик амортизация нормаларини (Ан) белгилашда асосий капитал қиймати (Кас) асосий капиталнинг ҳаракат қилиши муддати давомида

капитал таъмирлаш учун сарфлар (Тк), эскирган меҳнат воситаларини тугатишдан олинган маблағ (Мт) ва шу воситанинг хизмат даври (Хд) ҳисобга олинади:

$$A_н = \frac{K_{ас} + T_к - M_т}{K_{ас} \times X_д} \times 100\% .$$

Амортизация нормалари меҳнат воситалари жисмоний ва маънавий эскиришининг ҳақиқий миқдорини акс эттириши керак. Оширилган нормалар маҳсулот таннархини сунъий равишда ўстириб юборади, пасайтирилган нормалар эса асосий капиталнинг тикланиш даврини кечиктиради ва шу тариқа тараққиётга тўсиқ бўлади.

Ҳозирги шароитда амортизация ажратмалари ривожланган мамлакатларда капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шунга кўра, давлат кўпинча фирмаларга жадаллаштирилган амортизацияни қўллашга рухсат беради. Жадаллаштирилган амортизация ажратмаларининг юқори нормаларини белгилаш орқали асосий фондлар қийматини нисбатан қисқароқ вақт ичида рўйхатдан чиқариш имконини беради. Одатда жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш асосий фондларнинг актив қисми учун рухсат этилади. Бироқ, бу ҳолат нафақат асосий капиталнинг тезроқ янгиланишини, балки ишлаб чиқариш харажатларини амортизация ажратмаларига тўғри келувчи қисмининг ошиб кетишига ҳам олиб келади.

Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлигининг ошиши, энг аввало, қўшимча капитал маблағ сарфаланмасдан туриб маҳсулот ҳажмини кўпайтиришда ўз ифодасини топади. Бир томондан, миллий маҳсулот ёки миллий даромаднинг ўсиш суръатлари билан, иккинчи томондан, асосий капиталнинг ўсиш суратлари ўртасидаги нисбат миллий иқтисодиёт миқёсида асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлигининг

умумлашувчи кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан асосий капитал қиймати ўртасидаги алоқани акс эттириб, у ўзаро боғлиқ икки кўрсаткич – капиталдан олинадиган самара (Кс) ва маҳсулотнинг капитал сиғими (Ксиг) кўрсаткичлари билан ифодаланади. **Миллий иқтисодиёт миқёсида асосий капиталдан олинадиган самара даражаси ишлаб турган асосий капиталнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ёки миллий даромадни, капитал сиғими даражаси эса ишлаб чиқарилган миллий даромад ёки ялпи ички маҳсулотнинг бир сўми ҳисобига асосий капитал қийматининг тўғри келишини тавсифлайди:**

$$К_с = \frac{ЯИМ}{К_{ас}} \quad \text{ёки} \quad К_с = \frac{МД}{К_{ас}}.$$

$$К_{сиг} = \frac{К_{ас}}{ЯИМ} \quad \text{ёки} \quad К_{сиг} = \frac{К_{ас}}{МД}.$$

Корхона миқёсида капиталдан олинадиган самара даражаси асосий капиталнинг бир сўми эвазига корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулот миқдори (М) билан, капитал сиғими эса корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (М) бир сўм ҳисобига қанча асосий капитал қиймати тўғри келиши билан тавсифланади:

$$К_{самара} = \frac{М}{К_{ас}}; \qquad К_{сиг.кор.} = \frac{К_{ас}}{М}.$$

Корхонадаги меҳнат воситаларининг айрим турларидан фойдаланиш самарадорлиги натурал кўрсаткичлар ёрдами билан аниқланади. Масалан, бир тўқув дастгоҳида метр ҳисобида бир кунда тўқилган мато, бир автомобилда бир

кунда тонна ҳисобида ташилган юк ва ҳоказо.

Асосий капитал (фондлар) ҳаракати айланма капитал ва муомала маблағлари ҳаракати билан узвий боғлиқ. Шу сабабли айланма капитал ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ва уни ошириш омилларини кўрсатиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Айланма капиталдан самарали фойдаланишнинг умумлашувчи кўрсаткичи ҳисобланган иқтисодиёт миқёсида маҳсулотнинг материал сиғими (Мсиғ) маҳсулот яратишда истеъмол қилинган айланма капитал қийматининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ёки миллий даромадга (Мд) нисбати орқали аниқланади:

$$М_{сиг} = \frac{АК}{МД}.$$

Корхона миқёсидаги материал сиғими (Мсиғ.кор.) унда истеъмол қилинган айланма капитал қийматининг ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига нисбати орқали аниқланади:

$$М_{сиг.кор.} = \frac{АК}{М}.$$

Сарфланган айланма капитал бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори материал сиғими кўрсаткичига тескари миқдордир.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги у билан айланма капитал ўртасидаги нисбатга боғлиқдир. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган айланма капиталнинг салмоғи қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлардан шунчалик самарали фойдаланилади. Амалиётда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш коэффициенти билан ўлчанади. Бу коэффициент бир йил ичида сотилган маҳсулот қийматининг айланма маблағларнинг ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида аниқланади.

Айланиш даври (а) йилдаги кунлар сонининг айланишлар сонига (n) нисбати билан аниқланади:

$$a = \frac{360}{n}.$$

Айланма маблағлар айланишини тезлаштирадиган асосий омил ишлаб чиқариш вақтини аввало иш даврини, шунингдек, муомала вақтини қисқартиришдир.

Хулосалар

1. Хўжалик юритишнинг бозор тизимига ўтиш – иқтисодиётнинг тадбиркорлик тизимига ўтиш демакдир. Тадбиркорликнинг иқтисодий табиати ташаббускорлик, таваккалчилик ва масъулият, ишлаб чиқариш омилларини янгича усулда бирлаштириш, новаторлик каби бир қанча белгилар билан тавсифланади.
2. Тадбиркорлик фаолияти деб шакли ва соҳасидан қатъий назар фойда олишга ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолиятга айтилади.
3. Тадбиркорлик даромадининг ўзига хос хусусияти шундаки, биринчидан, у ишлаб чиқариш жараёнида ресурсларнинг энг оптимал вариантда қўлланилиши натижасида вужудга келади, иккинчидан эса, бозорда айирбошлаш натижасида шаклланади.
4. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мамлакатда маълум даражада шарт-шароит яратилиши зарур. Тадбиркорлик вазифаларини амалга ошириш, ривожлантириш ва шакллантиришга таъсир кўрсатадиган шарт-шароитлар мажмуаси тадбиркорлик муҳитини ташкил қилади. Тадбиркорлик муҳити бир неча унсурлардан ташкил топган: ҳуқуқий асоснинг мавжудлиги, иқтисодий эркинлик, шахсий манфаат, бозорнинг ривожланганлиги, рақобат, давлатнинг чекланган роли.

5. Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги шакллари самарали амал қилиб келмоқда: хусусий тадбиркорлик, масъулияти чекланган ва масъулияти чекланмаган жамиятлар, ҳиссадорлик жамиятлари. Ҳиссадорлик жамиятларининг ривожланиши миллий иқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳиссадорлик жамиятларининг пайдо бўлиши қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиради, иқтисодиётга тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини кўпайтиради, аҳолининг кенг қатламини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ундайди.

6. Капитал ўзининг амал қилиш жараёнида бир неча шаклда намоён бўладиган мураккаб ҳодисадир. Илк босқичда капитал буюм, пул, қиймат кўринишида бўлиб, хўжалик фаолиятига йўналтирилади. Шунинг учун капитал авансланган қиймат шаклини олади. Натижада капитал қўшимча маҳсулот, даромад олишни таъминлайдиган қийматга айланади.

7. Капиталнинг айланиши шундай ҳаракатки, унда капитал барча ишлаб чиқариш босқичларини ўтиб, ўзига хос бўлган вазифаларни бажариб ўзининг дастлабки шаклига қайтади. Капиталнинг айланиши авансланган қиймат бутунлай қопланган тақдирда амалга ошган ҳисобланади. Капитал айланиш тезлиги капиталнинг бир йилда айланиш тезлиги ва айланиш сони билан ўлчанади.

8. Капитал ўзининг айланиш хусусиятига қараб асосий ва айланма капиталга бўлинади. Асосий капитал ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ иштирок этиб, ўз қийматини маҳсулот қийматига қисмлар билан ўтказади. Меҳнат воситалари ўрнини қоплаш учун мўлжалланган ва амортизация фондида жамғариладиган асосий капитал қиймати амортизация ажратмалари дейилади. Амортизация ажратмалари суммасининг асосий капитал қийматига нисбати амортизация нормаси дейилади ва фоизларда ҳисобланади. Айланма капитал ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматини тўлалигича тайёр маҳсулот қийматига ўтказади.

Асосий таянч тушунчалар:

Тадбиркорлик фаолияти – шакли ва соҳасидан қатъий назар фойда олишга ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолият.

Акциядорлик жамияти – кўпроқ фойда олиш мақсадида акциялар чиқариш орқали меҳнат, меҳнат қуролларни ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда пул ресурс (капитал) ларини бирлаштирган уюшма.

Акция – бу унинг эгаси акциядорлик жамияти капиталига ўзининг маълум ҳиссасини қўшганлиги ва унинг фойдасидан дивиденд шаклида даромад олиш ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоз.

Акция курси – қимматли қоғозлар бозорида акцияларнинг сотиладиган нархи.

Облигация – унинг эгаси жамиятга қайд қилинган фоиз олиш шарти билан пул қўйганлигини тасдиқловчи қимматли қоғоз.

Таъсисчилик фойдаси – сотилган акциялар ва акциядорлик корхонасига ҳақиқатда қўйилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ.

Дивиденд – акция эгаси ўзлаштирадиган даромад тури.

Тадбиркорлик капитали – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблағлари.

Айланма капитал – унумли капиталнинг бир доиравий айланиш давомидаги ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ истеъмол қилинадиган, ўз қийматини яратилган маҳсулотга тўлиқ ўтказадиган ва ашёвий-буюм шаклини ҳам йўқотадиган қисми.

Асосий капитал – унумли капиталнинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида бир қатор доиравий айланишлар давомида қатнашиб, ўзининг қийматини тайёрланаётган маҳсулотга (хизматга) бўлиб-бўлиб ўтказиб борадиган ва хизмат муддати давомида ўзининг ашёвий-буюм шаклини ўзгартирмайдиган қисми.

Амортизация нормаси – амортизация ажратмалари йиллик суммасининг асосий капитал қийматига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Тадбиркорлик фаолиятига таъриф беринг. «Тадбиркорлик фаолияти» ва «бизнес» тушунчаларини изоҳланг.
2. Тадбиркорликнинг вазифаларини санаб кўрсатинг. Нима учун тадбиркор таҳлика (таваккалчилик) билан фаолият кўрсатади?
3. Тадбиркорликнинг ривожланиш шарт–шароитлари нималардан иборат?
4. Тадбиркорликнинг шакллари ва уларнинг хусусиятларини кўрсатинг.
5. Акциядорлик жамиятига таъриф беринг. Акция нима, акция курси қандай аниқланади? Акция курсига таъсир қилувчи омилларни кўрсатинг.
6. Тадбиркорлик капитали нима? Унинг таркибий тузилиши қандай?
7. Тадбиркорлик капитали ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида қандай босқичлардан ўтади ҳамда қандай шаклларга киради?
8. Капиталнинг айланишига тавсиф беринг. Айланиш вақти қандай вақтларни ўз ичига олади? Уларга тушунча беринг.
9. Капиталнинг айланиш тезлиги қандай аниқланади? Капиталнинг айланиш узунлиги икки ойни ташкил қилади деб фараз қилсак, бир йилда неча марта айланади ва бир айланишининг узунлиги қанча давом этади?
10. Унумли капитал асосий ва айланма капиталга қандай мезонлар бўйича ажратилади? Асосий ва айланма капиталга тавсиф беринг.
11. Амортизациянинг иқтисодий мазмуни нимадан иборат? Унинг нормаси қандай аниқланади?

12. Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги қандай кўрсаткичлар оркали аниқланади? Айланма капитал ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини тушунтиринг.

11-боб. КОРХОНА (ФИРМА) ХАРАЖАТЛАРИ ВА ФОЙДАСИ

Ўтган бобдан бизга маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир тадбиркор ёки корхона фойда олиш ва уни кўпайтириш учун фаолият кўрсатади. Унинг оладиган фойда миқдори эса ишлаб чиқарган маҳсулоти ёки кўрсатаётган хизматининг ҳажмига, сифатига, таннархига ва баҳолар даражасига боғлиқ бўлади. Корхоналарнинг бозорга маҳсулот етказиб бериб, фойда олишга бўлган лаёқатини аниқлаб берувчи муҳим омил сарф-харажатлар даражаси ҳисобланади. Ҳар қандай товарни ишлаб чиқариш иқтисодий ресурс сарфларини тақозо қилиб, улар ҳам маълум нархга эга бўлади. Корхона оладиган фойданинг миқдори бир томондан бозорга таклиф қиладиган товар миқдорига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан унга қилинадиган иқтисодий харажатлар даражасига, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва товарлар бозорида сотиладиган нархларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш харажатлари “Иқтисодиёт назарияси” фанининг муҳим категорияларидан бири бўлиб, уни ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу бобда сарф-харажатларнинг умумий табиати, мазмуни ва таркибига тўхталиб, фойданинг ташкил топиши жараёни таҳлил қилинади. Шу билан бир қаторда, фойданинг манбаи, унинг миқдорига, даражасига таъсир этувчи омиллар, фойда нормаси ва массаси каби масалаларга алоҳида эътибор берилади.

11.1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг таркиби

Миллий иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш бирликлари (корхона, фирма) ўз фаолияти натижаларидан кўпроқ фойда олишга ҳаракат қиладилар. Ҳар қандай корхона оладиган фойда нафақат ўзининг товарини анча юқори нархларда сотишга, балки товар ишлаб чиқариш ва уни сотишга қилинадиган харажатларни камайтиришга ҳам интилади.

Товарларни сотиш нархлари асосан корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи шароитлар билан белгиланса, ишлаб чиқариш харажатлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва тайёр товарларни сотиш жараёнларини ташкил қилиш самарадорлиги даражасига боғлиқ. Лекин ҳар қандай товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун маълум сарф харажатлар талаб этилади. Ҳозирда ишлаб чиқариш харажатларини тадқиқ этишда икки хил ёндашув – классик ва неоклассик ва бошқа замонавий концепциялардан фойдаланилади. Классик назария ёндашувига кўра, ишлаб чиқариш харажатлари – бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун амалга оширилган барча жонли меҳнат, пул ва моддий сарфлардир.

Умумий назарий жиҳатдан қуйидагиларни фарқлаш лозим:

1) ишлаб чиқаришнинг ижтимоий зарурий харажатлари ёки маҳсулот қиймати;

2) корхона (фирма)нинг индивидуал ишлаб чиқариш харажатлари.

Ижтимоий зарурий ишлаб чиқариш харажатлари – бу маҳсулотнинг маълум турини ёки унинг бир-бирлигини ишлаб чиқариш учун ижтимоий зарурий сарфларнинг умумий (жонли меҳнат, моддий ва пул) сарфларидир. Улар мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш жамият учун қанчага тушганлигини кўрсатади. Товар ишлаб чиқариш шароитида ижтимоий зарурий харажатлар пул шаклида намоён бўлади ва товар қийматига мувофиқ тушади, яъни:

u.r.b.з.м + қ.м

$$Sv = c + v + m,$$

бу ерда: Sv – ижтимоий зарурий ишлаб чиқариш харажатлари ёки маҳсулот қиймати; c – истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати; v – зарурий маҳсулот қиймати ёки ишчи кучи қиймати (иш ҳақи); m – қўшимча маҳсулот қиймати.

Корхона ишлаб чиқариш харажатлари деганда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга шу корхона томонидан қилинадиган барча сарфлар тушунилади:

$$\mathbf{Pc = c + v.}$$

Pc – ишлаб чиқариш харажатлари (таннарх).

Корхона ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаштириб айтадиган бўлсак, унинг таркибига хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи ва энергия харажатлари, асосий капитал амортизацияси, иш ҳақи ва ижтимоий суғурта ажратмалари ва бошқа турли хил ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради. Бу ерда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган, лекин ҳозирги даврда ишлаб чиқариш харажатлари, бинобарин таннархга сунъий равишда киритилган солиқ ва фоизлар кўзда тутилмайди. Корхона томонидан ишлаб чиқаришга қилинган барча сарф-харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот таннархини ташкил қилади.

Корхона ишлаб чиқариш харажатларини иккига бўлиб ўрганиш мумкин: бевосита ишлаб чиқариш харажатлари ва муомала харажатлари (11.1-расм).

11.1-расм. Харажатларнинг намоён бўлиш соҳасига кўра туркумланиши.

Бевосита ишлаб чиқариш харажатлари фақат товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олиб, товар бирлиги қийматининг фақат бир қисмини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш харажатлари товар қийматидан қўшимча маҳсулот қиймати миқдорига кам бўлади.

Муомала харажатлари тушунчаси товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, шу товарларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказилгунча кетадиган сарфларга айтилади. Улар икки гуруҳга бўлинади: қўшимча муомала харажатлари ва соф муомала харажатлари. Товарларни ўраш, қадоқлаш, саралаш, транспортга ортиш, ташиш ва сақлаш харажатлари қўшимча муомала харажатлари ҳисобланади. Муомала харажатларининг бу турлари ишлаб чиқариш харажатларининг давоми ҳисобланиб, товар қийматига киради ва унинг қийматини оширади. Харажатлар товарлар сотилгандан кейин олинган пул тушуми суммасидан қопланади.

Соф муомала харажатлари товарни сотиш билан боғлиқ бўлиб, сотувчиларнинг маоши, маркетинг (истеъмолчилар талабини ўрганиш), реклама ва шу каби харажатлардан иборат бўлади. Соф муомала харажатлари товар қийматини оширмайди ва ишлаб чиқариш жараёнида яратилган товарни сотгандан кейин олинган фойда ҳисобидан қопланади.

Ишлаб чиқариш харажатларининг иккинчи йўналишдаги концепциялари маржиналистлар ва неоклассиклар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, улар бу борадаги классик назарияларни ҳам маълум даражада ҳисобга оладилар. Бироқ, бу концепцияларнинг ўзига хос томони шундаки, улар ишлаб чиқариш харажатларини тушунтиришда ресурсларнинг чекланганлиги ва улардан муқобил фойдаланиш имкониятларидан келиб чиқадилар.

Маржиналистик сарф-харажатлар назарияси бўйича корхона ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар ўз ресурслари ёки жалб қилинган ресурслар бўлиши мумкин. Шунга кўра харажатлар ички ёки ташқи харажатларга бўлинади (11.2-расм).



11.2-расм. Харажатларнинг жалб этилиш манбаига кўра туркумланиши.

Ташқи харажатлар корхона томонидан зарур ресурс ва хизматларни ташқаридан тўлов асосида жалб этиши учун сарф қилинган харажатлардир. Бундай харажатларга ёлланма ишчилар иш ҳақи, хомашё ва материаллар учун тўловлар, кредит учун фоиз тўловлари, ижарага олинган ер учун рента, транспорт хизмати ва бошқа ҳар хил хизматлар учун тўловлар киради. Ташқи харажатлар тўлов ҳужжатлари билан расмийлаштирилади, шу сабабли бухгалтерия харажатлари деб ҳам аталади.

Корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиши билан боғлиқ харажатлар ички харажатлар дейилади. Бундай харажатлар пул тўловлари шаклида чиқмайди. Шу сабабли ички харажатлар даражасини баҳолаш ўз ресурслари қийматини шунга ўхшаш ресурсларнинг бозордаги нархларига таққослаш орқали амалга оширилади.

Ташқи ва ички харажатларнинг моҳиятини очиб бериш, уларнинг бир-биридан фарқини тушунтиришда бугунги кунда хўжалик амалиётимизда фаолият юритаётган кўплаб якка тартибдаги тадбиркорларни яққол мисол тариқасида келтириш мумкин. Айтайлик, бирон-бир тадбиркор ўзига қарашли бўлган

хонадонда кичик ишлаб чиқариш цехи ташкил қилди. Бу ерда унинг ташқи харажатлари аниқ: ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё учун тўлов, электр энергияси, сув ва бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар, транспорт хизматлари учун тўлов ва бошқалар. Бу ўринда ички харажатлар нимадан иборат бўлади, деган савол туғилиши табиий. Мисолимиздан кўринадики, тадбиркор цех биноси сифатида ўз хонадонидан фойдаланяпти. Шубҳасиз, у ўз хонадонидан фойдаланганлиги учун ўзига ҳақ тўламайди, бироқ агар у ушбу хонадонни бирон-бир кишига ижарага берганида маълум миқдорда (айтайлик, бир ойга 200 минг сўм) пул даромади олган бўлар эди. Унинг хонадонидан цех сифатида фойдаланиш муқобил ҳолатда келиши мумкин бўлган ижара тўловидан, яъни 200 минг сўмдан маҳрум этмоқда. Демак, бу ўринда тадбиркор «кўзга кўринмаган» ҳолда 200 минг сўм сарфламоқда, яъни ички харажат қилмоқда. Бу турдаги ички харажатларга яна тадбиркорнинг ўзининг иш ҳақини, агар оила аъзолари меҳнатидан фойдаланса, уларнинг иш ҳақини ва шунга ўхшаш бошқа харажатларни киритиш мумкин.

Шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятини ушлаб туриш учун зарур бўлган тўлов – меъёрдаги фойда ҳам рента ва иш ҳақи билан бирга харажатларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Меъёрдаги фойда иқтисодий фойдадан фарқ қилади. **Меъёрдаги фойда – бу иқтисодий ресурс сифатидаги тадбиркорлик қобилиятини рағбатлантириб туриш учун тўланадиган ҳақ ҳисобланади.** Агар бирон-бир фаолият тури меъёрдаги фойда келтирмаса, тадбиркор бу фаолият тури билан шуғулланишдан тўхтайди ва ўзининг куч-қувватини бошқа фаолиятга сарфлайди. Сарф-харажатларни ички ва ташқи харажатларга ажратиш корхона иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш йўлларини қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилиш ёки қилмаслигига қараб ҳам харажатлар доимий ва ўзгарувчи харажатларга бўлинади (11.3-расм).

11.3-расм. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига кўрсатадиган таъсирига кўра харажатларнинг туркумланиши.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига (қисқариши ёки ортишига) таъсир қилмайдиган харажатлар доимий харажатлар дейилади. Доимий харажатлар (ДХ) ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига бевосита таъсир этмайди ва ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай, ҳатто нолинчи ҳажмида ҳам мавжуд бўлади. Бунга корхонанинг тўлов мажбуриятлари (қарзлар бўйича фоиз ва бошқалар), солиқларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган турлари, амортизация ажратмалари, ижара ҳақи, қўриқлаш хизматига тўлов, ускуналарга хизмат кўрсатиш сарфлари, бошқарув ходимлари маоши ва шу кабилар киради.

Ўзгарувчи харажатлар (ЎХ) деб ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир қиладиган харажатларга айтилади. Унга хомашё, материал, ёнилғи, транспорт хизмати, ишчилар иш ҳақи ва шу кабиларга қилинадиган сарфлар киради.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида доимий ва ўзгарувчи харажатлар йиғиндиси умумий харажатлар (УХ)ни ташкил қилади.

Доимий (ДХ), ўзгарувчи (ЎХ) ва умумий (УХ) харажатларнинг графикдаги ифодасини 11.4-расм орқали кўришимиз мумкин.



11.4-расм. Доимий, ўзгарувчи ва умумий (ялпи) харажатларнинг графикдаги тасвири.

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган сарф-харажатларни ҳисоблаш учун ўртача умумий, ўртача доимий ва ўртача ўзгарувчи харажатлар тушунчаларидан фойдаланилади. **Ўртача умумий харажатлар ялпи (умумий) харажатларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори нисбатига тенг:**

$$ЎУХ = \frac{УХ}{М};$$

бу ерда: ЎУХ – ўртача умумий харажатлар;

УХ – умумий харажатлар;

М – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.

Ўртача доимий харажатлар доимий харажатларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига нисбати билан аниқланади:

$$ЎДХ = \frac{ДХС}{М};$$

бу ерда: ЎДХ – ўртача доимий харажатлар;

ДХС – доимий харажатлар суммаси.

Ўртача ўзгарувчи харажатлар ўзгарувчи харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига нисбати билан аниқланади:

$$ЎЎХ = \frac{ЎХС}{М};$$

бу ерда: ЎЎХ – ўртача ўзгарувчи харажатлар;

ЎХС – ўзгарувчи харажатлар суммаси.

Шартли рақамлар ёрдамида корхонанинг доимий, ўзгарувчи, умумий ва ўртача харажатлари тўғрисидаги мисолни кўриб чиқамиз (11.1-жадвал).

11.1-жадвал.

Корхонанинг доимий, ўзгарувчи, умумий ва ўртача харажатлари

Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, дона	Корхона харажатлари, минг сўм			Ўртача харажатлар, сўм		
	Доимий харажатлар	Ўзгарувчи харажатлар	Умумий харажатлар	Доимий харажатлар	Ўзгарувчи харажатлар	Умумий харажатлар
0	100	0	100	100000	0	100000
100	100	120	220	1000	1200	2200
200	100	240	340	500	1200	1700
300	100	360	460	333	1200	1533
400	100	490	590	250	1225	1475
500	100	640	740	200	1280	1480
600	100	810	910	167	1350	1517

Жадвалдан кўринадики, ўртача доимий харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши билан камайиб бормоқда. Бу ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши билан корхонанинг доимий харажатлари маҳсулотларнинг тобора кўпайиб борувчи миқдорига тақсимланиб бориши натижасида рўй беради. Ўртача ўзгарувчи ва ўртача умумий харажатлар эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши билан турлича ўзгараиши мумкин. Бизнинг мисолимизда ўртача ўзгарувчи харажатлар 100 дан 300 донагача бир хилда бўлиб, ишлаб чиқаришнинг янада кенгайиши билан ортиб бормоқда.

Ўртача умумий харажатлар эса 400 донагача миқдорда

пасайиб бориб, ундан юқори миқдорларда ўсмоқда. Жадвалдан кўринадики, ўртача умумий харажатларни ўртача доимий ва ўртача ўзгарувчи харажатларнинг йиғиндиси сифатида ҳам ифодалаш мумкин:

ЎУХ = ЎДХ + ЎЎХ.

Бу ўртача умумий, доимий ва ўзгарувчи харажатларнинг эгри чизиқлари қуйидаги кўринишда бўлади (11.5-расм):



11.5-расм. Ўртача харажатларнинг эгри чизиқлари.

Энг юқори даражада фойда олишга эришиш учун товар ишлаб чиқаришнинг зарур миқдорини аниқлаш лозим. Бунда иқтисодий таҳлил воситаси бўлиб сўнгги қўшилган харажат тушунчаси хизмат қилади. **Сўнгги қўшилган харажат деб маҳсулотнинг навбатдаги бирлигини ишлаб чиқариш билан боғлиқ қўшимча харажатларга айтилади:**

$$СКХ = \frac{\Delta УХ}{\Delta М};$$

бу ерда: СҚХ – сўнгги қўшилган харажат;

ΔУХ – умумий харажатларнинг ўзгариши;

ΔМ – маҳсулот миқдорининг ўзгариши.

Қўшилган харажатларни ҳар бир навбатдаги қўшилган маҳсулот бирлиги учун аниқлаш мумкин. **Товар ёки хизматларнинг кейинги қўшилган бирлигини ишлаб**

чиқаришга тўғри келадиган харажатлар ўртача қўшилган харажатлар дейилади.

11.2. Ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариш тамойиллари ва омиллари

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда вақт омили, яъни харажат қилингандан пировард натижа олингунча ўтган давр сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли вақт омилидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатларини қисқа ва узоқ муддатли даврда алоҳида таҳлил қилинади.

Қисқа муддатли давр – бу корхонанинг фақат ўзгарувчи харажатлари миқдорини ўзгартириш учун тақозо этиладиган даврдир. Мисол учун, корхона маҳсулотига талаб кескин ошди, деб фараз қилайлик. Таклифнинг муайян ҳажмида талабнинг ошиши нархнинг ҳам кўтарилишига ва бинобарин, корхона фойдасининг кўпайишига олиб келади. Ўз ўрнида, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали корхона фойда массасини янада ошириш имконига эга. Бунинг учун у энг аввало қисқа муддатли даврдаги ишлаб чиқариш харажатларини амалга оширади. Бундай харажатлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) жонли меҳнат харажатларини ошириш, яъни қўшимча ишчи кучини ёллаш ва улардан фойдаланиш;

2) хомашё, материал, электр энергияси ва бошқа харажатлар миқдорини кўпайтириш;

3) нисбатан арзон ва ишлаб чиқаришга осонлик билан жорий этиш мумкин бўлган меҳнат воситалари миқдорини кўпайтириш ва ҳ.к.

Бундан кўринадики, корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш учун қисқа даврда фақат ўзининг ўзгарувчи харажатлари миқдорини ўзгартириши мумкин бўлиб, улар қисқа муддатли харажатлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш қувватлари эса (ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари майдони,

машина ва ускуналар миқдори) доимий бўлиб қолади, ҳамда бу давр фақат улардан фойдаланиш даражасини ўзгартириш учун етарли бўлиши мумкин.

Узоқ муддатли давр – бу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ва барча банд бўлган ресурслари миқдорини ўзгартириш учун етарли бўлган даврдир. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш қувватларининг ўзгаришини тақозо қиладиган давр давомийлиги айрим тармоқ ва корхона хусусиятидан келиб чиқиб фарқланиши мумкин. Мисол учун, тикувчилик корхонасида ишлаб чиқариш қувватларини нисбатан қисқа муддатда, масалан бир неча кунда ўзгартириш мумкин. Бунинг учун бир неча иш столи ва тикувчилик машиналари сотиб олиш ва ўрнатиш кифоя қилади. Машинасозлик ёки нефтьььни қайта ишлаш заводидаги қўшимча қувватларни ишга тушириш эса бир неча йилни тақозо этиши мумкин.

Узоқ муддатли даврда барча харажатлар, шу жумладан, доимий харажатлар ҳам ўзгарувчи ҳисобланади.

Қисқа муддатли вақт давомида корхона ўзининг доимий (қайд қилинган) қувватларига ўзгарувчи ресурслар миқдорини қўшиб бориш йўли билан ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириши мумкин. Бироқ, ишлаб чиқариш қувватларига (доимий ресурсларга) қўшилган ўзгарувчи ресурслар маълум вақтдан сўнг камайиб борувчи натижа (маҳсулот) беради.

Бу ҳолат маржиналистлар томонидан **унумдорликнинг пасайиб бориши қонуни** деб аталмиш ғоя орқали изоҳлаб берилади. Унга кўра, маълум даврдан бошлаб корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларига (масалан капитал ёки ерга) ўзгарувчи ресурслар бирлиги (масалан, жонли меҳнат)ни кетма-кет қўшиб бориш, ҳар бир кейинги ўзгарувчи ресурс бирлиги қийматига камайиб борувчи қўшилган маҳсулот беради. Бошқача айтганда, агар асосий капиталга хизмат кўрсатувчи ишчилар сони кўпайиб борса, ишлаб чиқаришга кўпроқ ишчини жалб қилиб бориш билан ишлаб чиқариш

ҳажмининг ўсиши тобора секинлик билан рўй беради. Бу қонунни тасвирлаш учун қуйидаги мисолни келтириш мумкин. Фараз қилайлик, фермер фойдаланадиган ернинг доимий миқдорига (масалан 20 га) эга бўлиб, унда дон етиштиради. Агар фермер экинга қайта ишлов бермаса, ҳар бир гектар ердан 40 центнердан ҳосил олади деб ҳисоблаймиз. Агар экинга қўшимча бир марта ишлов берилса, ҳосилдорлик 50 ц/га га қадар кўтарилиши мумкин. Иккинчи ишлов бериш ҳосилдорликни 57 ц/га, учинчиси - 61 ц/га, тўртинчиси, айтайлик 63 ц/га га қадар кўтариши мумкин. Экинга кейинги ишлов беришлар жуда кам ёки нолга тенг бўлган қўшимча ҳосил беради. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, унумдорликнинг пасайиб бориш қонуни, ўзгарувчи ресурсларнинг барча бирлиги (масалан барча ишчилар) сифат жиҳатидан бир хил деган фаразга асосланади. Яъни, ҳар бир қўшимча равишда жалб қилинган ишчи бир хил ақлий лаёқатга, билимга, малакага, ҳаракат тезлиги ва шу кабиларга эга деб ҳисобланади. Демак, қўшилган маҳсулот кейинги жалб қилинган ишчи кам малакага эга бўлгани учун эмас, балки капитал (фондлар)нинг мавжуд миқдорига нисбатан кўп миқдорда ишчиларни банд қилиш сабабли камайиб боради. Бу ерда ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги нисбат, мутаносиблик бузилиши содир бўлади. Бундан кўриниб турибдики, унумдорликнинг пасайиб бориши деган қонун табиий равишда ўзидан ўзи эмас, балки омилларнинг бошқаси ўзгармагани ҳолда айримларини кўр-кўрона кўпайтириб, улар ўртасидаги мутаносиблик бузилганда содир бўлади.

Қулай иқтисодий муҳит туфайли ишлаб чиқариш қувватларининг тўхтовсиз кенгайиб бориши натижасида корхона ўртача умумий (ялпи) харажатларида қандай ўзгариш рўй беради? Дастлаб, қандайдир вақт оралиғида ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши ўртача умумий харажатларнинг пасайиши билан бирга боради. Аммо охир-оқибатда кўпроқ ва янада кўпроқ қувватларни ишга тушириш

ўртача умумий харажатларнинг ўсишига олиб келади. Бундай ҳолларни самаранинг камайиб бориш қонуни тушунтириб берольмайди, чунки унинг амал қилиш шарт-шароити ишлаб чиқаришда фойдаланадиган ресурслардан биттаси миқдорининг ўзгармаслиги ҳисобланади. Узоқ муддатли даврда барча ресурслар миқдори ўзгаради. Бундан ташқари биз таҳлилда барча ресурслар нархини доимий деб фараз қиламиз. Шу сабабли узоқ муддатли даврда ўртача харажатларнинг ўзгариши тамойилини ишлаб чиқариш миқёси ўсишининг ижобий ва салбий самараси ёрдамида тушунтириш мумкин.

Ишлаб чиқариш миқёсининг ижобий самараси шунда намоён бўладики, корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бориши билан, бир қатор омиллар ишлаб чиқариш ўртача харажатларининг пасайишига таъсир кўрсата бошлайди. Бу омиллар қуйидагилар: 1) меҳнатнинг ихтисослашуви; 2) бошқарув ходимларининг ихтисослашуви; 3) капиталдан самарали фойдаланиш; 4) қўшимча турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ва бошқалар.

11.3. Фойданинг мазмуни ва тақсимланиши

Корхоналарнинг фаолиятига баҳо беришда сотилган маҳсулотларнинг ҳажми, уларга қилинган сарф-харажатлар ва фойда тушунчаларидан кенг фойдаланилади. Лекин буларнинг ичида фойда корхона фаолиятига баҳо беришнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Корхоналарда товар ва хизматларни сотишдан олинган маблағлар уларнинг пул тушумлари ёки пул даромадлари дейилади. Айтайлик, корхонада бир ой давомида 100 минг дона «А» маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Ҳар бир маҳсулотнинг нархи 1000 сўм. Агар барча маҳсулотлар сотилган тақдирда, корхонанинг бир ойлик пул тушуми 100 млн. сўм (100000 × 1000) га тенг бўлади.

Бироқ, корхонанинг пул тушумлари унинг фаолиятининг

самарадорлигига баҳо бера олмайди. Чунки, бу пул тушумлари қандай харажатлар эвазига олинганлиги акс эттирмайди. Шунга кўра, корхона пул тушумларидан маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ажратиб ташланса қолган қисми – фойда ҳисобланади, у корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда муҳим ўрин тутади.

Бундан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган маҳсулот ёки хизматларнинг қиймати сотилгандан кейин икки қисмга: ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш ва фойда қисмларига бўлинади. Агар янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган қўшимча маҳсулот фойдага айланади. Албатта ҳар бир корхонада олинган фойда миқдори яратилган қўшимча маҳсулотга тенг бўлмаслиги, кўп ёки кам бўлиши мумкин. Бу ҳол солиқлар ва баҳолар механизми таъсирида содир бўлади.

Корхона пул даромадларидан маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш учун қилинган барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми фойда деб юритилади. Айрим адабиётларда бу иқтисодий фойда деб ҳам юритилади.

Бизнинг мисолимиздаги корхонада «А» маҳсулоти 100 млн. сўм бўлиб, уни ишлаб чиқаришнинг бир ойлик харажатлари 60 млн. сўмни ташкил этган бўлсин. У ҳолда, корхонанинг бир ойлик фойдаси 40 млн. сўм (100 млн. – 60 млн.) га тенг бўлади.

Фойданинг таркиб топиши икки босқичдан ўтади:

биринчи босқичда, фойда ишлаб чиқариш жараёнида янги маҳсулотнинг яратилиш чоғида вужудга келади. Янгидан яратилган маҳсулот таркибидаги қўшимча маҳсулот фойданинг асосий манбаи ҳисобланади, бироқ у ҳали аниқ фойда шаклида намоён бўлмайди;

иккинчи босқичда, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган қўшимча маҳсулот товарларни сотилгандан сўнг олинган пул даромади билан харажатларнинг фарқи кўринишида тўлиқ намоён бўлади. Демак, товар ва хизматлар сотилганда

уларнинг умумий қиймати пул даромадларига, ундаги қўшимча маҳсулот эса фойдага айланади. Бундан кўриниб турибдики, фойданинг асосий ва ҳақиқий манбаи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида яратилган қўшимча маҳсулотдир. Одатда ишлаб чиқариш соҳасидаги йирик корхоналар товарларни катта ҳажмда ишлаб чиқариб, уларни савдо воситачиларига улгуржи нархларда сотадилар. Шунга кўра, улар товарнинг улгуржи нархи унинг таннархидан юқори бўлган тақдирда фойда оладилар. Демак, **ишлаб чиқарувчи фойдаси (Фич) – бу маҳсулот таннархи (Т) ва улгуржи нархи (Ну) ўртасидаги фарқдан иборат:**

$$Ф_{ич} = Н_{у} - Т .$$

Бундан кўринади-ки, маҳсулот бирлигидан олинадиган фойда иккита асосий омилга боғлиқ бўлади: 1) маҳсулот таннархи даражаси; 2) улгуржи нархлар даражаси.

Таннарх – бу маҳсулотнинг ҳар бир бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

Яна бир бор эслатамиз, биз бераётган бу тушунчада таннарх таркибига сунъий равишда киритиладиган солиқлар, фоизлар ва бошқа тўловлар кирмайди. Маҳсулот таннархини харажатларнинг асосий туркумлари бўйича ҳисоблаш мумкин. Мисолимиздаги «А» маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархини ҳисоблаб чиқамиз (11.2-жадвал).

11.2-жадвал

«А» маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархини ҳисоблаш

Харажатлар	Жами ишлаб чиқариш харажатлари, млн. сўм	1 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари, сўм
Хомашё ва материаллар	24,0	240
Ёқилғи ва энергия	9,0	90
Иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар	15,0	150
Транспорт харажатлари	6,0	60
Бошқарув харажатлари	6,0	60
Жами	**60,0**	**600**

Жадвалдан кўринадики, корхонада «А» маҳсулотнинг бир ойлик ишлаб чиқариш харажатлари 60 млн. сўмдан иборат бўлиб, жами 1000 дона маҳсулот ишлаб чиқарилган. Демак, 1 дона маҳсулотнинг таннархи 600 сўмга тенг.

Ҳар бир корхона харажатларини яъни таннархни камайтиришга ҳаракат қилади. Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида экспорт салоҳиятини юксалтириш ва миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан тежамкорликка эришиш ҳамда маҳсулот ва хизматлар таннархини пасайтиришга боғлиқ. Шунга кўра, 2020 йилда "Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради" деб ўринли таъкидлади.[82] Мамлакатимиз Президенти.

Бу ўринда маҳсулот таннархини унинг қийматидан фарқлаш лозим. Маълумки, маҳсулот қиймати (Қ) ўз ичига сарфланган ишлаб чиқариш воситалари қиймати (ҚИВ) ҳамда янгидан яратилган қийматни (ҚЯ)ни тўлиқ ўз ичига олади. Ўз навбатида янгидан яратилган маҳсулот қиймати – иш ҳақи (ИҲ) ва ялпи фойдага (Фя) ажралади (11.6-расм).



11.6-расм. Маҳсулот қиймати таркиби.

Ялпи фойда миқдорига таъсир кўрсатувчи яна бир муҳим омил – корхона ўз маҳсулотларини сотиши мумкин бўлган нарх даражасидир. Уни тўғри тушуниш учун биз маҳсулот нархи, қиймати ва таннархи ўртасидаги нисбатнинг бешта асосий ҳолатини ажратиб кўрсатиш мумкин (11.7-расм).

82 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси, Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь.



11.7-расм. Товар қиймати ва нархининг нисбати.

Расмдан кўринадики, биринчи ҳолатда нарх маҳсулотлар таннархидан паст даражада ўрнатилиб (Н1 даража), бунинг натижасида улар зарарига сотилиши мумкин. Иккинчи ҳолатда нархнинг Н2 даражада ўрнатилиши маҳсулотни сотишдан олинган пул тушумининг корхона харажатларига тенг келиши, яъни ишлаб чиқаришнинг фақат ўзини-ўзи қоплаши таъминланиши мумкин. Учинчи ҳолатдаги Н3 нарх даражаси таннархдан юқори, бироқ қийматдан паст бўлиб, бунда корхона фойдаси товарда мужассамлашган фойда миқдоридан кам бўлади. Тўртинчи ҳолатдаги Н4 нарх даражаси қиймат миқдорига тенг бўлиб, корхона товарда мужассамлашган барча фойдани олади. Ва ниҳоят, бешинчи ҳолатдаги Н5 нарх даражасини ўрнатиш корхонага товар қийматидан кўпроқ пул даромади олиш имконини беради. Буни юқорида келтирилган мисолдаги «А» маҳсулот қиймати ва нархи орқали аниқроқ ифодалаш мумкин: Н1 = 500 сўм; Н2 = 600 сўм; Н3 = 800 сўм; Н4 = 1000 сўм; Н5 = 1200 сўм.

Мана шу ўрнатилган ёки шаклланган нарх ва корхона сарфлаган таннарх ўртасидаги фарқ ялпи фойда сифатида намоён бўлади ва вўшимча маҳсулотни ифодалайди. Демак, шаклланган ялпи фойда қўшимча маҳсулотнинг намоён бўлиш шаклидир. Корхона ялпи фойдасининг тақсимланиши билиш ҳам масалани тўғри тушунишда муҳим аҳамият касб этади (11.8-расм).



11.8-расм. Ялпи фойданинг тақсимланиши.

Расмдан кўринадики, энг аввало ялпи фойдадан бошқа иқтисодий субъектларга турли тўловлар амалга оширилади. Бу тўловларга бошқаларнинг ер ва биноларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақи, қарзга олинган пул маблағлари учун тўланадиган фоизни киритиш мумкин. Бундан ташқари, корхоналар давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари бюджетига ўрнатилган тартибда солиқлар тўлайдилар, турли ҳайрия ва бошқа фондларга маблағлар киритадилар. Ялпи фойданинг ушбу тўловлардан қолган қисми корхона соф фойдасини ташкил этади. У корхонанинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий эҳтиёжларига, шунингдек, жамғариш (ишлаб чиқаришни кенгайтириш)га, атроф-муҳит муҳофазаси, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва бошқа мақсадларга сарфланади.

11.4. Фойда нормаси ва массаси, уларнинг ошишига таъсир этувчи омиллар

Корхона фойдасининг мутлақ миқдори унинг массасини ташкил қилади. Фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати ва унинг фоизда ифодаланиши фойда нормаси дейилади.

Амалиётда фойда нормасини ҳисоблашнинг икки вариантидан фойдаланилади. Булар фойданинг жорий

сарфларга – корхона харажатларига ёки авансланган маблағларга (асосий ва айланма капитал) нисбатидир.

Булар қуйидагича аниқланади:

1. $P' = (P/W) \times 100\%$,

бу ерда: P' – фойда нормаси; P – фойда массаси; W – ишлаб чиқариш харажатлари;

2. $P' = (P/K_{аванс}) \times 100\%$,

бу ерда: P' – фойда нормаси; P – фойда массаси; Каванс – корхона авансланган маблағлари ёки асосий ва айланма капиталнинг ўртача йиллик қиймати.

Бизнинг мисолимиздаги корхонанинг «А» маҳсулот ишлаб чиқаришдан олган фойда массаси 40 млн. сўмни, фойда нормаси эса 66,7 % ((40 млн. сўм / 60 млн. сўм) × 100%) ни ташкил этади.

Фойда нормаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига тўғри мутаносиб ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари ёки авансланган маблағлар қийматига тескари мутаносибдир. Шу туфайли фойда нормаси корхона иш самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи ҳисобланади.

Фойданинг ўсишига чиқарилаётган маҳсулот умумий ҳажми ўзгармаган ҳолда икки йўл билан: 1) ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳисобига; 2) нархнинг ошиши ҳисобига эришиш мумкин.

Юқорида айтганимиздек, ялпи фойда корхонада яратилган товар ва хизматларни сотишдан келган умумий пул даромадларидан бевосита ушбу товарни ишлаб чиқариш харажатларини чегириб ташлаш йўли билан аниқланади. Буни ҳозирги даврда корхонанинг умумий фойдаси деб юритилади. Фойдадан давлат солиқ сифатида, ссуда капитал эгалари эса фоиз сифатида, ер эгалари рента сифатида ўз улушларини оладилар. Фойданинг турли тўловлардан қолган қисми эса тадбиркорларнинг соф фойдаси бўлиб, унинг ҳисобидан ўзларининг истеъмолини қондиради, инвестицияни, турли социал йўналишдаги ишларни амалга оширадилар. Кўриниб турибдики, қўшимча маҳсулотни кўпайтириш ҳеч кимга

зарар бермайди, аксинча жамият аъзоларининг ҳаммаси учун манфаатлидир. Бу даромад турлари қўшимча маҳсулотнинг сотилиб, дастлабки тақсимлангандан кейинги ўзгарган шаклларидир.

Бундан кўриниб турибдики, олинган ялпи фойданинг ҳақиқий манбаи корхонада яратилган қўшимча маҳсулотдир. Мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларидаги олинган ялпи фойда миқдори даражаси қўшимча маҳсулот массасига тенг бўлади. Лекин тармоқлар, ҳудудлар ва корхоналарда яратилган қўшимча маҳсулот миқдори билан ялпи фойда ҳажми бир-бирига тенг келмайди, чунки, рақобат курашлари, нархлар ва бошқа тақсимлаш механизмлари орқали бир муайян корхона, тармоқ ёки ҳудудда яратилган қўшимча маҳсулот бошқаларига ўтиб кетиш ҳолатлари юз бериб туради.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, республикамизда таҳлил қилинаётган даврда қўшимча маҳсулот модификациялашган шаклларидан бири бўлган фойда ҳажми иқтисодиётнинг турли хил тармоқ ва соҳаларида турлича даражада ўсиш тенденцияси кузатилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларида фойда миқдорининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. (11.3-жадвал).

Иқтисодий тармоқлари бўйича фойда, зарар(-) (млярд.сўм)[83]

Кўрсаткичлар	**Йиллар**					
	2000	**2010**	**2015**	**2016**	**2018**	**2019**
Фойда – жами	**283,3**	**4520,8**	**14364,1**	**19323,1**	**22096,7**	**27656,7**
Шу жумладан						
Саноат	84,4	3245,1	9762,4	13658,4	14355,9	28263,8
Қишлоқ хўжалиги	18,6	28,4	46,3	53,7	-	-
Қурилиш	16,0	81,5	346,1	420,9	109,8	148
Транспорт ва алоқа	98,8	879,2	2637,5	3215,4	4365,7	-2442,2
Савдо ва умумий овқатланиш	28,4	220,6	1237,4	1584,6	1652,9	1521,1
Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	1,5	6,3	49,2	56,3	52,6	72,9
Коммунал хўжалик	3,5	-12,4	44,1	49,2	58,3	85,1
Бошқа тармоқлар	21,4	71,0	239,7	283,2	1501,5	8

[83] “Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2015”, 207-бет, -Т: 2016. Ўз.Рес. Давлат Статистика қўмитаси ва Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Жадвал маълумотлари иқтисодиётда фойда ҳажмининг номинал кўринишини ифодалайди холос. Ушбу кўрсаткичларга асосланиб, хулоса чиқаришдан олдин мамлакатда нархлар даражасининг ўзгариши (ўсиши) реал иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга таъсирини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун иқтисодиётда ялпи фойда ҳажмини ЯИМга нисбатан фоизда ифодалаш иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг реал ҳолатини акс эттиришда ва тегишли хулосалар чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Илмий изланишларимиз натижасида республикада ЯИМ ҳажмининг ортиши ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ҳали-ҳанузгача экстенсив омиллар ҳисобига амалга оширилаётган¬лиги кузатилмоқда. Буни республика иқтисодиётида яратилган маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи пул тушумларида таннарх ва фойда улушининг ўзгаришидан англаш мумкин.

ЯИМ таркибининг сифат жиҳатдан такомиллаштириб борилиши ва иқтисодий ўсишда интенсив омиллар ролини ошириш талаби маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларни камайтириш ҳисобига унинг таннархини пасайтириб боришни тақозо этади. Ҳолбуки, таҳлилларимиз натижасида, республикада маҳсулот таннархи ва уларнинг сотишдан олинган пул тушумларида фойда улушининг бир хил даражада сақланиб қолишга мойиллиги кузатилди (11.4-жадвал).

11.4-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМ қиймат таркибидаги ўзгаришларнинг тамойиллари.[84]

	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2018
Сотилган 100 сўмлик маҳсулот таннархи (сўм)	**71,3**	**71,8**	**72,6**	**72,1**	**72,1**	**71,9**	**72,8**	**72,4**	**73,1**	**72,1**
Сотилган маҳсулотнинг 100 сўми ҳисобига олинган										
ялпи фойда	28,8	28,3	27,4	27,9	28,4	28,1	27,2	27,6	26,9	27,9
солиқлар тўлангунга қадар фойда	12,8	12,5	11,7	12,7	10,8	13,5	12,2	12,7	13,2	13,5
соф фойда	9,1	8,8	8,1	8,2	7,0	9,3	8,2	7,9	8,4	9,1

[84] Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Жадвал маълумотларида бу ҳолат, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари ва ЯИМ ҳажмининг ортиши устувор экстенсив омиллар ҳисобига таъминла¬наёт¬ган¬лигини англатади. Ички бозорда нархларнинг нисбатан барқарор сақланиб туриши, импорт товарлар нархининг ўсиб бори¬ши, жаҳон бозорида экспорт қилинадиган товарлар нархларидаги салбий ўзгаришлар (асосан хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларига) ҳам ЯИМ таннархининг ўсиб, сотилган маҳсулот бирлиги ҳисобига олин¬ган фойда миқдорининг камайиб боришига ўз таъсирини кўрсатган.

Ушбу салбий оқибатларни бартараф қилиш мақсадида мамлакатимизда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилди ва унда иқтисодиётни интенсив омиллар ҳисобига ривожлантиришни таъминлайдиган бир қатор аниқ вазифалар белгилаб қўйилди. Республикада иқтисодиётни интенсив ривожлантириш орқали унинг тармоқ ва соҳаларида фойда меъёрининг ошишига фақатгина “ ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш” орқали эришиш мумкин.[85]

Иқтисодий таҳлил ва кузатувларимиз шуни кўрсатдики, олинаётган фойда бир томондан, ЯИМ ҳажми ва қўшимча маҳсулот массасининг ошиш натижаси бўлса, иккинчи томондан, ҳар бир корхона, тармоқ ва ҳудуд фойдани кўпайтиришга интилиб, ЯИМ ва қўшимча маҳсулотнинг тўхтовсиз кўпайиб боришига таъсир кўрсатмоқда. Фойда ЯИМ ҳажмини кўпайтиришни рағбатлантиришнинг ўта таъсирчан ричаги бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётнинг барча соҳа ва

[85]“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

тармоқларини ривожлантиришда ушбу ричагдан унумли фойдаланиш зарур.

Хулосалар

1. Ишлаб чиқариш харажатлари – иқтисодиёт назариясининг энг муҳим илмий категорияларидан биридир. Унинг вазифаси корхонанинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларнинг миқдори ва таркибини аниқлашдан иборат.

2. Харажатларни тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотдан олинган пул тушуми нафақат ишлаб чиқариш харажатларини қоплаши, балки фойда олишни ҳам таъминлаши керак. Фойда – тадбиркорлик фаолиятининг мазмунини англатадиган, уни ҳаракатга келтирувчи омилдир. Аммо бу мақсадга эришиш ишлаб чиқариш харажатларига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ишлаб чиқариш харажатларини тадқиқ этиш иқтисодий таҳлилнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

3. Тадбиркор корхона харажатлари ва фойдасига турлича ёндашади. Муайян харажатлар доирасида фойда олишнинг энг яхши имкониятларини таъминлаши керак. Муайян фойда доирасида эса харажатларни шундай оптимал даражага келтириш керакки, бунда ишлаб чиқаришни молиялаштириш кўп сарф талаб этмасин.

4. Корхона умумий харажатлари иккига бўлинади: ишлаб чиқариш харажатлари ва муомала харажатлари. Ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулотни яратиш учун сарфланадиган харажатлардир. Ушбу харажатлар хомашё, ёқилғи, энергия, ишчи кучи, амортизация ва бошқаларга сарфланади. Муомала харажатлари товарларни реализация жараёни билан боғлиқ бўлган сарфлардир. Улар соф муомала ва қўшимча муомала харажатларига бўлинади. Соф муомала харажатлари фойда ҳисобидан қопланса, қўшимча муомала харажатлари эса товар нархига киритилади.

5. Корхона ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланадиган ресурслар ўз ресурслари ёки жалб қилинган ресурслар бўлиши мумкин. Шунга кўра харажатлар ички ёки ташқи харажатларга бўлинади. Ташқи харажатлар корхона ишлаб чиқариш жараёнида зарур бўлиб, ташқаридан жалб қилинган ресурс ва хизматларга тўловларни амалга ошириши учун сарфланадиган харажатлардир. Корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиши билан боғлиқ харажатлар ички харажатлар дейилади. Бундай харажатлар пул тўловлари шаклида чиқмайди. Шу сабабли ички харажатлар даражасини баҳолаш ўз ресурслари қийматини шунга ўхшаш ресурсларнинг бозор нархларига таққослаш орқали амалга оширилади.

6. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир этиш даражасига қараб доимий ва ўзгарувчи харажатлар ҳам фарқланади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига (қисқариши ёки ортиши) таъсир этмайдиган харажатлар доимий харажатлар дейилади. Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмайди, унинг ўсишига ҳам бевосита таъсир этмайди ва ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай, ҳатто нолинчи ҳажмида ҳам мавжуд бўлади. Ўзгарувчи харажатлар деб ишлаб чиқариладиган товар миқдорининг ошишига ёки камайишига бевосита таъсир қиладиган харажатларга айтилади. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси умумий ёки ялпи харажатларни ташкил қилади.

7. Корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш учун қисқа муддатли даврда фақат ўзининг ўзгарувчи харажатлари миқдорини ўзгартириши мумкин. Бошқача айтганда, қисқа муддатли давр оралиғида корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ўзгаришсиз қолади, ишлаб чиқариш ҳажми жонли меҳнат, хомашё ва бошқа ресурслар миқдорини кўпайтириш орқали ўзгариши мумкин. Бунда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш интенсивлигини ошириш мумкин.

8. Қисқа муддатли давр – бу корхонанинг фақат ўзгарувчи харажатлари миқдорини ўзгартириш учун тақозо этиладиган даврдир. Узоқ муддатли давр – бу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ва бутун банд бўлган ресурслари миқдорини ўзгартириш учун етарли бўлган даврдир. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш қувватларининг ўзгаришини тақозо қиладиган давр давомийлиги айрим тармоқ ва корхона хусусиятидан келиб чиқиб фарқланиш мумкин.

9. Корхона пул даромадларидан сарфланган барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми ялпи фойда деб юритилади. Товар ва хизматлар сотилганда уларнинг умумий қиймати пул даромадларига, ундаги қўшимча маҳсулот эса фойдага айланади. Бундан кўриниб турибдики фойданинг ҳақиқий манбаи қўшимча маҳсулотдир.

10. Корхонанинг умумий фойдасидан бюджетга (асосан солиқ тўловлари), банкларга (олинган ссуда учун фоиз) тўловлар ва бошқа мажбуриятлар чиқариб ташланса корхона соф фойдаси қолади.

11. Фойданинг ўсишига, чиқарилаётган маҳсулот умумий ҳажми ўзгармаган ҳолда икки йўл билан: ёки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳисобига, ёки нархнинг ошиши ҳисобига эришиш мумкин.

Асосий таянч тушунчалар:

Ишлаб чиқариш харажатлари – товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлар.

Ички харажатлар – корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган харажатлар.

Ташқи харажатлар – ташқаридан жалб қилинган ресурсларга тўловларни амалга оширишга кетган харажатлар.

Доимий харажат – ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир

этмайдиган, у ўзгарганда ҳам миқдорини ўзгартирмайдиган харажатлар.

Ўзгарувчи харажат – ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир этадиган харажатлар.

Ўртача харажатлар – маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар.

Қўшилган харажатлар – маҳсулотнинг навбатдаги қўшимча бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатлар.

Тўғри харажатлар – маҳсулот таннархига бевосита қўшилиб, унинг таркибига кирадиган харажатлар.

Эгри харажат – маҳсулот таннархига устама бўлиб, нархда акс этадиган харажатлар.

Иқтисодий ёки соф фойда – ялпи пул тушумидан барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми.

Фойда нормаси – фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига бўлган нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг моҳиятини ва таркибини тушунтиринг.
2. Ички ва ташқи харажатлар ўртасидаги фарқ нимадан иборатлигини мисол орқали тушунтиринг.
3. Ўртача доимий, ўзгарувчи ва умумий харажатларнинг мазмуни ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
6. Фойданинг мазмуни ва манбаини тушунтиринг.
7. Иқтисодий фойда ва бухгалтерия фойдасининг фарқи нимада? Уларнинг шаклланиш тартибини тушунтириб беринг.
8. Ялпи фойданинг тақсимланиш тартибини тушунтириб беринг. Мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг турлилиги фойданинг тақсимланиш тартибига қандай таъсир кўрсатади?
9. Фойда массасига таъсир кўрсатувчи омилларни изоҳлаб беринг.

10. Ишлаб чиқариш ресурслари таркибидаги қуйидаги ўзгаришлардан қайсилари узоқ муддатли даврдаги харажатларга киради:

а) компания нефтьььни қайта ишловчи янги ускунани ўрнатади;

б) корхона яна 200 ишчини ёллайди;

в) фермер ўз участкасида қўлланиладиган ўғит миқдорини кўпайтиради;

г) фабрикада учинчи смена жорий қилинади.

11. Сарфларнинг қуйидаги турлари харажатларнинг қайси туркумига тегишли эканлигини аниқланг: маҳсулот рекламасига сарфлар, корхона чиқарган заёмлар бўйича фоиз тўловлари; хом-ашёга сарфлар, кўчмас мулкка солиқ тўловлари, бошқарув ходимлари маоши; ишчиларга иш ҳақи тўловлари; амортизация ажратмаси.

12. Қуйидаги келтирилган маълумотлардан фойдаланиб фойда нормасини ҳар иккала усулда ҳисобланг: умумий фойда – 250 минг сўм; ишлаб чиқариш харажатлари – 1250 минг сўм; авансланган маблағлар (асосий ва айланма капитал) – 2500 минг сўм.

Натижаларни таққослаб, изоҳлаб беринг.

12-боб. ИШ ҲАҚИ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

Мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг тақсимланиш тамойиллари, шакллари, усуллари муҳим аҳамият касб этиб, улардан амалда фойдаланиш масалалари иқтисодчи-мутахассислар ўртасида турли тортишув, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Бунда яратилган маҳсулот қандай тақсимланади, деган саволга жавоб бериш керак бўлади. Айниқса, кишиларнинг ҳаёт кечириши ва турмуш даражасини аниқлаб берувчи даромадларнинг асосий тури бўлган иш ҳақини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу бобда иш ҳақининг иқтисодий табиати билан

боғлиқ муаммолар, яратилган маҳсулот ва даромадларнинг тақсимланиш тамойиллари, иш ҳақи шакллари ва бозор муносабатлари шароитида унинг даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар, иш ҳақи ставкасини табақалаштириш масалалари, шунингдек, меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва уларни шакллантиришда турли шартномаларнинг ва касаба уюшмаларининг ролига алоҳида ўрин берилади.

12.1. Яратилган маҳсулот ва даромадларнинг тақсимланиш тамойиллари

Иш ҳақининг мазмунини тўғри тушуниб олиш учун энг аввало яратилган жами маҳсулотнинг тақсимланиш тартиби тўғрисида тасаввурга эга бўлиш лозим. Мамлакатда ишлаб чиқарилган жами маҳсулотнинг (товар ва хизматларнинг) тақсимланиш тамойиллари бўйича турлича назариялар мавжуд. Бозор иқтисодиётига доир адабиётларнинг кўпчилигида «уч омил» деб номланувчи назария кенг тарқалган. Бу назариянинг асосчиларидан бири француз олими Ж.Б.Сей «ишлаб чиқаришнинг уч омили» деган ғояни илгари суриб, унда товарларни ишлаб чиқаришда меҳнат, ер ва капитал баб-баравар қатнашади, улар ҳамма даромадлар манбаидир ва бинобарин даромадлар ҳам шу омиллар ўртасида тақсимланади, деб кўрсатади. Унинг бу ғояси америкалик иқтисодчи олим Ж.Б.Кларкнинг қўшилган омил (сўнгги қўшилган капитал ёки ишчи кучи) унумдорлиги деган ғоясига асос бўлиб хизмат қилади. Кларк ўзининг «Бойликларнинг тақсимланиши» номли асарида яратилган бойлик учала омил ўртасида уларнинг ҳар бири яратган маҳсулот миқдорига (яъни унумдорлигига) қараб тақсимланади, деб кўрсатди.

Сей ва Кларк ғояларини инобатга олиниб фойдаланса бўладиган ижобий томони қуйидагилардан иборат:

а) капитал, ер ва ишчи кучи (жонли меҳнат) нинг ҳар учаласи товар ёки хизматнинг нафлилигини яратишда қатнашиши кўрсатилади;

б) яратилган нафлилик миқдори билан бу учала омилнинг миқдори ва унумдорлиги ўртасида боғлиқлик мавжудлиги, агар бу учала омил бир-бирига мос равишда миқдор ва сифат жиҳатидан ошса, товарлар ва хизматлар ҳажми ҳам кўпайиши асосланади.

Аммо бу ғояларнинг камчилиги ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитига тўғри келмайди.

1. Сей ва Кларк иқтисодиёт назарияси ҳали етарли даражада ривожланмаган даврда яшаб, ижод этганликлари учун, товар ва хизматларда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама тавсифини ва ундан келиб чиқувчи товарнинг икки хил хусусиятини тушунмаганликлари туфайли, капитал ва ер товар нафлилигини яратишда пассив равишда қатнашсада, қиймат яратмасликларини, улар фақат эскиришига, ейилишига асосий воситалар тенг, яъни амортизация ажратмаларига, айланма воситалар ишлатилишига тенг қийматни янги товарга жонли меҳнат таъсирида ўтказишини, янги қиймат эса фақат жонли меҳнат томонидан яратилишини тушуниб ета олмайдилар ва бинобарин кўрсатиб берольмаганлар.

2. Кларк томонидан яратилган қўшилган меҳнат унумдорлигининг камайиб бориш қонуни турли омилларнинг бир-бирига мослиги таъминланмаган, кўр-кўрона харажатлар ошириб борилган ҳамда илмий-техника тараққиёти мутлақо тўхтаб қолган даврга (ҳолатга) мос келиб, ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти шароитига тўғри келмайди.

3. Сей ва Кларк айтганларидек, ҳозирги даврда яратилган бойлик, тўғрироғи миллий маҳсулотнинг ҳаммаси бу учала омилнинг миқдори ва унумдорлигига қараб тақсимланмайди, балки унинг амортизация ажратмалари, марказлашган фондлар ташкил қилингандан кейин қолган қисми шу омилларга қараб унинг эгалари ўртасида тақсимланади.

Сей ва Кларклардан ташқари айрим оқимлар, масалан лассалчилар меҳнат ҳамма бойликнинг ва маданиятнинг манбаидир, шунинг учун ҳамма даромад жамият аъзолари

ўртасида тенг тақсимланиши зарур, деб кўрсатадилар. Лассалчилар, биринчидан, бойлик фақатгина меҳнатнинг натижаси бўлмасдан, уни яратишда ер (табиат ресурслари) ва капитал ҳам қатнашишини, яъни унинг нафлилиги ҳар учала омил натижаси эканлигини тушуна олмадилар. Иккинчидан, уларнинг яратилган маҳсулотни барча жамият аъзолари ўртасида тенг тақсимлаш зарур деган ғоялари мутлақо нотўғри бўлиб, бундай ҳолатда маҳсулотни кўпайтиришга ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳеч қандай қизиқиш бўлмаслиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Кейинчалик собиқ социалистик мамлакатларда, жумладан собиқ Иттифоқда маҳсулот ва даромадлар давлат қўлида бўлиб, меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимланади деган ғоя ҳукмрон бўлди. Лекин бу ғоя ва унинг талаблари амалда бажарилмади.

Мана шу юқоридаги айтилган назарий фикрлар ва амалий тажрибаларни ҳамда ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар талабларини ҳисобга олиб, яратилган маҳсулотни тақсимлашнинг қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатишга ҳаракат қиламиз:

а) умуман олганда маҳсулотни, бинобарин даромадларни тақсимлаш ҳам доим бир хил бўлмай, балки шу даврда амал қилиб турган иқтисодий муносабатлар тизимига, жумладан мулкчилик муносабатларига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароитлари, яъни капиталга мулкчиликнинг турли шакллари, ерга эса давлат мулки мавжуд бўлган шароитда яратилган миллий маҳсулот мулк эгалари (давлат, жамоа, хусусий, шахсий) ва ишчи кучининг эгаси бўлган ишчи-хизматчилар ўртасида тақсимланади. Бунда даромадларнинг бир қисми албатта умумжамият умумдавлат манфаатларини кўзлаб иш олиб борувчи давлат ихтиёрига келиб тушади;

б) миллий маҳсулотдан энг аввало шу маҳсулотни яратишда қатнашган ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати, аниқроғи, такрор ишлаб чиқаришни ўз маромида олиб бориш

учун амортизация ва сарфланган бошқа моддий воситалар суммаси ажратиб қўйилади, чунки бу сумма асосий ишлаб чиқариш воситаларини (асосий капитални) қайта тиклаш учун зарурдир;

в) ундан кейин турли хил табиий офат ва фавқулодда ҳодисаларнинг таъсирини бартараф қилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни бир маромда тўхтовсиз амалга оширишни кафолатлаш учун суғурта фондлари, қариялар, болалар, ногиронлар ва турли бошқа кам таъминланган оилаларни ҳимоя қилиш учун нафақа ҳамда ижтимоий ҳимоя фондларига ажратилади;

г) давлатни бошқариш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш, аҳолининг тинч ҳаётини ва меҳнатини қўриқлаш, мамлакат миқёсида фан-маданиятни, таълим тизимини, соғлиқни сақлашни ривожлантириш учун фондлар ажратилади (бу ажратмалар кўпдан-кўп давлат солиқлари тарзида амалга оширилиб, давлат бюджетига тушурилади ва у ерда қайта тақсимланиб турли йўналишлар харажатига йўналтирилади).

Ялпи ички маҳсулотнинг юқорида айтилганлардан қолган қисми ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида капитал, ер эгалари ва ишчи кучи эгалари ўртасида белгиланган тартиб қоидалар асосида тақсимланади ва жамият аъзоларининг ихтиёрига келиб тушади. Чунки бу жараён натижасида ишлаб чиқаришда қатнашган ишчи кучи эгаси ва бошқа омиллар эгалари – мулкдорларнинг маҳсулотдаги улуши аниқланади ҳамда уларнинг омилли даромадлари сифатида шаклланади. Бу иш ҳақи, фоиз, рента ва фойда шаклидаги даромад турлари кўринишини олади.

12.2. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни

Яратилган ялпи ички маҳсулотнинг маълум қисми, яъни ишчи ва хизматчиларга, яъни ишчи кучига тегишли қисми унинг ишлаб чиқарувчилари ўртасида меҳнатнинг миқдори,

сифати ва унумдорлигига қараб тақсимланади, бу иқтисодий адабиётлар ва ҳужжатларда иш ҳақи деб юритилади. Иш ҳақи ҳозирги даврда барча мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам иқтисодчи олимлар иш ҳақининг мазмунига катта эътибор берадилар. Иш ҳақининг мазмунини аниқлашда турли иқтисодчилар турли томондан ёндашиб, унга ҳар хил таъриф берадилар.

Масалан, Д.Рикардо ва Т.Мальтусларнинг «Яшаш учун восита минимуми» концепциясида иш ҳақини яшаш учун зарур воситаларнинг физиологик минимуми билан бир хил деб ҳисобланади. Лекин бундай қараш тўғри эмас. Бу минимум ўз ичига ишчи кучи шаклланадиган иқтисодий, ижтимоий ва маданий шарт-шароитлар туғдирган эҳтиёжларни ҳам олади. Шу билан бирга ишчи кучи нархининг қуйи чегарасини яшаш учун зарур воситалар миқдорининг минимуми билан аниқлаш, ишга ёлловчиларнинг иш ҳақини мазкур қуйи чегарадан пасайтиришга интилишига олиб келиши мумкин. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг хўжалик амалиётидаги иш ҳақининг даражасини кузатиш шуни кўрсатадики, ишчи кучи бозорида реал иш ҳақининг ўртача даражаси яшаш учун зарур жисмоний воситалар минимумига қараганда анча юқори даражада ўрнатилган.

Қийматнинг меҳнат назарияси (инглиз классик сиёсий иқтисод мактаби, марксистик йўналишидаги иқтисодчилар) ишчи кучини алоҳида, ўзига хос товар деб ҳисоблайди. Шу сабабли бу назария иш ҳақига товар бўлган ишчи кучи қийматининг ўзгарган шакли, яъни унинг пулдаги ифодаси сифатида қарайди ва уни ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган тирикчилик воситалари қиймати сифатида аниқлайди. Мазкур ғоя тарафдорлари ишчи кучи қийматига бир қатор омиллар, аввало табиий шарт-шароитлар, аҳолининг маданий ривожланиши, уларнинг малакаси ва ишчи оиласини сақлаш ҳамда уларнинг табиий такрор ишлаб чиқариш шароитлари таъсир қилишини кўрсатади. Шу билан бирга бу ғояда ҳаётий эҳтиёжлар ҳамда уларнинг қондирилиш усуллари

мамлакатнинг илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида эришилган даражага боғлиқлиги таъкидланади. Бу фикрлар ҳозирги даврда ҳам кўпгина кўзга кўринган иқтисодчи олимлар томонидан маъқулланиб келинмоқда. Масалан, А.Ф.Шишкин, Е.Ф.Борисовлар ўзларининг «Иқтисодиёт назарияси» дарсликларида иш ҳақини ишчи кучи товар қийматининг пулдаги ифодаси деб таърифлайдилар[86]. Бу муаллифлар ўз фикрларини асослашда кўпгина олимлар меҳнат жараёни билан ишчи кучининг фарқига бормаганлигини, шу сабабли бозорда меҳнат сотилади деб фикр юритишини танқид қилиб, бозорда меҳнат эмас, балки ишчи кучи товар сифатида сотилишини, бу жараён юзаки қаралганда меҳнатга ҳақ тўлашга ўхшаб кўринишини исботлашга ҳаракат қилганлар. Лекин иш ҳақига «ишчи кучи қийматининг пулдаги ифодаси» сифатида қараш, аниқ ишчи кучи бозорида иш ҳақи даражасига унинг унумдорлиги, меҳнат интенсивлиги, талаб ва таклиф каби омилларнинг таъсирини етарли ҳисобга олмайди.

Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясида айрим муаллифлар (жумладан, «Экономикс» дарсликларида, В.Д.Камаев раҳбарлигида нашр этилган «Иқтисодиёт назарияси» дарслиги ва бошқаларда)[87] иш ҳақини меҳнат нархи сифатида, айримлари эса[88] меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанат нархи сифатида талқин этадилар. Бунда улар асосан бозорда меҳнат сотилади деган бизнингча нотўғри тушунчага асосланишади. Меҳнат ишчи кучининг функция қилиши,

---

[86] Борисов Е.Ф. Экономическая теория: учеб. – 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 544 с.; Шишкин А. Ф. «Экономическая теория», учебник, книга 2, М. изд-ва «Владос», 1996. – 154 с.

[87] Қаралсин: Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. Т.2. – М.: Республика, 1992, 156-б.; Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений/ Под ред. В.Д.Камаева. М.: Гуманитар. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – 175б.

[88] Қаралсин: Курс экономической теории. Учеб. пособ. под ред. Чепурина М.Н., Киселевой Е.А. Киров, изд-во «АСА», 1995, 233-б.; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Ўқитувчи». 2002. 227-б.

унинг маълум мақсадга қаратилган фаолият жараёни бўлиб, унинг на қиймати, на нархи йўқлиги, бу жараённи бозорга олиб чиқиб сотиб бўлмаслиги фанда ҳам, реал ҳаётда ҳам, иқтисодий амалиётда ҳам ҳаммага аён бўлган ва аллақачон исботланган масаладир. Шунинг учун буни исботлашга ҳаракат қилмасак ҳам бўлади. Лекин бу ғоянинг негизида бир ижобий томон борки, уни албатта ҳисобга олиш зарур. Бу ҳам бўлса улар меҳнатни ишчининг малакаси, интенсивлиги ва натижаси билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Иш ҳақининг мазмуни тўғрисидаги турли назарияларни, (турли мамлакатлардаги ва ўз мамлакатимиздаги амалиётни) умумлаштириб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Иш ҳақи тўғрисидаги назарияларда унга бир томонлама ёндашиш хусусияти мавжуд бўлиб, унинг мураккаб ва кўп қиррали иқтисодий жараён эканлиги маълум даражада эътибордан четда қолган. Лекин бу назарияларнинг ҳар бирида иш ҳақининг у ёки бу томонига тўғри баҳо берилган бўлиб, уларда фойдаланиш мумкин бўлган ижобий мазмун мавжуддир.

2. Иш ҳақининг умумий даражаси ҳар доим ҳар бир мамлакатда иқтисодиётнинг эришган даражасига, яъни умумий меҳнат унумдорлиги, миллий маҳсулот ҳажми, унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорига боғлиқ бўлади. Чунки шу маҳсулотларнинг бир қисми меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимланади. Шунинг учун ҳам у турли мамлакатларда турли миқдорларда бўлади.

3. Иш ҳақининг миқдори ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга, ишчининг ўзини, оила аъзоларини боқишга етадиган даражада бўлиши лозим.

4. Иш ҳақининг миқдори ва даражаси ишчи кучининг малакаси, унинг меҳнати унумдорлиги билан боғлиқ бўлади.

5. Иш ҳақининг даражаси ҳар бир фирма ёки корхонада ишлаб чиқаришнинг эришган даражаси билан, яъни ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажми ва бир ишчига

тўғри келган миқдори билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам у меҳнат миқдори, малакаси бир хил бўлса-да, турли корхоналарда турлича миқдорда бўлиши мумкин.

Ушбу хулосалардан кейин иш ҳақининг мазмунига таъриф бериб айтиш мумкинки, **иш ҳақи – ишчи ва хизматчилар меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодасидир.**

Иш ҳақи ишлаб чиқариш жараёнида яратилган зарурий маҳсулот билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки иш ҳақи унинг асосий қисмини ташкил этади.

Иш ҳақининг асосий вазифаси ишчи ва хизматчиларнинг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш, бошқача қилиб айтганда, меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри ўртасидаги боғлиқликни таъминлашдан иборатдир.

Албатта ишчи кучини такрор ҳосил қилишда иш ҳақидан ташқари фоиз, рента, фойда, дивиденд, турли имтиёзлар ва нафақаларнинг ҳам роли бор. Иш ҳақининг мазмунини тўлароқ тушуниш учун номинал ва реал иш ҳақи тушунчаларини билиш зарур.

Ишчи учун қандай шаклда ва қанча миқдорда иш ҳақи олиши эмас, балки унга қанча миқдорда товарлар ва хизматлар сотиб олиши мумкинлиги муҳим. Шу сабабли номинал ва реал иш ҳақи фарқланади. **Номинал иш ҳақи – бу маълум вақт давомида олинган пул суммаси ёки пул шаклидаги иш ҳақи.** Мисол учун, механика заводи ишчиси январь ойида 200 минг сўм, февраль ойида 190 минг сўм, март ойида 220 минг сўм иш ҳақи ҳисобланди. Булар номинал иш ҳақи ҳисобланади.

Реал иш ҳақи – бу номинал иш ҳақи суммасининг қанчалик товарлар ва хизматлар миқдорини сотиб олишга етадиган қувватидир. Бошқача айтганда реал иш ҳақи – бу номинал иш ҳақининг «харид қилиш» қобилиятидир. Ўз-ўзидан аниқки, реал иш ҳақи номинал иш

ҳақи миқдорига ва харид қилинадиган товарлар (хизматлар) нархига боғлиқ. Шундай экан, реал иш ҳақи бошқа шароитлар бир хил бўлганда, номинал иш ҳақига тўғри мутаносибдир ва истеъмол буюмлари ва хизматлар нархининг даражасига тескари мутаносибдир. Бу миқдорлар нисбатини формулада қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$V_p = \frac{V_н}{P},$$

бу ерда: VP – реал иш ҳақи; VH – номинал иш ҳақи; P – истеъмол буюмлари ва хизматларнинг нарх даражаси.

Бизнинг мисолимизда ишчининг номинал иш ҳақи январь ойига нисбатан февраль ойида 95 фоизни, март ойида 110 фоизни ташкил этган эди. Реал иш ҳақи даражасининг ўзгаришини аниқлаш учун эса истеъмол буюмлари ва хизматларнинг нарх даражаси тўғрисида маълумот зарур бўлади. Айтайлик, нарх даражаси январь ойига нисбатан февралда 1,08, март ойида эса 1,2 баравар ошган бўлсин. У ҳолда ишчининг реал иш ҳақи февраль ойида 176 минг сўмни, март ойида эса 183 минг сўмни ташкил этади. Яъни, ишчининг реал иш ҳақи январь ойига нисбатан февраль ойида 88 фоиз, март ойида 91,5 фоиз даражасида бўлади.

Реал иш ҳақи даражасига товарлар ва хизматлар нархидан ташқари белгиланган солиқлар миқдори ва бошқа турли шароитлар ҳам таъсир қилади. Масалан, солиқ турлари ва миқдори қанча кўп бўлса реал иш ҳақи шунча пасаяди, ёки аксинча.

Номинал иш ҳақи ишчининг ишлаб топган пул даромади даражасини, реал иш ҳақи эса унинг истеъмоли ва фаровонлик даражасини тавсифлайди.

Иш ҳақи аҳоли даромадларининг асосий таркибий қисмларидан бирини ташкил қилиб, у истиқболда ҳам ўзининг етакчи ролини сақлаб қолади.

Мамлакатимизда иш ҳақи даражасининг ошиб бориши

ҳисобига ишлаётган ҳар бир ишчига тўғри келадиган ўртача иш ҳақи даражаси ҳам ошиб бормоқда (12.1-жадвал). Бу эса аҳоли даромадларининг йилдан йилга ошиб бораётганлигидан далолат беради.

12.1-жадвал

Мамлакатимизда бир ишчига тўғри келадиган ўртача ойлик иш ҳақининг даражаси (минг сўмда)[89]

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2017	2018	2019
Республика бўйича жами*	**1078,4**	**1203,1**	**1366,9**	**1453,2**	**1822,0**	**2324,2**
Саноат	1599,7	1907,1	2183,9	2091,7	2731,1	3310.2
Қурилиш	1510,9	1853,3	1988,8	1808,4	2297,3	2761,2
Транспорт ва алоқа	1496,5	1649,1	1855,4	2222,1	2927,3	3464,2
Савдо ва умумий овқатланиш	1436,1	1642,3	1804,0	1650,7	1990,3	2469,8
Уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	889,2	1047,2	1272,1	1035,3	1260,4	1753,4
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	827,1	851,7	958,3	980,8	1173,1	1534,3
Таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	919,9	935,7	1057,2	1263,6	1396,4	1841,2
Молия, кредитлаш ва суғурталаш	1213,6	1838,3	2164,3	2694,1	3500,5	4798,4

*Хусусий тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигини ҳисобга олмаган ҳолда.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2012 йилда Республикамизда ўртача иш ҳақи даражаси 1078,4 минг сўмни ташкил қилиб, шундан саноат (1599,7 минг сўм), қурилиш (1510,9 минг сўм), транспорт ва алоқа (1496,5 минг сўм), савдо ва умумий овқатланиш (1436,1 минг сўм) ва молия кредитлаш ва суғурта (1213,6 минг сўм) тармоқларида ўртача иш ҳақи даражасидан юқори бўлган бўлса, бошқа тармоқ ва соҳалар Республикамиз ўртача иш ҳақи даражасидан паст бўлган. 2019 йилда бу кўрсаткичлар Республика бўйича ўртача иш ҳақи даражаси 2324,2 минг сўмни ташкил қилди, шундан саноат (3310,2 минг сўм), қурилиш (2761,2 минг сўм), транспорт ва алоқа (3464,2 минг сўм), савдо ва умумий овқатланиш (2469,7 минг сўм), молия кредитлаш ва суғурта (4798,4 минг сўм) тармоқларидаги иш ҳақи даражаси республика ўртача

[89] Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида.

иш ҳақи даражасидан юқори кўрсаткичга эга бўлиб, бошқа тармоқларда эса бу кўрсаткич республика ўртача иш ҳақи даражасидан кам бўлди.

12.3. Иш ҳақини ташкил этиш шакллари ва тизимлари

Ишлаб чиқаришнинг техник асослари, ишчилар меҳнатининг мазмуни, уларга билим бериш ва касб-ҳунарга ўргатиш борасидаги ўзгаришлар муносабати билан иш ҳақи шакли ва тизимлари ҳам ўзгариб боради. Иш ҳақини ташкил этишда унинг иккита асосий шакли – вақтбай ва ишбай шакллари фарқланади. **Вақтбай иш ҳақи ходимнинг малакаси, меҳнатининг сифати ва ишлаган вақтига қараб тўланадиган иш ҳақидир.** У одатда меҳнатнинг натижаларини миқдоран аниқ ҳисоблаб бўлмайдиган, балки улар муайян вазифалар доирасини бажариш билан белгиланадиган вақтда (масалан, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар, созловчилар, электромонтёрлар ва шу кабиларга ҳақ тўлашда) ёки маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнининг бориши билан белгиланадиган ва бевосита ишчига боғлиқ бўлмаган пайтларда (масалан, конвейерлар ва автомат линияларида ишлаш) қўлланилади. Ишбай иш ҳақи ишчининг ишлаб чиқарган маҳсулот миқдори ва сифати ёки бажарган ишининг ҳажмига қараб тўланадиган иш ҳақидир. Маҳсулот бирлиги учун тўланадиган иш ҳақи миқдори тариф ставкасидаги ҳақни ишлаб чиқариш меъёрига тақсимлаш йўли билан аниқланади.

Иш ҳақи тизими ўз ичига ҳақ тўлаш шаклларининг аниқ меҳнат шароитларини ҳисобга оладиган турлари мажмуини олади. Жумладан:

- тўғри ишбай ҳақ тўлаш тизими;
- ишбай-мукофотли ҳақ тўлаш тизими;
- ишбай-прогрессив ҳақ тўлаш тизими.

Тўғри ишбай ҳақ тўлаш тизимида ишлаб чиқариш меъёри қай даражада бажарилишидан қатъий назар, иш ҳақи

ягона маҳсулот бирлиги учун белгиланган тариф бўйича тўланади. **Ишбай-мукофотли ҳақ тўлаш тизими** бир қанча кўрсаткичлар, масалан, режа топшириғидан ортиқча ҳажмда ишлаб чиқарилганлиги, юқори сифат даражаси таъминланганлиги ва бошқалар учун мукофот беришни назарда тутади. **Ишбай-прогрессив ҳақ тўлаш тизимида** ишчининг белгилаб қўйилган меъёр доирасида ишлаб чиқарган маҳсулотига унинг бирлиги учун белгиланган тариф бўйича иш ҳақи берилади, меъёрдан юқорисига эса оширилган ҳақ (тариф) бўйича пул тўланади. Ишбай иш ҳақи тизимида якка тартибдаги, жамоа ва ижара пудратида қўлланиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш фарқланади. Бунда олинган тайёр маҳсулот учун унинг сифати ва ишлаб чиқариш чиқимларини ҳисобга олиб ҳақ тўланади. Ҳақ тўлашнинг жамоа шаклида иш ҳақи бригада, цех ва бошқа бўлинманинг пировард меҳнат натижаларига боғлиқ қилиб қўйилади. Бунда ҳар бир ходим фақат ўзига берилган шахсий топшириқларгагина эмас, балки шу билан бирга бўлинманинг бутун иш ҳажмини ҳам бажаришдан манфаатдор бўлади.

Ишчиларнинг иш ҳақини табақалаштириш энг аввало давлат тариф тизими ёрдамида амалга оширилади. **Тариф тизими – тармоқлар ва мамлакат минтақаси бўйича, улар ичида эса ишлаб чиқариш турлари, турли тоифадаги ходимлар малакаси ва меҳнат шароитларига қараб ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи даражасини тартибга солиб турувчи меъёрлар мажмуи.**

Тариф тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тариф-малака маълумотномалари;
- тариф ставкалари;
- тариф сеткалари;
- иш ҳақига нисбатан қўлланилувчи турли коэффициентлар.

Тариф-малака маълумотномалари айрим касблар ва меҳнат турларининг батафсил тавсифи, у ёки бу аниқ ишни бажарувчининг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблардан иборат бўлиб, уларда муайян ишни тарифлаш

учун қўйиладиган разрядлар ҳам кўрсатилади.

Тариф сеткасида разрядлардан ташқари тариф коэффициентлари ҳам бўлиб, улар биринчи разрядли ишчига ҳақ тўлаш билан кейинги разрядли ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўзаро нисбатини кўрсатади (биринчи разряднинг тариф коэффициенти ҳамма вақт бирга тенг бўлади).

Тариф ставкалари тегишли разрядга эга бўлган ишчининг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаб беради.

Меҳнат қилиш шароити оғир ва зарарли бўлган ишчиларга тариф ставкасига қўшимча ҳақлар белгиланади. Тариф ставкаларига устамалар шаклидаги ҳақ (разрядлар бўйича фарқлантирилган) касбий маҳорат учун белгиланади.

Алоҳида тармоқнинг иқтисодиётдаги аҳамиятига қараб амалда иш ҳақини ва мансаб маошларини фарқлантириш ишлари амалга оширилади. Бунда мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган етакчи тармоқларга тажрибали, малакали кадрларни жалб этиш, бу тармоқларда ишчи ва хизматчилар таркиби барқарор бўлишини таъминлайдиган шароитларни вужудга келтириш мақсади кўзланади.

Республикамизда ҳам тариф тизими орқали иш ҳақи табақалаштирилиб, турли касблар ва иш турлари учун иш ҳақи тўлашнинг ягона разрядлари аниқланган. Нархлар ўсиши билан минимал иш ҳақи даражаси (1-разряд) ҳамда барча разрядлар улар ўртасидаги нисбат сақланган ҳолда ошириб борилади. Масалан охирги ўзгариш, 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб Республикамизда иш ҳақининг минимал даражаси ойига 223000 сўм қилиб белгиланди.

Президентимизнинг Олий мажлисга мурожаатида таъкидланганидек, “Йил давомида бюджет тизими ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори инфляция даражасидан юқори миқдорда оширилади”[90].

---

[90] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь.

12.4. Меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва касаба уюшмаларининг роли

Меҳнат муносабатлари – иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасидаги меҳнат шароитлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича муносабатлардир.

“Касаба уюшмаси — фуқароларнинг ўз фаолияти ёки ўқиши тури бўйича умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида тузиладиган, ўз устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий жамоат бирлашмаси”[91]дир.

Ишга ёллаш бўйича корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги муносабат меҳнат шартномалари ёрдамида шаклланади. **Меҳнат шартномалари – корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги ишга ёллаш бўйича муносабатни намоён этувчи ва тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжат.** Меҳнат шартномалари аввало иш ҳақи ставкаси, меъёрдан ортиқча бажарилган ишлар учун ставка, дам олиш кунлари ва танаффуслар, пенсия фондлари ва соғлиқни сақлашга ажратмалар ҳамда нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб истеъмол савати қийматини тартибга солиш каби жиҳатларни ўз ичига олади. Кейин меҳнат шароити масалалари қараб чиқилади. Ниҳоят, қатор ташкилий масалалар ҳал қилинади. Одатда келишув бир неча йилга (асосан уч йилга) тузилади. Айрим ҳолларда давлат ҳам корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга, масалан, иш ташлаш масалаларига тегишли муносабатларга таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо иш ташлаш ҳуқуқи «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакт»да мустаҳкамланган асосий ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар жумласига киради.

Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий тамойиллари

[91] Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрдаги “Касаба уюшмалари тўғрисида” ЎРҚ-588-сонли Қонуни.

қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- ихтиёрийлик;
- камситишга йўл қўймаслик;
- мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш;
- тенг ҳуқуқлилик;
- ошкоралик ва очиқлик.

Кўпчилик мамлакатларда меҳнат муносабатларининг ривожланишида бош масала ишсизликни ижтимоий кафолатлашга, ишловчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш имкониятлари билан боғлиқ масалалар ҳисобланади. Бу муаммоларни ҳал қилишда асосий роль касаба уюшмаларига тегишли бўлади. Аксарият ишчи кучи бозорларида ишчилар ўзларининг ишчи кучини касаба уюшмалари орқали жамоа бўлиб «сотадилар». Касаба уюшмалари нисбатан кўп сонли ишга ёлловчилар билан музокаралар олиб боради ва уларнинг асосий иқтисодий вазифаси иш ҳақини оширишдан иборат бўлади. Касаба уюшмалари бу мақсадга турли хил йўллар билан эришиши мумкин.

1. Ишчи кучига бўлган талабни ошириш. Касаба уюшмалар нуқтаи назаридан иш ҳақини оширишнинг энг қулай усули ишчи кучига бўлган талабни кенгайтириш ҳисобланади. Ишчи кучига бўлган талабнинг ортиши натижасида иш ҳақи ставкаси ҳам, ишчи ўринлари сони ҳам ортади. Касаба уюшмалари бу талабни белгиловчи бир ёки бир неча омилларни ўзгартириш йўли билан ишчи кучига бўлган талабни кўпайтиришлари мумкин. Хусусан, улар қуйидагиларга эришишга ҳаракат қиладилар: 1) ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизматга талабни ошириш; 2) меҳнат унумдорлигини ошириш; 3) ишчи кучи билан биргаликда фойдаланадиган бошқа ишлаб чиқариш омиллари нархларини ўзгартириш.

2. Ишчи кучи таклифини қисқартириш. Касаба уюшмалари ишчи кучи таклифини қисқартириш йўли билан

иш ҳақи ставкасини оширишлари мумкин. Бунга қуйидаги йўллар билан эришилади: а) иммиграцияни чеклаш; б) болалар меҳнатини қисқартириш; в) пенсияга муддатида чиқишни қўллаб-қувватлаш; г) иш ҳафтасини қисқартиришга ёрдам бериш.

Булардан ташқари касаба уюшмалари тадбиркорларни ўз аъзоларини ишга ёллашга мажбур қилиб, ишчи кучи таклифи устидан тўлиқ назорат ўрнатади. Касаба уюшмалари ўз аъзолари сонини қисқартириш сиёсати орқали (масалан, узоқ муддатли ўқитиш, янги аъзоларни қабул қилишни чеклаш ёки тақиқлаш) ишчи кучи таклифини сунъий равишда қисқартиради. Бу, ўз навбатида, иш ҳақи ставкасининг ортишига олиб келади.

3. Касб бўйича малака даражасини лицензиялаш. Бу маълум меҳнат тури таклифини чеклаш воситаси ҳисобланади. Бунда касаба уюшмалари корхона маъмуриятига маълум касбдаги ишчилар аниқ кўрсатилган талабларга жавоб берган тақдирда ишга қабул қилишга таъсир кўрсатади. Бу талаблар ўз ичига ишчининг таълим даражаси, мутахассислик бўйича иш стажи, имтиҳон натижаси ва шахсий тавсифларини олади.

4. Касаба уюшмалари жамоа шартномалари тузишда монопол ҳолатга эга бўлган тадбиркорларга қаршилик кўрсатиш йўли билан ҳам иш ҳақи ставкасини оширишга эришиши мумкин. Бунинг натижасида иш ҳақини ошириш билан боғлиқ қўшимча сарфлар, янги ишчи кучини ёллаш натижасида олинадиган қўшимча маҳсулот ҳажмидан ортиқ бўлади.

Касаба уюшмалари ўзларининг иқтисодий вазифаларини амалга оширишларида манфаатлари ҳимоя қилинаётган меҳнаткашлар гуруҳининг касбий ихтисослиги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёпиқ (тор) ёки очиқ (кенг) турда ташкил этилиши мумкин. **Ёпиқ турдаги касаба уюшмалари** иш ҳақи даражасини ошириш учун ишчи кучи таклифини қисқартиришга ҳаракат қиладилар. Бу кўпроқ маълум касб эгалари, масалан, дурадгорлар, ғишт терувчилар,

электр пайвандчилар кабиларни ўзига бирлаштирувчи цех касаба уюшмалари тарзида ташкил этилади. Цех касаба уюшмалари иш берувчиларни фақат мазкур касаба уюшмасига аъзо бўлган ишчиларни ёллашга мажбур этиб, шу орқали ишчи кучи таклифи устидан назорат ўрнатадилар. Зарур ҳолда касаба уюшмасига аъзоликни қисқартириш орқали ишчи кучи таклифини сунъий йўл билан қисқартирадилар. Бунда улар қуйидаги йўллардан фойдаланишлари мумкин:

- ўқитиш, касбга тайёрлаш муддатини чўзиш;
- касаба уюшмасига аъзо бўлиш бадалларини ошириш;
- янги аъзоларни қабул қилишни чеклаш ёки умуман тақиқлаш ва бошқалар.

Бу тадбирлар асосида ишчи кучи таклифини қисқартириш ҳамда иш ҳақи даражасини ошириш жараёнини қуйидаги расм орқали кўриш мумкин (12.1-расм).



12.1-расм. Ёпиқ турдаги касаба уюшмасининг иш ҳақи даражасига таъсири.

Расмдан кўринадики, касаба уюшмалари ишчи кучи таклифини S1S1 дан S2S2 га қадар қисқартириш орқали иш ҳақи даражасини W1 дан W2 га қадар оширишга эришадилар. Бироқ, ишчи кучи таклифининг пасайиши ёлланган ишчилар сонининг Q1 дан Q2 га қадар қисқаришига олиб келади.

Аксарият касаба уюшмалари ўз аъзолари сонини чеклашга ҳаракат қилмайдилар. Аксинча, улар барча мавжуд ёки кейинчалик ёлланувчи ишчиларни бирлаштиришга ҳаракат

қиладилар. Бу очиқ турдаги ёки тармоқ касаба уюшмалари учун хос бўлиб, тармоқдаги барча ишчиларни, уларнинг малакасидан қатъий назар, ўз сафларига аъзо бўлишига интиладилар. Бу ўринда, агар касаба уюшмаси аъзолари фақат малакали мутахассислардан таркиб топса, уни ёпиқ тарзда ташкил этиш ҳам мумкин бўлади.

Чунки иш берувчилар бу қадар катта миқдордаги малакали мутахассисларни ишдан бўшатиб, улар ўрнига бошқаларини қабул қилиш имкониятига эга бўлмайдилар. Бироқ, ўзига малакасиз ёки паст малакали ишчиларни бирлаштирган касаба уюшмаси аъзоликни чеклай олмайди, бундай ҳолатда иш берувчилар бу ишчиларни касаба уюшмасига аъзо бўлмаган ишчилар билан алмаштириш имкониятига эга бўлиб, бу ҳолат касаба уюшмасининг амал қилиш заруратини йўққа чиқаради.

Агар тармоқ касаба уюшмаси мазкур тармоқдаги деярли барча ишчиларни бирлаштира олса, у ҳолда иш ҳақи даражаси бўйича шартнома тузишда касаба уюшмалари корхона маъмуриятини ўз таъсири доирасида ушлаб тура олади. Маъмурият томонидан уларнинг шартлари инкор этилган ҳолда, ишчиларни иш ташлашга ундаш орқали касаба уюшмалари корхонани ишчи кучи таклифидан тўлиқ маҳрум этиши мумкин.

Очиқ турдаги касаба уюшмасининг иш ҳақи даражасига таъсирини қуйидаги расм орқали кўриш мумкин (12.2-расм).



12.2-расм. Очиқ турдаги касаба уюшмасининг иш ҳақи даражасига таъсири.

Очиқ турдаги ёки тармоқ касаба уюшмаси деярли барча ишчиларни ўз таркибига киритиш орқали ишчи кучи таклифини назорат қилиб, иш ҳақи даражасини эркин рақобат шароитидаги W1 дан W2 га қадар оширадилар. Натижада ишчи кучи таклифи эгри чизиғи SS дан W2aS га силжийди. W2 иш ҳақи даражасида иш берувчилар бандлик даражасини Q1 дан Q2 га қадар қисқартирадилар.

Ҳозирги замон меҳнат муносабатлари ўзида давлатнинг таъсирини ҳам акс эттиради. Давлатнинг қонунчилик фаолияти меҳнат муносабатларининг барча томонларини қамраб олади. У нафақат иқтисодиёт давлат секторининг ишчи кучига бўлган талабини билдиради, балки уни хусусий секторда ҳам тартибга солади, миллий иқтисодиёт миқёсида ишга ёллашнинг асосий ўлчамларини аниқлайди.

Меҳнат муносабатларига давлатнинг ижтимоий дастурлари (кам таъминланган оилаларга ёрдам, ишсизлик бўйича нафақа, ҳар хил ижтимоий тўловлар, пенсия таъминоти ва бошқалар) катта таъсир кўрсатади. Бу дастурлар бозор таҳликаси юқори бўлган давлатларда аҳолининг ижтимоий – иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришга маълум бир даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Давлатнинг ишчи кучи бозоридаги воситачилик роли ҳам меҳнат муносабатларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, бўш иш ўринларини аниқлаш ва тавсия қилиш ҳамда ишга жойлаштириш бўйича умуммиллий дастурни ишлаб чиқиш вазифаларини бажариши мумкин. Ишчиларни ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг давлат тизими бозорнинг ўзгарувчан талабларига тез мослашишга имкон беради.

Мамлакатимизда касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш, Кекса авлодни қўллаб-қувватлаш ва манзилли ижтимоий ҳимоясини кенгайтириш борасида иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг масъулиятини ошириш ҳамда кексаларни моддий қўллаб-қувватлаш. мақсадида уларнинг олдига бир қатор вазифаларни қўйиш кўзда тутилмоқда. Жумладан,

“Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кекса авлод вакилларини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш; 15 минг нафар пенсия ёшидаги шахсларга пенсияга чиқишдан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш ва уларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш; 14 минг нафар ходимларга юбилей саналари муносабати билан қимматбаҳо совғалар топшириш; 55 минг нафар ишламайдиган пенсионерларга (корхоналарнинг собиқ ходимларига) моддий ёрдам бериш”[92].

Ушбу бажарилиши лозим бўлган ишларга сарфланадиган харажатларга 8000,0 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, шундан иш берувчилар маблағлари – 7000,0 млн.сўм, Касаба уюшмалари маблағлари эса – 1000,0 млн.сўмни ташкил этади.

Хулосалар

1. Маҳсулот ва даромадларни тақсимлаш ҳам доим бир хил бўлмай, балки шу даврда амал қилиб турган иқтисодий муносабатлар тизимига, жумладан мулкчилик муносабатларига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароитлари, яъни капиталга мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлган, ерга эса давлат мулки бўлиб турган шароитда яратилган миллий маҳсулот мулк эгалари (давлат, жамоа, хусусий, шахсий) ва ишчи кучининг эгаси бўлган ишчи-хизматчилар ўртасида тақсимланади.

2. Яратилган ялпи ички маҳсулотнинг унинг ишлаб чиқарувчилари ўртасида меҳнатнинг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб тақсимланадиган қисми иш ҳақи деб юритилади.

3. Иш ҳақининг асосий вазифаси ишчи ва хизматчиларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитини яхшилаш, бошқача қилиб айтганда, меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри ўртасидаги боғлиқликни таъминлашдан иборатдир.

---

[92] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони, 8-илова. № 215.

4. Ишчи учун қандай шаклда ва қанча миқдорда иш ҳақи олиши эмас, балки унга қанча миқдорда товарлар ва хизматлар сотиб олиши мумкинлиги муҳим. Ўз-ўзидан аниқки, реал иш ҳақи номинал иш ҳақига ва харид қилинадиган товарлар нархига боғлиқ. Шундай экан, реал иш ҳақи, бошқа шароитлар бир хил бўлганда, номинал иш ҳақига тўғри мутаносибдир ва истеъмол буюмлари ва хизматлар нархининг даражасига тескари мутаносибдир.

5. Реал иш ҳақи уч омил билан аниқланади: биринчидан, номинал иш ҳақининг миқдори билан; иккинчидан, амалдаги солиқлар юки билан; учинчидан, истеъмол товарлари нархлари даражаси билан.

6. Ишчиларнинг иш ҳақини табақалаштириш энг аввало давлат тариф тизими ёрдамида амалга оширилади. Тариф тизими ёрдамида тармоқлар ва мамлакат минтақаси бўйича, улар ичида эса ишлаб чиқариш турлари, турли тоифадаги ходимлар малакаси ва меҳнат шароитларига қараб ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи даражаси тартибга солиб турилади.

7. Кўпчилик мамлакатларда меҳнат муносабатларининг ривожланишидаги ишсизликни ижтимоий кафолатлаш, ишловчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш имкониятлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда касаба уюшмалари асосий роль ўйнайди.

8. Касаба уюшмалари ўзларининг иқтисодий вазифаларини амалга оширишларида манфаатлари ҳимоя қилинаётган меҳнаткашлар гуруҳининг касбий ихтисослиги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёпиқ (тор) ёки очиқ (кенг) турда ташкил этилиши мумкин. Ёпиқ турдаги касаба уюшмалари иш ҳақи даражасини ошириш учун ишчи кучи таклифини қисқартиришга ҳаракат қилсалар, очиқ турдаги касаба уюшмалари иш ҳақи даражаси бўйича шартнома тузишда корхона маъмуриятига бевосита таъсир ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Асосий таянч тушунчалар:

Иш ҳақи – ишчи ва хизматчилар меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодаси.

Вақтбай иш ҳақи – ишчининг ишлаган вақти (кун, ҳафта, ой) ҳисобга олиниб тўланадиган иш ҳақи.

Ишбай иш ҳақи – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки бажарилган иш ҳажмига қараб тўланадиган иш ҳақи.

Реал иш ҳақи – номинал иш ҳақи суммасига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори ёки номинал иш ҳақининг сотиб олиш лаёқати.

Номинал иш ҳақи – пул шаклида олинган иш ҳақи суммаси.

Ишбай-мукофотли ҳақ тўлаш тизими – бажарилган иш учун ҳақ тўлашни эришилган турли натижа кўрсаткичларига қараб мукофот бериш билан қўшиб олиб борилишини назарда тутувчи тизим.

Ишбай-прогрессив ҳақ тўлаш тизими – ишчининг белгилаб қўйилган меъёр доирасида ишлаб чиқарган маҳсулотига унинг бирлиги учун белгиланган тариф бўйича, меъёрдан юқори қисмига эса оширилган ҳақ (тариф) бўйича иш ҳақи тўланишини кўзда тутувчи тизим.

Тариф тизими – ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи даражасини тармоқлар ва мамлакат минтақаси бўйича, улар ичида эса ишлаб чиқариш турлари, турли тоифадаги ходимлар малакаси ва меҳнат шароитларига қараб тартибга солиб турувчи меъёрлар мажмуи.

Тариф-малака маълумотномалари – айрим касблар ва меҳнат турларининг батафсил таърифи, ишчи ва мутахассисларнинг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар, турли тавсифдаги ишларни тарифлаш учун қўйиладиган разрядлар мажмуи.

Тариф сеткаси – турли разрядлар ва тариф коэффициентлари мажмуи бўлиб, улар биринчи разрядли ишчига ҳақ тўлаш

билан кейинги разрядли ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўзаро нисбатини кўрсатади.

Тариф ставкалари – тегишли равишда белгилаб берилган турли разрядга эга бўлган ишчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдори мажмуи.

Меҳнат шартномалари – корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги ишга ёллаш бўйича муносабатни намоён этувчи ва тартибга солувчи ҳужжат бўлиб, унда иш ҳақи ставкаси, меъёрдан ортиқча бажарилган ишлар учун ставка, дам олиш кунлари ва танаффуслар, пенсия фондлари ва соғлиқни сақлашга ажратмалар ҳамда нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб истеъмол савати қийматини тартибга солиш каби масалалар ифода этилади.

Касаба уюшмаси – иш берувчи ва ишга ёлланувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларининг шаклланиши, амалга оширилиши ва тартибга солинишида ишга ёлланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилоти.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Яратилган миллий маҳсулотнинг қандай қисми иш ҳақи шаклини олади?
2. Иш ҳақи билан зарурий маҳсулот ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?
3. Иш ҳақининг турлича назарияларини таҳлил қилиб, уларга ўз қарашингизни билдиринг.
4. Реал иш ҳақи даражаси қандай омиллар таъсири остида ўзгаради?
5. Нима учун иш ҳақининг умумий даражаси ҳар хил мамлакатларда турлича?
6. Тариф тизими ўз ичига қандай таркибий қисмларни олади? Уларнинг ҳар бирининг аҳамияти ва фарқланишини тушунтириб беринг.
7. Меҳнат муносабатлари деганда нимани тушунасиз? Меҳнат муносабатлари кимлар томонидан тартибга солинади?

8. Касаба уюшмаси нима ва унинг қандай турлари мавжуд?

9. Касаба уюшмалари иш ҳақини оширишнинг қандай усулларидан фойдаланадилар?

10. Меҳнат шартномаси нима ва унда қандай масалалар ўз ифодасини топади?

13-БОБ. АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА АГРОБИЗНЕС

Иқтисодий қонунлар ва категорияларнинг амал қилиши иқтисодиётнинг барча соҳалари, тармоқлари ва бўғинлари учун умумий бўлсада, лекин айрим олинган соҳаларда, бу қонун ва категориялар улардаги табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитга боғлиқ ҳолда ўзига хос хусусиятлар ҳам касб этади. Айниқса, бу ўзига хос хусусият аграр соҳада яққол намоён бўлади. Чунки бу ерда такрор ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан тирик организм (ҳайвон, ўсимлик ва бошқалар) билан ҳам боғлиқ бўлиб, иқтисодий қонунлар табиий қонунлар билан чатишиб кетади. Ушбу бобда иқтисодиётнинг умумий томонлари билан биргаликда унинг аграр соҳада намоён бўладиган ўзига хос хусусиятлари баён этилади, шунингдек, аграр муносабатларнинг мазмуни таҳлил қилиниб, ер рентасининг вужудга келиши ва тақсимланиши муаммолари ҳамда уларнинг қисқача тавсифи берилади. Бу ерда фермерлик хўжаликлари ривожига алоҳида эътибор қаратилади.

Агросаноат интеграцияси ва агросаноат мажмуасининг мазмуни ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг янги тизими «кластер» хўжалиги уларнинг таркиби ва вазифаларига тўхталиб ўтилиб, агробизнес ва унинг турлари баён этилади. Бу бобда мустақиллик йилларида аграр соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга

мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармонида кўрсатиб ўтилган қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш вазифалари ва муаммоларига ҳам эътибор қаратилади.

13.1. Аграр муносабатларнинг иқтисодий мазмуни. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг муҳим соҳаси бўлиб, унда инсоният ҳаёти учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва аҳоли учун истеъмол буюмлари тайёрловчи саноат тармоқларига хомашё ишлаб чиқарилади. Халқ орасида қадим замонлардан бери қишлоқ хўжалиги хазиналар сандиғи ҳамда етти хазина деган гаплар юради. Етти хазина деганда – сигир, товуқ, ўрмон, ипак қурти, асалари жувоз ва тегирмонлар кўзда тутилади. Бу хазиналарнинг ҳар бирига алоҳида таъриф берган ҳам доно халқнинг ўзидир. Эътибор беринг: чорва – рўзғор қассоби ва баққоли. Паранда – ҳам оби ёғвон, ҳам дори-дармон. Ипак қурти – қизлар сепи. Ўрмон – иморат суяги, ҳаёт тиргаги, мусаффо ҳаво манбаи. Асалари – оила табиби. Обжувоз – қозоннинг ёғи. Тегирмон – қориннинг белбоғи.[93] Бу иборалар ота-боболаримизнинг кузатишлари ва тажрибаларида сайқал топган доно фикрлар бўлиб, қишлоқ хўжалигининг инсон ҳаётидаги доимий аҳамиятини ифодаловчи тушунчалардир. Бу қайд этилган етти хазинанинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигида бўлиб, бу соҳанинг аҳамиятига бундан ортиқ таъриф топиш қийин.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу соҳани ривожлантиришга ҳар доим алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Мамлакатимиз Президенти томонидан «қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий

[93] Раҳматов М.А., Б.З.Зарипов. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. - Т.: Замин нашр, 2018 й. 20-бет.

инвестиция капитали оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш»[94] лозимлиги таъкидланиб келинмоқда. Аграр соҳа олдида турган вазифаларни бажариш учун аграр соҳани ва улар билан боғлиқ бўлган саноат тармоқлари, хизмат кўрсатиш ва инфратузилма соҳаларини хорижий давлатлар тажрибаси асосида ҳар томонлама ислоҳ қилиш асосида ривожлантириш зарурдир. Бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалигида ҳам кишилар ўртасида иқтисодий алоқа ва муносабатлар содир бўлади.

Аграр соҳада ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан ер билан боғлиқ бўлади. **Ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар аграр муносабатлар дейилади.**

Ернинг ҳосил бериш қобилиятига тупроқ унумдорлиги дейилади. У табиий ёки иқтисодий бўлиши мумкин. **Узоқ йиллар давомида кишиларнинг ҳеч қандай аралашувисиз, табиий ўзгаришлар натижасида ернинг устки қатламида ўсимлик «озиқланиши» мумкин бўлган турли моддаларнинг вужудга келиши ернинг табиий унумдорлиги дейилади.**

Агар тупроқ унумдорлиги кишиларнинг табиатга таъсири натижасида, яъни тупроқ таркиби ва деҳқончилик усулларини яхшилаш сунъий йўл билан (масалан, ерни органик ва кимёвий ўғитлаш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, илмий асосланган ҳолда суғориш, ирригация ва мелиорация каби ишлаб чиқариш усулларини жорий қилиш ҳамда бошқа шу каби йўллар билан) амалга оширилса, бу иқтисодий унумдорликни ташкил қилади.

Ердан олинадиган ҳосил кўпроқ мана шу ернинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва уни ошириш, яъни инсоннинг,

[94] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони.

аниқроғи ишчи кучининг, жонли меҳнатнинг ерга фаол таъсири билан боғлиқ бўлади. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби қишлоқ хўжалигида ҳам ишлаб чиқариш унинг омилларининг бевосита бирикиши асосида содир бўлади. Бунда ишчи кучи фаол бўлиб, асосий рольни ўйнайди. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ердан бошқа барча ишлаб чиқариш воситалари хусусий, шахсий, жамоа мулк шаклида бўлиши мумкин. Турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш воситаларидан жамият барча аъзоларининг турмуш даражасини яхшилаш йўлида фойдаланилади. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг асосий кўринишлари кластер, фермер, деҳқон ва томорқа хўжалиги шаклларида бўлиб, улардаги ишлаб чиқариш жараёнлари турли иқлим ва тупроқ шароитларида олиб борилади.

Мамлакатимиз миқиёсида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар унумдор ерларга тааллуқли бўлиб, умуммиллий бойлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 20236,3 минг гектарни, шундан ҳайдаладиган ерлар 3988,5 минг гектарни, кўп йиллик дарахтзорлар 383,1 минг гектарни, бўз ерлар 76 минг гектарни, пичанзор ва яйловлар 11028,3 минг гектарни, бошқа ерлар 4760,4 минг гектарни ташкил қилади[95].

Шунга биноан қишлоқ хўжалигидаги капиталнинг таркибида турли иншоотлар, бинолар, узатма механизмлар ва бошқаларнинг ҳиссаси кўпроқ. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишда айланма капитал ҳам қатнашади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида айланма капитал қуйидагилардан ташкил топади: ёш ва боқувдаги ҳайвонлар, ем-хашак, уруғлик фондлари, кимёвий ўғитлар, хизмат муддати бир йилдан кам бўлган турли хил ишлаб

[95] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони.

чиқариш воситалари – инвентарлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари ҳамда шу кабилар. Ишлаб чиқариш жараёни қишлоқ хўжалигида айланма капиталнинг кўпгина қисми ҳали тугалланмаган ишлаб чиқариш шаклида бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараёнида капитал бошқа тармоқлардагидек доиравий айланиб туради, яъни пул шаклидан ишлаб чиқаришда қатнашадитган унумли капитал шаклига, ундан товар шаклига ўтиб, яна пул шаклига қайтиб келади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг миқдори ернинг ҳосилдорлиги, унинг сифатига бевосита боғлиқ бўлади. Ернинг табиий, биологик, иқтисодий ва техникавий шароитларини яхшилаш ҳам қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган капиталнинг доиравий айланишига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу омиллардан тўлароқ фойдаланиш ҳар бир хўжаликнинг муҳим вазифасидир. Табиий омиллар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдорининг янги нафлиликнинг ошишига бевосита кўпайишига таъсир этса ҳам, маҳсулотнинг қийматини оширмайди, қийматига қиймат қўшмайди, яъни қиймат ярата олмайди. Ишлаб чиқариш табиий шароитлар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу ерда иш даври ва умумий ишлаб чиқариш вақти ўртасидаги муддат саноатга нисбатан бирмунча узоқроқ бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалигида турли экинларни экиб бўлингандан то ҳосил йиғиштириб олингунча ишлаб чиқариш вақти давом этади. Иш даври эса шу вақт ичида қишлоқ хўжалик экинлари меҳнат таъсирида бўлган кунлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни мавсумийлиги билан хусусиятлидир. Бу ҳол қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган меҳнат воситаларидан, яъни комбайн, турли экиш асбоблари ва шу кабилардан фойдаланиш вақтига бевосита таъсир ўтказади. Бошқача қилиб айтганда, бу меҳнат воситаларидан фойдаланиш мавсумий тавсифга эга бўлиб, йилнинг маълум муддатларидагина фойдаланилади, қолган вақтда эса улар бекор туради. Масалан, сеялкадан экиш

давомида фойдаланилса, ғалла ўриш комбайнлари, пахта териш машиналари эса йилига 20-30 кун йиғим-терим пайтида ишлатилади, холос. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг капитал ва энергия билан қурольланиш даражаси ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларига нисбатан юқори бўлишини тақозо қилади, лекин бу ерда асосий ва айланма капитал ҳаракати сустроқ. Булардан ташқари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва меҳнат жараёнларининг мавсумийлиги сабабли йил давомида айланма маблағларнинг сарфи бир меъёрда бўлмайди. Қиш ва ёз мавсумларида харажат қилинадиган айланма маблағлар таркибида бирмунча тафовутлар мавжуд. Масалан, қиш мавсумида айланма маблағларнинг кўпгина қисми (уруғлик, ем-хашак, турли озуқалар) ишлаб чиқариш эҳтиёт қисми шаклида, ёз фаслида эса тугалланмаган ишлаб чиқариш, техниканинг бутлаш қисмлари, нефть маҳсулотлари ва шу кабиларнинг ҳиссаси ортиб боради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилишда юқорида санаб ўтилган хусусиятларни ҳисобга олиб, ишни ташкил қилиш унинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бизнинг мамлакатимизда аҳолининг нисбатан зичлиги ва қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг чекланганлигини ҳисобга олиб, ерга хусусий мулкчилик жорий қилинмади, унга давлат мулки сақланиб қолди. Лекин, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, оқилона аграр ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва бу жараён чуқурлаштирилмоқда.

2019 йилда қишлоқ хўжалиги тармоғида муҳим ижобий натижалар қўлга киритилди. Чунки кўпгина қишлоқ хўжалиги маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш бўйича ўсишга эришилди (13.1-жадвал).

13.1-жадвал

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг ишлаб чиқаришнинг ўсиши

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012	2014	2016	2018	2019	2012 йилга нисбатан 2019 йилда,%
Картошка	минг тонна	2056,1	2452,4	2958,4	2750,1	2950,9	143,5
Сабзавот маҳсулотлари	минг тонна	7766,5	9286,7	11275,8	9635,1	9945,5	128,1
Полиз маҳсулотлари	минг тонна	1418,4	1696,1	2044,9	1904,9	1922,2	135,5
Мава ва резаворлар	минг тонна	2052,6	2490,6	3042,8	2589,7	2739,6	133,5
Узум	минг тонна	1204,6	1441,2	1735,8	1564,5	1595,2	132,4
Гўшт	минг тонна	1403,7	1906,3	2171,8	2417,4	2465,0	175,6
Сут	минг тонна	7310,9	8431,6	9703,3	10480,7	10710,8	146,5
Тухум	млн. дона	3873,7	4950,0	6111,7	7360,5	7757,4	200,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвалдан кўринадики, 2019 йилда 2012 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан картошка (143,5%), сабзавот маҳсулотлари (128,1%), узум (132,4%), тухум (200,3%), гўшт (175,6%) ни ташкил этиб, юқори даражада ўсган.

Ўзбекистонда аграр ислоҳотларни амалга ошириш, таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли 2018 йилда ҳам мўл ҳосил етиштирилган эди. Жумладан, 6,4 миллион тонна ғалла, 2,3 миллион тоннадан пахта, 15,7 милллион тоннадан ортиқроқ мева ва сабзавот етиштирилган бўлса 2019 йил якунларига кўра 7,2 миллион тонна ғалла, 16,2 милллион тоннадан ортиқроқ мева ва сабзавот етиштирилди[96].

Ўзбекистонда ер давлат мулки ҳамда умуммиллий бойлик бўлганлиги сабабли ерга бўлган мулкчилик, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалалари алоҳида ажратиб таҳлил қилиниши лозим.

[96] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

Ерга эгалик жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг маълум ер участкасига тарихан таркиб топган асослардаги ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги эгалик ҳуқуқини тан олишини билдиради. Ерга эгалик деганда аввало ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи ва уни иқтисодий жиҳатдан реализация қилиш кўзда тутилади. Ерга эгаликни ери бўлган мулкдор (бизда давлат) амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида таъкидланганидек, «Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш учун берилиши мумкин»[97].

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи – бу ўрнатилган урф-одатлар ёки қонуний тартибда ундан фойдаланишни билдиради. Ердан фойдаланувчи ер эгаси бўлиши шарт эмас. Реал хўжалик ҳаётида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишни кўпинча ҳар хил жисмоний ва ҳуқуқий шахслар, хусусан ҳозир бизда асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари амалга оширади. Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳам тўрт омил – ер, капитал, тадбиркорлик қобилияти ва ишчи кучи қатнашиб, бунда ер муҳим ишлаб чиқариш воситаси сифатида иштирок этади. Аммо биз аввал айтганимиздек, ишлаб чиқариш жараёнида ҳамма ишлаб чиқариш воситаларини, жумладан, ерни ҳаракатга келтириб, ундан унумли фойдаланадиган, унинг иқтисодий унумдорлигини оширадиган омил – ишчи кучидир. Аграр муносабатларни ўрганишда ҳам ишчи кучининг, жонли меҳнатнинг фаол роль ўйнашини, унинг ҳамма моддий воситаларга жон ато этиб, ҳаракатга келтирувчи ролини тушунмаслик гўё капитал фойда ёки фоиз, ер эса рента яратади, деган кўпгина хато фикр-мулоҳазаларга, ёлғон тасаввурларга олиб келади.

Агар мамлакатимизда аҳоли сонининг ва уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабининг ошиб боришини, қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар майдонининг кўпаймаслигини, аксинча, айрим сабабларга кўра (шўрланиш

[97] Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси». 1- Т., «Ўзбекистон», 1999 й., 20-модда.

натижасида, қурилиш майдонларига, йўлларга ажратилиши натижасида) уларнинг камайиб боришини ҳисобга олсак, ернинг ҳар бир бирлигидан унумли фойдаланиш масаласи борган сари долзарб масала бўлиб боради.

Аграр муносабатларнинг асосини рента муносабатлари ташкил қилади. Рента муносабатлари назарияси ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган ва тўлиқ ёритиб берилмаган назариялардан ҳисобланади. Иқтисодчилар ўртасида унинг моҳиятини тушунтириш бўйича турлича ёндашув ва қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари ноаниқлигича қолмоқда. Шу сабабга кўра рентани миқдорий аниқлаш ва унинг моҳиятини тушунтириш бўйича асосий ва кўпинча бир-бирига қарама-қарши бўлган назарияларга дуч келамиз.

13.2. Рента муносабатлари

Рента назарияси дастлаб, физиократлар мактабининг асосчилари Ф.Кенэ ва А.Тюрголарнинг илмий асарларида кўриб чиқилган. Улар рентанинг вужудга келиш сабабини табиат, ернинг қандайдир сирли кучи, табиат эҳсони, ернинг қўшимча маҳсулот ярата олиш қобилияти натижаси деб изоҳлаганлар. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яратишда, жумладан, соф ва қўшимча маҳсулот яратишда табиат ролини кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Кейинчалик рента назариясининг асослари классик иқтисодчилар У.Петти, Ж.Андерсон, А.Смит ва Д.Рикардолар тадқиқотларида турли даражада такомиллаштирилган. Жумладан, Андерсон дифференциал рента тўғрисидаги қарашларни илгари сурган, бироқ рентанинг яратилган маҳсулоти товар қийматининг бир қисми эканлигини тушунтириб берольмаган. Рикардо эса, физиократлардан фарқли ўлароқ, рентага маҳсулот ижтимоий ва индивидуал қийматлари ўртасидаги фарқ сифатида қараб, рента назариясини қийматнинг меҳнат назарияси, қиймат қонуни билан боғлаган.

Рента назариясини ривожлантиришда рус иқтисодчиларидан Н.Г.Чернишевский ва Н.И.Зиберлар салмоқли ҳисса қўшганлар.

Ҳозирги вақтда Россияда «Иқтисодиёт назарияси» бўйича чоп этилган қатор ўқув қўлланма ва дарсликларда ҳам ер рентаси муносабатлари кенг баён этилмоқда. Д.Д.Москвин таҳрири остида тайёрланган дарсликда ёзилишича, ресурсларнинг турли-туманлиги натижасида улардан фойдаланиш чоғида рента даромадларининг турли кўринишлари пайдо бўлади, жумладан: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда вужудга келувчи ер рентаси; фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғида вужудга келувчи рента; ўрмон ресурсларидан фойдаланишда ҳосил бўлувчи рента; қурилиш участкаларидан олинувчи рента ва ҳ.к. Барча турдаги табиий ресурслар ер билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли улардан фойдаланишда рентанинг вужудга келиши учун бир-бирига ўхшаш шарт-шароитлар мавжуд бўлади. Қишлоқ хўжалик экинларидан фойдаланишнинг иқтисодий шарт-шароитларига нисбатан ишлаб чиқилган рента муносабатларини таҳлил қилиш услубиёти рентанинг барча турларига тегишли бўлади, шунга кўра уларни ер рентасига киритиш тўғри бўлади. Ҳайдаладиган ер, қурилиш участкаси, руда кони, балиқ ови, ўрмон ва бошқалардан тўланишидан қатъий назар, рента кўринишидаги мазкур пул суммаси ер рентаси деб аталади[98].

Ер рентасининг бир қанча тарихий кўринишлари мавжуд. Масалан, уч шаклдаги: баршчина (ишлаб бериш), оброк (натурал солиқ) ва пул солиғи шаклларидаги феодал ренталари шулар жумласидандир. Ҳозирги пайтда турли мамлакатларда мавжуд рента вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларига қараб қуйидаги турларга ажратилади: абсолют ер рентаси, дифференциал (табақалашган) рента I ва II, монопол рента, қазилма бойликлар, қурилишлар жойлашган ерлардан

[98] Основы экономической теории. Политэкономия: Учебник /Под ред. д-ра экон. наук, проф. Д.Д.Москвина. Изд. 3-е, исправл. – М.: Едиториал УРСС, 2003. С.216-217.

олинадиган рента. Юқорида айтиб ўтилган қатор назарияларни ҳамда ер рентасининг тарихий ва замонавий шаклларини умумлаштириб айтиш мумкинки, **ер рентаси – ер эгалигини иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш (реализация қилиш) нинг шаклидир.**

Рентанинг моҳиятини тушунишдаги асосий қийинчилик тадбиркорлар ўртасида қайта тақсимланмайдиган қўшимча соф даромадни вужудга келиши шарт-шароит ва сабабларининг очиб берилиши ҳисобланади. Бундай ҳолат вужудга келишининг сабабларидан бири самарали хўжалик юритиш учун яроқли бўлган ерларнинг чекланганлиги ва қайта тиклаб бўлмаслигида ўз ифодасини топади. Иккинчи сабаби – ерга ёки бошқа табиий ресурсларга мулкчилик объекти ёки хўжалик юритиш объекти сифатидаги монополиянинг мавжудлиги ҳисобланади. Учинчи сабаби эса, кўп мамлакатларда қишлоқ хўжалигидаги капитал узвий (органик) тузилиши, яъни ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучигаи сарфланган капитал ўртасидаги нисбатнинг пастлиги ҳисобланади.

Ер участкаларининг унумдорлиги ва жойлашган жойидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча маҳсулот қийматнинг бир қисми рента шаклини олади ҳамда у дифференциал рента деб аталади.

Қишлоқ хўжалигида энг муҳим ишлаб чиқариш воситаси – ернинг миқдори ва сифатини табиатнинг ўзи чеклаб қўйган, уни инсон кўпайтиришга қодир эмас. Шунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини фақат яхши ва ўртача унумдор ер участкаларида ташкил этиш билан чекланиш мумкин эмас. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб кўп бўлганлиги учун ёмон, кам унумли ерларда ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурдир. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулот тўловга қодир талаб билан таъминланган бўлса, ернинг маҳсулдорлиги ёки жойлашуви жиҳатидан ёмон шароит қишлоқ хўжалик товарларига нарх шаклланишини тартибга солувчи ижтимоий нормал шароит ҳисобланади. Натижада ўртача ёки яхши ерларда хўжалик юритувчи

ишлаб чиқарувчилар устама қўшимча маҳсулот ва бинобарин қўшимча фойда оладилар. Демак, дифференциал рента ҳосил бўлишининг табиий шарти миқдори чекланган ернинг сифати (унумдорлиги) даги фарқлардир, унинг ижтимоий-иқтисодий сабаби эса фойдаланиладиган ерларда иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашган тарзда мустақил хўжалик юритишдир.

Дифференциал рента ўзининг келиб чиқиш шароитларга қараб дифференциал рента I ва дифференциал рента II га бўлинади.

Дифференциал рента I ернинг табиий унумдорлиги билан боғлиқ бўлган, саноат марказларига, бозорларга ва алоқа йўлларига яқин жойлашган серунум ер участкаларида вужудга келади. Дифференциал рента I нинг ҳосил бўлишини шартли мисол ёрдамида кўриб чиқамиз (13.2-жадвал).

13.2-жадвал

Дифференциал рента I нинг ҳосил бўлиши

Ер участкаси	Ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари (сўм)	Ўртача фойда (сўм)	Ижтимоий қиймат (сўм)	Ялпи маҳсулот (тонна)	Маҳсулотнинг индивидуал қиймати (сўм)	Ижтимоий қиймат – бозор нархи (сўм)	Ялпи сотилган маҳсулот (сўм)	Дифференциал рента I (сўм)
А	8000	2000	10000	20	500	500	10000	-
Б	8000	2000	10000	25	400	500	12500	2500
В	8000	2000	10000	30	333	500	15000	5000

Мисолимиздаги уч хил ер участкаларидан олинган маҳсулотнинг ижтимоий қиймати бир хил, яъни 10000 сўмни ташкил қилади. Ялпи ҳосилдорлик А участкасида 20 тонна, Б ва В участкаларда 25 ва 30 тоннани ташкил қилади. Ҳар бир участкадан турлича ҳосил олинганлиги туфайли уларда етказилган маҳсулотларнинг индивидуал қиймати ҳам турлича бўлиб чиқади. Яъни, А участкасида ҳар бир маҳсулот бирлигининг қиймати 500 сўм бўлса, Б участкасида 400 сўм, В участкасида эса 333 сўмни ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ёмон участкада етиштирилган маҳсулот нархида сотилади (мисолимизда 500 сўм). Натижада ёмон ер

участкаси (А) ўзининг якка ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш ва фойда олиш имконига эга бўлади. Ўртача (Б) ва яхши (В) ер участкаларида эса ёмон ер участкаси (А)га нисбатан 2500 ва 5000 сўм миқдорда қўшимча даромад олинади. Бу олинган қўшимча даромад ернинг табиий унумдорлиги билан боғлиқ бўлган дифференциал рента I ни ташкил қилади.

Дифференциал рента II хўжаликларни интенсив ривожлантириш, ернинг ҳосилдорлигини ошириш учун қўшимча харажатлар сарф қилиш билан, яъни қишлоқ хўжалигида кимёвий ўғитларни қўллаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш даражаси билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Бу ҳолни биз 13.3-жадвалда шартли мисол билан ифода этишимиз мумкин.

13.3-жадвал

Дифференциал рента II нинг ҳосил бўлиши

Ишлаб чиқариш даври	Ишлаб чиқариш харажатлари (сўм)	Ялпи маҳсулот (тонна)	1 тонна маҳсулотнинг индивидуал қиймати (сўм)	1 тонна маҳсулотнинг ижтимоий қиймати (сўм)	Сотилган маҳсулот суммаси, сўм	Қўшимча маҳсулот, яъни диф-ференциал рента II, сўм
Биринчи йил	10000	20	500	500	10000	-
Иккинчи йил	15000	40	375	500	20000	10000

Мисолимизда ерга қўшимча 5 минг сўм харажат қилиш натижасида қўшимча 20 тонна маҳсулот олинса, у ҳолда биринчи йилга нисбатан қўшимча олинган 10 минг сўм даромад дифференциал рента II ни ташкил этади. Бундай интенсив ривожланиш қишлоқ хўжалигида бош йўл ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантирмай туриб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ва жамият аъзоларининг ўсиб бораётган талабини қондириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш учун алоҳида эътибор берилади.

Бунинг учун қишлоқ хўжалигини аграр саноатлашган асосга қўйиш, интенсивлаштиришни тезкорлик билан амалга ошириш чоралари ишлаб чиқилиши лозим. Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш узлуксиз ўсмоқда. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш учун ажратилган капитал маблағлар ҳам ортмоқда.

Агар ҳамма жойда бир хил харажат қилиниб, ҳосилдорлик бир хил оширилса эди, унда ҳеч қандай дифференциал рента II бўлмас эди. Гап шундаки, ер бирлигига сарфланган бу харажатлар турли ҳудудларда, вилоятларда, хўжаликларда турлича даражада амалга оширилади ва натижада ҳосилдорлик ҳам турлича ошади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ижтимоий қиймати билан якка тартибдаги қиймати ўртасидаги тафовут хўжаликларнинг устама қўшимча маҳсулотини ташкил қилади. Яъни, дифференциал рентанинг ҳар иккала кўринишини (рента I ва II ни) ўз ичига олади. Дифференциал рента I ва II маҳсулотнинг муайян ижтимоий қиймати билан ҳудуд бўйича ёки алоҳида олинган хўжаликнинг индивидуал қиймати ўртасидаги тафовутдан иборатдир. Шу ҳосил қилинган даромадлар давлат билан хўжалик ўртасида тақсимланади. Унинг давлатга тўланган қисми ер рентаси кўринишини олади (чунки бизда ер давлат мулкидир).

Дифференциал рента I юқорида қараб чиқилганидек, хўжаликлар фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиий шароитда вужудга келади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳосил қилинган бу хилдаги рента ер давлат мулки бўлганлиги сабабли унинг манфаатлари йўлида сарф қилиш мақсадида марказлаштирилган давлат фондида (бюджетида) тўпланиши лозим. Бу ҳол ўрта ва яхши унумли ерда жойлашган хўжаликларнинг иқтисодий манфаатдорлигига путур етказмайди, балки бошқа хўжаликлар билан озми-кўпми иқтисодий шароитларни тенглаштириш

имконини беради. Марказлаштирилган давлат фондига ўтган бу маблағлар (дифференциал рента I) ни мамлакат олдида турган вазифаларни бажариш, хусусан янги ерларни ўзлаштириш ва ер унумдорлигини юксалтириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш учун йўналтирилиши мумкин бўлади.

Дифференциал рента II ердан интенсив фойдаланиш, яъни унинг иқтисодий унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу хилдаги рентанинг асосий қисми хўжаликларнинг ўзларида қолдирилиши мантиқан тўғри бўлади. Унинг фақат бир қисми давлат фондига жалб қилиниши мумкин, чунки давлат маълум даражада бу рентани ҳосил қилишда ўз ҳиссасини қўшади, яъни транспорт йўллари қурилишига, ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш учун капитал маблағлар сарфлайди, техникалар, кадрлар, минерал ўғитлар етказиб беради. Шундай қилиб, дифференциал рента I ва дифференциал рента II ер эгаси бўлган давлат билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тақсимланади.

Абсолют рента. Кўпгина мамлакатларда қишлоқ хўжалигида ерга хусусий мулкчилик монополияси шароитида ишлаб чиқаришни олиб боришга тўғри келади. Ҳозирги даврда ерга хусусий мулкчилик билан бир қаторда бошқа мулкчилик шакллари ҳам мавжуд. Масалан, давлат мулки, вақф (мачит, черков) мулклари ва бошқалар. **Ерга бўлган мулкчилик монополияси ижарага бериладиган барча ер участкаларининг сифатидан қатъий назар, ер эгаларига абсолют рента деб аталган рентани олишга имкон беради.** Абсолют ер рентасининг вужудга келиш механизми шундан иборатки, ер эгалари (хусусий, давлат, черков, масжид) ерни ишловчи ижарачиларга (фермерлар, тадбиркорлар) фойдаланиш учун маълум миқдорда ижарага берадилар ва улардан ердан фойдаланганлик учун тўловлар оладилар. Мана шу тўлов абсолют ер рентаси деб ном олган. Агар ер ижарага

берилганда шу ерда турли хил иншоотлар, бинолар қурилган бўлса, уларга тўланадиган ҳақ алоҳида ҳисобланади ва улар ижара ҳақи деб аталади.

Аграр муносабатларни тадқиқ қилар эканмиз, нима учун қишлоқ хўжалик ишчилари яратадиган қўшимча маҳсулот жамият миқёсида барча мулк эгалари ўртасида қайта тақсимланмайди, нима учун қишлоқ хўжалигида олинадиган даромад ўртача фойдадан юқори бўлади, бу ҳодисанинг сабаби нимада, деган саволлар туғилади.

Тарихан шундай бўлиб қолганки, кўпгина мамлакатларда, жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигидаги капиталнинг узвий тузилиши саноатдагидан пастдир. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида яратилган товарларнинг бозор қиймати, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий қийматидаги қўшимча қиймат миқдори жамиятда шаклланган ўртача фойдадан ортиқ бўлади. Қишлоқ хўжалик товарларининг бозор нархи билан ижтимоий ишлаб чиқариш нархи ўртасидаги бу тафовут абсолют рента манбаи бўлиб хизмат қилади.

Рента назариясига кўра қишлоқ хўжалигида рентанинг яна бир тури – монопол рента ҳам мавжуд бўлади. Бошқа ерда учрамайдиган табиий шароит, баъзан ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (узумнинг алоҳида навларини, цитрус экинлари, чой ва ҳоказоларнинг алоҳида турларини) етиштириш учун имконият яратади. Бундай товарлар монопол нархлар билан сотилади. Бу нархларнинг юқори бўлиши кўпинча тўловга қодир талаб даражаси билан белгиланади. Натижада монопол нархлар шундай маҳсулотларнинг индивидуал қийматидан анча юқори бўлиши мумкин. Бу эса ер эгаларига монопол рента олиш имконини беради.

Фақат қишлоқ хўжалигида эмас, балки **ундирма саноатда** ҳам қўшимча даромад олинади. Маълумки фойдали қазилма конлари жойлашуви (ва демак, ишлаш учун қулайлиги) жиҳатидан ҳам, коннинг бойлиги жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Худди қишлоқ хўжалигидаги сингари, ўрта ва

яхши конлардаги корхоналар қўшимча фойда оладилар, у ҳам дифференциал рентага айланади.

Ижара ҳақи. Рента муносабатларини қараб чиқишда рентанинг ижара ҳақидан фарқига эътиборни қаратиш зарур. Агар ижарага бериладиган ерга олдин бино, иншоот ва шу кабилар қуриш билан боғлиқ равишда капитал қўйилмалар сарфланмаган бўлса, ижара ҳақи ва рента миқдоран бир-бирига тўғри келади. Акс ҳолда, ижара ҳақи ер рентасидан фарқ қилади. Ижара ҳақи қуйидагилардан иборат: ердан фойдаланганлик учун тўланадиган рента (R), ерга илгари сарфланган капитал учун фоиз (r); ер участкасини ижарага бергунга қадар унга қурилган иншоотлар амортизацияси (А). Буни формулада қуйидагича ёзиш мумкин:

$$ИХ=R+r+A$$

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ер фақат ижара объекти эмас, балки олди-сотди объекти ҳамдир. Ер ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва табиий қазилма бойликлар қазиб олиш учун, ҳар хил ишлаб чиқариш ва турар жой бинолари, иншоотлар, йўллар, аэропортлар ва ҳоказолар қуриш учун сотиб олинади. Бундай ҳолларда ернинг нархи нима билан белгиланади?

Ер нархи. Маълумки, ер инсон меҳнати маҳсули бўлмаганлиги сабабли алмашув қийматига эга эмас. Шунга кўра, назариётчилар ер ва бошқа табиат инъомлари нархини **иррационал нархлар** деб атайдилар. Ер участкасининг эгаси уни сотишда олинган суммани банкка қўйилганда, у келтирадиган фоиз тарзидаги даромад шу ер участкасидан олинадиган рентадан кам бўлмаган тақдирдагина ерни сотади. Бошқача айтганда, ернинг нархи **капиталлаштирилган рентадир.** Бошқа шароитлар тенг бўлганда, худди шу рента миқдори ер нархини белгилайди. У рента миқдорига тўғри ва ссуда фоизи нормасига тескари мутаносибдир. Шундай қилиб, ернинг нархи иккита миқдорга боғлиқ: 1) ер участкаси эгаси олиш мумкин бўлган ер рентаси миқдорига; 2) ссуда

фоизи меъёрига. Шундан келиб чиқиб ернинг нархи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$H_E = \frac{R}{r'} \times 100\%,$$

бунда:НЕ – ер нархи;

R – рента;

r' – ссуда фоизи меъёри.

Фараз қилайлик, R = 15 минг долл., r* = 5%. Бунда ернинг нархи (НЕ) 300 минг долл.га тенг бўлади. Ер эгаси фақат шу нархдагина ерини сотиши мумкин, чунки муайян миқдордаги капиталдан олинадиган фоиз унга банкдан рентага тенг миқдорда йиллик даромад олиш имконини беради.

Рента миқдори ўсиб, ссуда фоизи меъёри пасайиб борган тақдирда ернинг нархи ўсиб боради. Ер нархини аниқлашнинг бу усули назарий аҳамиятга эга. Амалда ер нархи ер участкасига талаб ва таклифга таъсир кўрсатувчи кўплаб омилларга боғлиқ. Жумладан, ерга нархнинг ўсишини, унга ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун фойдаланишга талабнинг ўсиши билан тушунтирилиши мумкин. Инфляция ва асосан гиперинфляция шароитида ерга талаб кескин ўсади, бу тегишли равишда ер нархининг ўсишига олиб келади. Бозор иқтисодиётига асосланган ғарб мамлакатларида XX аср бошларидан то ҳозирги давргача ер нархи барқарор ўсиш тамойилига эга бўлиб, фақат айрим даврлардагина унинг пасайиши кузатилади.

13.3. Агросаноат интеграцияси ва агробизнес

Иқтисодий ривожланиш жараёнида қишлоқ хўжалиги ҳамма вақт саноат, савдо ва бошқа тармоқлар билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб келганлигини ҳисобга олиш керак. Чунки мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қишлоқ хўжалик хомашёсидан тайёрланган товарларга бўлган эҳтиёжларини қондириш фақат қишлоқ хўжалигининг ҳолатига эмас, балки

саноат тармоқлари билан уйғун ривожланишига ҳам боғлиқ бўлади. Худди ана шу ҳолат иқтисодиёт таркибида агросаноат мажмуасини битта пировард натижани рўёбга чиқаришга бўйсундирилган тармоқларнинг ягона, яхлит тизимини келтириб чиқариш учун асос бўлади.

Агросаноат интеграцияси – қишлоқ хўжалиги билан саноат, айниқса, унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёнидир.

Агросаноат интеграцияси кўп қиррали бўлиб, у ғоят хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Булар энг аввало ана шу жараён қайси даражада, яъни бутун мамлакат кўлами, вилоят доираси ёки корхона даражасида юз беришига боғлиқ. Бутун мамлакат ва минтақалар кўламида агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро алоқалари кучайишида, иқтисодиётнинг озиқ-овқат (тармоқ) ва минтақа агросаноат мажмуалари ташкил бўлиши ва ривожланишида ифодаланади.

Ҳозирги вақтда аграсаноат интеграцияси кластер хўжалиги шаклида ташкил топмоқда.

Қишлоқ хўжалик соҳаларида фойда олиш мақсадида олиб борилаётган тадбиркорлик фаолияти агробизнес дейилади. Агробизнес тушунчасига бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасига кирмайдиган, бироқ у билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланувчи бизнес турлари ҳам киритилади. Бу қишлоқ хўжалигига техникавий, таъмирлаш хизмати кўрсатиш, унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятидир. Қисқача қилиб айтганда, агробизнес агросаноат интеграцияси натижасида вужудга келган агросаноат мажмуасининг барча бўғинларини қамраб олади. Агробизнес фаолиятининг мақсади истеъмол бозорини етарли миқдорда сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноатни эса хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат.

Агробизнеснинг асосий шакли ва бирламчи бўғини **фермер ва деҳқон хўжаликларидир.** Чунки улар бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бу хўжаликлар ўз ерида ёки ижарага олинган ерда иш юритиб, унда мулк эгаси ва ишлаб чиқарувчи фермернинг ўзи ва оила аъзолари ҳисобланиб, айрим ҳолларда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳам мумкин. Фермер хўжалигининг афзаллиги шундан иборатки, унда мулк ва меҳнат бевосита қўшилади, бу эса ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигини таъминлайди. Фермер хўжаликлари мустақил тузилма бўлиш сабабли ўз фаолиятини бозор конъюнктурасига тез мослаштира олади. Унда иқтисодий манфаат ва пировард натижа учун масъулият битта фаолиятнинг икки томонини ташкил қилади. Буларнинг ҳаммаси фермер хўжалигининг яшовчанлигини таъминлайди.

Агробизнес турларидан бири агрофирмалардир. **Агрофирма маълум турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уни пировард маҳсулот даражасигача қайта ишлашни қўшиб олиб борадиган корхонадир.** Агрофирмалар ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам саноатга хос ресурсларни ишлатиб, истеъмолга тайёр бўлган маҳсулот яратади. Мазкур турдаги корхоналар турли мулкчиликка асосланиши, чунончи оилавий хўжалик асосида ҳам ташкил топиб, кичик заводлар билан бирикиши мумкин. Агросаноат бирлашмалари ва комбинатлари агробизнеснинг янги турларидир.

Агросаноат бирлашмалари бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва унга боғлиқ ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи бир неча хўжалик ҳамда корхоналарнинг бирлашмасидир. Масалан, боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар, улар маҳсулотини қайта ишловчи цех ва заводлар, истеъмолчиларга етказиб берувчи савдо-сотиқ корхоналари бир технологик жараёнга бирлашиб агросаноат бирлашмаларини ташкил қилади. Бирлашма иштирокчилари ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий мустақилликларини сақлаб қолиши билан бирга, уларнинг умумий мулки ҳам таркиб топиб боради.

Агросаноат комбинатлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришгача барча технологик жараёнга хизмат қилувчи хўжалик ва корхоналарнинг маълум бир ҳудудида бирлашувидир. Агробизнес турига кўнгилли ва пайчилик маблағлари асосида ташкил қилинган турли хил уюшма ва иттифоқларни ҳам киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги давлат корхоналари, жамоа хўжаликлари ва ширкатлари, турли хил мулкчилик асосида ташкил қилинган қўшма корхоналар ҳам агробизнес турлари сифатида фаолият кўрсатади.

13.4. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларни амалга ошириш ва янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистонда аграр ислоҳотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, мулкчилик муносабатлари ва шаклларини тубдан ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқларни обод этиш асосида қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш вазифаларининг амалга оширилишини кўзда тутади.

Мамлакатимизда илк мустақиллик йилларидан бошлаб фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга ҳамда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди.

Қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари қишлоқда янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этиш ҳамда фермерликни ривожлантириш имконини яратди.

Қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотларини амалга оширишни **икки босқичга** бўлишимиз мумкин.

Биринчи босқич 1991-2000 йилларни ўз ичига олиб, ушбу даврда паст рентабелли, аҳолига ўз имкониятларини намоён этиш учун шароит яратиб бермаган ширкат хўжаликларини тугатиб, бунда фермер хўжаликларини ташкил этиш йўли танланди ҳамда қуйидаги асосий чора-тадбирлар амалга оширилди:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 29 ноябрдаги ПФ-295-сонли Фармонига асосан қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва фуқароларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиб берилди;

– 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодекси билан фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага беришнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди;

– Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарорига кўра фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқлари аттестациядан ўтказилиб, ушбу хўжаликлар фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказилди.

Ислоҳотларнинг **иккинчи босқичи** 2001-2012 йилларни ўз ичига олиб, ушбу даврда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий хўжаликлари турига айланди ҳамда ушбу даврда қуйидаги асосий ишлар амалга оширилди:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сонли Фармонига асосан зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди, фермер хўжаликларига ер майдонлари танлов асосида эллик йилгача мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага берилди;

– Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш ва бажарилишини мониторинг қилиш тартиблари белгиланди;

– 2004 йил 26 августда янги таҳрирда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ фермер хўжаликларининг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг ташкил этилиши ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ белгилаб берилди;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги ПҚ-725-сонли Қарорига мувофиқ ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат бюджети ҳисобидан молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратилди;

– барча қишлоқ хўжалиги ер майдонлари тўлиқ инвентаризация қилиниб, фермер хўжаликларининг фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонлари оптималлаштирилди.

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 92,6 мингта фермер хўжалиги, 5 млн.та деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ва 27,6 мингта қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда[99].

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2019 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25,5 фоизини етиштириб берди (13.4-жадвал).

13.4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги тармоғининг тутган ўрни

Кўрсаткичлар	2010	2012	2014	2015	2017	2018	2019
Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм	61831,2	96589,8	144867,9	171369,0	249136,4	407514,5	511838,1
Шу жумладан: қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, млрд. сўм	15810,7	24370,3	36957,0	42280,4	69504,2	117315,8	130599,9
Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши, фоизда	17,5	17,5	17,2	24,7	27,9	28,8	25,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

[99] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Жадвалдан кўринадики, Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ўсиб бормоқда. Ўтган 2010-2019 йиллар оралиғида жорий нархларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати ўсиб бориш динамикасига эга бўлиб, 2010 йилдаги 151810,7 млрд. сўмдан 2019 йилда 130599,9 млрд. сўмга етган.

Мамлакатимизда барча ҳайдаладиган ерларнинг 3/4 қисмидан кўпроғи (4,2 млн.га) суғориладиган ерлар бўлиб, унинг ярмидан кўпроғи яхши мелиоратив ҳолатдадир, қолган ерларнинг эса мелиоратив ҳолати талабга жавоб бермайдиган бўлиб, уларни қайта кўриб чиқиш, коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилишни олиб боришни талаб қилади. Ҳозирги вақтда суғориб келинган ҳар гектар ернинг мелиоратив ҳолатини қайта кўриб чиқиш учун 1990 йилги даражадан 14-15 баравар кўп харажат талаб қилинади. Бундан хулоса шуки, бирорта ҳам фермер ирригация ва мелиорация ишларини ўзи мустақил амалга ошира олмайди. Фақат давлатгина мелиорация тармоқларини реконструкциялашга, қуришга ва ирригация тадбирларини амалга оширишга қодирдир.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, давлат буюртмасига биноан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий соғломлаштириш асосида ички ва ташқи бозорнинг эҳтиёжлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, пахта-ғалла, мева-сабзавотчилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда энг илғор агротехник тадбирларни қўллаш ҳамда чорвачилик, паррандачилик, асаларичиликни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жараёнида қўлланилган муҳим йўналишлардан бири – бу шахсий томорқаларни кенгайтириш, янги суғориладиган ерларни шахсий хўжаликлар ва боғ-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йўли билан аҳолини ер ва иш билан таъминлашдан иборатдир. Шу кўрилган чора-тадбирлар ҳисобига, биринчидан, қишлоқ жойларда ишсизликнинг кучайиб бориш хавфини барҳам топтиришга, иккинчидан, аҳолининг реал даромадларини оширишга, учинчидан, аҳолини ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинликка барҳам беришга ва тўртинчидан, якка тартибда уй-жой қурилиш кўламини анча кенгайтиришга муваффақ бўлинмоқда.

Республикада ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларидаёқ, фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатишди. Шу сабабли, республикамизда қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш аграр ислоҳотларнинг таркибий қисми ҳисобланиб, бу жараён зарар кўриб ишлаш натижасида оғир аҳволга тушиб қолган давлат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш, мавжуд давлат ва жамоа хўжаликлари таркибида улар ресурслари ҳисобидан фермер хўжаликлари ташкил этиш ҳамда деҳқонларнинг мол-мулклари негизида деҳқон хўжаликларини таркиб топтириш йўли билан амалга оширилди. Фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва улар фаолиятини тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунларга ҳамда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бошқа ҳуқуқий битимларга ва ҳукумат қарорларига асосланади.

Ҳозирги даврда аграр ислоҳотни тубдан ҳал этишни тақозо қилаётган ғоят муҳим йўналиш – қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча ишчи кучини бўшатиб олиш ва уларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига (саноат, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларига) жалб этишдан иборатдир. Бунда қишлоқ

жойларда фаолият шаклини тез ўзгартира олувчи, замонавий технологияга эга бўлган, қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлайдиган, касаначилик ва халқ ҳунармандчилигига асосланган кичик корхоналарни очиш устувор вазифа ҳисобланади.

Қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш – аграр соҳадаги ислоҳотларнинг ҳозирги кундаги устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари долзарб бўлиб бормоқда.

Ана шу долзарб масалаларни ҳал қилиш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларида **“Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш”** дастури белгиланди.[100] Унда:

- таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

- пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;

[100] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони. 1-илова, 3.3-банди.

- фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

- касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга чорва моллари зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

- глобал иқлим ўзгаришлари ва Ороль денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш.

Ушбу ҳаракатлар стратегиясига кўра, Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш лозим

бўлади, бунда: пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш; қисқартирилган экин майдонларига бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, жумладан, картошка — 8,1 минг гектар, сабзавот — 27,2 минг гектар, интенсив боғ — 5,9 минг гектар, токзор — 2,9 минг гектар, озуқа экинлари — 10,9 минг гектар ва мойли экинлар — 4 минг гектар.[101]

Бундан ташқари, Ўзбекистонда янги «Ўзагроэкспортбанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилади. Банк экспорт қилувчи ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт имкониятларини самарали ва барқарор ривожлантиришни таъминлаш, агросаноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Юқорида таъкидланган аграр ислоҳотларни амалга ошириш ва уни янада чуқурлаштиришнинг барча йўналишлари республиканинг хусусиятлари ва бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқади. Лекин аграр соҳада меҳнатнинг янги техника ва технологиялари ҳамда энергия билан қурольланиш даражаси ва бинобарин меҳнат унумдорлиги нисбатан пастлигича қолмоқда. Ишчи ва хизматчиларни моддий рағбатлантириш тизими ҳозирги давр талабига жавоб бермайди. Буларнинг ҳаммаси бу соҳада туб бурилиш ясовчи хўжалик юритиш тизимини яратишни тақозо этмоқда.

13.5. Кластер - самаралаи хўжалик юритиш ва агросаноат интеграциясини амалга оширишнинг янги тизими

2017-2021 йилларда Мамлакатимизни жадал ривожлантиришнинг 5 та устивор йўналишлари бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси иқтисодий тараққиётда янги босқични бошлаб берди. Бу стратегик дастур мамлакатимиз

[101] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони. 8-илова, 161 қатор.

аҳолиси учун эртанги кунга ишонч, меҳнаткашларга эса шижоат, тадбиркорларга ва инвесторларга жозибадорлик бахш этди. Улар учун кенг миқёсли ишларни олиб бориш учун яратувчилик йўлини очиб берди. Мамлакатимизда кўпгина тадбиркорлар ва чет эл инвесторлари учун кўплаб истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиб, уларни тезлик билан амалга оширишга киришиш учун имкон яратилди. Натижада минглаб, миллионлаб тадбиркорлар ҳаракатга тушди. Бу хатти-ҳаракатларнинг кучайиши иқтисодиётда таркибий ўзгаришларини амалга оширишда, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришда, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда етакчи тармоқларни айниқса, қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификация қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Аграр соҳа билан саноат интеграциясини таъминлаш уларнинг бир-бири билан чатишиб чирмашиб уйғунликда ривожланишига эришишга интилиш ва унга ҳаракат қилиш дунё мамлакатлари олимлари ва амалиётчиларини узоқ даврлардан буён қизиқтириб келаётган муаммо бўлиб, унга турли мамлакатларда турлича ёндашилиб, тадқиқ қилиб келинмоқда.

Агар биз собиқ Иттифоқни оладиган бўлсак, кластерни реал ҳаётда амалга ошириш учун агросаноат мажмуалари ташкил қилиниб, унинг таркибига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган, уларни қайта ишлайдиган, уларга ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган, хизмат кўрсатадиган ва ниҳоят тайёр товарларни сотадиган соҳаларни бирлаштириш кўзда тутилди. Уни амалга ошириш мақсадида аграр саноат мажмуаси иттифоқ, республика, ўлка ёки вилоят ҳамда туман даражасида тузилиб фаолият кўрсата бошлади. Лекин бу мажмуа туман даражасидан нарига ўтмади, бевосита корхона даражасига тушиб, айни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини қамраб ола олмади. Ҳолбуки ўша даврдаги

бевосита хўжаликлараро интеграциялашувнинг вужудга келишини тақозо этар эди.

“Кластер” тўғрисидаги назариялар эволюциясини умумлаштириб унинг икки хил тавсифини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Биринчиси, кластерга уйғунлашган корхона ва фирмалар фаолияти аниқ бир хил турдаги товарлар бозори билан боғлиқ бўлиши зарур. Бундай боғлиқлик вертикал (харид ва сотиш занжири) ва горизонтал (қўшимча бўлимлар ва хизматлар, шунга кетадиган махсус сарфлар, технологиялар ёки институтлар ва бошқа алоқалардан фойдаланиш).

Иккинчиси – кластерлар географик яқин жойлашган ўзаро боғлиқликдаги корхоналар гуруҳи бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий-ижтимоий муносабатларни барқарорлашиши натижасида рақобатбардошликнинг ривожланиши, кўпроқ қўшимча қийматни яратишига ва бозорда сотилишига имкониятлар яратишдир.

Кластер тўғрисидаги илмий ғоялар ва турли мамлакатлардаги амалий тажрибалар бир қатор ўзбек олимларини ҳам қизиқтирдилар ва уларни бу муаммо бўйича ишлашга ундади. Буларга мисол тариқасида и.ф.д. Муртазо Раҳматов, академик Бакриддин Зариповни мисол келтириш мумкин. Улар кластер йўналиши бўйича ишлаётган турли мамлакатларнинг қатор олимлари тадқиқотларини ва шу давлатларда қўлланилган тажрибаларни пухта ўрганиб аввалига бир нечта мақолалар, асарлар ва таклифлар билан чиқдилар[102].

Айниқса, улар мамлакатимиз Президентининг **“Қишлоқ хўжалигини ва унинг маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган саноатни ривожлантирмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”,** деган сўзларини эшитиб назариядан амалиётга томон ҳаракат бошладилар,

[102] Рахматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш.- Т.: Замин нашр, 2018 й. 18-б.

амалий ишга киришдилар ва аниқ ишланган лойиҳа билан чиқдилар.

Биз кластер тўғрисидаги назариялар ва амалий тажрибаларни умумлаштириб, унга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин. **Кластер - бу ягона технологик занжирга бирлаштирилган аграр, саноат ва бошқа издош корхоналар мажмуи бўлиб, у илм-фан, таълим ҳамда аграр саноат соҳаларида ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, фан-техника янгиликларини, инновацион ғояларни, янги техника ва технологияларни амалиётга жадал жорий этиб, меҳнат унумдорлигини, қўшимча маҳсулот яратишни ошириш имконини берувчи хўжалик тизимидир.** Агар кластер пахтачиликда ташкил этилса, бу хўжаликда пахта хомашёси ўзлари тамонидан етиштирилиб, қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, бозорбоп ёки экспортбоп тайёр маҳсулотга айланиши кўзда тутилади. Бу йўналишда кластер хўжалиги турли олимлар ва иқтисодчилар, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат ходимлари салоҳияти, илғор тажрибасини ягона мақсад йўлида бирлаштиришни тақозо қилади.

Шу боис янги лойиҳани ишлаб чиқишда ўзбекистонлик олимлар, илмий-тадқиқот марказлари ходимлари, мутахассислар ва тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, кластер лойиҳаси тасдиқланди. Шу ернинг ўзида илмий-техник кенгаш, илмий марказ ва кадрлар тайёрлаш бўйича кенгаш тузиш белгилаб олинди. Ҳурматли ўқувчиларимизга тушунарли бўлиши учун тузилган лойиҳанинг мазмунини беришга ҳаракат қиламиз.



16-расм. Пахта тўқимачилик кластери фаолияти (чиқиндисиз ишлаш) тизими.[103]

Бу лойиҳага кўра, мазкур кластер тизимида жами саккизта компания фаолияти йўлга қўйилади. Пахта экиш агрокомплекси, пахтани қайта ишлаш ва тозалаш заводи, бешта фабрикани ўз ичига олган тўқимачилик мажмуаси, ёғ-мой заводи, 12 минг бош қорамол парваришлашга мўлжалланган чорвачилик фермаси, биогаз ишлаб чиқариш заводи, тежамкор технологияларга асосланган 20 гектарлик иссиқхона, 25 турдан ортиқ сут ва гўшт маҳсулотлари тайёрланадиган корхона шулар жумласидандир. Матони бўяшда ишлатиладиган қимматбаҳо табиий бўёқ олинадиган индиго-ферум ўсимлиги ҳам айнан шу кластер хўжалиги ҳудудида экилаяпти.

[103] Раҳматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. – Т.: Замин нашр, 2018 й. 19-бет.

Кластернинг инновацион тўқимачилик корхоналари учун саноатбоп хомашё томчилатиб суғориладиган экин майдонларида етиштирилади. Ёғ-мой заводида чигитни қайта ишлаш ҳисобига олинган ёғ истеъмолчиларга жўнатилса, кунжара ҳамда шулха шу ердаги ферма эҳтиёжларини таъминлашда қўл келади. Ўз навбатида, чорвачилик мажмуаси ва ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган органик чиқиндилар келгусида бунёд этиладиган 20 гектарли иссиқхонани иситиш манбаи бўлган биогаз ҳамда қимматбаҳо ўғит — биогумус ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Бухоро вилоятига 2017 йил 10-11 март кунлари қилган ташрифида кластер тизими ҳақидаги ғояни илгари сурган эдилар ва 2018 йил 16-17 февралдаги ташрифлари чоғида янги бошланган “Пахта ва тўқимачилик кластери” лойиҳаси билан яқиндан танишиб унга алоҳида эътибор билан қарадилар. “Кластер усулига биз Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қарамоқдамиз” деб таъкидладилар. Бу воқеа бутун Республика аҳолиси, пахтакорлари учун айниқса тадбиркорлар учун муҳим воқеа бўлиб, одамларнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлади, эзгу саъй-ҳаракатларга шижоат бағишлади.

Бу лойиғадаги кластер хўжалиги 2018 йил ҳосилидан тайёрланган маҳсулотлар экспортини 45 миллион, 2020 йилда 100 миллион, 2021 йилда 150 миллион АҚШ долларигача етказишни асосий мақсад қилиб қўйганлар. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари талабалари амалиёт ўташлари учун шароит яратиш, келгусида уларни ишга қабул қилишга келишилган.

Илмий ва амалий ғоядан бошланувчи илмий-тадқиқот, фан, таълим, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришнинг фаол ҳамкорлиги маҳсули бўлган бу хўжалик тизими,

янгиланишларга асосланган ҳолда тўкин ва фаровон ҳаёт, ижтимоий ва иқтисодий юксалишни таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Айрим кузатув ва ўрганишлар кўрсатадики, жаҳондаги йирик инновацион марказларнинг шаклланиши ва ривожи ўзига хос бўлиб, ҳар бири бетакрор тарихга эга. Уларнинг фаолияти иш юритишга ёндашуви, ходимларнинг билим даражаси, ишлаб чиқариш ҳолати, давлат сиёсати, фан ва таълим муассасалари салоҳияти, ишчи кучи омили каби қатор омиллар билан чамбарчас боғлиқдир.

Тобора жадаллашиб, шаффофлашиб бораётган ҳозирги даврда "кластер хўжалиги" инновацияларни янада кенгроқ ўзлаштиришга интилмоқда. Бунинг учун ҳар хил, жумладан, давлат тадқиқот ташкилотлари, илмий муассасалар, мижозлар ва таъминотчилар билан ҳам ишламоқда. Инновацион соҳада ҳамкорлик бу инновацион жараёнларни кучайтирувчи, уйғунлашган, фаол инновацион муҳитни шакллантирувчи, стратегик шериклар ва таъминотчилар ўзаро тажриба алмашинувини ҳамда юксалиши ва янгиланишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги "Бухоро вилоятида замонавий пахта – тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2978 сонли қарори ва унда юклатилган вазифаларга жавобан Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминловчи, аҳоли турли қатламларининг бандлигини, реал даромадларини изчил оширувчи, миллий бойлигимиз пахтани экишдан бошлаб ҳосил етиштириш, уни чуқур қайта ишлаб унинг барча технологик босқичларидан ўтиб, тайёр маҳсулот етиштиришгача бўлган тизим яратиш кўзда тутилди. Бу лойиҳа ишлаб чиқилиб, тўқимачилик ва енгил саноатни янада ривожлантирувчи, турли фан, таълим соҳалари олимлари, ишлаб чиқариш мутахассислари, иқтисодчилар ҳаётий тажриба, малака, билимларига эга бўлган кишилар кишилар билан маслаҳатлашилди ва у

қалдирғоч лойиҳа тўғрисида фикр алмашилди. “Пахта - тўқимачилик кластери” “Bukhara Cotton Textile” Ўзбекистон-Британия ҚК, “ParaglideLTD” ҚК ва “Petromaruz” (Россия) компаниясининг 123,1 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги хорижий сармояларни киритиш билан шакллантирилмоқда. Лойиҳанинг Бош мувофиқлаштирувчиси (Буюк Британия) ва маҳаллий ҳокимият томонидан бошқарилувчи ушбу кластерга киритилаётган сармоя асосан мавжуд йигириш, тўқув ва тикув-трикотаж қувватларини жойида йириклаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилади. Бу мажмуа ички ва ташқи бозорга йилига 1,5 миллион дона тайёр маҳсулот, 2,5 минг тонна калава ип, қарийб 4 миллион погоно метр тўқима етказиб бериш имкони яратилган.

Ҳозирги пайтда бу лойиҳа тўла равишда қурилиб битказилган ва ишга туширилган. Муҳими шундаки, бу ташаббус бошқалар томонидан қўллаб-қувватламоқда, турли вилоятларда турли йўналишдаги кластер хўжаликлари ташкил этилмоқда.

Хулосалар

1. Қишлоқ хўжалиги инсон ҳаётида ва иқтисодиётнинг тараққий этишида муҳим роль ўйрайди.
2. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, бу ерда ишлаб чиқариш жараёни бевосита тирик мавжудотлар – ер, ўсимлик, чорва моллари билан боғлиқ бўлади ва табиий қонунлар иқтисодий қонунлар билан боғланиб кетади. Бунда ер меҳнат қуроли ва меҳнат предмети сифатида қатнашади. Ернинг бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқи шундаки, ундан фойдаланиш жараёнида у ейилмайди, эскирмайди. Аксинча, агар ундан тўғри фойдаланилса, унинг унумдорлиги ошиб боради.
3. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам асосий капитал турли хил тракторлар, машиналар, транспорт воситалари, бино, иншоотлар, кўп йиллик дарахтлар, маҳсулдор чорва

ҳамда иш ҳайвонлари, шунингдек, хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган турли хил асбоб-ускуналардан ташкил топади.

4. Қишлоқ хўжалигида муҳим ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер пул билан баҳоланмаслиги, яъни қиймати ўлчанмаслиги туфайли, капитал қиймати таркибида ҳисобга олинмайди. Қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган асосий капиталнинг айрим турлари масалан, кўп йиллик дарахтлар, маҳсулдор чорва, иш ҳайвонлари, суғориш иншоотлари ва бошқалар саноат тармоқларида бўлмайди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланган бинолар, суғориш иншоотлари ва бошқалар ишлаб чиқариш натижасини оширишга фаол таъсир ўтказади, саноат тармоғида эса улар бирмунча сустроқ ва билвосита таъсир ўтказади.

5. Аграр муносабатларнинг асосини рента муносабатлари ташкил қилади. Рента муносабатлари ер эгаси ва уни ижарага олиб фойдаланувчи (тадбиркор) ўртасида мазкур ердан олинадиган фойдани тақсимлаш борасида содир бўладиган муносабатлардан иборат бўлади. Ер рентаси ер эгалигини иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш (реализация қилиш)нинг шаклидир.

6. Ҳозирги пайтда турли мамлакатларда вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларига қараб рента қуйидаги турларга ажратилади: абсолют ер рентаси, дифференциал (табақалашган) рента I ва дифференциал рента II, монопол рента, қазилма бойликлар, қурилишлар жойлашган ерлардан олинадиган рента.

7. Фермер хўжаликлари мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг муҳим шаклларидан бири бўлиб қолмоқда ва уларни ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда.

8. Тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалик соҳаларидаги шакли агробизнес кўринишида намоён бўлади. Агробизнес тушунчасига қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган бизнес турлари киритилади. Бу қишлоқ хўжалигига техника етказиб бериш, таъмирлаш хизматлари

кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятидир. Агробизнес фаолиятининг мақсади истеъмол бозорини етарли миқдорда сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноатни эса хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат.

9. Ҳозирги вақтда давлат аграр сиёсатининг муҳим йўналишлари қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, диверсификациялашдан иборатдир.

10. Кластер тизими аграр соҳада хўжаликни самарали юритишнинг ва агросаноат интеграциясини амалга оширишнинг янги тизимидир.

Асосий таянч тушунчалар:

Аграр муносабатлар – ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлардир.

Рента муносабатлари – ердан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган соф даромадни тақсимлаш ва ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

Дифференциал рента – ер участкаларининг унумдорлигидаги ва жойлашган жойидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Дифференциал рента I – ерларнинг табиий унумдорлиги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Дифференциал рента II – ерларнинг иқтисодий унумдорлигини ошириш натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Абсолют рента – қишлоқ хўжалигида ерга бўлган мулкчилик монополияси натижасида вужудга келиб, барча турдаги – яхши, ўртача ва ёмон ерлардан олинадиган рента.

Монопол рента – алоҳида табиий шароитга эга бўлган, ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган ерлардан олинадиган рента.

Ундирма саноатда рента – фойдали қазилма конларининг юза ёки чуқур жойлашиши ва уларнинг бойлиги жиҳатдан фарқлар натижасида вужудга келади.

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармоқларининг бирлиги.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаси – бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи соҳалар.

Ижтимоий инфратузилма – одамлар яшаш ва турмуш фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган соҳалар.

Агросаноат интеграцияси – қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёни.

Агробизнес – тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалардаги намоён бўлиш шакли.

Кластер — бир мажмуа доирасида бир жамоа бўлиб ерларни шудгорлаш, чигит экиш, пахтани парваришлаш, ҳосилини йиғиб-териб олиш, хомашёни чуқур қайта ишлаш билан боғлиқ корхоналарни бирлаштирувчи ишлаб чиқариш мажмуасидир.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Аграр муносабатларнинг мазмунини, иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини ва хусусиятларини кўрсатиб беринг.
2. «Ерга эгалик» ва «ердан фойдаланиш» тушунчаларини изоҳланг.
3. Ер рентаси назарияларининг умумий томонлари ва туб фарқларини кўрсатиб беринг.
4. Ер рентасининг асл мазмунини тушунтиринг.

5. Дифференциал (I ва II) ва абсолют рентанинг ҳосил бўлиш шарт-шароитлари, манбалари ва тақсимланишини тушунтириб беринг.

6. Монопол рента нима?

7. Қазиб олувчи ва ундирма саноатда рента қандай ҳосил бўлади?

8. «Ижара ҳақи» ва «ер рентаси» нинг фарқларини изоҳланг.

9. Агробизнеснинг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг ва унинг асосий турларига тавсиф беринг.

10. Агросаноат мажмуаси ва агросаноат интеграцияси тушунчаларининг иқтисодий мазмунига ўз фикрингизни билдиринг.

11. Фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилишининг сабаблари нималардан иборат?

III Б Ў Л И М.
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ (МАКРОИҚТИСОДИЁТ) НИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

14-боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ЎЛЧАМЛАРИ. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ВА УНИНГ ҲАРАКАТ ШАКЛЛАРИ

Олдинги бобларда биз иқтисодий жараёнлар ва уларда содир бўладиган муносабатларни умумиқтисодий ва корхоналар даражасида кўриб чиққан эдик. Мазкур бобда иқтисодий муносабатлар макроиқтисодий даражада таҳлил қилинади. Шунингдек, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари тавсифи, миллий ишлаб чиқаришнинг натижаси ҳисобланган ялпи ички маҳсулот, унинг қисмларининг иқтисодий мазмуни ва ҳаракат шакллари ёритилади. Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш тизими ҳамда унинг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари баён этилади.

14.1. Миллий иқтисодиётнинг қарор топиши ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари

Барчамизга маълумки, мустақиллик давригача Ўзбекистон иқтисодиёти собиқ Иттифоқ иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланиб, уни мустақил миллий иқтисодиёт деб бўлмас эди. Бизга бир ёқлама ривожланган пахта яккаҳокимлигига, хомашё ишлаб чиқаришга ва бой минерал хомашё ресурсларидан назоратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган, ёнилғи, ғалла ва бошқа кўпгина ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарларининг таъминланиши бўйича марказга бутунлай қарам бўлган, издан чиққан, мўрт ва ночор иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди.

Энг ёмони шундаки, Ўзбекистон иқтисодиёти, асосан, хомашё тайёрлашга йўналтирилган бирёқлама ривожланиш ҳолига тушиб қолган бўлиб, иқтисодиётга, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккаҳокимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди. Бунинг оқибатида улкан табиий, минерал-хомашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамай, республикамиз собиқ Иттифоқда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожи бўйича охирги ўринлардан бирида турар эди[104].

Мустақиллик йилларида янги энергетика, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқларининг вужудга келиши, кўплаб йирик иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикалар қурилганлиги, энергетика, ёнилғи ва ғалла мустақиллигига эришилганлиги иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, модернизациялаш, янгилаш, диверсификациялаш, изчил ўсиш суръатлари миллий мустақил иқтисодиётни шакллантириш ва мустаҳкамлаш сари ҳаракат натижаларидир.

Мамлакатимизда мустақил амал қиладиган бозор

[104] Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Биринчи Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.

иқтисодиётининг инфратузилмалари: савдо, бозор, биржа, молия, банк, кредит, солиқ, суғурта, божхона тизимлари ва бошқа қатор функционал иқтисодиёт тармоқлари барпо этилди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда эркин, замонавий бозор муносабатларига асосланган янги, мустақил ривожланаётган, ўз халқи, миллати манфаатларига хизмат қиладиган миллий иқтисодиёт шакллантирилди.

"Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда"[105].

Миллий иқтисодиёт кўплаб ўзаро боғлиқ иқтисодий унсурлардан иборат бўлган мураккаб иқтисодий тизимни намоён этади. Мазкур унсурлар ўртасидаги амалда таркиб топган муносабатларнинг бутун мажмуи иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини тавсифлаб беради.

Миллий иқтисодиёт – барча тармоқлар ва соҳаларни, микро- ва макродаражадаги иқтисодиётларни, функционал иқтисодиётни, кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига олган яхлит иқтисодиётдир. Миллий хўжаликнинг таркиб топган тузилиши ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожининг натижаси ҳисобланади.

Макродаражада қаралганда миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши қуйидагилар ўртасидаги муносабат сифатида намоён бўлади:

- мавжуд ишлаб чиқариш ресурслари;
- ресурсларнинг ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида ажралиб чиққан иқтисодий субъектлар ўртасидаги тақсимот ҳажми;
- иқтисодий субъектларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари;

[105] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, ПФ-4947-сонли Фармони.

- миллий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида шаклланувчи таркибий қисмлари.

Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилишини содда кўринишда расм орқали тасвирлаш мумкин (14.1-расм).



14.1-расм. Миллий иқтисодиётнинг соддалаштирилган таркибий тузилиши.

Миллий иқтисодиёт меъёрида фаолият қилиш ва барқарор ўсиши учун барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро боғлиқ ҳолда мутаносибли ривожланиши тақозо қилинади. Миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасининг шаклланишида қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: мавжуд бозор конъюнктураси, бозорлар сиғими ва монополлашув даражаси, мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганлик даражаси, фан-техника тараққиётининг миқёслари, тавсифи ва ривожланиш суръатлари, ишлаб чиқариш ресурсларининг сифати, ҳудудларнинг ер майдонлари ва инфратузилма объектлари билан таъминланганлиги, экология ҳолати.

Миллий иқтисодиётни барқарор ва самарали ривожлантириш ўта мураккаб жараён бўлиб, у узоқ муддатли, ҳар томонлама ўйлаб олиб борилувчи иқтисодий сиёсатга асосланади. Чунки, иқтисодий ривожланишда турли беқарорлик ҳолатлари, инқирозлар руй бериб туради. Жумладан, 2008 йилда АҚШда бошланган ва ҳамон унинг таъсири сезилиб турган жаҳон-

молиявий иқтисодий инқирози ҳам миллий иқтисодиётимизга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бундай таъсир қуйидаги ҳолатларда аниқ намоён бўлди:

биринчидан, мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотлар (қимматбаҳо ва рангли металлар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқалар)нинг жаҳон бозоридаги нархларининг кескин тушиб кетиши натижасида экспортдан олинадиган даромад ҳажмининг пасайиб кетиши;

иккинчидан, умуман дунё бозоридаги талабнинг кескин тушиб кетиши оқибатида маҳсулот сотиш ҳажмининг қисқариши;

учинчидан, жаҳондаги инвестицион фаолликнинг пасайиши натижасида узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларимизни амалга ошириш муддатларининг кечикиши ва ҳ.к.

Миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва мувозанатли ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ушбу ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг олдини олиш ва таъсир оқибатларини юмшатиш бўйича амалга оширилган тадбирлар эвазига иқтисодиётимизнинг юқори ўсиш суръатлари сақлаб қолинди[106].

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва уларнинг ўсиши бир қатор кўрсаткичлар тизими орқали, микро ва макроиқтисодий даражада аниқланиб, таҳлил қилинади. **Макроиқтисодиёт – бу мамлакат миқёсида иқтисодиётнинг ўзаро алоқада ва таъсирда ҳаракат қиладиган соҳалари, тармоқлари, ҳудудий тузилмаларини бир бутун қилиб бирлаштирган миллий хўжалик тизимидир.** Макроиқтисодиёт ўз ичига иқтисодиётнинг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини, банк, молия, суғурта, солиқ, божхона тизимларини ўз ичига олади.

Макроиқтисодиёт миллий иқтисодиёт билан биргаликда жаҳон иқтисодиётини ҳам ўз ичига олади. Бу ерда кўпроқ

[106] Қаралсин: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 14-15-б.

миллий иқтисодиёт ҳақида сўз юритиб, жаҳон хўжалиги тўғрисида кейинги бобларда алоҳида тўхталиб ўтамиз. Миллий иқтисодиётнинг асосий функционал аҳамияти мамлакат аҳолисининг доимий равишда ўсиб борувчи ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришда намоён бўлади. Миллий иқтисодиётнинг мазкур асосий муаммоси нақадар самарали ҳал этилаётгани макроиқтисодий таҳлил ёрдамида аниқланади. **Макроиқтисодий таҳлилнинг мақсади – такрор ишлаб чиқариш жараёнини объектив равишда акс эттирувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш асосида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида вужудга келган ҳолатларни очиб беришдан иборат.** Бу мақсадга эришишнинг муҳим шартлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ҳолати ва ҳаракатини объектив акс эттирувчи статистик маълумотларнинг мавжудлиги;

2) мамлакат иқтисодиётини таҳлил қилишда кенг миқёсда ва тарихий жиҳатдан ёндашув;

3) иқтисодий тизим салоҳиятини ҳаққоний равишда баҳоламасдан ҳамда иқтисодий қонунларнинг объектив амал қилишини билмасдан туриб мамлакат иқтисодиётига аралашув салбий ҳолатларни келтириб чиқаришини англаш;

4) макроиқтисодий назария муайян мамлакатларнинг иқтисодиётини объектив равишда тадқиқ этиш асосида яратилишини ҳамда ундан бошқа мамлакатлар амалиётида ўта эҳтиёткорлик билан фойдаланиш мумкинлигини тушуниш;

5) ишлаб чиқаришни аҳоли даромадлари ва истеъмоли даражасини ўстиришга йўналтириш;

6) аҳоли даромадлари, сиёсий ва ижтимоий барқарорлик ўсишининг ягона манбаи бўлиб мамлакатдаги барча ишчи кучларини иш жойлари ҳамда улар даромадларининг ошиши билан таъминловчи миллий ишлаб чиқаришнинг барқарор ва самарали ўсиши эканлигини тушуниш.

Кўпгина микроиқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида

корхоналар фаолиятига баҳо берилиб, улар фаолиятининг ривожланиш тамойиллари аниқланса, макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали бутун иқтисодиётнинг ҳолати, унинг ўсиши ёки пасайиши таҳлил қилиниб, хулоса чиқарилади. Улар ёрдамида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилайди. Бу тизимга кирувчи турли хил кўрсаткичлар, **биринчидан,** бизга маълум вақт оралиғидаги ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш ва миллий иқтисодиётнинг фаолият юритишига бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради. **Иккинчидан,** макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими, миллий маҳсулот ва унинг таркибий қисмлари ҳаракатининг барча босқичларида, яъни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол босқичларида кўргазмали шаклда акс эттириш имконини беради. Ниҳоят, **учинчидан,** мазкур кўрсаткичлар тизими мавжуд ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш даражасини, иқтисодиётнинг турли соҳалари, тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатлик ҳолатини акс эттиради.

Бутун миллий иқтисодиётнинг ҳолатини тавсифловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар – ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), соф миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад (МД), аҳоли даромадлари (АД), ишчи кучи бандлиги, ишсизлик, инфляция ва бошқа шу кабилар ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барча хўжаликлар иқтисодий фаолиятининг умумий ва пировард натижаларини қамраб олади.

14.2. Миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркибий қисмлари ва ҳаракат шакллари

Жамият аъзоларининг эҳтиёжлари мунтазам равишда таркибий жиҳатдан ўзгариб, янгиланиб, миқдоран кўпайиб ва сифат жиҳатидан такомиллашиб борар экан, бу эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари ҳам тўхтовсиз янгиланиб, ва такроран амалга ошиб туради. **Жамият миқёсидаги ишлаб чиқариш**

жараёнларининг мунтазам равишда янгиланиб ва такрорланиб туриши ижтимоий такрор ишлаб чиқариш дейилади.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш икки кўринишда амалга оширилиши мумкин: оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш.

Оддий такрор ишлаб чиқариш деб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг ҳажм ва сифат жиҳатдан ўзгармаган ҳолда такрорланишига айтилади. Одатда бундай ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўпроқ ўз ички эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган натурал хўжалик ва оддий товар хўжалиги даври учун хос бўлган.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш деб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқёсларининг мунтазам равишда ошиб борган ҳолдаги такрорланишига айтилади. Бу турдаги такрор ишлаб чиқариш ҳозирги даврдаги барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хосдир.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш натижасида мамлакат миқёсида миллий маҳсулот яратилади. **Миллий маҳсулот – мамлакат иқтисодиётида яратилган маҳсулот ва хизматлар умумий ҳажмидир.** У барча моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматларни ўз ичига олиб, ҳозирги бизнинг мамлакатимиз қўллаётган миллий ҳисоблар тизимида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) деб юритилади. Миллий маҳсулот кўрсаткичи олдинги даврларда, масалан олдинги собиқ Иттифоқ иқтисодиётида жами ижтимоий маҳсулот (ЖИМ) деб, бошқа кўпгина мамлакатларда эса ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) деб юритилар эди. **Ялпи миллий маҳсулот – бу ўз мамлакати ёки хорижда жойлашган миллий корхоналар томонидан яратилган маҳсулот ва хизматлар умумий ҳажмининг жами қийматидир.** Шу ўринда таъкидлаш лозимки, миллий иқтисодиёт ривожланиш даражасини аниқроқ ифодалаш ва таққослаш учун ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи қулайроқдир. Шунинг

учун ҳозирги даврда деярли барча мамлакатларда, жумладан мамлакатимизда ҳам бу кўрсаткичдан фойдаланилади. **Ялпи ички маҳсулот – маълум вақт давомида, масалан, бир йилда шу мамлакат ҳудудидаги барча корхоналарда яратилган шу мамлакат тараққиёти ва аҳолиси фаровонлиги йўлида фойдаланадиган, бевосита истеъмолчиларга бориб етадиган тайёр маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар йиғиндисидан иборатдир.**

Ялпи ички маҳсулот умумлаштирувчи иқтисодий кўрсаткич бўлиб, у фақат мазкур мамлакат ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланган ҳолда мамлакат ичида яратилган товар ва хизматлар жами ҳажмининг ифодасини намоён этади. У барча ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган маҳсулотлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Ялпи ички маҳсулот худди ялпи миллий маҳсулот каби ҳисобланади, бироқ ЯИМ кўрсаткичига мазкур мамлакатнинг чет эллардаги ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиб олиб борилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмлари киритилмайди, лекин шу мамлакат ичидаги хорижий мамлакат корхоналари маҳсулоти киритилади. Шунинг учун ЯММ билан ЯИМ миқдор жиҳатдан жуда кам фарқ қилади.

ЯММ ва ЯИМнинг ўзаро фарқини қуйидаги расм орқали яққолроқ ифодалаш мумкин (14.2-расм).



14.2-расм. ЯММ ва ЯИМ ўртасидаги таркибий нисбатлар.

Демак, расмдан кўринадики, мамлакат ЯММ 100 трлн. сўмни (М2 ва М3 шартли рақамлар йиғиндиси), ЯИМ эса 104 трлн. сўмни (М2 ва М1 шартли рақамлар йиғиндиси) ташкил этади.

ЯММ ва ЯИМ ўртасидаги у қадар аҳамиятли бўлмаган фарқ ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг тахминан ±1% ини ташкил этади. БМТ статистика хизмати асосий кўрсаткич сифатида ЯИМдан фойдаланишни тавсия этади. Яқин вақтларга қадар АҚШ ва Японияда ЯММ кўрсаткичи қўлланилар эди, эндиликда бу мамлакатлар ҳам ЯИМ кўрсаткичини қўллай бошладилар.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳисобга олинмоқда. Шунинг учун биз бундан кейинги ўринларда ялпи ички маҳсулот тўғрисида сўз юритамиз.

Мамлакатимизда оқилона иқтисодий сиёсат юргизилиб, тараққиётнинг ўзбек моделида белгиланган стратегик тамойилларни изчил амалга ошириш натижасида макроиқтисодий барқарорлик сақланиб келинмоқда. Жумладан, ЯИМнинг ўсиш даражасига қарайдиган бўлсак, 2019 йилда бу кўрсаткич 5,6 фоизни ташкил этди.

Олиб борилган таркибий ўзгаришлар натижасида саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 20,2 фоиз ўрнига 2019 йилда 36,4 фоизни, хизматлар кўрсатиш соҳасининг улуши 37,2 фоиз ўрнига 35,5 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида эса 2000 йилдаги 30,1 фоиздан 2019 йилда 28,1 фоизга ўзгарди (14.1-жадвал).

14.1-жадвал

Ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркиби, фоизда.[107]

Кўрсаткичлар	2000	2010	2012	2014	2016	2017	2018	2019
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати		90,8	91,3	91,4	88,8	88,5	88,8	90,9
- Саноат	20,2	33,3	32,4	32,6	33,0	27,9	32,6	36,4
- Қишлоқ хўжалиги	30,1	19,8	19,2	18,9	18,1	34,0	31,5	28,1
- Хизматлар соҳаси	37,2	46,9	48,4	48,5	48,9	38,1	35,9	35,5
Соф солиқлар	12,5	9,2	8,3	8,6	11,2	11,5	11,2	9,1

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

[107] www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг сайти; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. // Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг нашри, 2019 йил январь-декабрь. Тошкент – 2020.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш”[108] вазифаси белгиланиб, уни амалга ошириш жараёни жадаллик билан олиб борилмоқда.

Ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишини таъминлашда уни тўғри ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эга. Унинг ҳажмини тўғри ҳисоблаб чиқиш учун эса мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ва хизматлар бир марта ҳисобга олиниши такрор ҳисобларга йўл қўйилмаслиги зарур. ЯИМ ҳажмини топишда сотилган ва қайта сотилган маҳсулотларни кўп марта такрор ҳисобга олишларни бартараф қилиш учун, ҳозирги даврда иқтисодиётнинг барча корхона ва тармоқларидаги қўшилган қийматлар йиғиндиси ҳисобга олинади.

Қўшилган қиймат – бу корхоналар ялпи маҳсулотидан (амортизация ажратмасидан ташқари) жорий моддий харажатлар чиқариб ташлангандан қолган қисмидир.

ЯИМ йил давомида ишлаб чиқарилган барча пировард товарлар ва хизматларнинг ҳажми агар бозор нархида ҳисобланса, унинг суммаси товарнинг ўзи ёки унинг нафлилиги кўпаймаган ҳолда нархлар ошиши эвазига ҳажми ошиб кетишини кўрсатади. Бу ёлғон тасаввур алдамчи кўрсаткичга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ялпи ички маҳсулотга баҳо беришда номинал ва реал маҳсулот алоҳида ҳисобга олинади. **Жорий бозор нархларида ҳисобланган маҳсулот номинал ички маҳсулот, ўзгармас, қиёсий нархларда ҳисобланган ички маҳсулот эса реал ялпи ички маҳсулот деб юритилади.** Ҳар хил йилларда ишлаб чиқарилган ЯИМ қийматини фақат нарх ўзгармаган тақдирда ўзаро таққослаш мумкин бўлади. Бундан ташқари нарх даражаси бизга иқтисодиётда инфляция (нарх даражасининг ўсиши) ёки дефляция (нарх даражасининг пасайиши) ўрин тутганлигини ва унинг миқёси қандайлигини билиш имконини беради.

[108] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова 3.1-банд.

Нарх даражаси индекс шаклида ифодаланади. **Нарх индекси жорий йилдаги маълум гуруҳ товарлар ва хизматлар тўплами нархлари суммасини худди шундай товарлар ва хизматлар миқдорининг базис даврдаги нархлари суммасига таққослаш орқали ҳисобланади.** Таққослашнинг бошланғич даври «базис йил» дейилади. Агар бу айтилганларни формула шаклига келтирсак, у қуйидаги кўринишни олади:

$$Нарх\ индекси = \frac{жорий\ йилдаги\ истеъмол\ товарлари\ нархи}{базис\ йилдаги\ истеъмол\ товарлари\ нархи}$$

Амалиётда бир қатор турли хил товар ва хизматлар тўплами ёки истеъмол саватининг нарх индексидан фойдаланилади. Ғарб мамлакатлари ва хусусан АҚШда бу индекслар ичида энг кенг қўлланиладигани истеъмол нархлари индекси ҳисобланади. Унинг ёрдамида типик шаҳар аҳолиси оладиган, истеъмол товар ва хизматларининг 300 турини ўз ичига олувчи бозор саватининг қайд қилинган нархлари ҳисобланади. Аммо нархнинг умумий даражасини ҳисоблаш учун ЯИМ нарх индексидан фойдаланилади. ЯИМ нарх индекси анча кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига нафақат истеъмол товарлари, балки инвестицион товарлар, давлат томонидан сотиб олинадиган ҳамда халқаро бозорда сотилган ва сотиб олинган товарлар ва хизматлар нархларини ҳам олади. ЯИМ нарх индекси номинал ЯИМни реал ЯИМга айлантириб ҳисоблаш имкониятини беради. Номинал ЯИМ шу маҳсулот ишлаб чиқарилган даврда амал қилиб турган нархларда ифодаланган ишлаб чиқариш ҳажмини билдиради.

Жорий йилдаги номинал ЯИМни реал ЯИМга айлантиришнинг анча оддий ва тўғридан-тўғри усули номинал ЯИМни нарх индекси (НИ)га бўлишдир, яъни:

$$Реал\ ЯИМ = \frac{Номинал\ ЯИМ}{НИ}.$$

Иқтисодиётда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг кўрсаткичи ЯИМ билан бирга, унинг таркибий қисмлари сифатида ҳисобланиш мумкин бўлган бир қатор ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар мавжуд бўладики, улар миллий иқтисодиётнинг турли томонларини тавсифлаб беради.

ЯИМ ишлаб чиқариш ялпи ҳажмининг кўрсаткичи сифатида битта муҳим камчиликка эга. Улар мазкур йилда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган асосий капиталнинг ўрнини қоплаш учун зарур бўлган қийматнинг амортизация суммасини ҳам ўз ичига олади.

Мамлакатиқтисодиётинингқанчаликривожланганлиги ва самарали эканлигини аниқ билиш учун айнан шу йилда жонли меҳнатнинг унумли ҳаракати натижасида вужудга келтирилган соф ички маҳсулот (СИМ) кўрсаткичидан фойдаланилади.

ЯИМдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган (ейилган) асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айириб ташланса соф ички маҳсулот (СИМ) кўрсаткичи ҳосил бўлади:

ЯИМ – амортизация йиллик суммаси = СИМ .

Соф ички маҳсулот сотилгандан кейин унинг пулдаги ифодаси миллий даромадни ташкил этади. Лекин СИМ қийматига давлат томонидан ўрнатиладиган эгри солиқлар суммаси киради. Эгри солиқлар корхона томонидан ўрнатиладиган нархга қўшимча ҳисобланади. Бундай солиқлар оғирлиги истеъмолчи зиммасига тушиб, натижада улар даромадининг бир қисмини қамраб олади. Шунинг учун ҳозирги даврда қўлланилаётган миллий ҳисоблар тизимида **СИМдан эгри солиқлар чегириб ташланиб, миллий даромад (МД) кўрсаткичи аниқланади:**

СИМ – бизнесга эгри солик = миллий даромад

Шундай қилиб, ҳозирги ҳисоблар тизимида СИМ миқдори билан МД миқдори бир-биридан фарқ қилиб қолган. Аслида

ҳудудлар ва тармоқлар бўйича фарқ қилсада, мамлакат миқёсида уларнинг миқдори фарқ қилмаслиги лозим. Чунки миллий даромад соф ички маҳсулотнинг сотилгандан кейинги пулдаги кўринишидир. Шунинг учун баъзи адабиётларда миллий даромадни соф маҳсулотнинг ўзгарган шакли деб ҳам юритилади. Бу ҳолат миллий ҳисоблар тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Амалиётда ишлаб чиқарилган ва фойдаланилган миллий даромад фарқланади. **Ишлаб чиқарилган миллий даромад – бу янгидан яратилган маҳсулотнинг бутун ҳажми. Фойдаланилган миллий даромад – бу ишлаб чиқарилган миллий даромаддан ҳар хил йўқотишлар (табиий офатлар, маҳсулотларни захирада сақлашдаги йўқотишлар ва ҳ.к.) ва ташқи савдо қолдиғи чиқариб ташланган миқдорга тенг.** Миллий даромадни барча турдаги даромадларни (амортизация ажратмаси ва бизнесга эгри солиқлардан ташқари) қўшиб чиқиш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Миллий даромаднинг бир қисми, жумладан ижтимоий суғуртага ажратмалар, корхона фойдасидан тўланувчи солиқлар ва корхонанинг тақсимланмайдиган фойдаси амалда уй хўжаликлари ихтиёрига келиб тушмайди. Иккинчи томондан эса, уй хўжаликлари оладиган даромаднинг бир қисми, масалан, ижтимоий тўловлар – улар меҳнатининг натижаси ҳисобланмайди.

Шахсий даромад кўрсаткичини топиш учун миллий даромаддан уй хўжаликлари қўлига келиб тушмайдиган даромадларнинг юқоридаги учта турини чиқариб ташлашимиз ҳамда жорий меҳнат фаолиятининг натижаси ҳисобланмаган даромадларни унга қўшишимиз зарур:

Миллий даромад – Ижтимоий сугурта ажратмаси – Корхона фойдасига соликлар – Корхонанинг таксимланмайдиган фойдаси + Ижтимоий туловлар = Шахсий даромад

Шахсий даромаддан солиқлар тўлангандан кейин уй хўжаликларининг тўлиқ тасарруфида қоладиган даромад шаклланади.

Солиқлар тўлангандан кейинги даромад шахсий даромаддан шу даромад ҳисобидан тўланадиган солиқлар миқдорини чиқариб ташлаш йўли билан ҳисобланади. Солиқлар тўлангандан кейинги даромад уй хўжаликлари энг охирида эга бўладиган даромад ҳисобланиб, алоҳида шахс ва оилалар ўз тасарруфида бу даромадларнинг бир қисмини истеъмол учун сарфлайдилар ва бошқа қисмини жамғармага йўналтирадилар.

Миллий маҳсулот ҳажмининг аниқ баҳоланишига хуфёна иқтисодиёт таъсир кўрсатади. **Хуфёна иқтисодиёт – бу товар-моддий бойликлар ва хизматларнинг жамият томонидан назорат қилинмайдиган ҳаракати, яъни давлат бошқарув органларидан яширин ҳолда алоҳида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида амалга оширилувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир.** Бу муносабатлар ўз ичига иқтисодий фаолиятнинг барча ҳисобга олинмаган, тартибга солинмаган турларини олади. Хуфёна иқтисодиёт таркибига қўйидагилар киради:

1) жиноятга алоқадор иқтисодиёт – расмий иқтисодиёт таркибига иқтисодий жиноятнинг киритилиши (бойликларнинг талон-тарож қилиниши; назоратнинг ҳар қандай шаклидан яширинган ҳолдаги хуфёна иқтисодий фаолият – наркобизнес, қимор ўйинлари, фоҳишабозлик; даромадларни ноиқтисодий қайта тақсимлаш шакли сифатидаги фуқароларнинг шахсий мулкига қарши умумжиноий ҳаракатлар – босқинчилик, шахсий мулкни зўрлик билан тортиб олиш, ўғирлаш, рэкет);

2) сохта иқтисодиёт – ҳисобга олиш ва ҳисоботларнинг амалдаги тизимига сохта натижаларни ҳақиқий натижа сифатида киритувчи расмий иқтисодиёт (қўшиб ёзишлар);

3) норасмий иқтисодиёт – товар ва хизматларнинг айрибошлаш ва тақсимлаш бўйича иқтисодий субъектлар ўртасидаги норасмий ўзаро алоқалар тизими бўлиб, у мазкур субъектлар ўртасидаги шахсий муносабатлар ва бевосита алоқаларга асосланади;

4) яширин иккаламчи иқтисодиёт – якка тартибдаги ва кооператив фаолиятнинг назоратдан яширинган, яъни қонун томонидан тақиқланган ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган тури.

14.3. Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш усуллари

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни ҳисоблашда миллий ҳисоблар тизимидан фойдаланилади. **Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) – бу барча асосий иқтисодий жараёнларни, такрор ишлаб чиқариш шароитлари, жараёнлари ва натижаларини тавсифловчи ўзаро боғлиқ макроиқтисодий кўрсаткичлар, таснифлар ва гуруҳлар тизими.**

МҲТ БМТ томонидан эълон қилинган «Миллий ҳисоблар ва ёрдамчи жадваллар тизими» номли ҳужжат халқаро статистикада стандарт тизим сифатида 1953 йилдан бошлаб қўлланила бошлади. Шу даврдан (1953 йилдан) буён то бугунги кунгача МҲТ тўрт марта ўзгартирилиб, такомиллаштирилди. Лекин у ҳали ҳам такомиллаштиришга муҳтож. Ҳозирги даврда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда мазкур тизимнинг такомиллаштирилган шакли қўлланилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, яъни 1993 йилдан бошлаб МҲТдан фойдалана бошлади. Қ.Мамбетжановнинг фикрича, ҳозирги кунгача миллий ҳисоблар тизимининг ривожланиши еттита босқични босиб ўтган бўлсада ҳали бу ҳисоблар тизимининг заиф ва бўш жойлари анчагина бор. Масалан, унда такрор ишлаб чиқаришни ўз маромида олиб боришни таъминлаш нуқтаи назаридан қараганда ЯИМнинг муҳим таркибий қисмларини, жумладан, амортизация ажратмалари СИМ, миллий даромад, зарурий ва қўшимча маҳсулот каби кўрсаткичларни мамлакат миқёсида, тармоқлар ва ҳудудлар кесимида ҳисоблашнинг

усуллари ишлаб чиқилмаган ва уларни ҳозиргача аниқ ҳисобга олишнинг имкони бўлмаяпти.

Ҳозирги вақтда миллий ҳисоблар тизими асосида ЯИМ уч хил усул билан ҳисобланиши мумкин:

Биринчи усул – бу ЯИМни ҳисоблашга қўшилган қийматлар бўйича ёндашув. Бунда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича яратилган қўшилган қийматлар йиғиндиси ҳисоблаб чиқилади. Қўшилган қийматни аниқлаш жами ижтимоий маҳсулотдан оралиқ маҳсулотлар ва хомашё, ёқилғи, материаллар қийматини чегириш орқали амалга оширилади. Биз ЯИМни ҳисоблашнинг мазкур усулига тегишли баъзи тушунчалар (масалан, такрорий ҳисоб, оралиқ маҳсулот) ва шартли мисолларни дарсликнинг 2-бобида кўриб чиққан эдик. Бу усул билан ҳисобланган ЯИМ алоҳида тармоқларнинг шу маҳсулотни яратишдаги ўрнини ва ҳиссасини аниқлаш имконини беради.

Иккинчи усул – бу ЯИМни ҳисоблашга сарф-харажатлар бўйича ёндашув.

Бунда мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот (хизмат)лар ҳажмини сотиб олишга қилинган ҳамма сарфлар қўшиб чиқилади. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулотларни мамлакат ичида хўжаликнинг учта субъекти – уй хўжаликлари, давлат, тадбиркорлар ҳамда ташқаридан чет эллик истеъмолчилар сотиб олиши мумкин.

Уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари - бу кундалик эҳтиёждаги товарларга, хизматларга, узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмларига ва бошқаларга қилинадиган сарфлардир.

Инвестицион сарфлар – тадбиркорлик секторининг асосий ва айланма капитал товарларини (инвестицион товарлар) сотиб олишга қиладиган сарфларидир. Инвестицион сарфлар асосан учта қисмдан иборат: а) тадбиркорлар томонидан машина, ускуна ва станокларнинг барча хариди; б) барча қурилишлар; в) захираларнинг ўзгариши. Биринчи гуруҳ элементларнинг «инвестицион

сарфлар» таркибига киритилиш сабаби аниқ: қурилишларнинг бундай сарфлар таркибига киритилиши, ўз-ўзидан аниққи, янги фабрика, омбор ёки элеватор қурилиши инвестициялар шакли ҳисобланади. ЯИМ таркибига товар захираларнинг кўпайиши, яъни ишлаб чиқарилган, лекин мазкур йилда сотилмаган барча маҳсулотлар киритилади. Бошқача айтганда ЯИМ ўз ичига йил давомидаги захиралар ва эҳтиётлар барча ўсишининг бозор қийматини олади. Захираларнинг бу ўсиши ЯИМга жорий ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи сифатида қўшилади.

Захиралар камайганда, бу камайиш ЯИМ ҳажмидан чиқарилиши зарур. Захираларнинг камайиши йил давомида миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилгандан кўпроқ маҳсулот сотилганлигини билдиради. Бошқача айтганда жамият мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотни ва бунга қўшимча олдинги йиллардан қолган захираларнинг бир қисмини истеъмол қилган бўлади.

Миллий ҳисоблар тизимида ЯИМни ҳисоблашда ялпи, хусусий ва ички инвестициялар тушунчасидан фойдаланилади. **Хусусий ва ички инвестициялар** мос равишда хусусий ва миллий компаниялар амалга оширадиган инвестицион сарфларни билдиради. **Ялпи инвестициялар** ўз ичига жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган машина, ускуна ва қурилмаларнинг ўрнини қоплаш учун мўлжалланган барча инвестицион товарлар ишлаб чиқаришни, ҳамда иқтисодиётда капитал қўйилмалар ҳажмига ҳар қандай соф қўшимчаларни олади. Ялпи инвестициялар моҳиятига кўра истеъмол қилинган асосий капитални қоплаш суммаси ва инвестицияларнинг ўсган қисмидан иборат бўлади. Бошқа томондан **соф хусусий ички инвестициялар** тушунчаси жорий йил давомида қўшилган инвестицион товарлар суммасини тавсифлаш учун ишлатилади.

Давлат сарфлари – бу маҳсулотлар ва иқтисодий ресурсларни, хусусан ишчи кучини сотиб олишга давлатнинг (бошқарувнинг қуйи ва маҳаллий органлари

билан бирга) қилган барча сарфларини ўз ичига олади.

Чет элликларнинг миллий иқтисодиёт товарларига сарфлари худди мамлакат ичидаги истеъмолчилик сарфлари каби миллий ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ. Шу сабабли ЯИМни сарфлар бўйича ҳисоблашда товар ва хизматларга чет элликларнинг сарфлари, яъни экспорт қиймати ҳам қўшилади. Бошқа томондан, истеъмол ва инвестицион сарфлар ҳамда давлат маблағларининг бир қисми импорт қилинган, яъни чет элда ишлаб чиқарилган товарларга сарфланади. Миллий ишлаб чиқариш умумий ҳажми асоссиз ошиб кетмаслиги учун импорт ҳажми ЯИМ таркибидан чиқарилади. **Экспорт ва импорт миқдорлари ўртасидаги фарқ товар ва хизматларнинг соф экспорти ёки оддий қилиб соф экспорт дейилади.** Соф экспорт ижобий ва салбий бўлиши мумкин. **Агар экспорт импортдан ортиқ бўлса ижобий, импорт экспортдан ортиқ бўлса салбий бўлади.**

Қараб чиқилган сарфларнинг тўрт тоифасига нотижорат муассасалар (касаба уюшмалар, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва ижтимоий ташкилотлар) сарфлари ва моддий айланма воситалари захирасидаги ўзгаришларни қўшиб чиқиш йўли билан ЯИМ ҳажми аниқланади.

Учинчи усул – бу ЯИМни ҳисоблашга даромадлар бўйича ёндашув.

Мазкур йилда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ҳажмидан олинган барча даромадлар уй хўжаликлари ихтиёрига иш ҳақи, рента тўловлари, фоиз ва фойда шаклида келиб тушади. Шу сабабли бу усулда ЯИМ пировард маҳсулот ҳисобидан олинган ана шу барча даромадларни қўшиб чиқиш орқали аниқланади.

ЯИМни даромадлар бўйича ҳисоблашда уй хўжаликлари, корхона ва давлат муассасаларининг дастлабки, яъни тақсимланган даромадларини меҳнат ҳақи ва ялпи фойдага (рента, ссуда фоизи ва тадбиркорлик фойдаси ва ҳ.к.) ажратиш мумкин (14.2-жадвал).

14.2-жадвал

ЯИМни ҳисоблашга сарфлар ва даромадлар бўйича ёндашув[109]

Миллий маҳсулот ҳажмини сарфлар суммаси бўйича ҳисоблаш	Миллий маҳсулот ҳажмини даромадлар суммаси бўйича ҳисоблаш
1. Уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари +	1. Даромад билан боғлиқ бўлмаган сарф ва тўловлар а) амортизация, б) эгри солиқлар +
2. Тадбиркорларнинг инвестицион сарфлари +	2. Иш ҳақи +
3. Товар ва хизматларнинг давлат хариди +	3. Рента тўловлари +
4. Чет элликлар сарфи +	4. Фоиз +
5. Нотижорат муассасалари сарфи +	5. Фойда
6. Моддий айланма воситалар захирасидаги ўзгаришлар =	=
ЯИМ	ЯИМ

ЯИМни мазкур усул бўйича ҳисоблашда даромадларнинг барча суммасига истеъмол қилинган асосий капитал қиймати (амортизация ажратмаси) ва бизнесга эгри солиқлар суммаси ҳам қўшилади. ЯИМни ҳисоблашга сарфлар ва даромадлар бўйича ёндашувнинг асосий таркибий қисмларини қуйидаги жадвал орқали ўзаро таққослаш мумкин.

ЯИМни ҳисоблашда унинг таркибига кирган даромадларнинг алоҳида турларини батафсил қараб чиқамиз. Амортизация ажратмаси шу йил ишлаб чиқарилган маҳсулот (ЯИМ) қиймати таркибига ишлаб чиқариш харажатлари сифатида кириб, маҳсулот сотилиши натижасида пул шаклидаги даромад сифатида қайтиб келади ва амортизация фонди ҳисобида тўпланиб боради.

Эгри солиқлар корхоналар учун ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади ва шу сабабли маҳсулот нархига қўшилади. Бундай солиқлар акциз тўловлари, сотишдан олинадиган солиқлар, мулк солиғи, лицензия ва божхона тўловларини ўз ичига олиб, давлат бюджетида даромад сифатида намоён бўлади.

Даромадларнинг энг муҳим тури бўлган иш ҳақи тадбиркорлар ва давлат томонидан ишчи кучини тақдим қилганларга тўланади. У иш ҳақига кўплаб қўшимчалар, ижтимоий суғурта тўловлари ва нафақа таъминотининг

[109] Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

ҳар хил хусусий фондлари, ишсизлик нафақалари ва бошқа турли мукофот ҳамда имтиёзларни ўз ичига олади. Иш ҳақи ва унга қўшимчалар ҳам ишчи кучини таклиф қилувчилар учун даромаднинг бир қисми сифатида намоён бўлади ва шу сабабли аҳоли даромадларининг муҳим таркибий қисми сифатида қаралади.

Рента тўловлари иқтисодиётни ресурслар (капитал, ер) билан таъминловчи уй хўжаликларининг оладиган даромади ҳисобланиб, корхона харажатлари таркибига киради (ер давлат мулки бўлса рента давлат ихтиёрига, бюджетга бориб тушади ва бюджет даромади ҳисобланади).

Фоиз пул капитали эгаларига пул даромади тўловларидан иборат. Бунда давлат томонидан амалга ошириладиган фоизли тўловлар фоизли даромадлар таркибидан чиқарилади.

Мулкдан олинадиган даромадлар икки турга бўлинади: бир қисми мулкий даромад ва бошқа қисми эса корпорациялар фойдаси дейилади.

Шундай қилиб биз ЯИМ ни ҳисоблашнинг уч хил усулини кўриб чиқдик. Лекин таъкидлаш жоизки, уларнинг ҳеч бири ЯИМ ва унинг ўсишини аниқ қилиб ҳисоблаб бера олмайди ва улар такомиллаштиришга муҳтож.

Хулосалар

1. Миллий иқтисодиёт кўплаб ўзаро боғлиқ иқтисодий унсурлардан иборат бўлган мураккаб иқтисодий тизимни намоён этади. Миллий иқтисодиёт, барча тармоқлар ва соҳаларни, микро- ва макродаражадаги иқтисодиётларни, функционал иқтисодиётни, кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига олган яхлит иқтисодиётдир.

2. Макроиқтисодиёт – бу мамлакат миқёсида моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларини бир бутун қилиб бирлаштирган миллий ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир. Макроиқтисодиёт ўз ичига иқтисодиётнинг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олади.

3. Кўпгина микроиқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолиятига баҳо берилиб, улар фаолиятининг ривожланиш тамойиллари аниқланса, макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали бутун иқтисодиётнинг ҳолати унинг ўсиши ёки орқага кетиши таҳлил қилиниб, хулоса чиқарилади.

4. Бутун миллий иқтисодиётнинг ҳолатини тавсифловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар – ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), соф ички маҳсулот (СИМ), миллий даромад(МД), ишчи кучи бандлиги, ишсизлик, инфляция ва бошқа шу кабилар ҳисобланади.

5. Бозор муносабатлари шароитида ижтимоий маҳсулот таркибига фақат товар шаклида бўлиб, бозор нархи мавжуд бўлган ёки, ҳеч бўлмаганда, уларни яратиш учун ҳақиқатда сарфланган харажатлар миқдори бўйича баҳолаш мумкин бўлган маҳсулот ва хизматлар киритилиши мумкин.

6. ЯИМ ҳажмини топишда сотилган ва қайта сотилган маҳсулотларни кўп марта ҳисобга олишларни бартараф қилиш учун, иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган қўшилган қийматлар йиғиндиси олинади. Қўшилган қиймат – бу корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан мол етказиб берувчилардан сотиб олинган ва истеъмол қилинган хом-ашё ва материаллар қиймати чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмининг бозор қиймати.

7. Миллий иқтисодиёт ривожланиш даражасини таққослаш учун ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичидан фойдаланилади. Ялпи ички маҳсулот умумлаштирувчи иқтисодий кўрсаткич бўлиб, у фақат мазкур мамлакат ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланган ҳолда мамлакат ичида яратилган товар ва хизматлар жами ҳажмини намоён этади.

8. Миллий ҳисоблар тизими асосини йиғма балансилар ташкил қилади. Бунга даромад ва харажатлар баланси мисол бўлиши мумкин. Даромадлар хўжалик бирликлари ва аҳоли умумий даромадлари (иш ҳақи, фойда, даромадларнинг бошқа турлари, амортизация) суммасини акс эттиради. Ҳозирги вақтда ЯИМни ҳисоблашда кўпроқ харажатларнинг тўртта

гуруҳи ҳисобга олинади: истеъмол, инвестициялар, давлат хариди, соф экспорт. Миллий ҳисоблар макроиқтисодиётнинг меъёрдаги – мувозанатли ҳолатга эришиш даражасини аниқлашга ёрдам беради.

9. ЯИМ ҳозирги вақтда кўпроқ уч хил усул билан ҳисобланади: 1) қўшилган қийматлар бўйича ёндашув; 2) сарф-харажатлар бўйича ёндашув; 3) даромадлар бўйича ёндашув.

Асосий таянч тушунчалар:

Макроиқтисодиёт – моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштирган миллий иқтисодиёт ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир.

Миллий ҳисоблар тизими – миллий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни, турли тармоқлар ўртасидаги алоқадорликни тавсифлайдиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – миллий иқтисодиётда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушадиган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархлардаги суммаси.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – йил давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги қиймати.

Соф ички маҳсулот (СИМ) – йил давомида жонли меҳнатнинг унумли ҳаракати билан яратилган янги маҳсулотдир.

Миллий даромад – янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг пулдаги ифодаси бўлиб, ҳозирги ҳисоблар тизимида СИМдан эгри солиқларни чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади.

Шахсий даромад – миллий даромаддан ижтимоий суғурта ажратмалари, корхона фойдасидан олинадиган солиқлар ва корхонанинг тақсимланмайдиган фойдасини чиқариб ташлаш

ҳамда аҳоли қўлига келиб тушадиган ижтимоий тўловлар суммасини қўшиш йўли билан аниқланади.

Номинал ЯИМ – жорий бозор нархларида ҳисобланган ЯИМ.

Реал ЯИМ – нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, ўзгармас ёки қиёсий нархларда ҳисобланган ЯИМ.

Қўшилган қиймат – ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан сотиб олинган ва унумли истеъмол қилинган хомашё ва материаллар қиймати чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмининг миқдори.

Оралиқ маҳсулот – ишлов бериш, қайта ишлаш ва қайта сотиш мақсадларида сотиб олинган маҳсулотлар. Унга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида қўлланилган хомашё, ёнилғи, материаллар ва бошқалар киритилади.

Пировард маҳсулот – ишлаб чиқариш жараёни якунланган, шахсий ва унумли истеъмол қилишга тайёр бўлган маҳсулотлар.

Хуфёна иқтисодиёт – ЯИМни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишнинг расмий иқтисодиётдан яширин қисми.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси нимани ифодалайди? Унинг қандай таркибий қисмлари мавжуд?
2. Оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг фарқи нимада? Улар иқтисодиётнинг қандай кўринишлари учун хос эканлигини изоҳланг.
3. Миллий ҳисоблар тизимининг моҳияти нимада? У ўз ичига қандай кўрсаткичларни олади.
4. Макроиқтисодий кўрсаткичлар нималар ва улар миллий иқтисодиётда қандай рол ўйнайди?
5. ЯИМ ва СИМ бир-биридан нима билан фарқланади? СИМ ва миллий даромад-чи?
6. Миллий маҳсулот ҳаракат шакллари тавсифини беринг.
7. ЯИМ қандай усулларда ҳисобланади? Уларнинг фарқи нимадан иборат.

8. Номинал ва реал ЯИМ тушунчаларини изоҳланг. Уларнинг фарқини кўрсатинг.

9. Агар жорий йилдаги номинал ЯИМ ҳажми 700 млрд. сўмга, нарх индекси 1,5 га тенг бўлса, реал ЯИМ ҳажми қанча бўлади? Агар нарх индекси 0,8 га тенг бўлса-чи?

10. Соф иқтисодий фаровонлик кўрсаткичининг моҳияти ҳамда ҳисоблаш тартибини тушунтириб беринг.

15-боб. ЯЛПИ ТАЛАБ ВА ЯЛПИ ТАКЛИФ

Мазкур дарсликнинг 7-бобида талаб ва таклиф тушунчалари, уларнинг миқдорига таъсир этувчи омиллар, шунингдек, талаб ва таклиф қонунлари ҳамда улар ўртасидаги мувозанатлик масалалари баён этилиб, унда талаба ва ўқувчиларнинг тушунишини осонлаштириш мақсадида ушбу масалалар товар ва хизматларнинг алоҳида олинган турлари бўйича кўриб чиқилган эди. Миллий иқтисодиёт яхлит ҳолда, яъни макроиқтисодиёт даражасида ўрганилаётган жараёнда мамлакат барча фуқаролари, тадбиркорлар, давлат ва чет эл истеъмолчиларининг жами товарлар ва хизматлар турлари бўйича талаби ва таклифини ўрганиш иқтисодиётни самарали, мувозанатли ва мутаносибли юритишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун бу бобда макроиқтисодий таҳлил давом эттирилиб, энг аввало иқтисодиёт яхлит олинган ҳолда кўриб чиқилади ва унинг макродаражадаги асосий кўрсаткичлари бўлган ялпи талаб ва ялпи таклиф тушунчаларининг иқтисодий мазмуни тавсифланади. Таҳлил давомида ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсир этувчи омиллар, улар таъсирида нархлар даражасининг ўзгариши ҳамда ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми қандай ўрнатилиши баён этилади. Ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ҳажми, турлари ва сифати бўйича бир-бирлигига мос келиши, уларнинг мувозанатлиги, бу мувозанатликнинг ўзгариши ва унинг сабаблари баён этилади.

15.1. Ялпи талаб тушунчаси ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар

Иқтисодиётни мувозанатли ривожлантириб, унинг барқарор ўсишини таъминлашда энг аввало ялпи талабнинг мазмунини билиш зарур.

Ялпи талаб (aggregate demand, AD) – барча истеъмолчилар, яъни аҳоли, корхоналар ва давлат томонидан нархларнинг муайян даражасида сотиб олиниши мумкин бўлган турли товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг умумий ҳажмидир. Шунингдек, ялпи талабни миллий иқтисодиётдаги реал пул даромадлари ҳажми сифатида ифодалаш ҳам мумкин. Ялпи талаб барча истеъмолчиларнинг турли хил товарларга ва хизматларга бўлган талаблари йиғиндисидан ташкил топади. Биламизки, товар ва хизматлар икки хил бўлади: шахсий истеъмол товарлари ва тадбиркорлар ишлаб чиқариш жараёнида унумли истеъмол қиладиган ишлаб чиқариш омиллари – ер, капитал ва ишчи кучи.

Истеъмол товарлари турли-туман моддий, маънавий товарлар ва хизматларни ўз ичига олади. Шунингдек, турли кўринишдаги (масалан, давлат, хусусий, жамоа, корпоратив) тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш омилларига бўлган талаби ҳам турли-тумандир (масалан, турли машиналар, станоклар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, транспорт воситалари, ёнилғи, хомашё, материаллар, ишчи кучи ва ҳ.к.). Талабнинг умумий миқдори сотиб олишга мўлжалланган товарларнинг турлари, миқдори, сифати ҳамда нархига боғлиқ бўлади. Уни қуйидаги расм орқали осонроқ тушуниш мумкин (15.1-расм).



15.1-расм. Ялпи талаб миқдорининг товарлар турлари, миқдори, сифати ҳамда нархига боғлиқлиги.[110]

Ялпи талабни фақатгина пул миқдори билан белгилаш бизнингча, унга бир томонлама ёндашув бўлади. Масалан, инвестиция товарлари миқдори, сифати, тури ўзгармаган ҳолда нарх икки баробар ошса, белгиланган пул миқдори ўзгармаган ҳолда икки баробар кам инвестиция товарларини сотиб олиш мумкин бўлади холос. Бунда баҳо қанча ошса сотиб олинадиган инвестицион товарлар миқдори ҳам ана шунча кам бўлади. Бундай ҳолат инвестицион ёки истеъмол товарларни шунча кўпайтирдик деган ёлғон тасаввурга олиб келади. Шунинг учун масалага икки томонлама: ҳам қиймат, ҳам нафлилик жиҳатдан ёндашиш зарур бўладии.

Ялпи талаб миқдор жиҳатидан аниқланади ва унинг умумий миқдори турли омиллар таъсирида ўзгариб туради.

Турли ўқув қўлланмалари ва дарсликларда ялпи талаб миқдорини аниқлаш усуллари ва унга таъсир этувчи омилларни баён этишда турли жиҳатдан ёндашилади. Жумладан, академик В.Видяпин ва бошқалар умумий таҳрири остида чоп этилган «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида ялпи талаб

[110] Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари сарфларининг йиғиндиси сифатида ифодаланади, яъни:

$$Y_d = C + I + G + NX$$

бу ерда:

Yd – ялпи талаб;

C – уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари;

I – хусусий секторнинг инвестиция сарфлари;

G – давлат хариди;

NX – соф экспорт.[111]

Профессор В.Камаев эса ялпи талабни реал ялпи миллий маҳсулот таркибий қисмларига бўлган умумий пул миқдори сифатида намоён бўлишини ҳамда уни пулнинг миқдорий назариясига мувофиқ қуйидаги кўринишда ифодаланишини таъкидлайди:

$$AD = M \times V/P$$

бу ерда:

AD – ялпи талаб;

M – пул миқдори;

V – пулнинг айланиш тезлиги;

P – нарх даражаси[112].

Бундан кўринадики, В.Камаевнинг фикрича ялпи талаб пулнинг миқдори ва нарх даражасига бевосита боғлиқдир. Бу ўринда у сотиб олинадиган товарлар тури, миқдори ва сифатини эътибордан четда қолдиради.

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, нарх даражаси қанча паст бўлса, истеъмолчилар (мамлакат ичидаги ҳамда чет элдаги) ишлаб чиқарилган товарлар реал ҳажмининг шунча катта ҳажмини ва аксинча, нарх даражаси қанча юқори бўлса, шунча кам қисмини сотиб олади. Шундай қилиб, бошқа шароитлар

[111] Қаралсин: Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – С.412.

[112] Қаралсин: Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. С.291.

ўзгармас деб фараз қилган тақдирда ҳам биргина нарх даражасининг ошиши ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмига бўлган ялпи талаб ҳажмининг кескин камайишига, яъни ишлаб чиқарилган товарлар массасининг бир қисми сотилмай қолишига сабаб бўлади. Аксинча, нарх даражасининг пасайиши ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ялпи талабнинг ошишига, яъни товарларнинг етишмаслигига олиб келади. Ялпи талабга нархдан ташқари таъсир қилувчи омилларнинг ўзгариши ҳам миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига олиб келади.

Нарх даражаси ва талаб таъсиридаги миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги бу тескари боғлиқликни қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин (15.2-расм).

Расмдан кўринадики, ялпи талаб эгри чизиғи якка талаб эгри чизиғига ўхшайди, бироқ ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар бир-биридан фарқланади. Агар якка талаб эгри чизиғи турли нарх кўрсаткичларида алоҳида истеъмолчининг муайян товарга бўлган талаби миқдори ўртасидаги боғлиқликни ифодаласа, ялпи талаб эгри чизиғи мамлакатдаги нархларнинг турли даражаси ҳамда ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.



15.2-расм. Ялпи талаб эгри чизиғи.[113]

Агар якка талаб эгри чизиғининг пасаювчанлиги даромад ва алмашув самараларининг амал қилиши билан изоҳланса, ялпи талаб эгри чизиғининг пасаювчан кўринишда бўлиши

[113] Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

нархлар умумий даражасининг ўзгариши натижасида рўй берувчи фоиз ставкаси ва импорт товарлар хариди таъсири орқали изоҳланади.

Фоиз ставкаси. Бунинг моҳияти шундан иборатки, нарх даражасининг ўсиши билан пулга бўлган талаб ҳам ортади. Бу эса муомаладаги пул миқдорининг ўзгармаган ҳажми шароитида фоиз ставкасининг ўсишига олиб келади. Ўз навбатида фоиз ставкасининг ўсиши истеъмол ва инвестиция сарфлари ҳажмини пасайтиради. Чунки фоиз ставкаларининг ошиб кетиши аҳоли томонидан уй ва уй жиҳозлари, автомобиль каби узоқ муддатли истеъмол товарларини сотиб олиш учун кредит олишни самарасиз қилиб қўяди. Шунингдек, тадбиркорлар ҳам фоизнинг юқори даражасида ўзларининг нисбатан паст даромад келтирувчи инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдан воз кечадилар.

Нарх ўзгариши билан фоиз ставкаларининг ҳамда ялпи талаб умумий миқдорининг ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни расм орқали осонроқ тушуниш мумкин (15.3-расм).

Бу ерда биз нарх ошган ҳолатда пулга бўлган талабнинг, фоиз ставкасининг ошишини ва, ниҳоят, ялпи талаб миқдорининг камайишини ифода этдик. Нарх пасайса, шу ҳолатнинг тескариси, яъни пулга бўлган талаб ҳамда фоиз ставкасининг пасайиши ва оқибатда ялпи талаб миқдорининг ошиши рўй беради.



15.3-расм. нарх даражаси ошишининг фоизставкаси ва ялпи талабга таъсири.[114]

[114] Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Нарх даражасининг ошиши билан молиявий активлар (банк омонатлари, акция ва облигациялар) реал қийматининг пасайиши рўй беради. Бунинг натижасида аҳоли даромадлари ҳам пасайиб, улар томонидан сотиб олинувчи товар ва хизматлар миқдори камаяди.

Импорт товарлар хариди. Бунинг таъсири нарх даражаси ўзгаришининг у ёки бу мамлакатдаги ички ва жаҳон нархлари нисбатига таъсири орқали намоён бўлади. Мамлакатдаги нархлар умумий даражасининг ошиши, чет эл товарлари нархи ўзгармаган ёки секинроқ ўсган ҳолатда, миллий истеъмолчи учун четдан хорижий товарларни олиб келишни фойдали қилиб қўяди. Ўз навбатида, мазкур мамлакат товар ва хизматларини хорижий истеъмолчилар томонидан харид қилиш ҳажми ҳам қисқаради. Натижада бу мамлакатнинг экспорт ҳажми камаяди. Экспорт ҳажмининг камайиши ва импорт ҳажмининг ошиши соф экспортнинг ва пировардида, ялпи талаб умумий ҳажмининг қисқаришига олиб келади.

Ташқи ва ички талабнинг ортиши ва хўжалик юритиш шароитларининг яхшиланиши саноатнинг барқарор ривожланишга ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Жумладан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2019 йилда олдинги йилга нисбатан 8% га ортди ва 169704,3 млрд. сўмни ташкил этди. Саноатнинг юқори суръатлар билан ривожланишида корхоналарни модернизациялаш ва таркибий ўзгартириш, тармоқлар бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши сабаб бўлди. Саноатнинг ЯИМ таркибидаги улуши 2000 йилдаги 14,2% дан 2019 йилда саноатнинг улуши 32,% га (қурилиш билан қўшилган ҳолда) ошди[115]. Қўшилган қиймат ўсишининг ярмидан кўпроғи таянч тармоқларда ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ҳисобига юз берди.

Ялпи талаб ҳажмига нархдан ташқари омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Қуйида улардан энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

[115] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

1. Истеъмол сарфларидаги ўзгаришлар. Нарх даражасининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда, нархдан ташқари бир ёки бир нечта омиллар таъсирида истеъмолчилар хариди ҳажмида ўзгариш рўй бериши мумкин. Бу истеъмолчи фаровонлиги, истеъмолчининг кутиши, истеъмолчининг қарзлари ва солиқларнинг ўзгариши натижаси ҳисобланади.

Истеъмолчининг фаровонлиги унинг молиявий активларга (акция ва облигация) ҳамда уй ва ер каби кўчмас мулкларга эгалигига боғлиқ бўлади. Улар реал қийматининг кескин камайиши товар харид қилиш ҳажмининг камайишига олиб келади. Истеъмол сарфларининг қисқариши натижасида ялпи талаб камаяди. Аксинча, моддий ва молиявий бойликлар реал қийматининг ошиши натижасида, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмол сарфлари ўсади. Бунга акция курсининг кескин ошиши, ҳатто нархлар даражаси ўзгармай қолганда истеъмолчи фаровонлигининг ўсишига олиб келишини мисол қилиб келтириш мумкин. Уй ва ер реал қийматининг кескин камайиши нарх умумий даражасининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда истеъмолчи фаровонлигининг пасайишига олиб келади.

Истеъмолчининг кутиши. Истеъмол сарфлари ҳажмидаги ўзгариш, истеъмолчининг нархлар ва даромадлар даражасидаги келажакдаги ўзгаришларни олдиндан билишига боғлиқ. Масалан, агар истеъмолчи келажакда ўзининг реал даромади кўпаяди, деб ҳисобласа, у жорий даромадларининг кўпроқ қисмини сарфлашга тайёр бўлади. Натижада бу даврда истеъмол сарфлари кўпаяди, жамғариш эса камаяди ва ялпи талаб ортади. Аксинча, агар истеъмолчи келажакда ўзининг реал даромадлари камаяди деб ҳисобласа, уларнинг истеъмол сарфлари ва демак, ялпи талаби қисқаради. Худди шундай тарзда инфляциянинг кутилиши бугунги ялпи талабни оширади. Чунки истеъмолчилар нархлар ошгунга қадар товарларни харид қилиб қолишга ҳаракат қилади. Аксинча, яқин келажакда нархлар пасайишининг кутилиши, бугунги истеъмол миқдорининг камайишига олиб келади.

Истеъмолчи қарзлари. Истеъмолчи қарзлари кўп бўлганда, у жорий даромадини қарзларга тўлаб, ўзининг бугунги сарфларини қисқартириши мумкин. Аксинча, истеъмолчи қарздор бўлмаса, у бугунги сарфларини кўпайтиришга тайёр бўлади.

Солиқ. Даромад солиғи ставкасининг камайиши, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмол сарфларини кўпайтиради, солиқларнинг ошиши истеъмол сарфларини камайтиради.

2. Инвестицион сарфлар. Инвестицион сарфлар, яъни ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш, ялпи талабнинг нархдан ташқари муҳим омили ҳисобланади. Нархларнинг мавжуд даражасида корхона сотиб олиши мумкин бўлган янги ишлаб чиқариш воситаларининг камайиши ялпи талабнинг камайишига, аксинча корхона сотиб оладиган инвестицион товарлар ҳажмининг кўпайиши ялпи талабнинг кўпайишига олиб келади. Инвестицион сарфларни ўзгартириш мумкин бўлган нархдан ташқари омилларни алоҳида-алоҳида қараб чиқамиз.

Фоиз ставкаси. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, фоиз ставкасининг ошиши инвестицион сарфларнинг камайишига ва ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Бу ерда гап мамлакатда пул массаси ҳажмининг ўзгариши оқибатида фоиз ставкаларининг ўзгариши ҳақида боради. Пул массасининг кўпайиши фоиз ставкасини пасайтиради ва шу орқали капитал қўйилмалар ҳажмини кўпайтиради. Аксинча, пул массасининг камайиши фоиз ставкасининг ошишига ва инвестицияларнинг қисқаришига олиб келади.

Инвестициялардан кутиладиган фойда. Капитал қўйилмалардан юқори фойда олишнинг кутилиши инвестицион товарларга талабни оширади ва аксинча, истиқболда инвестицион дастурлардан фойда олиш ноаниқ бўлса, инвестицияларга сарфлар камайиш тамойилига эга бўлади, демак, ялпи талаб ҳам камаяди.

Солиқлар. Корхонадан олинадиган солиқларнинг

кўпайиши капитал қўйилмалардан олинадиган фойданинг камайишига ва демак, инвестицион сарфлар ва ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Аксинча, солиқларнинг қисқариши бундай фойдани ва инвестицион сарфларни кўпайтиради.

Технология. Янги ва такомиллашган технология инвестицион сарфларни ва шу орқали ялпи талабни рағбатлантириш тамойилига эга бўлади.

Ортиқча қувватлар. Ортиқча қувватлар, яъни мавжуд фойдаланилмайдиган асосий капиталнинг кўпайиши, янги инвестицион товарларга талабни ва натижада ялпи талабни камайтиради. Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилганда тадбиркорлар кўпроқ машина ва ускуналар сотиб олишга тайёр бўлади, демак инвестицион сарфлари кўпаяди.

3. Давлат сарфлари. Нархларнинг мавжуд даражасида, миллий маҳсулотда давлат харидининг кўпайиши ялпи талабнинг ўсишига олиб келади. Бунга давлатнинг миллий армияни тузиш ёки унинг сонини ошириш тўғрисидаги қарори мисол бўла олади. Давлат сарфларининг камайиши ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Масалан, янги автомобиль йўли қуришга давлат сарфларининг қисқариши шундай натижага олиб келади.

4. Соф экспортдаги ўзгариш. Соф экспортнинг кўпайиши ялпи талабни ҳам кўпайтиради. Биринчидан, экспортнинг юқори даражаси, чет элларда миллий товарларга бўлган талабни оширади. Иккинчидан, импортнинг қисқариши миллий товарларга ички талабнинг кўпайишини тақозо қилади. Соф экспорт ҳажмининг ўзгаришига аввало чет давлатлар миллий даромади ва валюта курсларининг ўзгариши таъсир кўрсатади. Чет мамлакатларда даромадлар даражаси ошганда, уларнинг фуқаролари ҳам миллий товарларни, ҳам хориж товарларини кўпроқ миқдорда сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Чет элларда миллий даромаднинг камайиши эса соф экспорт ҳажмини қисқартиради.

Валюта курслари. Бошқа валюталарга нисбатан миллий

пул курсининг ўзгариши соф экспортга ва демак ялпи талабга таъсир кўрсатади. Фараз қилайлик, иенанинг доллардаги нархи ўсди. Бу долларнинг иенага нисбатан қадрсизланганлиги ва иена курси кўтарилганлигини билдиради. Доллар ва иена ўртасидаги янги нисбат натижасида японияли истеъмолчилар иенанинг маълум суммасига кўпроқ доллар сотиб олиши мумкин. Демак, японияли истеъмолчилар учун америка товарлари япон товарларига қараганда арзонроқ бўлади. Шу билан бирга америкали истеъмолчилар долларнинг маълум суммасига япон товарларини нисбатан камроқ миқдорда сотиб олиши мумкин. Бундай ҳолда АҚШ экспортининг ўсиши, импортининг эса камайиши ҳолатини кутиш мумкин. Соф экспортнинг кўпайиши ўз навбатида АҚШ иқтисодиётида ялпи талабнинг кўпайишига олиб келишини билдиради.

15.2. Ялпи таклиф тушунчаси. Ялпи таклиф таркиби ва унга таъсир қилувчи омиллар

Иқтисодиётни мувозанатли юритишда ялпи таклиф ва унга таъсир этувчи омилларни билиш муҳимдир.

Ялпи таклиф (aggregate supply, AS) – мамлакатда муайян вақтда ишлаб чиқарилиб, нархларнинг муайян даражасида сотишга тайёр турган, ўзининг ижтимоий нафлилиги, турлари, сифати, миқдори ва ижтимоий қиймати бўйича шу даврдаги талабга жавоб берадиган барча товарлар ва хизматлар ҳажмидир. Бу нархларнинг ҳар хил мумкин бўлган ўртача даражасида миллий ишлаб чиқаришнинг мавжуд реал ҳажмини кўрсатади.

Ялпи таклиф турли хил ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва хизматлардан ҳамда инвестиция товарларидан иборат бўлади. Бундан ташқари ялпи таклифга уй хўжаликлари таклиф қиладиган ишчи кучи ресурслари ҳам киради. Албатта ишлаб чиқарилган ва сотишга мўлжалланган истеъмол товарлари ва хизматлари ҳам, шунингдек, инвестиция товарларининг турлари ҳам жуда кўп ва турли-

тумандир. Лекин ялпи талаб ўзининг ижтимоий зарурий нафлилиги билан, яъни ўзининг турлари, миқдори ва сифати бўйича ҳамда ижтимоий қиймати бўйича шу даврдаги ишлаб чиқариш ва жамият аъзолари талабига мос келиши керак. Ялпи таклифни ва унинг миқдорини умумлаштириб қуйидаги расм кўринишида ифодалаш мумкин (15.4-расм).



15.4-расм. Ялпи таклиф умумий миқдорининг товарлар турлари, миқдори, сифати ҳамда нархига боғлиқлиги.[116]

Ялпи таклифга энг аввало бозор нархлари даражаси билан ижтимоий қиймат миқдори ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши таъсир кўрсатади. Нархлар даражасининг қиймат миқдоридан ошиши қўшимча товарлар ишлаб чиқариш учун рағбат яратади. Нархлар даражасининг қийматдан пасайиши эса товар ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келади. Шу сабабли турли товарлар нархлари ва миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасида тўғридан-тўғри ёки бевосита боғлиқлик мавжуд бўлади. Бу боғлиқлик ялпи таклиф эгри чизиғида аниқ акс этади (15.5-расм).

[116] Манба: Муаллиф томонидан тузилган.



Ишлаб чиқариш реал ҳажми

15.5-расм. Ялпи таклиф эгри чизиғи.[117]

Расмдан кўринадики, ялпи таклиф эгри чизиғи ўз шакли жиҳатидан якка ёки бозор таклифининг анъанавий эгри чизиғидан фарқ қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, узоқ муддатли ва қисқа муддатли даврдаги ялпи таклиф эгри чизиғи бир-биридан фарқланади. Узоқ даврдаги ялпи таклиф эгри чизиғи ўз шаклига кўра расмдаги Yt нуқтага қадар жойлашган ҳар қандай тик чизиқдан иборат бўлади. Иқтисодий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга тобора кўпроқ жалб этилиши мазкур чизиқни Yt нуқтага яқинлаштиради ва пировардида шу нуқтада жойлашган чизиққа тенглашади. Чунки қўшимча ресурс ва имкониятларни ишга солиш учун вақтнинг етарли бўлиши узоқ муддатли даврда иқтисодиётда тўла бандлик ҳолатига олиб келади.

Қисқа муддатли даврда ялпи таклиф эгри чизиғининг кўриниши бир оз мураккаброқ бўлиб, учта кесмани ўз ичига олади.

I. Ётиқ кесма. У баъзида «кейнсча» кесма деб ҳам аталиб, иқтисодиётнинг таназзул ёки турғунлик палласидаги ҳолатини акс эттиради. Ётиқ кесма миллий ишлаб чиқариш потенциал

[117] Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

ҳажми (расмдаги Yt нуқта)дан анча кам бўлган ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми (расмдаги Y1 нуқтага қадар бўлган ҳажм)ни ўз ичига олади. Яъни, бу ораликда мамлакатдаги мавжуд кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари, машина, ускуна ва ишчи кучи ишлаб чиқаришга жалб этилмайди ёки улардан тўлиқ фойдаланилмайди. Шунга кўра, мазкур ресурсларнинг ишлаб чиқаришга жалб этилиши нарх даражасига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бу ораликда ишлаб чиқариш реал ҳажми қисқарганда ҳам товар ва ресурслар нархи эски даражада қолади. Шундай қилиб, ётиқ кесмада нарх даражаси ўзгармаган ҳолда миллий ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконияти мавжуд.

II. Оралиқ кесма. Y ва Yt нуқталар орасидаги мазкур кесма миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайиши нарх даражасининг ўсиши билан бирга боришини кўрсатади. Бу ишлаб чиқаришнинг тўлиқ қувват билан ишлай бошлаганидан, корхоналарнинг анча эски ва кам самарали ускуналардан фойдалана бошлаганлигидан гувоҳлик беради. Ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиб бориши билан қўшимча ишчи кучи ҳам ишга жалб қилинади. Шу барча сабабларга кўра маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатлар ортади, корхоналар ишлаб чиқаришининг рентабелли бўлиши учун товарларга анча юқори нарх белгилайди. Шу сабабли оралиқ кесмада миллий маҳсулот реал ҳажмининг кўпайиши нархларнинг ўсиши билан бирга боради.

III. Тик кесма. У баъзида «классик» кесма деб ҳам аталиб, иқтисодиёт ўзининг тўлиқ ёки табиий даражасига эришганлигини кўрсатади. Бунда иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятининг шундай нуқтасида (расмдаги Yt нуқта) жойлашадики, бунда қисқа муддатда ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтиришга эришиш мумкин эмас. Иқтисодиёт тўлиқ қувват билан ишлай бошлаганлиги сабабли нархнинг тўхтовсиз ошиб бориши ҳам ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайишига олиб келмайди. Қисқача айтганда, бу кесма миллий ишлаб чиқариш ҳажми доимий бўлиб қолиши, нарх

даражаси эса ўзгариши мумкинлигини кўрсатади.

Ялпи таклиф ҳажмига таъсир қилувчи омиллар. Ялпи таклифга нархдан ташқари бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллардан бир ёки бир нечтасининг ўзгариши ялпи таклифнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Ялпи таклифнинг нархдан ташқари бу омиллари битта умумий хусусиятга эга: агар улар ўзгарса, маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ўзгаради. Натижада ялпи таклиф эгри чизиғи жойини ўзгартиради.

Масалан, ресурслар нархининг ўзгариши. Ресурслар нархи тайёр маҳсулот нархидан фарқ қилиб, ялпи таклифнинг муҳим омили ҳисобланади. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда ресурслар нархининг ошиши маҳсулот бирлигига харажатларнинг кўпайишига, бинобарин маҳсулот таклифининг камайишига, ресурс нархларининг пасайиши эса харажатларнинг камайишига, ялпи таклифнинг ошишига олиб келади. Ресурслар таклифининг миқдор жиҳатдан кўпайиши улар нархини пасайтиради ва натижада маҳсулот бирлигига харажатлар камаяди. Маҳсулот ишлаб чиқариш эса кўпаяди. Ресурслар таклифининг камайиши эса қарама-қарши натижага олиб келади.

Ер, ишчи кучи ва капитал ресурслари таклифининг кўпайиши ҳам маҳсулот таклифини оширади. Ундан ташқари сарфланаётган капиталнинг сифат жиҳатдан такомиллашуви туфайли меҳнат унумдорлиги ошиб сарфларнинг камайишига олиб келади ва шу орқали маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни пасайтиради ва ялпи таклифнинг ошишига олиб келади.

15.3. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанат ва унинг ўзгариши

Юқорида ялпи талаб мамлакат миқёсида иқтисодиётнинг ҳамма бўлимларида ва таркибий қисмларида яратилган турли товар ва хизматларни сотиб олишга мўлжалланган

пуллар миқдори сифатида, ялпи таклиф эса иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ҳудудлари, корхона ва ташкилотларида сотиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг ялпи миқдори сифатида намоён бўлишини айтиб ўтган эдик. Энди шуни таъкидлаш жоизки, миллий бозорда, олди-сотди жараёнида пул эгалари, яъни истеъмолчилар ихтиёридаги пуллар товар ва хизматлар эгаларига, аксинча, яратилган товар ва хизматлар эса пул эгаларига ўтиши лозим. Бошқача айтганда товарлар дунёси билан пул дунёси ўртасидаги ҳаракат қарама-қарши оқим ҳосил қилади. Бунинг учун эса пул эгалари сотиб олмоқчи бўлган товар ва хизматлар таркиби, миқдори, сифати ҳамда нархи бўйича ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар тури, миқдори, сифати ҳамда қиймати билан мос тушиши лозим. Бундай мосликнинг қанчалик таъминланиши турли бозорлар орқали аниқланади ва тартибга солинади. Бу мослик даражаси ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанат ва унинг ўзгариши орқали аниқланади.

Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги нисбатни қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин (15.6-расм). Албатта, реал ҳаётда бундай тўлиқ мувозанатлик содир бўлиши жуда қийин ва мураккабдир. Лекин товар ва хизматларнинг у ёки бу турлари, миқдори ва сифати бўйича мос келиш ҳоллари учраб туради. Ялпи талаб билан ялпи таклифнинг бир-бирига мослиги иқтисодий мувозанат деб ҳам юритилади.

Ялпи талаб эгри чизиғи ва ялпи таклиф эгри чизиғи кесишган нуқта умумиқтисодий мувозанатни ифодалаб, бу ҳолатга нархнинг мувозанатли даражаси ва миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажми орқали эришилади.

Иқтисодиёт доимий равишда макроиқтисодий мувозанат томон ҳаракат қилади ва маълум даражада бу тенглик таъминлаб турилади. Бироқ, ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсир этувчи омилларнинг ўзгариб туриши натижасида мувозанат бузилади ва иқтисодиёт янги мувозанат томон ҳаракат қилади.

15.6-расм. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанат.[118]

Ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанати ялпи таклиф эгри чизиғининг қайси кесмасида рўй беришига қараб ўзига хос хусусият касб этади.

Ялпи талаб эгри чизиғи ялпи таклиф эгри чизиғини ётиқ кесмада кесиб ўтса, нарх даражаси миллий ишлаб чиқариш мувозанатли реал ҳажмининг шаклланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бунда ялпи талаб миқдорининг ўсиши миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ошишига, унинг камайиши эса бу ҳажмнинг камайишига олиб келади. Бироқ, бу ўзгаришлар иқтисодиётдаги умумий нарх даражасининг ўзгаришисиз рўй беради (15.7-расм).

[118] Манба: Муаллиф томонидан тузилган.



15.7-расм. Ётиқ кесмада ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатининг ўзгариши.[119]

Расмдан кўринадики, ётиқ кесмада ялпи талабнинг ўсишига таклиф эгри чизиғи бўйича мувозанат нуқтасининг ўнг томонга силижиши орқали жавоб берилади. Яъни, AD1дан AD2га қадар ўсган талаб миқдори иқтисодиётда тўлиқ фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши орқали миллий ишлаб чиқариш ҳажмини Q1дан Q2га қадар ўстириш орқали қондирилади.

Тик кесмада ишчи кучи ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилади, шу сабабли ялпи талабнинг кенгайиши фақат нарх даражасига таъсир кўрсатади, яъни уни оширади. Миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми эса ўзгаришсиз қолади (15.8-расм).



15.8-расм. Тик кесмада ялпи талаб ва таклиф мувозанатининг ўзгариши. [120]

[119] Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

[120] Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Расмдан кўриниб турибдики, тик кесмада ялпи талаб миқдорининг AD1дан AD2га ошиши фақат нарх даражасини P1дан P2га қадар ўсишига олиб келмоқда, миллий ишлаб чиқариш ҳажми эса потенциал даража – Qs ҳажмида қолмоқда. Чунки бу чегарада иқтисодиёт ўзининг барча ишлаб чиқариш имкониятларини ишга солиб бўлган ҳисобланади.

Оралиқ кесмада ялпи талабнинг кенгайиши бир вақтнинг ўзида миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайишига ва нарх даражасининг ошишига олиб келади (15.9-расм).



15.9-расм. Оралиқ кесмада ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатининг ўзгариши.[121]

Расмдан кўринадики, ялпи талабнинг AD1дан AD2га ўсиши ялпи таклиф эгри чизиғи бўйлаб миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг Q1дан Q2га қадар кўпайишига олиб келмоқда. Бироқ, бу кўпайиш айни пайтда нархлар даражасини ҳам P1дан P2га оширмоқда. Бу эса оралиқ кесмада иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш ресурслари аста-секин тўла бандлик ҳолатига ўтаётганлигини, қўшимча қувватларнинг ишга туширилиши тобора ўсиб борувчи харажатлар орқали амалга ошишини англатади. Демак, ялпи талабнинг ўсиши ялпи таклифнинг қайси кесмасида рўй беришидан келиб чиққан ҳолда нарх даражасига турлича таъсир кўрсатар экан. Ялпи талабнинг камайиши ҳам турли кесмаларда турлича кечади. Агар ётиқ кесмада ялпи талаб камайса, миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми камайиб, нарх даражаси ўзгаришсиз қолади. Тик

[121] Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

кесмада нарх тушади, миллий ишлаб чиқариш тўлиқ бандлик даражасида бўлганлиги сабабли, унинг реал ҳажми ўзгаришсиз қолади. Оралиқ кесмада миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми қисқаради ва нарх даражаси пасаяди. Айни пайтда бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, оралиқ ва тик кесмаларда ялпи талабнинг қисқариши вазиятни мураккаблаштирувчи омиллар таъсирида бирданига нархнинг пасайишига олиб келмаслиги мумкин. Бунинг мураккаблик томони шундан иборатки, товарлар ва ресурслар нархи пасайиш тамойилига эга бўлмайди. Шу сабабли айрим иқтисодчилар бундай тамойилни храповик самараси деб атайдилар (храповик – бу ғилдиракни фақат олдинга ҳаракат қилишга мажбур этувчи механизм). **Храповик самараси шунга асосланадики, нарх осонлик билан кўтарилади, лекин жуда қийинчилик билан, секин пасаяди.** Шу сабабли ялпи талабнинг ошиши нарх даражасини кўтаради, лекин талаб камайганда, қисқа давр ичида нархнинг пасайишини кутиш мумкин эмас (15.10-расм).

Расмдан кўринадики, ялпи талаб AD1 дан AD2га ошганда, мувозанат ҳолати а дан с га кўчади, ишлаб чиқариш ҳажми Q1дан Q2га кўпайиб, нарх ҳам P1дан P2 даражага қадар ўсади. Бироқ, ялпи талаб ўзининг дастлабки ҳолатига қайтса, энди нарх пасаймайди, балки мувозанат янги е ҳолатига кўчиб, ишлаб чиқариш ҳажми ўзининг дастлабки Q1 даражасидан ҳам пасайиб, Q3 даражасига қадар тушиб кетади.



15.10-расм. Храповик самараси.[122]

[122] Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Шу ўринда нима учун нарх пасайиш тамойилига эга эмас, деган саволга аниқ жавоб бериш қийин бўлсада, унинг айрим сабабларини кўрсатиш мумкин. Биринчидан, корхона умумий харажатларининг асосий қисмини (70-75 фоиз) иш ҳақи ташкил қилиб, у қисқа давр ичида пасайиш тамойилига эга бўлмайди. Чунки ишчиларнинг асосий қисми шартнома (касаба уюшмалар орқали) бўйича ишлаб, шартнома муддати тугагунга қадар иш ҳақини пасайтириш тақиқланади. Шунингдек, тадбиркорларнинг ўзлари ҳам иш ҳақи даражасини пасайтиришни хоҳламасликлари мумкин. Бунинг иккита сабаби бор. Бир томондан, анча паст иш ҳақи ишчиларнинг меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, иш ҳақининг паст даражаси маҳсулот бирлигига меҳнат сарфларини камайтирса, меҳнат унумдорлигининг паст даражаси эса меҳнат сарфларини оширади. Агар улар иш ҳақини пасайтиришга қарор қилсалар, малакали ишчи кучидан ажраб қолишлари мумкин. Иккинчидан, жуда кўпчилик корхоналар етарли даражада монопол мавқега эга бўлади ва бу уларга талаб камайганда ҳам нархнинг пасайишига қарши туриш имконини беради.

Ялпи ишлаб чиқарилган ва ялпи сотилган маҳсулотнинг реал ҳажми тенг бўлганда, иқтисодиётда мувозанатликка эришилади. Лекин бу мувозанатлик бир томонлама яъни, фақат қиймат тарафидан ҳисобланиб баҳо берилса, ёлғон тасаввурга олиб келади. Шунинг учун мувозанатлик ҳам қиймат ҳам нафлилик жиҳатдан ҳисобга олиниши лозим.

Ҳозирги даврда жаҳонда рўй берган глобал иқтисодий ўзгаришлар кўплаб мамлакатлар иқтисодиётидаги ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилишини ифодаламоқда. Одатда, ташқи талаб қисқариб бораётган бир пайтда, ушбу мувозанатни сақлаш ёки тиклаш мақсадида ички талабни кучайтиришга ҳаракат қилинади. Шунга кўра, республикамизнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш уларнинг маҳсулотига бўлган ички талабни

ва экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш тадбирлари алоҳида ўрин тутади.

Ушбу дастурда “экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш”[123] вазифаси қатъий қилиб белгиланди.

Хулосалар

1. Ялпи талаб – бу барча истеъмолчилар, яъни аҳоли, корхоналар ва давлат томонидан нархларнинг муайян даражасида турли товарлар ва хизматларни сотиб олиш мумкин бўлган миллий иқтисодиётдаги реал пул даромадлари ҳажми.

2. Ялпи талаб турли товарларнинг миқдори, сифати ва нарх даражасига бевосита боғлиқ. Агар якка талаб эгри чизиғи турли нарх кўрсаткичларида алоҳида истеъмолчининг муайян товарга бўлган талаби миқдори ўртасидаги боғлиқликни ифодаласа, ялпи талаб эгри чизиғи мамлакатдаги нархларнинг турли даражаси ҳамда ишлаб чиқаришга бўлган талаб ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

3. Ялпи таклиф – бу мамлакатда нархларнинг муайян даражасида ишлаб чиқарилиб, сотишга чиқарилаётган барча товарлар ва хизматлар ҳажмидир. Бу нархларнинг ҳар хил мумкин бўлган ўртача даражасида миллий ишлаб чиқаришнинг мавжуд реал ҳажмини кўрсатади.

4. Ялпи таклифга энг аввало нархлар даражаси билан ишлаб чиқарилган товарлар ижтимоий қиймати ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши таъсир кўрсатади. Нархлар даражасининг қийматдан ошиши қўшимча товарлар ишлаб чиқариш учун рағбат яратади. Нархлар даражасининг қийматдан пасайиши эса товар ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келади. Шу

[123] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова, 3.2-банд.

сабабли нархлар ва миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасида тўғридан-тўғри ёки бевосита боғлиқлик мавжуд бўлади.

5. Ялпи таклифга нархдан ташқари яна бир қатор омиллар таъсир кўрсатади: а) ресурслар нархининг ўзгариши; б) самарадорликнинг ўзгариши; в) ҳуқуқий меъёрларнинг ўзгариши; фан-техника тараққиёти натижасида капитал самарадорлигининг ўзгариши.

6. Иқтисодиёт назариясида ялпи таклифга уч хил нуқтаи назардан ёндашув мавжуд: ялпи таклиф нархлар даражасига боғлиқ эмас; нархлар даражасига бевосита боғлиқ; ялпи таклифнинг ўсишида ёки камайишида нархлар даражаси ўзгаришсиз қолади. Шунинг учун ялпи таклиф эгри чизиғи графиги учта кесмага эга: тик, ётиқ ва оралиқ кесмалар.

7. Ялпи талабнинг ўсиши ялпи таклифга турлича таъсир қилади: таклиф эгри чизиғининг кейнсча кесмасида таклиф айнан ўша миқдорга ортади, оралиқ кесмада – нархлар даражасининг ўсганлиги учун таклиф оз миқдорда ортади; классик кесмада эса – ялпи таклифда ўзгариш бўлмайди, чунки барча ресурслар жалб этилган бўлади, лекин нархлар даражаси кескин ўсади.

8. Ялпи талаб эгри чизиғи ва ялпи таклиф эгри чизиғи кесишган нуқта умумиқтисодий мувозанатни ифодалаб, бу ҳолатга нархнинг мувозанатли даражаси ва миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажми орқали эришилади.

9. Иқтисодиёт доимий равишда макроиқтисодий мувозанат томон ҳаракат қилади ва маълум даражада бу тенглик таъминлаб турилади. Бироқ, ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсир этувчи омилларнинг ўзгариб туриши натижасида мувозанат бузилади ва иқтисодиёт янги мувозанат томон ҳаракат қилади.

Асосий таянч тушунчалар:

Ялпи талаб – барча истеъмолчилар, яъни аҳоли, корхоналар ва давлат томонидан нархларнинг муайян даражасида турли

товарлар ва хизматларни сотиб олиш мумкин бўлган миллий иқтисодиётдаги реал пул даромадлари ҳажми.

Ялпи таклиф – мамлакатда нархларнинг муайян даражасида ишлаб чиқарилган ва сотишга тайёр бўлган барча товарлар ва хизматлар ҳажми.

Храповик самараси – ялпи талаб ошганда нархнинг ўртача даражаси кўтарилиши, лекин талаб камайганда, қисқа давр ичида нарх пасайиш тамойилига эга бўлмаслигини ифодаловчи кўрсаткич.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Ялпи талаб ва ялпи таклифни таҳлил қилиш нима учун зарур?
2. Ялпи талаб нима? Нима учун ялпи талаб эгри чизиғи ўзгаради?
3. Ялпи талабга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
4. Ялпи талаб эгри чизиғининг пасаювчан шаклда бўлишига фоиз ставкаси, бойлик ва импорт товарлар хариди самараларининг таъсирини тушунтириб беринг.
5. Ялпи таклиф нима? Ялпи таклиф эгри чизиғидан учта кесмани тасвирланг ва улар нимани кўрсатишини тушунтиринг?
6. Ялпи таклифга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
7. Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда ялпи таклифнинг ўзгаришига кўпроқ қайси омиллар таъсир кўрсатмоқда?
8. Ўзбекистонда ялпи таклиф ҳажмини оширишда давлат томонидан қандай чоралар кўрилмоқда?
9. Ҳуқуқий меъёрларнинг ўзгариши ялпи таклиф ҳажмига таъсир кўрсатиши борасида Республикамиз тажрибасидан мисоллар келтиринг.
10. Нима сабабдан храповик самараси рўй беради? Бу самаранинг реал ҳаётда амал қилишига мисоллар келтиринг.
11. Ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатининг аҳамияти нимада? Бундай мувозанатга эришиш йўлларини изоҳлаб беринг.

16-боб. ИСТЕЪМОЛ, ЖАМҒАРМА ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Олдинги боблардан маълумки, барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида йил давомида яратилган маҳсулотнинг йиғиндиси ялпи ички маҳсулот деб аталади. Шу билан ялпи ички маҳсулот ҳаракати тўхтаб қолмайди, балки давом этади ва айирбошлаш, тақсимлаш жараёнларидан ўтиб, ундан кейин турли хил талаб ва эҳтиёжларни қондириш учун истеъмолга бориб тушади. Тақсимланиш жараёнида энг аввало, ундан (ЯИМдан) йил давомида истеъмол қилинган (ейилган) асосий воситалар қиймати яъни аммортизация фонди ажратиб ташланиб соф ички маҳсулот ҳажми аниқланади. Мана шу соф маҳсулотнинг пулдаги ифодаси миллий даромад деб юритилади. Шу миллий даромад тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларидан ўтгандан кейин истеъмол фонди ва жамғарма фондларига ажралади.

Ушбу бобда миллий даромад таркибий қисмлари таҳлили давом эттирилиб, унинг истеъмолнинг мазмуни, турлари ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтиришга ижтимоий тараққиётни амалга оширишга кетадиган қисми бўлган жамғаришнинг иқтисодий мазмуни қараб чиқилади. Уларнинг даражасини аниқловчи асосий омиллар кўрсатиб берилади. Ундан ташқари инвестициянинг мазмуни манбалари, унинг жамғарма билан боғлиқлиги ҳам ёритилади.

16.1. Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Миллий иқтисодиётда яратилган ялпи ички маҳсулотдан шу йилдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланилган асосий воситаларнинг эскирган қисмига (ейилган) тенг миқдорда аммортизация ажратмалари ажратилади. Бу ажратмалар асосий воситаларни қайта тиклаш учун ишлатилади. Ялпи ички маҳсулотнинг

қолган қисми (соф ички маҳсулот) яъни, янгидан вужудга келтирилган маҳсулот сотилгандан кейинги унинг пулдаги кўриниши миллий даромадни ташкил этади. Ундан истеъмол ва жамғариш мақсадларида фойдаланилади. **Кенг маънода истеъмол жамият аъзолари иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланиш жараёнини билдиради.** Бунда унумли ва шахсий истеъмол фарқланади.

Унумли истеъмол бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари, асосий ва айланма воситалардан ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш жараёнини англатади.

Шахсий истеъмол ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида рўй бериб, бунда кишиларнинг истеъмол буюмларидан ва хизматлардан бевосита ўзларининг шахсий эҳтиёжларни қондириш мақсадида фойдаланиши тушунилади.

Шахсий истеъмол ўз навбатида икки турга бўлинади: моддий ҳамда номоддий неъмат ва хизматлар истеъмолидан иборат бўлади.

Моддий истеъмол – эҳтиёжларни қондиришда моддий кўринишдаги неъматлардан фойдаланиш. Буларга озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, турли хил буюмлар, уй-рўзғор буюмлари ва бошқалардан фойдаланишни мисол келтириш мумкин.

Номоддий неъмат ва хизматлар истеъмоли – эҳтиёжларни қондиришда номоддий кўринишдаги неъмат ва хизматларнинг нафли хусусиятларидан фойдаланиш. Буларга билим олиш, мусиқа тинглаш, соғлиқни тиклаш, адвокат хизматидан фойдаланиш ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Якка тартибдаги ёки жамоа бўлиб истеъмол қилиш ҳам фарқланади. **Алоҳида шахснинг ўз ихтиёрида бўлган неъматларни истеъмол қилиши якка тартибдаги истеъмолга, жамият аъзолари турли гуруҳларининг неъматлардан биргаликда фойдаланиши жамоа бўлиб**

истеъмол қилишга киради. Масалан, овқатланиш, кийиниш, бадиий асарлар ўқиш якка тартибдаги истеъмолни, жамоат транспортидан фойдаланиш, ўйингоҳларда спорт ўйинларини томоша қилиш, сиҳат масканларида соғлиқни тиклаш жамоа бўлиб истеъмол қилишни англатади.

Миллий даромаднинг жамият аъзолари моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга сарфланувчи қисми истеъмол фонди деб аталади. Истеъмол фонди бутун аҳолининг шахсий истеъмолини, аҳолига ижтимоий хизмат қиладиган муассасалардаги, шунингдек, илмий муассасалар ва бошқаришдаги барча сарфларни ўз ичига олади.

Истеъмол фондининг шахсий даромад шаклида аҳоли қўлига келиб тушадиган қисми истеъмол сарфлари мақсадида ишлатилади. **Истеъмол сарфлари – бу аҳоли даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми.** Аҳоли ўз даромадини сарфлар экан, бугунги (жорий) истеъмол ҳамда келгусидаги истеъмол ҳажмини ошириш ўртасида танловни амалга оширади.

Келгусида истеъмол ҳажмини ошириш имконияти жорий даврдаги жамғармага ҳам боғлиқ бўлади. **Жамғарма – бу аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва даромад олиш мақсадларида тўпланиб бориши.** Унинг шу йилдаги ҳажми барча хўжаликлар даромадидан истеъмол сарфларини айириб ташлаш йўли билан аниқланади. Даромад таркибида истеъмол сарфлари улуши қанчалик юқори бўлса, жамғарма ҳажми шунчалик кам бўлади. Жамғарманинг ўсиши эса иқтисодий маънода маблағларнинг истеъмол буюмлари харид қилишдан инвестицион товарлар харид қилишга йўналтирилишини билдиради. Шунга кўра, жамғарма – бу муддат жиҳатидан кечиктирилган истеъмолни англатади. Шу билан бирга жорий даврда амалга оширилган жамғарма жорий истеъмолнинг чегирилган қисмидир, чунки жамғарма аҳоли ва корхоналар ихтиёридаги даромаднинг истеъмолга сарфланмаган қисми ҳисобланади:

$$Y=C+S\ ,$$

бу ерда:

Y – барча хўжаликлар ихтиёридаги даромад;

C – истеъмол миқдори;

S – жамғарма миқдори.

Шу сабабли даромад таркибидаги истеъмол сарфлари ва жамғарма нисбатининг ўзгариши бир қатор, баъзан қарама-қарши оқибатларга олиб келиши мумкин. **Биринчидан,** даромадларнинг қандайдир қисмини жамғармага қўйиш оқибатида у товарларда бўлган талабда ўз аксини топмайди. Жамғарма, юқорида таъкидланганидек, даромадларнинг маълум бир қисмини истеъмол қилишдан чегириб қўйишни билдириб, натижада истеъмол сарфлари ҳажми барча ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни сотиб олиш учун етарли бўлмай қолади. Аҳоли даромадининг жамғарилган қисми ўзининг хусусий талабини вужудга келтирмайди. Бунинг натижасида вақтинча сотилмай қолган товарларнинг кўпайиши, ишлаб чиқаришнинг қисқариши ҳолати юз бериши мумкин. Лекин жамғарма талабнинг етишмаслигига олиб келмаслиги ҳам мумкин, чунки жамғарилган маблағлар тадбиркорлар томонидан инвестицион мақсадларда ишлатилади. Бу жамғарма келтириб чиқарадиган истеъмол сарфларидаги ҳар қандай етишмасликни тўлдиради. **Иккинчидан,** корхоналар ҳам ўзининг барча маҳсулотини пировард истеъмолчиларга сотишни кўзда тутмайди, балки унинг бир қисмидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиши мумкин. Шундай қилиб, агар тадбиркорлар аҳолининг жамғармаларига тенг миқдордаги маблағларни инвестицияларга қўйишни амалга оширсалар ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги таъминланиб, доимий бўлиб қолади.

Истеъмол ва жамғарма даражасини аниқлаб берувчи асосий омил миллий даромаднинг ҳажми ва унинг ўзгариши ҳисобланади. Унинг ҳажми ялпи ички маҳсулотдан амортизация ажратмалари ҳамда бизнесга эгри солиқларни чегириб ташлаш орқали аниқланиши 14-бобда айтилган эди.

Лекин миллий даромад таркибида тўғри солиқлар ҳам мавжуд бўлади. Шу сабабли солиқлар тўлангандан кейин **корхоналар ва аҳоли қўлида қоладиган даромад** истеъмол сарфлари ва жамғарма йиғиндисига тенг бўлади. Шахсий истеъмол ва жамғарманинг даражаси бевосита солиқлар тўлангандан кейинги қолган даромад билан аниқланади. Бу даромадни биз таҳлил чоғида ихтиёридаги ёки соф даромад деб атаймиз. Демак, бу даромад истеъмолнинг ҳам, жамғарманинг ҳам умумий омили ҳисобланади. Чунки жамғарма даромаднинг истеъмол қилинмайдиган қисми ҳисобланса, солиқлар тўлангандан кейинги даромад шахсий жамғармани аниқлаб берадиган асосий омил бўлиб чиқади. Ҳар йилги ҳақиқий истеъмол миқдори ва солиқлар тўлангандан кейинги даромад ўртасидаги фарқ шу йилдаги жамғарма миқдорини аниқлайди.

Истеъмол ва жамғарма ҳажми ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик истеъмол ва жамғарма функцияси дейилади. Бу функцияларни баён этишда классик иқтисодчилар ва кейнсчиларнинг нуқтаи назарлари фарқланади. Классик иқтисодчиларнинг фикрига кўра, кишилар ўз маблағларини қўшимча даромад келтирган тақдирда жамғармага йўналтиришга ҳаракат қиладилар. Шунга кўра, банкларнинг реал фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, уларнинг жамғармага қизиқишлари шу қадар кучли бўлади, яъни жамғарма реал фоиз ставкасининг ўсиб борувчи функцияси ҳисобланади. Аҳоли даромадлари истеъмол ва жамғарма маблағларининг йиғиндисидан иборат экан, реал фоиз ставкасининг ўсиши билан истеъмол пасайиб, жамғарма эса кўпайиб боради. Бошқача айтганда, классик иқтисодчилар фикрига кўра истеъмол **реал фоиз ставкасининг пасайиб борувчи функцияси ҳисобланади.**

Ж.М.Кейнс классик иқтисодчиларнинг бу фикрларига қарши чиқиб, уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари реал фоиз ставкасига у қадар боғлиқ эмаслигини, кишилар учун ҳамма вақт жорий истеъмолнинг келгусидаги истеъмолдан афзаллигини таъкидлайди. У истеъмол сарфлари даражасига

таъсир кўрсатувчи асосий омил сифатида уй хўжаликларининг жорий даромадларини кўрсатади. Демак, Кейнс фикрига кўра, истеъмол – уй хўжаликлари жорий даромадларининг ўсиб борувчи функцияси ҳисобланади:

$$C=f(Y)$$

Истеъмол функциясини график кўринишида ҳам тасвирлаш мумкин (16.1-расм). Бунда тик ўққа истеъмол сарфлари, ётиқ ўққа эса аҳоли ихтиёридаги даромад миқдори жойлаштирилади.



16.1-расм. Истеъмол функциясининг графикдаги тасвири.[124]

Ҳар иккала ўқ ўртасидан 45^0 остида ўтувчи 0F тўғри чизиқ истеъмол сарфлари ва ихтиёрдаги (соф) даромаднинг миқдоран тенглигини ифодалайди. 0Y ўқидаги ҳар қандай даромад миқдорини ифодаловчи ушбу чизиқда жойлашган нуқта 0C ўқнинг тегишли миқдордаги истеъмол сарфига тенг бўлади. Бошқача айтганда, уй хўжалиги соф даромаднинг барча ҳажмини тўлиқ истеъмолга сарфлайди. Бироқ, бундай тенглик амалда доимо ҳам рўй беравермайди. Истеъмол сарфлари миқдори баъзида жорий соф даромадлар миқдоридан паст бўлиши, баъзида эса ошиб кетиши ҳам мумкин. Шунинг учун истеъмол эгри чизиғи С соф даромад 0F чизиғига мос тушмай, унга нисбатан маълум даражада оғади. Ҳар иккала чизиқнинг ўзаро кесишган В нуқтаси **«0 даражадаги жамғарма»**ни англатади. Бу нуқтанинг чап томонида истеъмол сарфлари даромад миқдоридан юқори бўлиб, бу **манфий жамғарма** деб аталади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, реал ҳаётда ҳар

[124] Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

доим ҳам истеъмолнинг маълум қисми даромад ҳажмига боғлиқ бўлмайди. Масалан, бирон-бир шахснинг даромади кутилмаганда жуда паст даражага тушиб қолиши мумкин. Бироқ, бу шахс, даромади бунга имкон бермаган тақдирда ҳам, маълум даражада овқатланиш, кийиниш ва бошқа зарур истеъмол харажатларини амалга оширишга мажбур. У мазкур сарфларни ё олдинги даврда жамғарилган даромадлари ҳисобига, ёки ўзгалардан қарз олиш ҳисобига қоплаши мумкин. Иқтисодий адабиётларда истеъмол сарфларининг бу даражаси **автоном** (яъни, жорий соф даромаддан мустақил) **ҳолдаги истеъмол даражаси** дейилади. Бизнинг графигимизда бу даража С0 нуқтадан бошланади.

Расмдаги В нуқтанинг ўнг томони эса **ижобий (мусбат ишорали) жамғарма** деб аталади. Айнан В нуқтада аҳоли даромадлари ва сарфларининг мувозанатига эришилади. Даромад миқдори ошиб борган сари бу мувозанат бузилиб, жамғарма миқдори ортиб боради. Расмдаги даромаднинг Y1 даражасида истеъмол миқдори Е1Е0 кесмадан, жамғарма миқдори эса Е0Е2 кесмадан иборат бўлади.

Жамғарма функциясининг графикдаги тасвири бир оз ўзгача кўринишда бўлади (16.2-расм).



16.2-расм. Жамғарма функциясининг графикдаги тасвири.[125]

Расмдан кўринадики, жамғарма функциясининг графикдаги тасвири истеъмол функцияси тасвирининг акси сифатида

[125] Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

намоён бўлади. Бу графикда ҳам В нуқта 0 даражадаги жамғаришни, 0Y ётиқ чизиғининг 0 даражадан пастки қисми манфий жамғаришни, юқори қисми эса ижобий (мусбат) жамғаришни англатади. E0E2 кесма соф даромаднинг Y1 даражасидаги жамғарма миқдорини кўрсатади.

Истеъмол ва жамғарма ҳажмига даромаддан ташқари яна бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Объектив омиллар алоҳида истеъмолчининг ихтиёрига, идрокига боғлиқ бўлмаган омиллардан иборат бўлиб, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- барча хўжаликлар томонидан жамғарилган мол-мулк даражаси;
- нархлар даражаси;
- реал фоиз ставкалари;
- истеъмолчининг қарздорлиги даражаси;
- истеъмолчиларни солиққа тортиш даражаси.

Субъектив омиллар, асосан, истеъмолчининг ўзига, унинг рухияти ва бозордаги хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлади. Бу омиллар қаторига истеъмол ва жамғаришга бўлган мойиллик, келгусидаги нарх, пул даромадлари, солиқ, товарлар мавжудлиги даражасининг ўзгаришига нисбатан муносабатни киритиш мумкин. Турли омиллар таъсирида истеъмол ва жамғарма даражасининг ўзгаришини шартли маълумотлар асосида тузилган қуйидаги жадвал орқали кўриб чиқамиз (16.1-жадвал).

16.1-жадвал

Истеъмол ва жамғарма даражаси, млрд.сўм (шартли рақамлар асосида) [126]

Йил-лар	Даромад даражаси (Y)	Истеъ-мол (C)	Жам-ғарма (S)	Истеъмолга ўртача мойиллик (C : Y)	Жамға-ришга ўртача мойиллик (S : Y)	Истеъмолга кейинги қўшилган мойиллик (ΔC : ΔY)	Жамғаришга кейинги қўшилган мойиллик (ΔS : ΔY)
2010	1500	1300	200	0,87	0,13	-	-
2015	1800	1500	300	0,83	0,17	0,67	0,33
2019	2200	1700	500	0,77	0,23	0,50	0,50

[126] Манба: Муаллиф томонидан тахминий рақамлар асосида тузилган.

Жадвалдан кўринадики, йиллар давомида соф даромад ҳажми ошиб бориши билан унинг истеъмол ва жамғармага сарфланиши ўртасидаги нисбат ўзгариб бормоқда. Истеъмолчиларнинг даромадлари қанчалик ўсиб борган сари уларнинг жамғармага бўлган мойилликлари шунчалик ошиб боради. Буни истеъмол ва жамғармага бўлган ўртача ва кейинги қўшилган мойиллик кўрсаткичлари орқали ҳам кузатиш мумкин.

Даромадларнинг истеъмолга сарфланадиган улуши истеъмолга ўртача мойиллик (ИЎМ) дейилади:

$$ИЎМ = \frac{Истеъмол\ сарфлари\ хажми}{Даромадлар\ хажми} = \frac{C}{Y}.$$

Даромадларнинг жамғармага кетадиган улуши эса жамғармага ўртача мойиллик (ЖЎМ) дейилади:

$$ЖЎМ = \frac{Жамгарма\ хажми}{Даромадлар\ хажми} = \frac{S}{Y}.$$

Бизнинг мисолимизда (16.1-жадвал) йиллар давомида даромад ҳажми ошиб бориши билан ИЎМ пасайиб, ЖЎМ эса ўсиб бормоқда. Шуниси аҳамиятлики, истеъмолга ва жамғармага ўртача мойиллик кўрсаткичлари истеъмол ва жамғарманинг даромаддаги улушини англатар экан, улардан бирининг қандайдир миқдорга ўзгариши бошқа бирининг ҳам тескари йўналишда худди шундай миқдорга ўзгаришига олиб келади. Қисқача айтганда, бўлади. Шунингдек, истеъмол ёки жамғармага кейинги қўшилган мойиллик кўрсаткичи ҳам аҳамиятлидир. Бу кўрсаткич истеъмолчи даромадининг навбатдаги ўзгариши унинг истеъмол ва жамғармага нисбатан муносабати қандай ўзгаришини акс эттиради. Даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида истеъмол сарфлари ҳажмининг ўзгариши даражаси истеъмолга кейинги қўшилган мойиллик (ИҚМ) дейилади, яъни:

$$ИКМ = \frac{Истеъмолдаги\ узгариш}{Даромаддаги\ узгариш}$$

Даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида жамғарма ҳажмининг ўзгариши даражаси жамғармага кейинги қўшилган мойиллик (ЖҚМ) дейилади, яъни:

$$ЖКМ = \frac{Жамгармадаги\ узгариш}{Даромаддаги\ узгариш} = \frac{\Delta S}{\Delta Y}.$$

Демак, соф даромаднинг ўсган қисми ҳам ё истеъмолга, ёки жамғармага сарфланади. Бу сарфланган қисмлар ўртасидаги нисбат ўзгарган тақдирда ҳам уларнинг умумий йиғиндиси 1га тенг бўлади, яъни:

$$\frac{\Delta C}{\Delta Y} + \frac{\Delta S}{\Delta Y} = 1{,}0.$$

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, тадбиркорлик фаолиятининг самарали амалга ошишида жамғариш жараёнларининг аҳамияти беқиёсдир. Шунга кўра, жамғаришнинг моҳияти, унинг омиллари ва самарадорлиги кўрсаткичларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

16.2. Жамғаришнинг моҳияти, омиллари ва самарадорлиги

Жамғариш иқтисодиётдаги ялпи сарфларнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, инвестицион тавсифдаги товарларга талаб даражасини белгилаб беради. Инвестициялар жамғаришнинг амалда намоён бўлиш шакли бўлганлиги сабабли дастлаб, таҳлилни жамғаришнинг моҳияти, омиллари ва самарадорлигини назарий жиҳатдан асослаш билан бошлаймиз.

Жамғариш – миллий даромаднинг бир қисмининг (жамғарманинг) асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёт захираларини кўпайтириш учун сарфланишидир.

Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, жамғарма суммаси билан

жамғариш (сарфланиш) суммаси бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Чунки жамғарилган суммадан аҳоли узоқ муддатли истеъмол товарларини сотиб олишга, тўй-ҳашамга, уй қуришга ишлатиши мумкин. Жамғарма маблағларнинг тўпланишини билдирса, жамғариш унинг сарфланишини билдиради.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги жамғариш бир-биридан фарқланади. Жамғарилган маблағларнинг моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосий капиталларини ва айланма маблағларини кенгайтиришга кетадиган қисми ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғариш суммасини ҳосил қилади. Ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғариш иқтисодий ўсишнинг муҳим омилидир.

Ижтимоий-маданий соҳадаги жамғариш (ноишлаб чиқариш жамғариши) уй-жой фондини, касалхоналар, ўқув муассасалари, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт муассасалари, яъни номоддий соҳа ва тармоқларни кенгайтириш, реконструкциялаш, янгилашга сарфланади. Ноишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг зарур шартидир.

Жамғариш суммаси, унинг ҳажми ва таркиби такрор ишлаб чиқариш суръатларини белгилаб берадиган ҳал қилувчи омиллардир. Жамғариш нормаси бевосита жамғариш суммасининг бутун миллий даромад ҳажмига нисбати билан аниқланади:

$$ЖН=(ЖС/МД)\ X\ 100\%$$

бунда: ЖН - жамғариш нормаси;

ЖС - жамғариш суммаси;

МД - миллий даромад.

Жамғариш нормасининг ҳам ўз чегараси бўлиб, уни меъёридан ошириш иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиб чиқиши ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, унинг ҳаддан ташқари ортиши натижасида истеъмол фондининг ҳажми камайиши, инвестицион сарфлар самарадорлиги

пасайиб кетиши мумкин, чунки капитал маблағлар ҳажми билан қурилиш ташкилотларининг қувватлари, материаллар ва ускуналар етказиб бериш имкониятлари, инфратузилманинг ривожланиши ўртасида номутаносиблик пайдо бўлади. Оқибатда иқтисодий ўсиш пасайиб кетиш тамойилига эга бўлади. Шундай қилиб, жамғариш ҳажми иқтисодий ўсиш суръатлари ва сифатига фақат ўзининг миқдори билангина ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб қолмайди. Фан-техника революцияси шароитида улардан фойдаланиш самарадорлиги биринчи ўринга чиқади.

Жамғариш ҳажми миллий даромаднинг бир қисмини ташкил этади ва шу сабабли миллий даромад ҳажми кўпайишини белгилайдиган омиллар жамғариш миқдорини ҳам белгилаб беради. Бу омиллардан асосийси қўлланиладиган ресурслар массаси ва уларнинг унумдорлигидир. Жамғариш миқдори ишлаб чиқариш жараёнида хомашё, материаллар, энергияни тежаб-тергаб сарфлашга ҳам боғлиқ. Маҳсулот бирлигига уларни сарфлашни камайтириш моддий воситаларнинг ўша миқдорида маҳсулотларни кўпроқ ҳажмда ишлаб чиқаришга имкон беради.

16.3. Инвестициялар ва унинг даражасини белгиловчи омиллар

Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилиши мумкин. Пул маблағлари кўринишидаги инвестиция **номинал инвестиция,** ана шу пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслар реал инвестиция дейилади.

Инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар – инвестицион фаолият, инвестицияларни амалга оширувчи шахс – инвестор дейилади.

Инвестицияларнинг манбаларидан бири бўлиб, барча корхоналар ва аҳоли кенг қатламларининг жамғармалари ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, амалда жамғарма эгаси ва инвестор бир шахсда намоён бўлиши ва бўлмаслиги ҳам мумкин. Одатда, жамғарма жамиятдаги кўпчилик субъектлар томонидан амалга оширилиб, улардан инвестиция сифатида фойдаланиш эса бутунлай бошқа субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, иқтисодиётда фаолият юритувчи саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар жамғармаси ҳам инвестиция манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда «жамғарувчи» ва «инвестор» бир субъектда мужассамлашади.

Инвестиция фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

- инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва ҳ.к.);
- қарз олинган молиявий маблағлар (облигация заёмлари, банк кредитлари);
- жалб қилинган молиявий маблағлар (акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай ва бошқа тўловлари);
- давлат бюджети маблағлари;
- чет элликлар маблағлари.

Мамлакатимизда инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари тузилиши ҳам йиллар давомида ўзгариб бормоқда (16.2-жадвал).

Асосий капиталга инвестициялар ва уларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби (фоизда)[127]

Кўрсаткичлар	2010	2012	2014	2016	2018	2019
Асосий капиталга инвестициялар, млн. сўм	15409,1	22067,0	35233,3	49476,8	107333,0	189924,3
Жами, фоизда	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**
Давлат бюджети	7,8	5,1	4,5	4,5	3,8	7,6
Корхоналар жамғарма маблағлари	32,1	30,3	32,3	53,0	28	20,7
Аҳоли жамғарма маблағлари	15,2	20,5	22,4		11,3	8,6
Ҳукумат томонидан кафолатланган хорижий инвестициялар	4,8	4,5	4,2	21,3	15,5	14,7
Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар	24,0	17,2	15,6		13,7	19,6
Тижорат банклари кредитлари	9,1	11,4	11,2	11,1	14,9	13,1
Нобюджет фондлар маблағлари	7,0	11,0	9,5	10,1	12,5	14,8
Бошқа қарз маблағлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,3	0.9

Жумладан, йилдан йилга давлат бюджети маблағларининг улуши камайиб, корхона маблағлари, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳамда нобюджет фондлар маблағларининг улуши ошиб бормоқда.

Республикамизда 2019 йилда асосий капитални ривожлантириш мақсадида киритилаётган маблағнинг катта қисмларини корхоналар жамғармалари (20,7 фоиз) ва тўғридан тўғри хорижий инвестициялар (19,6 фоиз) ташкил этади.

Инвестицияларга сарфлар даражасини иккита асосий омил белгилаб беради:

1) инвестиция сарфларидан кутилаётган фойда нормаси;

2) фоиз ставкаси.

Инвестицияларга қилинадиган сарфларнинг ҳаракатлантирувчи кучи, рағбатлантирувчи туртки **фойда** олишни кўпайтириш ҳисобланади. Тадбиркорлар ишлаб чиқариш воситаларини улар фойда келтирадиган бўлсагина сотиб оладилар.

[127] Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

Инвестициялар даражасини белгилайдиган иккинчи омил фоизнинг реал ставкаси ҳисобланади. **Фоиз ставкаси – реал капитални сотиб олиш учун банкдан олинган ссуда капиталига корхона тўлаши лозим бўлган пул миқдорининг фоиздаги ифодаси.**

Инвестиция даражасига кутилаётган соф фойда нормаси ва фоиз ставкасидан ташқари бошқа қуйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

1) машина ва ускуналарни харид қилиш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

2) тадбиркорлардан олинадиган солиқ миқдори;

3) технологик ўзгаришлар.

Ялпи сарфлар таркибининг инвестиция сарфларига оид қисми ялпи хусусий ички инвестициялар деб юритилади. Шунга кўра ялпи ва соф инвестицияларни ҳам бир-биридан фарқлаш зарур.

Ялпи инвестициялар жорий йил давомида истеъмол қилинган асосий капитални қоплашга мўлжалланган (амортизация) ҳамда иқтисодиётдаги капитал ҳажмига ҳар қандай соф қўшимчалардан иборат барча инвестицион товарларни жалб қилишни ўз ичига олади. Соф инвестициялар эса жорий йил давомида қўшимча равишда жалб қилинган инвестицион товарлардан иборат. Бошқача айтганда, соф инвестиция ялпи инвестиция билан амортизация ажратмаларининг айирмасига тенг. Соф инвестиция асосий ва айланма капиталнинг ўсишини таъминлайди.

Ялпи инвестициялар билан амортизация ҳажми ўртасидаги нисбат иқтисодиёт ривожланиш ҳолатининг кўрсаткичи ҳисобланади. Ушбу расмда ялпи ва соф инвестициялар ҳамда амортизация нисбати ўзгаришининг ўсувчи, турғун ва қисқарувчи иқтисодиётларга таъсирини кўришимиз мумкин (16.3-расм).



16.3-расм. Ялпи инвестиция ҳамда амортизация нисбати ўзгаришининг иқтисодиё таъсири.

Расмдан кўринадики, ялпи инвестициялар таркибида соф инвестициялар ҳажмининг аҳамиятли даражада бўлиши йил

охирида капитал ҳажмининг ўсишига ҳамда, пировардида иқтисодиётнинг ўсишига олиб келади. Турғун иқтисодиёт шароитида эса ялпи инвестициялар фақат амортизация ажратмалари, яъни истеъмол қилинган капитални қоплаш фонди ҳажмига тенг бўлиб, йил охирида капитал миқдори ўзгармай қолади.

Ялпи инвестицияларнинг истеъмол қилинган капитални қоплаш фонди ҳажмидан ҳам оз бўлиши йил охирида капитал миқдорининг қисқаришига ва бунинг оқибатида, иқтисодиёт кўрсаткичларининг пасайиб кетишига олиб келади.

Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги макроиқтисодий мувозанатга эришиш барқарор иқтисодий ўсишнинг шарти ҳисобланади. Бироқ, бу мувозанатга эришиш доимо осон кечавермайди. Бунга сабаб инвестиция даражаси ҳамда жамғарма даражасининг бошқа-бошқа жараён ва ҳолатларга боғлиқлиги ҳисобланади.

Инвестиция ва жамғарма ўртасидаги мувозанатни таъминлаш борасида бир қатор назарий қарашлар фарқланади. Бу борада энг аввало классик иқтисодчиларнинг қарашларини кўриб чиқамиз.

16.4. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги нисбатни таъминлаш муаммолари

Классик иқтисодчилар нуқтаи назаридаги энг марказий ҳолат – бу улар томонидан фоиз ставкасининг ҳам инвестициянинг, ҳам жамғарманинг функцияси сифатида қаралиши ҳисобланади (16.4-расм).



16.4-расм. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг классик модели.

Расмдан кўринадики, классик моделни тузишда тик ўқ бўйича реал фоиз ставкаси, ётиқ ўқ бўйича эса жамғарма ва инвестиция ҳажми кўрсаткичлари жойлаштирилган. Инвестиция ва фоиз ставкаси ўртасида тескари функционал боғлиқлик мавжуд: фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, инвестиция ҳажми шу қадар паст бўлади ва аксинча. Жамғарма эса тўғри, ўсувчи функционал боғлиқликка эга, яъни фоиз ставкасининг юқори бўлиши жамғарма даражасининг ҳам юқори бўлишига олиб келади.

Иқтисодиётдагиинвестицияважамғармаҳажмлариўртасида мувозанат (Е нуқта)га эришиш учун фоиз ставкасининг r0 даражаси таъминланиши лозим. Фоиз ставкаси даражасининг мувозанат даражасидан четланиши (r1 – паст ва r2 – юқори бўлган ҳолатлар) инвестиция ва жамғарма ҳажми ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Фоиз ставкасининг r1 даражасида инвесторлар учун қулай нархларнинг вужудга келиши инвестицион ресурсларга бўлган талабни оширади, бироқ бундай даражада жамғарма учун рағбат пасайиб кетади. Натижада инвестицион ресурслар тақчиллиги пайдо бўлади. r2 даражада эса барча субъектлар учун жамғарманинг нафлилиги ошади, бироқ бундай фоиз даражасида барча инвесторлар ҳам ўз фаолиятининг фойдалилигини таъминлай олмайдилар. Натижада жамғарманинг аҳамиятли қисми инвестицияларга айлана олмайди.

Кейнсчиларнинг инвестиция ва жамғарма ўртасидаги мувозанат модели ўз тузилишига кўра классик моделдан фарқ қилади. Бунда энг марказий нуқта – Ж.М.Кейнс томонидан жамғарма фоиз ставкасининг эмас, балки даромаднинг функцияси деб қаралиши ҳисобланади: $S=S(Y)$. Инвестиция эса, классик моделдаги сингари, фоиз ставкасининг функцияси деб олинади: $I=I(r)$. Яъни, кейнсча концепциянинг асосида жамғариш ва инвестиция даражаларининг бошқа-бошқа омиллар таъсирида ўзгариши ётади. Кейнсча моделнинг моҳиятини қуйидаги расм орқали изоҳлаш мумкин (16.5-расм).



16.5-расм. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг кейнсча модели.

Расмдан кўринадики, график кўрсаткичларининг жойлашуви ҳам классик моделдан фарқ қилади. Тик ўқда жамғарма (S) ва инвестиция (I) даражаси, ётиқ ўқда эса миллий даромад даражаси (NI) жойлашган. Иқтисодиётдаги жамғарма даражаси миллий даромад ҳажмига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Миллий даромад ҳажми амалда инвестиция даражасига ҳам таъсир кўрсатсада, мазкур моделда уни миллий даромадга боғлиқ бўлмаган, яъни автоном ҳолда берилади. Графикда инвестиция ва жамғарма эгри чизиқлари Е нуқтада кесишади. Агар иқтисодиётдаги тўла бандлик ҳолатига миллий даромаднинг F даражасида эришилади, деб тасаввур қилсак, у ҳолда бу даражада инвестиция ва жамғарма мувозанатини (EF нуқта) таъминлаш учун инвестиция IF даражада бўлишига эришиш лозим бўлади. Бироқ, Кейнс талқинига кўра, инвестиция ва жамғарма даражасининг мувозанати тўла бандлик бўлмаган шароитда ҳам таъминланиши мумкин: графикдаги миллий даромаднинг N ҳажмида айнан шу ҳолатга (Е нуқта) эришилади.

Инвестиция ва жамғарма даражалари мувозанатининг классик ва кейнсча моделлари ўртасидаги фарқ қуйидагилар орқали намоён бўлади: **биринчидан,** классик моделда бу мувозанат рўй бериши учун иқтисодиётнинг доимий равишда тўла бандлик ҳолатида бўлиши тақозо этилади. Кейнсча моделда эса, юқорида кўриб чиқилганидек, бу мувозанатга тўла бандлик бўлмаган ҳолатда ҳам эришиш мумкин; **иккинчидан,** классик моделда нарх механизми жуда ҳаракатчан бўлади.

Кейнсча моделда нархнинг бундай мослашувчанлиги инкор этилади; **учинчидан,** юқорида таъкидланганидек, классик моделда жамғарма фоиз ставкасининг функцияси сифатида, кейнсча моделда эса даромад функцияси сифатида қаралади. Демак, юқоридагилардан кўринадики, жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг кейнсча модели классик моделга нисбатан асосланган, реал ҳаёт, яъни иқтисодиётнинг тўла бандлиги мавжуд бўлмаган ҳолатга нисбатан ҳам татбиқ этилиб, такомиллаштирилган модель ҳисобланади. Шунга кўра, биз ҳам макродаражадаги бошқа муаммоларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилишда, асосан, ушбу моделдан фойдаланамиз.

16.5. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни кучайтириш ва унинг шарт-шароитлари

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар инвестиция жараёнларининг фаоллашувини тақозо этмоқда. Иқтисодиётда янги тармоқ ва соҳаларнинг йўлга қўйилиши, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайтирилиши, иш ўринларининг ташкил этилиши тобора кўпроқ маблағ ва ресурсларни жалб қилишни рағбатлантирмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестицион фаолият тобора ошиб бормоқда (16.3-жадвал).

16.3-жадвал

Инвестиция фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, (млрд. сўм)[128]

Таркибий қисмлар	2010	2012	2014	2016	2017	2018	2019
Асосий капиталга киритилган инвестициялар - жами	15338,7	22797,3	35233,3	49476,8	60719,2	107333,0	189924,3
Чет эл инвестициялари ва кредитлари	4340,8	4653,3	7132,6	10829,2	12395,2	31350,0	86653,1
Қурилиш ишлари	8245,8	11753,9	20060,4	29265,5	32436,3	47260,7	82339,0

[128] Манба: Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. Тошкент – 2018.

Жадвалдан кўринадики, агар 2010 йилда асосий капиталга 15338,7 млрд. сўмни, чет эл инвестициялари ва кредитлари 4340,8 млрд.сўм, қурилиш ишлари учун 8245,8 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилган бўлса, 2019 йилга келиб асосий капиталга 189924,3 млрд.сўмни, чет эл инвестициялари ва кредитлари 86653,1 млрд.сўм, қурилиш ишлари учун 82339,0 млрд.сўм миқдорида инвестициялар киритилди. Бу эса, жалб этилаётган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигининг ўсишига аҳамиятли даражада таъсир кўрсатади.

Асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатларини молиялаштириш манбалари бўйича энг юқори кўрсаткич кафолатланмаган ҳамда бошқа хорижий инвестиция ва кредитларда кузатилиб, 2018 йилга нисбатан 4,1 марта ўсди. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилган инвестицияларда ҳам юқори ўсиш суръатлари – 3,6 мартага ўсиш кузатилиб, бу маҳсулот тақсимоти келишуви шартлари асосида газ-кимё мажмуаси қурилиши билан “Мустақилликнинг 25 йиллиги” конларида қидирув ишларини якунлаш ва ишлар олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси инвестиция блокларида (Култак-Қамаши, Муборак, Сурхон, Ашибулоқ ва Коскуд, Ғарбий Фарғона инвестиция блоклари) нефтьюь-газ конларига ишлов бериш ва геологик қидирув ишларини амалга ошириш, ҳудудларда цемент ишлаб чиқаришини ташкил этиш, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби йирик инвестиция лойиҳаларининг жадал ўзлаштирилгани билан боғлиқ.

Президентимиз Ш.Мирзиёев мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестицияларни киритишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб, Миллий банк инвестиция фаолиятига ўз маблағлари билан бирга, ташқаридан молиялаштириш манбаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши кераклигини ҳам айтиб ўтди.[129]

[129] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг

2010 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми 15409,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 189924,3 млрд. сўмга етди. Инвестиция соҳасида шаклланган ижобий динамика иқтисодиётнинг ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди (16.4-жадвал).

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга инвестициялар динамикаси тўғрисида маълумот[130]

ЙИЛЛАР	*ЖОРИЙ НАРХЛАРДА, МЛРД. СЎМ.*	*ЎТГАН ЙИЛГА НИСБАТАН ЎСИШ (ФОИЗДА)*
2010	*15409,1*	*109,2*
2011	*18291,3*	*107,9*
2012	*22067,0*	*112,7*
2013	*28694,6*	*112,1*
2014	*35233,3*	*109,9*
2015	*40737,3*	*109,6*
2016	*49476,8*	*109,6*
2017	*60719,2*	*107,1*
2018	*107333,0*	*118,1*
2019	*189924,3*	*133,9*

Бу соҳада ўтган давр мобайнида кўзга ташланувчи ўта муҳим жиҳат республикамизда инвестиция фаоллигининг сезиларли даражада ошганлигидир. Айниқса, мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини яхшилаш ва хорижий сармояларни жалб этиш жараёнларига бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш чора-тадбирларининг таъсири аҳамиятли бўлди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида қайта ишлаш саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 51433,3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 27,1 % ўзлаштирилган. Унинг

кундалик қоидаси бўлиши керак”. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

[130] Манба: Ўзбекистон рақамларда статистик тўплам. Тошкент – 2016.

таркибида энг кўп инвестициялар ўзлаштирилган 3 та фаолият турлари қуйидагилар:

- тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10719,0 млрд. сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 5,6 %);
- бошқа нометал минерал маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8991,7 млрд. сўм (4,7 %);
- металлургия саноати 8956,9 млрд. сўм (4,7 %).

Қайта ишлаш саноати бўйича жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 33,3 % ёки 28854,4 млрд. сўм хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилган бўлиб, унинг таркибида юқори кўрсаткичларни тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 9,0 % ёки 7796,3 млрд. сўм, бошқа нометал минерал маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 7,6 % ёки 6617,6 млрд. сўм, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 5,3 % ёки 4591,7 млрд. сўм ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди.

Электр, газ билан таъминлаш фаолият турида ҳам катта ҳажмда хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиб, жами 16734,1 млрд. сўм ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 19,3 %и ўзлаштирилди.

Тоғ-кон саноатида эса 15124,8 млрд. сўмни ёки жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмида 17,5 % ни ташкил этди.

Хулосалар

1. Миллий иқтисодиётда ЯИМнинг асосий қисми янгидан вужудга келтирилган соф ички маҳсулот бўлиб, унинг сотилгандан кейинги пулдаги ифодаси миллий даромад деб юритилиб, у истеъмол ва жамғарма мақсадларида сарфланади.
2. Кенг маънода истеъмол жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш жараёнида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланишни билдириб, унумли ва шахсий истеъмолга ажралади.
3. Жамғарма – бу аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий

даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва фоизли даромад олиш мақсадларида тўпланиб бориши. Унинг ҳажми барча хўжаликлар даромадидан истеъмол сарфларини айириб ташлаш йўли билан аниқланади.

4. Истеъмол ва жамғарма ҳажми ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омилар ўртасидаги боғлиқлик истеъмол ва жамғарма функцияси дейилади. Бу функцияларни баён этишда классик иқтисодчилар ва кейнсчиларнинг нуқтаи назарлари фарқланади. Классик иқтисодчиларнинг фикрига кўра, жамғарма банкларнинг реал фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, уларнинг қизиқишлари шу қадар кучли бўлади. Ж.М.Кейнс классик иқтисодчиларнинг бу фикрларига қарши чиқиб, хўжаликларнинг истеъмол сарфлари реал фоиз ставкасига у қадар боғлиқ эмаслигини, кишилар учун ҳамма вақт жорий истеъмолнинг келгусидаги истеъмолдан афзаллигини таъкидлайди. У истеъмол сарфлари даражасига таъсир кўрсатувчи асосий омил сифатида хўжаликларнинг жорий даромадларини кўрсатади.

5. Истеъмолчиларнинг даромадлари ўсиб борган сари уларнинг жамғаришга бўлган мойилликлари шунчалик ошиб боради.

6. Амалда жамғариш капитал маблағлар ёки инвестицион сарфлар шаклида юзага чиқиб, у янги капитални ҳосил қилиш, ишлаб турганларини кенгайтириш, реконструкциялаш ва янгилашга қилинадиган харажатларни ифодалайди.

7. Жамғариш суммаси миллий даромаднинг бир қисмини ташкил этади ва шу сабабли миллий даромад ҳажми кўпайишини белгилайдиган омиллар жамғариш миқдорини ҳам белгилаб беради. Бу омиллардан асосийси қўлланиладиган ресурслар массаси ва уларнинг унумдорлигидир.

8. Инвестициялар – асосий ва айланма капитални кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга пул шаклидаги қўйилмадир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади. Пул маблағлари кўринишидаги инвестиция

номинал инвестиция, ана шу пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслар реал инвестиция дейилади.

9. Инвестицияларга сарфлар даражасини иккита асосий омил белгилаб беради: 1) инвестиция сарфларидан кутилаётган фойда нормаси; 2) фоиз ставкаси.

10. Статистик маълумотлар динамикаси шундан далолат берадики, мамлакатимиз иқтисодиётига сарфланаётган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бориш тенденциясига эга.

Асосий таянч тушунчалар:

Истеъмол – жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш натижалари ва омилларидан фойдаланиш жараёни.

Шахсий истеъмол – истеъмолчилик тавсифидаги неъматлар ва хизматлардан бевосита фойдаланиш, яъни уларнинг индивидуал тарзда истеъмол қилиниши.

Унумли истеъмол – ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан фойдаланиш.

Истеъмол сарфлари – аҳоли даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми.

Жамғариш – аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва фоизли даромад олиш мақсадида тўплаб борилиши.

Истеъмолга ўртача мойиллик – даромадларнинг истеъмолга кетадиган улуши.

Жамғаришга ўртача мойиллик – даромадларнинг жамғаришга кетадиган улуши.

Истеъмолга кейинги қўшилган мойиллик – даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида истеъмол сарфлари ҳажмининг ўзгариши даражаси.

Жамғаришга кейинги қўшилган мойиллик – даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида жамғариш ҳажмининг ўзгариши даражаси.

Иқтисодий жамғариш – миллий даромаднинг бир қисмининг асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёт ва захираларни кўпайтириш учун сарфланиб бориши.

Жамғариш нормаси – жамғариш суммасининг миллий даромадга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Инвестиция – ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга, яъни асосий ва айланма капиталга пул шаклидаги қўйилма.

Инвестициялар самарадорлиги – миллий даромад (фойда)нинг ўсган қисмининг инвестицион сарфлар суммасига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Истеъмол, жамғарма ва инвестицияларнинг иқтисодий мазмунини қисқача таърифланг.
2. Истеъмол ва жамғарманинг миқдорини аниқловчи асосий омилларини санаб кўрсатинг.
3. Истеъмол ва жамғарма функцияларининг графикдаги тасвирини чизиб, уларга шартли рақамлар қўллаган ҳолда тушунтиринг.
4. Манфий ва мусбат (ижобий) жамғарма нима ва уларнинг графикдаги жойлашиши қандай бўлади?
5. Жамғариш нормаси қандай аниқланади? Унга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
6. Истеъмолга ва жамғармага ўртача мойиллик деганда нимани тушунасиз? Истеъмол ва жамғармага қўшилган мойиллик қандай аниқланади?
7. Инвестицияларга сарфларнинг даражасини қандай омиллар белгилаб беради? Уларнинг қисқача тавсифини беринг.
8. Ялпи инвестиция ва амортизация нисбати ўзгаришининг иқтисодиётга таъсири қандай?
9. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг классик моделининг моҳиятини тушунтириб беринг.

10. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг кейнсча моделининг моҳиятини ҳамда классик моделдан фарқини тушунтириб беринг.

17-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ, ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА МИЛЛИЙ БОЙЛИК

Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли – бу миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий ўсишига эришишдир. Аҳоли фаровонлигининг ошиб бориши ҳам пировард натижада иқтисодий тараққиёт ва ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ. Ушбу бобда иқтисодий тараққиётнинг моҳияти, унинг даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари, кўрсаткичлари ва омиллари баён қилинади, шунингдек, иқтисодий ўсиш борасида мавжуд бўлган турли хил назариялар, концепциялар ва моделлар мазмунини ёритишга муҳим ўрин ажратилган. Рақамли иқтисодиёт тушунчаси ва уни қўллашнинг аҳамияти ёритилади. Ушбу бобда миллий бойлик ва унинг таркибий тузилиши каби масалаларга алоҳида эътибор берилади.

17.1. Иқтисодий тараққиётнинг мазмуни ва кўрсаткичлари

Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳалари, тармоқлари ва ҳудудларида пухта асосланиб амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида йилдан-йилга барқарор ўсиб бораётгани мустақил тараққиёт йўлининг йўналиши нақадар тўғри танланганлигини кўрсатиб турибди. Лекин иқтисодий адабиётларда асосан иқтисодий ўсиш ҳақида гап юритилиб, иқтисодий тараққиёт муаммосига кам эътибор берилмоқда.

Иқтисодий тараққиёт жуда кенг қамровли муаммо бўлиб, уни бу ерда ҳар тарафлама ва батафсил ёритиб бера олмаймиз,

балки унинг айрим бизнингча муҳим жиҳатларига тўхталамиз.

Иқтисодий тараққиёт ва иқтисодий ўсиш тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараёнлар бўлсада, улар бир-биридан мазмунан фарқ қилади. Иқтисодий тараққиёт узоқ муддатли ва кенг қамровли жараён бўлиб, кенгайган такрор ишлаб чиқаришга асосланган ҳолда ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий муносабатларнинг ўзаро зиддиятда ва таъсирда бўлиб, тўхтовсиз ривожланишида ўз аксини топади.

Иқтисодий тараққиёт жараёни циклик тавсифига эга бўлиб, фақатгина иқтисодий ўсиш жараёнинигина эмас, шу билан бирга иқтисодий инқироз, турғунлик, жонланиш ва юксалиш жараёнларини ҳам қамраб олиб, гоҳ ўсиб, гоҳ пасайиб тўлқинсимон тарзда ривожланиб боради. Иқтисодий тараққиётнинг мазмунини аниқ билиш учун аввало, тараққиёт тушунчасининг ўзи нималигини, унинг мазмунини тушуниш муҳимдир. Албатта жамият тараққиёти ҳақида турли даврларда ҳар хил мутафаккирлар, файласуфлар томонидан турли-туман ғоялар, назариялар илгари сурилган бўлиб, уларнинг ичида тараққиёт ҳақида аниқроқ таъриф сифатида немис мумтоз фалсафасининг йирик намоёндаси Гегелнинг таърифи эътиборга сазовордир.

Унинг таълимотига кўра тараққиёт муайян бир нарса, воқеа ҳодиса ва жараёнларнинг маълум томонга, яъни пастдан юқорига, оддийликдан мураккабликка томон йўналтирилган ҳаракатининг бир кўринишидир.

Ушбу фалсафий таърифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, иқтисодий тараққиёт иқтисодиётнинг маълум бир томонга яъни пастдан юқорига, оддийликдан мураккабликка томон йўналтирилган тўхтовсиз содир бўладиган тўлқинсимон ҳаракатидир. Иқтисодий тараққиёт замон ва макон жиҳатдан кенг қамровли бўлиб, узоқ даврларни қамраб олади ва бир қанча босқичларни босиб ўтади. Бунда ҳар бир янги прогрессивроқ босқич ўзидан олдинги босқични инкор этади ва кейинроқ бориб ўзидан кейинги, бундан кўра прогрессив бўлган босқичга ўз ўрнини бўшатиб беради, тўғрироғи кейинги прогрессивроқ

бўлган босқич томонидан инкор этилади. Иқтисодий тараққиёт бир-бирига қарама-қарши бўлган икки томоннинг ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий муносабатларнинг бирлигида ва уларнинг ўзаро диалектик таъсирида рўй беради. Албатта бунда ишлаб чиқарувчи кучлар: табиат, капитал (бунда меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш воситалари кўзда тутилади), ишчи кучларининг ривожланиши фаол роль ўйнайди, яъни уларнинг ривожланиб бориши иқтисодий муносабатларнинг ҳам ўзгаришига яъни биринчисининг ривожланиш даражасига мослашишига олиб келади. Иқтисодий муносабатлар ҳам ўз навбатида ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига таъсир кўрсатади. Агар у мос келса ижобий, мос келмаса салбий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий тараққиёт кўп қиррали бўлганлиги учун у кўпгина кўрсаткичларда ифодаланади. Уларнинг асосийлари:

1. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг (меҳнат предметлари, меҳнат қуроллари, ишчи кучи) ривожланиш даражаси меҳнатнинг энергия янги техника ва технология билан қурольланиш даражалари билан белгиланади. Бу кўрсаткичларнинг қанчалик ривожланганлиги ишлаб чиқариш омиллари: меҳнат, капитал, ер унумдорлиги кўрсаткичларининг ўсишида ўз ифодасини топади;
2. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини модернизациялаш, таркибий ўзгартириш, диверсификациялаш жараёнларининг бориши;
3. Фан техника ва технологиялар тараққиёти, рақамли иқтисодиёт тизимларидан унумли фойдаланиш ва мамлакат иқтисодий қувватининг юксалиши;
4. Иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб, шу даврдаги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражаси ва сифатига мос келиши ва улар ривожланишини рағбатлантириш даражаси. (Бунда мулкчилик айирбошлаш, тақсимот, истеъмол муносабатларининг ривожланганлик даражаси);
5. Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари: ЯИМ ва миллий даромад ҳажмининг алоҳида олинган йиллар бўйича ўсиши ва

аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорининг ўсиши;

6. Иқтисодиётнинг мувозанатли ва мутаносибли ривожланиб ортиқча (талабдан ошиқ) ишлаб чиқариш, беҳуда сарф харажатларнинг, охир оқибатда инқирозларнинг олдини олиш даражасига;

7. Инсон ҳаёти фаровонлигининг миқдор ва сифат жиҳатдан ўсиш даражалари;

8. Капитал, жамғариш ва инвестицияларнинг ўсиши;

9. Қўшимча маҳсулот миқдорининг кўпайиб бориши.

Шуни таъкидлаш жоизки, қўшимча маҳсулот кўрсаткичи ҳамма босқичларда тараққиётнинг натижаси, унинг мезони ва кейинги ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Лекин иқтисодий адабиётларда бу ҳақда жуда кам тўхталади ёки умуман тўхталмайди. Чунки у жуда кам ўрганилган муаммо бўлиб, кўпчилик тадқиқотчилар четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Бунинг устига у ҳозирги даврдаги статистик маълумотларда, бухгалтерия ҳисоботларида аниқланмайди ва бинобарин кўрсатилмайди. Лекин унинг миқдорини икки йўл билан: қўшимча маҳсулотнинг модификациялашган шакллари бўлиб, реал иқтисодий ҳаётда ҳаммамиз биладиган: а) фойда, фоиз рента, солиқ миқдорларини қўшиш йўли билан; б) яратилган соф ички маҳсулотдан зарурий маҳсулотни (иш ҳақи ва ижтимоий фондларни) ажратиб ташлаш йўли билан аниқлаш мумкин. Лекин бу айтилган йўл қўшимча маҳсулотни аниқ ҳисоблашга етарли эмас. Уни мамлакат миқёсида, тармоқ ва ҳудудларда ҳисоблаш учун унинг услубиятини ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Иқтисодий тараққиёт узоқ муддат давомида унда содир бўлаётган ҳамма ўзгаришларни, рақамлар билан ифодалаб бўлмайдиган жиҳатларни ҳам қамраб олади. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари асосида амалга оширилаётган ишлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Иқтисодий тараққиёт икки йўл билан, революцион ва эволюцион йўллар билан амалга оширилиши мумкин.

Революцион йўл бирданига катта тўнтаришлар, кескин бурилишлар йўли билан амалга оширилиши мумкин. Лекин бу йўл хатарли бўлиб, кўплаб ижтимоий тўқнашувларга, талофатларга, йўқотишларга, ишсизлик, инфляция даражаларининг ошиб кетиши каби нохуш ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун бизнинг мамлакатимизда иқтисодий тараққиётнинг ҳар томонлама ўйланган эволюцион йўли танланди.

Иқтисодий тараққиёт жуда кўп қиррали жараён бўлиб, турли хил йўналишларда ва шаклларда амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатнинг Биринчи Президенти И.Каримовнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига асосланган босқичма-босқич, лекин изчил амалга ошириладиган мустақил тараққиёт йўлини танлади. Бу йўлни танлаш бирданига ва осон кечгани йўқ. Бу жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг тараққиёт тажрибалари, ўзбек халқининг тарихий мероси, анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзи, унинг меҳнатсеварлик, бунёдкорлик қобилиятлари, мавжуд табиий, иқтисодий шарт-шароитлар ва бошқа бир қанча омиллар ҳисобга олинган ҳолда пухта ўйлаб ишлаб чиқилган йўл эди. Иқтисодий тараққиётнинг бу йўли Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, ҳаммага маълум бўлган машҳур беш тамойилнинг мазмун, моҳиятини ўзида мужассамлаштирган модел бўлиб, жаҳон мамлакатлари ҳукуматлари ва халқлари томонидан тан олиниб, “Ўзбек модели” деган ном қозонди.

Бу моделда фақатгина иқтисодий тараққиёт эмас, шу билан бирга Давлат қурилиши, ижтимоий соҳа ва маънавият, ҳуқуқ ва тартиботни, умуман жамият ҳаётининг барча жабҳа ва соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш кўзда тутилган. Лекин биз бу ерда асосан эътиборни унинг иқтисодий томонига қаратмоқчимиз.

Бугунги кунда ўзбек моделида ифодасини топган беш тамойил ва бошқа стратегик мақсадларни амалга ошириш

асосида мамлакатимизда эришилган иқтисодий тараққиёт натижаларининг ҳақиқий баҳосини англаб етиш, олиб борилган иқтисодий сиёсатнинг нақадар тўғри ва асосли эканини тушуниш учун мустақил тараққиётимиз бошланган дастлабки йиллардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни эсга олиш муҳим ҳисобланади. Жумладан, мамлакатимиздаги буғдой ва ун захирасининг бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган ҳажмда бўлиб, мамлакатнинг амалда очарчилик остонасига келиб қолгани, иқтисодиётнинг асосан хомашё тайёрлашга йўналтирилиб, бирёқлама ривожланиб, ночор ҳолга тушиб қолгани; ҳали янги миллий валюта жорий этилмаган шароитда иқтисодиётнинг фожиали равишда инқирозга юз тутиши ва инфляциянинг кескин равишда ўсиб кетиши; пахта яккахокимлигининг юртимиздаги экологик ва ижтимоий вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйгани; оммавий ишсизликнинг кучайиб, аҳоли турмуш даражасининг ҳаддан ташқари пасайиб кетгани, 1990 йилда собиқ Иттифоқда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 62,4 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келиб, мамлакатимизда унинг атиги 7 фоизи қайта ишланар эди. Шу даврда Ўзбекистонда экиладиган пахта майдонлари умумий экин майдонининг 75 фоизидан кўпроғини ташкил этиши каби ҳолатлар кенг ва батафсил кўрсатилган эди. Булар ҳаммаси зудлик билан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда иқтисодиётни тубдан ўзгартириб, тараққиёт йўлига тушириб юбориш зарурлигини тақозо қилар эди.

Мана шу шароитлардан келиб чиқиб мамлакатда туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бошланди. Дастлабки йиллардаёқ бозор иқтисодиётининг асослари яратилди, бозор инфратузилмасини ташкил этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатларининг механизми ишга туширилди.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик тикланиб, унинг ривожи устувор аҳамият касб этди. Хусусий мулк конституциявий асосда ишончли кафолатга эга бўлди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг бутунлай давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши натижасида мамлакатимизда амалда кўп шаклли мулк ва кўп укладли иқтисодиёт шаклланди, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг янги синфи пайдо бўлди. Айни пайтда биз учун мутлақо янги бўлган, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия, банк, солиқ ва суғурта тизимларини шакллантириш ҳамда ўз миллий валютамизни муомалага киритиш ҳам улкан аҳамият касб этди.

Бу даврда амалга оширилган ислоҳотлар диққат-эътибори мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлиги, энг аввало унинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш масаласига қаратилди. Қишлоқ хўжалигида пахта яккахокимлигига барҳам берилиб, экин майдонларининг катта қисми дон маҳсулотларига ажратилди. Натижада озуқабоп ғалла импортига қарамлик барҳам топиб, тез орада ғалла мустақиллиги қарор топди. Шунингдек, чуқур таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида республиканинг ёнилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи ўзи ҳисобидан тўла таъминланди. Мустақиллик йилларида эришилган улкан иқтисодий тараққиётимиз Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган йиғилишдаги маърузасида батафсил ёритилган. Унда кўрсатилганидек, истиқлол даврида иқтисодиётда янги тармоқлар – автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳалар, нефть ва газни қайта ишлайдиган, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган, целюлоза-қоғозлар, қанд-шакар, фармацевтика ва бошқа янги-янги тармоқларга асос солинди. Республика саноатида юксак технологияга асосланган ва истиқболли тармоқларнинг, яъни машинасозлик, ёқилғи-энергетика, кимё ва енгил саноат кабиларнинг ҳиссаси ортиб борди. Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ тузилишини

ўзгартиришда янги нефть конлари, Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ конларининг ишга туширилиши, Бухоро нефтьььни қайта ишлаш заводининг қурилиши, Янги Ангрен ва Толимаржон ГРЭСлари қурилишининг жадаллаштирилиши, металл ишлаб чиқарилишининг кўпайтирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа тармоқлар тўлиқ модернизация қилинди ва уларда дунё бозорида рақобатбардош бўлган товарлар ишлаб чиқарила бошланди. Шундай қилиб Ўзбекистон босқичма-босқич амалга ошириладиган мустақил иқтисодий тараққиёт йўлига тушиб олди.

17.2. Иқтисодий ўсиш назариялари ва моделлари

Иқтисодий ўсиш масаласи ҳозирги замон иқтисодиётининг муҳим ва зарур муаммоларидан бўлиб, борган сари унинг аҳамияти ошиб бормоқда.

Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясида бу масала бўйича шаклланган назарияларни асосан икки йўналишга ажратиш мумкин.

Биринчиси, янги классик назариялар. Бу назариянинг асосчилари А.Маршал, Л.Валрас ва М.Фридманлардир. Бу йўналишдаги назарияларнинг асосида ўзини-ўзи тартибга соладиган бозор иқтисодиёти механизмлари: эркин рақобат, баҳо (нарх), талаб ва таклиф механизмлари ҳамма ишлаб чиқариш омилларидан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг тўхтовсиз ўсиб боришига шарт-шароитлар яратади ва таъминлайди деб кўрсатадилар.

Уларнинг назарияси бўйича иқтисодиётга давлат аралашуви жуда ҳам чекланган бўлиши керак. М.Фридман пул эмиссиясини ва муомаладаги пул ҳажмини йилига энг камида 3 фоизга ошириб бориб, талабни кучайтириш ва шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкинлигини кўрсатади.

Иқтисодий ўсиш назариясининг иккинчи йўналиши Ж.М.Кейнс ва кейнсчилар назарияси бўлиб, улар барқарор

иқтисодий ўсишнинг муҳим омили самарали талабни ривожлантириш ва унинг таркибини такомиллаштириш зарурлигини, бунинг учун эса давлат ва хусусий инвестицияларнинг иштирокини, давлатнинг макро даражада иқтисодиётни тартибга солишда фаол иштирокининг зарурлигини кўрсатади. Кейнс назарияси инвестицияларни кўпайтириб, ялпи талабни ошириш ва унинг таъсирида иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатишга қаратилгандир.

Иқтисодий ўсишнинг муҳим назарияларидан бири Нобель мукофоти совриндори америкалик иқтисодчи Саймон Кузнец назариясидир. У ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш тарихини ўрганиб юқори самарали технологияларни қўллаш асосида узоқ муддатли даврларда хўжаликларнинг аҳоли учун зарур бўлган турли хил товарлар ва хизматларни яратиб бериш қобилиятини ошириб бориш зарурлигини кўрсатади.

Бундай ўсишни ифодалаш учун бир неча йўналишдаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур деб ҳисоблайди:

1) Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг ўсиш суръати;

2) Ишлаб чиқариш омиллари унумдорлигининг юқори суръатлар билан ўсиши;

3) Иқтисодиёт таркибий тузилишининг тез ўзгариши;

4) Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий ўзгаришлар тезлиги;

5) Иқтисодий ўсишнинг халқаро масштаби ва бошқалар.

С.Кузнецнинг иқтисоий ўсишга берган таърифи ва тавсия қилган кўрсаткичларидан шу нарса аёнки, у иқтисодий ўсиш билан иқтисодий тараққиётнинг мазмунини чалкаштириб юборган.

Бу масала тўғрисидаги назарияларнинг ичида У.Ростоунинг иқтисодий ўсиш босқичлари тўғрисидаги назарияси ҳам эътиборга сазовордир. У иқтисодий ўсиш босқичлари билан бир қаторда жамиятнинг тарихий эволюциясини яратишга ҳаракат қилган. У жамият ва иқтисодиёт босқичларини аниқлашда уч белгига:

А) техника тараққиёти даражасига;

Б) ишбилармонликнинг фаоллик даражасига;

В) истеъмол даражасига.

Мана шу белгиларга қараб У.Ростоу иқтисодий тараққиётнинг тарихий жараёнини беш босқичга бўлади.

1. Анъанавий ёки синфий жамият. Бу босқич фан-техника тараққиётининг ва уни амалда қўллашнинг пастлиги, қишлоқ хўжалигининг саноатга нисбатан устунлиги, иқтисодий алоқаларнинг ривожланмаганлиги, аҳоли ўсишининг иқтисодий ўсишга нисбатан юқорилиги, аҳоли даромадларининг ва жамғариш даражасининг пастлиги билан тавсифланади.

2. Иқтисодиётнинг жадал (сакраб) ўсиши учун шарт-шароит яратиладиган босқич. Бу босқич ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва иқтисодий ўсишга шарт-шароит яратилиб бориши билан тавсифланади.

3. Жадал ривожланиш босқичи. Унинг фарқ қиладиган хусусияти жамғариш нормасининг юқорилиги фан-техника тараққиёти ва унинг натижаларидан фойдаланиш даражасининг юқорилигидир.

4. Етукликка йўл. Бунда иқтисодий ўсиш суръатлари ошиб, аҳоли ўсиш суръатларидан юқори бўлади.

5. Умумий равишда аҳоли истеъмолининг юқорилигини таъминлайдиган босқич. Бу босқичда ишлаб чиқаришнинг ўсишига бўлган чекланганликлар ва бу билан боғлиқ бўлган муаммолар бартараф бўлади, узоқ муддатли фойдаланадиган товарлар аҳамияти ошади, экология ва талаб муаммоси кучаяди.

Иқтисодчи олимларнинг иқтисодий ўсиш суръатларини, омилларини ўрганиш ҳамда унинг келгусидаги натижаларини башорат қилиш борасидаги тадқиқотлари, назариялари пировардида турли иқтисодий ўсиш моделларининг яратилишига олиб келди. Бу моделлар ўз мазмунига кўра бир-бирларидан фарқланса да, уларнинг асосида иккита назария – макроиқтисодий мувозанатнинг кейнсча (кейинчалик

неокейнсча) назарияси ҳамда ишлаб чиқаришнинг классик (кейинчалик неоклассик) назарияси ётади.

Иқтисодий ўсишни таҳлил қилишда неоклассик назария намоёндалари қуйидаги назарий шартларга асосланадилар:

1) маҳсулотнинг қиймати барча ишлаб чиқариш омиллари томонидан яратилади;

2) ишлаб чиқариш омилларининг ҳар бири ўзининг кейинги қўшилган маҳсулотига тегишли равишда маҳсулот қийматини яратишга ҳиссасини қўшади. Шунга кўра, бунга жавобан барча кейинги қўшилган маҳсулотга тенг келувчи даромад ҳам олади;

3) маҳсулот ишлаб чиқариш ва бунинг учун зарур бўлган ресурслар ўртасида миқдорий боғлиқлик мавжуд;

4) ишлаб чиқариш омилларининг эркин тарзда амал қилиши ҳамда улар ўртасида ўзаро бир-бирининг ўрнини босиш имконияти мавжуд.

Биз олдинги бобларда айтганимиздек, неоклассик ва бошқа айрим йўналишдаги назариётчилар бу ерда ҳам иккита услубий хатога йўл қўядилар:

1) улар ишлаб чиқариш омилларининг барчаси бир хил қиймат яратади, улар қийматни яратишда баравар иштирок этади, деб ҳисоблайдилар. Холбуки, барча ишлаб чиқариш воситалари ҳеч қандай янги қиймат яратмайдилар, балки ўзларининг қийматларига тенг миқдордаги қийматни жонли меҳнат ёрдамида янги яратилган маҳсулотга ўтказадилар. Шундай қилиб, қийматнинг шаклланишида капитал ва жонли меҳнат қатнашади. Янги қиймат эса фақат жонли меҳнат томонидан яратилади. Лекин барча омиллар яратилган ва ўсган (кўпайган) маҳсулотнинг нафлилигини яратишда қатнашадилар;

2) улар доимо барча омиллар ичида жонли меҳнатнинг фаол роль ўйнашини, қолганлари эса пассив роль ўйнашини унутадилар. Чунки ҳеч бир табиий ресурс, капитал ресурлари жонли меҳнат томонидан ҳаракатга келтирилмаса, ўзича ҳаракатга кела олмаслиги, ириб-чириб ўз жойида ҳам

жисмонан, ҳам қиймати йўқ бўлиб кетиши, уларнинг қиймати фақат жонли меҳнат томонидан сақлаб қолиниши миллион йиллардан бери миллиард марталаб тасдиқланиб келмоқда. Лекин негадир уларнинг бунга эътибор бергиси келмайди.

Неоклассик модель кўп омилли ҳисобланиб, америкалик иқтисодчи П.Дуглас ва математик Ч.Кобб яратган ишлаб чиқариш функцияси асос қилиб олинган. Кобб-Дуглас моделида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишида ишлаб чиқариш турли омилларининг улушини аниқлашга ҳаракат қилиниб, у қуйидагича ифодаланади:

$$Y=AK^aL^b$$

бу ерда:

Y – ишлаб чиқариш ҳажми;

K – капитал сарфлари;

L – ишчи кучи сарфлари;

A – мутаносиблик коэффициенти;

a ва *b* - ишлаб чиқариш ҳажмининг ишчи кучи ва капитал сарфлари бўйича эластиклик коэффициенти.

Эластиклик коэффициенти бир кўрсаткич миқдорининг ўзгариши натижасида бошқа бир кўрсаткич миқдорининг ўзгариши даражасини ифодалайди. Шунга кўра, *a* коэффициенти капитал сарфларининг 1%га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини, *b* коэффициенти эса ишчи кучи сарфларининг 1%га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини кўрсатади. *a* ва *b* нинг йиғиндиси ишчи кучи ва капитал сарфларининг бир вақтнинг ўзида 1%га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини кўрсатади.

Ч.Кобб ва П.Дуглас ўз тадқиқотларида АҚШ қайта ишлаш саноатининг 1899-1922 йиллар мобайнидаги иш фаолиятини таҳлил қилиб, ишлаб чиқариш функциясининг кўрсаткичларини аниқлашга ҳаракат қилганлар:

$$Y = 1{,}01 \times K^{0{,}25} \times L^{0{,}75}.$$

Бу кўрсаткичлар шуни англатадики, ўша даврда АҚШ қайта

ишлаш саноатида капитал сарфларининг 1%га оширилиши ишлаб чиқариш ҳажмини 0,25%га, ишчи кучи сарфларининг 1%га оширилиши эса ишлаб чиқариш ҳажмини 0,75% га ошишига олиб келар экан.

Кейинчалик Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясини голланд иқтисодчиси Ян Тинберген янада такомиллаштириб, унга янги омил – техника тараққиёти кўрсаткичини киритди. Натижада ишлаб чиқариш функцияси формуласи қуйидаги кўринишни олди:

$$Y = AK^{\alpha}L^{1-\alpha}e^{rt},$$

бу ерда: e^{rt} – вақт омили.

Ишлаб чиқариш функциясига вақт омилининг киритилиши эндиликда нафақат миқдор, балки «техника тараққиёти» атамаси орқали уйғунлашувчи сифат ўзгаришлари – ишчи кучи малакасининг ўсиши, инновация жараёнларининг кучайиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг такомиллашуви, жамият миқёсида маълумотлилик даражасининг ошиши ва бошқаларни ҳам акс эттириш имконини берди.

Иқтисодий ўсишнинг неокейнсча модели макроиқтисодий мувозанатнинг кейнсча назариясини ривожлантириш ва унга танқидий ёндашиш натижасида вужудга келган. Бу моделлар орасида инглиз олими Р.Ҳаррод ва америкалик олим Е.Домарнинг иқтисодий ўсиш моделлари эътиборга молик ҳисобланади. Ҳар иккала моделнинг умумий жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар орқали шартланади:

1) улар неоклассик моделлардан фарқли ўлароқ бир омилли модель ҳисобланади. Яъни бу моделларда миллий даромаднинг ўсиши фақат капитал жамғаришнинг функцияси ҳисобланиб, капитал самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ишчи кучи бандлигининг ошиши, ФТТ ютуқларидан фойдаланиш даражасининг ўсиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг яхшиланиши каби бошқа барча омиллар назардан четда қолдирилади; 2) ишлаб чиқаришнинг капитал сиғими ишлаб чиқариш омиллари нархларининг нисбатига боғлиқ

бўлмай, фақат ишлаб чиқаришнинг техник шароитлари орқали аниқланади.

Неокейнсча моделда инвестицияларнинг ўсиши иқтисодий ўсиш ва унинг суръатларини белгиловчи омил ҳисобланиб, у бир томондан, миллий даромаднинг ўсишига имкон яратади, иккинчи томондан эса, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиради. Ўз навбатида даромаднинг ўсиши бандликнинг ошишига имкон яратади. Инвестиция ҳажмининг кўпайиши натижасида кенгайган ишлаб чиқариш қувватлари даромаднинг ўсиши орқали тўлиқ ишга туширилиши лозим. Шунга кўра, Е.Домарнинг моделида қуйидаги тенглик орқали мувозанатнинг таъминланиши шарт қилиб қўйилади:

Пул даромадининг қўшимча ўсиши (талаб)	=	**Ишлаб чиқариш қувватларининг қўшимча ўсиши (таклиф)**

Бу тенгликни формула тарзида ёзилса, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Delta I \times \frac{1}{a} = I \times \sigma \quad \text{ёки} \quad \frac{\Delta I}{I} = \sigma \times a,$$

бу ерда:

I – ҳар йиллик соф капитал қўйилмалар;

ΔI – соф капитал қўйилмаларнинг қўшимча ўсиши;

ΔI/I – соф капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръати;

1/a – мультипликатор, бу ерда a –жамғаришга бўлган ўртача мойиллик;

σ - капитал самарадорлиги.

Шундай қилиб, иқтисодиётдаги ишчи кучининг тўла бандлигини ҳамда ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ ишлашини таъминловчи соф инвестициялар ёки капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръати σx a га тенг бўлиши лозим. Агар иқтисодиётдаги инвестицияларнинг потенциал ўртача самарадорлиги 0,3 га, жамғаришга бўлган ўртача мойиллик 0,2 га тенг бўлса, у ҳолда инвестицияларнинг ўсиш суръати 6% (0,3x0,2)x100%)га тенг бўлади.

Р.Ҳарроднинг иқтисодий ўсиш модели инвестиция ва жамғармалар ўртасидаги макроиқтисодий мувозанат, яъни га асосланади. У статик ҳолдаги макромувозанат учун алоҳида, динамик ҳолдаги макромувозанат учун алоҳида формуладан фойдаланади. 1-формула қуйидаги кўринишда бўлади:

$$G \times C = S,$$

бу ерда:

G – миллий даромаднинг ўсиш суръати (ΔY/Y);

C – капитал сиғими (I/ΔY);

S – миллий даромад таркибидаги жамғаришнинг улуши (S/Y).

2-формула қуйидаги кўринишда ўз ифодасини топади:

$$Gw \times Cr = S,$$

бу ерда:

Gw – ҳақиқий жамғарма ва тахмин қилинаётган инвестициялар ўртасидаги динамик мувозанатни таъминловчи ўсишнинг кафолатланган суръати;

Cr – капитал коэффициентининг талаб этилаётган миқдори.

Неокейнсчиларнинг фикрига кўра бозор иқтисодиёти шароитида доимий кафолатланган ўсиш суръатига автоматик равишда эришиб бўлмаслиги сабабли, улар динамик мувозанатга эришиш учун иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш зарурлиги тўғрисидаги хулосага келдилар.

Иқтисодий ўсишнинг муҳим моделларидан бири бўлиб **тармоқлараро баланс** ҳисобланади. Тармоқлараро баланснинг дастлабки назарий асослари собиқ Иттифоқ даврида ишлаб чиқилган эди. Кейинчалик у асли Россиялик бўлган АҚШ иқтисодчи олими В.Леонтьев томонидан **«харажатлар – натижалар»** модели сифатида такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди.

В.Леонтьев иқтисодий таҳлилнинг «харажатлар – натижалар» усулида энг аввало эътиборни иқтисодиётдаги миқдорий алоқаларга қаратади. Тармоқлар ўртасидаги бу

алоқалар технологик коэффициентлар орқали ўрнатилади.

Тармоқлараро баланс жадвали тўртта квадрантдан иборат. Биринчи квадрантга маҳсулот ишлаб чиқаришга моддий сарфлар кўрсаткичлари жойлаштирилган. Иккинчи квадрантга шахсий истеъмол, жамғариш, давлат хариди ва экспорт сифатида фойдаланилувчи пировард маҳсулот кўрсаткичлари жойлаштирилган. Учинчи квадрантдан қўшилган қиймат (иш ҳақи, фойда, солиқлар) ва импорт кўрсаткичлари ўрин олган. Тўртинчи квадрантда соф миллий маҳсулотни қайта тақсимлаш кўрсаткичлари жойлашган. Тармоқлараро алоқалар жадвали устунлари бўйлаб харажатларни, яъни ҳар бир тармоқ бўйича маҳсулот қийматини ташкил этувчи унсурларни, сатрлар бўйича эса – миллий иқтисодиёт ҳар бир тармоғи маҳсулотини тақсимлаш таркибий тузилмасини акс эттиради.

Тармоқлараро баланс моделида бир тармоқдаги пировард талаб ёки ишлаб чиқариш шароитидаги ўзгаришлар бошқа барча ўзаро боғлиқ тармоқларнинг миқдорий таъсирини кузатиш орқали ўрганилади. Бу эса қандайдир товарга бўлган эҳтиёжлар ёки уни ишлаб чиқариш технологиясидаги ҳар қандай ўзгаришлар мувозанатлашган нархлар таркибини ўзгартириб, технологик коэффициентларнинг ҳам ўзгаришига олиб келишини англатади.

Иқтисодий ўсиш моделлари тўғрисида сўз юритиганда «ноль даражадаги иқтисодий ўсиш» концепциясига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур концепцияга XX асрнинг 70-йилларида асос солинган. Бу концепция тарафдорларининг фикрича техника тараққиёти ва иқтисодий ўсиш атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиатга заҳарли моддаларнинг чиқарилиши, шаҳар қиёфасининг ёмонлашуви ва бошка шу каби кўплаб салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Аҳоли сонининг тезлик билан кўпайиб бориши, ишлаб чиқариш миқёсларининг кенгайиши натижасида ишлаб чиқариш, айниқса, табиий ресурсларнинг камайиб бориши пировардида иқтисодий ўсиш чегараларини чеклаб қўяди. Бунинг оқибатида очарчилик, экологиянинг бузилиши, ресурсларнинг тугаши рўй бериб, тез орада

аҳоли сони ва саноат ишлаб чиқариш ҳажми кескин қисқара бошлайди. Шунга кўра, «ноль даражадаги иқтисодий ўсиш» концепцияси тарафдорлари иқтисодий ўсишни мақсадга мувофиқ равишда маълум чегарада ушлаб туриш зарур, деб ҳисоблайдилар. Улар иқтисодий ўсиш товар ва хизматлар ҳажмининг кўпайишини таъминлашини тан олсаларда, бу ўсиш бир вақтнинг ўзида турмуш даражасининг юқори сифатини таъминлай олмаслигини таъкидлайдилар. Ўз навбатида, мазкур концепция муҳолифлари иқтисодий ўсишнинг юқори даражасини ёқлаб, унинг ўзи чексиз эҳтиёжлар ва чекланган ресурслар ўртасидаги зиддиятни юмшатишини, айнан юқори даражадаги ўсиш шароитида жамиятнинг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш имконияти вужудга келишини кўрсатадилар. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши эса иқтисодий ўсиш оқибати бўлмай, у табиий ресурслардан фойдаланишдаги нарх шаклланиш тизимининг нотўғрилигидан келиб чиқади. Шунга кўра, мазкур муаммоларни ҳал этиш учун табиий ресурслардан фойдаланишда қонуний чекловлар ёки махсус солиқларни киритиш, ифлослантириш ҳуқуқи бозорини шакллантириш лозимлигини таъкидлайдилар.

17.3. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни турлари ва омиллари

Миллий иқтисодиётда иқтисодий ривожланиш қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабабли унинг мезонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади.

Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот мутлақ ҳажмининг ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорининг ўсиши, сифатининг яхшиланиши ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.

Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали

ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш бунинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги аҳоли турмуш даражасини таққослашда қўлланилади.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини тавсифлайдиган мазкур кўрсаткичлар (реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, улар биринчидан, маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва шу сабабли фаровонликнинг ҳақиқий ўсишини тўлиқ тавсифлаб бера олмайди; иккинчидан, реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва фаровонлик реал даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади; учинчидан, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф-муҳитга ва инсон ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди. Шунга кўра, иқтисодий ўсишнинг барча тавсифи йиллик ўсиш суръатларининг фоиздаги ўлчовида тўлиқ ўз ифодасини топади:

$$\breve{У}С = \frac{ЯИМ_{жорий\ давр} - ЯИМ_{базис\ давр}}{ЯИМ_{базис\ давр}} \times 100\%,$$

бу ерда:

ЎС – иқтисодий ўсиш суръати, фоизда;

ЯИМбазис давр – таққосланаётган давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми;

ЯИМжорий давр – жорий давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми.

17.1-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши

Йиллар	Кўрсаткичлар		
	ЯИМ абсолют миқдори, млрд.сўм	ЯИМнинг ўсиш суръати, %	ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши, %
2010	61831,2	8,5	6,7
2011	77750,6	8,3	5,5
2012	96589,8	8,2	6,6
2013	118986,9	8,0	6,7
2014	144867,9	8,1	6,7
2015	171369,0	8,0	6,9
2016	198871,6	7,8	-
2017	249136,4	5,3	3,6
2018	406648,5	5,1	3,6
2019	511838,1	5,6	3,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

17.1-расм ва 17.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда 2010-2019 йиллар давомида реал ЯИМнинг ўсиш суръати фақатгина абсолют миқдорда эмас, балки аҳоли жон бошига ўсиши рўй бермоқда. Бу кўрсаткични кўтариш учун иқтисодиётни жадал ривожлантириш зарур. Лекин ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори бошқа мамлакатлар билан таққосланганда у ачинарли аҳволда эканлиги маълум. Шунингдек, иқтисодий ўсиш мамлакат ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиб боришини ҳам англатади. Миллий ишлаб чиқариш натижаларининг миқдор жиҳатидан кўпайиши ва сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши пировардида ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғининг ўнг томонга қараб силжишига олиб келади.

Айтайлик, 2019 йилдаги миллий ишлаб чиқариш ҳажми (Y2019) 2018 йилдаги (Y2018)га нисбатан ўсди. Бу ўсиш ўз навбатида миллий ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғининг ҳам кенгайишига олиб келади (17.2-расм).



17.2-расм. Иқтисодий ўсиш натижасида миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши.

Расмдан кўринадики, иқтисодий ўсиш натижасида ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот миқдори ортади, бу эса аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келади. Иқтисодиёт мавжуд эҳтиёжларни янада тўлароқ қондириш имконига эга бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг аҳамияти тўғрисида гапирилганда унинг даражасини ҳам эътиборда тутиш лозим. Иқтисодий ўсиш суръатларининг аҳамиятлилик даражаси турли мамлакатлар реал ЯИМнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда фарқланади. Реал ЯИМ ҳажми нисбатан кичик бўлган мамлакатлар учун 8-10% даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати меъёрдаги ҳолат саналиши, реал ЯИМ ҳажми жуда катта бўлган мамлакатлар учун 2-3% даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати эса аҳамиятли кўрсаткич ҳисобланиши мумкин.

Иқтисодий ўсиш суръатининг аҳамиятини иқтисодчилар томонидан қўлланилувчи **«70 миқдори қоидаси»** ёрдамида ҳам очиб бериш мумкин. Бу қоидага кўра, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган ЯИМ ҳажмини 2 бараварга оширишда қанча вақт талаб этилишини аниқлаш учун 70 сонини йиллик ўсиш суръатига бўлиш керак бўлади.

Мамлакатимиздаги ўсиш суръатининг 4,8% даражасида ЯИМни 2 баравар ошириш учун 14 йил ва 7 ой талаб этилади (70:4,8). Кейинги йилларда иқтисодий ўсиш суръатининг янада оширилиши бу муддатнинг аҳамиятли равишда

қисқаришига олиб келади. Бу қоида орқали биз фақатгина кейинги йиллардаги иқтисодий ўсишнинг башоратинигина амалга оширишимиз мумкин. Лекин реал иқтисодиётда бу қоидадан фойдаланиб бўлмайди. Чунки ихтиёрий бир йилда иқтисодий ўсиш 4,8 фоиздан юқори ёки паст бўлган тақдирда бу қоида бузилади.

Ижтимоий маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини белгилаб беради.

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун ишлаб чиқариш омиллари миқдори икки баробар кўпайтирилиши лозим, содда қилиб айтганда мавжуд корхоналар билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати, ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди ўшандай яна корхоналар қурилиши лозим. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, янада илғор ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинадиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади.

Реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соф ҳолда, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайди, балки муайян уйғунликда, бир-бири билан қўшилган тарзда бўлади. Шу сабабли кўпроқ

устувор экстенсив ва устувор интенсив иқтисодий ўсиш турлари ҳақида сўз юритилади.

Иқтисодий ўсишнинг алоҳида томонларини тавсифловчи кўрсаткичлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан асосийлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражаси, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва иш вақтини тежаш, шахсий даромад ва фойда массаси, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши кабилар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

а) ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланганлик даражаси;

б) ходимнинг малакаси ва тайёргарлик даражаси;

в) ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омили ўртасидаги нисбат;

г) меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, ихтисослаштирилиши ва кооперацияси.

Иқтисодий ўсишнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган бошқа кўрсаткичи иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши ҳисобланади. У тармоқлар бўйича ҳисоблаб чиқилган ЯИМ кўрсаткичи асосида таҳлил қилинади. Бунда иқтисодиётнинг йирик соҳалари, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги нисбат ҳам ўрганилади.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ омиллар **таклиф омиллари** деб ҳам аталиб, иқтисодиётнинг ўсиш лаёқатини белгилаб беради:

1) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;

2) ишчи кучи ресурслари миқдори ва сифати;

3) асосий капитал (асосий фондлар) нинг ҳажми;

4) технология ва фан-техника тараққиёти.

Бу омиллар ҳар бирининг ялпи маҳсулот ҳажмига таъсирини баҳолаш орқали иқтисодий ўсишни тавсифлаш мумкин.

Маълумки, ялпи ички маҳсулот ишчи кучи, капитал ва табиий ресурслар сарфларининг функцияси ҳисобланади, яъни:

$$Y=f(L,K,N),$$

бу ерда:

Y – ялпи ички маҳсулот;

L – ишчи кучи сарфлари;

К – капитал сарфлари;

N – табиий ресурслар сарфлари.

Бу функционал боғланишдан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ўсишни белгилаб берувчи ҳар бир омилнинг самарадорлигини ифодаловчи хусусий кўрсаткичларни келтириб чиқариш мумкин:

1) **меҳнат унумдорлиги (Y/L)** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ишлаб турган ишчилар сонига ёки улар томонидан сарфланган жонли меҳнат миқдорига иш куни, иш соати ва ҳ.к. нисбати;

2) **меҳнат сиғими (L/Y) –** жонли меҳнат сарфларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;

3) **капитал самарадорлиги (Y/К) –** ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг унга сарфланган капитал харажатларига нисбати;

4) **капитал сиғими (К/Y) –** капитал харажатларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;

5) **табиий ресурслар самарадорлиги (Y/N) –** маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қўлланилган табиий ресурслар миқдорига нисбати;

6) **маҳсулотнинг ресурслар сиғими (N/Y) –** табиий ресурслар сарфининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;

7) **ишчи кучининг капитал билан қуролланганлик даражаси (К/L) –** ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилаётган капитал ҳажмининг ишчи кучи миқдорига нисбати.

Иқтисодий ўсишни таҳлил қилишда юқорида кўриб чиқилган кўрсаткичлардан ташқари яна **кейинги қўшилган ишлаб чиқариш омиллари унумдорлиги** кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичлар, бошқа омиллар сарфи ўзгармагани ҳолда, ҳар бир алоҳида омил сарфининг

қўшимча ўсиши таъсирида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қўшимча ўсиши ҳажмини белгилаб беради:

1) кейинги қўшилган меҳнат унумдорлиги (ΔY/ΔL);
2) кейинги қўшилган капитал унумдорлиги (ΔY/ΔK);
3) кейинги қўшилган табиий ресурслар унумдорлиги (ΔY/ΔN).

Бу кўрсаткичлар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсишида ҳар бир омилнинг ҳиссасини намоён этиб, у қуйидагича аниқланади:

$$Y = (\Delta Y / \Delta L)L + (\Delta Y / \Delta K)K + (\Delta Y / \Delta N)N \, .$$

Иқтисодий ўсишга тақсимлаш омиллари ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жуда самарали ишлатилиши ҳам зарур. Ресурсларнинг ўсиб борувчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг юқори миқдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зарур бўлади.

Реал маҳсулот икки асосий усулда кўпайтирилиши мумкин: 1) ресурсларнинг кўпроқ ҳажмининг жалб этилиши; 2) улардан анча унумли фойдаланиш йўли билан (17.3-расм).



17.3-расм. Реал маҳсулот ўсишини аниқлаб берувчи омиллар.

Амалий ҳаётда иқтисодий ўсишни қисман сусайтириб турувчи омиллар ҳам мавжуд бўладики, улар меҳнат муҳофазаси, атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби ҳолатлар

натижасида келиб чиқади. Кейинги йилларда республикамизда давлат томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш ва соғлиғини муҳофаза қилишни тартибга солишда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсиш суръатининг сусайишига таъсир кўрсатади. Чунки бундай тадбирларни амалга ошириш тегишли харажатларни тақозо қилади. Шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган маблағлар бошқа томонга жалб қилинади. Бу албатта кишилар соғлиғи ва ҳаёти учун зарур бўлган даражалардир.

Ҳозирда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш омилларидан имкон қадар самарали фойдаланишга эътибор қаратилган. Айниқса, иқтисодиётда ишчи кучининг самарали бандлигини таъминлаш бу борадаги муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Ҳар йили иқтисодиётда янги иш ўринлари яратиб борилмоқда. Масалан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш натижасида ишчи кучи бандлиги даражасини ошириш ва таркибини янада такомиллаштириш мумкин. Бу эса мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашга замин яратади.

Мамлакатимизда ишчи кучига талабнинг ошиши бўйича иқтисодий тадбирлардан энг асосийси иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир. Бунга энг аввало мулкчилик шаклларини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги иш жойларини яратиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини кўтариш, солиқларни оқилона белгилаш орқали эришилади.

Муҳим иқтисодий тадбирлар мажмуасига қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга давлат томонидан

имтиёзли кредитлар бериш, илғор технологияларни тадбиқ этиш, бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати тармоқларининг асосий маҳсулотларига давлат буюртмасини белгилаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни маблағ билан таъминлаш киради.

Бу тадбирлар қўшимча иш жойларини ташкил қилишда энг кам инвестицияни назарда тутади ва ишчи кучига талабни оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини маблағлар билан таъминлашнинг манбалари бўлиб маҳаллий бюджет, бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари хизмат қилади. Бугунги кунда айниқса, минтақаларда аҳоли бандлиги, ишлаб чиқаришни ишчи кучи билан таъминлаш масалаларини ўрганишни ҳаётни ўзи тақозо этмоқда.

Иқтисодий ўсиш омилларидан техника тараққиётини таъминлаш ҳамда инвестициялар ҳажмини ошириш – мамлакатимиздаги иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишига айланган. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «бу ислоҳотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур»[131].

Умуман олганда, ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришга инвестицияларни кўпроқ жалб этиш зарурати қуйидагилар орқали изоҳланади:

1) жаҳон бозорида замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар арзонлашади. Бундай имкониятдан фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини янгилаш ҳамда унинг асосида рақобатбардош маҳсулотларни яратиш қисқа даврда ушбу сарф-харажатларни қоплаш имконини беради;

[131] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020), Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь.

2) юқори даражада қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспортга чиқаришнинг қўшимча имкониятлари вужудга келади;

3) техник ва технологик асосни янгилашда вақт жиҳатидан ютиш имкони пайдо бўлади;

4) инвестициялар ички талабни кенгайтириб, қурилиш саноатининг ривожланишини рағбатлантиради;

5) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси диверсификацияланади.

Корхоналарни техник ва технолгик янгилаш, модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш объектларини қуриш, шу орқали янги иш ўринларини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва динамик ривожланишини таъминлаш учун йўналтирилган инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947 Фармони қабул қилинган бўлиб, ушбу дастурда белгиланган капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан қулай инвестиция сиёсатини олиб бориш мақсадида қуйидаги тамойилларга устувор аҳамият қаратилмоқда: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш; республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри капитал қўйилмаларнинг кенг жалб қилинишини таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада такомиллаштириш; юртимизга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб кирувчи, миллий хўжаликнинг замонавий тузилмасини ташкил этишга кўмаклашувчи чет эл инвесторларига нисбатан қулай шароитлар яратиш сиёсатини изчил олиб бориш; энг муҳим устувор йўналишларга маблағларни йўналтириш[132]. Бундан кўринадики, корхоналарни

[132] Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.

техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, замон талабларига мос бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кейинги тўлқинлари зарбасига ижтимоий-иқтисодий талофатларсиз бардош бериш, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда комплекс ёндашувларга урғу берилмоқда.

17.4. Рақамли иқтисодиётга ўтиш иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим йўналиши

Ҳозирги даврда тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишимиз учун аввало илғор замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги билимларни чуқур эгаллаб, амалда қўллаш орқали юксалишнинг энг қисқа йўлидан боришимиз зарур бўлади. Бунинг учун жамиятимизнинг барча қатламларида инновацион технологияларни қўллаш борасидаги билимларни узлуксиз равишда ошириб боришимиз зарур.

Бу борада кейинги вақтларда "рақамли иқтисодиёт" тушунчаси жуда кўп марта қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, кўплаб ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиёт уларнинг ривожланиш омилларига сезиларли даражада таъсир ўтказган. Жамият ҳаётида рақамли иқтисодиёт муҳим роль ўйнаши исботланган. Кейинги вақтларда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Худди шунинг учун ҳам давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисоднинг ривожланиши бўйича қуйидагиларни айтиб ўтди: “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт

миллий концепцияси”ни ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур.

Рақамли иқтисодиёт тушунчаси нисбатан узоқ бўлмаган вақтда, 1995-йили Массачусетс университети олими Николас Негропонте томонидан қўлланилган бўлиб, у ахборот-коммуникация технологияларини интенсив ривожланиши ортидан эски иқтисодиётдан янги иқтисодиётга ўтишда, қандай ўзгаришлар рўй бериши мумкинлигини айтиб ўтган.

Ҳозирги кунга келиб у янги информацион коммуникацион технологиялар тараққиётнинг замонавий дастакларидан бирига айланди. Рақамли иқтисодиётни тушунишимиз учун дастлаб рақамлаштиришнинг моҳиятини кўриб чиқиш муҳим.

Рақамлаштириш – бу рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида бизнес моделини ўзгартириш ва даромад олиш ҳамда қиймат яратишда рақамли бизнесга ўтиш жараёнидир.[133]

W. Brian Arthur иккинчи иқтисодиётнинг, яъни рақамли иқтисодиётнинг вужудга келиши ва ривожланиши орқали жаҳон иқтисодиёти унумдорлиги йилига 2,4 % ошишини прогноз қилган.[134] Айрим Ўзбекистонлик олимлар ҳам рақамли иқтисодиётда рақамли кўринишдаги маълумотлар барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ишлаб чиқаришнинг асосий элементи ҳисобланади ва бундай иқтисодиёт тизимига босқичма-босқич ўтиш мамлакатимизнинг глобал миқёсдаги рақобатбардошлигини ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини янада оширади, янги иш жойларини яратади, жадал иқтисодий ўсишга имкон яратади ва миллий мустақилликни ҳам таъминлаб беради.[135]

Лекин “Рақамли иқтисодиёт” 1990 йилларда иқтисодиётда рўй берган сифат бўйича олға силжишлар Интернет

[133] Gray J., Rumpe B. Models for digitalization / J. Gray, B. Rumpe // Soft & Systems Modeling. – 2015. – Vol. 14. – Issue 4. – Pp. 1319-1320

[134] Arthur W.B. The second economy/W.Arthur// McKinsey Quarterty.-2011.-T.4-Pp.90-99

[135] Gulyamov S.S. va bosh. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari.- T.: “Iqtisod - molia” nashriyoti, 2019. 396 bet

тармоғининг вужудга келиши ва ривожланишига боғлиқ бўлиб, ҳозирга қадар рақамли иқтисодиётнинг негизини ташкил этиб келмоқда.

2000–2010 йилларда ахборот ва коммуникация технологиялари (АКТ)нинг изчил равнақ топиши хўжалик тизимидаги ўзгаришлар учун янги шарт-шароитлар ҳозирлади. Бу жараён рақамли датчикларни янада кўп сонли қурилмалар (“Буюмлар Интернети”)га татбиқ этиш, янги шахсий қурилмалар (смартфонлар, планшетлар, нетбуклар, лэптоплар, уч ўлчовли босма қурилмалар)ни, янги рақамли моделлар (маълумотларни “булутли” қайта ишлаш, рақамли платформалар, рақамли хизматлар)ни ўзлаштириш, “катта маълумотлар” (BIG DATA) технологиясини қўллаган ҳолда янги автоматлаштириш ва роботлаштириш технологияларидан фойдаланиш жадал ўсиб бориши натижасида янада ривожланмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, “Рақамли иқтисодиёт” ўз моҳиятига кўра, иқтисодиётнинг асосан ахборот технологиялар билан ишлайдиган ҳамда бизнес модели рақамли маҳсулотлар ва хизматларга асосланган компаниялардан иборат қисми ҳисобланиб, жами истиқболли рақамли хизматларга эга рақамли сектордан ташкил топган. Рақамли иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигидаги улуши берилган маълумотларга қараганда дунё ЯИМнинг тахминан 5 фоизини ташкил этади ва жаҳон ишчи кучи бозорининг 3 фоизини қамраб олади.

Жаҳон миқёсида рақамли иқтисодиёт нотекис тақсимланган. Унинг катта қисми шимолий мамлакатларда жамланган. Юқори ўсиш суръатлари эса жанубий мамлакатларда кузатилади. Шунга кўра, рақамли иқтисодиётнинг ривожланаётган мамлакатларга кўрсатаётган узоқ муддатли таъсирини кенгроқ тадқиқ этишга эҳтиёж туғилади.

Рақамли иқтисодиёт - бу хўжалик фаолиятини юритиш бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги асосий омил рақамлар кўринишидаги маълумотлар бўлиб, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва шу қайта ишлаш

натижасини таҳлил қилиш ёрдамида ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, технологиялар, қурилмалар, маҳсулотларни сақлаш, етказиб беришда олдинги тизимдан самаралироқ ечимлар татбиқ қилишдир. Бошқача қилиб айтганча, рақамли иқтисодиёт бу – онлайн хизматлар кўрсатиш, электрон тўловлар амалга ошириш, интернет савдо, краудфандинг (халқ томонидан молиялаштириш) ва бошқа турдаги соҳаларда ахборот технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ фаолиятдир.

“Рақамли иқтисодиёт” атамаси фақатгина компьютер технологиялари ёрдамида ахборотни рақамлаштириш туфайли барча иқтисодиёт соҳаларининг ҳозирги вақтда рўй бераётган ва ҳали тугалланмаган трансформациясига тааллуқлидир. Муаллифлар аввалги концепциялар доирасидан четга чиқувчи воқеа-ҳодисаларни намоён қилишга интилганлар.

Шунингдек, савдо операцияларини амалга оширишда Интернет имкониятлари ҳам инобатга олинган ва у орқали рақамли иқтисодиёт таърифларига киритилган. Ахборот технологияларига асосланган ишбилармонлик фаоллиги АҚШ Савдо вазирлиги маърузасида рақамли иқтисодиётнинг унсури сифатида эътироф этилган.

Бундан ташқари, айтиб ўтилган таърифлар рақамли иқтисодиёт таърифларининг иккита энг муҳим таркибий қисмининг дастлабки кўринишини ўзида мужассам этган. Улардан биринчиси компонентларни табақалашдир. Чунончи, Роб Клинг ва Роберта Лэмб ўзларининг Линн Маргхерио асарига асосланган ишларида рақамли иқтисодиётнинг тўртта асосий унсурларини ажратиб кўрсатадилар:

1. Рақамли маҳсулотлар ва хизматлар. Бу компонентга рақамли технологиялар ёрдамида етказиб бериладиган маҳсулотлар, шунингдек, асосан рақамли кўринишда етказиб бериладиган хизматлар туркуми (яъни, онлайн режимидаги ахборот сервислари, дастурий таъминотни сотиш, электрон таълим ва ҳоказолар) киради.

2. Аралаш рақамли маҳсулотлар ва хизматлар. Ушбу

тоифага моддий товарларни (китоблар, гуллар, меҳмонхона номерлари, шунингдек, йўлдош сотувлар ва маркетинг) чакана сотиш киради.

3. АТга қарам товарларни ишлаб чиқариш ёки хизматлар. Мазкур гуруҳнинг тақдим этилиши ахборот технологияларига кескин қарамликда бўлган хизматларни (жумладан, бухгалтерлик хизматлари ёки мураккаб техник лойиҳалар), ахборот технологиялари қўлланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жараёнлардан иборат моддий товарлар ишлаб чиқаришни (рақамли дастурий бошқарувни қўллаш асосида юқори аниқликдаги механик ишлов зарур бўлган ёки компьютерлар билан бошқариладиган кимёвий заводларни) ўз ичига олади.

4. Рақамли иқтисодиётнинг кўриб чиқилаётган учта сегментига хизмат кўрсатувчи АТ саноат сегменти. Бу ерда АТ сектори маҳсулотлари ва хизматлари ўрганилади. Улар эса асосан рақамли иқтисодиётнинг юқорида айтилган учта компонентига хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Ахборот технологияларининг ривожланиши ва татбиқ қилиниши эвазига кундалик ҳаётимизда жуда кўплаб қулайликлар пайдо бўлмоқда. Ахборот технологиялар ривожланиши натижасида инсон, ўзи учун керакли хизматдан тезроқ фойдаланиши, интернет орқали ўзига керакли маҳсулотларни арзон сотиб олиш билан кўплаб пул маблағлари ва вақтини тежаши мумкин.

Бунинг натижасида мамлакат ЯИМ таркибида ишлаб чиқаришдан кўра хизматлар соҳасининг жадал суръатлар билан ўсиши юзага келади. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборатдир.

Юқоридаги баён этилганлардан кўриниб турибдики, рақамли иқтисодиёт бу иқтисодиётда ахборот технологияларнинг кенг қўлланилишидир.

Албатта, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, замонавий технологияларнинг ҳаётимизга тадбиқ этилиши ҳар бир инсон ҳаётида кўплаб ижобий

имкониятлар бериши мумкин.

Миллий иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар рақамли иқтисодиётни кенг кўламли ривожланишини таъминламоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3832 сонли 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари” қарорида ҳам “блокчейн” технологиялари, “сунъий ақл”, суперкомпьютерлар имкониятларидан фойдаланиш, шунингдек, крипто – активлар бўйича фаолият жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларидан бири сифатида ҳисобланишини алоҳида белгиланган.

Дунё мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиёт ривожланмоқда. Кундалик ҳаётимизга ахборот технологияларни татбиқ қилиниши ортидан оддий инсонлар учун кўплаб имкониятлар яратилмоқда. Ҳозирга кунда уйдан чиқмасдан кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларига буюртма беришимиз, уларни уйимизгача етказиб беришлари мумкин. Махсус дастурлар ёрдамида масофадан ўқитиш ишлари йўлга қўйилмоқда.

Лекин шуни таъкидлаш керак-ки, рақамли иқтисодиёт Ўзбекистон потенциалига нисбатан бир мунча секинроқ ривожланмоқда.

17.5. Миллий бойликнинг мазмуни ва унинг таркибий тузилиши

Миллий бойлик нафақат моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилади. Унинг бир қисми номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида вужудга келтирилади ва жамиятнинг номоддий бойлиги ҳисобланади. Номоддий соҳаларда ашёвий-буюм шакл билан боғлиқ бўлмаган алоҳида турдаги истеъмол қийматлар ҳосил қилинади. Улар ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг фаолият қилиши ва ривожланиши

учун, шунингдек, бевосита аҳолининг турмуш даражасини таъминлаш ва ошириб бориш учун зарур бўлади. Бундай бойликларга таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, санъат, спорт соҳаларида вужудга келтириладиган номоддий бойликлар киради. Унинг таркибида тарихий ёдгорликлар, архитектура обидалари, ноёб илмий адабиёт ва санъат асарлари алоҳида ўрин тутади.

Миллий бойлик инсоният жамияти тараққиёти давомида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий, номоддий ва интеллектуал ҳамда табиий бойликлардан иборат бўлиб, у бир томондан тўпланган нафлиликлар йиғиндиси, иккинчи томондан эса тўпланган қийматлар йиғиндисидир.

Миллий бойликнинг биринчи манбаси табиат ва иккинчи манбаси инсонлар меҳнати ҳисобланади.

Миллий бойликни шартли равишда қуйидаги учта йирик таркибий қисмларга ажратиш мумкин:

1. Моддий-буюмлашган бойлик.
2. Номоддий бойлик.
3. Табиий бойлик.

Моддий-буюмлашган бойлик охир-оқибатда ишлаб чиқаришнинг, унумли меҳнатнинг натижаси ҳисобланади. У ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида яратилган маҳсулотларнинг жорий истеъмол қилишдан ортиқча қисмини жамғариш оқибатида вужудга келади ва ўсиб боради. Аммо моддий-буюмлашган бойликни қатор йиллардаги йиллик ялпи маҳсулотлар йиғиндиси сифатида тасаввур қилиш нотўғри бўлар эди. Чунки бу бойликнинг бир қисми ҳар йили қайтадан янгиланиб туради (ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари). Шу сабабли ишлаб чиқариш воситаларининг ўрнини қоплаш билан бир вақтда ялпи ички маҳсулотнинг фақат бир қисми моддий-буюмлашган бойлик сифатида жамғарилиб борилади. Демак, қоплаш фонди ва моддий буюмлашган бойликнинг ўсиши ялпи ички маҳсулот ҳисобига амалга оширилади.

Миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган моддий қисми қиймат шаклига эга бўлиб, таркибий тузилиши бўйича қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш хусусиятидаги асосий капитал (фондлар);
- ноишлаб чиқариш хусусиятидаги асосий капитал (фондлар);
- айланма капитал (фондлар);
- тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган қисми;
- моддий захиралар ва эҳтиёжлар;
- аҳолининг уй хўжалигида жамғарилган мол-мулк.

Моддий-буюмлашган бойлик ўсишининг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши;
- миллий даромадда жамғариш нормасининг ортиши.

Моддий-буюмлашган бойлик ишлаб чиқаришнинг натижаси ва шарт-шароити ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, бир томондан маҳсулотдан миллий бойлик томон ҳаракатда бойликнинг истеъмол қилинган қисмининг қопланиши ва унинг кўпайиши рўй беради. Бошқа томондан миллий бойлик ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароити, унинг моддий-техникавий асоси ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ва миқёси миллий бойликдан фойдаланиш хусусиятига боғлиқ бўлади.

Миллий бойлик таркибига ҳар бир мамлакатда узоқ тарихий даврларда яратилган бинолар, иншоатлар, ноёб буюмлар, санъат асарлари ва бошқа кўпгина бойлик турлари ҳам киради.

Миллий бойликнинг бошқа қисми табиий бойликлар ишлаб чиқаришнинг омили бўлиб иштирок этади, унинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қилади. Табиий бойликнинг асоси табиат маҳсули бўлиб, унинг вужудга келиши табиат қонунлари асосида рўй берсада, улардан фойдаланиш жамият ривожига ҳам боғлиқ бўлади. Фойдали қазилма бойликлар, ўрмонлар, сув ва ер ресурслари

табиатан мавжуд бўлсада, ишлаб чиқаришда фаол қатнашади.

Табиат бойликларининг асоси табиат маҳсули бўлиб, булар: тоза ҳаво, қуёш ва шамол ва бошқа табиат кучлари, уларнинг энергияси, фойдали қазилма бойликлар, ўрмонлар, океан бойликлари, сув ва ер ресурслари ҳисобланади ҳамда бойликни янада кўпайтириш ва ишлаб чиқаришда мухим аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Табиат бойликлари ер юзи бўйича бир текисда жойлашмаган ва барча давлатлар ҳудудларида бир хил миқдорда тақсимланмаган, шундан хулоса қилиш мумкинки дунё мамлакатлари ва минтақалар табиат бойликлари бўлмиш табиий ресурслар билан турли даражада таъминланган.

Табиат ресурслари такрор ҳосил қилинадиган ва такрор ҳосил қилинмайдиганларга бўлинади.

Такрор ҳосил қилинадиган ресурсларга ўрмонлар кесилган дарахталар ўрнига янгиларини ўтқазиш мумкин, тупроқ қоплами мисол бўла олади.

Такрор ҳосил қилинмайдиган ресурсларга табиий шароитларда уларни ҳосил қилиш учун минглаб ва ҳатто миллионлаб йиллар талаб қилинадиган нефть, кўмир, темир рудаси ва ҳоказолар киради.

Табиий ресурсларнинг захиралари иқтисодий тараққий этишнинг жуда муҳим хусусияти бўлишига қарамасдан уларнинг мавжудлиги юқори ўсиш суръатлари ва иқтисодиётнинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган асосий омил бўла олмайди.

Инсонлар хўжалик юритиш давомида ер қаридан кўмир, нефть, газ, қора ва рангли металлар ҳамда бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишади. Минерал ресурслар ишлатилишига қараб ёқилғи, рудалар (металли), норудалар (металл бўлмаган) 17.4-расм.

Табиат инъомлари ўзларининг дастлабки кўринишида табиий бойлик бўлиб, шу ҳолатида инсон фаолиятининг натижаси ҳисобланган ижтимоий бойлик таркибига кирмайди. Бунинг маъноси шуки, табиий бойликлар жамият

учун фақатгина потенциал бойлик ҳисобланади. Улар инсон меҳнатининг таъсири оқибатида реал бойликка айланади.

17.4-расм. Фойдаланилишига кўра табиий ресурслар турлари.[136]

Жамиятнинг номоддий бойликларида маданият ва санъатнинг ривожланиш даражаси, жамият аъзоларининг тўплаган илмий билимлари ва интеллектуал даражаси, ишловчиларнинг ихтисослиги ва малакавий билим даражаси, соғлиқни сақлаш, таълим ва спортнинг ривожланиш даражаси ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, миллий бойлик моддий буюмлашган ва табиий бойликлардан анча кенг тушунча бўлиб, ўз таркибига жамиятнинг номоддий тавсифдаги бойликларини ҳам олади. Ҳар бир мамлакат ихтиёрида бўлган миллий бойликдан оқилона ва унумли фойдаланиш ва уни кўпайтириб бориш шу мамлакат аҳолисининг бурчи ҳисобланади.

[136] П.С.Лопух, Н.Л.Стреха, О.В.Сарычева, А.Г.Шандроха. География. Страны и народы. – Минск : НИО, 2019. – 221 с.

Хулосалар

1. Иқтисодий тараққиёт унинг бир-бирига қарама-қарши бўлган икки томони: ишлаб чиқарувчи кучлар (табиат, капитал, ишчи кучи) ва иқтисодий муносабатлари (ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истемол жараёнларида кишилар ўртасида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар) нинг ўзаро зиддиятда бўлиб, бир-бирига таъсири натижасида рўй беради.

2. Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришгач бозор иқтисодиётига асосланган, аста секинлик билан, лекин изчил амалга ошириладиган эволюцион тараққиёт йўлини танлади ва "Ўзбек модели" номи билан машҳур бўлган моделда белгиланган беш тамойил асосида ривожланди. Бу ривожланишнинг характерли белгилари шундан иборатки:

а) иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ва модернизациялаш, таркибий ўзгариш жараёнлари тез суръатлар билан бормоқда;

б) барпо этилаётган янги тармоқлар ва янги корхоналар фан-техника тараққиётининг энг сўнги янгиликлари ва энг янги технологиялар асосида ташкил этилиши;

в) амалга оширилаётган моделнинг халқчиллиги, яъни унда халқимизнинг орзу-умидлари, эзгу ниятлари мужассамланган бўлиб, уни ҳамма аҳолимиз қўлаб-қувватлаб, амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этаётганлигидир.

3. Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши кўп омилли ва зиддиятли жараён ҳисобланиб, у асосан иқтисодий ўсишда намоён бўлади. Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот мутлақ ҳажми ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорининг ўсиши ҳамда сифатининг яхшиланишида, таркибининг такомиллашувида ифодаланади.

4. Иқтисодий ўсиш суръатининг аҳамиятини иқтисодчилар томонидан қўлланилувчи «70 миқдори қоидаси» ёрдамида ҳам очиб бериш мумкин. Бу қоидага кўра, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган ЯИМ ҳажмини 2 бараварга оширишда қанча вақт талаб этилишини аниқлаш учун 70 сонини йиллик ўсиш суръатига бўлиш керак бўлади.

5. Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари мавжуд. Ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши орқали ўсиш экстенсив иқтисодий ўсиш дейилади. Ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, янада илғор ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш интенсив иқтисодий ўсиш дейилади.

6. Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: таклиф омиллари ва тақсимлаш омиллари. Таклиф омилларига табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати; меҳнат ресурслари миқдори ва сифати; асосий капитал (асосий фондлар) нинг ҳажми; технология ва фан-техника тараққиётини киритиш мумкин. Ресурсларнинг ўсиб борувчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг мутлақ миқдорини оладиган қилиб тақсимлашга хизмат қилувчи омиллар тақсимлаш омиллари дейилади.

7. Иқтисодчи олимларнинг иқтисодий ўсиш омилларини ўрганиш ҳамда унинг келгусидаги натижаларини башорат қилиш борасидаги тадқиқотлари пировардида турли иқтисодий ўсиш моделларининг яратилишига олиб келди. Бу моделлар ўз мазмунига кўра бир-бирларидан фарқлансада, уларнинг асосида иккита назария – макроиқтисодий мувозанатнинг кейнсча (кейинчалик неокейнсча) назарияси ҳамда ишлаб чиқаришнинг классик (кейинчалик неоклассик) назарияси ётади.

8. Миллий бойлик инсоният жамияти тараққиёти давомида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий, номоддий ва интеллектуал ҳамда табиий бойликлардан иборатдир.

Асосий таянч тушунчалар:

Иқтисодий тараққиётнинг асосий мазмуни – унинг пастдан юқорига, оддийликдан мураккабликка томон тўхтовсиз тўлқинсимон ҳаракатидан иборат

Иқтисодий ўсиш – ЯИМ, СММ, МД миқдорининг мутлақ ҳажми ва аҳоли жон бошига кўпайишида ва сифатининг яхшиланишида ифодаланади.

Иқтисодий ўсишнинг кўрсаткичлари – иқтисодий ўсишни аниқлашда фойдаланиладиган қиймат, ижтимоий нафлилик ва натурал (жисмоний) кўрсаткичлар тизимидан иборат.

Экстенсив иқтисодий ўсиш – ишлаб чиқаришга қўшимча иқтисодий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши.

Интенсив иқтисодий ўсиш – ишлаб чиқариш омилларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши.

Иқтисодий ўсиш омиллари – иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатишда ўз ўрнига эга бўлган ва уни аниқлаб берувчи талаб, таклиф ва тақсимлаш омилларини билдиради.

Миллий бойлик – инсоният жамияти тараққиётида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат инъомлари.

Моддий-буюмлашган бойлик – миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган ашёвий – буюм кўринишга эга бўлган қисми.

Табиий бойлик – миллий бойликнинг табиатда мавжуд бўлиб, инсоният томонидан фойдаланишга жалб қилинган табиат ашёлари ва кучлари (ер, қазилма бойликлар, ўрмонлар, сув ва бошқалар).

Маънавий бойлик – ашёвий-буюм кўринишига эга бўлмаган номоддий бойликлардан ва инсониятнинг интеллектуал салоҳияти натижаларидан иборат.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Иқтисодий тараққиёт ва иқтисодий ўсиш тушунчаларининг таърифини беринг ҳамда уларнинг умумий томонлари ва фарқларини кўрсатинг.
2. Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари қандай аниқланади?
3. Нима учун реал ҳаётда соф экстенсив ёки соф интенсив иқтисодий ўсиш турлари учрамайди?
4. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига, аҳолисининг турмуш даражасига ва ишлаб чиқаришининг самарадорлигига баҳо беришда иқтисодий ўсишнинг қандай кўрсаткичларидан фойдаланилади?
5. Иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи таклиф, тақсимлаш ва талаб омилларини тушунтиринг ҳамда уларнинг аҳамиятини баҳоланг.
6. Миллий бойлик тушунчасининг таърифини беринг ва таркибий тузилишини кўрсатинг.
7. Миллий бойлик таркибида моддий-буюмлашган бойлик қандай ўринга эга ва у қандай таркибий қисмларни ўз ичига олади?
8. Нима учун ер, сув каби табиий бойликларни қиймат ўлчовида баҳолаш мумкин эмас?
9. Маданий, тарихий обидалар ва архитектура ёдгорликларининг миллий бойлик таркибида акс этишини қандай изоҳлаймиз? Уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиринг.

18-боб. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЦИКЛЛИЛИГИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ БЕҚАРОРЛИК

Иқтисодий жараёнлар доимо бир хил бўлиб, бир текисда ривожланавермайди. У ўзгариб тўлқинсимон тебранишда бўлади. Бу тебранишлар циклик тавсифга эга бўлади. Ушбу бобда дастлаб иқтисодий циклларга, яъни бозор иқтисодиёти

учун хос бўлган ишлаб чиқариш, бандлик ва нарх даражасининг даврий тебранишларига умумий тавсиф берилади. Иқтисодий цикл фазалари ва даврий тебранишларнинг сабаблари, шунингдек, молиявий, таркибий ва аграр инқирозларга ҳамда уларнинг хусусиятларини ёритишга алоҳида ўрин ажратилади.

Боб давомида вақти-вақти билан рўй бериши мумкин бўлган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва таъсир йўналишларига алоҳида эътибор қаратилади.

18.1. Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодиётнинг цикллилиги

Ҳар қандай мамлакат иқтисодий ўсиш, иқтисодий ресурсларнинг тўла бандлиги ва нархларнинг барқарор даражасига эришишга ҳаракат қилади.Аммо узоқ муддатли иқтисодий ўсиш бир текис ва узлуксиз бормайди, у иқтисодий беқарорлик даврлари таъсирида тебраниб туради. Иқтисодий ўсиш кетидан доимо таназзул келиб туради. Вақти-вақти билан объектив қонунларнинг ўзгартириб бўлмайдиган таъсири остида такрор ишлаб чиқариш ҳаракатида айрим вақтларда, айрим бўғинларда узилишлар пайдо бўлади ва бу узилиш иқтисодиёт номутаносибликларининг кескин шаклда намоён бўлиши ҳисобланади. Бу ҳолат иқтисодий адабиётларда иқтисодиётнинг циклли ривожланиши деб аталади.

Кўплаб иқтисодчилар ортиқча ишлаб чиқариш сабабларини очиб беришга ҳаракат қилиб, талабнинг кўпайиши ва камайиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ёки қисқариши каби ҳодисаларнинг даврий тавсифига эътибор қаратдилар. Бу ҳодисаларнинг рўй бериш кетма-кетлигидаги маълум изчиллик ҳам аниқланди. Циклли ривожланишнинг объективлиги ва реаллиги, унинг иқтисодий жараёнлар тавсифига таъсири нуқтаи назаридан аҳамиятлилиги тўғрисида бир қатор таниқли иқтисодчилар, жумладан, А.Шпитгоф, М.Туган-Барановский,

Т.Веблен, У.Митчелл, Ж.М.Кларк, Ж.Хикс, Ж.М.Кейнс, Й.Шумпетер ва бошқаларнинг илмий асарларида баён этилган.

Таъкидлаш лозимки, турли дарслик ва ўқув қўлланмаларда мазкур муаммони ёритишга ҳам турлича даражада ёндашилган. Жумладан, академиклар В.И.Видяпин, А.И.Добринин, Г.П.Журавлева ваЛ.С.Тарасевич умумий таҳрири остида тайёрланган дарсликда бу муаммога алоҳида мавзу орқали кенг тўхталиб ўтилган[137]. Унда иқтисодий цикллар назарияси иқтисодий ўсиш назарияси билан бир қаторда иқтисодий динамика назариялари таркибига кириши, иқтисодий цикл табиатининг ўзи эса мунозарали ва кам ўрганилган муаммолардан бири эканлиги таъкидланган. Шунингдек, ижтимоий ҳаётда циклли ривожланишни тан олувчи ҳамда инкор этувчи икки йўналишдаги тадқиқотчилар мавжудлиги кўрсатилган. Циклнинг моҳиятини очиб беришда дастлаб унга жисмлар ўзаро таъсир жараёнининг натижаси сифатида қаралиб, фалсафий қоидалар нуқтаи назаридан изоҳлашга ҳаракат қилинган. Цикл фазаларини ажратиб кўрсатишда марксча саноат цикли назариясига кенг тўхтаб ўтилган. Шундан сўнг циклларнинг асосий турлари, бугунги кунга қадар мавжуд бўлган цикллар тўғрисидаги назариялар баён этилган.

Баъзи бир дарсликларда эса иқтисодиётнинг циклли ривожланиши муаммоларига нисбатан қисқа, умумий тарзда тўхтаб ўтилган[138]. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий циклнинг моҳияти ва унинг фазалари баёнига тўхталиб ўтамиз.

Иқтисодий цикл деганда, одатда иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатидан бошланиб, бирин кетин бир

[137] Қаралсин: Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 465-485-б.

[138] Қаралсин: Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004, 537-541-б.; Борисов Е.Ф. Экономическая теория: Учебник. – 3-е изд., перераб. и доп. М.: Юрайт-Издат, 2005, 301-309-б.

неча фазаларни босиб ўтиб, ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр тушунилади. Иқтисодиётнинг ривожланишидаги ҳаракати бир цикл билан тўхтаб қолмайди, балки у тўхтовсиз тўлқинсимон ҳаракат сифатида давом этади. Циклли ҳаракат иқтисодий ўзгаришнинг муҳим кўриниши, макроиқтисодий мувозанат унсурларидан бири бўлиб, миллий хўжалик турли таркибий қисмларининг амал қилишидаги нотекисликни, унинг ривожланишидаги инқилобий ва тадрижий босқичларнинг иқтисодий тараққиёт жараёнидаги алмашувини акс эттиради.

Иқтисодий цикл махсус фазалар орқали амалга ошади. Ҳар бир фаза иқтисодий ривожланишдаги муайян паллани ифодалаб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Одатда иқтисодий циклнинг инқироз, турғунлик, жонланиш, юксалиш фазалари ажратиб кўрсатилади (18.1-расм). Ана шу фазаларнинг ҳар бири ривожланиши жарёнида навбатдаги фазага ўтиш учун шароит юзага келади.



18.1-расм. Иқтисодий цикл фазалари.

Иқтисодий циклнинг дастлабки фазаси инқироздан бошланиб, у иқтисодий кўрсаткичларнинг, жумладан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг кескин пасайишида ифодаланади. Инқироз фазасининг асосий белгилари ва ўзига хос хусусиятларини мазкур бобнинг 3-бандида батафсил баён этилади.

Инқироздан кейин **турғунлик фазаси** бошланиб, у

нисбатан узоқроқ давом этади. Бу фазада ишлаб чиқариш даражасининг барқарорлиги таъминлансада, у инқироз бошланишидан олдинги даражага нисбатан анча паст бўлади. Нархларнинг пасайиши тўхтаб, ссуда фоизлари пасаяди, товар захиралари барқарорлашади. Бироқ ишсизликнинг юқори даражаси сақланиб қолади. Турғунлик фазаси давомида иқтисодий фаоллик жонланиши учун шароитлар вужудга келиши ниҳоясига етади.

Жонланиш фазасида ишсизлик даражаси бир оз қисқариб, ишлаб чиқариш даражаси секин-аста ўсиб боради. Нархлар ҳам аста кўтарилиб, ссуда фоизи ўса бошлайди. Иқтисодиётнинг бандлик даражасининг ортиши ва фойда ҳажмининг тезлик билан ўсиши жонланиш фазасининг юксалиш босқичига ўсиб ўтишига имконият яратади. Янги цикл юксалишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

Юксалиш фазасида ишчи кучига бўлган талабнинг кенгайиши ишсизликнинг бирмунча камайишига ҳамда иш ҳақининг ўсишига олиб келадики, бунинг оқибатида истеъмол товарларига тўловга қодир талаб кенгаяди. Пировард талабнинг ошиши, ўз навбатида, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга, бозорни кенгайтиришга жадал туртки беради. Рақобат ва фойда кетидан қувиш оқибатида номутаносибликларнинг тўпланиб боришидан иборат занжирли реакция тезлашади. Бу билан янги инқироз муқаррар бўлиб қолади.

Алоҳида иқтисодий цикллар бир-биридан давомийлиги ва интенсивлиги бўйича кескин фарқланади. Шунга қарамай, уларнинг ҳаммаси бир хил фазаларга эга бўлади.

18.2. Иқтисодий цикл назариялари. Циклларнинг асосий турлари

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларнинг чуқур ва изчил равишда

тадқиқ этилиши турли кўринишдаги иқтисодий цикл назарияларининг вужудга келишига олиб келди.

Кўпчилик ҳозирги замон иқтисодчилари иқтисодий циклларнинг объектив тавсифини тан олиб, бу ҳодисани унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш орқали ўрганишни тавсия қилади. **Иқтисодий циклларни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назарияни экстернал назария деб аталади.**

Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқарадиган омиллар киритилади. Бу ташқи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар;
- олтин, уран, нефть ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларининг очилиши;
- янги ҳудудларнинг очилиши ва бу билан боғлиқ равишда аҳоли миграцияси, ер шари аҳолиси сонининг ўзгариб туриши;
- ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги қудратли ўзгаришлар.

Иқтисодий циклларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички омиллари таъсирида вужудга келишини асословчи назария интернал назария деб аталади.

Асосий капиталнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириб, хизмат муддати тугаши ва унинг янгиланиши кўпчилик иқтисодчилар томонидан иқтисодий циклни келтириб чиқарувчи муҳим омиллардан бири сифатида қаралади.

Агар бир ёки бир неча тармоқда машина-ускуналарга талабнинг кескин ортишини келтириб чиқарадиган иқтисодий ўсиш бошланса, табиийки, бу ҳол машина ва ускуналар тўлиқ эскирадиган ҳар 10-15 йилдан кейин такрорланади. Фан-техника тараққиёти натижасида бу муддат қисқариб боради

ва инқирозлар тез такрорланади.Шунингдек, қуйидаги бошқа ички омиллар ҳам ажратиб кўрсатилади:

- шахсий истеъмолнинг ўзгариши (қисқариши ёки кенгайиши);

- инвестициялар, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни янгилаш ва янги иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириладиган маблағлар ҳажми;

- ишлаб чиқариш, талаб ва таклифлар ҳажмига таъсир кўрсатишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқишини фақат экстернал ёки интернал назария орқали тушунтириш тўғри бўлмайди. Иқтисодий цикл ва умуман иқтисодий тизимдаги миқдорий ва сифат ўзгаришлар ташқи ва ички омиллар биргаликдаги таъсири оқибатида келиб чиқиши мумкин. Шунингдек, иқтисодиётнинг циклли ривожланиши сабабларини изоҳлашда бир қатор назариялар ҳам илгари сурилади. Қуйида улардан асосийларини кўриб чиқамиз.

Соф монетар назария. Бу назария тарафдорларининг фикрича бозор иқтисодиётида марказий ўринни пул ва кредит эгаллайди. Иқтисодиётнинг циклли ўзгариши энг аввало пул массаси оқимини ўзгартиришга боғлиқ.

Иқтисодий фаолликнинг ўсиши, иқтисодиётнинг равнақ топиши, унинг турғунлик билан алмашиниб туришига ягона сабаб пул оқимининг ўзгаришидир. Товарларга талабнинг ортиши натижасида савдо, чакана нарх ўсиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади.

Пул оқими (истеъмол харажатлари суммаси) пул миқдорининг ўзгариши натижасида ўзгаради. Пул миқдорининг камайиши иқтисодий фаолият фаоллигини пасайтиради.

Пул ва кредит тизими беқарор тавсифга эга эканлиги сабабли пул оқимини барқарорлаштириш мураккаб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда кредит пуллари тўлов ва муомала воситаси

сифатида асосий ролни ўйнайди. Айнан банк тизими кредит пулларни яратади, шунга кўра, пул оқимининг ўзгаришида банкларнинг ҳисоб ставкалари катта аҳамият касб этади. Бу назариянинг айрим намояндалари пулни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қараб, мувозанатнинг бузилишига асосий сабаб деб кўрсатадилар.

Иккинчи гуруҳи эса пул тизими мутаносибликни бузмайди, фақат мутаносибликни бузилишига олиб келувчи бошқа омиллар учун шароит яратади, деган фикрни илгари сурадилар. Мувофиқ равишда монетар ва номонетар йўналиш вужудга келди. Монетар назариянинг эътиборли томонлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) юксалиш фазаси даврида кредитни кенгайтириш туфайли келиб чиққан ишлаб чиқариш тузилмаси номутаносибликлари таҳлил қилинади;

2) мазкур номутаносибликларнинг салбий оқибати сифатида келиб чиқувчи инқирозлар таҳлил қилинади.

Шундай қилиб, бу назария тарафдорлари жамғаришнинг даврий равишда ошиб кетиши ва мутаносиблик бузилишининг асосий сабаби сифатида пулни кўрсатадилар. **Номонетар назария** тарафдорлари эса технологик ўзгаришлар, янгиликлар, ихтироларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, пул жамғаришнинг кўпайиб кетишидаги ролини кўрсатишади. Монетар ва номонетар йўналиш ўртасидаги фарқ унча катта эмас, бири иккинчисини тўлдиради.Ҳар иккала назария ҳам охир-оқибат иқтисодий фаолликнинг кучайишига истеъмол эмас, балки инвестиция сабаб бўлади, деган фикрни илгари суради.

Иқтисодий циклларни истеъмол товарларига талабнинг ўзгаришига боғлаб, акселерация тамойилига эътибор қаратилади. Бу тамойил моҳиятига кўра техник сабаблар туфайли истеъмол товарларига бўлган талабнинг озгина ўзгариши ишлаб чиқариш учун зарур товарларга талабнинг кескин ўзгаришига олиб келади.

Етарлича истеъмол қилмаслик назарияси. Бу назариянинг моҳияти кўпроқ жамғариб, самарали даражада истеъмол қилмаслик жамиятни циклли ривожланишининг сабаби қилиб кўрсатилади:

1) маблағни жамғариш, бошқача айтганда хазинага айлантириш турғунликка олиб келиши мумкин, чунки бу маблағ инвестициялаш учун фойдаланилмайди;

2) пулни жамғариш истеъмол товарларига талабнинг қисқаришига олиб келади, чунки у истеъмолга сарфланмайди.

3) натижада инвестицияга нисбатан пул шаклидаги жамғариш ҳажми ўсиб бориб, истеъмол товарларига талаб камайиб боради, таклиф эса ортади, нарх пасаяди, истеъмол товарлари бозоридаги қийинчиликлар инқирозга олиб келади.

Жамғариш назарияси. Бу назарияга кўра иқтисодий цикл ишлаб чиқариш воситалари ёки капиталлашган инвестицион товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Кундалик истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ва ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш цикллари ўртасида катта фарқ бор.

Кундалик истеъмол моллари доимий равишда истеъмол қилинади. Уларнинг истеъмол миқдори ўзгарган тақдирда ҳам унча катта ўзгаришлар содир бўлмайди.

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни доимий равишда харид қилинмайди. Балки улар истеъмолчи даромади кўпайган пайтдагина сотиб олинади. Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларга талаб барқарор эмас. Ишлаб чиқаришни давом эттириш учун капитал товарлар ишлаб чиқариш зарур.

Истеъмол ўсган сари капитал товарларга талаб ҳам ортади. Бунда ишлаб чиқариш таркибида номутаносибликлар юз беради, яъни истеъмол товарлари, узоқ муддат фойдаланиладиган ва капитал товарлар ўртасида нисбатлар бузилади.

Инқирознинг сабаби пул етишмаслиги, банк резервларининг камлиги эмас, балки ана шу нисбатларнинг бузилишидир.

Лекин кўпчилик иқтисодчилар етарли даражада истеъмол қилмаслик инқирознинг сабаби эмас, балки унинг оқибатидир, деб таъкидлайдилар. Яъни истеъмолчилар даромадларини кўпроқ жамғаришга ажратганлари учун эмас, балки тўлов қобилиятининг етарли эмаслиги, яъни харид қилиш учун пулнинг йўқлигидан келиб чиқади.

Психологик назария. Иқтисодиётнинг циклли ривожланишини тушунтиришда иқтисодий назариялар билан бир қаторда психологик назариялар ҳам кенг ўрин олиб бормоқда. Психологик назария тарафдорларига Ж.М.Кейнс, У.Митчелл, Ф.Хайек ва бошқаларни киритиш мумкин. Уларнинг фикрича, инсондаги оптимизм ва пессимизм фаолият активлигига объектив иқтисодий омиллар: фоиз меъёри, пул оқими, фойда ва бошқалар таъсир кўрсатиб, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг қисқариши ёки кенгайиши рўй беради.

Кредитнинг кенгайиши, талаб ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши одамларнинг кайфиятини кўтаради ва аксинча. Бундан ташқари кишилар борган сари ликвидлиги юқори бўлган пул жамғаришга мойиллиги ортиб бориши ва ўз навбатида иқтисодий ривожланишга таъсир этишини кўрсатишади.

Ҳозирги замон иқтисодий фанида иқтисодий циклнинг 1380 дан ортиқ турлари мавжудлиги таъкидланади[139]. Қуйидаги 18.1-жадвалда уларнинг кўпчилик иқтисодчилар томонидан тан олинган энг асосий турлари ифодаланган.

Китчин цикли - захиралар цикли деб ҳам номланади. Бунда Жозеф Китчин (1926 й.) ўзининг эътиборини товар захираларининг ҳаракат чоғидаги молиявий ҳисоблар ва сотиш нархларини таҳлил қилиш асосида 2 йилдан 4 йилгача давр давомидаги қисқа тўлқинларни тадқиқ қилишга қаратади. Айниқса, у циклнинг давомийлигини жаҳондаги олтин захираларининг тебранишлари билан боғлаб, уни 3 йилу 4 ойга тенг, деб ҳисоблайди. Бироқ қисқа муддатли

[139] Қаранг: Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 469-б.

цикллар сабабларининг бундай изоҳи бугунги кунда кўпчилик иқтисодчиларни қониқтирмайди.

18.1-жадвал

Циклларнинг асосий турлари

Цикл турлари	Циклнинг давомийлиги	Асосий хусусиятлари
Китчин цикли	2–4 йил	Захиралар миқдори →ЯММ, инфляция, бандликнинг тебраниши, тижорат цикллари
Жуглар цикли	7–12 йил	Инвестицион цикл →ЯММ, инфляция ва бандликнинг тебраниши
Кузнец цикли	16-25 йил	Даромад →иммиграция →уй-жой қурилиши →ялпи талаб →даромад
Кондратьев цикли	40-60 йил	Техника тараққиёти, таркибий ўзгаришлар
Форрестер цикли	200 йил	Энергия ва материаллар
Тоффлер цикли	1000-2000 йил	Цивилизацияларнинг ривожланиши

Жуглар цикли «бизнес-цикл», «саноат цикли», «ўртача цикл» ва «катта цикл» каби номлар билан ҳам аталади. Олдинги даврларда иқтисодий фан 7-12 йиллик цикларни ажратиб кўрсатганлиги туфайли, айнан шу цикл Франция, Англия ва АҚШда фоиз ставкалари ва нархдаги тебранишларни асосий таҳлил қилиш асосида саноат циклининг табиатини ўрганишга катта ҳисса қўшган Клемент Жуглар (1819-1905 йй.) номи билан аталади.

Биринчи саноат цикли 1825 йили Англияда металлургия ва бошқа етакчи тармоқларда машинали ишлаб чиқариш ҳукмрон мавқени эгаллаган даврда кузатилади. 1836 йилдаги инқироз дастлаб Англияда бошланиб, кейин АҚШга ҳам тарқалади, 1847-1848 йилларда АҚШ ва қатор Европа давлатларида бошланган инқироз туб моҳиятига кўра биринчи жаҳон саноат инқирози бўлган.

Агар XIX асрда саноат цикли 10-12 йилни ташкил қилган бўлса, XX асрда унинг давомийлиги 7-9 йил ва ундан ҳам кам даргача қисқарган.

АҚШ ва Европанинг ривожланган давлатлари XX асрда 12 та саноат циклини бошдан кечирган бўлиб, улардан еттитаси Иккинчи жаҳон урушидан кейин рўй берган.

Кузнец цикли кўп ҳолларда «қурилиш цикли» деб ҳам

номланиб, 20 йилгача бўлган иқтисодий тебранишлар билан аниқланади. Саймон Кузнец ўзининг «Миллий даромад» (1946 й.) номли китобида миллий даромад, истеъмол сарфлари, ишлаб чиқариш мақсадидаги ускуналар ҳамда бино ва иншоотларга ялпи инвестициялар кўрсаткичларида 20 йиллик ўзаро боғлиқ тебранишлар мавжуд бўлишини кўрсатиб берган. 1955 йилда америкалик иқтисодчининг хизматларини тан олиш рамзи сифатида саноат циклини Кузнец цикли деб номлашга қарор қилинади.

Кондратьев цикли «узоқ тўлқинлар» цикли деб ҳам аталади. Цикллиликнинг бу назариясини ишлаб чиқишга рус олими Н.Д.Кондратьев катта ҳисса қўшган. Унинг тадқиқоти Англия, Франция ва АҚШнинг 100-150 йил давомидаги ривожланишини қамраб олган. Бунда у иқтисодий ўсишнинг кўп омилли таҳлилини ўтказиб, яъни товар нархлари капитал учун фоиз, номинал иш ҳақи, ташқи савдо айланмаси каби макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўртача даражасини умумлаштириш натижасида бир қатор катта цикларни ажратиб кўрсатади.

I-цикл: 1787-1814 йиллар – кўтарувчи тўлқин; 1814-1851 йиллар – пасайтирувчи тўлқин.

II-цикл: 1844-1851 йиллар– кўтарувчи тўлқин; 1870-1896 йиллар – пасайтирувчи тўлқин.

III-цикл: 1896-1920 йиллар– кўтарувчи тўлқин.

Кондратьев циклининг давомийлиги ўртача 40-60 йилни ташкил қилади ва унинг асосий хусусияти техника тараққиёти ҳамда таркибий ўзгаришларни ўзида акс эттириши ҳисобланади. Кондратьев биринчи катта циклнинг юксалиш фазасини Англиядаги саноат революцияси, иккинчисини – темир йўл транспортининг ривожланиши, учинчисини – электр энергияси, телефон ва радионинг кашф этилиши, тўртинчисини – автомобиль саноатининг ривожланиши билан боғлайди. Ҳозирги замон тадқиқотчилари бешинчи циклни электроника, ген инженерлиги ва микропроцессорлар

ривожланиши тақозо қилишини кўрсатади.

Иқтисодий цикл барча томонлари билан намоён бўлиб, амалда иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги сабабли унинг ҳеч бир соҳаси инфляция тўлқини ёки турғунликнинг нохуш оқибатларидан четда қолмайди. Аммо шуни эътиборга олиш зарурки, иқтисодий цикл алоҳида шахслар турмуш даражаси ва корхоналар иқтисодий фаоллигига турли даражада таъсир кўрсатади. Одатда иқтисодий инқирозлардан саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва узоқ муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқлари кўпроқ зарар кўрадилар.

Уй-жой ва саноат бинолари қурилиши, оғир машинасозлик ҳамда инвестицион товарлар, автомобиллар, маиший хўжалик буюмлари ва шунга ўхшаш товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ саноат тармоқлари ва уларда банд бўлган ишчилар циклнинг инқироз фазасида оғир оқибатга учрайди. Бироқ, бу тармоқлар циклнинг юксалиш фазасида ўзининг ривожланиши учун юқори даражада рағбат олади.

Иқтисодиёт қийинчиликни бошидан кечира бошлаганда ишлаб чиқарувчилар кўпинча, замонавий ускуналарни сотиб олишни ва янги заводлар қуришни тўхтатади ёки қандайдир муддатга кечиктириши мумкин. Бундай конъюнктура шароитида инвестицион товарлар захираларини кўпайтириш ҳеч қандай иқтисодий мазмунга эга эмас, аксинча корхоналар мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан анча тўлароқ фойдаланишлари мумкин бўлади.

Иқтисодий жиҳатдан қулай даврларда, яъни циклнинг жонланиш ва юксалиш фазаларида ишлаб чиқариш воситалари одатда улар тўлиқ эскиргунга қадар алмаштирилади. Аммо таназзул даври келганида, корхоналар ўзининг эскирган ускуналарини таъмирлаб, уларни ишга туширади. Шу сабабли бу даврда ишлаб чиқариш воситаларига инвестициялар кескин қисқаради. Ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд

бўлган айрим корхоналар, ҳатто истеъмол қилинган асосий капиталининг ўрнини қоплашга ҳам ҳаракат қилмайди.

Қисқа муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари иқтисодий циклнинг оқибатларини нисбатан камроқ даражада сезади.

Аҳоли ёки кенг истеъмолчилар қатламига иқтисодий цикл турлича таъсир кўрсатади. Таназзул даври бошланганда, доимий даромад олувчи истеъмолчилар оила бюджетини қисқартиришларига тўғри келади, маиший техника ва автомашина каби узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилишни тўхтатади. Ҳар қандай шароитда ҳам оила аъзолари еб-ичиши ва кийиниши зарурлиги туфайли, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар, яъни қисқа муддатда фойдаланадиган истеъмол товарларини харид қилишни тўхтатиш мумкин эмас. Фақат, бундай товарларни харид қилиш миқдори қандайдир даражада камайиши мумкин.

Инвестицион товарлар ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи кўпчилик саноат тармоқлари юқори даражада монопол мавқега эгалиги билан фарқланади ва натижада бозорда нисбатан кўп бўлмаган йирик фирмалар маълум давр давомида нархнинг пасайишига қарши туриши, талабнинг камайиши сабабли маҳсулот чиқариш ҳажмини чеклаш учун етарлича монопол ҳукмронликка эга бўлиши мумкин. Шу сабабли талабнинг камайиши биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва бандлик даражасига таъсир кўрсатади. Бунга тескари бўлган ҳолатни қисқа муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларида кузатиш мумкин. Бу тармоқларнинг кўпчилиги ўзларининг рақобатга лаёқатсизлиги ва ишлаб чиқариш марказлашув даражасининг пастлиги билан тавсифланади. Шу сабабли улар циклнинг салбий оқибатларига қарши тура олмаслиги мумкин ва маҳсулотларига талабнинг пасайиши ишлаб чиқариш даражасига қараганда нархларда кўпроқ акс этади.

Демак, капиталнинг тўпланиши юқори даражада бўлган тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайиши ва нархларнинг нисбатан секин тушиши, тўпланиш даражаси паст бўлган тармоқларда нархларнинг сезиларли тушиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг нисбатан кам қисқариши кузатилади.

18.3. Иқтисодий инқирозларнинг мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва турлари

Биз олдинги бандларда бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг гоҳ ўсиб, гоҳ тушиб циклик тарзда ривожланишини айтган эдик. Циклли ривожланишнинг асосий фазаларидан бири инқироз ҳисобланади. Шунга кўра ушбу фазанинг мазмуни ва унинг турларини батафсил кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Инқироз бир циклни ниҳоясига етказиб, яна муқаррар равишда инқироз билан тугайдиган янгисининг бошланишига асос солади; инқироз вазиятида асосий капиталнинг ортиқча жамғарилиши унинг ҳамма функционал шаклларида намоён бўлади.

Инқироз фазасида ишлаб чиқариш ва бандлик қисқаради, аммо нархлар пасайиш тамойилига берилмайди. Бу фазанинг қуйи нуқтасида ишлаб чиқариш ва бандлик ўзининг энг паст даражасига тушиб кетиши мумкин. Бунда нархлар ошиб пул қадрсизланади, ишсизлик ошиб кетади. **Шунга кўра, иқтисодий инқироз деб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг кескин тушиб кетишига айтилади.**

Инқирознинг сабаби шундан иборатки, жамиятда ишлаб чиқарилган товарлар массаси тўловга қобил талабга мос келмай (ундан ошиб кетади ёки кам бўлади) қолади. Натижада ишлаб чиқаришнинг бир қисми тўхтаб қолади, товарлар ишлаб чиқариш камаяди, ишлаб чиқаришнинг ўсиш даври

унинг тушкунлиги билан алмашинади. Иқтисодиётнинг ўсиши инфляция, яъни нарх даражасининг асоссиз равишда кескин кўтарилиши сабабли орқага кетади. Шундай даврлар ҳам бўладики, бунда иқтисодий ўсиш бандлик ва ишлаб чиқаришнинг паст даражасига ўрин беради, айрим ҳолларда нарх даражасининг кўтарилиши билан бирга ишсизлик ҳам кескин ўсади. Қисқача айтганда, иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли тамойиллари ҳам ишсизлик, ҳам инфляция оқибатида узилиб қолади ва мураккаблашади. Инқирозларнинг асосий сабаби – такрор ишлаб чиқаришдаги беқарорлик ва номутаносибликлардир. Бу аввало, ишлаб чиқариш ва унинг натижаларини ўзлаштириш ўртасидаги номутаносиблик бўлиб, у турли ишлаб чиқариш усуллари ва иқтисодий тизимнинг ҳар хил нусхаларида турли шаклларда намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш билан истеъмол, талаб ва таклиф ўртасидаги вақти-вақти билан юзага келиб турадиган номутаносибликлар ҳам иқтисодий инқирозларнинг юзага чиқиш имкониятини кенгайтиради.

Ривожланган товар хўжалиги пайдо бўлгунга қадар ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши одатда табиий офатлар (қурғоқчилик, тошқинлар ва ҳ.к.) ёки урушлар ва улар келтирадиган вайронагарчиликлар билан боғлиқ бўлган. Йирик машинали ишлаб чиқаришга ўтилган даврдан кейинги вақти-вақти билан иқтисодиётни ларзага солиб турувчи иқтисодий инқирозлар ижтимоий такрор ишлаб чиқаришга циклик тавсифни касб этади. Инқирозлар турли-туман тарзда рўй берсада, уларнинг умумий, ўхшаш томонларини назарда тутиб, гуруҳларга ажратиш мумкин.

Хўжалик тизимида **мувозанатнинг бузилиши миқёсига кўра** инқирозларни умумий ҳамда айрим соҳалар ва тармоқларда юз берадиган инқирозларга бўлиш мумкин. Умумий инқирозлар бутун миллий хўжаликни қамраб олса, иккинчиси қисман, яъни айрим соҳалар ёки тармоқлардаги танглик сифатида рўй беради.

Айрим соҳалардаги инқирозлар орасида ҳозирги даврда молиявий инқироз муҳим ўрин тутиб, у ўз ичига пул-кредит соҳасидаги инқироз, валюта инқирози, биржа инқирози ва бошқаларни олади. Ҳозирги вақтда АҚШ ва Европанинг аксарият мамлакатларида рўй бераётган инқироз ҳам дастлаб молия соҳасида бошланиб, кейинчалик ишлаб чиқариш соҳасига ҳам туташиб кетмоқда.

Пул-кредит соҳасидаги инқироз. Мамлакатда пул-кредит тизимининг танг аҳволга тушиши бўлиб, бунда тижорат ва банк кредити қисқаради. Акция ва облигацияларнинг курси, банк фоизи тушиб кетиши натижасида банклар синиб, ялпи ҳолда банкротликка учрайдилар.

Валюта инқирози. Бунда миллий валютанинг обрўси тушиб кетади. Банкда валюта захираси тугаб, миллий валюта курси тушиб кетади.

Биржа инқирози. Бу танглик биржада қимматли қоғозлар курсининг тезда тушиб кетиши, уларни эмиссия қилишнинг қисқариши фонд биржалари фаолиятидаги чуқур тушкунликда ифодаланади.

Экологик инқироз. Атроф-муҳитни, энг аввало инсон соғлиғини йўқотиш, умрини қисқартиришга олиб келадиган даражада вазиятнинг вужудга келишида ифодаланади. У саноатнинг шиддатли тарзда ўсишига йўл қўймайди.

Тармоқлар инқирози. Бу миллий хўжаликнинг биронбир тармоғини қамраб, ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгариши ёки нормал хўжалик алоқаларининг бузилиши туфайли юз беради (саноат инқирози, аграр инқироз ва бошқалар).

Таркибий инқирозлар. Иқтисодиётдаги инқирозлардан бир кўриниши ёки унинг бир тури таркибий инқирозлардир. Бу инқирозларни ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари ва тармоқлари ривожланишида улар ўртасидаги чуқур номутаносибликлар келтириб чиқаради.

Таркибий инқирозлар билан иқтисодий тебранишлар ва шу жумладан иқтисодий фаолликнинг мавсумий тебранишлари

ҳам мавжуд бўлади. Масалан, байрамлар арафасидаги харид қилиш, истеъмол товарларининг фаоллик суръатида, асосан, чакана савдода сезиларли ҳар йиллик тебранишларга олиб келади. Қишлоқ хўжалиги, автомобиль саноати, қурилиш ҳам қандайдир даражада мавсумий тебранишларга дучор бўлади.

Аграр инқироз. Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий инқирозлар аграр инқирозлар деб аталади. Аграр инқирозлар қуйидаги шаклларда намоён бўлади: 1) қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нисбий ортиқча ишлаб чиқарилиши, унинг сотилмай қолган жуда катта захираларининг тўпланиши; 2) нархларнинг пасайиши, даромадлар ва фойдаларнинг камайиши; 3) ўз харажатларини қоплай олмасдан, фермерларнинг оммавий равишда хонавайрон бўлиши, улар қарзларининг ортиши; 4) қишлоқ аҳолиси ўртасида ишсизларнинг кўпайиши.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, аграр инқирозлар ҳам ўзига хос хусусият касб этади. Аграр инқирозлар саноат циклларига қараганда одатда анча узоқ вақт чўзилиб боради. Биринчи аграр инқироз XIX асрнинг 70-йилларида бошланиб, ҳар хил шаклларда 90-йиллар ўртасигача давом этган эди.Биринчи жаҳон урушидан кейин, аҳолининг харид қобилияти жуда пасайиб кетган шароитда, 1920 йил баҳорида кескин аграр инқироз бошланиб кетди ва иккинчи жаҳон урушининг бошланишга қадар давом этди. Учинчи аграр инқироз 1948 йилдан бошланиб, 80-йилларгача давом этди. Аграр инқирозларнинг чўзилиб кетишининг асосий сабаблари қуйидагилар: а) ерга хусусий мулк монополияси шароитида, у қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланишида саноатга нисбатан орқада қолишни тақозо этади; б) ер рентасининг мавжуд бўлиши ва унинг узлуксиз суръатда ўсиб бориши. Ер рентасининг, аввало абсолют рентанинг кўпайиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қимматлаштириб юборади, бунинг натижасида уни сотиш қийинлашади; в)

кўплаб майда деҳқон хўжаликларининг мавжуд бўлиши. Майда ишлаб чиқарувчилар хўжаликни асосан ўзи ва оиласи учун зарур тирикчилик воситаларини топиш мақсадида юритади. Инқироз шароитида ҳам улар ишлаб чиқаришни қисқартира олмайдилар. Тирикчиликларини ўтказиш ва ижара ҳақини тўлаш учун ишлаб чиқаришни илгариги миқиёсларда олиб боравердилар. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларини нисбий ортиқча ишлаб чиқаришни яна ҳам кўпайтириб юборади.

Аграр инқирозлар циклли тавсифга эга бўлмайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортиқча ишлаб чиқариш абсолют тавсифга эмас, балки нисбий тавсифга эга. Чунки инқироз рўй берган мамлакатларда миллион-миллион кишилар доимий суратда очликда яшайди.

Ташқи омиллар таъсирида юз берадиган номунтазам инқирозлар иқтисодиётнинг изчил қонун-қоидаларининг бузилиши сабабли эмас бошқа бирон-бир алоҳида сабабларга кўра юз беради. Масалан, урушлар, табиий офат, сел, тўфон, қурғоқчилик туфайли иқтисодиёт танг аҳволга тушиб қолиши мумкин. Ҳозирги вақтда бутун жаҳонни даҳшатга солаётган тождор (корона) вирус касаллиги тарқалиши сабабли иқтисодиёт инқирозга тушиб қолмоқда.

Такрор ишлаб чиқариш нисбатларининг бузилиши тавсифига кўра инқирозлар иккига: ортиқча ишлаб чиқариш ва тақчил ишлаб чиқариш инқирозларига бўлинади. Товарларни ортиқча ишлаб чиқариш инқирози турли товарларни талабдан ортиқча ишлаб чиқариш, лекин уларни тўла сота олмасликда намоён бўлади.Тақчил ишлаб чиқариш ҳолатида яъни таклифнинг талабга нисбатан кам бўлгани ҳолатида ҳам мувозанат бузилиб, етишмовчилик натижасида танг аҳвол келиб чиқади. Шундай қилиб, иқтисодиётнинг тушкунликка тушишига фақат ортиқча ишлаб чиқариш эмас, балки тақчил ишлаб чиқариш ҳам сабаб бўлади.

18.4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, салбий оқибатлари ва Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири

2008 йилда ўзининг кўлами жиҳатидан кенг ва салбий таъсир оқибатлари жиҳатидан анча жиддий бўлган навбатдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланди. Биринчи Президентимиз «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида мазкур инқирознинг мазмун-моҳияти ҳамда келиб чиқиш сабабларини қуйидагича баён этдилар: «Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»[140]. Бундан кўринадики, дастлаб АҚШ ипотека бозорларида намоён бўлган мазкур инқироз етарлича тўлов лаёқатига эга бўлмаган, қарзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган қарздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берди.

Модомики, ипотека кредити ўзининг моҳияти бўйича кўчмас мулк гарови ҳисобига бериладиган кредитлар бўлсада, АҚШ бозорлари бундай ликвидли кўчмас мулкларга етарлича «тўйинди» ва уларнинг нархлари кескин туша бошлади. Бунинг устига инвестицион банкларнинг АҚШ ипотека

[140] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

бозорларидаги янги молиявий «маҳсулот» ҳисобланган активларни секьюритизациялаш бўйича операцияларининг авж олиши ипотека бозорларидаги таназзуллик ҳолатлари эҳтимоллигини оширди.

Аксарият молиячи-иқтисодчилар вужудга келган молиявий инқирознинг ҳақиқий сабабларидан бири сифатида ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни ҳаддан зиёд ортиқча эркинлаштириш сиёсатининг «меваси» эканлигини, яъни «ўз-ўзини бошқарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувини чекланганлиги билан ҳам изоҳламоқдалар. Шу ўринда, жаҳон молиявий инқирозининг юзага келишида асосий сабаб – молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Пул муомаласи қонунларидан маълумки, иқтисодиёт соғлом ва барқарор амал қилиши учун муомаладаги пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида муайян нисбатга амал қилиниши лозим. Бироқ, миллий иқтисодиётларнинг байналминаллашуви ва глобаллашув жараёнлари пул муомаласининг амал қилишига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, дастлаб айрим мамлакатлар, масалан АҚШда, кейинчалик кўплаб мамлакатларда мазкур қонунга риоя қилишнинг заифлашувига, кейин эса уни умуман эътиборга олмасликка қадар олиб келди. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йилларига қадар амал қилиб келган жаҳон валюта тизимлари пулларнинг олтин ёки товар мазмунини таъминлаш орқали иқтисодий муносабатларнинг барқарорлигига замин яратди. Бироқ, жаҳон амалиётида 1976 йилдан бошқариладиган, сузиб юрувчи валюта тизимига ўтилгач, пулнинг олтин мазмуни йўқолиб, асосан, АҚШ доллари жаҳоннинг етакчи валютасига айланди, унинг муомалага чиқарилишини назорат қилиб бўлмай қолди. Кейинги йилларда глобаллашув жараёнининг жадаллашуви таъсирида халқаро иқтисодий алоқаларда қатъий валютага бўлган талабнинг янада кучайиши АҚШ томонидан ҳеч

қандай товар билан таъминланмаган пулларнинг муомалага чиқарилиш жараёнини янада тезлатиб юборди. Маълумотларга кўра, муомаладаги пул массаси (нақд, кредит пуллар ва турли тўлов воситалари)нинг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажмидан деярли 10 баравар, агар пулнинг айланиш тезлигини ҳам ҳисобга олинса, муомала учун зарур бўлган пул миқдоридан, яъни пулга бўлган талабдан бир неча ўн баравар кўпайиб кетганлигини англатади.

Шу билан бир қаторда, асосан етакчи ривожланган мамлакатларда кузатилган қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам молиявий инқирознинг вужудга келишига асосий сабабларидан ҳисобланади:

- норационал пул-кредит сиёсатини, ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик ҳолатга айланиши;
- молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши;
- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;
- молиявий рағбатлантириш услуби сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги;
- юқори рискли ва мураккаб ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларни вужудга келиши ва ҳоказо.

Аксарият халқаро экспертларнинг эътироф этишларича, 2008 йилда АҚШ ипотека бозорларида бошланган инқирознинг авж олиши ва уни жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқишига фаол таъсирини АҚШнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотининг асосий истеъмол қилувчиси ҳисобланганлигини келтириб ўтишади. Маълумотларга қараганда, АҚШнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқишдаги ҳиссаси 20% ни ташкил қилсада, унинг истеъмолидаги ҳиссаси қарийб 40% ни ташкил қилади.

Ривожланган мамлакатлар, айниқса, АҚШ давлат ташқи қарзи миқдорининг ўсиб борганлиги ва уни ЯИМга нисбатан салмоғи ўсганлиги ҳам иқтисодий инқироз кучайишининг омилларидан бири бўлди (18.2-жадвал).

18.2-жадвал

Жаҳондаги айрим давлатлар ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан динамикаси, фоизда[141]

Давлатлар	2007	2008	2011	2013	2015	2016	2018
Ўзбекистон	17	13	18	11	11	11	33
Россия	36	37	28	25	25	36	47,1
Қозоғистон	92	102	85	68	58	26,1	94
АҚШ	89	90	100	110	98	98	104,1
Украина	60	64	77	96,5	96,5	127	63
Қирғизистон	83	81	58	81	54,1	54,1	47,4

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, кейинги йиллар мобайнида хусусан, АҚШ ва айрим Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари (Қирғизистондан ташқари) ташқи қарзларининг ялпи ички маҳсулотларига нисбатан салмоғи ортиб борган. Хусусан, 2018 йилда АҚШ ташқи қарзларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи қарийб 104,1% ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич Россияда 47,1%ни, Қозоғистонда 94%ни, Украинада 63%ни ташкил этган. Қирғизистонда 47,4% ни ташкил қилган. Бу борада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган иқтисодий сиёсат натижасида ташқи қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 2007 йилдаги 17% дан 2016 йилгача бўлган даврда 11% га қадар қисқарган бўлса, мамлакуатимизга кириб келаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг ортиши ҳисобига, бу кўрсаткич 2018 йилда 33 фоизни ташкил этди.

Ҳозирда кўплаб мутахассис ва экспертлар томонидан жаҳон молиявий инқирозининг глобал тус олиши ва иқтисодий инқироз жараёнларининг кучайиши иқтисодий пасайишни, инвестициявий фаоллик кўлами чекланиб боришини, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши ҳамда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий

[141] https://ru.wikipedia.org/wiki/Список стран по внешнему долгу.

талофотлар содир бўлиши мумкинлиги эътироф этилмоқда. Хусусан, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг пасайиши, бевосита хорижий инвестициялар кўламининг янада пасайишининг кузатилиши ҳамда халқаро савдо ҳажми қарийб 15% га пасайиши эҳтимол қилинмоқда. Бу ҳолат эса ишсизлик даражасининг ортиши билан боғлиқ жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин (18.3-жадвал).

18.3-жадвал

Ривожланган мамлакатларда ишсизлик даражаси[142]

Давлатлар	2007	2009	2011	2013	2015	2017	2018	2019
АҚШ	4,6	10,0	8,5	7,4	5,3	4,9	3,7	3,6
Япония	3,8	5,4	4,5	4,0	3,5	2,9	2,4	2,4
Буюк Британия	5,3	7,6	8,4	7,5	5,4	4,7	4,1	3,9
Германия	8,3	8,0	7,1	5,3	4,6	3,8	3,4	3,2

АҚШ Федерал захира тизими томонидан олиб борилган норационал пул-кредит сиёсати ҳамда қайта молиялаштириш ставкасининг сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида банклар томонидан кредит бериш кўлами кескин ўсди. Федерал захира тизимининг экспансион пул-кредит сиёсати тижорат банкларига тақдим этадиган кредитлари бўйича фоиз ставкаларини 1,25% гача пасайтирилишида намоён бўлган эди.

Федерал захира тизимининг ипотека бозорларига эътиборсизлиги, ипотека кредитлари бериш талабларининг ҳаддан зиёд эркинлаштирилиши натижасида бозорда кўчмас мулкларга талаб ортди ва уй-жой бозорида нархларнинг қисқа муддат ичида кескин ўсиши кузатилди.

Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш тизимининг номувофиқлиги натижасида банклар томонидан кредитлаш тизими талаблари ўта енгиллашиб, бу ҳолат кредитлардан фойдаланишда тўловга лаёқатлик даражасининг ҳисобга олинмаслигига имкон яратди.

2016 йил ноябрь ойида Хитойда, жаҳон ялпи маҳсулотининг 80 фоизини ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлат иштирокида

[142] https://data.worldbank.org/indicator/SL.UEM.TOTL.ZS?view=chart

бўлиб ўтган саммит глобал молиявий инқирознинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини тасдиқлагани, ушбу саммитда бўлиб ўтган муҳокамалар бугун жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ҳақида эмас, балки ундан қандай қилиб чиқиш йўллари изланаётганлигидан дарак беришини таъкидлаб ўтдилар.

Жаҳон молиявий инқирози аксарият ривожланган мамлакатлар молия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини келтириб чиқарди. Шунга кўра, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг банк тизимларини инқироздан қутқариш учун йирик тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиб, уларни бюджет маблағлари ҳисобига ликвидли активлар билан таъминлай бошлади.

АҚШ ҳукумати иқтисодиётга йирик масштабдаги давлат аралашуви сиёсатини юрита бошлади. АҚШнинг собиқ молия вазирининг ташаббуси билан Конгресс «Полсон режаси» деб номланувчи режани қабул қилди. Мазкур режанинг умумий ҳажми 700 млрд. долларни ташкил қилади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари инқироздан чиқиш бўйича тижорат банклари кредитлари учун давлат кафолатлари тизимидан фойдаланишга келишиб олишди. Бу ҳолатда кафолатлар банклараро кредитлар бўйича 5 йил муддатга тақдим этилади ва ҳукумат банкларнинг имтиёзли акцияларини сотиб олиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш имкониятларига эга бўлади. Масалан, АҚШда Федерал захира тизими қимматли қоғозларни сотиб олиш, хусусий секторни тўғридан-тўғри молиялаштириш амалиётига ўтиш орқали ликвидлиликни таминлашнинг янги усулига ўтди.

Буюк Британия ҳукумати банклар ва молиявий муассасалар акцияларига 37 млрд. фунт стерлинг маблағларини инвестиция қилишини эълон қилди. Германия ҳукумати эса, банк тизимини қўллаб-қувватлаш учун капитал ва кредитлар бўйича кафолатлар шаклида 500 млрд. евро ажратишини эълон қилди. Австралия ҳукумати эса барча омонатчилар пул жамғармаларини 3 йилга кафолатлашини эълон қилди

ва ипотека қимматли қоғозларини сотиб олиш учун 2,6 млрд. доллар маблағ ажратди (18.4-жадвал).

18.4-жадвал

Жаҳон мамлакатларининг инқирозга қарши курашга сарфланган молиявий харажатлари (2009 йил)[143]

Мамлакат	Молиявий харажатлар, млрд. доллар	Мамлакат ЯИМга нисбатан % ҳисобида (2008 йил)
Россия	222	13,9
Буюк Британия	1020	37
АҚШ	3539	25
Германия	893	23
Япония	576	12
Хитой	570	13
Дунё бўйича	9400	15

Европанинг йирик банклари миллийлаштирилди, яъни давлат томонидан сотиб олинди. Инқироздан қутқариш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлардан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатлар тартибга солинмайдиган эркин бозор ҳақидаги идеологик догмани орқага ташлаб, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулларидан кенг фойдалана бошладилар.

Тижорат банкларини «миллийлаштириш»ни назарда тутувчи давлат бюджетидан ажратилган мазкур инвестиция ресурслари маълум бир даврга ўзининг ижобий натижасини бериши мумкин.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари томонидан инқирозга қарши кураш бўйича йирик миқдорда молиявий ресурслар ажратилмоқда. Уларнинг ҳажми ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи инқирознинг таъсир кўлами ва ҳар қайси мамлакатларнинг инқирозга қарши кураш бўйича ишлаб чиққан режалари ҳажмига асосланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири борасида Биринчи Президентимиз ўз асарларида қуйидагича таъкидлайдилар: «...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш

[143] http://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.KD.ZG

мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, молиявий инқирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, Ўзбекистонда инқирознинг иқтисодиётга таъсири жаҳон хомашё бозорларида экспорт маҳсулотларига талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорлар харид қобилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

Шу билан бирга, бугунги кунда кўплаб етакчи олим ва мутахассисларимиз томонидан иқтисодиётимизда молиявий инқирознинг салбий оқибатлари таъсирини пасайтирадиган омиллар мавжудлиги таъкидланмоқда. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, «ҳозирги инқироз эҳтимол тутилаётган салбий таъсирлардан ташқари биз учун ижобий таъсирларга ҳам эга бўлиши, янги имкониятларни вужудга келтириши мумкин. АҚШ ва Европадаги инвесторлар акциялардан бош тортиб, ўз активларини бўшатмоқдалар. Моҳиятига кўра, қайтадан қандайдир ишга жалб этилиши зарур бўлган ресурсларни бўшатиш жараёни бормоқда. Демак, янги бозорларни, янги имкониятларни излаш бошланади. Инвесторлар капитал киритишнинг муқобил йўлларини қидирадилар. Ғарб бозорлари турғунликка юз тутган чоғда ривожланаётган мамлакатлар бозорлари ўсишнинг ижобий динамикасини кўрсатади. Шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кўплаб инвесторлар Ўзбекистон бозорига

эътибор қаратишлари эҳтимолдан холи эмас»[144]. Шунингдек, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлининг танланганлиги;
- давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигининг аниқ белгилаб олинганлиги;
- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;
- оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;
- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;
- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Республикамизда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимизнинг ҳалқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инқирознинг салбий оқибатларининг олди олинди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ташқи дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларни амалга оширишимизда хорижий мамлакатларнинг илғор

[144] Хаитбаев Д. Кризис может иметь свои плюсы // http://www.review.uz/page/article/v_uzbekistane/2356.

технологияларига асосланган инвестицияларига эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, жаҳон бозоридаги талабнинг пасайиб бориши маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизнинг экспорт кўламига жиддий таъсир кўрсатади.

Шунга асосланган ҳолда, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган давлат дастурларида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топди.

Хулосалар

1. Иқтисодий цикл деганда, одатда иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатидан бошланиб, бирин-кетин бир неча фазаларни босиб ўтиб, ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр тушунилади. Иқтисодиётнинг ривожланишидаги ҳаракати бир цикл билан тўхтаб қолмайди, балки у тўхтовсиз тўлқинсимон ҳаракат сифатида давом этади.

2. Иқтисодий цикл махсус фазалар орқали амалга ошади. Ҳар бир фаза иқтисодий ривожланишдаги муайян паллани ифодалаб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Одатда иқтисодий циклнинг инқироз, турғунлик, жонланиш, юксалиш фазалари ажратиб кўрсатилади. Ана шу фазаларнинг ҳар бири ривожланиши жарёнида навбатдаги фазага ўтиш учун шароит юзага келади.

3. Иқтисодий циклларни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назарияни экстернал назария деб аташ қабул қилинган.

Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқарадиган омиллар киритилади, яъни: урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар; олтин, уран, нефть ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларининг очилиши; янги ҳудудларнинг очилиши ва бу билан боғлиқ равишда аҳоли миграцияси, ер шари аҳолиси сонининг ўзгариб туриши;

ижтимой ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги қудратли ўзгаришлар.

4. Интернал назария иқтисодий циклларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички омиллари туғдиради деб ҳисоблайди ва қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатади: асосий капиталнинг жисмоний хизмат муддати; шахсий истеъмолнинг ўзгариши (қисқариши ёки кенгайиши); инвестициялар, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни янгилаш ва янги иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириладиган маблағлар ҳажми; ишлаб чиқариш, талаб ва таклифлар ҳажмига таъсир кўрсатишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.

5. Иқтисодиётнинг циклли ривожланиши сабабларини изоҳлашда шунингдек соф монетар назария, номонетар назария, етарлича истеъмол қилмаслик назарияси, жамғариш назарияси, психологик назария кабилар ҳам илгари сурилади.

6. Ҳозирги замон иқтисодий фанида иқтисодий циклнинг 1380 дан ортиқ турлари мавжудлиги таъкидланади. Уларнинг кўпчилик иқтисодчилар томонидан тан олинган энг асосий турлари сифатида Китчин, Жуглар, Кузнец, Кондратьев циклларини келтириш мумкин.

7. Иқтисодий инқироз деб асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг кескин тушиб кетишига айтилади.

8. 2008 йилда дастлаб АҚШ ипотека бозорларида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози етарлича тўлов лаёқатига эга бўлмаган, қарзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган қарздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида намоён бўлди. Аслида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг асосий сабаблари бўлиб ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни ҳаддан зиёд ортиқча эркинлаштириш сиёсати, яъни «ўз-ўзини бошқарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувининг чекланганлиги; молиявий

ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши; норационал пул-кредит сиёсатининг, ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик ҳолатга айланиши; молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши; қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши ва бошқалар ҳисобланади.

10.Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, Ўзбекистонда инқирознинг иқтисодиётга таъсири жаҳон хомашё бозорларида экспорт маҳсулотларига талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорлар харид қобилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

11. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлиги қуйидаги юмшатувчи омилларнинг мавжудлиги билан изоҳланади: маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлининг танланганлиги; давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигининг аниқ белгилаб олинганлиги; Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги; оқилона ташқи қарз сиёсати олиб

борилганлиги; аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги; давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканлиги, уларнинг ҳимоя механизмларининг кучлилиги.

Асосий таянч тушунчалар:

Иқтисодий инқироз – асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг кескин тушиб кетиши.

Иқтисодий цикл – ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий инқироздан иккинчиси бошлангунга қадар такрорланиб турадиган тўлқинсимон ҳаракати.

Турғунлик (депрессия) – ишлаб чиқаришнинг бир жойда депсиниб туришини англатувчи ҳамда иқтисодий фаоллик жонланиши учун шарт-шароитларнинг вужудга келишига имкон яратилувчи иқтисодий цикл фазаси.

Жонланиш – иқтисодий циклнинг ишлаб чиқаришнинг барқарор кенгайиб боришига ўтишини тавсифловчи фазаси.

Юксалиш – иқтисодий циклнинг иқтисодиётда тўлиқ бандликка эришилиши, ишлаб чиқаришнинг инқироздан олдинги даражадан ҳам ортиб кетиши ва тўловга лаёқатли талабнинг кенгайиб боришини тавсифловчи фазаси.

Таркибий инқирозлар – иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва соҳалари ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликларни ифодаловчи иқтисодий ҳолат.

Аграр инқирозлар – қишлоқ хўжалигида рўй берадиган иқтисодий инқирозлар бўлиб, циклли тавсифга эга бўлмайди ва саноат циклларига қараганда анча узоқ давр давом этади.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Макроиқтисодий барқарорлик нима? Унга эришишнингқандай йўллари мавжуд?
2. Иқтисодий цикл бўйича қандай назариялар мавжуд? Экстернал ва интернал назарияларнинг фарқи нимада?
3. Иқтисодий циклнинг таърифини беринг ва унинг ҳар бир фазасининг ўзига хос белгиларини кўрсатинг.
4. Иқтисодий циклларнинг асосий турларига тавсиф беринг ва муҳим белгиларини кўрсатинг.
5. Иқтисодий циклнинг оқибатларини баҳоланг.
6. Иқтисодий инқирозлар мазмун-моҳияти нимада ифодаланади?
7. Иқтисодий инқирозларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтиринг?
8. Инқирозларнинг умумий жиҳатларига кўра қандай гуруҳларга ажратиш мумкин?
9. Таркибий инқирозларни тушунтиринг. Циклли тебранишлар вужудга келишининг сабабларини кўрсатинг.
10. Аграр инқирозларнинг хусусиятларини баён қилинг.
11. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози вужудга келишининг асосий сабабларини тушунтириб беринг.
12. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмуни ва кўламлари тўғрисида жаҳоннинг етакчи эксперт ва таҳлил марказлари томонидан қандай хулосалар чиқарилди?
13. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ривожланган мамлакатларга таъсир йўналишлари ва даражасини тавсифланг.
14. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири нималарда намоён бўлди? Унинг таъсир оқибатларини юмшатувчи омилларни изоҳлаб беринг.

19-боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУВОЗАНАТЛИ ВА МУТАНОСИБ РИВОЖЛАНИШИ

Биз олдинги бобда бозор иқтисодиётининг ривожланиши циклли тавсифга эга бўлиб, тўлқинсимон ҳаракатда бўлишини, инқирозлар вақти-вақти билан такрорланиб туришини айтиб ўтдик. Бу бобда инқирозларнинг олдини олиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши мумкинлигини ўқувчи-талабаларимизга тушунтиришни мақсад қилиб қўйдик.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида унинг мувозанатини ва мутаносиблигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Мувозанатлик иқтисодиёт назариясининг муҳим тадқиқот категорияларидан бири бўлиб, у орқали макроиқтисодий кўрсаткичларни, яъни миллий даромад, истеъмол ва жамғарма, инвестициялар, ишсизлик ва бандлик кабиларни таҳлил қилишда кенг фойдаланилади. Миллий иқтисодиёт миқёсида жамиятнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанат асосий ўрин тутиб, бу ялпи таклиф ва ялпи талаб ўртасидаги мутаносибликнинг ўзига хос намоён бўлишидир.

Ушбу бобда иқтисодий мувозанат тушунчаси, унинг мазмунига турлича ёндашувлар, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг турли томонлари, соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликлар тизими, уларнинг таъминланиш даражаси ҳамда иқтисодиётдаги балансларнинг мазмуни мувозанатликнинг кўриниши, амалиётдаги ифодаси сифатида баён қилинади. Шунингдек, иқтисодий мувозанатга эришишнинг давлат ва бозор механизмларини ёритиб берилади, энг муҳими иқтисодиётда мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлаш иқтисодий инқирозларнинг олдини олишнинг муҳим воситаси эканлигига алоҳида эътибор қаратилади.

19.1. Иқтисодий мувозанатликнинг мазмуни ва намоён бўлиш шакллари

Иқтисодиётнинг инқирозларсиз, барқарор ва самарали ривожланиши учун унинг турли томонлари, соҳалари, тармоқлари ва бўлаклари ўртасида маълум мувозанат бўлиши тақозо этилади.

Иқтисодиёт бир-бири билан чамбарчас боғлиқликда амал қиладиган хилма-хил фаолиятларни, турли соҳалар, тармоқлар, бўлинмалар, мажмуалар, бирлашмаларни, молия, банк, солиқ, суғурта, ташқи иқтисодий алоқалар ва бошқаларни ўз ичига олувчи ўта мураккаб тизим бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётнинг яхлит тизим сифатида самарали амал қилиши кўп жиҳатдан унинг таркибий қисмлари ўртасидаги мувозанатлик ва мутаносибликка боғлиқ бўлади.

Иқтисодиётнинг мувозанатлигини таъминлаш, энг аввало, иқтисодий мақсадлар – аҳолининг ўсиб борувчи талабини қондириш, иқтисодий ўсиш, тўла бандлик, иқтисодий самарадорлик, нархларнинг барқарор даражаси, иқтисодий эркинлик, даромадларнинг адолатли тақсимланиши, ижтимоий ҳимоя, ижобий савдо балансига эришиш билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳам аҳамиятлидир.

Иқтисодий мувозанатлик ва унинг амал қилиши билан боғлиқ ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини чуқурроқ тушуниш, уни таъминлашнинг асосий йўналишларини аниқлаш, усуллар ва воситаларидан самарали фойдаланиш мувозанатликнинг иқтисодий категория сифатидаги мазмунини билишни тақозо этади.

«Мувозанат» тушунчаси кенг ва умумий ҳолда қўлланилиб, бу борадаги дастлабки таассурот ва аниқликларни ҳосил қилишда қўл келади. Чунки, мувозанат тушунчаси нафақат иқтисодий, балки табиий-ижтимоий ҳодиса ва жараёнларга ҳам тегишли бўлиб, унга табиат ва жамиятнинг ҳар қандай жабҳа ва соҳаси нуқтаи назаридан ёндашиш мумкин. Масалан, кишилик жамияти таркиб топиб, тараққий этгунга қадар ҳам табиатдаги мувозанатликлар – галактикадаги коинот

жисмларининг жойлашуви, уларнинг бир-бирига нисбатан ўзаро ҳаракатланиш доиралари, шу жумладан Қуёш тизими ва унинг ичида жойлашган сайёраларнинг ўзаро ҳаракати, сайёрамиздаги ички табиат ҳодисалари – буларнинг барчаси мувозанатликка асосланган. Яъни, табиат ҳодисаларини юзага келтирувчи турли куч ва ҳаракатлар ўртасида тенглик, мувофиқлик ҳолати мавжуд бўлади. Бу борада проф. Д.Москвиннинг мувозанатга берган таърифи ўринли ҳисобланади: «Мувозанат – қарама-қарши йўналтирилган кучларнинг бараварлашиши ҳолати»[145].

Иқтисодий мувозанат тушунчаси эса мувозанатнинг янада аниқлаштирилган, алоҳида, яъни бу ўринда иқтисодиёт соҳасига нисбатан олинган қисми ҳисобланади. Айни пайтда, бу тушунча ҳам иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг умумий ҳолдаги тавсифини ифодалашда қўлланилади.

Иқтисодий мувозанат деб бир-бири билан ўзаро боғлиқликда ва таъсирда амал қиладиган иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган икки ёки бир неча томонининг тенг келган ҳолатига айтилади. Шунинг учун ҳам бутун иқтисодиётнинг мувозанати тўғрисида гап борганда, энг аввало унинг бозор иқтисодиёти давридаги асосий кўрсаткичи сифатида ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги тенглик эътиборга олинади.

Макроиқтисодиётда иқтисодий мувозанатнинг шаклланиши, уни таъминлаш анча мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Чунки у хусусий ва умумий тавсифдаги бир қатор мувозанатлар тизимини ўз ичига олади.

Иқтисодий мувозанат категориясининг мазмунини тўғри тушунтириш учун унга икки томонлама яъни қиймат ва нафлилик жиҳатдан ёндашув усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий мувозанатликнинг икки томони – қиймат ва

---

[145] Основы экономической теории. Политэкономия: Учебник / Под ред. д-ра экон. наук, проф. Д.Д.Москвина. Изд. 3-е, исправл. – М.: Едиториал УРСС, 2003. – С.504.

нафлилик жиҳатидан таҳлили Э.Шодмоновнинг тадқиқот ишларида анча батафсил берилган. Бунда мувозанатликнинг турли даражалари мазмунан фарқланилиб, умумий мувозанатликнинг қиймат ва нафлилик жиҳатидан таркиби алоҳида тасвирланган (19.2-расм).

Расмдан кўринадики, миллий иқтисодиёт даражасидаги умумий мувозанатнинг асосий кўриниши жамият барча эҳтиёжлари ва миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги тенглик бўлиб, унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аниқ шакли – ялпи талаб ва ялпи таклиф тенглиги сифатида намоён бўлади. Бироқ, ҳозиргача аксарият ҳолларда бу тенглик фақат қиймат миқдори жиҳатдан таъминланиши лозим, деб қаралмоқда. Фикримизча, бу ўринда миқдорий тенглик фақат қиймат жиҳатидан эмас, балки нафлилик жиҳатидан ҳам таъминланиши лозим.



19.2-расм. Умумиқтисодий мувозанатликнинг қиймат ва нафлилик жиҳатидан таркиби.[146]

[146] Шодмонов Э. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни му-

Чунки, ялпи талаб ва ялпи таклифнинг қиймат жиҳатидан тенглиги ҳар доим ҳам иқтисодиётда мувозанатга эришилганлигини англатавермайди. Чунки, маълум қийматни намоён этувчи ялпи талабни фақат шунча қийматга тенг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш орқали қондириш у қадар мушкуллик туғдирмайди (биз маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида бунинг яққол гувоҳи бўлдик). Масаланинг муҳим ва эътиборли томони шундаки, ҳақиқий маънодаги умумий иқтисодий мувозанат таъминланиши учун ялпи талаб ва ялпи таклиф нафақат қиймат, балки нафлилик жиҳатидан ҳам ўзаро тенглашган бўлиши лозим.

Нафлилик – бу неъматларнинг инсон эҳтиёжини қондира олиш хусусияти, истеъмол қийматининг намоён бўлиши шаклидир. Ялпи талаб ва ялпи таклифнинг нафлилик жиҳатидан таркиби – бу жамиятдаги мавжуд талабларга тури, миқдори ва сифати бўйича мос келувчи товар ва хизматлар мажмуи ҳисобланади. Агар иқтисодиётда А, В, С ва бошқа турдаги товарлардан талабга етарли қийматда яратилган бўлса, бироқ уларнинг ҳар бири бўйича миқдор ва сифат жиҳатидан алоҳида талаб қондирилмаса, у ҳолда умумий мувозанат таъминланган деб бўлмайди.

Лекин миллий иқтисодиёт даражасидаги товар ва хизматларнинг ялпи талаб ёки ялпи таклиф сифатидаги яхлит миқдорини натурал кўрсаткичлар (тонна, километр, кубометр, литр ва ҳ.к.) орқали ифодалаб бўлмайди. Мазкур кўрсаткичларнинг нафлилик миқдорини фақат бир хил кўрсаткичга келтириб, пул кўринишида умумлаштириш ва ўзаро тенглигини таққослаш ҳозирги даврда бу борадаги тўғри ва ягона йўлдир. Фақат бунда нафлилик ҳамма товар ва хизматлар турлари бўйича ўзгармас, яъни таққослама нархларда ҳисобланиши лозим. Чунки ўзгармас нархларда ҳисобланиб, пулда ифодаланган кўрсаткичлар нафлиликнинг ўзгаришини, яъни ўсишини ёки камайишини кўрсатади.

возанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Монография. -Тошкент: Иқтисод-молия, 2010. 13-б.

Фикримизча, иқтисодий мувозанатликнинг иқтисодий категория сифатидаги мазмунини очиб беришда унинг амал қилишининг асосий тамойилларини маълум тизимга келтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (19.3-расм).

Иқтисодий мувозанатнинг иқтисодий жараён ва ҳодисалар икки ёки бир неча томонининг бир-бирига тенглиги сифатида қаралишини ҳам унинг асосий тамойилларидан бири сифатида баҳолаш мумкин. Мувозанатлик ҳолати ҳам иқтисодиётдаги бошқа воқеа, ҳодиса ва жараёнлар каби доимо ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда бўлади.

19.3-расм. Иқтисодий мувозанатлик амал қилишининг асосий тамойиллари.[147]

Шунинг учун мувозанатликнинг вақти-вақти билан издан чиқиб ва яна қайта тикланиб туриши ҳам унинг муҳим тамойилларидан бири деб ҳисобланади. Бошқача айтганда, қандайдир ҳолатда мувозанатлик мавжуд деб фараз қилиш мумкин бўлса, у тез-тез ўзгариб туради ҳамда яна шундай тезлик билан қайта тикланади. Бу жараённи мувозанатлик нуқтаси атрофидаги тебраниш сифатида тасаввур этиш мумкин.

[147] Муаллиф томонидан тузилган.

Иқтисодий адабиётларда билдирилган фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда иқтисодий мувозанатлик намоён бўлишининг қуйидаги шаклларини келтириш мумкин (19.4-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, иқтисодий мувозанатлик реал ҳаётда шарт-шароитга қараб турли шаклларда намоён бўлиши мумкин экан. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг кўплаб қисмлари ва соҳалари ўртасидаги мувозанатлик баланслар кўринишида ҳам намоён бўлади. Айни чоғда, иқтисодиётнинг турли даражалардаги мувозанатлигини таъминлашда баланс усулидан кенг фойдаланилади

19.4-расм. Иқтисодий мувозанатлик намоён бўлиш шакллари.

Баланс усули – муайян мақсадларга эришишда мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланиш миқдорлари ўртасидаги тенгликни таъминлаш асосида мувозанатликни ўрнатишга қаратилган усуллар мажмуи. Бунда баланслар тизимидан фойдаланилиб, у ўз ичига моддий (натурал), қиймат (пул) ва ишчи кучи балансларини олади. Баланс усулини қуллаш орқали умумиқтисодий, ҳудудий, тармоқлараро ва ишлаб чиқариш ичидаги мувозанатликларнинг ўрнатилиши ва миқдорий жиҳатдан ифодаланиши таъминланади.

Тармоқлараро баланс – кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, яъни маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва

истеъмол қилиш жараёнларини тавсифловчи иқтисодий-математик модель бўлиб, унинг ёрдамида тармоқ ва тармоқлараро кесимда асосий такрор ишлаб чиқариш нисбатларининг батафсил деталлаштирилиши таъминланади.

Тўлов баланси – маълум давр давомида муайян мамлакатдаги пул тушумлари билан чет мамлакатларга барча пул тўловлари ўртасидаги тенгликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Тўлов балансида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг турли кўринишлари – ташқи савдо, капитал миграцияси, лицензиялар савдоси, транспорт, туризм, хусусий шахслар пул ўтказмалари ва ҳ.к. бўйича ҳисоб-китоблар ўз ифодасини топади.

Ишчи кучи ресурслари баланси – мавжуд ишчи кучи ресурслари ва улардан фойдаланишнинг тенглигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими. Мазкур баланс иқтисодиётнинг мутаносиб ривожланишини таъминлашда ишчи кучига бўлган талаб ҳамда уни қондириш манбаларини ўзаро таққослаш имконини беради.

Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси – зарурий маҳсулотни пул кўринишини олган асосий қисмининг ҳаракатини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими. Балансининг мазкур тури тўловга қодир талаб ва товарлар таклифи, чакана товар айланмаси, пули хизматлар ҳажми ва аҳоли омонатлари ўртасидаги тенгликни таъминлашнинг асосий усулларидан бири ҳисобланади.

Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади. Жумладан, Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Иқтисодий мувозанатликнинг мазмуни иқтисодиётнинг турли соҳалари, тармоқлари ва томонлари ўртасидаги мутаносибликни кўриб чиққанимизда янада ойдинлашади.

19.2. Иқтисодий мутаносибликнинг мазмуни ва турлари

Иқтисодиётнинг инқирозларсиз, катта циклик тебранишларсиз бир маромда барқарор, самарали ва мувозанатли ривожланишини таъминлаш унинг турли томонлари, соҳалари ва бўлимлари ўртасида муайян мутаносибликнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Иқтисодий мутаносиблик категориясини билиш фақатгина илмий назарий аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, шу билан бир қаторда жамият ижтимоий-иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда катта амалий аҳамият касб этиб, уни менсимаслик ёки эътиборга олмаслик пировардида жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқариши, иқтисодий ресурслардан, ялпи ички маҳсулотдан фойдаланишда катта исрофгарчиликка йўл қўйилиши мумкин. Товарлар ҳажми билан амалда ҳаракат қилаётган пул массаси (нақд ва кредит пуллар) ўртасидаги мутаносибликнинг бузилиши, товарлар ҳажми эътиборга олинмасдан нақд пул ва кўплаб турли хил тўлов воситалари, қимматли қоғозларнинг муомалага чиқарилиши жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозини келтириб чиқаргани, бундан эса бутун жаҳон иқтисодиёти зарар кўриб келаётганлиги каби кўпгина мисоллар фикримиз далилидир. Иқтисодий мутаносиблик алоҳида иқтисодий категория бўлиб, у ўз табиати, келиб чиқиш сабаблари, ички ривожланиш қонуниятлари ва намоён бўлиш шаклларига эгадир. Мутаносибликнинг бу жиҳатларини ва самарали иқтисодий тараққиётга таъсирини билиш учун энг аввало унинг иқтисодий категория сифатидаги мазмунини чуқурроқ ўрганиш тақозо этилади.

Бир қанча адабиётларни ўрганиб, таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ғарб мамлакатлари муаллифлари томонидан 400-500 йил давомида ёзилган ва бизга етиб келган адабиётларда асосан мувозанатлик муаммосига эътибор берилиб, мутаносиблик масаласи тамомила эътибордан четда қолган.

Бир қатор россиялик, украиналик олимлар томонидан иқтисодий мутаносибликнинг мазмунини ёритишга ҳаракат қилинган. Лекин уларнинг асарларида иқтисодий мутаносиблик фақат социализмга хос ҳодиса деб кўрсатилган ва ўша шароитга мослаб унинг мазмуни, шакллари, амал қилиши ёритилган. Иккинчидан эса, ушбу асарларда мутаносиблик категориясига тор доирада ёндашилиб, унинг асосий мазмуни ишчи кучини ишлаб чиқариш таркиби нисбатларига мос равишда тақсимлашни йўлга қўйишдан иборат деб қаралган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида МДҲ мамлакатларида амалга оширилган тадқиқотлар ва ёзилган адабиётларнинг кўпчилигида ғарб иқтисодчиларига кўр-кўрона тақлид қилиб, мувозанатликка маълум даражада эътибор берилмоқда, унинг мазмуни, амал қилиш механизмлари қисман бўлсада ёритилмоқда, лекин айрим адабиётларда мутаносиблик категорияси бозор иқтисодиёти тизимига хос муносабат эмас деб қаралиб, унга эътибор берилмасдан келинмоқда.

Бозор иқтисодиётининг таркибий тузилиши жуда мураккаб бўлиб, у ҳар хил йўналишда, соҳада, тармоқларда фаолият юритаётган бир неча минглаб хўжаликлар ва ташкилотлардан иборатдир. Бу хўжалик ва ташкилотларнинг фаолияти ҳар хил бўлсада, бир хил ягона мақсадга, яъни мамлакатимиз аҳолисига сифатли товар ва хизматлар етказиб бериб, юқори фойда олишга қаратилгандир. Чекланган иқтисодий ресурслардан фойдаланиб бу муштарак мақсадга эришиш йўлида ҳаракат қилувчи иқтисодиётнинг турли томонлари ва бўлаклари ўртасида миқдор ва сифат жиҳатидан маълум мослик бўлиши борган сари объектив заруриятга айланиб бормоқда.

Мутаносибликнинг мазмуни жуда кенг бўлиб, унинг табиий, умумфалсафий ва умумсоциал томонлари мавжуддир. Масалан, бирон бир нарсанинг ёки воқеликнинг турли томонлари ўртасидаги мослик фалсафада гармония, жисмларнинг эни, бўйи ва баландлиги ўртасидаги мослик математикада симметрия деб юритилади. Бу ерда биз иқтисодий мутаносиблик ҳақида, яъни мутаносибликнинг

иқтисодий мазмуни ҳақида фикр юритамиз.

Иқтисодиётни мутаносибли юритишнинг асосий негизи турли хил товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжни, яъни талабни ўрганишдан бошланади. Аҳолининг қайси турдаги товар ва хизматларга қандай сифатда ва қанча миқдорда талаби борлиги, бу турли талабларнинг ўзаро нисбати аниқланса, ушбу талабларни қондириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш таркиби, ҳажми ва уларни яратиш учун қанча миқдорда ишчи кучи ва бошқа иқтисодий ресурслар кераклиги ва бу ресурслар ўртасидаги нисбатлар аниқланади. Шундай қилиб, иқтисодий мутаносиблик бир томондан турли талаб миқдорлари ва сифатлари аниқланиб, улар ўртасидаги маълум нисбатлар бўлишини, бу нисбатлар орқали улар ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжудлигини, иккинчи томондан эса шу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи соҳалар, тармоқлар ўртасида, шунингдек уларни яратишда иштирок этувчи турли омиллар ўртасида ҳам маълум нисбатлар бўлиб, улар бир бири билан алоқада ва ўзаро таъсирда бўлишини ифодалайди. Масаланинг энг муҳим томони мана шу талаб турлари ўртасидаги нисбатлар билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг турлари ва уларни яратишда қатнашувчи иқтисодий ресурсларнинг турлари ўртасидаги нисбатлар маълум даражада бир-бирига боғлиқликда ва мувофиқликда, яъни мосликда бўлиши зарурдир. Бу жараён жуда мураккаб ва ўзгарувчан жараёндир. Шунга кўра, иқтисодий мутаносибликнинг алоҳида, мустақил, доимо ўзгаришда ва ривожланишда бўладиган илмий категория сифатидаги мазмуни ва хусусиятларини билиш муҳимдир.

Бугунги кунда айрим иқтисодий адабиётларда мутаносибликнинг турли кўринишларига эътибор берилиб, улар умумиқтисодий, тармоқлараро, тармоқ ичидаги, ҳудудий мутаносибликлар каби гуруҳларга ажратилади. Ушбу мутаносибликларнинг турлари, уларнинг қисқача мазмуни ва аниқ намоён бўлиш шаклларини қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (19.1-жадвал).

Мутаносиблик турлари	Қисқача мазмуни	Аниқ намоён бўлиш шакллари
Умумиқтисодий мутаносиблик	Умумиқтисодий тавсифдаги ҳодиса ва жараёнлар, уларнинг турли томонлари ўртасида тақозо этилувчи маълум нисбатлардаги мослик	1) истеъмол фонди ва жамғариш фонди ўртасидаги мутаносибликлар; 2) иқтисодиётдаги товар ва хизматлар массаси билан пул массаси ўртасидаги мутаносибликлар; 3) аҳолининг даромадлари билан харажатлар ўртасидаги мутаносибликлар ва ҳ.к.
Тармоқлараро мутаносиблик	Иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳалари ўртасида тақозо этилувчи маълум нисбатлардаги мослик	1) саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик; 2) саноат ва қурилиш тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик; 3) қишлоқ хўжалиги ва транспорт тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик; 4) саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик ва ҳ.к.
Тармоқ ичидаги мутаносиблик	Иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларини ташкил этувчи таркибий қисм ва бўлинмалар ўртасида тақозо этилувчи маълум нисбатлардаги мослик	1) саноатнинг ундирма ва қайта ишлаш тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик; 2) қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик; 3) чорвачиликнинг сут ва гўшт ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги мутаносиблик ва ҳ.к.
Ишлаб чиқариш ичидаги мутаносиблик	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотга сарфланадиган омилларнинг ташкил этувчи таркибий қисмлар ўртасида тақозо этилувчи маълум нисбатлардаги мослик	1) ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситалари ўртасидаги мутаносиблик; 2) маҳсулотни яратиш учун зарур бўлган турли қисмлари ўртасидаги мутаносиблик ва ҳ.к.
Ҳудудий (территориал) мутаносиблик	Миллий иқтисодиётнинг турли ҳудудлари ўртасида тақозо этилувчи маълум нисбатлардаги мослик	1) ҳудудлараро кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг турли фазаларининг узлуксизлигини таъминловчи нисбатлар; 2) ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг меъёрда амалга ошишини таъминловчи соҳа ва тармоқларнинг мамлакат ҳудудлари бўйича ривожланганлик нисбати; 3) ҳудудларда ташкил этилган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари миқдори ўртасидаги нисбат ва ҳ.к.

Мамлакатлараро мутаносиблик	Жаҳоннинг турли давлатлари ўртасида тақозо этилувчи маълум нисбатлардаги мослик	1) давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган иқтисодий ўрни ва ролини намоён этувчи нисбатлар; 2) давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки; 3) экспорт ва импорт ҳажми жиҳатидан давлатлар ўртасидаги нисбат ва ҳ.к.

19.1-жадвал

Мутаносибликнинг турлари, қисқача мазмуни ва аниқ намоён бўлиш шакллари[148]

А.Ўринов мавжуд тан олинган (умумиқтисодий, тармоқлараро, тармоқ ичидаги, худудий, давлатлараро) мутаносибликлар билан бир қаторда ишлаб чиқариш ичидаги мутаносибликларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади. Ушбу туркумдаги мутаносибликлар корхоналарда қўлланилаётган ер, капитал билан ишчи кучи, иқтисодий ресурслар, ишлаб чиқариш воситалари, яъни техника, технология билан хом ашё, асосий ва айланма капиталлар ўртасидаги мутаносибликларни ифодалайди[149].

Муаллифлар томонидан амалга оширилган турли ёндашувлар ҳамда иқтисодий мутаносибликнинг юқорида кўриб чиқилган асосий турларини умумлаштирган ҳолда унинг мазмуни бўйича қуйидаги таърифни шакллантириш мумкин.

Иқтисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли соҳалари, тармоқлари, томонлари ва бўлимлари ўртасидаги миқдор ва сифат жиҳатидан муайян нисбатлардаги ўзаро мослик бўлиб, барқарор равишда такрорланиб турувчи доимо ривожланишда, ўзгаришда бўладиган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ифодаловчи умумиқтисодий категориядир. Унинг талабларини ҳисобга олган ҳолда амалда қўлланиши иқтисодиётнинг барқарор,

[148] Шодмонов Э. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Монография. Тошкент: Иқтисод-молия, 2010. 73-б.

[149] Ўринов А.А. Мутаносиблик – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили. – И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006.

тебранишларсиз, инқирозларсиз ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Бу иқтисодий категориянинг объектив характери шундаки, кишилар томонидан уни менсимаслик, эътиборга олмаслик турли хил йўқотишларга, ортиқча ишлаб чиқариш ва сарфларга, охир-оқибатда иқтисодий номутаносиблик ва инқирозларга олиб келиши мумкин.

19.3. Ўзбекистонда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, диверцификациялаш ва модернизациялаш асосида мутаносибли ривожлантириш

Мавжуд иқтисодий тизимни бутунлай янги тартиблар асосида ислоҳ қилиш иқтисодиётнинг ривожланишидаги турли номутаносибликлар ҳамда танглик ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида иқтисодиётни жонлантириш, бир текис ривожлантириш ва барқарорлаштириш жараёни қонуний босқич ҳисобланади. Барқарорлаштириш жараёни иқтисодий ривожланишда инқироз ҳолатларининг олдини олиш учун ишлаб чиқариш ва чиқарилаётган маҳсулот таркибини ўзгартиришга йўналтирилади. Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки даврида барқарорлаштириш сиёсатидан кўзда тутилган мақсад энг аввало, макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришни кескин даражада пасайишининг олдини олиш ва оммавий ишсизликнинг келиб чиқишига йўл қўймасликдан иборат бўлди. Шу билан бирга бу сиёсат пул эмиссиясини бошқариш, унинг қадрсизланишининг олдини олиш, мамлакат тўлов балансини бир меъёрда сақлаш каби мақсадларни ҳам ўз ичига олади.

Республикада барқарорлаштириш сиёсатини ишлаб чиқишда жаҳон тажрибасида синалган ёндашувлар ҳисобга олиниб, ишлаб чиқариш соҳаларига устунлик берилди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланишида уларни таркибан қайта қуриш талаблари ҳам кўзда тутилди. Бунда асосий эътибор катта истиқболга эга бўлган, бутун иқтисодиётнинг ривожланиш тамойилларини белгилаб берадиган етакчи тармоқ ва соҳаларга қаратилди.

Иқтисодиётда зарур таркибий ўзгаришларни амалга оширгунга қадар ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиб кетишига барҳам бериш энг муҳим мақсад бўлиб қолади. Шу сабабли республикада 90-йилларнинг ўрталаридаёқ макроиқтисодий барқарорлик соҳасида ишлаб чиқариш суръатлари пасайишининг секинлашуви кўзга ташланди, айрим кўрсаткичлар бўйича эса ўсишга эришилди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари давом эттирилди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳамда уларни таъминлаш борасидаги вазифаларнинг аниқ белгилаб олиниши ва изчил равишда амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишида аҳамиятли ютуқларга эришилмоқда.

Мамлакатимизда ЯИМнинг нафақат миқдоран ўсиб бориши, балки унинг таркибий тузилмасининг сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши ҳам алоҳида эътиборга молик. Бунда унинг ўсишига таъсир кўрсатган омиллар таҳлили, яъни қўшилган улушларнинг таркиби ҳамда ЯИМнинг ўсишига қўшган ҳиссасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефтьь-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак

даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор.

Республика миллий иқтисодиётида эришилган бу ижобий натижалар таркибий қайта қуришлар асосида бутунлай янги иқтисодиёт мажмуасининг бунёд этилганлиги, биринчи навбатда энг муҳим макроиқтисодий ва такрор ишлаб чиқариш нисбатларини давлат томонидан самарали тартибга солишнинг натижаси ҳисобланади. Бунда асосий эътибор иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши, ҳудудларнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришга қаратилади.

Таркибий сиёсатнинг ҳудудий жиҳатларини таъминлаш одамлар турмуш даражасида вужудга келган ҳудудий номутаносибликни бартараф этиш, ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишга эришишда катта аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини ўзгартириш, унинг сифатини яхшилаш ва маҳсулот тайёрлашга кетадиган жами харажатларни камайтириш талаблари ҳам ҳисобга олинади.

Иқтисодиёт тузилишидаги ўзгартиришлар, четдан маҳсулот олиб келишни қисқартириш, иқтисодиётнинг хомашё етиштиришга қартилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш ва унинг экспорт имкониятини кенгайтириш, тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бартараф этиш асосида иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш билан боғлиқликда амалга оширилди.

Шу вазифалардан келиб чиқиб, **иқтисодиёт ички тузилишидаги ўзгаришлар – республиканинг энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни ривожлантиришга** қаратилди. Бунда биринчи навбатда энг муҳим ўзак тармоқларни – нефть ва газ саноатини, энергетикани, рангли металлургия саноатини, машинасозлик мажмуасини, қишлоқ хўжалик ва агросаноат мажмуасининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга устунлик берилади.

Иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш тузилишини

тубдан ўзгартириш асосида умумиқтисодий барқарорликка эришишда **истеъмол билан жамғариш фонди ўртасидаги энг мақбул мутаносибликни таъминлаш** асосий ўрин тутади. Истеъмол фондининг энг мақбул даражасига эришиш – ички бозорда талаб билан таклиф ўртасида мутаносибликни таъминлащда муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли давлат энг муҳим макроиқтисодий такрор ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга солиб турувчи омилларга кўпроқ эътибор берди.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳасида таркибий қайта қуришлар фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш орқали амалга оширилди. Шу сабабли республика инвестиция базасини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, бунда ўз сармояларимиз, ташқи кредитлар, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларидан ўринли фойдаланиш кўзда тутилди. Ташқи инвестицияларни жалб қилишда бевосита инвестициялар тарзида, давлат қарзлари, халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, қарз берувчи мамлакатлар молиявий-кредит ресурслари шаклларида амалга оширилиши мумкин.

Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида **маҳаллий хомашё ва табиий имкониятлар асосида ишлайдиган, илғор замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларга қаратилиши** зарур.

Иқтисодиётни мутаносиб ривожлантиришда узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этиб, унда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги

Фармонида “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кўрсатиб берилган[150]. Жумладан,

- миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

- юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, ва ҳоказо.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйланган изчил бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш орқали таъминланади. Ушбу сиёсат, авваламбор, иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида унинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилади.

Хулосалар

1. Иқтисодий мувозанат деб бир-бири билан ўзаро боғлиқликда ва таъсирда амал қиладиган иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига тенг келган ҳолатига айтилади. Бутун иқтисодиётнинг мувозанати тўғрисида гап борганда энг аввало, ялпи талаб ва ялпи таклиф

[150] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони. 1-илова, 3.2-банди.

ўртасидаги тенглик эътиборга олинади.

2. Макроиқтисодиётда иқтисодий мувозанат ўз ичига хусусий ва умумий тавсифдаги бир қатор мувозанатлар тизимини олади. Хусусий мувозанат – бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий кўрсаткичлар ёки иқтисодиёт томонларининг миқдоран тенг келиши. Умумий мувозанат жамият барча эҳтиёжлари ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро тенг келишини билдиради. Умумий иқтисодий мувозанат бозор шароитида, аввало, ялпи талаб ва ялпи таклифнинг қиймат ва нафлилик жиҳатдан тенг келишида кўринади.

3. Умумий иқтисодий мувозанат ижтимоий мақсадлар ва иқтисодий имкониятларнинг мос келиши; мамлакатдаги барча иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланадиган хўжалик механизми; мувозанатли ишлаб чиқаришнинг умумий таркибий тузилиши истеъмолнинг таркибий тузилишига мос келиши; бозор мувозанати, яъни барча асосий бозорлар (товарлар, ресурслар, ишчи кучи ва ҳоказолар)да талаб ва таклиф мувозанати каби қатор шарт-шароитларни тақозо этади.

4. Иқтисодий мувозанатлик доимо бир хил ҳолатда турмайди, у ўзгарувчан бўлиб, гоҳ мувозанатда, гоҳ номувозанат ҳолатида бўлиши мумкин. У ўзгариб турсада доимо мувозанатликка интилади.

5. Иқтисодий мувозанатлик турли кўринишларда намоён бўлади. Масалан, умумий, хусусий, узоқ муддатли, қисқа муддатли, макроиқтисодий, микроиқтисодий ва ҳ.к. У кўпдан кўп реал иқтисодий ҳаётда баланс кўринишида намоён бўлади.

6. Иқтисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат жиҳатдан маълум мослик, яъни мос келувчи нисбатлар бўлиб, бунда тенглик бўлиши шарт эмас. У 1:2, 3;2, 5:3, ва ҳ.к. нисбатларда бўлиши мумкин.

7.Иқтисодий мутаносибликларнинг барчасини умумлаштириб умумиқтисодий тавсифдаги мутаносибликлар; тармоқлараро мутаносибликлар; тармоқ ичидаги

мутаносибликлар; ишлаб чиқариш ичидаги мутаносибликлар ҳудудий (территориал) мутаносибликлар; давлатлараро мутаносибликларга гуруҳлаш мумкин.

Асосий таянч тушунчалар:

Иқтисодий мувозанат – иқтисодий жараёнлар, воқеа, ҳодисаларнинг бир-бири билан боғлиқликда ва қарама-қарши бўлган икки ёки бир неча томонининг тенг келиш ҳолати.

Хусусий мувозанат – бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий кўрсаткичлар ёки иқтисодиёт бўлакларининг миқдоран тенг келиши.

Иқтисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли тармоқлари, томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат жиҳатдан бир-бирига мос келиши.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Иқтисодий мувозанат, хусусий ва умумий мувозанатларга тавсиф беринг. Уларга мисоллар келтиринг.
2. Иқтисодий мувозанатлик қандай кўринишларда намоён бўлади?
3. Миллий иқтисодиётнинг мувозанат даражасига эришишда хусусий мутаносибликларнинг роли қандай, уларнинг ўзаро таъсири қандай бўлади?
4. Мутаносибликнинг қандай турларини биласиз? Уларга қисқача таъриф беринг.
5. Макроиқтисодий барқарорлик нима? Унга эришиш йўллари қандай?
6. Республикада иқтисодиёт таркибий тузилишини қайта қуришларни қайси йўлларда амалга ошириш кўзда тутилган?

20-боб. ИШЧИ КУЧИ, УНИНГ БАНДЛИГИ ВА ИШСИЗЛИК

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шунингдек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма фазаларида ишчи кучи энг фаол омил ҳисобланади. Чунки бошқа ҳамма омиллар ишчи кучи ёрдамида ҳаракатга келтирилади, уларнинг қийматлари сақлаб қолиниб, янги маҳсулотга ўтказилади, янги маҳсулот янги қиймат шу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ишчи кучи томонидан яратилади. Шу сабабли мамлакат миқёсида ишчи кучининг мазмуни, таркиби, ишчи кучи бозорини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу боб ишлаб чиқаришнинг шахсий омили ва жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган ишчи кучини такрор ҳосил қилиш ҳамда унинг хусусиятлари билан боғлиқ муаммолар баён қилиш билан бошланади. Ишчи кучи бозори ва ишсизлик муаммолари батафсил қараб чиқилади. Шунингдек, ишсизликнинг турлари ва унинг даражасини аниқлаш усуллари, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш каби масалаларга ҳам эътибор қаратилади.

20.1. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ва унинг хусусиятлари

Ишчи кучи – бу инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси бўлиб, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида фақатгина ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омилларигина эмас, балки шахсий омили, яъни ишчи кучи ҳам такрор ишлаб чиқарилади.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш ёки уни такрор ишлаб чиқариш деганда, энг аввало ишчининг меҳнат қобилиятини қайта тиклаши, яъни унинг овқатланиши, кийиниши, дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши тушунилади. Бу эса ишчи учун оила, уй-жой ва бошқа шарт-

шароитлар яратилиши билан боғлиқдир. Бундан ташқари, ишчи ва хизматчиларнинг ҳозирги авлоди маълум вақт ўтиши билан қарийди. Уларнинг ўринларини босадиган ўринбосарлар ҳам тайёрланиши лозим бўлади. Бунинг учун эса ишчининг оиласи, фарзандлари бўлиши лозим, уларнинг ўсиб-улғайиши, ўқиши, замон талабига жавоб берадиган ишчи кучи сифатида камол топиши учун ҳам шарт-шароит бўлиши зарур.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш жараёнини тадқиқ этиш унинг миқдорий ва сифат жиҳатларини ажратишни тақозо этади. **Ишчи кучининг миқдори мамлакат аҳолисининг меҳнатга лаёқатли бўлган қисми орқали ифодаланиб, у ишчи кучи ресурслари деб ҳам аталади.** Инсоннинг ишчи кучи ресурслари таркибига киритилишининг асосий мезони унинг ёши ва меҳнатга бўлган қобилияти ҳисобланади. Одатда ишчи кучи ресурслари таркибига 16 ёшдан то пенсиягача (60 ёшгача бўлган эркаклар, 55 ёшгача бўлган аёллар) бўлганлар киритилади. Лекин ижтимоий ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда банд бўлган пенсионерлар ҳам ишлаши мумкин.

Ишчи кучининг сифати унинг таркибининг замон талаблари жиҳатидан ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқлиги даражасини намоён этади. Ишчи кучининг сифати унинг маълумот, касбий тайёргарлик, малака, иш тажрибаси даражалари каби кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Фан-техника тараққиётининг жадаллашиб бориши билан ишчи кучининг сифатига бўлган талаб ҳам ортиб боради.

Ҳозирги даврда ишчи кучи ресурсларининг фаол ва потенциал қисми фарқланади. **Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ва ишлашга тайёр бўлиб, иш излаб турган шахслар ишчи кучи ресурсларининг фаол қисми ҳисобланса, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганлар ва вақтинчалик уй хўжалигида, бошқа ҳар хил ишларда банд бўлганлар потенциал қисми ҳисобланади.**

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш инсоннинг жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаб ва

таъминлаб туриш, уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражаси ўсишини таъминлаш демакдир. Ишчи кучини такрор яратиш ходимларни ишлаб чиқаришга жалб этишни, тармоқлар, корхоналар, минтақалар ўртасида ишчи кучи ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашни, уларнинг ходимларга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини ва айни пайтда мавжуд ишчи кучининг иш билан тўла ва самарали банд бўлишини таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий механизмини яратишни ҳам ўз ичига олади. Президентимиз таъбири билан айтганда, "... ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Шу сабабли бундай одамлар билан тизимли иш олиб бориб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим"[151].

Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш баъзан илмий адабиётда «аҳоли нуфузини такрор ишлаб чиқариш» тушунчаси билан боғлиқ ҳолда ҳам ишлатилади. Роберт Малтус томонидан «Нуфуз» атамаси асосан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тавсифларини баён этишда қўлланилиб, бунда нуфуз қонуни аҳамиятли ўрин тутади.

Нуфуз қонуни – аҳолининг ўсиб бориши қонунидир. Нуфуз қонуни аҳолининг табиий ҳаракати, яъни ўлим даражасининг пасайиши, ҳаёт кечириш давомийлигининг узайиши, туғилишнинг оптимал даражага етиши, жамият ва алоҳида оилалар манфаатлари ўзаро уйғунлигининг таъминланиши орқали намоён бўлади.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш нисбатан мустақил иқтисодий ва ижтимоий муаммо бўлиб, бу муаммонинг айрим томонлари аҳолининг табиий ҳаракатлари шаклида намоён бўлади. Шу сабабли ишчи кучини такрор ҳосил қилишнинг асоси аҳолининг табиий ўсиши ёки ҳаракати ҳисобланади.

Аҳолининг табиий ўсиши – бу табиий ўсиш коэффициенти билан белгиланади:

- туғилиш коэффициенти (йил давомида тирик туғилган

[151] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 декабрь.

чақалоқларнинг мавжуд аҳоли ўртача йиллик сонига нисбати);

- ўлиш коэффициенти (йил давомида ўлганларнинг мавжуд аҳоли ўртача йиллик сонига нисбати);

- табиий ўсиш коэффициенти (туғилиш ва ўлиш умумий коэффициентлари ўртасидаги фарқ). Одатда бу коэффициентлар мамлакатдаги ўртача аҳоли сонига тўғри келувчи миқдор сифатида баҳоланади.

Мамлакатимиздаги доимий аҳоли сони 2019 йил ҳолатига 33,9 млн. кишини ташкил этиб, у ўтган йилга нисбатан 660,9 минг кишига ёки 2,0% га ўсган. Ўзбекистонда аҳолининг табиий ҳаракати қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (20.1-жадвал).

20.1-жадвал

Республикада аҳолининг табиий ўсиши (минг киши ҳисобида)[152]

Йиллар	Кўрсаткичлар		
	Туғилиш	Ўлиш	Табиий ўсиш
2010	651,3	133,6	517,7
2011	669,6	138,4	531,2
2012	625,1	146,0	479,1
2013	679,5	145,7	533,8
2014	718,0	149,8	568,2
2015	734,1	152,0	582,1
2016	726,2	154,8	571,4
2017	715,5	161,5	554,0
2018	768,5	154,9	613,6
2019	815,9	155,0	660,9

Ишчи кучи ресурсларининг сони ва сифати мамлакат аҳолиси сони, жинси ва ёши жиҳатидан таркиби билан белгиланади. Булар эса ўз навбатида аҳолининг табиий ўсишига боғлиқ бўлади.

Республикада 2010 йилда иқтисодиётда банд бўлганлар сони 12286,6 минг кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 14641,7 минг кишини (116,9 фоиз ўсиш) ташкил қилди (20.2-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, 2010 йилда Ўзбекистон аҳолиси

[152] Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

сони 27,1 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилда 33,3 млн. кишига етган, яъни 116,8% ўсган.

Аҳолининг табиий ўсиши, уни такрор ишлаб чиқариш хусусияти кўпгина ҳолатлар билан мамлакатнинг индустриал тараққиёти ва урбанизация даражаси, ижтимоий шарт-шароитлар, маданият ва маиший турмуш анъаналари, аниқ тарихий омиллар билан белгиланади.

20.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйича ишчи кучи ресурсларининг иш билан бандлиги ҳолати (минг киши ҳисобида)[153]

Йил	Аҳоли сони, (млн.киши)	Иқтисодий фаол ишчи кучи сони	Иқтисодиётда банд бўлганлар сони	Ишсизлар сони
2010	28,5	12286,6	11628,4	658,2
2011	29,1	12541,5	11919,1	622,4
2012	29,5	12844,1	12223,8	620,3
2013	30,5	13163,0	12523,3	639,7
2014	31,0	13606,3	12818,4	653,8
2015	31,5	13767,7	13058,3	709,4
2016	32,1	14022,4	13298,4	724,0
2017	32,7	14357,3	13520,3	837,0
2018	33,3	14641,7	13273,1	1368,6
2018 йилда 2010 йилга нисбатан %	116,8	119,2	114,1	207,9

Улар жумласига демография омилини ҳисобга олган ҳолда уй-жой шароитларини яхшилаш, болаларга нафақалар бериш, уларни болалар муассасалари билан таъминлаш, ҳомиладорлик ва бола туғилгандан кейинги таътилларни узайтириш, оилани мустаҳкамлаш, шунингдек, жамоада маънавий муҳитни яхшилаш киради.

Мамлакатдагиёки айрим ҳудудлардагиишчикучиресурслари миқдорига аҳолининг табиий ўсишидан ташқари ишчи кучи миграцияси ҳам таъсир қилади. **Ишчи кучи миграцияси мураккаб жараён бўлиб, турли омиллар таъсири остида (масалан, иш ҳақи даражасидаги ўзгаришлар, ишсизлик ва ҳ.к.) ишчи кучининг бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга кўчиб ўтишини билдиради.** Миграция икки даражада, яъни халқаро даражада ва мамлакат ичида рўй бериши мумкин.

[153] Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Давлатлар ўртасида рўй берган миграция ташқи миграция дейилади. Бир мамлакат ичида рўй берган миграция ички миграция деб аталиб, у қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

1) тугал миграция – аҳолининг доимий яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ миграция;

2) тебранувчи миграция – ишчи кучининг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга мунтазам даврий равишда қатнаб ишлаши билан боғлиқ миграция;

3) мавсумий миграция – мавсумий иш фаолияти билан боғлиқ миграция;

4) тасодифий миграция – ишчи кучининг баъзи ҳолларда бошқа ҳудудларга бориб келиши билан боғлиқ миграция.

Ишчи кучи миграцияси шунчаки рўй бермай, унинг негизида маълум ижтимоий-иқтисодий сабаблар ётади. Ишчи кучи миграциясининг иқтисодий вазифаси сифатида мамлакат бўйлаб ишчи кучи ресурслари самарали тақсимланишини таъминлаш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф нисбатини мувофиқлаштириш ҳисобланади. Бу вазифанинг амалга ошиши натижасида ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлиги ошади.

Ишчи кучи миграциясининг ижтимоий вазифаси аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон омилининг ижтимоий ҳаётдаги роли ва мавқеини янада юксалтиришдан иборат.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш унинг тўла ва самарали иш билан банд бўлиш муаммосини ҳам ўз ичига олади. Иш билан тўла банд бўлишни мутлақ маънода тушунмаслик керак. Биринчидан, ишсизликнинг маълум даражаси иқтисодиёт учун меъёрдаги ҳол ҳисобланади. Иккинчидан, иш билан тўла банд бўлиш меҳнатга лаёқатли барча кишилар албатта умумлашган (давлат ва жамоа корхоналарида) ишлаб чиқаришга жалб этилиши зарурлигини англатмайди. Уларнинг бир қисми ўзини оилада хизмат кўрсатишга, болалар тарбиясига, шунингдек, хусусий корхоналар ва шахсий томорқа ва ёрдамчи хўжаликда меҳнат қилишга, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишга бағишлаши мумкин. Учинчидан, иш билан

тўла банд бўлиш унинг самарадорлиги билан, ишчи кучи ресурсларидан ғоят оқилона фойдаланиш билан қўшиб олиб борилиши керак.

20.2. Ишчи кучи бозори. Ишчи кучига талаб ва унинг таклифи нисбати

Бозор муносабатлари шароитида ишчи кучини такрор ҳосил қилишда ишчи кучи бозори муҳим ўрин тутади.

Ишчи кучи бозори – бу хўжалик фаолияти жараёнида ишчи кучи товари эгалари ва унинг асосий истеъмолчилари – давлат корхоналари, ташкилотлари ва турли хил тадбиркорлар ўртасидаги олди-сотди муносабатларидир. У меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш миқдорлари, ишчиларнинг малака даражаси, улар томонидан бажарилаётган ишларнинг ҳажми, интенсивлиги ва масъулият даражаси бўйича таркиб топувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мураккаб тизимини намоён этади.

Ҳар қандай бозор сингари ишчи кучи бозорида ҳам икки қарама-қарши томон – талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири амал қилади. Ишчи кучи талаби – бу муайян вақтда иш ҳақининг таркиб топган даражасида турли иш берувчилар томонидан ишчи кучи миқдори ва сифатига билдирилган талаб. Одатда иш берувчилар бўлиб давлат, жамоа ва хусусий мулкка асосланган корхона ва ташкилотлар, якка тартибдаги тадбиркор ва бошқалар ҳисобланиши мумкин.

Кейнс назариясига кўра, бандлик мультипликатори жами талабга, истеъмолга мойиллик ва инвестиция ҳажмига боғлиқ бўлади, яъни ишчи кучига бўлган талаб ишлаб чиқариш ҳажми билан белгиланади[154]. Демак, Кейнснинг фикрига кўра, ишсизлик ишчи кучи талабининг етишмаслиги натижасида юзага келади. Кейнс ҳам классиклар илгари сурган иш ҳақининг пасайиши бандликнинг ўсишига олиб келиши

[154] Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос, 2002, с.162.

ҳақидаги фикрларни инкор қилмайди. Бироқ, иш ҳақини пасайтиришга бандликни ўстиришнинг ягона воситаси сифатида қарамаслик керак, деб кўрсатади. Чунки, иш ҳақи фақат корхоналар харажатларини эмас, балки истеъмолчилар даромадларини ҳам ифодалайди.

Ишчи кучига талаб – бу иш ҳақининг муайян даражаси ҳамда ишга ёллашнинг муайян шартларида иқтисодиёт соҳалари ва корхоналардаги мавжуд иш жойларида ишчи кучига бўлган эҳтиёжнинг пулдаги ифодасидир.[155] Муаллифнинг фикрича, ишчи кучига белгиланган даражада иш ҳақи тўлаб ишга ёллашга қодир бўлган эҳтиёждир. Бу ўринда ишчи кучига умумий талаб ва қўшимча талабни фарқлаш жуда катта назарий-услубий ва амалий аҳамият касб этади. Ишчи кучига умумий талаб миллий иқтисодиёт ва хорижий мамлакатлар томонидан мавжуд ва янгидан яратилган барча (ишчи кучи билан банд бўлган ва банд бўлмаган) иш ўринларида ишчи кучига бўлган эҳтиёжни намоён этади.

Ишчи кучи таклифи – бу муайян вақтда иш ҳақининг таркиб топган даражасида ишга ёлланишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли ишчи кучи миқдори. Ишчи кучи таклифи меҳнат қилиш ёшидаги турли касб ва мутахассисликка эга бўлган кишиларнинг ишлашга бўлган лаёқатини намоён этади.

Ишчи кучи таклифи – бу иш ҳақининг муайян даражаси ҳамда ишга ёллашнинг муайян шарт-шароитларида меҳнатга лаёқатли ишчи кучининг ўз касби, маҳорати ва бошқа хусусиятларига мос равишда ишлашга эҳтиёжидир.[156] У ишчи кучининг демографик ва касб тайёргарлиги хусусиятларига боғлиқ бўлиб, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришни

---

[155] Мамараҳимов Б.Э. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни мувозанатлаштиришнинг асосий йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси автореферати. Тошкент -2012. 10-бет.

[156] Мамараҳимов Б.Э. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни мувозанатлаштиришнинг асосий йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси автореферати. Тошкент - 2012. 11-бет.

таъминлаш мақсадида уни сотиш (айирбошлаш) ҳолати орқали намоён бўлади.

Ишчи кучи бозорида таклиф меҳнатга қобилиятли кишиларнинг қуйидаги муайян гуруҳларидан иборат бўлади:

- ишламаётган, лекин иш топишни истайдиган ва фаол равишда иш қидираётганлар;
- иш билан банд, бироқ ундан тўла равишда қониқмай, бошқа иш қидираётганлар;
- ишлаётган, лекин тез орада ишидан маҳрум бўлиб қолиши мумкинлиги сабабли бошқа иш жойи қидираётганлар.

Ишчи кучи бозорини тавсифлашдан олдин унинг асосий ва ўзига хос товари бўлган ишчи кучининг қиймати ва истеъмол қиймати (нафлилиги) тўғрисида тўхталиб ўтиш зарур.

Ишчи кучининг қиймати нафақат ишчининг шахсий эҳтиёжларини қондириш, балки ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ҳамда унинг сифатини ошириш жараёнларини, унинг оиласини етарли даражада таъминлаш учун зарур бўлган барча ҳаётий неъматларнинг қийматини ўз ичига олади. Ишчи кучи қиймати ўзгарувчан кўрсаткич бўлиб, у турли омиллар таъсирида ошиб ёки пасайиб туриши мумкин. Ишчи кучи қийматини оширувчи омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: иш кунининг узайтирилиши, меҳнат интенсивлигининг ошиши; турли хил табиий ва тарихий шароитлар, фан-техниканинг ривожланиши, ўқиш ва касбий билимлар олишга сарфларнинг кўпайиши ва ҳ.к. Ишчи кучи қийматини пасайтирувчи асосий омил бўлиб ишлаб чиқариш соҳасидаги ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобланади. У ишчи ва унинг оиласи эҳтиёжларини қондирувчи ҳаётий воситалар қийматининг пасайишига олиб келади.

Ишчи кучи товарининг нафлилиги унинг меҳнат қилиш жараёнида ўз ишчи кучи қийматидан ортиқча, яъни қўшимча маҳсулот қийматини яратиб, **капитал эгасининг фойда олишга бўлган эҳтиёжини қондириш лаёқати орқали намоён бўлади.**

Ишчи кучи бозори товар ва капиталлар бозори билан биргаликда бозор хўжалигининг иқтисодий тизимини ташкил этади. Бозор иқтисодиёти механизмининг таркибий қисми ҳисобланган ишчи кучи бозори талаб ва таклиф қонунига мувофиқ иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича ишчи кучи ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш вазифасини бажаради. Бунда ишчи кучи бозори субъектларининг сифат жиҳатидан фарқ қилувчи манфаатларини ўзаро уйғунлаштириш ва боғлашни қиймат тамойиллари асосида шакллантирилади. Шунга кўра, ишчи кучи бозори ўзининг махсус товари – ишчи кучи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ўрин тутади. Ишчи кучининг бу бозордаги ҳаракати эса бир қатор ижтимоий-иқтисодий хусусиятларга эга бўлади. **Биринчидан,** ишчи кучи бозори икки мустақил субъект – капитал эгаси ва ишчи кучи эгаси манфаатларининг тўқнашиб, ўзаро келишадиган муносабатлари ҳисобланади. Уларни бозорга ўзаро қарама-қарши истак ва мақсадлар етаклайди, яъни уларнинг бири ишчи кучини сотиб, даромад олишни истаса, бошқа бири уни харид қилиб, ишлатиб фойда кўришни истайди. Улар ўртасидаги савдо битими ишчи кучи эгасининг ўзи бўйича эмас, балки унинг меҳнат қилиш лаёқати, ундан фойдаланиш шартлари ва давомийлиги бўйича боради. Битим натижаси бўлиб капитал эгаси томонидан сотиб олинган ишчи кучи эвазига тўланадиган иш ҳақи миқдори ҳисобланади. **Иккинчидан,** бошқа ҳар қандай товар бозорларида бўлгани сингари, ишчи кучи бозорида ҳам ишчилар ўртасида бўш ишчи ўрнини эгаллаш борасида рақобат кураши вужудга келади. Учинчидан, ишчи кучи бозори ишчи кучи ялпи таклифининг унга бўлган ялпи талабдан доимий равишда кўпроқ бўлиши тенденцияси билан тавсифланади. Бу эса бозорда ишчилар банд бўлмаган қисми (ишсизлар)нинг пайдо бўлишига олиб келади. Тўртинчидан, бозор иқтисодиётининг циклли ривожланиши одатда инфляция ва ишсизлик билан бирга боради. Бу иккала жараён ўртасида маълум ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, у пировардида ишчилар оммаси ҳаёт даражасининг аҳамиятли

даражада пасайиб кетиши (нархларнинг ошиши, иш ҳақининг қисқариши, тўловга қодир талабнинг пасайиши ва ҳ.к.) орқали намоён бўлади.

Муайян иқтисодий шароитларда ишчи кучи бозоридаги умумий ҳолат инфляциянинг ўсиши учун асосий сабаб бўлиши ҳам ёки аксинча, унинг ўсишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин. Мамлакатдаги ишсизлик даражаси қанчалик паст бўлса, инфляция таъсирида нархларнинг ўсиш суръатлари шунчалик юқори бўлади. Инглиз иқтисодчиси А.Филлипс ишсизлик ва инфляциянинг ўсиши ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб берди ва бу боғлиқликни ифодаловчи эгри чизиқ **Филлипс эгри чизиғи** деб ном олди (20.1-расм).



20.1-расм. Филлипс эгри чизиғи.

Филлипс эгри чизиғига кўра, инфляция даражасини 1%га пасайтириш учун ишсизликни 2%га ўстириш лозим бўлади. Ишсизлик ва инфляция даражасидаги нисбатни тартибга солишда давлатнинг иқтисодий сиёсати асосий роль ўйнайди. Давлат иш билан бандлик даражаси, ишлаб чиқариш ҳажми ва иш ҳақи даражаси ўртасидаги оқилона нисбатни таъминлаш орқали нафақат ишсизлик ва инфляция даражасини назорат қилиши, балки уларнинг иқтисодиёт ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирининг олдини олиши ҳам лозим. Шундай қилиб, ишчи кучи бозори бозор хўжалиги тизимида етакчи ўрин тутиб, уни юқори даражада ташкил этмасдан туриб иқтисодиётнинг самарали амал қилишига эришиб бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти тизимида ишчи кучи бозорининг роли у бажарадиган иккита вазифа орқали белгиланади. Биринчи вазифаси бевосита меҳнат жараёнида ишчининг ишлаб чиқариш воситалари билан бириктириш механизми ҳамда банд бўлмаган ишчи кучининг ҳаракатини самарали тартибга солиш билан боғлиқ. Иккинчи вазифаси эса ялпи ишчи кучининг сифатини янада такомиллаштирган ҳолда такрор ишлаб чиқариш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда ишчи кучи бандлигини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида давлат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида йилдан-йилга иш билан таъминланиш даражаси ўсиб бормоқда (20.2-жадвал).

20.2-жадвал

Ўзбекистонда ишчи кучи ресурсларини иш билан таъминлашнинг асосий кўрсаткичлари[157]

Йиллар	Иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтганлар, минг киши	Иш билан таъминлан-ганлар, минг киши	Иш билан таъминлан-ганларнинг солиштирма салмоғи, %	Ҳисобот даври охирига расмий тарзда рўйхатга олинган ишсизлар сони, минг киши
2004	425,0	323,7	76,2	34,9
2005	410,3	325,1	79,2	27,7
2006	391,5	320,7	81,9	29,1
2007	557,4	486,5	87,3	27,4
2008	623,3	546,6	87,7	22,9
2009	658,2	566,3	86,0	20,1
2010	671,6	595,6	88,7	16,2
2011	661,4	595,7	90,1	12,9
2012	653,0	590,5	90,4	6,0
...				
2015	324,0	241,4	74,5	3,0
2016	263,4	248,2	94,2	5,0
2017	271,9	229,9	84,6	14,9
2018	626,5	611,4	97,6	32,3

Жадвалдан кўринади ки, агар иш билан таъминланганларнинг солиштирма салмоғи 2004 йилда 76,2% ни ташкил этган бўлса, 2012 йилга қадар уларни иш билан таъминлаш салмоғи ошиб борди. Таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар томонидан олиб борилган сай - ҳаракатлар ва меҳнат ярмаркаларининг ўтказилиши натижасида иш билан таъминланиш кучайиб

[157] Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси ҳамда https://mehnat.uz/opendata/view/25 сайти маълумотлари.

борди. Шу сабабли кейинги вақтларда бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилувчилар ва уларнинг бандликни таъминлаш борасидаги улушининг пасайиши кўзда тутилди. Бу кўрсаткич 2018 йилга келиб 97,6% га етди.

20.3. Ишчи кучи бандлиги тўғрисидаги турли концепциялар шарҳи

Ишчи кучининг бандлиги тўғрисидаги назариялар муаммога нисбатан ёндашув, қўлланилган тадқиқот усуллари ва воситалари жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Дарслик ва ўқув қўлланмаларда ишчи кучи бандлиги бўйича неоклассиклар, кейнсчилар, монетаризм, институционал-социологик ва бошқа илмий мактаб вакилларининг қарашлари баён этилади[158].

Неоклассик мактаб концепцияси А.Смитнинг классик назарияси қоидалари асосида шакллантирилиб, Д.Гилдер, А.Лаффер, М.Фелдстайн, Р.Холл каби бир қатор олимларнинг фикр-мулоҳазалари орқали намоён бўлади. Бу мактаб намояндалари ишчи кучи бозорини махсус қонунларга бўйсунувчи алоқалар тизими сифатида кўриб чиқиб, улар бозор механизми орқали бошқарилишини таъкидлайдилар. Иш ҳақи даражаси ишчи кучининг нархи сифатида кўрсатилади. У ишчи кучи талаб ва таклифига таъсир кўрсатиб, улар ўртасидаги нисбат ва зарур мувозанатни таъминлайди. Ишчи кучининг нархи бозор конъюнктурасига тезлик билан жавоб қайтаради, яъни бозордаги талаб ва таклифнинг ўсиши ёки камайишига қараб ўзгаради. Шунга кўра, ишчи кучи бозоридаги тақчиллик ёки таклиф ортиқчалиги иш ҳақи даражасини ўзгартириш орқали бартараф этилади. Ишчи кучи бозорининг классик модели унинг ўзини-ўзи тартибга солиш тамойилига асосланади.

[158] Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 485-489-бетлар.

Кейнсча мактаб вакиллари ишчи кучи бозорини ҳаракатсиз, ўзгармас тизим сифатида баҳолаб, унда ишчи кучининг нархи қатъий белгиланган бўлишини таъкидлайдилар. Бандлик ва ишсизлик даражаси, ишчи кучига бўлган талаб, реал иш ҳақи даражаси каби асосий кўрсаткичлар ишчи кучи бозори орқали эмас, балки товар ва хизматлар бозоридаги самарали талаб миқдори орқали белгиланади. Ишчи кучи бозорида эса фақат иш ҳақи даражаси ва унга боғлиқ бўлган ишчи кучи таклифи миқдори шаклланади. Бироқ ишчи кучи таклифи амалдаги бандликнинг шаклланишида етакчи роль ўйнамай, балки фақат унинг иш ҳақининг муайян ҳажмидаги энг юқори мумкин бўлган даражасини тавсифлайди. Ишчи кучига бўлган талаб ялпи талаб, инвестиция ва ишлаб чиқариш ҳажми орқали тартибга солинади. Ишсизликнинг мавжуд бўлиши ялпи самарали талабнинг етишмаслиги билан шартланиб, уни бюджет ва пул-кредит сиёсатининг иқтисодий фаолликни оширувчи чора-тадбирлари орқали бартараф этиш мумкин. Давлат ялпи талабни кенгайтириш тадбирларини амалга ошира бориб, ишчи кучига бўлган талабнинг ўсишига имкон яратади ва бунинг натижасида бандликнинг ўсиши ҳамда ишсизликнинг қисқариши рўй беради.

Монетар мактаб намояндалари (М.Фридмен, Э.Фелпс ва бошқалар) бозор иқтисодиётини ўз-ўзидан тартибланувчи тизим сифатида баҳолаб, ундаги нарх механизмининг ўзи бандликнинг оқилона даражасини белгилаб беришини таъкидлайдилар. Бундай тизимга давлат томонидан ҳар қандай аралашув бозорнинг ўзини-ўзи тартибга солиш механизмини ишдан чиқаради. Давлатнинг пул воситасида ялпи талабни рағбатлантириши эса пировардида инфляция жараёнларининг кучайишини келтириб чиқаради.

Монетаристлар иқтисодиётда доимо маълум даражада ишсизлик мавжуд бўлишини таъкидлаб, уни «ишсизликнинг табиий меъёри» деб атайдилар. Бандликнинг бу «табиий даража»дан четланиши фақат қисқа муддатли тавсиф касб этади. Бандликни барқарорлаштириш бўйича сиёсат ишсизлик

даражасини унинг табиий меъёридан четланишига, ишлаб чиқариш ҳажми ва банд бўлганлар сонининг тебранишларига қарши курашга йўналтирилган бўлиши лозим. Ишчи кучи бозорини мувозанатга келтириш учун монетаристлар асосан пул-кредит сиёсати дастакларидан фойдаланишни тавсия этадилар.

Институционал-социологик мактаб намояндалари (Т.Веблен, Ж.Данлоп, Ж.Гэлбрейт, Л.Ульман ва бошқалар) ишчи кучи бандлиги борасидаги муаммолар турли кўринишдаги институционал ислоҳотлар ёрдамида ҳал этилиши мумкин, деган қоидага асосланадилар. Улар бу муаммонинг фақат макроиқтисодий жиҳатдан таҳлили билан чегараланмайдилар. Шунингдек, улар ишчи кучи таркиби ва унга тегишли ҳолда иш ҳақи даражасидаги ижтимоий, касбий, тармоқ, ёш, жинс, этник ва бошқа тафовутлар таъсирида ишчи кучи бозорида вужудга келадиган номувофиқликларни изоҳлашга ҳаракат қилдилар.

Шартномага асосланган бандлик назарияси (М.Бейли, Д.Гордон, К.Азариадис) ўзида неоклассик ҳамда кейнсча талқинларни уйғунлаштирувчи концепция ҳисобланади. Концепция муаллифлари, бир томондан, пул кўринишидаги иш ҳақи қатъийлиги тўғрисидаги кейнсча қоидани қабул қиладилар ва ишчи кучи бозоридаги мувофиқлашув нархлар (яъни, иш ҳақи) ҳисобига эмас, балки ишлаб чиқариш моддий ҳажми ва бандликнинг ўзгариши ҳисобига амалга ошишини таъкидлайдилар. Бошқа томондан, бу қатъийликнинг ўзи хусусий иқтисодий манфаатлар остида ҳаракат қилувчи индивидларнинг хатти-ҳаракатидан келтириб чиқарилади. Мазкур назариянинг асосида тадбиркорлар ва ишчилар ўзаро узоқ муддатли шартнома муносабатларига киришишлари тўғрисидаги қоида ётади. Мазкур шартнома ҳуқуқий жиҳатдан тақозо этилгани учун эмас, балки ҳар иккала томон учун ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги сабабли пайдо бўлади. Фирма ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши даврида меҳнатга ҳақ тўлаш ҳажмини камайтирмайди,

ишлаб чиқаришнинг ўсиши даврида эса малакали ишчиларга иш ҳақини оширмайди. Пул кўринишидаги иш ҳақининг ўзгариши бир текисда боради. Иш ҳақи даражаси индивидлар хатти-ҳаракатининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ натижаси сифатида маълум меъёрда қатъий тус олади.

Мослашувчан ишчи кучи бозори концепцияси (Р.Буае, Г.Стэндинг) 70-йилларнинг охирида, нисбатан ривожланган Ғарб мамлакатларида иқтисодиётни таркибий қайта қуриш амалга оширилаётган даврда кенг тарқалди. Унинг асосида ишчи кучи бозорини тартиблашдан воз кечиш, бандликнинг мослашувчан, функционал жиҳатдан индивидуаллаштирилган ва ностандарт шаклларига (қисман бандлик, тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси ёки иш куни, қисқа муддатли шартномалар, уйга иш олиш ва ҳ.к.) ўтишнинг зарурлиги тўғрисидаги қоидалар ётади. Бундай ёндошув иқтисодиётни таркибий қайта қуриш харажатларини камайтиришни таъминлашга қаратилган бўлиб, ишга ёллаш, ишдан бўшатиш ва бандлик шаклларининг турлилиги ва мослашувчанлиги; иш вақтини тартибга солишнинг мослашувчанлиги; иш ҳақини табақалаштириш асосида тартибга солишнинг мослашувчанлиги; ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш усул ва шакллари, шунингдек, ишчи кучи бозоридаги талаб ва таклифнинг тебранишига ишчи кучи ҳажми, таркиби, сифати ва нархи мувофиқлашувининг мослашувчанлиги ҳисобига эришилади. Умуман олганда мослашувчан ишчи кучи бозори концепцияси тадбиркор ва ишчилар ўзаро муносабатларининг турли шаклларини мавжудлигини тақозо этиб, ишчи кучи бозорининг ялпи харажатларини рационаллаштириш, фойдалилик даражасини ошириш ва юқори ҳаракатчанлигини таъминлашга қаратилган.

20.4. Ишсизлик ва унинг турлари. Ишсизлик даражасини аниқлаш

Иқтисодиётнинг самарали амал қилишига мамлакатдаги ишсизлик даражаси муҳим таъсир кўрсатади.

Ишсизлик – мамлакатдаги мавжуд ишчи кучи бир қисмининг фойдаланилмай қолишини намоён этувчи ижтимоий-иқтисодий ҳодиса. Меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган ишчи кучининг иш билан таъминланмаган қисми ишсизлар дейилади. Намоён бўлиш хусусияти ва вужудга келиш сабабларига кўра ишсизлик фрикцион, таркибий, циклик, институционал, технологик, регионал, яширин ва турғун ишсизлик турларига бўлинади.

Кишилар турли сабаблар (янги яшаш жойларига кўчиб ўтиш, ишининг мазмуни ва тавсифи ёқмай қолиши, нисбатан юқорироқ иш ҳақи олишга интилиш ва бошқалар)га кўра ўз ишларини алмаштириб турадилар. Бироқ, бир ишдан бўшаб, бошқа бирига жойлашгунга қадар орада маълум вақт ўтади (баъзи адабиётларда бу муддат 1 ойдан 3 ойгача давом этиши кўрсатилади). Айнан шу вақт оралиғидаги, яъни **бир ишдан бўшаб янги ишга жойлашгунга қадар бўлган даврдаги ишсизлик фрикцион (оралиқ) ишсизлик дейилади.**

Фан-техника тараққиёти, янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга қўлланиши натижасида баъзи бир тармоқ ва соҳа маҳсулотларига бўлган талаб қисқариб, замонавий маҳсулот турларига талаб ўсади. Натижада баъзи бир касб ёки мутахассислик турларидаги ишчиларга талабнинг қисқариши ёки умуман йўқолиши уларнинг ўз касб ва мутахассисликларини ўзгартириш ёки шундай касбларга талаб сақланиб қолган жойларга кўчиб ўтишга мажбур қилиб қўяди. **Янги касб ва мутахассисликни ўзлаштириб ёки бошқа жойга кўчиб ўтиб, янги ишга жойлашгунга қадар бўлган ишсизлик таркибий ишсизлик деб аталади.** Таркибий ишсизлик фрикцион ишсизликка қараганда узоқроқ давом этади ҳамда кўпроқ маълум харажатларни тақозо этади. Унинг узоқ муддат (одатда 6 ойдан кўпроқ) давом этиши янги касб турини ўзлаштириш ёки малака ошириш билан, маълум харажат талаб қилиши эса, эски касб тури билан шуғулланиш истаги сақланиб қолган ҳолда, яшаш жойларини ўзгартириш билан боғлиқ бўлади. Фрикцион ва таркибий ишсизлик,

иқтисодиётдаги ривожланишнинг ҳар қандай ҳолатидан қатъий назар, маълум даражада барча мамлакатларда мавжуд бўлади. Шунга кўра, **фрикцион ва таркибий ишсизлик биргаликда ишсизликнинг табиий даражасини ташкил қилади.**

Циклик ишсизлик – иқтисодий циклнинг инқироз фазаси билан боғлиқ бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ялпи талабнинг қисқариши натижасида вужудга келади. Бунда ўз товар ва хизматларига нисбатан талабнинг қисқаришига дуч келган тадбиркорлар ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш мақсадида ишчиларни ишдан бўшата бошлайдилар. Циклик ишсизлик ҳақиқий даражадаги ишсизликнинг табиий даражадан фарқланишини кўрсатади. Ишсизликнинг бу тури мажбурий ишсизлик ҳисобланади ва циклнинг юксалиш фазасида мавжуд бўлмайди.

Институционал ишсизлик ишчи кучи бозори инфратузилмаси, яъни ишчи кучини иш билан таъминлашга хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги ёки самарали фаолият кўрсатмаслиги натижасида пайдо бўлади. Уни ҳам табиий ишсизлик таркибига киритиш мумкин.

Технологик ишсизлик ишлаб чиқариш жараёнига технологик усулларнинг кириб келиши билан боғлиқ бўлади. Уларнинг ичида асосийлари ишлаб чиқаришни механизациялаш, автоматлаштириш, роботлаштириш ва информацион технологияни қўллаш ҳисобланади.

Ҳудудий ишсизлик муайян ҳудуддаги тарихий, демографик, маданий, миллий ва ижтимоий-руҳий хусусиятдаги бир қатор омиллар таъсири остида ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги номутаносиблик натижаси ҳисобланади.

Яширин ишсизлик учун иш куни ёки иш ҳафтаси давомида тўлиқ банд бўлмаслик хос. Иқтисодиёт ривожланиши даражасининг пасайиши корхоналардаги ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Бироқ, корхона

эгалари ўз ишчиларини бирданига ишдан бўшата олмайдилар. Бунинг натижасида ишчиларнинг маълум қисми расман иш билан банд бўлсаларда, амалда тўлиқ ҳолда ишламайдилар. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги пасайиб, корхона молиявий натижаларига таъсир кўрсатади. Яширин ишсизлик мамлакатда вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий кескинликка йўл қўймасликка интилиш натижасида ҳам пайдо бўлади.

Турғун ишсизлик меҳнатга лаёқатли ишчиларнинг иш жойини йўқотган, ишсизлик бўйича нафақа олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ва фаол меҳнат фаолиятига ҳеч қандай қизиқиши бўлмаган қисмини қамраб олади.

«Тўла бандлик» тушунчаси иқтисодиётда ишсизликнинг мутлақ мавжуд бўлмаслигини билдирмайди. Иқтисодчилар фрикцион ва таркибий ишсизликнинг бўлишини табиий деб ҳисоблайдилар, шу сабабли тўла бандлик ишчи кучининг 100% дан кам қисмини ташкил қилувчи миқдор сифатида аниқланади. Аниқроқ айтганда, тўла бандлик шароитида ишсизлик даражаси фрикцион ва таркибий ишсизлар сонига тенг бўлади. Циклик ишсизлик нолга тенг бўлганда тўла бандлик шароитидаги ишсизлик даражасига эришилади. **Тўла бандлик шароитидаги ишсизлик даражаси ишсизликнинг табиий даражаси деб аталади.** Ишсизликнинг табиий даражаси билан боғлиқ бўлган миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кўрсатади. Тўла бандлик ёки ишсизликнинг табиий даражаси ишчи кучи бозори мувозанатига эришганда, яъни иш изловчилар сони бўш ишчи ўринлари сонига тенг келганда вужудга келади. Ишсизликнинг табиий даражаси қандайдир даражада иқтисодий жиҳатдан мақбул ҳисобланади. Чунки «фрикцион» ишсизларга мос келувчи иш ўринларини топиш, «таркибий ишсизларга» ҳам янги касбни ўзлаштириш ёки янги яшаш жойида иш топиш учун маълум вақт керак бўлади. «Ишсизликнинг табиий даражаси» тушунчаси маълум бир аниқликлар киритишни талаб қилади. Биринчидан, бу тушунча

иқтисодиёт ҳар доим ишсизликни табиий даражасида амал қилиши ва шу орқали ўзининг ишлаб чиқариш имкониятини рўёбга чиқаришини билдирмайди. Чунки, кўпинча ишсизлик даражаси табиий даражадан ортиқ, айрим ҳолларда, масалан, иш вақтидан ортиқча ишлаш ва ўриндошлик ишларида банд бўлиш натижасида табиий даражадан паст ҳам бўлиши мумкин. Иккинчидан, ишсизликнинг табиий даражаси ўз-ўзича доимий миқдор ҳисобланиши шарт эмас, у таркибий ўзгаришлар (қонунлар ва жамият урф-одатларидаги ўзгаришлар) оқибатида ўзгариб туриши мумкин. Масалан, АҚШда ишсизликнинг табиий даражаси дастлаб XX асрнинг 60-йиллари ўрталарида 4,5% деб белгиланган бўлса, 70-йилларнинг бошига келиб 5,5%, 80-йилларнинг бошида эса 6% гача ўсди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврда Испанияда 2012 йил охирига келиб ишсизлик даражаси 24,44% гача ўсди, ишсизларнинг умумий сони 5,6 млн кишига етиб борди[159].

Ишсизлик даражаси ишсизлар сонининг ишчи кучи таркибидаги фоизи сифатида ҳисобланади.

$$\textit{Ишсизлик даражаси} = \frac{\textit{Ишсизлар сони}}{\textit{Ишчи кучининг умумий сони}} \times 100\%.$$

Ишсизлик даражасини баҳолаш билан бирга унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Чунки ишсизликнинг ўзи ҳаддан ташқари юқори даражаси билан катта иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни келтириб чиқаради.

Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари унинг таъсирида ишлаб чиқарилмай қолган маҳсулот ҳажми орқали баҳоланади. Иқтисодиёт барча ишлашни хоҳлаган ва ишлай оладиганлар учун етарли миқдорда иш жойларини яратиш ҳолатига эга бўлмаса маҳсулот ишлаб чиқариш потенциал имкониятининг бир қисми йўқотилади. Иқтисодий адабиётларда бу йўқотиш ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг орқада қолиши

[159] Манба: http://ru.euronews.com/2013/04/02/spanish-unemployment-edges-down/

сифатида аниқланади ҳамда у ҳақиқий ЯИМнинг потенциал ЯИМдан кам бўлган ҳажми сифатида кўринади. Ишсизлик даражаси қанчалик юқори бўлса, ЯИМ ҳажмининг орқада қолиши шунчалик катта бўлади.

Макроиқтисодиёт соҳасидаги таниқли тадқиқотчи А.Оукен ишсизлик даражаси ва ЯИМ ҳажмининг орқада қолиши ўртасидаги нисбатини математик ифодалаб беради. **Бу нисбат иқтисодчилар орасида Оукен қонуни сифатида танилган бўлиб, агар ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан бир фоизга ортиқ бўлса, ЯИМ ҳажмининг орқада қолиши 2,5% ни ташкил қилишини кўрсатади.**

Айрим ҳолларда миллий маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми потенциал ҳажмидан ортиб кетиши ҳам мумкин. Бундай ҳол ишсизлик даражаси табиий даражадан ҳам паст бўлган даврларда рўй беради. Ишлаб чиқаришга ишчиларнинг қўшимча сменаларини жалб қилиш, капитал ускуналардан белгиланган меъёрдан ортиқча даражада фойдаланиш, иш вақтидан кейин қўшимча ишлаш ва ўриндош ишларда банд бўлиш кабилар бунинг асосий сабабларидир.

Ишсизликнинг ижтимоий оқибатлари ҳам мамлакат иқтисодиётига сезиларли таъсир ўтказиши мумкин. Жумладан, ишсизликнинг баъзи турларининг узоқ муддатли тавсифи ишчиларнинг ўз малакаларини йўқотишлари ҳамда даромад ва ижтимоий мавқеи жиҳатидан аҳолининг нисбатан паст тоифасига ўтиб қолишига олиб келади. Бу эса уларда ўз турмуш тарзидан қониқмаслик, ижтимоий фаолликнинг йўқолиши, атрофдагиларга нисбатан лоқайдликнинг пайдо бўлиши каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Натижада узоқ давом этган сурункали ишсизлик миллатнинг руҳий соғломлигига путур етказади. Ишсизлик ўсишининг муқаррар оқибати бўлиб мамлакатдаги жиноятчиликнинг ўсиши ва ижтимоий кескинлик даражасининг кучайиши ҳисобланади. Шунга кўра, мамлакатдаги ишчи кучи бандлигини таъминлаш ва ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

20.5. Ўзбекистонда ишчи кучи бандлигини таъминлаш ва ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатнинг ижтимоий сиёсати фақат жамият аъзоларининг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат бўлмасдан, балки мавжуд ишчи кучларининг иш билан бандлигини таъминлашни ҳам ўз ичига олади. Айниқса, аҳолининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган ва ўзига хос аҳоли таркибига эга бўлган республикамизда ишчи кучининг иш билан бандлик масаласи энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ушбу масалани ҳал этиш учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. **Биринчидан,** кенг фаолият турлари, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорликни кенгайтириш учун шароит яратиш. Биринчи навбатда қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмол молларини, маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари тайёрловчи хусусий кичик корхоналарни фаол ривожлантиришни рағбатлантириш. **Иккинчидан,** хизмат соҳасини ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий-маиший хизмат ва қурилиш бўйича хизмат турларини янада кенгайтириш. Бунда ҳам қишлоқ жойларда хизмат соҳасини ривожлантиришга устунлик берилади. **Учинчидан,** қишлоқда кенг тармоқли ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиб, шу орқали янги иш жойларини очиш, янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш. Бу вазифаларни амалга ошириш учун республикамизда қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш бўйича ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда. **Тўртинчидан,** ишдан бўшаган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни ташкил этишни тубдан ўзгартириш. Бунда ишдан бўшаётган ва ихтисоси бўлмаган шахсларга қисқа даврда, бозор иқтисодиётига ҳамда иқтисодиётнинг

ўзгариб бораётган тузилишига мувофиқ келувчи касбкорни ўргатишга эътибор қаратиш. Шу мақсадда махсус маслаҳат ва ўқув марказлари, бизнес мактабларнинг кенг тармоғини янада ривожлантириш кўзда тутилади. **Бешинчидан,** вақтинча ишга жойлаштириш имкони бўлмаган ишчи кучларини давлат томонидан ишончли равишда ижтимоий ҳимоялаш. Бу сиёсат уларнинг ўта зарур эҳтиёжларини қондириш ва кафолатли тирикчилик манбаларига эга бўлишга қаратилади.

Ишчи кучининг иш билан бандлиги муаммоси кўп қиррали бўлиб, у барча одамларга ўз қобилиятларини ишга солиш, ўз эҳтиёжларини қондириш учун дастлабки тенг имкониятларни таъминловчи давлат ва бозор механизмини вужудга келтириш; ишчи кучини унумли ва самарали иш билан банд қилиш; зарур ҳолларда ишчи кучини иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш каби масалаларни ҳам ўз ичига олади.

2020 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш параметрлари тўғрисида **қабул қилинган бўлиб,** Дастур параметрлари кейинги йилга белгиланган макроиқтисодий прогноз кўрсаткичлари, бюджет, солиқ ва инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари, маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиши, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш дастурлари билан ўзаро узвий боғланган.

Бугунги кунда ишчи кучи бозорига меҳнатга лаёқатли шахсларнинг ишчи кучига кириб келиши натитжасида уларни иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Ўта долзарб бўлган ушбу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва қишлоқ хўжалигининг турли шаклларини кенг жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда ишчи кучи бандлиги самарадорлигини таъминлаш учун давлатнинг бандлик сиёсатининг қуйидаги йўналишларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир:

- оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналарни ривожлантиришни жадаллаштиришни таъминлаш;

- мазкур мақсадларда микрокредитлаш тизимини рағбатлантириш;

- йирик саноат корхоналари ва нисбатан кичикроқ бўлган ишлаб чиқариш корхоналари билан касаначиликни кенгайтириш асосидаги кооперацияни ривожлантириш имкониятларидан кенг қамровли фойдаланиш;

- маҳаллий хомашёни пухта қайта ишлашга ва тайёр, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган енгил ва озиқ-овқат қайта ишлаш саноатининг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини жадал ривожлантириш;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бандлик соҳаларини кенгайтириш масалаларини ҳал этишга эътиборни кучайтириш;

- иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларини мақсадга мувофиқ йўналтириш орқали замонавий билимга эга бўлган ва малакали ишчи кучига талабни ошириш;

- ишсизларни касбий ўқитиш ва жамоат ишлари тизимларини такомиллаштириш билан шуғулланадиган хизматлар ишини фаоллаштириш.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш манбаи бўлган иш билан бандлик даражасининг янада ошишига, аҳолининг ижтимоий муҳофазасининг кучайишига янада кенг йўл очиб беради.

2017 йил 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси”нинг тўртинчи **“Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”**да (4.1-банди) кўра:

- янги иш ўринлари яратиш ҳамда ишчи кучининг, энг

аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

• меҳнатга лаёқатли ишчиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини юксалтириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш ҳал қилиниши лозим бўлган устувор масалалар сифатида қаралган.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Республиканинг иш берувчи ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2020 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш давлат дастурига қуйидагилар киритилган:

а) 2020 йилда 382 минг доимий янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича прогноз кўрсаткичлари;

б) 2020 йилда меҳнат органлари томонидан 461 минг аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг прогноз кўрсаткичлари;

в) 605 минг ўзини ўзи меҳнат даромади олишга йўналтирган ва яширин иш ўринларида ишлаётган шахсларни расмийлаштириш параметрлари тасдиқланади.

Шунингдек, Президентимиз ўз маърузаларида, “Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак”[160], деб таъкидлаган.

Белгилаб қўйилишича, қарор билан тасдиқланган прогноз параметрлари Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизими ва Ягона миллий меҳнат тизимида акс этган, ҳисобот даврида

[160] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 декабрь.

ташкил этилган иш ўрнига ишчи ёлланган ва ўрнатилган тартибда иш ҳақи ҳисобланган ва суғурта бадали тўланган тақдирда бажарилган деб ҳисобланади.

Хулосалар

1. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш жараёнини тадқиқ этиш унинг миқдорий ва сифат жиҳатларини ажратишни тақозо этади. Ишчи кучининг миқдори мамлакат аҳолисининг меҳнат фаолиятига лаёқатли бўлган қисми орқали ифодаланиб, у ишчи кучи ресурслари деб ҳам аталади. Ишчи кучининг сифати унинг таркибининг замон талаблари жиҳатидан ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқлиги даражасини намоён этади. Ишчи кучининг сифати унинг маълумот, касбий тайёргарлик, малака, иш тажрибаси даражалари каби кўрсаткичлар орқали ифодаланади.

2. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш инсоннинг жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаб ва таъминлаб туриш, уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражаси ўсишини таъминлаш демакдир.

3. Ишчи кучи миграцияси мураккаб жараён бўлиб, турли омиллар таъсири остида (масалан, иш ҳақи даражасидаги ўзгаришлар, ишсизлик ва ҳ.к.) ишчи кучининг бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга кўчиб ўтишини билдиради. Миграция икки даражада, яъни мамлакат ичида ва халқаро даражада рўй бериши мумкин.

4. Иқтисодиётнинг барқарорлиги ва соғломлигини акс эттирувчи кўрсаткичлардан бири ишчиларнинг иш билан таъминланиш даражаси ҳисобланади. Бироқ, ҳар қандай мамлакатда доимий равишда маълум даражада ишсизлик ҳам мавжуд бўлади. Умуман олганда, меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаганлар ишсизлар дейилади. Намоён бўлиш хусусияти ва вужудга келиш сабабларига кўра ишсизлик фрикцион, таркибий,

циклик, институционал, технологик, ҳудудий, яширин ва турғун ишсизлик турларига бўлинади.

5. «Тўла бандлик» тушунчаси иқтисодиётда ишсизликнинг мутлақ мавжуд бўлмаслигини билдирмайди. Чунки, фрикцион ва таркибий ишсизликнинг бўлиши табиий ҳисобланади, шу сабабли тўла бандлик ишчи кучининг 100% дан кам қисмини ташкил қилувчи миқдор сифатида аниқланади. Аниқроқ айтганда, тўла бандлик шароитида ишсизлик даражаси фрикцион ва таркибий ишсизлар сонига тенг бўлади. Циклик ишсизлик нолга тенг бўлганда тўла бандлик шароитидаги ишсизлик даражасига эришилади. Тўла бандлик шароитидаги ишсизлик даражаси ишсизликнинг табиий даражаси деб аталади.

6. Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари унинг таъсирида ишлаб чиқарилмай қолган маҳсулот ҳажми орқали баҳоланади. Иқтисодиёт ишлашни хоҳлаган ва ишлай оладиган барча учун етарли миқдорда иш жойларини яратиш ҳолатига эга бўлмаса маҳсулот ишлаб чиқариш потенциал имкониятининг бир қисми йўқотилади. Иқтисодий адабиётларда бу йўқотиш Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг орқада қолиши сифатида аниқланади ҳамда у ҳақиқий ЯИМнинг потенциал ЯИМдан кам бўлган ҳажми сифатида кўринади. Ишсизлик даражаси қанчалик юқори бўлса, ЯИМ ҳажмининг орқада қолиши шунчалик катта бўлади.

Асосий таянч тушунчалар:

Ишчи кучи – инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш – инсоннинг меҳнатга бўлган жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаш ва таъминлаб туриш, уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражаси ўсишини таъминлаш, катта ёшли ишчилар ўрнини босадиган ёш ишчилар авлодини етиштириш жараёни.

Ялпи ишчи кучи – жамият ёки алоҳида олинган мамлакат миқёсида қиймат ва истеъмол қийматларини яратишда иштирок этувчи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият қилувчи ишчи кучларининг умумлаштирилган мажмуи.

Ишчи кучи талаби – муайян вақтда иш ҳақининг таркиб топган даражасида турли иш берувчилар томонидан ишчи кучи миқдори ва сифатига билдирилган талаб.

Ишчи кучи таклифи – муайян вақтда иш ҳақининг таркиб топган даражасида ишга ёлланишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли ишчи кучи миқдори.

Аҳолининг табиий ўсиши – бу аҳолининг эмиграция ва иммиграциядан ташқари ҳаракати.

Эмиграция – фуқароларнинг ўз мамлакатларидан бошқа мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб ўтиши.

Иммиграция – хорижий фуқароларнинг доимий яшаш учун мамлакатга кўчиб келиши.

Ишсизлик – меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаган ишчи кучи.

Фрикцион ишсизлик – малакасига мос иш қидираётган ва иш ўринлар бўшашини кутаётганларни намоён этувчи ишсизлик.

Таркибий ишсизлик – ишлаб чиқариш ва ялпи талаб таркибидаги ўзгаришлар натижасида вужудга келадиган ишсизлик.

Циклик ишсизлик – иқтисодий циклнинг инқироз фазаси билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ишсизлик.

Ишсизлик даражаси – ишсизларнинг ишчи кучи таркибидаги фоизли нисбати.

Оукен қонуни – ишсизлик даражаси ва ЯИМ ҳажмининг орқада қолиши ўртасидаги нисбатнинг математик ифодаси.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш деганда нимани тушунасиз ва унинг хусусиятлари қандай?

2. Ишчи кучининг сифати нима? У қандай омилларга боғлиқ? Фан-техника тараққиётида ишчи кучининг сифатига қандай талаблар кучаяди?

3. Ишчи кучи бозори амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

4. Ишчи кучи қиймати ва истеъмол қиймати қандай аниқланади? Уларга таъсир этувчи омилларни санаб беринг.

5. Иш билан тўла бандлик нима учун нисбий маънода тушунилади? Қандай қилиб ишчи кучидан самарали фойдаланишга эришилади?

6. Ишсизликнинг асосий турларига тавсиф беринг.

7. Ишсизлик даражаси қандай ҳисобланади?

8. Ишсизликнинг табиий даражаси нимани англатади ва у қандай тартибда аниқланади?

9. Оукен қонунининг моҳияти нимада намоён бўлади?

10. Ишсизликнинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини тушунтириб беринг.

21-боб. МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан молиявий ресурсларга боғлиқ бўлади. Пул воситасида такрор ишлаб чиқаришнинг бир босқичидан бошқасига ўтилади ҳамда муайян мақсадга йўналтирилган фондлар вужудга келтирилади. Ўз навбатида бу фондлар такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини ва кенгайтирилишини таъминлайди. Ялпи миллий маҳсулотни яратиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида пул мустақил ҳаракат қилиб, турли хўжалик юритувчи бўғинлар, уй, дехқон, фермер, жамоа, касаначилик хўжаликлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари, давлатнинг ўзининг пул маблағлари фондини ташкил этади. Пул фондлари ҳосил бўлиш манбалари ва амал қилиш тавсифи, мақсадлари ва фойдаланиш усулларига қараб молия ва кредит шакллари тусини олади. Ушбу бобда молиянинг мазмуни, вазифалари тизими, унинг асосий бўғини бўлган давлат бюджети ва

бюджет маблағларининг шаклланишида солиқларнинг роли баён этилади.

21.1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари. Молия тизими

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши энг аввало давлат, унинг турли минтақа ва ҳудудлари, иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари, ишлаб чиқариш бирликлари, аҳоли турли қатламлари ўртасидаги пул маблағлари оқимининг самарали ташкил этилишига боғлиқ бўлади. Бундай пул оқимлари жамият реал ҳаёти жараёнларини акс эттириб, мамлакатдаги фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида ўзаро иқтисодий муносабат ва алоқаларни ўрнатади. Давлат корхона ва ташкилотлар, турли молиявий муассасалар, аҳоли билан олиб бориладиган ўзининг барча вазифаларини айнан молия механизми орқали амалга оширади. Молия миллий иқтисодиёт ва аҳоли фаровонлигининг ўсишини акс эттириб, корхоналар ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ва уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигининг ошишини рағбатлантиради, ишлаб чиқариш тузилмасини, тармоқлараро ва ҳудудий нисбатларни шакллантиради.

Молия – иқтисодий категория сифатида пул маблағларидан фойдаланиш ва унинг ҳаракатини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизимидир. Унинг воситасида турли даражада пул маблағлари фондлари вужудга келтирилади ва улар такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида тақсимланади.

Молия пул билан боғлиқ муносабатлар бўлиб, унинг моддий асосини пул ташкил қилади, лекин у пул эмас ёки пул билан бир хил нарса – тушунча эмас. Бундан кўринадики, иқтисодиётнинг самарали ва барқарор равишда амал қилиши, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида давлат кўплаб бошқа иқтисодий субъектлар билан молиявий муносабатларга киришади. Молиявий муносабатлар – давлат,

минтақалар, тармоқлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда алоҳида фуқаролар ўртасида пул маблағлари фондларининг ҳаракати билан боғлиқ ҳолда вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Молиявий муносабатларнинг объектлари ва субъектлари фарқланади. **Молиявий муносабатларнинг объектлари** бўлиб иқтисодиётнинг турли даражаларида таркиб топувчи ва ҳаракат қилувчи пул маблағлари фондлари ҳисобланади. **Молиявий муносабатлар субъектлари** таркибан мураккаб бўлиб, уларга барча ташкилотлар, корхоналар, юридик ва жисмоний шахслар, фуқаролар киради. Улар орасида доимо молиявий муносабатлар бўлиб туради. Бу муносабатларнинг асосийлари сифатида қуйидаги муносабатларни кўрсатиш мумкин:

- давлатлараро молиявий муносабатлар;
- давлат ва турли халқаро ташкилотлар, хорижий фирма ва корхоналар ўртасидаги молиявий муносабатлар;
- бошқарувнинг турли даражаларидаги давлат органлари ўртасидаги молиявий муносабатлар;
- давлат ва корхоналар ўртасидаги молиявий муносабатлар;
- давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги молиявий муносабатлар;
- давлат ва аҳоли ўртасидаги молиявий муносабатлар;
- корхоналараро молиявий муносабатлар;
- корхоналар ва банклар ўртасидаги молиявий муносабатлар;
- корхона ичидаги хўжалик алоқаларига хизмат қилувчи молиявий муносабатлар ва бошқалар.

Молия иқтисодиёт доирасида ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) иқтисодий жараёнларни, лойиҳалар ва тадбирларни пул ресурслари билан таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш вазифаси;
2) тақсимлаш вазифаси;
3) рағбатлантириш вазифаси;
4) назорат қилиш вазифаси.

Жамият миқёсидаги иқтисодий фаолият турли жараён ва тадбирларнинг, жумладан, мамлакатни бошқариш, мудофаа қобилиятини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот ишларини йўлга қўйиш, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий ишлар ва бошқаларнинг амалга оширилишини тақозо этади. Бунинг учун энг аввало уларни молиявий ресурслар билан таъминлаш керак бўлади. Шунга кўра, молия иқтисодий жараён ва тадбирларни **молиявий таъминлаш, уларга хизмат кўрсатиш вазифасини** бажаради.

Молиянинг тақсимловчи вазифаси моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган ялпи миллий маҳсулотни, айниқса, унинг миллий даромадни ташкил қилувчи қисмини давлат ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, иқтисодиёт тармоқлари, моддий ишлаб чиқариш соҳалари, мамлакат ҳудудлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашда намоён бўлади.

Молиянинг **рағбатлантирувчилик вазифаси,** биринчидан, яратилган маҳсулот қийматини тақсимлаш жараёни орқали, иккинчидан, пул фондларини ташкил қилиш ва сарфлаш механизми орқали амалга оширилади.

Молиядан ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол устидан назорат қилиш воситаси сифатида фойдаланилади. Молиявий назорат корхона (фирма)ларнинг молия интизомига риоя қилиш учун моддий жавобгар бўлиш тизими, турли солиқлар ундириб олиш ва маблағ билан таъминлаш тизими орқали амалга оширилади.

Молиявий муносабатлар ва уларга хизмат қилувчи махсус муассасалар жамиятнинг молия тизимини ташкил қилади. Бу тизим давлат ва бошқа турли даражадаги бюджетларни, ижтимоий, мол-мулк ва шахсий суғурта фондларини, давлатнинг валюта захираларини, банклар, пул муомаласи, кредит ва солиқ тизими, корхона ва фирмалар, тижорат ва нотижорат тузилмаларининг пул фондларини, бошқа махсус пул фондларининг ҳаракатини ўз ичига олади.

Энг аввало, корхона (тармоқ)лар ва умумдавлат молиясини

бир-биридан фарқлаш лозим. Корхона ва тармоқлар молияси улардаги такрор ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда алоҳида фондлар яратиш йўли билан уларнинг молиявий эҳтиёжларига хизмат қилади. Умумдавлат молияси давлат бюджетини, ижтимоий суғурта фондини ҳамда давлат мол-мулк ва шахсий суғуртаси фондини, солиқ тизимини ўз ичига олади. Давлат пул маблағларининг асосий марказлашган фонди бўлмиш давлат бюджети молия тизимининг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади. **Давлат бюджети – бу давлат даромадлари ва харажатлар ҳамда уларни молиявий қоплаш манбаларининг йиллик режасидир.** Давлат даромадлари ва харажатларининг асосий қисми давлат бюджети орқали ўтади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдир.

Давлат бюджетининг икки томони бўлиб, бир томонида бюджетга келиб тушадиган даромадлар таркиби ва уларнинг манбалари, иккинчи томонида эса асосий харажатларнинг таркиби ва миқдори ўз ифодасини топади.

Ўзбекистонда давлат бюджетининг тузилиши, даромадлари ва харажатларининг таркиби қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (21.1 ва 21.2-жадваллар).

21.1-жадвал

Давлат бюджети даромадлари тўғрисида маълумот (млрд.сўм)[161]

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012	2014	2016	2017	2018	2019
Давлат бюджети даромадлари	20614,1	31730,5	41030,7	49684,8	79099,1	112160,4
Шу жумладан: Бевосита солиқлар	5196,4	7433,0	9853,6	11538,9	15436,6	31671,7
Билвосита солиқлар	11187,8	16852,3	21131,0	26133,6	40949,0	46427,2
Ресурс солиқлари	2746,4	4311,5	5306,2	6867,4	12663,4	19680,8
Бошқа даромадлар	1483,5	3133,7	4739,9	5144,7	10050	14380,7

[161] Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида - https://www.mf.uz/uz/rukovodstvo-i-podvedomstvennye-organizacii/content/parametry-gosudarstvennogo-byudzheta.html

Давлат бюджети даромадларининг таркибий таҳлилидан кўринадики, билвосита солиқлардан бюджетга 2019 йилда 46427,2 млрд. сўм келиб тушган. Бу ҳолат шуни тасдиқлайдики, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда билвосита солиқларнинг фискал аҳамияти юқори бўлмоқда.

Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш самарадорлиги ва барқарорлиги амалга оширилиши кўзда тутилган харажатлар ижросининг моддий асосини ташкил этади. Шунингдек, давлат бюджети харажатлари давлат томонидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг том маънодаги ифодасини ўзида акс эттиради. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

21.2-жадвал

Давлат бюджети харажатлари тўғрисида маълумот (млрд.сўм)[162]

Кўрсаткичлар	2012	2014	2016	2017	2018	2019
Давлат бюджети харажатлари	21571	31425,4	40930,0	49344,9	79 736,1	118008,6
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари	12513	18493,7	24106,7	26922,7	42901,1	63580,1
Иқтисодиёт харажатлари	2372	3363,3	4346,9	5280,7	8461,8	18481,0
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	1059	1624,7	2131,8	3234,8	5396,4	7048,5
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	629	1414,2	1790,8	1932,9	3666,1	6020,3
Бошқа харажатлар	4735	6529,4	8553,8	11973,8	19310,7	22878,7

Жадвалдан кўриниб турибдики, давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг салмоғи юқори бўлмоқда. Хусусан, ушбу харажатлар 2012 йилда 12513 миллиард сўмга режалаштирилиб, жами бюджет харажатларида 58 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган бўлса, 2019 йилга келиб ушбу харажатлар 63580,1 миллиард сўм ҳажмида бажарилган ва унинг жами бюджет харажатларидаги улуши 53,9 фоизини

[162] Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида - https://www.mf.uz/uz/rukovodstvo-i-podvedomstvennye-organizacii/content/parametry-gosudarstvennogo-byudzheta.html

ташкил этади. Демак, ушбу соҳага қилинаётган харажатлар, биринчидан, номинал мазмунда ва шунингдек, умумий харажатлар салмоғида ҳам ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармонининг 3-йўналишининг 3.1-бандида “харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда, Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносиблигини мувозанатни сақлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга йўналтирилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш” масаласи қўйилган.

Шунга мос тарзда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланди. Унга кўра, илк бор, “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Республика бюджети харажатлари вазирлик ва идоралар кесимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан, маҳаллий бюджетлар харажатлари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди. 2020 йилдан бошлаб барча давлат мақсадли жамғармалари ва четдан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган Давлат харажатлари консолидациялашган давлат бюджетида акс эттирилиб, бюджет қамрови ва очиқлиги даражаси кучайтирилди. Халқаро стандартларга мувофиқ умумий фискал балансининг ҳисобини юритиш йўлга қўйилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиб бориш билан жамият молия тизимида турли хил суғурта (ижтимоий суғурта, тиббий суғурта) фондлари ва бюджетдан ташқари молия фондлари (пенсия фонди, аҳолини иш билан таъминлаш фонди, табиатни

муҳофаза қилиш фонди, тарихий ёдгорликларни сақлаш фонди, тадбиркорларга кўмак бериш фонди ва бошқалар)нинг аҳамияти ортиб боради.

21.2. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари

Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари мувозанатда бўлишини тақозо қилади. **Лекин кўпчилик ҳолларда давлат бюджети харажатларининг даромадлардан ортиқчалиги кузатилади, бунинг оқибатида бюджет тақчиллиги рўй беради.** Бу ҳолнинг сабаблари кўп бўлиб, уларнинг ичида давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ролининг узлуксиз ўсиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши алоҳида ўрин тутади. Бюджет тақчиллигининг ўсиши ёки камайиши мутлақ миқдорда ва унинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатида аниқ намоён бўлади.

Кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётидаги айрим ўзгаришларнинг вужудга келишига қарамасдан, бюджет профицитини сақлаб қолишга эришилмоқда. Хусусан, 2019 йилда мақсадга мувофиқ йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида бюджет харажатлари унинг даромадларидан ортиш -0,5 фоиз даражасида бўлди (21.1-расм).



21.1-расм. Давлат бюджети кўрсаткичлари ҳолати, фоизда.[163]

Умуман олганда, давлат бюджети соҳасидаги бундай натижаларни қўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ўзгартириш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларнинг хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди.

Бюджет тақчиллигининг ўзгариши хўжалик конъюнктурасидаги жорий тебранишлар, ишлаб чиқаришдаги даврий инқироз ва юксалишларни ҳам акс эттиради, инқирозлар даврида давлат бюджет маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг маълум секторларини молиявий таъминлаб туришга, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган тармоқларда инвестициялар ҳажмини сақлаб туришга мажбур бўлади.

[163] Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

Ўрнатилган халқаро стандартларга кўра бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 2% даражасидан ошмаслиги лозим. Бюджет тақчиллиги, асосан, давлат қарзи ҳисобига қопланади.

Давлат қарзи ички ва ташқи қарзлардан иборат бўлади. **Давлат ички қарзи – бу давлатнинг мамлакат ичида заёмлар ва бошқа қимматли қоғозларини чиқариш, турли нобюджет фондлари (суғурта фонди, ишсизлик бўйича суғурталаш фонди, пенсия фонди)дан қарз олиш кўринишидаги қарзлари.**

Бюджет тақчиллигини молиялаштириш (қоплаш)нинг муҳим кўринишларидан бири давлат кредити ҳисобланади. **Давлат кредити – давлат қарз олувчи ёки кредитор сифатида майдонга тушадиган барча молиявий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.**

Молиявий ресурсларни давлат томонидан қарзга олишнинг асосий шакли – бу давлат қарз мажбуриятлари (заёмлари) ни чиқариш ҳисобланади. Уларни жойлаштириш жараёнида давлат аҳоли, банклар, савдо ва саноат компанияларининг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб қилади.

Давлат ўз мажбуриятларини нафақат хусусий секторда жойлаштириши, балки уларни Марказий банкда ҳисобга олиши ҳам мумкин. Бунда банк муомалага пулнинг товар ҳажмининг кўпайиши билан боғлиқ бўлмаган қўшимча миқдорини чиқаради. Мазкур ҳолда, давлат бюджетини молиялаштириш пул муомаласига тўғридан-тўғри инфляцион таъсир кўрсатади. Пул массасининг ўсиши жамият ҳақиқий бойлигининг кўпайиши билан бирга бормайди.

Давлат қарзларининг тўхтовсиз кўпайиб бориши, миллий даромадни фоиз тўловлари шаклида тобора кўпроқ қайта тақсимланишга олиб келади.

Катта бюджет тақчиллиги ва давлат мажбуриятлари бўйича фоиз тўловлари ўсиш шароитида давлат қарзларини тўлаш вақтини имкон даражада чўзишга ҳаракат қилади. Бунинг учун турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Жумладан давлат ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини ўрта ва узоқ

муддатли заёмларга алмаштиради. У ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини анча юқори фоиз бўйича янги, узоқ муддатли заёмлар чиқариш ҳисобига ҳам сотиб олиши мумкин. Бундай турдаги тадбирлар қисқа даврли самара бериши ва вақтинча давлатнинг молиявий аҳволини енгиллаштириши мумкин, чунки у одатда келгусида фоиз ставкасининг ошиши ва қарзлар умумий миқдорининг ўсиши билан боғлиқ.

Хўжалик ҳаёти байналминаллашув жараёнларининг тез ўсиши, халқаро кредитнинг жадал ривожланиши натижасида давлат ўзига зарур бўлган молиявий ресурсларни жалб қилиш учун бўш пул маблағларининг миллий чегарадан ташқаридаги манбаларидан фаол фойдаланади. Бунинг натижасида ташқи қарз вужудга келади. **Давлат ташқи қарзи – хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинган қарз.**

Ташқи қарзнинг меъёридан ошиб кетиши миллий иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Агар ташқи қарз бўйича тўловлар мамлакат товар ва хизматлари экспортидан тушумнинг аҳамиятли қисми, масалан, 20-25% дан ошиб кетса, бу ҳолат мамлакатнинг кредит бўйича рейтингини пасайтириб юборади. Натижада, четдан янги қарз маблағларини жалб этиш мушкуллашади. Шунга кўра, давлатлар мунтазам равишда ташқи қарзни тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириб борадилар. Булар қаторига мамлакат олтин-валюта захираси ҳисобидан қарзларни тўлаб бориш; кредиторларнинг қарз тўлов муддатларини ўзгартиришлари, айрим ҳолларда уларнинг маълум қисмидан воз кечишларига эришиш; қарзларни мамлакатдаги кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, капиталда иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқларни сотиш ҳисобига тўлаш; халқаро банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан ёрдам олиш ва ҳ.к.

Демак, давлат ўз фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлашда ссуда капиталларининг ҳам миллий бозоридан, ҳам ташқи бозоридан қарз олиши мумкин. Халқаро кредитнинг

тез ўсиши, капиталнинг мамлакатлараро миграцияси мамлакат ва минтақалар иқтисодий ўзаро боғлиқлиги чуқурлашувининг муқаррар натижаси ҳисобланади. Халқаро кредит молиявий ресурсларни ҳам хусусий секторнинг эҳтиёжларини қондириш, ҳам давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун жалб қилиш имкониятини сезиларли кенгайтиради. Шу билан бирга ташқи қарзларнинг ўсиши бир қатор бошқа муаммоларни келтириб чиқаради. Бу ўринда энг асосий муаммо миллий иқтисодиётнинг кредитор ва дебитор мамлакатлар иқтисодиётига боғлиқлигининг кучайиб бориши ҳисобланиб, бу жараённи мамлакатдаги ички молиявий дастаклар билан назорат қилиш имконияти бўлмай қолади.

21.3. Солиқ тизими ва унинг вазифалари

Давлат бюджети даромадлар қисмининг асосий манбаи солиқлар ҳисобланади. Солиқ иқтисодий категория сифатида, соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли бўлиб, молиявий муносабатларнинг таркибий қисмини ташкил қилади. **Солиқ – бу давлатнинг ўз вазифаларини амалга ошириши учун зарур бўлган молиявий маблағларни шакллантириш мақсадида жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан бюджетга мажбурий тўловларни ундириш шакли.**

Солиқ ёрдамида миллий даромаднинг тегишли қисми тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Давлат томонидан олинадиган солиқлар ҳамда уларнинг ташкил қилиниш шакл ва усуллари биргаликда солиқ тизимини ташкил қилади.

Миллий иқтисодиётда солиқлар қуйидаги учта муҳим вазифани бажаради:

- давлат харажатларини молиялаштириш (фискал вазифаси);
- ижтимоий тангликни юмшатиш (ижтимоий вазифаси);
- иқтисодиётни тартибга солиш (тартибга солиш вазифаси).

Давлат сарфлари солиқ тушумлари ҳисобига амалга

ошсада, давлат сарфлари миқёсининг ўсиши ўз навбатида солиқларнинг ўсишини тақозо қилади ва унинг даражасини белгилаб беради.

Ҳозирги даврда умумий тенденция бўлган давлат сарфларининг ва шунга мос равишда солиқ ҳажмининг ўсиб боришини қуйидаги омиллар тақозо қилади.

1. Аҳоли сонининг ўсиши.

2. Ижтимоий соҳа хизматлари сифатига талабнинг ортиши ва урбанизация.

3. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши.

4. Даромадлар тенгсизлигини қисқартириш дастурларини амалга ошириш.

5. Миллий мудофаа, давлат хавфсизлигини таъминлаш харажатлари ҳажмининг ўсиши.

Корхоналар фаолиятини солиқ ёрдамида тартибга солиш қуйидаги умумий тамойиллар асосида амалга оширилади:

- барча даромадлардан, уларнинг манбаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда солиқ ундиришнинг мажбурийлиги;

- солиқ ундиришда барча учун ягона умумдавлат сиёсати;

- самарали ишловчи корхоналарда ҳамда хўжалик юритишнинг илғор шакллари учун солиқ меъёрларининг рағбатлантирувчи ролини таъминлаш;

- солиқ тўлови бўйича барча субъектлар мажбурияти устидан молиявий назорат.

Солиқ ставкасини белгилаш бир қатор тамойилларга асосланади.

1. Нафлилик тамойили – турли шахслардан, уларнинг солиқлар ҳисобига молиялаштириладиган дастурлардан фойдаланиши даражасига қараб турлича солиқ ундирилиши кераклигини билдиради.

2. Тўловга лаёқатлилик тамойили – солиқ миқдори солиқ тўловчининг бойлиги ва даромадлари даражасига мос келиши зарур. Бошқача айтганда, солиқ солиш даромадларнинг адолатли тақсимланишини тақозо қилиши зарур.

3. Адолатлилик тамойили – даромадлари ва ҳукумат

дастурларидан фойдаланиш даражаси бўйича тенг бўлган кишилар тенг миқдорда солиқ тўлаши зарур.

Солиқ бўйича имтиёзлар қонунчиликда белгиланган тартиб ва шароитлар асосида ўрнатилади. Амалиётда солиқ имтиёзларининг қуйидаги турлари кенг тарқалган:

- объектларнинг солиқ олинмайдиган энг кам даражасини белгилаш;
- солиқ тўлашдан алоҳида шахс ёки маълум гуруҳларни (масалан, уруш фахрийларини) озод қилиш;
- солиқ даражаси (ставкаси)ни пасайтириш;
- солиқ олинадиган суммадан чегириш;
- солиқли кредит (солиқ олишни кечиктириш ёки солиқ суммасини маълум миқдорга камайтириш).

Солиқ суммасининг (R) солиқ олинадиган суммага (D) нисбатининг фоиздаги ифодаси солиқ ставкаси (R`) дейилади:

$$R`=\frac{R}{D}\times 100\%.$$

Солиқларни туркумлашга турли хил мезонлар асосида ёндашилади.

Солиқ ставкаси ва даромадлар ўртасидаги нисбатга асосланиб, солиқлар одатда прогрессив (ўсиб борувчи), пропорционал (мутаносиб) ва регрессив (камайиб борувчи) солиқларга бўлинади (21.1-расм).

1. Даромад ҳажми ўсиб бориши билан ўртача ставкаси ўсиб борувчи солиқлар **прогрессив солиқлар** дейилади.

2. Даромад ҳажми ўсиб бориши билан ўртача ставкаси пасайиб борувчи солиқлар **регрессив солиқлар** дейилади.

3. Даромад ҳажми ўсиб бориши билан ўртача ставкаси ўзгаришсиз қолувчи солиқлар **пропорционал солиқлар** дейилади.



21.1-расм. Прогрессив, пропорционал ва регрессив солиқларнинг график кўриниши.

Солиқлар амал қилиш доираси (марказий ва маҳаллий солиқлар), маҳсулот таннархига қўшилиш усули (тўғри ва эгри солиқлар) ва иқтисодий мазмунига қараб ҳам туркумланади.

Солиқларни пасайтириш иқтисодий юксалиш ва давлат даромадларининг ўсишига олиб келишини биринчи бўлиб америкалик иқтисодчи А.Лаффер асослади. А.Лаффернинг мулоҳазаларига кўра, корпорациялар даромадига солиқлар ставкасини ҳаддан ташқари ошириш уларнинг капитал қўйилмаларига бўлган рағбатини сусайтиради, фан-техника тараққиётини тўхтатади, иқтисодий ўсишни секинлаштиради ва охир-оқибатда, Давлат бюджети тушумларига салбий таъсир кўрсатади.

Давлат бюджетининг даромадлари ва солиқ ставкаси ўсиши ўртасидаги боғлиқликнинг графикда тасвирланиши **«Лаффер эгри чизиғи»** номини олди (21.2-расм).

График тик ўқида солиқ ставкаси (R), ётиқ ўқида – давлат бюджетига тушумлар (V) акс этган. Солиқ ставкасининг оптимал миқдори (R1) Давлат бюджетига энг юқори тушум (V1) ни таъминлайди. Солиқлар янада оширилганда ишлашга ва тадбиркорликка қизиқиш сусаяди, 100 фоизли солиқ олишда давлат даромади нолга тенг бўлади, чунки ҳеч ким текинга ишлашни хоҳламайди. Бошқача айтганда, узоқ муддатли истиқболда ҳаддан ташқари юқори ўрнатилаган солиқларни пасайтириш жамғармалар, инвестициялар, бандликнинг ортиши орқали солиқ ундириладиган ялпи даромад ҳажмининг ўсишини таъминлайди. Натижада солиқ тушумлари суммаси

кўпаяди, давлат даромадлари ҳажми ўсади, тақчиллик камаяди ва инфляциянинг сусайиши рўй беради. Лекин ўз-ўзидан тушунарлики, Лаффер самараси фақат эркин бозор механизми меъёрида амал қилган ҳолдагина намоён бўлади.



21.2-расм. Лаффер эгри чизиғи.

Шунингдек, мамлакатнинг турли минтақаларида солиқ юкининг бир хил даражада бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан тавсия этилган таққослама усуллардан фойдаланилади. **Солиқ юки даражасини миқдоран аҳоли жон бошига тўғри келувчи солиқлар миқдорини тўловга лаёқатлилик кўрсаткичига нисбати ёки солиқ тўлангандан кейинги даромад миқдорини тўловга лаёқатлилик кўрсаткичига нисбати сифатида ифодалаш мумкин:**

$$K_{солик\ юки} = \sum H_x / П \text{ ёки}$$

$$K_{солик\ юки} = ДН / ПН,$$

бу ерда: Нх – аҳоли жон бошига тўғри келувчи солиқларнинг ўртача миқдори; ДН – аҳолининг солиқлар тўлангандан кейинги даромади; ПН – аҳолининг тўловга лаёқатлилиги.

Солиқ юки даражасини солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи бўйича ҳам аниқлаш мумкин:

$$K_{солик\ юки} = \sum H / \sum ЯИМ,$$

бу ерда: Н – солиқлар миқдори;

ЯИМ – ялпи ички маҳсулот ҳажми.

Давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан бири молиявий сиёсат ҳисобланади. **Молиявий сиёсат – давлатнинг ўз вазифаларини амалга ошириш учун молияни ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи.**

Молиявий сиёсат дискрецион ва ўз-ўзидан тартибланувчи тавсифдаги сиёсатларга бўлинади. Дискрецион молиявий сиёсат иқтисодиётга таъсир ўтказиш мақсадида солиқ ва давлат сарфларини ўзгартириб туриш билан боғлиқ. Ўз-ўзидан тартибланувчи молиявий сиёсат эса иқтисодиётдаги ҳолат ўзгаришига мувофиқ тарзда тартибловчи механизмларни ўзининг ишга тушишига асосланади. Бундан кўринадики, миллий иқтисодиётнинг ривожланишига турли иқтисодий субъектларни солиққа тортиш ҳамда тушган маблағларни давлат бюджети орқали қайта тақсимлаш жараёнлари аҳамиятли таъсир кўрсатади. **Давлат томонидан иқтисодиётга таъсир кўрсатиш мақсадида солиққа тортиш ва давлат сарфи таркибини ўзгартириш бўйича қўлланилувчи чора-тадбирлар фискал ёки солиқ-бюджет сиёсати деб аталади.** Фискал сиёсат, бир томондан, иқтисодиётнинг таназзул даврида давлат сарфларини ошириш ёки солиқларни пасайтириш орқали хўжалик ҳаётини рағбатлантиришни, бошқа томондан эса, иқтисодий ривожланишнинг юқори даржасида давлат сарфларини қисқартириш ёки солиқларни кўпайтириш орқали юз бериши мумкин бўлган инфляция ва ишсизликнинг олдини олишни кўзда тутади.

21.4. Ўзбекистонда солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистонда бюджет ва солиқ тизимини такомиллаштириш иқтисодий ислоҳотлар ва давлат иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, изчил солиқ-бюджет сиёсатининг амалга оширилиши, солиқ юкини камайтириш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши, солиқ тўловчиларда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга шароит яратилиши, ишлаб топилган ва уларнинг ўзларида қолдирилаётган маблағларнинг реинвестиция қилиниши оқибатида қўшимча солиқ объектининг пайдо бўлиши ҳисобига нафақат бюджетдаги йўқотишлар ўрнининг қопланиши, балки солиқ тўловчиларнинг қўшимча даромадларга эга бўлиб, ишлаб чиқариш имкониятининг ошишига олиб келади.

Мамлакатдаги солиқ тизимининг соддалаштирилиши ва унификация қилиниши, солиқ юкининг янада камайтирилиши қуйидаги бир қатор вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишига моддий замин яратади:

- солиқ юкининг камайтирилиши орқали солиқ имтиёзларининг кенгайтирилиши хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши ва иқтисодиётни модернизациялашни кенгайтиришга имкон яратади;

- солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ставкаларини пасайтириш ўз навбатида хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтиради, бизнес учун қулай муҳит яратади ва унинг кафолатларини мустаҳкамлайди;

- солиқ юкини камайтириш ҳисобига солиқ тўловчилар ихтиёрида қоладиган маблағлар реинвестиция қилинишига ҳамда ишчи ходимларнинг иш ҳақига йўналтирилишига тавсия қилиниши, жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ ставкасининг оралиқ чегаралари бўйича

пасайтирилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзларининг кенгайтирилиши пировардида аҳоли даромадларининг ошишига ҳамда янги иш ўринларининг яратилишига олиб келади;

- солиқ юкини камайтириш натижасида солиқ тўловчилар ихтиёрида қолган маблағлардан самарали фойдаланиш аҳоли даромади ва бандлик даражасини ошириш орқали харид талабининг жадал ўсишини таъминлайди;

- солиқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва солиқ юкини камайтириш экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта захираларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни ҳам таъминлайди;

- солиқ тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш уй-жой коммунал хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда энергия ресурсларидан фойдаланишда тежамкорликни таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилишига ҳам таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, аҳолининг реал даромадларини ва истеъмол талабларини оширишда мунтазам равишда солиқ юкини камайтириш чораларининг кенг қўлланилиши ўз натижаларини бермоқда. Айниқса, солиқлар ва тўловларни бирхиллаштиришга катта эътибор қаратилиши солиққа тортиш механизмларининг ошкоралигига, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашга оид корхоналар фаолиятини соддалаштиришга, шунингдек, солиқ мажбуриятларининг бажарилишини самарали назорат қилишга ёрдам беради. Айни пайтда бу ҳол республикада қўлланиладиган солиқ тизимини халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқлаштириш зарурати билан изоҳланади.

Солиқ тушумлари барқарорлигини таъминлаш шарти билан солиқ тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон Фармони билан Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қуйидагиларни назарда тутувчи асосий йўналишлари белгиланган эди.

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 12% миқдорида ягона ставкасини жорий қилиш, фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини (меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 8%) бекор қилиш, шунингдек ягона ижтимоий тўлов ставкасини кичик корхоналар учун 15% дан 12% гача, ҳамда бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналаридан бошқа йирик корхоналар учун 25%дан 12%гача камайтириш ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юкини камайтириш;

фойда солиғи ставкасини 14%дан 12%гача пасайтириш;

дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғи ставкасини 10% дан 5% гача пасайтириш;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини 5%дан 2%га пасайтириш;

цемент, клинкер, мис ва полиэтилен гранулалар бўйича қўшимча фойда солиғини бекор қилиш;

ўтган йил якунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш;

барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан обороти (тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш.

Маълумотларга кўра, 2019 йилда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари 137 трлн. сўмни (ЯИМга нисбатан 26,1%) ташкил этган, бу 2018 йилдагига қараганда 27% кўп (2018 йилда даромадлар 108 трлн. сўмни ёки ЯИМга нисбатан 26,5%ни ташкил этган).

2019 йилдаги даромадлар бўйича Давлат бюджети ижроси дастлабки якунларининг кўрсатишича, тушумлар 112,1 трлн. сўмни ташкил этиб, 2018 йилдагига (79,1 трлн. сўм) нисбатан 1,4 баравар ошган.

Бунда ЯИМга нисбатан Давлат бюджетининг даромадлари ЯИМга нисбатан 19,4%дан 21,4% гача ёки 2 фоиз бандига ошган.

Маълумот узатиш, статистика, молия ва солиқ ҳисоботларининг электрон шакли ва тармоқлари ҳаётимизга изчил ва тизимли асосда жорий этилмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 89 фоиздан ортиғи солиқ ҳисоботларини, қарийб 86 фоизи статистик ҳисоботларни электрон шаклда топширмоқда.

Республикада 2009-2019 йилларда турли солиқ ставкаларининг ўзгариши таҳлили шуни кўрсатадики, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, дивиденд (фоизлар) шаклида олинадиган даромадлардан фойда солиғи, акциз солиғи, ягона солиқ тўлови, ягона ижтимоий тўловларда айрим ўзгаришлар вужудга келди (21.4-жадвал).

21.4-жадвал

Солиқ ставкаларининг ўзгариши, фоизда

Солиқ тури	2009	2012	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	10	9	8	7,5	7,5	7,5	14	14
Дивиденд/фоизлар шаклида олинадиган даромадлардан фойда солиғи	10	10	10	10	10	10	10	10
Акциз солиғи	21,5	20	23	23	23	20	20	20
Ягона солиқ тўлови	7	6	6	6	6	5	5	5
Ягона ижтимоий тўлов	25	25	25	15	15	15	15	15

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

2017 йилга қадар юридик шахслардан олинадиган солиқ ставкаси 10 фоиздан 7,5 фоизгача пасайиб келди ва 2018 йилда ташкилотлар учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи (шу вақтга қадар

8%) фойда солиғи таркибига қўшилганлиги сабабли 14 фоиз қилиб белгиланди.

Иқтисодиётга солиқ юкининг пасайтирилишида солиқлар сонининг камайтирилиши, солиқ имтиёзларининг кенгайтирилиши билан бирга солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ишлаб чиқариш ҳажми ва даромадларнинг ортиши натижасида солиқ базасининг кенгайишига, давлат бюджети харажатларини тақчилликка йўл қўймасдан молиялаштиришга замин яратади.

Бугунги кунда "солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш йўлини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг тегишли чораларини кенгайтириш"[164] долзарб аҳамият касб этмоқда.

Солиқ ставкаларининг пасайтириши ишлаб чиқариш ва даромадларнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши натижасида солиққа тортиш базасининг кенгайишига имкон туғилади. Айнан шу ҳолат мамлакатимизда солиқ ставкалари камайтирилишига қарамасдан, бюджет харажатларини тақчилликсиз молиялаштиришга етарли бўлган солиқ тушумлари кўринишидаги бюджет даромадларини шакллантиришга асос бўлмоқда.

Белгиланган солиқ имтиёзлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини янада кенгайтириш ва иқтисодиётимиз салоҳиятини оширишга қулай имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сонли Қонунига мувофиқ янги Солиқ кодекси қабул қилинди.

[164] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, ПФ-4947-сонли Фармони. 1-илова. 3.1-банд.

Янги Солиқ кодексига кўра, 2020 йил 1 январдан солиқ турлари 13 тадан 9 тагача қисқартирилди. Хусусан, ягона ер солиғи, давлат божи, божхона тўловлари ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ турлари бекор қилинди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида солиқларни ортиқча ундирганлик учун давлат солиқ хизмати органларининг жавобгарлиги кучайтирилди, замонавий усулларни қўллаган ҳолда хорижий амалиётда синалган солиқ назорати шакллари жорий этилди, шунингдек, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари соддалаштирилди.

Хулосалар

15. Молия миллий иқтисодиёт ва аҳоли фаровонлигининг ўсишини акс эттириб, корхоналар ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ва уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигининг ошишини рағбатлантиради, ишлаб чиқариш тузилмасини, тармоқлараро ва ҳудудий нисбатларни шакллантиради.

16. Молиявий муносабатлар ва уларга хизмат қилувчи махсус муассасалар жамиятнинг молия тизимини ташкил қилади. Молия тизими турли даражадаги бюджетларни, ижтимоий, мол-мулк ва шахсий суғурта фондларини, давлатнинг валюта захираларини, корхона ва фирмалар, тижорат ва нотижорат тузилмаларининг пул фондларини, бошқа махсус пул фондларини ўз ичига олади.

17. Умумдавлат молияси давлат бюджетини, ижтимоий суғурта фондини ҳамда давлат мол-мулкий ва шахсий суғуртаси фондини ўз ичига олади. Давлат пул маблағларининг асосий марказлашган фонди бўлмиш давлат бюджети молия тизимининг асосий бўғини бўлиб хизмат қилади.

18. Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари

мувозанатда бўлишини тақозо қилади. Лекин кўпчилик ҳолларда давлат бюджети харажатларининг даромадлардан ортиқчалиги кузатилади, бунинг оқибатида бюджет тақчиллиги тез суръатлар билан ўсади.

19. Бюджет тақчиллиги асосан давлат қимматли қоғозларини сотиш, нобюджет фондлари (суғурта фонди, ишсизлик бўйича суғурталаш фонди, пенсия фонди)дан қарз олиш кўринишидаги давлатнинг ички ва ташки қарзлари ҳисобига қопланади.

20. Давлат бюджети даромадлар қисмининг асосий манбаи бўлиб солиқлар ҳисобланади. Солиқ иқтисодий категория сифатида, соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли бўлиб, молиявий муносабатларнинг таркибий қисмини ташкил қилади.

21. Солиқ ставкаси ва даромадлар ўртасидаги нисбатга асосланиб, солиқлар одатда прогрессив (ўсиб борувчи), пропорционал (мутаносиб) ва регрессив (камайиб борувчи) солиқларга бўлинади.

Асосий таянч тушунчалар:

Молия – пул маблағларининг ҳаракати, яъни уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ равишда вужудга келадиган муносабатлар.

Молиявий муносабатлар – давлат, минтақалар, тармоқлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда алоҳида фуқаролар ўртасида пул маблағлари фондларининг ҳаракати билан боғлиқ ҳолда вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Молия тизими – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

Молиявий сиёсат – давлатнинг ўз вазифаларини амалга ошириш учун молияни ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи.

Фискал (солиқ-бюджет) сиёсати – давлат томонидан иқтисодиётга таъсир кўрсатиш мақсадида солиққа тортиш ва давлат сарфи таркибини ўзгартириш бўйича қўлланилувчи чора-тадбирлар.

Давлат бюджети – давлат даромадлари ва харажатлари ҳамда уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси.

Бюджет тақчиллиги – давлат бюджети харажатларининг даромадлардан ортиқчалиги.

Давлат ички қарзи – давлатнинг мамлакат ичида қимматли қоғозларини чиқариш, турли нобюджет фондларидан олган қарзи.

Давлат кредити – давлат қарз олувчи ёки кредитор сифатида майдонга тушадиган барча молиявий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.

Давлат ташқи қарзи – хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинган қарз.

Солиқлар – жамиятда вужудга келтирилган соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли.

Солиқ ставкаси – солиқ суммасининг солиқ олинадиган суммага нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Лаффер эгри чизиғи – давлат бюджети даромадлари ва солиқ ставкаси ўртасидаги боғлиқликнинг тасвирланиши.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Молиянинг иқтисодий мазмунини тушунтиринг ва унинг иқтисодий вазифаларини баён қилинг.
2. Жамият ва давлат молия тизимлари асосий бўғинларининг тавсифини беринг. Молия тизимида давлат бюджетининг ўрни қандай?
3. Давлат бюджети миллий даромадни тақсимлаш ва қайта

тақсимлашда қандай роль ўйнайди? Бунда қандай усуллардан фойдаланилади?

4. Бюджет тақчиллиги нима? Ижобий ва салбий бюджет тақчиллигини тушунтиринг.

5. Солиқларнинг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг ва унинг турларини, асосий вазифаларини кўрсатинг.

6. Молиявий сиёсат ва фискал сиёсатнинг умумий ва фарқли жиҳатларини тавсифланг.

7. Давлатнинг ички ва ташқи қарзлари манбаларини изоҳлаб беринг.

8. Солиқ юки нима? Унинг иқтисодиётга таъсирини кўрсатиб беринг.

9. Лаффер эгри чизиғининг мазмуни нимадан иборат?

10. Кейинги йилларда Ўзбекистонда бюджет ва солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни гапириб беринг.

22-БОБ. ПУЛ-КРЕДИТ ТИЗИМИ. БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ РОЛИ

Пулнинг ҳаракати бозор иқтисодиётининг молиявий асосларидан бири бўлиб, барқарор пул тизими, даромадлар ва харажатлар айланишига ҳаётий тус бағишлайди, бутун иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаб беради, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишга имкон туғдиради ва тўла бандликка эришишни таъминлайди. Аксинча, беқарор пул тизими ишлаб чиқариш, бандлик ва нарх даражасининг кескин тебранишига асосий сабаб бўлиб, иқтисодий ривожланишга тўсиқ бўлиши мумкин. Мазкур бобда пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятларининг мазмуни ёритилади. Пулга бўлган талаб ва таклиф таҳлил қилиниб, инфляциянинг моҳияти очиб берилади. Шунингдек, кредит тизими, банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги роли,

республикада миллий валютани мустаҳкамлаш вазифалари таҳлил қилинади.

22.1. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари. цПулга бўлган талаб ва пул таклифи

Бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағлари тўхтовсиз ҳаракатда бўлади, товарлар ва хизматларни айирбошлаш жараёнида ресурслар учун тўловларни амалга оширишда, иш ҳақи ҳамда бошқа мажбуриятларни тўлашда пул қўлдан қўлга ўтиб, айланиб туради. Пулнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнидаги тўхтовсиз ҳаракати пул муомаласи дейилади.

Жаҳонда тарихан шаклланган ҳамда ҳар бир мамлакат томонидан қонуний равишда мустаҳкамлаб қўйилган пул муомаласининг турли тизимлари амал қилади. Мамлакат пул тизимининг муҳим таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

1) миллий пул бирлиги (сўм, доллар, иена, фунт стерлинг, марка ва ҳ.к.);

2) нақд пул муомаласида қонуний тўлов воситаси сифатида амал қилувчи қоғоз, танга ва кредит пуллар тизими;

3) пул эмиссияси, яъни белгиланган қонуний тартибда пулни муомалага чиқариш тизими;

4) пул муомаласини тартибга солувчи давлат идоралари.

Пул муомаласи нақд ва кредит пуллар ёрдамида амалга оширилади. Нақд пул муомаласига банк билетлари ва металл тангалар (пул белгилари) хизмат қилади. Нақд пулсиз ҳисоблар чеклар, кредит карточкалари, векселлар, аккредитивлар, тўлов талабномалари кабилар ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг ҳаммаси пул агрегати деб юритилади. Муомалада мавжуд бўлган пул массаси нақд ва кредит пулларни қўшиш йўли билан аниқланади.

Пул муомаласи ўзига хос қонунларга асосланган ҳолда

амалга оширилади. Унинг қонунларидан энг муҳими муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш ва шунга мувофиқ муомалага пул чиқаришдир.

Муомалани таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Муайян даврда (масалан, бир йил давомида) сотилиши ва сотиб олиниши лозим бўлган товарлар суммаси. Товарлар ва хизматлар қанча кўп бўлса, уларнинг нархи қанча баланд бўлса, уларни сотиш ва сотиб олиш учун шунча кўп пул миқдори талаб қилинади.

2. Пул бирлигининг айланиш тезлиги. Пул бир хил бўлмаган тезлик билан айланади. Бу кўп омилларга, жумладан сотилаётган товарлар турига, уларнинг харидоргирлигига боғлиқ бўлади. Пул қанчалик тез айланса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунча кам бўлади.

3. Кредитнинг ривожланганлик даражаси, пулдан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш. Кўпинча товарлар қарзга (кредитга) сотилади ва уларнинг ҳақи келишувга мувофиқ кейинги даврларда тўланади. Демак, муомала учун зарур бўлган пул миқдори кредит миқдорига мувофиқ камроқ бўлади. Иккинчи томондан, бу даврда илгари кредитга сотилган товарлар ҳақини тўлаш вақти бошланади. Бу пул миқдорига эҳтиёжни кўпайтиради. Мазкур ҳолатларни ҳисобга олганда, муомала учун зарур бўлган пул миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$П_м = \frac{Т_б - Х_к + Х_Т}{А_Т},$$

бу ерда:

Пм - муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул миқдори;

Тб - сотилиши лозим бўлган товарлар ва хизматлар суммаси (товарлар миқдори × нархи);

Хк - кредитга сотилган товарлар суммаси;

Хт – кредитга берилган товарлар ва хизматларнинг тўлаш муддати келган қисми ҳамда бошқа тўловлар суммаси;

Ат - пулнинг айланиш тезлиги.

Масалан сотилган товарлар суммаси 100 млн. сўмни, кредитга сотилган товарлар – 20 млн. сўмни, илгари кредитга сотилиб, айни пайтда тўлаш муддати келган товарлар ва бошқа тўловлар – 40 млн. сўмни ташкил қилиб, пулнинг айланиш тезлиги 6 марта бўлса, у ҳолда муомала учун зарур бўлган пул миқдори 20 млн. сўмга тенг бўлади. Яъни:

$$П_м = \frac{100 - 20 + 40}{6} = 20 \text{ млн. сўм.}$$

Муомала учун зарур бўлган пул миқдори пул муомаласи қонунини миқдоран ифодалайди. Чунки муомала учун зарур бўлган пул миқдорига нисбатан муомалага кам пул чиқарилса, кўпгина хўжаликларда пул етишмаслиги, нормал ҳолатда хўжалик юритиб бўлмай қолиш ҳолати юз беради. Ёки, аксинча, муомалада бўлган пул миқдори сотилаётган товарлар ва хизматлар суммасига нисбатан ошиб кетиши ва бунинг натижасида товарлар билан таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши унинг қадрсизланиши, яъни инфляцияни билдиради.

Пул миқдорига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиб, пул муомаласининг қуйидаги қонунига таъриф бериш мумкин: бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул миқдори сотишга чиқариладиган товарлар суммасига тўғри мутаносиб, пулнинг айланиш тезлигига тескари мутаносибдир. Бунда сотишга чиқариладиган товарлар суммаси ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмига ва уларнинг нархига боғлиқ бўлади. Албатта бунда нарх ҳақида гап кетганда АҚШ иқтисодчиси И.Фишер кўрсатганидек, ҳамма товарларнинг ўртача нархи олинмайди. Чунки самолёт нархи билан ручка нархининг ўртачасини олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳар

бир турдаги товарнинг бозор нархида сотилган суммалари йиғиндиси олинади. Таъкидлаш лозимки, пулнинг ҳамма тизимлари учун пул муомаласи қонуни умумий бўлиб, шу билан бирга олтин ва қоғоз пул муомаласи қонунларининг ўзига хос хусусиятлари ва бир-биридан фарқлари мавжуд. Масалан,

1) олтин пул муомалада бўлганда:

а) ортиқча олтин пул хазинага жалб қилиниб, захирада тўпланиб боради, зарур бўлганда муомалага ёки ҳар хил безаклар учун фойдаланишга чиқарилади;

б) товарлар ҳажми кўпайиб, муомала учун қўшимча пул зарур бўлганда хазинадаги олтин пуллар муомалага киритилади. Шу йўл билан муомала учун зарур бўлган олтин пул миқдори ўз-ўзидан тартибланади.

2) Муомала учун зарур бўлган олтин пул миқдори товарлар қийматининг миқдорига тўғри мутаносибликда, олтиннинг ўз қийматига нисбатан эса тескари мутаносибликда ўзгаради:

а) олтин пул қиймати ва товарлар ҳажми ўзгармаган тақдирда товарлар қиймати қанча паст бўлса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори ҳам шунча кам бўлади. Агар товарлар қиймати ўзгармаса, пулнинг миқдори товарлар ҳажмининг ортишига қараб унга мутаносиб равишда кўпаяди;

б) агар товарлар ҳажми ва қиймати ўзгармайди, деб фараз қилсак, муомаладаги олтин пул миқдори олтиннинг ўз қийматига қараб ўзгаради, яъни унинг қиймати ошса, пул миқдори камаяди, қиймати пасайса, пул миқдори кўпаяди.

Қоғоз пул муомаласи қонунлари олтин пул муомаласидан фарқ қилиб, уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- қоғоз пул қанча миқдорда чиқарилмасин, унда белгиланган қиймат миқдори муомала учун зарур бўлган олтин пул миқдорининг қийматига тенг бўлади;

- қоғоз пулнинг ҳар бир бирлигида белгиланган қиймат миқдори муомала учун зарур бўлган олтин пул қийматининг муомалага чиқарилган қоғоз пул миқдори нисбатига мос келади.

Қоғоз пул тизими амал қилиб турган даврдан буён ўтган реал иқтисодий ҳаёт шуни кўрсатадики, олтин пул муомаладан чиқарилган ва қоғоз пулларнинг олтин пул билан алоқасини йўқотишга расман уринилган бўлсада, унинг номинал қиймат белгиси сифатидаги ҳаракатида олтин пул билан бўлган алоқаси ҳозиргача объектив равишда сақланиб қолган. Фақат у модификациялашиб, мураккаблашиб бормоқдаки, натижада уни мантиқий мушоҳада қилиш орқали тушуниш анча қийинлашади. Шунинг учун ҳам қоғоз пуллар ҳар бир давлатнинг махсус қонуни билан муомалага чиқарилади. Бу қонунда пулнинг белгиси, бирликлари, миқёслари ва чет эл валюталари билан расмий алмашув тартиби ўрнатилади. Аммо унинг қиймат белгиси сифатида қанча қийматга эга эканлигини ҳеч қандай давлат қонуни билан ўрнатиб бўлмайди, у фақат объектив иқтисодий қонун – пул муомаласи қонуни асосида ўрнатилади ва амал қилади[165].

Миллий иқтисодиётда давлатнинг, тижорат банклари ва бошқа молиявий муассасаларнинг мажбуриятлари пул сифатида фойдаланади. Пул операцияларининг асосий кўпчилик қисми нақд пулсиз, чеклар ва унга тенглаштирилган молиявий активлар ёрдамида амалга оширилади. Шу сабабли муомалада бўлган пул миқдорини ҳисоблаш учун M1 ...Mn пул агрегатлари ёки таркибий қисми тушунчасидан фойдаланилади. Барча пул агрегатлари йиғиндиси ялпи пул массаси ёки ялпи пул таклифини ташкил қилади.

Бизнинг республикамизда умумий пул миқдори қуйидаги (таркиб)лар асосида ҳисобланади (22.1-жадвал):

M0 – муомаладаги нақд (қоғоз ва металл) пуллар.

M1 = M0 + аҳолининг жорий ҳисоб варақларидаги пул қолдиқлари, корхоналарнинг ҳисоб варақларидаги пул маблағлари, банклардаги талаб қилиб олиш мумкин бўлган пул омонатлари.

M2 = M1 + тижорат банкларидаги муддатли омонатлар ва

[165] Юсупов Р.А. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида миллий валюта барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т., 2001, 12-13-б.

жамғарма ҳисоб варақларидаги пуллар, ихтисослаштирилган молиявий муассасалардаги депозитлар ва бошқа активлар. Мазкур агрегат таркибига кирувчи пул маблағларини бевосита бир шахсдан бошқа бирига ўтказиш ҳамда айирбошлаш битимларида фойдаланиш мумкин эмас. Улар асосан жамғариш воситаси вазифасини бажарадилар.

М3 = М2 + банк сертификатлари + аниқ мақсадли заём облигациялари + давлат заём облигациялари + хазина мажбуриятлари.

22.1-жадвал

Пул агрегатлари динамикаси (млрд. сўм)[166]

Сана	Кенг маъно-даги пул массаси (М2)*	*жумладан:*					
		Миллий валютадаги пул массаси	шундан:				Чет эл валюта-сидаги депозитлар *миллий валюта эквива-лентида*
			Пул массаси (М1)**	шундан:		Миллий валютадаги бошқа депозитлар	
				Муомала-даги нақд пуллар (М0)	Миллий валютадаги талаб қилиб олингунча депозитлар		
1	**2=3+8**	**3=4+7**	**4=5+6**	**5**	**6**	**7**	**8**
01.02.2013	23 669	18 137	12 589	5 766	6 823	5 548	5 532
01.01.2014	28 376	22 594	15 870	7 424	8 447	6 723	5 782
01.01.2015	32 698	26 862	19 818	9 058	10 760	7 045	5 836
01.01.2016	40 642	34 576	23 644	10 655	12 989	10 932	6 067
01.01.2017	50 227	41 470	27 955	13 209	14 746	13 515	8 758
01.01.2018	70 816	45 117	33 142	19 449	13 694	11 974	25 699
01.01.2019	80 165	54 896	38 593	22 164	16 429	16 303	25 269
01.01.2020	91 266	62 786	42 670	24 246	18 424	20 116	28 480

Бундан кўринадики, пул массасининг ҳар бир алоҳида агрегати ўзининг ликвидлиги даражасига кўра фарқланади. **Ликвидлик – бу турли активларнинг ўз қийматини йўқотмасдан (яъни энг кам харажатлар асосида) тезлик билан нақд пулга айлана олиш қобилиятидир.** Металл (танга) ва қоғоз пуллар энг юқори ликвидликка эга бўлади. Мижоз ўзи истаган вақтида олиши мумкин бўлган банк ҳисоб варақаларидаги пул омонатлари ҳам ликвидли ҳисобланади.

[166] http://cbu.uz/uzc/statistics/dks/2020/01/183259/ - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

Пул массаси таркибига тўлов воситаси вазифасини бажариш лаёқати пастроқ бўлган активлар қўшилиб бориши билан, уларнинг ликвидлик даражаси ҳам пасайиб боради. Нақд пуллар ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида умумий пул массасининг 9-10 фоизини, бозор иқтисодиётига ўтаётган Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларида 35–40 фоизни ташкил қилади.

Пул бозори – бу мамлакатдаги пул миқдори ҳамда фоиз ставкасининг турли даражаларида пул маблағларига бўлган талаб ва пул таклифининг ўзаро нисбатини ифодаловчи механизм.

Пул таклифи – бу бозорда пул сифатида муомалада бўлган турли-туман молиявий маблағлар, яъни пул агрегатлари йиғиндиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган қисмида “илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш”[167] кузда тутилган.

Тижорат банклари ўз ихтиёрларида бўлган активлари ҳисобига янги пулларни ҳосил қилишлари, яъни уларни банк кредити сифатида мижозларига беришлари мумкин. Тўғри, уларнинг бу фаолиятлари Марказий банк томонидан ўрнатилувчи мажбурий захира меъёрлари орқали чекланади. Яъни, тижорат банки ўзининг жорий харажатларини қоплаши ҳамда мижозлар томонидан кредитлар қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида маълум миқдордаги пул маблағларини захира сифатида сақлаши лозим. Активларнинг қолган қисми эса муомалага чиқарилиб, у маълум муддатдан

[167] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони.

сўнг яна банкка қайтиши ҳамда мажбурий захира меъёридан ортиқча қисми яна муомалага чиқарилиши мумкин. Тўхтовсиз равишда такрорланувчи бу жараён пул таклифи мультипликатори ёки банк мультипликатори дейилади.

Пул таклифи мультипликатори – бу банкдаги пул депозит-лари қўшимча равишда ўсган ҳажмининг мажбурий захиралар қўшимча ҳажмига нисбати бўлиб, пул маблағларининг бир бирликка кўпайиши иқтисодиётдаги пул таклифининг қанчага ўсишини кўрсатади:

$$m = \frac{M_s}{R} \quad ёки \quad m = \frac{1}{r},$$

бу ерда:

m – пул таклифи мультипликатори коэффициенти;

Ms – банкдаги пул депозитларининг қўшимча равишда ўсган ҳажми;

R – мажбурий захиралар қўшимча ҳажми;

r – мажбурий захиранинг фоиздаги меъёри.

Масалан, Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий захира меъёри 20% ни ташкил этсин. Агар тижорат банк активи 100 млн. сўм деб олсак, у ҳолда пул таклифи мультипликатори 5 га тенг бўлади (100 млн. сўм/20 млн. сўм). Бу эса тижорат банки 500 млн. сўм ҳажмида (100 млн. сўм х 5) янги пулларни муомалага чиқариш имконига эга эканлигини кўрсатади.

Пулга талаб икки қисмдан иборат бўлиши мумкин: айирбошлаш учун зарур бўлган пулга бўлган талаб ҳамда активлар сотиб олиш учун зарур бўлган пулга талаб.

Айирбошлаш учун зарур бўлган пулга бўлган талаб аҳолининг кундалик шахсий эҳтиёжлари, корхоналарнинг иш ҳақи тўлаш, материал, ёқилғи ва шу кабиларни сотиб олиш учун керак бўлган пул миқдорини ифодалайди. Айирбошлаш учун зарур бўлган пул миқдори биз юқорида кўрсатган формула билан аниқланади. Ушбу формулага асосан аҳоли ва корхоналарга икки ҳолда айирбошлаш учун кўпроқ пул

талаб қилинади: нархлар ўсганда ва ишлаб чиқариш ҳажми кўпайганда.

Кишилар ўзларининг молиявий активларини ҳар хил шаклларда, масалан, корпорация акциялари, хусусий ёки давлат облигациялари шаклида ушлаб туришлари мумкин. Демак, активлар томонидан, яъни инвестициялар учун пулга талаб ҳам мавжуд бўлади.

Активлар томонидан пулга талаб фоиз ставкасига тескари мутаносибликда ўзгаради. Фоиз ставкаси паст бўлса, кишилар кўпроқ миқдордаги нақд пулга эгалик қилишни афзал кўради. Аксинча, фоиз юқори бўлганда пулни ушлаб туриш фойдасиз ва активлар шаклидаги пул миқдори кўпаяди. Шундай қилиб, пулга бўлган умумий талаб активлар томонидан пулга бўлган талаб ва айирбошлаш учун пулга бўлган талабнинг миқдори билан аниқланади.

22.2. Инфляция, унинг моҳияти ва турлари

Инфляция бозор иқтисодиёти шароитида макроиқтисодий беқарорликнинг кўринишларидан бири бўлиб, ҳозирги даврда барча мамлакатлар учун умумий бўлган ҳолат ҳисобланади.

«Инфляция» атамаси (лотинча inflation – шишмоқ, кенгаймоқ) илк бора Шимолий Америкада 1861-1865 йиллардаги фуқаролар уруши даврида қўлланилиб, муомалада қоғоз пулларнинг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетишини ифодалаган эди. Иқтисодий адабиётларда эса бу атама XX асрда, Биринчи жаҳон урушидан кейин кенг тарқалди. Инфляция тушунчаси жуда серқирра бўлиб, иқтисодий адабиётларда унинг кўплаб изоҳлари мавжуд. Жумладан:

Инфляция – бу пул массасининг товар айланмаси эҳтиёжларига нисбатан ортиб кетиши натижасида пул бирлигининг қадрсизланиши ва шунга мос равишда товар нархларининг ўсишидир[168].

[168] Курс экономической теории.Учебное пособие под ред. Чепурина М.Н.,Киселевой Е.А. - Киров, изд. «АСА», 1995. – 423-б.

Инфляция – бу муомала соҳасининг пул белгилари билан миллий хўжалик ҳақиқий эҳтиёжларидан ортиқча миқдорда тўлиб кетиши[169].

Инфляция – бу иқтисодий тизимда нарх ўсишининг барқарор тенденцияси орқали ифодаланувчи макроиқтисодий ҳодиса[170].

Инфляция – бу:

- муомалада мавжуд бўлган нақд қоғоз пуллар ёки нақд бўлмаган қоғоз пул ҳажмининг товарларнинг реал таклифига нисбатан ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши;

- пулларнинг харид қобилиятининг пасайиши;

- узоқ давр мобайнида нархларнинг умумий ўсиши[171].

Бу таърифлардан кўриниб турибдики, инфляция тушунчасини ёритишда бир томонлама ёндашишга йўл қўйилиб, унинг мазмунини тўла ва етарли даражада очиб бера олинмаган. Инфляцияни тўғри тушуниш учун пулнинг қадрсизланишини ва унинг сабабларини билиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Пулнинг қадрсизланиши фақатгина қоғоз пулларгагина хос бўлган ҳодиса эмас, у ҳамма пулларга, жумладан металл (олтин) пулларга ҳам хосдир. Олтин пул қуйидаги икки ҳолатда қадрсизланади:

1) олтин қазиб олиш технологияси такомиллашиб, янги техникаларни қўллаган ҳолда меҳнат унумдорлигининг ошиши ва, бинобарин, олтин қийматининг пасайиши натижасида. Агар бошқа товарлар қиймати ўзгармаган ҳолда олтин қиймати икки баробар пасайган, деб фараз қилсак, у ҳолда товарлар одатдаги ҳажмларининг муомаласи учун икки

---

[169] Борисов Е.Ф. Экономическая теория: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005, 170-б.

[170] Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004, 416-б.

[171] Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 538-б.

баробар кўпроқ олтин пул керак бўлади. Демак, бу ҳолатда товарлар нархи ошиб, олтин пулнинг қадрсизланиши рўй беради;

2) баъзи иқтисодчилар металл пулларнинг қадрсизланишини қадимдан маълум бўлган металл пулларни сохталаштириш жараёни билан ҳам боғлайдилар. Қадимги Греция, Рим империясида эрамизга қадар ва кейинчалик бошқа давлатларда ҳам олтин ва кумуш тангалар таркибини нисбатан арзон металлар аралаштириш ёки уларнинг оғирлигини ўзгартириш орқали сохталаштириш ҳолатлари учраб турган. Бу эса металл пулларнинг ўз қадрини йўқотишини келтириб чиқарган.

Бошқа ҳолатларда олтин ёки кумуш пуллар муомалада бўлган чоғда уларнинг қадрсизланиши, яъни инфляция жараёни рўй бермайди. Иқтисодиётдаги товар ва хизматлар ҳажмидан ортиқча бўлган пул массаси – олтин ва кумуш тангалар хазинага айланади. Аксинча, иқтисодиётда товарлар кўпайиб, муомала воситасини бажариш учун пул етишмаган тақдирда уларни осонлик билан жамғарма таркибидан чиқариб, муомалага киритилган. Бу эса бошқа шароитлар ўзгармаган ҳолда олтин ва кумуш пуллар инфляцияга учрамаслигини англатади.

Реал қийматга эга бўлмаган қоғоз пулларнинг муомалага кириб келиши эса инфляциянинг келиб чиқиши учун асосий манба ҳисобланади. Чунки қоғоз пулларни жамғарма сифатида муомаладан чиқариш кам самарали ва ишончсиз восита бўлиб, улар пулларнинг ортиқчалиги шароитида ҳам муомалада қоладилар. Натижада муомалада ортиқча қоғоз пулларнинг кўпайиши мавжуд ялпи талабни янада кучайтириб, нархларнинг ўсишини тезлаштиради.

Инфляция бозор хўжалигининг ҳар хил соҳаларида такрор ишлаб чиқариш номутаносибликлари туғдирадиган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир. Бироқ, шуни ҳам назарда тутиш керакки, алоҳида товар бозорларидаги талаб ва таклиф

нисбатининг ҳар қандай бузилиши ҳам инфляцияни келтириб чиқаравермайди. Шунингдек, иқтисодиётдаги даврий ўзгаришлар, масалан, талабнинг мавсум билан боғлиқ ҳолда ошиши ёки табиий офатлар натижасида товарларга талабнинг кучайиши келтириб чиқарган нархларнинг ўсиши инфляцияни англатмайди. Бу нархлар маълум муддат ўтгач, бозордаги талаб ва таклиф нисбати мувозанатга келгач, яна пасайиши мумкин. Юқоридагилардан хулоса қилиб инфляцияга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: **инфляция деб пул муомаласи қонунлари бузилиши билан боғлиқ ҳолда қоғоз пулларнинг қадрсизланишига айтилади.** Бу ерда қоғоз пул миқдорининг нисбатан ортиб кетиб, унинг қадрсизланишига пулнинг ортиқча эмиссия қилиниши, пул эмиссияси ўзгармасдан, унинг айланиш тезлигининг ошиши, муомаладаги пул миқдори ўзгармаса ҳам товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг камайиб кетиши, товарлар ва хизматлар ижтимоий қийматининг ва, бинобарин, нархининг пасайиши ва ниҳоят, пул қийматининг пасайиши каби омиллар таъсир қилади. Мана шу омиллар яна бир бор инфляция – товарлар нархининг ўсишидир, деган таърифнинг тўлиқ ва етарли эмаслигини кўрсатади. Қоғоз пуллар инфляцияга учраганда уч хил нарсага нисбатан қадрсизланади:

1) олтинга нисбатан – бу олтиннинг қоғоз пулларда бозор нархининг ошишида ўз ифодасини топади;

2) товарларга нисбатан – бу товарлар нархининг ошишида ўз ифодасини топади;

3) бардошли чет эл валюталарига нисбатан – бу чет эл валюталарига нисбатан миллий пул курсининг тушиб кетишида ўз ифодасини топади.

Реал иқтисодий ҳаётда барча кишилар томонидан ҳар куни товар ва хизматлар сотиб олинаётганлиги учун қоғоз пулларнинг товар ва хизматларга нисбатан инфляциясига алоҳида эътибор қаратилади ва адабиётларда инфляция

даражаси нархларнинг ўзгаришига қараб ўлчанади.

Инфляция нарх индекси ёрдамида базис даврга нисбатан ўлчанади. Нархлар индекси жорий даврдаги истеъмол нархларини базис даврдаги истеъмол нархларига нисбати орқали аниқланади:

$$НИ = \frac{ТН_{ж}}{ТН_{б}} \times 100\%,$$

бу ерда:

НИ – нархлар индекси;

ТНж – жорий даврдаги истеъмол товарлари нархи;

ТНб – базис даврдаги истеъмол товарлари нархи.

Нархлар ўзгаришини ҳисобга олиш қамровига кўра нархлар индексининг қуйидаги турларини ҳисоблаш мумкин:

- истеъмол нархлари индекси;
- улгуржи нархлар индекси;
- нархлар индекси – ЯИМ дефлятори;
- экспорт ва импорт нархлар индекси.

Нархлар индексидан фойдаланган ҳолда инфляция суръатини (ИС) қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$ИС = \frac{ТН_{ж} - ТН_{б}}{ТН_{б}} \times 100\%.$$

Масалан, истеъмол товарларининг нарх индекси 2008 йилда 112,6% га, 2007 йилда 116,8% га тенг бўлса, инфляция суръати қуйидагича бўлади:

$$\text{Инфляция суръати} = \frac{116{,}8 - 112{,}6}{112{,}6} \times 100 = 3{,}7\% \text{ фоиз.}$$

Баъзи бир мамлакатларда инфляция суръати жуда юқори бўлганлиги сабабли, нархларнинг қанча вақт мобайнида 2 баравар ўсиши мумкинлиги «70 миқдори қоидаси» ёрдамида аниқланади. Бунинг учун 70 сонини инфляциянинг ўртача

йиллик даражасига бўлинади. Бизнинг мисолимида бу кўрсаткич деярли 19 йилни (70/3,7 =18,9) ташкил этади, яъни инфляциянинг йиллик 3,7% даражасида 19 йилдан сўнг иқтисодиётдаги нархлар 2 бараварга ўсади.

Мамлакатимизда инфляциянинг асосий кўрсаткичларини қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (22.2-жадвал).

Инфляциянинг маҳсулотлар гуруҳлари бўйича таркибида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари хизматларга нисбатан юқорироқ суръатларда ўсди. Хусусан, 2019 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳи бўйича нархлар ўртача 16,7 фоиз (2011 йилда ўсиш 6,6 фоиз)га ўсди. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳи бўйича нархлар 10,8 фоиз (2011 йилда ўсиш 4,8 фоиз)га ошди. Хизматлар тарифларининг 15,0 фоизга ошиши (2011 йилда ўсиш 14,2 фоиз) кузатилди.

22.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг асосий кўрсаткичлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан нархларнинг ўсиши, фоизда)[172]

Йиллар	Озиқ-овқат товарлари	Ноозиқ-овқат товарлари	Хизматлар
2011	6,6	4,8	14,2
2012	5,1	4,3	16,5
2013	3,9	7,4	13,8
2014	2,2	7,3	11,3
2015	1,3	8,8	10,7
2016	2,5	7,2	9,6
2017	9,4	10,3	7,2
2018	14,1	10,4	14,8
2019	16,7	10,8	15,0

Келиб чиқиш сабаблари ва ўсиш суръатларига қараб, инфляциянинг бир қанча турларини фарқлаш мумкин.

1. Талаб инфляцияси. Нарх даражасининг анъанавий ўзгариши, жами талаб ортиқчалиги билан тушунтирилади. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси маҳсулотнинг реал

[172] 2017 йилда Пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари \\ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботи. http://www.cbu.uz/uzc/node/47130; 2018 йилда Пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари \\ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботи. http://www.cbu.uz/uzc/node/47130

ҳажмини кўпайтириб, ортиқча талабни қондира олмайди. Чунки барча мавжуд ресурслар тўлиқ фойдаланилган бўлади. Шу сабабли бу ортиқча талаб нархнинг ошишига олиб келади ва талаб инфляциясини келтириб чиқаради. Талаб инфляциясини қуйидаги расм орқали изоҳлаш мумкин (22.1-расм).

Расмдан кўринадики, иқтисодиётдаги пул ҳажмининг кўпайиши қисқа муддат ичида ялпи талабни AD1 дан AD2 га силжишига олиб келади. Агар бу вақтда иқтисодиётнинг ҳолати ялпи таклиф эгри чизиғининг оралиқ (2) ёки тик (классик) (3) кесмасига мос келса, бу нарх даражасининг ўсишига, яъни талаб инфляциясининг рўй беришига олиб келади.



22.1-расм. Талаб инфляцияси.

2. Таклиф инфляцияси. Инфляция ишлаб чиқариш харажатлари ва бозордаги таклифнинг ўзгариши натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши натижасида келиб чиқадиган инфляция маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатларнинг кўпайиши ҳисобига нархларнинг ошишини билдиради. Бу ҳолатни ҳам расм орқали кўриб чиқамиз (22.2-расм).



22.2-расм. Таклиф инфляцияси.

Расмдан кўринадики, харажатларнинг ўсиши натижасида ялпи таклиф эгри чизиғининг AS1 дан AS2 га қисқариши маҳсулот бирлигига тўғри келувчи харажат миқдорини ошириб, нархларнинг P1 дан P2 даражага қадар кўтарилишига, реал ишлаб чиқариш ҳажмининг эса Q1 дан Q2 га қадар қисқаришига олиб келади.

Шунингдек, инфляциянинг қуйидаги сабабларини ҳам кўрсатиш мумкин:

- монополистик фаолиятларнинг пайдо бўлиши ва амал қилиши;
- нотўғри солиқ сиёсати юритиш;
- жаҳон бозорларидаги нархларнинг ўсиши;
- ҳарбий соҳадаги харажатларнинг ўсиши ва ҳоказо.

Маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши иқтисодиётда фойдани ва маҳсулот ҳажмини қисқартиради. Натижада товарлар таклифи ҳам қисқаради. Бу ўз навбатида нарх даражасини оширади. Ишлаб чиқариш харажатлари номинал иш ҳақи, хомашё ва энергия нархларининг ўсиши ҳисобига ортиб боради.

Инфляциянинг ўрмалаб борувчи, жадал ва гиперинфляция каби турлари ҳам мавжуд. Ўрмалаб борувчи инфляция

ҳолатида нархлар йилига 10 фоизгача, жадал инфляцияда 20 дан 200 фоизгача, гиперинфляцияда 200 фоиздан юқори даражада ўсиши кузатилади.

Башорат қилиш мумкинлигига қараб кутилаётган ва кутилмаган инфляция фарқланади. Кутилаётган инфляция ва унинг оқибатларини олдиндан башорат қилиш мумкин, кутилмаган инфляцияни олдиндан айтиб бўлмайди. Биринчи ҳолда инфляциянинг кутилаётган салбий оқибатларига тайёрланиб, уни сезиларли даражада юмшатиш мумкин. Иккинчи ҳолда нархларнинг кутилмаган ўсиши натижасида мамлакат иқтисодий аҳволининг сезиларли ёмонлашуви рўй бериши мумкин.

22.3. Кредитнинг моҳияти, манбалари ва вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида пул доимий ва узлуксиз ҳаракатда бўлиши лозим. Бунинг учун эса бўш пул маблағлари ҳам пул-кредит муассасалари орқали тўпланиб, иқтисодиётга инвестициялар сифатида йўналтирилиши лозим. Бу жараёнларни амалга оширишда кредит муносабатлари муҳим аҳамият касб этади.

Кредит бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни пулга муҳтож бўлиб турган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ишлаб чиқариш ва бошқа эҳтиёжлари учун маълум муддатга, фоиз тўловлари билан қайтариш шартида қарзга бериш муносабатларини ифодалайди.

Пул шаклидаги капитал ссуда капитали дейилса, унинг ҳаракати кредитнинг мазмунини ташкил қилади.

Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида, яъни пул эгаси (қарз берувчи) ва қарз олувчи ўртасида юзага келади.

Турли хил корхона ва фирмалар, ташкилотлар, давлат ва унинг муассасалари ҳамда аҳолининг кенг қатлами кредит муносабатларининг субъектлари ҳисобланади. Санаб ўтилган субъектларнинг айнан ҳар бири бир вақтнинг ўзида ҳам қарз олувчи ва ҳам қарз берувчи ўрнида чиқиши мумкин.

Кредит муносабатларининг объекти жамиятда вақтинча бўш турган пул маблағларидир.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида товарлар, иқтисодий ресурслар ва пул маблағларининг доиравий айланиши кредит муносабатларининг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Шу билан бирга доиравий айланиш жараёнида муқаррар суръатда вақтинча бўш турадиган пул маблағлари ва бошқа пул ресурслари кредит маблағларининг манбаини ташкил қилади.

Кредит ресурсларининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

1) корхоналарнинг амортизация ажратмалари;
2) маҳсулот сотишдан олинган пул тушумлари;
3) корхоналарнинг ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари, моддий рағбатлантириш фондлари;
4) корхоналар фойдаси. Улар давлат бюджети ва кредит тизими билан ҳисоб-китоб қилингунча, шунингдек унинг тегишли қисми корхона эҳтиёжлари учун фойдалангунча банкдаги ҳисобларида сақланади;
5) банкдаги бюджет муассасалари, касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг жорий пул ресурслари;
6) аҳолининг бўш пул маблағлари.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида вақтинча бўш пул ресурслари ҳосил бўлиши билан бир вақтда, иқтисодиётнинг айрим бўғинлари ва соҳаларида қўшимча пул маблағларига эҳтиёж пайдо бўлади.

Кредитнинг бир қатор вазифалари мавжуд. Биринчидан, кредит қайта тақсимлаш вазифасини бажаради. Унинг ёрдамида корхоналар, давлат ва аҳолининг бўш пул маблағлари ссуда фонди шаклида тўпланиб, кейин бу маблағлар кредит механизми орқали иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларини ҳисобга олиб қайта тақсимланади. Шу орқали кредит ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. Иккинчидан, кредит пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (вексель, чек, сертификат ва ҳ.к.) юзага чиқариб, уларни хўжалик амалиётига жорий этиш вазифасини бажаради.

Учинчидан, кредит нақд пуллар ўрнига кредит пулларни ривожлантириш ва пул муомаласини жадаллаштириш билан муомала харажатларини тежаш вазифасини бажаради. Тўртинчидан, кредит ссуда фондининг ҳаракати (қарз бериш ва қарзни ундириш) орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш вазифасини бажаради. Бешинчидан, кредит ўз муассасалари орқали иқтисодий субъектлар фаолияти устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

Ниҳоят, кредитнинг ўзига хос вазифаси иқтисодиётни тартибга солиш ҳисобланади. Бунда кредит учун фоиз ставкаларини табақалаштириш, давлат томонидан кафолатлар ва имтиёзлар бериш каби усуллардан фойдаланилади.

Кредит бир қатор турларда амалга оширилади. Тарихий тараққиёт давомида кредитнинг икки – пул ва товар шаклларидан фойдаланиб келинган. Ҳозирги вақтда мамлакат ички айланмасида пул кредитидан кенгроқ фойдаланиб, у банк, тижорат, давлат, истеъмол ва халқаро кредит шаклларини олади.

Банк кредити – пул эгалари (банклар ва махсус кредит муассасалари) томонидан қарз олувчилар (тадбиркорлар, давлат, уй хўжалиги сектори)га пул ссудалари шаклида берилувчи кредит. Банк кредити йўналиши, муддати ва кредит битимлари суммаси бўйича чекланмайди. Унинг фойдаланиш соҳаси ҳам жуда кенг, товар муомаласидан тортиб капитал жамғарилишигача хизмат қилади.

Хўжаликлараро кредит – бир корхона (муассаса) томонидан иккинчисига берилувчи кредит. У корхоналарнинг капитал қурилиш, қишлоқ хўжалик соҳаларидаги муносабатларига, шунингдек, ички хўжалик ҳисоби бўғинлари билан муносабатларига хизмат қилади.

Тижорат кредити – корхоналар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бир-бирига берадиган кредити. Тижорат кредити, аввало, тўловни кечиктириш йўли билан товар шаклида берилади.

Истеъмол кредити – хусусий шахсларга, биринчи навбатда,

узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари (мебель, автомобиль, телевизор ва бошқалар) сотиб олиш учун маълум муддатга бериладиган кредит. У чакана савдо магазинлари орқали товарларнинг ҳақини кечиктириб тўлаш билан сотиш шаклида ёки истеъмол мақсадларида банк ссудалари бериш шаклида амалга оширилади. Истеъмол кредитидан фойдаланганлик учун анча юқори фоиз ундирилади.

Ипотека кредити – кўчмас мулклар (ер, бино) ҳисобига узоқ муддатли ссудалар шаклида берилувчи кредит. Бундай ссудалар бериш воситаси, банклар ва корхоналар томонидан чиқариладиган ипотека облигациялари ҳисобланади.

Давлат кредити – давлат пул маблағлари қарздори, аҳоли ва хусусий бизнес эса кредиторлари бўлиб чиқадиган кредит муносабатларининг ўзига хос шакли. Давлат кредити маблағлари манбаи бўлиб, давлат қарз облигациялари хизмат қилади. Давлат кредитнинг бундай шаклида, аввало, давлат бюджети камомадини қоплаш учун фойдаланади.

Халқаро кредит – ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳаракатини намоён этувчи шакли. Халқаро кредит товар ёки пул (валюта) шаклида берилади. Кредитор ва қарз олувчилар банклар, хусусий фирмалар, давлат, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳисобланади.

Сўнгги вақтларда кредитлашнинг лизинг, факторинг, форфейтинг, траст каби шакллари кенг ривожланиб бормоқда.

Лизинг – бу кредитнинг пулсиз шакли бўлиб, одатда ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни кейинчалик фойдаланувчилар томонидан мунтазам равишда ҳақ тўлаб бориб, сотиб олиш шарти билан узоқ муддатли ижарага беришдан иборат. Лизинг бўйича битимлар 1 йилдан то 10 йилга қадар тузилиши мумкин. Одатда ишлаб чиқариш воситаларини уларнинг эгалари бевосита эмас, балки махсус лизинг компаниялари орқали ижарага берадилар.

Факторинг – бошқа иқтисодий субъектларнинг қарздорлик бўйича мажбуриятларини сотиб олиш ёки қайта сотиш муносабатлари. Бунда банк корхоналарнинг «дебиторлик

ҳисоб варақалари»ни ўзи учун фойдали шартлар асосида нақд пулга сотиб олади, кейин эса бу қарзларни қарздордан ундириб олади.

Форфейтинг – факторинг муносабатларининг узоқ муддатли шакли. Бунда қарздорлик бўйича ҳуқуқларни сотиб олган банк уларни одатда 1-5 йил вақт ўтгандан сўнг ундириши мумкин бўлади.

Траст – бу мижозларнинг капиталларини бошқариш бўйича операциялар мажмуи.

Кредит бериш қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ссуда беришнинг мақсадли тавсифи;
- кредитнинг расмийлаштирилган муддатда қайтарилиши;
- ссуданинг моддий таъминланганлиги ва тўловлилиги.

Қарзга берилган ссуданинг албатта қайтарилиб берилиши, ундан фойдаланилганлик учун олинган фойдадан ссуда фоизини тўлаш зарурати корхоналарни хўжалик юритишнинг энг самарали усулларини излаб топишга ундайди.

Қарзга (ссудага) берилган пул ҳисобига олинадиган даромад фоиз ёки фоизли даромад дейилади. Шу даромад (фоиз) нинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиши фоиз ставкаси ёки фоиз нормасини ташкил қилади:

$$r' = \frac{r}{K_{ссуда}} \cdot 100,$$

бу ерда:

r’ – фоиз нормаси;

r – фоиз суммаси;

Кссуд– қарзга берилган пул (капитал) суммаси.

Агар 100 минг сўм йилига 20 минг ссуда фоизи тўлаш шарти билан қарзга берилган бўлса, ссуда фоизи нормаси 20% ни ташкил қилади.

22.4. Банк тизими. Марказий ва тижорат банклар ҳамда уларнинг вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини таъминлашда банклар муҳим роль ўйнайди. Банклар пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассасадир. Банклар фаолиятининг асосий томонларидан бири кредит муносабатларига хизмат қилиш бўлиб, улар кредит муассасаларининг асосини ташкил қилади.

Банклар тизими одатда икки босқичли бўлиб, ўз ичига марказий (эмиссион) банк ва тижорат (депозитли) банкларнинг тармоқ отган шахобчаларини олади.

Давлат банки мамлакат пул-кредит тизимини марказлашган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона кредит сиёсатини амалга оширади.

Давлат банки Марказий банк ҳисобланади. Бунинг мазмуни шундан иборатки, биринчидан, кўпчилик мамлакатларда давлат банки ягона марказий банкдан иборат бўлиб, у ўтказадиган сиёсат тартиблари юқори давлат органлари томонидан ўрнатилади. Иккинчидан, Марказий банк тижорат банклари ва жамғарма муассасаларидан маблағларни қабул қилиб, уларга кредит беради. Хусусан, шу сабабга кўра Марказий банк «банклар банки» дейилади. Учинчидан, Марказий банк фақат фойда олишга интилиб фаолият кўрсатмайди, давлатнинг бутун иқтисодиёт ҳолатини яхшилаш сиёсатини амалга оширади ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишга кўмаклашади.

Марказий банк қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) бошқа банк муассасаларининг мажбурий захираларини сақлайди. Бу захиралар пул таклифини бошқариш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Марказий банк мамлакатнинг расмий олтин-валюта захираларини сақлаш вазифасини ҳам бажаради;

2) чекларни қайд (инкассация) қилиш механизмини

таъминлайди ва банкларарo ҳисоб-китобларни амалга оширади, уларга кредитлар беради;

3) давлатнинг монетар сиёсатини амалга оширади;

4) барча банклар фаолиятини уйғунлаштиради ва улар устидан назоратни амалга оширади;

5) халқаро валюта бозорларида миллий валюталарни айирбошлайди;

6) пул таклифи устидан назорат қилиш масъулиятини олади, миллий валютани муомалага чиқаради. Иқтисодиётнинг эҳтиёжларига мос равишда пул муомаласини тартибга солади.

Монетар сиёсатнинг асосий мақсади инфляцияни паст даражада ушлаб туриш ва сўмнинг барқарор айирбошлаш курсини таъминлашдан иборат. Мазкур вазифалар макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга йўналтирилган умумиқтисодий сиёсат билан узвий боғлангандир.

Ўзбекистон Марказий банки ўзининг асосий вазифаларини бажариш билан бир қаторда, банк хизматларини эркинлаштиришга қаратилган сиёсатни ҳам олиб боради. Банк томонидан пул-кредит сиёсатининг воситалари сифатида очиқ бозорда қимматли қоғозлар операцияси, ички валюта бозоридаги операциялар, қайта молиялаштириш ставкаси ва тижорат банкларига мажбурий захира талаблари воситалари ҳам ишга солинади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банклар ва корхоналар тенг ҳуқуқли шериклар сифатида чиқади. Кредит беришда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янги сифат даражасига эришишни таъминлайдиган тадбирларга устунлик берилади.

Банклар ўз тасарруфидаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги учун моддий жиҳатдан масъул ҳисобланади ва шу сабабли кредит-пул операциялари кўпроқ уларнинг иқтисодий фойдалилигига ва самарадорлигига қараб берилади.

Тижорат банклари ўзларининг хўжалик мавқеига кўра акционерлик типидаги муассасалар ҳисобланади. Ҳуқуқий

мавқеига кўра, фаолиятнинг бирон бир турига хизмат кўрсатувчи, ихтисослашган ёки миллий банк бўлиши мумкин.

Ихтисослашган тижорат банклар – иқтисодиётнинг турли соҳаларида тижорат тамойилларида кредит-пул операцияларининг муайян турларини амалга оширади. Жумладан, Республикамизда Саноат қурилиш банки – саноат, транспорт, алоқа ва моддий-техника таъминоти соҳаларида; Агробанк – агросаноат мажмуи тармоқлари ва соҳаларида; Тадбиркор банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти соҳасида кредит-пул операцияларини амалга оширади.

Халқ банки – мамлакатда омонат ишларини ташкил этиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ва аҳоли учун касса вазифасини амалга ошириш, аҳолига шахсий эҳтиёжларга кредит бериш каби операцияларни таъминлайди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки экспорт-импорт операцияларини бевосита амалга оширувчи корхона ва муассасаларга кредит беради, қўшма корхоналарга кредит беришда қатнашади, йиғма валюта режасининг ижросини, валюта ресурсларидан тежаб фойдаланишини назорат қилади, шунингдек, ташқи иқтисодий операцияларга оид ҳисоб-китобларни ташкил қилади ва амалга оширишни таъминлайди.

Тижорат банклари тизимида тор ихтисослашуви бўйича инвестицион ва ипотека банкларини ажратиб кўрсатиш лозим.

Инвестицион банклар – махсус кредит муассасалари бўлиб, облигация ҳамда қарз мажбуриятларининг бошқа турларини чиқариш йўли билан узоқ муддатли ссуда капиталини жалб қилади ва уларни мижозлар (асосан, давлат ва тадбиркорлар) га тақдим қилади.

Инвестицион компаниялар ўзларининг қимматли қоғозларини чиқариш йўли билан ҳуқуқий инвесторлар пул ресурсларини тўплайди ва уларни корхона (миллий ва чет эл)лар акция ва облигацияларига жойлаштиради. Бундай компаниялар тўлиқ инвесторлар манфаатини ифодалайди ва уларнинг асосий мақсади қўйилган капитал ҳисобига фойда олиш ҳисобланади.

Ипотека банклар – бу кўчмас мулк (ер ва иншоот) ҳисобига узоқ муддатли ссуда беришга ихтисослашган кредит муасасалари. Ипотека банкининг ресурслари ўзларининг ипотека облигациялари ҳисобига шаклланади. Олинган ссудадан уй-жой ва бошқа иншоотлар қуриш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун фойдаланилади.

Мамлакатимиз банк тизимидаги ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳам тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг етарлилигини таъминлашдан иборатдир. Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги СҚ-51-III-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимига оид бошқа қарорларида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилади, жумладан:[173]

- тижорат банкларининг капиталлашуви ва депозит базасини оширишни таъминлашга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш;
- иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини янада кенгайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий

қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш;

- инвестицион иқлим ва тадбиркорлик муҳитини янада

[173] 2015 йилда Пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари \\ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботи. http://www.cbu.uz/uzc/node/47130

яхшилаш борасида банк тизими зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш;

- илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, кўрсати¬лаётган банк хизматлари сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш;
- банк назоратини халқаро андоза ва меъёрлар асосида янада такомиллаштириш;
- Республика тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириб бориш;
- микромолиялаш тизими ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш.

Банкларнинг капитали ва мижозлардан жалб қилинган депозитлар ҳажмининг ўсиши республика иқтисодиётининг базавий тармоқларида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашда банклар иштирокини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Банклар томонидан узоқ муддатга ажратилган инвестицион кредитлардан олинган даромадлар бўйича солиқ имтиёзларининг берилганлиги банкларнинг ушбу жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириб келмоқда. Натижада, тижорат банклари томонидан устувор тармоқ корхоналарини модернизация қилиш ҳамда техник қайта жиҳозлаш учун кредитлар ажратилиши янада фаоллашди. Сўнгги йилларда бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини кенгайтириш воситаларидан бири бўлган пластик карточкалардан фойдаланиш тизими жадал ривожлантирилмоқда. Ҳукумат қарорларига асосан, пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга оширишда фойдаланиладиган пластик карточкалар тизимига оид жиҳозларни импорт қилишда божхона имтиёзларининг берилганлиги банкларнинг бу борадаги

фаолиятларини янада рағбатлантирди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий ва мижоз учун қулай турларидан бири бўлган банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимининг қўллаш доираси кенгайиб, тадбиркорлар ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони ошиб бормоқда, шундан «Интернет-банкинг» ва «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар ҳамда «Мобиль-банкинг» ва «SMS-банкинг» хизматларидан фойдаланувчилар қарийб 2 баробарга кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 24 январдаги "Ўзагроэкспортбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2740-сонли Қарорига мувофиқ янги банк барпо этилди. Унинг асосий мақсади экспорт қилувчи ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт имкониятларини самарали ва барқарор ривожлантиришни таъминлаш, агросаноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларга кенг кўламдаги банк-молия хизмат турларини кўрсатиш бўлиб ҳисобланади.

"Экспорт қилувчи ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт имкониятларини самарали ва барқарор ривожлантиришни таъминлаш, агросаноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларга кенг кўламдаги банк-молия хизмат турларини кўрсатади"[174].

22.5. Ўзбекистонда миллий валютани мустаҳкамлаш сиёсатининг амалга оширилиши

Республикада миллий валютани мустаҳкамлаш ишида сўмнинг харид қувватини ошириб бориш ва унинг

[174] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 январдаги ""Ўзагроэкспортбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил қилиш тўғрисида"ги ПҚ-2740-сонли Қарори.

барқарорлигини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади. Бунга бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш ва зарур эҳтиёжлар ҳосил қилиш орқали эришилади. Бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришда миллий ишлаб чиқаришни имкони борича кенгайтириб, маҳсулот сифатини яхшилаб бориш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки шу орқали истеъмол моллари сотишнинг умумий ҳажмида миллий маҳсулотлар ҳиссаси ошириб борилади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, миллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали сўмнинг барқарорлигини таъминлаш четдан маҳсулот келтиришни инкор қилмайди. Аҳолини сифатли чет эл моллари билан таъминлаш мақсадида импорт ҳам рағбатлантириб борилади. Сўмнинг барқарор амал қилиши, унинг ҳар қандай валютага эркин алмаштирилиши етарли валюта захираси бўлишига боғлиқ. Унга эришишда корхоналар ва барча субъектларнинг, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариши учун зарур бўлган рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Мажбурий резерв талаблари инструментидан тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланилди.

2018 йилнинг ўтган даврида пул-кредит сиёсати бозор инструментларини, яъни фоиз инструментларини ишлатиш орқали молиявий ресурслар қийматига таъсир кўрсатиш тамойили асосида ишлайдиган инструментларни жорий қилиш учун шароит яратиш мақсадида тижорат банкларининг мажбурий резерв талабларига ўзгартиришлар киритилди.

Бунда илғор халқаро тажрибадан келиб чиқиб, банкларнинг узоқ муддатли ресурс базасини кенгайтириш, миллий валютадаги депозитлар жозибадорлигини ошириш ва иқтисодиётдаги долларизация даражасини пасайтириш тамойилларига асосланилди.

Мажбурий резервлар нормативларига ўзгартириш киритиш ҳамда депонентлаш тартибини такомиллаштириш 2

босқичда амалга оширилди.[175]

2018 йил 1 июндан бошлаб тижорат банкларининг Марказий банкда резерв шакллантириладиган мажбуриятлари нормативларига қуйидаги ўзгартиришлар киритилди:

- тижорат банклари томонидан мажбурий резервни шакллантириш жалб қилинган мажбурият ва депозитлар валютасидан келиб чиқиб мос равишда миллий ҳамда хорижий валютада амалга оширилиши белгиланди;
- мажбурий резервга тортиладиган базага жисмоний шахслар депозитлари киритилди;
- мажбурий резервлар миқдорига нисбатан 0,1 ўртачалаш коэффициенти ўрнатилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси инструментидан ҳам пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида фойдаланилди.

Инфляция даражаси, пул массасининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб, қайта молиялаш ставкаси 2017 йилнинг 28 июнидан йиллик 9 фоиздан 14 фоизга оширилди, 2018 йил 25 сентябридан эса 16 фоиз миқдорида белгиланди. Бугунги кунга келиб эса Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини йиллик 16% даражасида ўзгаришсиз қолмоқда.

Қайта молиялаш ставкасини шу ҳолатда ушлаб турилиши пул бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айни пайтда тижорат банклари ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

2019 йилда валюта сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор миллий валюта барқарорлигини таъминлашга ҳамда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб

[175] Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020–2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2018 йил.

чиқаришни янада рағбатлантиришга қаратилади.

Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади.

Айнан ана шу соҳаларда ҳали фойдаланилмаган улкан имконият ва салоҳият кўп. Экспортга маҳсулот чиқарадиган саноат корхоналаридан фарқли равишда кичик бизнес субъектлари ва фермерлар ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан олган валюта тушумларининг 50 фоизини банкларга сотиш мажбуриятидан озод қилингани ва уларнинг экспортга маҳсулот етказиб беришдан, аввало, ўзларининг манфаатдор бўлишини эътибордан четда қолдирмаслигимиз даркор.

Сўмнинг барқарорлигини таъминлашда ундан эҳтиёткорона ва тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқаришга сарфланган маблағларнинг энг кўп самара беришига, олинган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришиш муҳим ўрин тутади.

Инфляцияга қарши аниқ ўйланган сиёсат ўтказиш миллий валютани мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир. Бу сиёсат энг аввало инфляция даражасини кескин камайтиришга қаратилиши лозим. Бунда пулнинг қадрсизланиш даражаси устидан катъий назорат ўрнатиш ҳамда унга қарши самарали тадбирлар қўллаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу орқали пулнинг қадрсизланишида мақбул суръатни танлашга эришилади.

Инфляцияга қарши сиёсат негизини пул миқдорининг ўсишини товарлар ва хизматлар миқдорининг тегишли даражада ўсиши билан боғлаб олиб боришга қаратилган тадбирлар ташкил қилиши зарур. Чунки харид қилиш учун моллар етарли бўлмаган ҳолда аҳоли қўлида пулнинг ортиқча кўпайиб кетиши инфляциянинг янада авж олиб кетишига,

охир - оқибатда инқирозларга сабаб бўлади. Пул миқдори билан бирга нархларнинг ҳам тобора ўсиб бориши муқаррар равишда, узоқ давом этадиган гиперинфляцияни келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида, миллий ишлаб чиқаришнинг изидан чиқиши, аҳоли кенг табақаларининг қашшоқлашуви ва бутун ижтимоий тизимнинг барбод бўлиши хавфини туғдиради.

Сўмнинг барқарорлигини таъминлашда нақд пул эмиссиясининг ўсишига, аҳоли қўлида пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик биринчи даражали аҳамиятга эга. Бунда муомалага чиқарилган пул миқдорининг ўз вақтида қайтарилишига эришиш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминламаган корхоналарга кредитлар берилишига йўл қўймаслик чоралари кўрилиши керак.

Инфляцияни пасайтирувчи қудратли омил миллий валюта алмашув курсининг барқарорлашувига эришишдир. Бу ўз навбатида импорт нархларнинг барқарорлашувига олиб келадики, натижада ички бозордаги нархлар ўзгаради.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши натижасида ундаги кўрсатилган бир қатор вазифалар ҳам мамлакатимиздаги миллий валютани мустаҳкамлаш сиёсатида ўзига хос самара беради. Жумладан:

- илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;
- банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;
- суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини

ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

- халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.[176]

Ўз навбатида, Марказий банк томонидан амалга оширилган пул бозоридаги операциялари муомаладаги пул массасини бошқариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлашга қаратилди.

Хулосалар

1. Пулнинг иқтисодиётда ўз вазифаларини бажариш жараёнида тўхтовсиз ҳаракатда бўлиши, товарлар ва хизматлар айирбош қилиш жараёнида қўлдан қўлга ўтиб, айланиб туриши пул муомаласи дейилади.

2. Жаҳонда тарихан шаклланган ҳамда ҳар бир мамлакат томонидан қонуний равишда мустаҳкамлаб қўйилган пул муомаласининг турли тизимлари амал қилади. Мамлакат пул тизимининг муҳим таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат: миллий пул бирлиги; нақд пул муомаласида қонуний тўлов воситаси сифатида амал қилувчи қоғоз, танга ва кредит пуллар тизими; пул эмиссияси, яъни белгиланган қонуний тартибда пулни муомалага чиқариш тизими; пул муомаласини тартибга солувчи давлат идоралари.

3. Пул муомаласи нақд ва кредит пуллар ёрдамида амалга оширилади. Нақд пул муомаласига банк билетлари ва металл тангалар (пул белгилари) хизмат қилади. Нақд пулсиз ҳисоблар

[176] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони. 1-илова 3.1-банди.

чеклар, кредит карточкалари, векселлар, аккредитивлар, тўлов талабномалари кабилар ёрдамида амалга оширилади. Буларнинг ҳаммаси биргаликда пул агрегати деб юритилади.

4. Муомалани таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори муайян давр давомида сотилиши ва сотиб олиниши лозим бўлган товарлар суммаси, пул бирлигининг айланиш тезлиги ва кредитнинг ривожланиши каби омилларга боғлиқ бўлади.

5. Макроиқтисодий беқарорликнинг кўринишларидан бири инфляция ҳисобланиб, у пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида қоғоз пул бирликларининг қадрсизланиши ва шунга мос равишда турли товар нархларининг ўсишида ифодаланади.

6. Келиб чиқиш сабабларига кўра талаб инфляцияси ва таклиф инфляцияси фарқланади. Талаб инфляцияси иқтисодиётдаги барча мавжуд ресурслар тўлиқ фойдаланилган шароитда ишлаб чиқариш соҳаси ортиқча талабни қондира олмаслиги натижасида келиб чиқади. Таклиф инфляцияси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатларнинг кўпайиши ҳисобига нархларнинг ошиши натижасида келиб чиқади. Шунингдек, ўсиш суръатига кўра инфляциянинг ўрмалаб борувчи, жадал ва гиперинфляция; башорат қилиш мумкинлигига қараб кутилаётган ва кутилмаган инфляция каби турлари фарқланади.

7. Кредит бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни пулга муҳтож бўлиб турган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ишлаб чиқариш ва бошқа эҳтиёжлари учун маълум муддатга, фоиз тўловлари билан қайтариш шартида қарзга бериш муносабатларини ифодалайди.

Кредит ресурсларининг асосий манбалари корхоналарнинг амортизация ажратмалари; маҳсулот сотишдан олинган пул тушумлари; корхоналарнинг ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари, моддий рағбатлантириш фондлари; корхоналар фойдаси; банкдаги бюджет муассасалари, касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг жорий пул ресурслари; аҳолининг бўш пул маблағларидан иборат.

8. Банклар пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассасадир. Улар кредит муносабатларига хизмат қилиб, кредитнинг ҳар хил шаклларини ўз ичига олиб, кредит муассасаларининг асосини ташкил қилади. Банклар тизими одатда икки босқичли бўлиб, ўз ичига марказий (эмиссион) банк ва тижорат (депозитли) банкларнинг тармоқ отган шахобчаларини олади.

Асосий таянч тушунчалар:

Пул муомаласи – пулнинг иқтисодиётда ўз вазифаларини бажариш жараёнида тўхтовсиз ҳаракатда бўлиши, товарлар ва хизматлар айирбош қилиш жараёнида қўлдан қўлга ўтиб, айланиб туриши.

Пул тизими – тарихан таркиб топган ва мамлакат миллий қонунчилиги билан мустаҳкамланган пул муомаласини ташкил қилиш шакли.

Инфляция – қоғоз пул бирлигининг қадрсизланиши.

Кредит – бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қарзга бериш.

Фоиз нормаси (ставкаси) – фоиз ёки фоизли даромаднинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиши.

Банк кредити – пул эгалари (банклар ва махсус кредит муассасалари) томонидан қарз олувчилар (тадбиркорлар, давлат, уй хўжалиги сектори) га берилувчи пул ссудалари.

Хўжаликлараро кредит – бир корхона (муассаса) томонидан иккинчисига берилиб, уларнинг капитал қурилиш, қишлоқ хўжалик соҳаларидаги муносабатларига, шунингдек, ички хўжалик ҳисоби бўғинлари билан муносабатларига хизмат қилувчи қарз маблағлари.

Тижорат кредити – корхоналар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг асосан тўловни

кечиктириш йўли билан товар шаклида бир-бирига берадиган кредитлари.

Истеъмол кредити – хусусий шахсларга, аввало, узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари сотиб олиш учун маълум муддатга берилувчи қарз маблағлари.

Ипотека кредити – кўчмас мулклар (ер, бино) ҳисобига узоқ муддатли ссудалар шаклида берилувчи қарз маблағлари.

Давлат кредити – кредит муносабатларининг ўзига хос шакли бўлиб, бунда давлат пул маблағлари қарздори, аҳоли ва хусусий бизнес эса кредиторлари бўлиб чиқади.

Халқаро кредит – ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳаракати.

Лизинг – одатда ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни кейинчалик фойдаланувчилар томонидан мунтазам равишда ҳақ тўлаб бориб, сотиб олиш шарти билан узоқ муддатли ижарага беришдан иборат кредитнинг пулсиз шакли.

Факторинг – бошқа иқтисодий субъектларнинг қарздорлик буйича мажбуриятларини сотиб олиш ёки қайта сотиш муносабатлари.

Форфейтинг – узоқ муддатли факторинг муносабатлари.

Траст – мижозларнинг капиталларини бошқариш бўйича операциялари.

Банклар – пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассасадир.

Банк операциялари – маблағларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган операциялар.

Банк фойдаси (маржа) – олинган ва тўланган фоиз суммалари ўртасидаги фарқ.

Банк фойда нормаси – банк соф фойдасининг унинг ўз капиталига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Пул муомаласининг мазмунини тушунтиринг.
2. Муомала учун зарур бўлган пул миқдори қандай омилларга боғлиқ?
3. Пул агрегатлари нима ва унинг таркибига нималар киради?
4. Инфляциянинг мазмунини ва турларини тушунтиринг.
5. Талаб ва таклиф инфляцияларининг графикдаги кўринишларини тасвирланг ва изоҳланг.
6. Гиперинфляция қандай қилиб турғунликка олиб келиши мумкинлигини тушунтиринг.
7. Кредитни нима зарур қилиб қўяди? Кредит тушунчасининг мазмунини баён қилинг.
8. Кредитнинг асосий турларини санаб кўрсатинг ва уларнинг тавсифини беринг. Кредит қандай вазифаларни бажаради?
9. Марказий ва тижорат банкларининг вазифаларини кўрсатинг.
10. Ҳозирда Ўзбекистонда миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш борасида қандай чора-тадбирлар тизими қўлланилмоқда?

23-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

Турли иқтисодий тизимларда давлат ва иқтисодиёт тизими ўзига хос аҳамият касб этиб, уларнинг ҳар бири мустақил тизим сифатида амал қилади. Шу билан бирга турли даврларда ва шароитларда, турли мамлакатларда иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлат ва бозор иқтисодиёти механизми ролининг нисбати бўйича бир-биридан кескин фарқланади. Масалан, бир мамлакат кўпроқ давлат томонидан бошқаришга таянса, бошқаси бозор механизми орқали тартиблашга устунлик беради. Бунда албатта мавжуд давр

шароитидан келиб чиқилади. Мустақил тараққиёт даврида «мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади»[177].

Олдинги бобларда кўпроқ бозор иқтисодиёти механизмларини жорий қилиш ҳақида гап борган бўлса, бу бобда бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг ролини очиб беришга ҳаракат қилинади. Шунингдек, давлатнинг миллий иқтисодиётдаги роли таҳлил қилиниб, кейин унинг иқтисодий вазифалари тавсифи берилади. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усул ва воситалари баён этилади.

23.1. Давлатнинг миллий иқтисодиётни тартибга солишдаги роли ҳақидаги назарий қарашлар

Миллий иқтисодиётнинг самарали амал қилишига кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Айниқса, унинг даражаси кўп жиҳатдан иқтисодиётдаги давлат ёки бозор тизимининг тутган ролига боғлиқ. Чунки миллий иқтисодиётнинг юқори самарадорлигига асосан қуйидаги йўллар орқали эришилади:

1) иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор усулларини қўллаш;

2) иқтисодиётни кўпроқ давлат томонидан марказлашган ҳолда бошқариш;

3) иқтисодиётни бошқариш ва такрор ишлаб чиқариш жараёнида давлатнинг аралашуви ва бозор усулларини уйғунлаштириш. Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиёти ривожи учун кўпроқ учинчи йўл хусусиятли ҳисобланади.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш масаласи

[177] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 8-б.

илмий асосда биринчи марта А.Смитт томонидан кўриб чиқилган. Унинг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини тадқиқ қилиш ҳақида» (1776) номли асарида иқтисодиётнинг бозор усуллари орқали ўзини ўзи тартибга солишининг зарурлиги таъкидлаб ўтилган. А.Смитнинг фикрича, хусусий товар ишлаб чиқарувчилар бозори давлат назоратидан тўлиқ озод бўлиши зарур. Ана шундагина истеъмолчилар талабига мос равишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имкони мавжуд бўлади. Бунда бозор воситасида тартибга солиш, ҳар қандай четдан аралашувсиз, ишлаб чиқарувчиларни бутун жамият манфаатлари учун ҳаракат қилишга мажбур қилади.

А.Смит давлатнинг иқтисодий жараёнларга ҳар қандай аралашуви охир - оқибатда фақат вазиятни ёмонлаштиради деб ҳисоблайди. Масалан, давлат томонидан белгиланган ташқи савдо тартиб-қоидалари миллий истеъмолчиларга фақат зарар келтириши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам импортга юқори бож тўлови миллий ишлаб чиқарувчиларга устунлик бериб, уларнинг чет эл шерикларига нисбатан рақобатлашув қобилиятини оширади. Аммо бу охир- оқибатда ишлаб чиқаришнинг анча юқори харажатлари ва паст сифатининг сақланиб қолишига олиб келади. Бундан паст сифатли ва нархи қиммат товарларни сотиб олишга мажбур бўлган миллий истеъмолчилар зарар кўрадилар.

А.Смитнинг «Тинч қўйиш» назарияси 1929-1933 йилларда бозор иқтисодиётига асосланган деярли барча мамлакатларни қамраб олган жаҳон иқтисодий инқирози даврида танқидга учради. Иқтисодий таназзул ва оммавий ишсизлик давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувини кучайтиришни тақозо қилди.

Давлатнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш масаласи Ж.М.Кейнснинг «Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» (1936) номли асарида ўз аксини топди. Унда муаллиф давлат фискал (хазинавий) ва кредитли тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб, жамиятнинг ялпи талабини рағбатлантиришни ва ишсизларнинг бандлигини

таъминлаши зарурлигини исботлайди. Амалда гап давлатнинг узлуксиз равишда инқирозга қарши сиёсат ўтказиши, иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини тугатиш ва саноат циклининг ўзгаришини бартараф этиш ҳақида кетади. Кейнс назарияси анча тугал шаклда АҚШда амалга оширилди. Урушдан кейинги даврда Кейнс назариясидаги кўрсатмалар у ёки бу даражада бозор иқтисодиёти амалда устун бўлган барча мамлакатларда фойдаланилди. Шу билан бирга давлатнинг иқтисодиётдаги роли янада кўпроқ ошиб бориши рўй берди. Ҳозирги даврда давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим мақсади сифатида нафақат циклга қарши тартибга солиш ва иш билан бандликни таъминлаш, балки иқтисодий ўсишнинг юқори даражасини ва яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштиришни рағбатлантириш тан олинади.

Маъмурий-буйруқбозликка асосланган тизимдан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг миллий иқтисодиётга аралашуви қуйидаги ҳолатлар орқали изоҳланади. Биринчидан, давлат миллий иқтисодиётда ўзини ўзи бозор воситасида тартибга солиш орқали бажариш мумкин бўлмаган ёки самарали равишда амалга ошириб бўлмайдиган вазифаларни ўзига олади. Булар қаторига мудофаани таъминлаш, мамлакатда ички тартибни сақлаш ва аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Иккинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг хусусий тавсифи бир қатор ижобий ва салбий оқибатларни туғдиради. Бу оқибатлар бевосита учинчи томон манфаатида акс этиб, кишиларнинг алоҳида гуруҳи ва умуман жамият манфаатига таъсир қилади. Масалан, чиқитли технологияга асосланган ишлаб чиқаришларда тозалаш қурилмаларига харажатларни тежаш хусусий ишлаб чиқарувчилар нуқтаи назаридан (у ёки бу компания ёки индивидуал ишлаб чиқарувчи учун) фойдали, атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келиши эса жамиятнинг бошқа аъзолари учун қўшимча салбий оқибатга эга. Давлат якка тадбиркор ёки истеъмолчидан фарқли,

жамият манфаатини ифодалаб, қўшимча ижобий самарани рағбатлантиришга ва аксинча салбий самара билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш ва чеклашга ҳаракат қилиши зарур. Учинчидан, давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви шу сабабли рўй берадики, индивидуал истеъмолчилар ҳамма вақт у ёки бу товарни истеъмол қилишнинг оқибатларини объектив баҳолай олмайдилар. Шу нуқтаи назардан, давлат фойдали истеъмолни кенгайтириш ва аксинча соғлиққа салбий таъсир кўрсатувчи товарлар истеъмолини чеклаш вазифасини ўз зиммасига олади. Масалан, давлат тамаки маҳсулотлари учун юқори акциз (эгри) солиғини ўрнатиб, бир томондан ўзининг даромадини оширса, бошқа томондан шу маҳсулотга бўлган талабни чеклайди. Тўртинчидан, давлат бозорнинг табиатидан келиб чиқадиган айрим ҳолатларни қисман енгиллаштириш вазифасини ўз зиммасига олади. Бозор ҳамма учун тўловга қобил талабни қондиришга тенг имкониятни таъминлайди. Аммо бу бозор механизмининг миллий бойликни ижтимоий-адолатли тақсимлашини англатмайди. Бундай шароитда давлат аҳоли кам таъминланган қатламининг турмуш даражаси ҳақида ғамхўрлик қилиш, бепул (ёки имтиёзли) билим бериш, тиббий хизмат кўрсатиш ва шу кабиларни ўз зиммасига олади. Бешинчидан, ҳозирги шароитда барқарор, изчил иқтисодий ўсишни рағбатлантириш вазифаси ҳам давлатнинг зиммасига тушади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг маълум чегаралари ҳам мавжуд бўлиб, улар давлатнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсиридан келиб чиқади. Иқтисодиётга давлатнинг ҳар қандай аралашуви маълум харажатларни тақозо этади. Уларга энг аввало тартибга солишни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича харажатларни киритиш мумкин. Шунингдек, тартибга солишнинг у ёки бу шакли бозор мувозанати, ишлаб чиқариш ҳажми, ресурсларнинг қайта тақсимланишига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирни ҳам ҳисобга олиш лозим. Бунда тартибга солишни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган сарф-

харажатларнинг миқдори давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиши натижасида олинадиган самарадан кам бўлиши лозим. Уларнинг нисбати давлатнинг иқтисодиётга аралашуви чегараларини белгилаб беради.

XX асрнинг 80-йилларида ривожланган мамлакатларда янги консерватив концепциялар асосида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни чеклаш жараёнлари бошланди. Бунда тартибга солишнинг анъанавий шаклларидан воз кечилди, давлат мулкини хусусийлаштириш йўли билан давлат сектори улуши қисқартирилди, хўжалик қарорларини қабул қилишда номарказлашув жараёнлари кучайтирилди, иқтисодиётдаги бозор механизмларининг аҳамияти оширилди. Жумладан, АҚШда бу тадбирлар «Американинг янги ривожланиш йўли: иқтисодий жиҳатдан янгиланиш дастури» номли йўналиш асосида амалга оширилиб, унда даромад солиғи ставкаларининг пасайтирилиши, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида йирик корпорациялар инвестициялари учун солиқ имтиёзларини қўллаш, федерал ҳукумат харажатларини чеклаш, хусусий бизнес фаолиятининг давлат томонидан тартибга солинишини камайтириш, инфляцияга қарши пул-кредит сиёсатини ўтказиш кўзда тутилган эди. Бироқ, олиб борилган тадбирлар кутилган натижани бермади. Бундай жараёнлар Англия, Япония, Австрия, Италия ва бошқа мамлакатларда ҳам рўй берди.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин иқтисодиётни тартибга солишда кейнсча тенденциялар янгидан кучая бошлади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг янги типи давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатларни рўёбга чиқариш, давлат томонидан тартибга солишнинг мослашувчанлигини ошириш, тўғридан-тўғри аралашув шакллари ва назоратнинг кучайиши билан тавсифланади. Ҳозирги вақтда инқирозга қарши чора-тадбирлар асосан давлат дастурлари асосида олиб борилмоқда.

23.2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсад ва вазифалари

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ҳозирги даврда объектив тавсиф касб этади. Кўплаб иқтисодчилар иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солинишининг зарурлигини фақат бозор иқтисодиётининг камчиликлари, унинг кўплаб иқтисодий муаммоларни ҳал эта олмаслик ҳолати билан изоҳлайдилар. Бу маълум маънода тўғри бўлсада, бироқ, иқтисодиётга давлат таъсирининг объектив зарурлиги энг аввало ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан белгиланади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив асоси бўлиб ҳам миллий иқтисодиёт даражасида, ҳам халқаро миқёсда ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши негизида ишлаб чиқаришнинг умумлашуви жараёни хизмат қилади.

Бу жараён қуйидагиларда намоён бўлади:

- чуқурлашиб бораётган ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида ишлаб чиқариш ихтисослашган тармоқларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги янада кучаяди;
- ишлаб чиқаришнинг кооперациялашуви ва марказлашуви натижасида алоҳида хўжалик бирликларининг майда бўлакларга ажралиб кетиш ҳолатлари барҳам топади;
- ишлаб чиқаришнинг йирик корхоналарда тўплануви жараёни ўсади;
- турли иқтисодий минтақалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва фаолият алмашуви жадаллашади.

Ишлаб чиқаришнинг умумлашуви даражасининг ошиши билан ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда хўжалик юритиш, такрор ишлаб чиқариш нисбатларини онгли равишда тартибга солиш, йирик ишлаб чиқариш мажмуалари, яхлит иқтисодиётни марказлаштирилган ҳолда бошқаришга объектив эҳтиёж пайдо бўлади. Шунга кўра, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳар қандай тизимида ишлаб чиқариш умумлашувининг маълум

даражасида объектив заруриятга айланади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш деганда давлатнинг жамият аъзолари эҳтиёжларини қондириш даражасини ошириш учун чекланган иқтисодий ресурсларидан янада самарали фойдаланишни таъминловчи, умумий иқтисодий мувозанатга эришишга йўналтирилган, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш бўйича фаолияти тушунилади.

Бозор хўжалиги шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилиш хусусиятидаги тадбирлар тизимидан иборат бўлади. Ҳозирги шароитда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш такрор ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бир қатор вазифаларни ҳал қилишга қаратилади. Булар жумласига иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, бандликни тартибга солиш, тармоқ ва минтақавий тузилмалардаги ижобий силжишларни қўллаб-қувватлаш, экспортни ҳимоя қилиш кабиларни киритиш мумкин.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизми тўғрисида тўлароқ тасаввурга эга бўлиши учун унинг мақсади, вазифалари ва тартибга солиш усуллари ҳамда восита ёки дастакларини тўлароқ тавсифлаш лозим.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мавжуд тузумни мамлакат ичида ва халқаро майдонда мустаҳкамлаш ва уни ўзгариб турувчи шароитга мослаштириш ҳисобланади. Бу асосий мақсаддан бир қатор аниқ мақсадлар келиб чиқади. Улар жумласига иқтисодий циклни барқарорлаштириш; миллий хўжаликларнинг тармоқ ва минтақавий тузилишини такомиллаштириш, атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш кабиларни киритиш мумкин. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади унинг вазифаларида аниқ намоён бўлади. Бозор хўжалиги шароитида давлатнинг иқтисодий вазифалари асосан бозор тизимининг амал қилишини енгиллаштириш ва ҳимоя қилиш

мақсадига эга бўлади. Бу соҳадаги давлатнинг иқтисодий вазифаларидан қуйидаги икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) бозор тизимининг самарали амал қилишига имкон туғдирувчи ҳуқуқий асос ва ижтимоий муҳитни таъминлаш;

2) рақобатни ҳимоя қилиш.

Давлатнинг бошқа вазифалари иқтисодиётни тартибга солишнинг умумий тамойилларидан келиб чиқади. Бу ерда давлатнинг учта вазифаси алоҳида аҳамиятга эга:

1) даромад ва бойликни қайта тақсимлаш;

2) ресурсларни қайта тақсимлаш;

3) иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодий тебранишлар вужудга келтирадиган инфляция ва бандлилик даражаси устидан назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Давлат бозор иқтисодиётининг самарали амал қилишининг шарт-шароити ҳисобланган ҳуқуқий асосни таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади. Бозор иқтисодиёти учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни таъминлаш қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо қилади: хусусий корхоналарнинг ҳуқуқий мавқеини мустаҳкамлаш; хусусий мулкчилик ҳуқуқини таъминлаш ва шартномаларга амал қилишни кафолатлаш; корхоналар, ресурсларни етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонуний битимларни ишлаб чиқиш ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида» ва «Акционерлик жамиятлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда уларга киритилган қўшимча ва тузатишлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича тадбирлари бозор иқтисодиёти учун зарур ҳуқуқий асосни таъминлашга қаратилган.

Давлат томонидан ижтимоий муҳитни таъминлаш ўз ичига ички тартибни сақлаш, маҳсулот сифати ва оғирлигини ўлчаш стандартларини белгилаш, товар ва хизматлар айирбошлашни

енгиллаштириш учун миллий пул тизимини муомалага киритиш кабиларни олади.

Рақобат бозор иқтисодиётида асосий тартибга солувчи механизм бўлиб хизмат қилади. Бу шундай кучки, у харидорлар ёки истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига ишлаб чиқарувчи ва ресурс етказиб берувчиларни бўйсундиради. Рақобат шароитида кўплаб харидорлар томонидан билдирилган талаб ва сотувчиларнинг таклифи бозор нархларини белгилайди. Бу шуни билдирадики, ишлаб чиқарувчилар ва ресурс етказиб берувчилар истеъмолчиларнинг фақат бозор орқали ҳисобга олинадиган хоҳишларига мослашиши мумкин. Бозор тизимининг иродасига бўйсунувчи, рақобатлашувчи ишлаб чиқарувчилар фойда олишни ва ўз мавқеларининг мустаҳкамланишини кутади, ким бозор қонунларини бузса, зарар кўради ва охир-оқибатда синади. Рақобат шароитида харидор – бу хўжайин, бозор уларнинг гумаштаси, корхона эса уларнинг хизматкори ҳисобланади.

Иқтисодиётда сотувчилар ўртасидаги рақобат ўрнини монополиялар эгаллаганда, уларнинг бозорга таъсир кўрсатиш ёки ундаги нархларни ўз манфаатларини кўзлаб ўзгартириш имконияти пайдо бўлади. Монополиялар ўзларининг таклифлари умумий ҳажмини тартибга солиш лаёқатидан фойдаланиб, маҳсулот ҳажмини сунъий чеклаш орқали уларга анча юқори нарх белгилаш ва шу орқали анча барқарор фойда олиши мумкин.

Бозор муносабатлари ривожланган шароитда монополиялар устидан икки усулда назорат ўрнатилади. Биринчи усулда, технология ва иқтисодий шароитлар рақобатли бозор мавжуд бўлиш имкониятини йўққа чиқарадиган табиий монополиялар деб номладиган тармоқларда давлат нархларини тартибга солади ва кўрсатиладиган хизматларга стандартларни ўрнатади. Транспорт, алоқа, электр энергияси ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий фойдаланишдаги корхоналар маълум даражада шундай тартибга солинади. Иккинчи усулда, самарали ишлаб чиқариш жуда кўпчилик бозорларда рақобат ривожининг жуда юқори даражасида таъминланиши сабабли

давлат рақобатини кучайтириш ва ҳимоя қилиш мақсадида монополияларга қарши қонунлар қабул қилади.

Республикамизда ҳам монопол фаолиятни чеклаш, товарлар бозорида рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ва тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинган.

Бозор тизими кишиларнинг табиий қобилияти, орттирган билими ва малакаси ҳамда мулкка эгалигини ҳисобга олиб, уларнинг юқори даромад олишини таъминлайди. Шу билан бирга жамиятнинг моддий воситаларга эга бўлмаган, билим ва малака даражаси паст, лаёқати ҳам юқори бўлмаган аъзолари, қариялар, ногиронлар, ишсизлар ёлғиз ва қарамоғида болалари бўлган аёллар жуда кам даромад олади ёки бозор тизими доирасида ишсизлар каби умуман даромадга эга бўлмайди. Қисқаси, бозор тизими пул даромадларини ва миллий маҳсулотни жамият аъзолари ўртасида тақсимлашда бирмунча тенгсизликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли давлат ўз зиммасига даромадлар тенгсизлигини камайтириш вазифасини олади. Бу вазифа бир қатор тадбир ва дастурларда ўз ифодасини топади. Биринчидан, трансферт тўловлари муҳтожларни, ногиронларни ва бировнинг қарамоғида бўлганларни нафақалар билан, ишсизларни ишсизлик нафақалари билан таъминлайди. Ижтимоий таъминот дастурлари орқали пенсионерлар ва қарияларга молиявий ёрдам кўрсатилади. Бу барча дастурлар давлат бюджети маблағларини жамиятнинг кам даромад олган ёки умуман даромадга эга бўлмаган аъзолари ҳисобига қайта тақсимлайди. Иккинчидан, давлат бозорни тартибга солиш йўли билан, яъни талаб ва таклиф таъсирида ўрнатиладиган нархларни ўзгартириш йўли билан ҳам даромадларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатади. Меъёрдаги озиқ-овқат товарларига ўрнатиладиган имтиёзли нархлар ва иш ҳақининг энг кам (минимал) даражаси ҳақидаги қонунчилик давлатнинг, аҳолининг маълум қатлами даромадларини оширишга қаратилган тадбирларининг яна бир мисолидир.

Давлат жамият аъзолари ўртасида даромадларни қайта

тақсимлашда солиқ имтиёзларини белгилаш орқали солиқ тизимидан ҳам кенг фойдаланади.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодиётнинг барча соҳаларини ресурслар билан таъминлаш, тўла бандлик ва нархларнинг барқарор даражасига эришишда ёрдам бериш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш давлатнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Иқтисодиётда тўла бандликни таъминлаш учун умумий сарфлар, яъни хусусий ва давлат сарфларининг ҳажми етарли бўлмаса, давлат бир томондан ижтимоий неъматлар ва хизматларга ўз сарфларини кўпайтиради, бошқа томондан хусусий сектор сарфларини рағбатлантириш мақсадида солиқларни қисқартиради. Агар жами сарфлар тўла бандлик шароитида таклиф ҳажмидан ошиб кетса, бу нархлар даражасининг кўтарилишига олиб келади. Жами сарфларнинг мазкур ортиқча даражаси инфляцион хусусият касб этади. Бундай ҳолда давлат солиқларни ошириш орқали хусусий сектор сарфларини қисқартириш ва шу йўл билан ортиқча сарфларни тугатишга ҳаракат қилади. Иқтисодиётда ишсизлик мавжуд бўлганда давлат сарфларининг кўпайиши жами сарфлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлиликнинг ўсишига олиб келади. Ўз навбатида, солиқларнинг қисқариши ёки трансферт тўловларининг кўпайиши даромадларни кўпайтиради. Бу даромадлар шахсий сарфларнинг ўсишини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Давлат ўз ишлаб чиқаришини молиялаштиришдан ташқари ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминотнинг бир қатор дастурларини амалга оширади, иқтисодиётнинг хусусий ва кооператив секторида даромадларни қайта тақсимлайди. Давлат тартибга солувчи хусусиятга эга бўлган бир қатор вазиятларни ҳам амалга оширади. Буларга атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, аҳоли соғлиғини сақлаш, бўш ишчи ўринларига эга бўлишнинг тенг шароитини таъминлаш ва маълум соҳаларда нарх белгилаш амалиёти устидан назорат қилиш ва шу кабиларни киритиш мумкин.

23.3. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари ва воситалари

Давлат миллий иқтисодиётни тартибга солишда бир қатор усуллардан фойдаланади. Бу усулларни умумлаштириб қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- бевосита таъсир қилиш усуллари;
- билвосита таъсир қилиш усуллари;
- ташқи иқтисодий усуллар.

Марказдан бошқариш тартиби устун бўлган мамлакатларда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувида бевосита таъсир қилиш усуллари устун бўлса, бозор иқтисодиёти эса асосан иқтисодий жараёнларни билвосита тартибга солиш билан боғланган. Шу билан бирга барча мамлакатларда иқтисодиётнинг давлат сектори мавжуд. Давлат секторини бошқариш мулкчиликнинг давлат шаклига асосланиб, у асосан қуйидаги учта йўл орқали шаклланади:

1) ишлаб чиқариш воситалари эгаларига пул ёки қимматли қоғозлар билан товон тўлаш орқали мулкни миллийлаштириш;

2) давлат бюджети маблағлари ҳисобига янги корхоналар, баъзи ҳолларда яхлит тармоқларни барпо этиш;

3) давлат томонидан хусусий корпорацияларнинг акцияларини сотиб олиш ва аралаш давлат-хусусий корхоналарини ташкил этиш.

Ҳозирда сўнгги учинчи йўл устун равишда амал қилмоқда.

Давлат хилма-хил шаклдаги капиталга эгалик қилади, кредитлар беради, корхоналарга мулкдор ҳисобланади. Бу давлатни ижтимоий капиталнинг бир қисмига эгалик қилишига олиб келади.

Давлат иқтисодиётни бевосита тартибга солишда маъмурий воситалардан фойдаланади. Маъмурий воситалар давлат ҳокимияти кучига таянади ва тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш хусусиятидаги тадбирларни ўз ичига олади. Тартибга солишнинг маъмурий воситаларидан фойдаланилганда яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёни ёки

унинг алоҳида томонларини тўғридан-тўғри тартибга солиш кўзда тутилади. Айниқса, ишлаб чиқариш таназзулга учраган даврда иқтисодиётга билвосита таъсир қилиш тадбирлари кам самарали бўлиб, маъмурий воситалардан фойдаланишга устунлик берилади. Бу усуллардан қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

а) иқтисодиётнинг айрим бўғинлари – транспорт, алоқа, атом ва электр энергетикаси, коммунал хизмат ва бошқа соҳаларни бевосита бошқариш. Бунда давлат мулк соҳиби ва тадбиркор сифатида ўзига қарашли корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ҳаётида фаол қатнашади. Давлат тадбиркорлиги маълум доирада амал қилиб, кўпинча технология шароити хусусий капитал учун қулай бўлмаган корхоналар доираси билан чекланади. Давлат тадбиркорлиги бир томондан, маълум шароитларда иқтисодий ўсиш учун зарур бўлса, иккинчи томондан вақт ўтиши билан самарасиз бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда улар хусусий тадбиркорлик объектига айлантирилади.

Мамлакатимизда «иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа – энг аввало, давлатнинг бошқарувчилик вазифаларини – функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш»[178] ҳисобланади;

б) нархлар ва иш ҳақини «музлатиб» қўйиш сиёсати. Бу иқтисодиётни тартибга солишнинг инфляцияга қарши тадбирлари ҳисобланиб, инфляцияни юмшатишга қаратилади. Мазкур сиёсатни юритишда нархлар ва иш ҳақини ошириш қонун билан тақиқланади ёки маълум доира билан чекланади. Инфляцияга қарши тадбирлар таъсирида инфляция даражасининг пасайиши инвестициялар ҳажмининг ошишини рағбатлантиради;

в) иш билан бандлик хизмати (меҳнат биржалари) фаолиятини ташкил қилиш. Давлат бу фаолиятни ташкил

[178] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 62-бет.

қилиш билан ишсизликни қисқартириш чораларини кўради. Уларни зарур касбларга қайта тайёрлайди, иш билан таъминланмаганларга нафақа беради, муҳтожларга ёрдам кўрсатади;

г) иқтисодий соҳани тартибга солишни кўзда тутувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Бундай қонунлар қаторига монополияга қарши қонунчилик, тадбиркорлик тўғрисидаги, банк соҳалари, қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини тартибга солишни кўзда тутувчи қонунлар киради.

Шу орқали бозор муносабатларининг ривожланиши қонун йўли билан кафолатланади, турли мулк шаклларининг дахлсизлиги таъминланади, монополияларга йўл берилмайди ва эркин рақобат учун шароит яратилади.

Иқтисодиётни билвосита тартибга солишда иқтисодий дастак ва воситаларга устунлик берилади. У давлатнинг пул-кредит ва бюджет сиёсатида ўз ифодасини топади.

Пул-кредит сиёсатининг асосий воситалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- ҳисоб ставкасини тартибга солиш;

- молия-кредит муассасаларининг Марказий банкдаги захиралари минимал ҳажмини ўрнатиш ва ўзгартириш;

- давлат муассасаларининг қимматли қоғозлар бозоридаги операциялари (давлат облигацияларини чиқариш, уларни сотиш ва тўлаш).

Давлат бу дастаклар ёрдамида молия бозорида талаб ва таклиф нисбатини кутилган йўналишда ўзгартиришга ҳаракат қилади. Жумладан, ссудага бериладиган пул миқдорини ўзгартириш учун фоиз ставкаси воситасидан фойдаланади. Давлат кредитга бўлган талаб ва таклифни Марказий банк орқали қуйидагий йўллар билан ўзгартиради. Биринчидан, давлат Марказий банк эҳтиёжлари орқали банклар маблағларининг қарзга бериладиган ва захирада турадиган қисмлари улушини ўзгартиради. Натижада қарзга бериладиган пул миқдори ўзгаради, яъни унинг таклифи ошса, фоиз камаяди, аксинча у камайса, фоиз ошади. Фоизнинг камайиши кредит олишга

интилишни кучайтиради ва бу инвестиция фаоллиги орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Иккинчидан, Марказий банк бошқа банкларга паст фоиз ставкасида қарз бериб, уларнинг кредитлаш ишида фаол қатнашиб, иқтисодий ўсишига таъсир қилишини таъминлайди. Учинчидан, давлат Марказий банк орқали хазина мажбуриятларини тарқатади, ўз облигацияларини сотади ёки қимматли қоғозларини сотиб олади. Натижада таклиф этилган пул миқдори ўзгариб, бу фоизга таъсир этади. Давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифини ўзгартириш борасидаги сиёсати монетар сиёсат деб юритилади.

Давлат бюджет сиёсати унинг даромадлар ва харажатлар қисмини ўзгартиришга қаратилади. Давлат харажатларини қоплаш учун молиявий маблағларни жалб қилишнинг энг асосий дастаги солиқлар ҳисобланади. Улардан хўжалик субъектлари фаолиятига ва ижтимоий барқарорликка таъсир кўрсатишда ҳам кенг фойдаланилади.

Солиқлар ёрдамида давлат томонидан тартибга солиш танланган солиқ тизимига, солиқ ставкаси даражасига ҳамда солиқ турлари ва солиқ тўлашда берилган имтиёзларга боғлиқ бўлади.

Давлат иқтисодиётни тартибга солиш воситаси сифатида бюджет харажатларидан ҳам фойдаланади. Бунга биринчи навбатда, давлат кредитлари, субсидиялари ва кафолатлари, ҳамда хусусий сектордан товарларни сотиб олишга қилинадиган сарфлар мисол бўлади.

Иқтисодиётни тартибга солишда давлат капитал қўйилмалари муҳим роль ўйнайди. Жумладан, бозор конъюнктураси ёмонлашган, турғунлик ёки инқироз шароитида хусусий капитал қўйилмалар қисқаради, давлат инвестициялари эса одатда ўсади. Шу орқали давлат ишлаб чиқаришда таназзул ва ишсизликнинг ўсишига қарши туришга ҳаракат қилади.

Давлат капитал қийматлари иқтисодиёт таркибий тузилишидаги ўзгаришларда ҳам сезиларли ўринга эга бўлади,

масалан, давлат хусусий капиталининг оқиб келиши етарли бўлмаган минтақалар, тармоқлар ёки фаолият соҳаларида янги объектлар қуриш ва эскиларини қайта қуроллантириш орқали иқтисодиёт таркибий тузилишига таъсир кўрсатади. Булардан ташқари давлат капитал қўйилмалари илмий-тадқиқот ишларида, кадрлар тайёрлашда, ташқи савдо ва четга капитал чиқаришда ҳам катта роль ўйнайди. Шунингдек, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бир қатор шаклларини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин:

- давлат иқтисодий дастурларининг ишлаб чиқилиши;
- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари, ихтироларни давлат томонидан рағбатлантириш ҳамда иқтисодиётдаги ижобий таркибий силжишларни таъминлаш;
- инвестиция жараёни ва иқтисодий ўсишни давлат томонидан тартибга солиш;
- ишчи кучи бозорига давлат томонидан таъсир кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқалар.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳозирги даврдаги олий шакли давлат иқтисодий дастурлари ҳисобланади. Унинг вазифаси тартибга солишнинг барча усули ва воситаларидан комплекс фойдаланишдан иборат. Иқтисодий дастурлар ўрта муддатли, фавқулоддаги ва мақсадли бўлиши мумкин. Ўрта муддатли умумиқтисодий дастурлар одатда беш йилга тузилади. Фавқулоддаги дастурлар тиғиз вазиятларда, масалан, инқироз, оммавий ишсизлик ва кучли инфляция шароитларида ишлаб чиқилиб, қисқа муддатли хусусиятга эга бўлади. Мақсадли дастурларнинг объекти тармоқлар, минтақалар, ижтимоий соҳалар ва илмий тадқиқотларнинг ҳар хил йўналишлари бўлиши мумкин.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ташқи иқтисодий усуллар ёрдамида ҳам амалга оширилади. Бунда махсус восита ва дастаклар орқали мамлакатнинг ташқи дунё

билан амалга ошириладиган хўжалик алоқаларига бевосита таъсир кўрсатилади.

Товарлар, хизматлар, капитал ва фан-техника ютуқлари экспортини рағбатлантириш тадбирлари, экспортни кредитлаш, чет эллардан инвестициялар ва экспорт кредитларини кафолатлаш, ташқи иқтисодий алоқаларга чеклашлар киритиш ёки бекор қилиш, ташқи савдода бож тўловларини ўзгартириш, мамлакат иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилиш ёки чеклаш бўйича тадбирлар, мамлакатга четдан ишчи кучини жалб қилиш, халқаро иқтисодий ташкилотларда ва давлатлараро уюшмаларда қатнашиш мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солишнинг асосий воситаларидир.

Шундай қилиб, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг қараб чиқилган барча ички ва ташқи иқтисодий усуллари (восита ва дастаклари) биргаликда миллий иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига ва мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига ўз таъсирини кўрсатади.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”нинг 3.4-банди **“Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш”**[179] бўлиб, унда қуйидагилар белгилаб берилган.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

[179] Ўзбекистон Республикаси Президентининг2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова.

- давлат мулкини хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

Бундан кўриниб турибдики, 2017-2021 йилларда иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг аралашуви ва таъсири кескин камайтирилиб, ўзини-ўзи бошқариш тизими кучайтирилади.

Хулосалар

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг миллий иқтисодиётга аралашуви унинг бозор воситасида ўзини-ўзи тартибга солиш орқали бажариш мумкин бўлмаган ёки самарали равишда амалга ошириб бўлмайдиган вазифаларни ўз зиммасига олиши; бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг хусусий тавсифи келтириб чиқарувчи салбий оқибатларни бартараф этиш зарурлиги; истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш; бозорнинг табиатидан келиб чиқадиган айрим ҳолатларни қисман енгиллаштириш, жумладан, аҳолининг кам таъминланган қатламининг турмуш даражаси ҳақида ғамхўрлик қилиш, бепул (ёки имтиёзли) билим бериш, тиббий хизмат кўрсатиш ва шу кабиларни ўз зиммасига олиши; ҳозирги шароитда барқарор,

изчил иқтисодий ўсишни рағбатлантириш вазифасини ҳам ўз зиммасига олиши орқали изоҳланади.

2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш деганда давлатнинг жамият аъзолари эҳтиёжларини қондириш даражасини ошириш учун чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан янада самарали фойдаланишни таъминловчи, умумий иқтисодий мувозанатга эришишга йўналтирилган, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш бўйича фаолияти тушунилади.

3. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади унинг вазифалари орқали ифодаланиб, улар, асосан, бозор тизимининг амал қилишини енгиллаштириш ва ҳимоя қилиш, иқтисодиётни тартибга солишнинг умумий тамойилларидан келиб чиқади. Яъни, бозор тизимининг самарали амал қилишига имкон туғдирувчи ҳуқуқий асос ва ижтимоий муҳитни таъминлаш; рақобатни ҳимоя қилиш; даромад ва бойликни қайта тақсимлаш; ресурсларни қайта тақсимлаш; иқтисодиётни барқарорлаштириш, иқтисодий тебранишлар вужудга келтирадиган инфляция ва бандлилик даражаси устидан назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

4. Давлат миллий иқтисодиётни тартибга солишда бевосита ва билвосита таъсир қилиш усуллари ҳамда ташқи иқтисодий усуллардан фойдаланади. Тартибга солишнинг бевосита таъсир қилиш усулларидан фойдаланилганда яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёни ёки унинг алоҳида томонларини тўғридан-тўғри, маъмурий тартибга солиш кўзда тутилади. Бу усуллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: иқтисодиётнинг айрим бўғинларини бевосита бошқариш; нархлар ва иш ҳақини «музлатиб» қўйиш сиёсати; иш билан бандлик хизмати (меҳнат биржалари) фаолиятини ташкил қилиш; иқтисодий соҳани тартибга солишни кўзда тутувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ва ҳ.к.

5. Иқтисодиётни билвосита тартибга солишда иқтисодий дастак ва воситаларга устунлик берилади. У давлатнинг пул-

кредит ва бюджет сиёсатида ўз ифодасини топади. Пул-кредит сиёсатининг асосий воситалари қуйидагилардан иборат бўлади: ҳисоб ставкасини тартибга солиш; молия-кредит муассасалаларининг Марказий банкдаги захиралари минимал ҳажмини ўрнатиш ва ўзгартириш; давлат муассасаларининг қимматли қоғозлар бозоридаги операциялари (давлат облигацияларини чиқариш, уларни сотиш ва тўлаш). Давлат бюджет сиёсати унинг даромадлар ва харажатлар қисмини ўзгартиришга қаратилиб, бу усулнинг энг асосий дастаги солиқлар ҳисобланади.

Асосий таянч тушунчалар:

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш – давлатнинг жамият аъзолари эҳтиёжларини қондириш даражасини ошириш учун чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан янада самарали фойдаланишни таъминловчи, умумий иқтисодий мувозанатга эришишга йўналтирилган, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш бўйича фаолияти.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади – иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тизимни мустаҳкамлаш ва уни ўзгариб турувчи шароитга мослаштириш.

Давлатнинг иқтисодий вазифалари – иқтисодий тизимнинг амал қилишига шарт-шароит яратиш ва иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг усуллари – тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситалари бирлиги.

Бевосита усуллар – иқтисодиётни тартибга солишнинг тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш тавсифидаги маъмурий воситалари.

Билвосита усуллар – иқтисодиётни тартибга солишнинг иқтисодий восита ва дастаклари.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Давлатнинг иқтисодиётдаги ролига турлича қарашларини баҳоланг.
2. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви тўғрисидаги қандай назарияларни биласиз?
3. Давлатнинг асосий иқтисодий вазифаларини санаб чиқинг ва уларнинг қисқача тавсифини беринг.
4. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлигини нима тақозо қилади?
5. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ўз олдига қандай мақсад ва вазифаларни қўяди?
6. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усулларига тавсиф беринг. Тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситаларини санаб кўрсатинг.
7. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда давлат сектори қандай роль ўйнайди?
8. Давлат ижтимоий-иқтисодий дастурлари нима ва улар қандай амалга оширилади?
9. Ўзбекистон иқтисодиётида давлат секторининг улуши динамикасини таҳлил қилинг. Йиллар давомида тармоқ ва соҳалар бўйича давлат сектори улушининг ўзгаришини изоҳланг.
10. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг ташқи иқтисодий усуллари мазмунини тушунтиринг.

24-боб. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА ДАРОМАДЛАРИ

Маълумки, аҳоли фаровонлиги, турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, уларнинг даромадларини ошириш мамлакатимиз Президенти ва давлатимизнинг олий мақсадидир. Бу мақсадга эришишда аҳоли даромадлари асосий роль ўйнайди. Ушбу бобда аҳоли турмуш даражаси

ва даромадларининг иқтисодий мазмуни, уларнинг таркиби, даромадларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири кўриб чиқилади. Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар тенгсизлигининг асосий сабаблари ўрганилади. Даромадлар тенгсизлиги борасида билдирилган фикрлар таҳлил қилиниб, тенгсизлик ва унинг сабаблари, оқибатлари кўрсатиб берилади. Шунингдек, камбағаллик муаммоси, унинг даражасини камайтириш, аҳоли даромадларини ошириш таъминлаш бўйича давлатнинг ижтимоий сиёсати, давлат дастурлари ва уларнинг роли баён этилади.

24.1. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг кўрсаткичлари

Аҳоли турмуш даражаси жуда кенг ва серқирра иқтисодий тушунчадир. Шунинг учун бу тушунчага иқтисодий адабиётларда турли хил таърифлар берилган. Биз уларни умумлаштириб уни қуйидагича таърифлаймиз. **Аҳоли турмуш даражаси – аҳолининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда улар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражасидир.**

Аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган талаби табиий тарихий миллий ва бошқа шарт-шароитларга қараб турлича бўлади ва тез ўзгариб туради. Шунга биноан аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам турлича бўлади.

Инсоннинг турмуш даражаси ўсиб борувчи талаблар даражаси билан уни қондириш имкониятлари даражаси ўртасидаги диалектик боғланиш ва унинг ўзгариши билан боғлиқдир. Бунда инсоннинг танлаш эркинлигининг ўсиши яъни унинг нималарни истеъмол қилиши, қаерда, қандай яшаши, қандай ўқиб билим олиши кабиларни бемалол танлаш имкониятига эга бўлиши лозим.

Демак, инсоннинг турмуш даражаси ўсиши учун унинг танлаш эркинлиги кенгайиши, узоқ ва соғлом ҳаёт

кечириши, билим олиши учун зарур иқтисодий ресурсларга (имкониятларга) эга бўлиши лозим. Бунда тинчлик, хавфсизлик, экология ва ижтимоий адолат масалалари ҳам муҳим ўрин тутади.

Аҳоли турмуш даражасининг БМТ томонидан тавсия этилган кўрсаткичлари тизими ўз ичига қуйидаги гуруҳларни олади:

1) туғилиш ва ўлиш даражаси ҳамда бошқа демографик кўрсаткичлар;

2) ҳаёт кечиришнинг санитар-гигиена жиҳатидан шароитлари;

3) озиқ-овқат товарларини истеъмол қилиш;

4) турар жой шароитлари;

5) маълумот ва маданият;

6) меҳнат қилиш ва бандлик шароитлари;

7) аҳолининг даромадлари ва харажатлари;

8) ҳаёт кечириш қиймати ва истеъмол нархлари;

9) транспорт воситалари;

10) дам олишни ташкил этиш;

11) ижтимоий таъминот;

12) инсон эркинлиги.

Бу асосий кўрсаткичлардан ташқари яна бир қанча кўрсаткичлар ҳам борки, улар алоҳида кўрсатилади: аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад, аҳоли жон бошига тўғри келувчи истеъмол ҳажми ва бошқалар.

Кишилар ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар тўплами меҳнат шароити, таълим, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби хилма-хил эҳтиёжларни ўз ичига олади. Кишилар эҳтиёжларини қондириш даражаси жамият аъзоларининг алоҳида олган ва оилавий даромадлари даражасига боғлиқ. Турмуш даражасини мамлакат даражасида (бутун аҳоли учун) ва табақалашган микродаражада (аҳолининг алоҳида гуруҳи учун) қараб чиқиш мумкин. Биринчи ёндашув турли мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини аҳоли

жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича аниқлаб, қиёсий таҳлил қилиш имконини беради. Аҳоли гуруҳлари бўйича даромадлар тақсимланиши динамикасини таққослаш **истеъмолчи бюджети** асосида амалга оширилади. Истеъмолчи бюджетларининг бир қатор турлари мавжуд: ўртача оила бюджети, юқори даражада таъминланган бюджет, минимал даражада моддий таъминланганлар бюджети, нафақахўрлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари бюджети шулар жумласидандир.

Фаровонликнинг энг қуйи чегарасини оила даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, даромаднинг бундан паст даражасида ишчи кучини такрор ҳосил қилишни таъминлаб бўлмайди. Бу даража **моддий таъминланганлик минимуми ёки кун кечириш даражаси** (қашшоқликнинг бошланиши) сифатида кўрсатилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ўртача даромад «ўртача синф» деб аталадиган табақалар даромадлари бўйича аниқланади. Бундай гуруҳ истеъмол савати тўпламига уй, автомашина, дала ҳовли, замонавий уй жиҳозлари, сайр қилиш ва болаларини ўқитиш имконияти, қимматли қоғозлар ва зебу зийнат буюмлари киради.

Бозор иқтисодиёти аҳолининг юқори таъминланган ёки «бой» қатламининг мавжуд бўлишини тақозо қилиб, уларга аҳолининг юқори сифатли товар ва хизматлар харид қилишга лаёқатли бўлган жуда оз миқдори киради. АҚШда аҳоли бу қисмининг шахсий имконияти 8-10 млн. доллар миқдорида баҳоланади.

Турмуш даражаси кишиларнинг турмуш тарзи билан узвий боғлиқ. **Турмуш тарзи – бу кишилар (жамият, ижтимоий қатлам, шахс)нинг миллий ва жаҳон ҳамжамиятидаги ҳаёт фаолияти тури ҳамда усулларини акс эттирувчи ижтимоий-иқтисодий категория.** Турмуш тарзи инсон ҳаёт фаолиятининг турли жиҳатларини қамраб олади, яъни:

- меҳнат, уни ташкил этишнинг ижтимоий шакллари;
- турмуш ва бўш вақтдан фойдаланиш шакллари;

- сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш;
- моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш шакллари;
- кишиларнинг кундалик ҳаётдаги хулқ-атвори меъёрлари ва қоидалари.

24.2. Аҳоли даромадлари ва унинг таркиби

Ялпи ички маҳсулотнинг тақсимланиш ва қайта тақсимланиши натижасида аҳоли даромадлари шаклланади. **Аҳоли даромадлари маълум вақт оралиғида (масалан, бир йилда) улар томонидан олинган пул ва натурал шаклдаги тушумлар миқдорини англатади.**

Жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соғлиғини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириши имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли даромадлари даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар орасида иш ҳақидан ташқари чакана нарх динамикаси, истеъмол бозорининг товарлар билан тўйинганлик даражаси кабилар муҳим ўрин тутади.

Аҳоли даромадлари **пул ва натурал** кўринишларда бўлиши мумкин.

Аҳоли **пул даромадлари** иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.

Натурал даромад меҳнат ҳақи ҳисобига олинадиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотларидан иборат бўлади.

Аҳоли даромадлари даражасига баҳо бериш учун номинал ва реал даромад тушунчаларидан фойдаланилади.



24.1-расм. Ўзбекистонда аҳоли реал даромадларининг ўсиши (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)[180].

Номинал даромад – аҳоли томонидан маълум вақт оралиғида олинган даромадларининг пул кўринишидаги миқдори.

Реал даромад – аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори. Яъни, реал даромад аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қувватини билдиради.

Аҳолининг номинал пул даромадлари турли манбалар ҳисобига шаклланиб, улардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига олинадиган даромад;

б) давлат ёрдам дастурлари бўйича тўлов ва имтиёзлар шаклидаги пул тушумлари;

в) молия-кредит тизими орқали олинадиган пул даромадлари.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди. **Биринчидан,** даромад шакллари ўзгарди, яъни унинг анъанавий турлари (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия) қаторига мутлақо янгилари – тадбиркорлик фаолиятидан, (кўчмас) мулкдан, қимматли қоғозлардан, чет эл

[180] Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

валютасидан келадиган даромадлар қўшилди. **Иккинчидан,** даромадларнинг таркибий қисмлари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгарди, бу борада фуқаро ихтиёридаги ҳақиқий даромадлар, тўпланиш ва ажралиш коэффициенти, даромад танқислиги, тирикчилик минимуми, қашшоқлик даражаси, оила пул даромадларининг харид қобилияти каби тушунча ва категориялар пайдо бўлди. Учинчидан, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналиши пайдо бўлди: мажбурий тўловлар ва бадаллар, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва шахсий мулкни сотиб олиш учун харажатлар, тижорат банкларига қўйилмалар шулар жумласидандир.

Республикамиз иқтисодиётининг янада ривожланиб бориши ва аҳолининг турли фаолият турлари билан шуғулланишига кенг йўл очиб берилганлиги сабабли аҳолининг пул даромадлари йилдан-йилга ошиб бормоқда (24.2-расм).



24.2-расм. Ўзбекистонда аҳоли умумий даромадлари динамикаси (трлн. сўм).[181]

2019 йилда аҳолининг умумий даромадлари 344,7 трлн сўмни ташкил этиб, унинг катта қисмини ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятидан олинган даромадлардан ташкил топади.

Ўзбекистонда аҳоли ялпи даромадлари таркибининг

[181] Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

таҳлили шуни кўрсатадики, даромадларнинг аҳамиятли қисми ишлаб чиқариш даромадлари бўлиб, унинг таркибида меҳнат фаолиятидан олинадиган даромадлар етакчилик қилмоқда (24.2-жадвал). *24.2-жадвал*

Ўзбекистонда аҳоли ялпи даромадлари таркиби, фоизда[182]

Таркиби	2011	2013	2015	2017	2018	2019
Ялпи даромад - жами	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**
шу жумладан,						
1. Бошланғич даромадлар	73,5	71,4	78,2	75,2	76,5	74,7
А) Ишлаб чиқариш даромадлари	71	68,4	75,2	71,0	72,1	71,2
- меҳнат фаолияти даромадлари	69,4	66,6	72,9	68,8	70,3	69,1
- Ўз-ўзини банд қилишдан даромад	26,5	26,4	31,7	34,5	34,5	34,3
- ўз истеъмоли учун яратилган хизматлар	1,6	1,8	2,3	2,2	1,8	2,1
Б) мол-мулкдан олинадиган даромад	2,5	3,0	3,0	4,2	3,4	3,5
2. Ижтимоий трансфертлар	26,5	28,6	21,8	24,8	23,5	25,3

2019 йилда жами даромадларнинг 74,7 фоизи меҳнат фаолияти яъни иш ҳақи ва меҳнатга ҳақ тўлаш натижасида олинган даромадлар ҳиссасига, 25,3 фоизи ижтимоий трансфертлар ҳиссасига тўғри келган.

Аҳолининг ёлланиб ишловчи қисми оладиган даромадларининг асосий улушини иш ҳақи ташкил этади. Даромаднинг бу тури истиқболда ҳам пул даромадлари умумий ҳажмининг шаклланишида ўзининг етакчи ролини сақлаб қолади.

Аҳоли пул даромадлари даражасига давлат ёрдам дастурлари бўйича тўловлар сезиларли таъсир кўрсатади. Бу манбалар ҳисобига пенсия таъминоти амалга оширилади ва турли хил нафақалар тўланади.

Аҳолининг **молия-кредит тизими** орқали олинадиган пул даромадлари қуйидагилардан иборат:

- давлат суғуртаси бўйича тўловлар;
- шахсий уй қурилишига ва кооперация жамияти аъзоларига банк ссудалари;

[182] Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

- жамғарма банкидаги омонатлар бўйича фоизлар;

- акция, облигация қийматининг ўсишидан олинадиган даромад ва заём бўйича тўловлар;

- лотерея бўйича ютуқлар;

- товарларни кредитга сотиб олиш натижасида пайдо бўладиган вақтинча бўш маблағлар;

- ҳар хил турдаги компенсация тўловлар ва ҳ.к.

Аҳоли даромадлари уларнинг турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

24.3. Даромадлар тенгсизлиги ва унинг даражасини аниқлаш

Дунёдаги барча мамлакатлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар даражаси билан бир-биридан кескин фарқланади. Бу турли мамлакатлар аҳолисининг даромадлари даражаси ўртасида тенгсизлик мавжудлигини билдиради. Шу билан бирга алоҳида олинган мамлакатлар аҳолисининг турли қатлам ва гуруҳлари ўртача даромадлари даражасида ҳам фарқ мавжуд бўлади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши даражаси ҳам даромадларидаги фарқларни бартараф эта олмайди.

Ўз-ўзидан аниқки, иқтисодий ўсиш даромадларнинг кўпайишига олиб келади. Бунда бутун аҳоли даромадлари мутлақ миқдорда аста-секин ўсиб боради. Даромадларнинг мутлақ миқдори кўпайиб борса-да, ҳар доим ҳам даромадлар тенгсизлиги даражасига таъсир кўрсатмаслиги мумкин. Даромадлар тенгсизлиги даражасини миқдорий аниқлаш учун жаҳон амалиётида Лоренц эгри чизиғидан фойдаланилади (24.3-расм).



24.3-расм. Лоренц эгри чизиғи.

Расмнинг ётиқ чизиғида аҳоли гуруҳларининг фоиздаги улуши, тик чизиғида эса бу гуруҳлар томонидан олинадиган даромаднинг фоиздаги улуши жойлаштирилган. Назарий жиҳатдан даромадларнинг **мутлақ тенг тақсимланиши имконияти** (бурчакни тенг иккига бўлувчи) 0E чизиқда ифодаланган бўлиб, у оилаларнинг ҳар қандай тегишли фоизи даромадларнинг мос келувчи фоизини олишини кўрсатади. Яъни аҳолининг 20 фоизи барча даромадларнинг 20 фоизини, аҳолининг 40 фоизи даромадларнинг 40 фоизини, аҳолининг 60 фоизи даромадларнинг 60 фоизини олишини билдиради ва ҳ.к. Демак, 0E чизиғи даромадларнинг тақсимланишидаги **мутлақ тенгликни** ифодалайди. Шунингдек, назарий жиҳатдан мутлақ тенгсизликни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин. Бунда аҳолининг маълум гуруҳлари (20 фоиз, 40 ёки 60 фоиз ва ҳ.к.) ҳеч қандай даромадга эга бўлмай, фақат бир фоизи барча 100 фоиз даромадга эга бўлади. Расмдаги 0FE синиқ чизиғи мутлақ тенгсизликни ифодалайди.

Реал ҳаётда мутлақ тенглик ва мутлақ тенгсизлик ҳолатлари мавжуд бўлмайди. Балки аҳолининг маълум гуруҳлари ўртасида даромадларнинг тақсимланиши нотекис равишда боради. Бундай тақсимланишини Лоренц эгри чизиғи деб

номланувчи 0Е эгри чизиғи орқали кузатиш мумкин. Аҳоли гуруҳлари улуши ва даромад улушини бирлаштирувчи эгри чизиқдан кўринадики, аҳолининг дастлабки 20 фоизига даромадларнинг жуда оз (тахминан 3-4 фоизгача) қисми тўғри келади. Кейинги гуруҳларга тўғри келувчи даромад улуши ортиб боради. Даромаднинг энг катта қисми (деярли 60 фоиз) аҳолининг сўнгги 20 фоизига тўғри келади. Бу гуруҳ чегараси ичида ҳам даромадлар нотекис тақсимланган, яъни дастлабки 10 фоиз тахминан 20 фоиз даромадга эга бўлса, кейинги 10 фоизга даромаднинг деярли 40 фоизи тўғри келади ва ҳ.к.

Мутлақ тенгликни ифодаловчи чизиқ ва Лоренц эгри чизиғи ўртасидаги тафовут даромадлар тенгсизлиги даражасини акс эттиради. Бу фарқ қанчалик катта бўлса, яъни Лоренц эгри чизиғи 0Е чизиғидан қанчалик узоқда жойлашса, даромадлар тенгсизлиги даражаси ҳам шунчалик катта бўлади. Агар даромадларнинг ҳақиқий тақсимланиши мутлақ тенг бўлса, бунда Лоренц эгри чизиғи ва биссектриса ўқи бир-бирига мос келиб, фарқ йўқолади.

Даромадлар табақаланишини аниқлашнинг кўпроқ қўлланиладиган кўрсаткичларидан бири **децил коэффициенти** ҳисобланади. Бу кўрсаткич 10 фоиз энг юқори таъминланган аҳоли ўртача даромадлари ва 10 фоиз энг кам таъминланганлар ўртача даромади ўртасидаги нисбатни ифодалайди. Масалан, АҚШ ва Буюк Британияда бу нисбат 13:1га, Швецияда эса 5,5:1га тенг.

“Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб жамиятнинг ижтимоий табақалашув даражасини камайтиришга алоҳида эътибор берилаётгани, содда қилиб айтганда, ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмасин, деган ¬тамойилга амал қилиб келинаётгани сизларга яхши маълум, албатта. Юртимиздаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари

ўртасидаги фарқ, яъни «децил коэффиценти» деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу рақам 2010 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,7 фоизни ташкил этди”[183].

Ялпи даромаднинг аҳоли гуруҳлари ўртасида тақсимланишини тавсифлаш учун **аҳоли даромадлари тенгсизлиги индекси (Жини коэффициенти)** кўрсаткичи қўлланилади. Жини коэффициенти расмдаги Лоренц эгри чизиғи билан мутлақ тенглик чизиғи ўртасидаги юзанинг 0FE учбурчак юзасига нисбати орқали аниқланади. Бу кўрсаткич қанчалик катта бўлса, (яъни 1,0 га яқинлашса) тенгсизлик шунча кучли бўлади. Жамият аъзолари даромадлари тенглашиб борганда бу кўрсаткич 0 (ноль)га интилади. Масалан, кейинги ярим аср давомида Жини индекси Буюк Британияда 0,39 дан 0,35 га қадар, АҚШда эса 0,38 дан 0,34 га қадар пасайган.

Даромадларнинг тақсимланиш даражаси **Жини коэффициенти ёрдамида баҳоланади ва у 0 ≤КЖ ≤1 ораликда бўлади.**

1. Жини коэффициенти 0 га тенг бўлганда даромадлар аҳоли орасида теппа-тенг тақсимланади.

2. Жини коэффициенти 1 га тенг бўлганда барча даромадлар айрим шахслар тасарруфида бўлади.

Бу ҳолатлар қулдорлик тизимида кўпроқ вужудга келган.

Жаҳон тажрибасида жамиятда ижтимоий табақаланиш ва хавфсизлик даражасини баҳолашнинг яна бир мезони – Жини индексидан кенг фойдаланилади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Жини индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,269 га пасайди. Бу натижа БМТ тавсияларига биноан 0,35-0,37 миқдорида белгиланган халқаро стандартларга кўра, мамлакат аҳолисининг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганидан далолат беради. Жини индекси – аҳоли даромадларининг амалда тенг тақсимланишини билдиради.

---

[183] И.Каримов. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий беқарорлик туфайли қараб чиқилган бу кўрсаткич ўсиш тамойилига эга бўлади. Умумийдаромаднингтабақаланишиалоҳидатармоқлар ва фаолият соҳаларида иш ҳақи даражасидаги фарқларнинг ортиши билан бирга боради. Миллий иқтисодиётда ўртача иш ҳақининг тармоқлар, корхоналар ва ишловчилар тоифалари бўйича юқори тенгсизлиги таркиб топади. Даромадлар тенгсизлигида катта фарқлар мавжуд бўлишининг асосий сабаби бозор тизимига асосланган иқтисодиётнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқади. Республикамизда ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш даромадлар тенгсизлиги муаммосини кескинлаштиради. Бу ерда асосий ролни мол-мулк (уй-жой, кўчмас мулк, акция ва бошқалар)га эга бўлиш омили ўйнай бошлайди. Даромадларнинг табақаланиш жараёни етарли даражада тез боради, минимал даражадан бир неча ўн баравар юқори даромадга эга бўлган ижтимоий қатлам шаклланади. Даромадларнинг табақаланиши мулкий табақаланишни келтириб чиқаради. Вақт ўтиши билан оилаларнинг ўз мол-мулкини мерос қилиб қолдириши натижасида даромадлар табақаланишининг кучайиши рўй беради. Ҳар хил оилалар учун турлича истеъмол муҳити яратилади. Ижтимоий тенглик ва даромадлар тақсимотида адолатни таъминлашда муҳим муаммолар вужудга келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи умумий омиллар ҳам мавжуд бўлади. Буларнинг асосийлари қуйидагилар:

- кишиларнинг умумий (жисмоний, ақлий ва эстетик) лаёқатидаги фарқлар;
- таълим даражаси ва малакавий тайёргарлик даражасидаги фарқлар;
- тадбиркорлик маҳорати ва таҳликага тайёргарлик даражасидаги фарқлар;
- ишлаб чиқарувчиларнинг бозорда нархларни ўрнатишга лаёқатлилиги (бозордаги ҳукмронлик даражасидан келиб чиқиб) даражасидаги фарқлар.

Бундай шароитда давлатнинг даромадларни қайта тақсимлаш вазифаси даромадлар тенгсизлигидаги фарқларни камайтириш ва жамият барча аъзолари учун анча қулай моддий ҳаёт шароитини таъминлашга қаратилади.

Даромадлар тенгсизлиги камайишининг тахминан 80 фоизини асосан трансферт тўловлари ташкил қилади. Аниқроқ айтганда давлат трансферт тўловлари энг паст даромад олувчи кишилар гуруҳи даромадининг асосий қисми (70-75 фоиз)ни ташкил қилади ва қашшоқликни юмшатишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

24.4. Камбағалликнинг мазмуни ва уни камайтиришнинг асосий йўналиши

Камбағаллик нисбий тушунча бўлиб, маълум бир жамиятдаги умумий ҳаёт стандартларига боғлиқ. Маълум бўлган камбағаллик меъёрларининг асосини, пул таъминоти кўрсаткичларини умумлаштирувчи, масалан, энг минимал даражада имконияти бўладиган оилавий даромад ёки истеъмол харажатларининг минимал миқдори каби кўринишда бўлади.

Камбағаллик – бу ҳаёт учун муҳим бўлган бирламчи эҳтиёжларини қондира олмайдиган, ишга лаёқатли, аммо ўз наслини давом эттириш учун етарли даромадга эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий ҳолатидир.

Худди марксистлар ғояси каби, ғарб либерал назариясида ҳам, камбағаллик, шахс ёки унинг оиласи асосий ҳаётий эҳтиёжларни қондириш учун воситалар бўлмагандаги ҳолатини англатади.

Президентимиз айтганларидек, “Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”[184].

[184] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

Жаҳон амалиётида интеграл кўрсаткич сифатида инсоннинг ривожланиш индекси (ИРИ) қўлланилади. “БМТ тараққиёт дастурлари” (БМТТД) муаллифлари жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот, кутилаётган умр кўриш даври ва аҳолининг маълумот даражаси каби катталикларнинг ўртачасини ҳисоблаб, турмуш даражасининг умумлаштирувчи индикаторини ишлаб чиқдилар.

Дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, камбағаллик тушунчаси ва уни ҳисобга олиш турли ташкилотларда турлича амал қилади. Бунда биз Жаҳон банки ва Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) томонидан мамлакатлардаги камбағаллик даражасини ўлчашда турлича қарашлар мавжудлигини кўрамиз.

БМТ методикаси. Камбағаллик чегарасини асосий товар ва хизматлар (озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар-жой ҳақини тўлаш, сув билан таъминлаш, электр энергияси, мактаб таълими, тиббий хизмат) учун зарур бўлган даромадлар сифатида белгилайди. Камбағаллик даражаси нисбий тушунча саналади ва муайян мамлакатдаги умумий фаровонлик даражасига боғлиқ. Камбағаллик **мутлақ ва нисбий** каби турларга бўлинади. Мутлақ камбағалликда кун кечирувчи одамлар биологик тирик қолишни таъминлайдиган минимал эҳтиёжларнигина қондиришлари мумкин.

Мутлақ камбағаллик – даромадларнинг умуман йўқлиги ёки шахснинг (оиланинг) минимал турмуш эҳтиёжларини қондириш учун зарур даромаднинг йўқлигидир. Мутлақ камбағаллик тоифасига кўпроқ дайдилар, бошпанасизлар ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Нисбий камбағалликни – Ўзбекистон шароитида яшаш минимуми бюджетидан кам бўлган даромадлар миқдори билан аниқланади. Жаҳон амалиётида эса бу кўрсаткич мамлакат бўйича ўртача даромадларнинг 40-60 фоизидан кам бўлган даромадларга нисбатан қўлланилади.

Ҳукумат маҳаллий органлари аҳолининг кам таъминланган қатламларини аниқлаш, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги вазифаларни аниқлаш мақсадида камбағаллик чегарасини

белгилайди. Бунда турли мезонлардан фойдаланилади, бой мамлакатларда қашшоқлик чегараси, камбағал мамлакатларга қараганда юқорироқ.

Жаҳон банки методикаси. 1990 йилда Жаҳон банки экспертлари камбағал давлатларда қўлланадиган стандартлардан фойдаланиб, дунёдаги камбағал аҳоли сонини ҳисоблашни таклиф қилишганди. 15та давлатдаги камбағалликнинг миллий даражасини ўрганиб, харид қобилияти асосида валюта курсларини қўллаган ҳолда (харид қобилияти; бутун дунёдаги ана шу нархлар асосида ҳисобланади) қайта ҳисоблашди. Товар ва хизматлар тўплами нархини барча мамлакатларда тўғри таққослаш учун ана шундай қилинган.

Натижада экспертлар ўрганилаётган қашшоқ мамлакатларнинг олтитасида камбағалликнинг энг пастки даражаси кунига бир киши учун 1 долларга яқин даромад деб ҳисоблашди. Бу кўрсаткич илк халқаро камбағаллик чегараси сифатида қабул қилинди.

Дунё мамлакатларидаги ҳаёт қийматидаги тафовутлар ортиб боргани сабабли Жаҳон банки глобал камбағаллик кўрсаткичини вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш заруриятига дуч келди. 2005 йилда банк дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларида қабул қилинган камбағаллик даражаси асосида ана шу кўрсаткични қайта ҳисоблади. Натижада глобал қашшоқликнинг пастки чегараси 1,25 долларгача деб ҳисоблашди. 2018 йилда бу чегара қайта кўриб чиқилди ва 1,9 долларгача деган фикрга келинди.

Бундан ташқари, Жаҳон банки камбағалликнинг ўртадан паст, ўрта ва юқори даражаларига – 3,2 доллар, 5,5 доллар ва 21,7 доллар даромадларга эга мамлакатларни камбағалликнинг юқори даражалари деб қабул қилинган. Банк мутахассислари бу кўрсаткичлар пул мезонларига асослангани ва улар таълим олиш, соғлиқни сақлаш хизматлари ва сув ҳамда электр энергияси билан таъминланганлик каби жиҳатларни ҳисобга олмаслигини таъкидлашади.

Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш бўйича Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури билан биргаликда дастур ишлаб чиқишни режалаштирмоқда. Уни амалга ошириш учун 700 миллион доллар маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал бўлиб ҳисобланади. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади.

Ҳозирги ривожланиш концепцияси ҳалк фаровонлигини ошириш, камбағаллик ва кам таъминланганликнинг ўсишига йўл қўймаслик зарурлигидан келиб чиқади, шунинг учун Республикада ўтказилаётган ислоҳотлар аҳоли даромадига нисбатан мослашувчан сиёсат ўтказишни мақсад қилиб қўйган. У иш ҳақи соҳасидаги бозор ислоҳотларининг ҳар бир босқичида ривожланиш ва ўзгаришга, даромадлар миқдорига боғлиқ равишда максимал солиққа тортишни қўллаш, кам даромадли аҳолига трансферт тўловлар миқдорини кўпайтиришга қодирдир. Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда охирги икки йил ичида ижти¬моий нафақа олувчилар сони 1,3 баробар кўпайибди, нафақалар миқдори эса 2 баробар ошибди. Лекин ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки улар миқдорини ошириш билан мавжуд муаммо тўлиқ ечимини топмаган.

Камбағалликни тамомила йўқотиб бўлмаган тақдирда ҳам қисқартириб бориш имконияти бўлади. Бунга асосан 2 йўл билан эришилади.

Биринчиси, камбағалларда иқтисодий фаолликни уйғотиш. Шарқда бир доно гап бор: “Камбағалликка ялқовлик қўшилса, бунинг давоси йўқдир”. Шу сабабли камбағалларни ялқовликдан фориғ этиш талаб қилинади. Муҳими, камбағалларга ишлаб пул топиб, тўқ яшашига шароит ва имконият яратиш керак. Шу ўринда Хитой файласуфи, даосизм таълимоти асосчиси Лао Цзенинг ҳикматли сўзи ёдга

тушади: “Оч қолган инсонга балиқ берсанг, унинг бир кунлик қорнини тўйдирасан. Агар унга қармоқ бериб, балиқ овлашга ўргатсанг, уни бир умр очликдан қутқарасан”.

Иккинчиси, камбағалларга давлатнинг ва корхоналарнинг моддий ёрдам беришини ташкил этиш. Бу восита зарур бўлсада, боқимандалик кайфиятини туғдириб, фаолликка ундамайди. Шу сабабли бу йўл ўзини ўзи боқишга қодир бўлмаган кишиларга, масалан, ногиронларга ва кўп болали оилаларга нисбатан сайланган ҳолда қўлланади. Ижтимоий ёрдам узоқ вақт ишсиз қолганлар, касбини йўқотганларга ҳам берилади.

Бундан ташқари, камбағаллар ҳолатининг ўзига хос хусусияти шунчаки улар «озгина пул» борлигидан иборат эмас, балки улар камбағал қатламлардир, улар нафақат қийин вазиятдан чиқишга имкон берадиган иқтисодий ёки малака имкониятидан ҳам, маҳрум,

Шундай қилиб, **"даромадлар камбағаллиги"** ни эмас, балки ҳақиқий камбағаллик билан курашиш муаммоси, бир томондан, даромадларни сарфлаш хусусиятлари ва бошқа томондан мавжуд ресурсларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишдир. Ва бу бир хилликдан узоқ бўлган ҳамда ижтимоий сиёсатнинг тубдан фарқ қиладиган оқибатларини келтириб чиқарадиган **камбағаллик сабабларини** батафсил тушуниш зарурлигини англатади.

Ҳозирги даврда камбағаллик чегараси бир киши учун суткасига 3,2 АҚШ доллари миқдорида белгиланган. Агар бу миқдорни бир киши учун бир ойда 96 АҚШ доллар ташкил этишини ҳисобга олсак, Ўзбекистон оилалари ўртача сони 5 кишини ташкил этиши ва бу чегара бир оила учун 458,9 АҚШ долларини ташкил этиши керак. Айни пайтда аҳолининг пул даромадлари билан бирга натурал даромадлари ҳам бор. Натурал даромадларни тўлиқ статистик ҳисобга олиш имконияти чекланган. Демак, Ўзбекистон камбағаллик даражасини аниқлашда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўзининг миллий камбағаллик чегарасини белгилаб олиши талаб этилади.

Камбағалликнинг салбий оқибатлари:

1. Жиноятчиликнинг авж олиши. Жиноятчилик аҳолининг кам таъминланган ва кам даромадли қатламлари орасида кўпроқ учрайди, улар баъзан "кўп даромад топиш" нинг осон йўли, яъни жиноий шаклларига мурожаат қиладилар.

2. Саломатликнинг ёмонлашиши. Аҳолининг паст даромадли қисмининг соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда. Етарли даражада овқатланмаслик, гигиена меъёрлари йўқлиги, тиббий хизматни ўз вақтида олиш ёки самарали дори-дармонларни олишга имкон бермайдиган молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва бошқалар кам таъминланганлар орасида касалликларнинг кўпайишига олиб келади.

3. Алкоголизм ва кашандаликнинг ўсиши. Иш ўрни, даромади ва яшаш шароити бўлмаган одамлар ахлоқий кўрсатмаларни жуда тез ўзгартирадилар. Бу, ўз навбатида, турли хил носоғлом хатти-ҳаракатларга олиб келади, уларнинг энг жиддий шаклларидан бири алкоголизм ва кашандалик қилишдир.

4. Жамиятда ижтимоий кескинликнинг кучайиши. Камбағалликнинг юқори даражаси ҳам жамиятдаги ижтимоий кескинликнинг кучайишига сабаб бўлади. Бу, энг аввало, ҳукуматга ишончнинг камлиги, унга суяниб қолиши (барча ишни қилиб бериши керак, деган фикрга таянади) ва кам даромадли гуруҳларнинг мавжуд муаммоларини ҳал қилишга қодир эмаслиги билан боғлиқ.

5. Аҳолининг умумий маълумот даражасининг пасайиши. Даромади паст бўлган оилалар кўпинча ўзларини ўқиш учун зарур бўлган нарсалар билан тўлиқ таъминлай олмайдилар: ўқув қуроллари, кийим-кечак ва оддий овқатланиш. Оддий ўрта мактабларда кўплаб ўқитувчилар малакасининг пастлиги жиддий муаммо ҳисобланади.

6. Ижтимоий-демографик оқибатлар. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг қишлоқ жойлардан шаҳарларга (чет давлатларга) ишлаш мақсадида кўчиб кетиши, у ерда қонуний (ноқонуний) жойлашиб қолишга ҳаракат қилиши кузатилади.

Бу эса аҳолининг қўнимсизлигини вужудга келтиради. Ҳозирда ушбу тенденция кучли тарзда намоён бўлмоқда. Бундай ички миграциянинг асосий сабабларидан бири қишлоқ жойларида иш ўринларининг етишмаслигидир.

Камбағаллик қанча кўп бўлса, унинг салбий оқибатлари ҳам шунчалик ортиб бораверади.

24.5. Давлатнинг ижтимоий сиёсати. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари

Давлатнинг ижтимоий сиёсати табақалашган солиқ солиш йўли билан муайян марказлашган даромадларни шакллантириш ва уларни аҳоли турли гуруҳлари ўртасида бюджет орқали қайта тақсимлашдан иборат. Давлат даромадларни қайта тақсимлашда ижтимоий тўловлар билан бирга бозор нархларини ўзгартириш (масалан, фермерларга нархларни кафолатлаш) ва иш ҳақининг энг кам даражасини белгилаш усулларидан фойдаланади.

Ижтимоий тўловлар – кам таъминланганларга пул ёки натурал ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, бу уларнинг иқтисодий фаолиятда қатнашиши билан боғлиқ бўлмайди. Ижтимоий тўловларнинг мақсади жамиятдаги муносабатларни инсонпарварлаштириш ҳамда ички талабни ушлаб туриш ҳисобланади.

Аҳоли реал даромадлари даражасига инфляция сезиларли таъсир кўрсатиши сабабли даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим вазифаси **истеъмол товарлари нархларининг ўсишини ҳисобга олиш ва даромадларни индексациялаш,** яъни номинал даромадларни нархлар ўсишига боғлиқликда ошириб бориш ҳисобланади.

Шахсий даромадни ҳимоя қилишда ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши **аҳоли камбағал қатламини қўллаб-қувватлаш** ҳисобланади.

Амалий ҳаётда камбағалликнинг ўзи ҳаёт кечириш минимуми ёрдамида аниқланади. Бу ижтимоий ва физиологик

(жисмоний) минимумда ифодаланади. **Ижтимоий минимум жисмоний эҳтиёжларни қондиришнинг минимал меъёри билан бирга ижтимоий талабларнинг минимал харажатларини ҳам ўз ичига олади. Физиологик минимум эса фақат асосий жисмоний эҳтиёжларни қондиришни кўзда тутади.**

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қисмини аниқлашда турли хил мезонлар асос қилиб олинади. Улар жумласига даромад даражаси, шахсий мол-мулки миқдори, оилавий аҳволи ва шу кабилар киритилади.

Ижтимоий сиёсат – бу давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни юмшатишга ва бозор иқтисодиёти қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсатдир.

Республикада бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий сиёсат, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилади ҳамда алоҳида йирик йўналишларда амалга оширилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг асосий йўналиш – бу **нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш** ҳисобланади. Бунда Республиканинг ўзига хос ёндашуви ишлаб чиқилиб, даромадлар нисбатини ўзгартириш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, жамғарма банклардаги аҳоли омонатлари ставкаларининг энг оз миқдорини бир вақтнинг ўзида қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади. Даромадлар нисбатини ўзгартиришда жорий этилган янги ягона тариф сеткаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу барча тоифадаги ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорларини тариф коэффициентлари орқали, энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг иккинчи йўналиши –

ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўлди. Бунга эришишда муҳими маҳсулотлар экспортини божхона тизими орқали назорат қилиш ва уларга юқори бож тўловлари жорий этиш, кундалик зарур товарларни меъёрланган тарзда сотишни ташкил қилиш каби тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий валюта жорий этилиши билан озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан воз кечиш эркин нархларга ўтиш имкониятини яратади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг илк босқичида ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг учинчи йўналиши – аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказилганлиги бўлди. Бу йўналишда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари – пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар ҳамда қайд этилган миқдорда даромад олувчи кишилар турли хил йўллар билан ҳимоя қилиб борилди.

Ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш – ижтимоий сиёсатни амалга оширишга, ижтимоий ҳимоя воситасини кучайтиришда сифат жиҳатдан янги босқич бошлашини билдиради.

Янгиланган ижтимоий сиёсат адолат тамойилларига изчиллик билан риоя қилишга асосланиб, ижтимоий кўмаклашишнинг мавжуд усулларини ва пул билан таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартиришни тақозо қилади. Бу сиёсат ижтимоий ҳимоя аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб олишни кўзда тутади. Ёрдам тизими фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатан қўлланилиб, шу мақсад учун давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, турли ташкилот ҳамда жамғармаларнинг маблағларидан ҳам фойдаланилади.

Ижтимоий кўмаклашишнинг янги тизимида болалар ва кам даромадли оилалар ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар ҳисобланиб, улар учун ҳамма нафақа ва моддий ёрдамлар фақат маҳалла орқали етказиб берилади. Шу мақсадда маҳаллаларда бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ҳосил қилинди.

Ижтимоий кўмаклашишнинг янги тизими меҳнатга рағбатлантирадиган омиллар ва воситалар янги тузилмаси пайдо бўлишини ҳам тақозо қилади. Шундай қилиб, ислоҳотлар даврида давлат аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз меҳнат фаолияти орқали оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилувчи кишилар учун тенг шароит ва қулай имконият яратишга ҳаракат қилади. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бунинг яққол далилидир.

Шуни эътиборда тутиш лозимки, республикамизда кейинги йилларда аҳолининг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида аниқ йўналтирилган самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида мақсадли умуммиллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш янада фаоллаштирилмоқда. 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республика Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида бир қатор йўналишларни ривожлантириш кўзда тутилган. Жумладан, ушбу фармоннинг 4-йўналишида “ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация

ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш”га[185] алоҳида эътибор берилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланди.

Қишлоқ жойларда – 17100 та, шаҳарларда – 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди.

Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди.[186]

Ўтган давр мобайнида Кадрлар тайёрлаш ва Мактаб таълими ривожлантириш умуммиллий дастурлари доирасида аҳамиятли ишлар амалга оширилди. Жумладан:

Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди.

[185] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

[186] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 декабрь.

Шунингдек, тадқиқотлар натижаси ўлароқ ижтимоий ҳимоя тизими кадрларини узлуксиз ўқитиш, кадрларга қўйиладиган касбий талабларни ижтимоий ҳимояси билан шуғулланувчи ягона давлат муассасасини ташкил этиш, соҳа бўйича таълим тизимини халқаро стандартларга мослаштириш экспертлар томонидан таклиф этилди.

Мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошлаган ислоҳотларимиз натижасида ўтган йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари ташкил этилди. Шунинг ҳисобидан фарзандларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди.

2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.[187]

Буларнинг барчаси мамлакат аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, унинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулосалар

1. Аҳоли турмуш даражаси тушунчасини уларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси сифатида таърифлаш мумкин.

[187] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 декабрь.

2. Фаровонликнинг энг қуйи чегарасини оила даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, даромаднинг бундан паст даражасида ишчи кучини такрор ҳосил қилишни таъминлаб бўлмайди. Бу даража моддий таъминланганлик минимуми ёки кун кечириш даражаси (қашшоқликнинг бошланиши) сифатида чиқади.

3. Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади. Натурал даромад меҳнат ҳақи ҳисобига олинадиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотларидан иборат бўлади.

4. Дунёдаги барча мамлакатлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар даражаси билан бир-биридан кескин фарқланади. Бу турли мамлакатлар аҳолисининг даромадлари даражаси ўртасида тенгсизлик мавжудлигини билдиради.

5. Давлатнинг ижтимоий сиёсати тегишли марказлашган даромадларни табақалашган солиқ солиш йўли билан шакллантириш ва уни бюджет орқали аҳоли турли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимлашдан иборат.

6. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг асосий йўналиш – бу нархларнинг ошиб ва пул қадрининг тушиб ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади.

Асосий таянч тушунчалар:

Аҳоли даромадлари – аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натурал шаклда олган даромадлари миқдори.

Номинал даромад – аҳоли томонидан пул шаклида олинган даромадлари суммаси.

Ихтиёрида бўлган даромад – барча солиқлар тўлангандан кейин қолган даромад, яъни шахсий истеъмол ва жамғарма мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган даромад.

Реал даромад – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб аҳоли ихтиёридаги даромаднинг зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни сотиб олишга етадиган қуввати, яъни аҳоли даромадининг харид қуввати.

Лоренц эгри чизиғи – даромадлар тенгсизлиги даражасини миқдорий жиҳатдан ифодаловчи геометрик эгри чизиқ.

Ижтимоий тўловлар – кам таъминланганларга пул ёки натурал шаклда ёрдам кўрсатишга қаратилган турли хил тўловлар.

Ижтимоий сиёсат – давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни, иқтисодиёт қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсат.

Камбағаллик – инсоннинг ҳаттоки бирламчи эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун етарли бўлмаган пул даромадига ва моддий мол-мулкка эга эмаслигидир.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Давлатнинг аҳоли даромадларини шакллантириш сиёсати деганда нимани тушунасиз? Ижтимоий адолатни таъминлашда бу сиёсатнинг роли қандай?
2. Аҳоли даромадлари тушунчасини ва унинг даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни санаб кўрсатинг.
3. Турмуш даражаси ва унинг тушунчасига изоҳ беринг. Турмуш даражасини қандай кўрсаткичлар тавсифлаб беради?
4. Даромадлар тенгсизлигининг асосий сабабларини санаб кўрсатинг ва тушунтириб беринг.
5. Лоренц эгри чизиғи нимани англатади? Унинг мазмунини мисоллар ёрдамида баён қилинг.
6. Жини коэффициенти қандай аниқланади? Ривожланган

мамлакатларда мазкур коэффициент қийматининг ўзгариш тенденциялари нима билан изоҳланади?

7. Ўзбекистонда давлат ёрдам дастурлари тизимини ислоҳ қилиш ва уни ҳозирги даврдаги асосий йўналишларини изоҳланг.

8. Мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури доирасида қандай ишлар амалга оширилди?

9. Кейинги йилларда Ўзбекистонда аҳоли даромадларини ошириш борасида қандай натижалар қўлга киритилмоқда?

10. Мамлакатимиздаги аҳоли даромадлари таркибининг ўзгаришида қандай тенденциялар кузатилмоқда?

IV БЎЛИМ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ

25-боб. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Олдинги бўлим ва бобларда иқтисодий муносабатларнинг намоён бўлиш қонуниятлари ва хусусиятлари алоҳида олинган хўжаликлар тармоқлар ва миллий иқтисодиёт миқёсида кўриб чиқилган эди. Шунингдек, бу муносабатларни нафақат алоҳида хўжалик субъектлари ва миллий иқтисодиётлар, балки бутун жаҳон хўжалигига нисбатан ҳам кўриб чиқиш муҳим ҳисобланиб, бунда мазкур муносабатларнинг намоён бўлиш шакллари мазмун жиҳатдан фарқланади.

Бу ҳолатлар жаҳон хўжалиги алоқалари ва уларнинг миллий хўжаликларнинг иқтисодий ривожланишига таъсирини алоҳида таҳлил қилишни тақозо этади. Шунга кўра ушбу бобда жаҳон хўжалигининг таркиб топиши, бунда ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви ва глобаллашув жараёнларининг ўрни, халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари, жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши, жаҳон хўжалиги алоқаларини халқаро тартибга солиш масалалари баён этилади.

25.1. Иқтисодий ривожланишнинг умумжаҳон томонлари ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги ривожининг муҳим тамойили миллий хўжаликларнинг байналминаллашуви, шу асосда жаҳон хўжалиги ва аввало жаҳон бозорининг шаклланиши ва ривожланишидан иборат. Инсоният тараққиёти учун ижобий бўлган бу жараёнга етмиш йилдан ортиқ давр давомида дунёнинг икки қарама-қарши ижтимоий-сиёсий тизимига бўлинганлиги салбий таъсир кўрсатиб келди. Ҳозир янги давр бошланди, дунёнинг иқтисодий ривожланиши ва шунга мос равишда Ўзбекистон билан жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг бутунлай янги имкониятлари вужудга келди. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларнинг кенгайиши ва чуқурлашуви ҳар икки томон учун иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан фойдали ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши, унинг миллий хўжалиги кўп даражада нафақат бу мамлакатнинг ички имкониятлари билан, балки унинг халқаро ижтимоий меҳнат тақсимотида қатнашиш даражаси ва миқёси, бутун инсоният ресурслари билан аниқланади.

Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бири – турли мамлакатлар ва минтақалар хўжаликлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ўсиб, ривожланиб бориши ҳисобланади.

Жаҳон хўжалиги бирданига шаклланган тизим эмас, у узоқ даврни ўз ичига олган тарихий жараён ҳисобланади. Турли мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар дастлаб чекланган турдаги ва миқдордаги товарлар савдоси шаклида келиб чиқиб, бу қулдорлик ва феодализм даврларида ҳам мавжуд бўлган. Бунга мисол қилиб, қадимдан Ўрта Осиёда жойлашган мамлакатларнинг Ҳиндистон, Хитой, Араб ва бошқа мамлакатлар билан, иккинчи томондан эса, Европа мамлакатлари билан “Буюк ипак йўли” орқали олиб борган

турли хил савдо-сотиқ ишларини кўрсатиш мумкин.

Айрим маълумотларга қараганда Рим империяси даврларида ҳам турли хил халқаро савдолар, айниқса, қул савдоси амалга оширилган. Лекин у даврда асосан натурал ишлаб чиқариш ҳукмрон бўлиб, товарлар савдоси ва иқтисодий алоқалар жуда чекланган ҳолда бўлган. Кейинчалик товар ишлаб чиқариш ва товар-пул муносабатларининг ривожланиши, олтиннинг ягона жаҳон пули сифатида тан олиниши буюк географик кашфиётлар, мустамлакачиликнинг ривожланиши, халқаро меҳнат тақсимотининг кучайиши жаҳон бозорининг пайдо бўлиши ва ривожланиши илмий техника тараққиётининг жадаллашуви, глобаллашув жараёнларининг кучайиши каби қатор омиллар турли мамлакатлар иқтисодиётини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланишга ва аста-секинлик билан жаҳон иқтисодиёти тизимига бирлашишига туртки бўлди.

Айниқса, ҳозирги даврда умумжаҳон муаммолари: совуқ урушнинг олдини олиш ва тинчликни таъминлаш; экологик бузилишнинг олдини олиш; чекланган энергия ва ёқилғи манбаларидан самарали фойдаланиш; энергиянинг янги манбаларини топиш (масалан, қуёш энергиясидан фойдаланиш); ривожланган ва кам тараққий этган мамлакатлар ўртасидаги зиддият ва кескинликни юмшатиш; халқаро терроризмга ва гиёҳвандликка қарши курашиш каби муаммоларни биргаликда ҳал қилиш масаласи миллий хўжаликларни жаҳон хўжалигига бирлашишни зарур қилиб қўймоқда. Жаҳон хўжалигининг аста-секинлик билан шаклланишини, унинг ривожланиш босқичларини кўриб чиққанда янада равшанроқ кўринади.

Бу масалада ҳам иқтисодий адабиётларда турлича ёндашувлар мавжуд. Уларнинг айримларида жаҳон хўжалигининг ривожланишини 5 босқич деб, айримларида эса 4 босқич деб берилади. Масалан, Е.Ф.Борисов жаҳон хўжалиги шаклланишининг тўртта босқичини ажратиб кўрсатади. Биз мисол тариқасида ушбу босқичларни баён қиламиз.

Биринчи босқич ишлаб чиқаришнинг саноатлашувидан

олдинги даврда вужудга келиб, дастлаб ўша даврдаги кишилар жамоалари ёки қабилалари ўртасида пайдо бўлган савдо айирбошлашуви кейинчалик товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан турли мамлакатлар ўртасидаги доимий товар алмашуви – **халқаро савдо**нинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди.

Иккинчи босқич ишлаб чиқаришнинг саноатлашув даврига тўғри келиб, йирик машиналашган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва тадбиркорларнинг кўпроқ фойда олишга интилиши, ташқи савдони деярли барча миллий хўжаликларнинг таркибий қисмига айлантириб қўйиши натижасида XVIII-XIX асрларда ривожланган жаҳон бозори пайдо бўлди.

Учинчи босқич XIX-XX асрларга тўғри келиб, бу даврда **жаҳон хўжалиги тизими** шаклланди.

Тўртинчи босқич XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, яъни кўплаб мустамлака мамлакатларнинг сиёсий қарамликдан озод бўлиши натижасида замонавий жаҳон иқтисодиётида ижобий ўзгаришларнинг янги тенденциялари пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу тенденциялар қуйидагилардан иборат:

– иқтисодий манфаатдорлик асосидаги халқаро ҳамкорлик;

– ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви;

– жаҳон миқёсидаги бозор маконларининг кенгайиши;

– жаҳон хўжалиги алоқалари мажмуининг ривожланиши[188]

Баъзи манбаларда «Жаҳон хўжалиги», тушунчасининг кенг ва тор маънолари фарқланади[189]. Кенг маъносига кўра, жаҳон хўжалиги – бу жаҳондаги барча миллий иқтисодиётларнинг йиғиндисидир. Тор маъносига кўра – бу миллий иқтисодиётларнинг фақат ташқи дунё билан ўзаро алоқада бўлган қисмлари мажмуидир. Бироқ, бу иккала маъно ўртасидаги тафовут борган сари сезилмай қолмоқда,

[188] Борисов Е.Ф. Экономическая теория: учеб. – 4-е изд., перераб. и доп. – М. : Высшее образование, 2008, с.497-499.

[189] Экономика: Учебник, 3-е изд., перераб. и доп. / Под ред. д-ра экон. наук, проф. А.С.Булатова. – М.: Экономистъ, 2005, с.691.

чунки барча мамлакатларда ташқи дунё билан бевосита ёки билвосита алоқага киришмаган тармоқ ёки соҳалар тобора камайиб бормоқда.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, **жаҳон хўжалиги – бу халқаро меҳнат тақсимоти асосида савдо, ишлаб чиқариш, молиявий, илмий-техникавий ва бошқа шаклдаги иқтисодий ҳамкорлик ва алоқалари кучайган, ўзаро манфаатдорлик мақсадида бирлашган турли мамлакатлар хўжаликларининг умумий тизимидир.**

Жаҳон хўжалиги субъектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ўз ичига миллий иқтисодиёт мажмуасини олувчи турли мамлакатлар;
- трансмиллий корпорациялар;
- халқаро ташкилот ва институтлар;
- миллий иқтисодиёт чегарасидан чиққан, барча соҳалар, хўжаликлар ва фирмалар.

Жаҳон бозорининг ўзига хос хусусияти бўлиб жаҳон нархлари ва халқаро рақобат тизимининг амал қилиши ҳисобланади. Айнан халқаро рақобатнинг мавжудлиги турли даражадаги миллий қийматларни ягона байналминал қийматга келтиради. Жаҳон нархи жаҳон бозорига неъматларнинг асосий ҳажмини етказиб берувчи мамлакатлардаги шарт-шароитлар орқали аниқланади. Мамлакатлар ўртасида сотиш бозорларини эгаллаш учун кескин рақобат кураши олиб борилади.

Жаҳон хўжалигида ҳар бир ўзгаришлар (жаҳон бозоридаги нархлар ҳаракати ва алоҳида мамлакатнинг экспорт имкониятидан тортиб дунё иқтисодиётидаги таркибий силжишлар ва халқаро монополиялар фаолиятигача) дунёдаги барча мамлакатлар манфаатини ўзига тортади. Мамлакатнинг савдо, ишлаб чиқариш, валюта-молия соҳаларидаги жаҳон тамойилларига боғлиқлик объектив реаллик ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳар қандай мамлакатни унинг иқтисодиёти

қандай ривожланган бўлишидан қатъий назар, жаҳон хўжалиги алоқаларига жалб қилмасдан тўлақонли иқтисодий ривожланишини таъминлаш мумкин эмас. Шу сабабли Президентимиз Ш.Мирзиёев «жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим»1, деб таъкидлайди.

Шуни амалга ошириш мақсадида "давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш" [190]стратегик вазифа сифатида қўйилди.

Дунё бир-биридан мақсадлари, амал қилиш механизми билан фарқланувчи турли хил ижтимоий-иқтисодий тузумлар, халқаро гуруҳларга бўлинган. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлаш ҳар хил мезонлар асосида амалга оширилади.

Турли мамлакатларнинг **иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари**нинг турли-туманлиги улар тараққиёт даражасини қандайдир битта нуқтаи-назардан баҳолаш имконини бермайди. Шунга кўра, мазкур мақсадда бир неча асосий кўрсаткич ва мезонлардан фойдаланилади:

– мутлақ ва нисбий ЯИМ;

– миллий даромад ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдори;

– миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси;

– мамлакат экспорти ва импорти таркибий тузилмаси;

– аҳолининг турмуш даражаси, сифати ва бошқалар.

Мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги ўрнини аниқлашда бир неча ёндашувлар мавжуд. Улардан энг оддийлари – мамлакатларни **аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад даражаси** бўйича гуруҳларга ажратиш ҳисобланади. Бундай

[190] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова.

ёндашув БМТ, Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки (ЖТТБ) томонидан қўлланилади. Масалан, ЖТТБ даромад даражасига кўра мамлакатларнинг учта гуруҳини фарқлайди. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромадларнинг қуйидаги чегаравий миқдорлари белгиланган:

- даромадларнинг паст даражаси – 765 долларгача (49 та мамлакат);
- даромадларнинг ўртача даражаси – 766 доллардан 9385 долларгача (58 та мамлакат);
- даромадларнинг юқори даражаси – 9386 доллар ва ундан юқори (26 та мамлакат).

Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлашга умумий асосда ёндашиб **хўжалик тизимларининг хусусиятларига** мос равишда давлатларнинг учта гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин: ривожланган, бозор иқтисодиётига асосланган ҳолда ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти мавжуд бўлмаган мамлакатлар. **Ривожланганлик даражаси** бўйича ҳам ўз навбатида учта гуруҳ фарқланади: паст, ўртача ва юқори ривожланган мамлакатлар. Шимоли-шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ), юқори даромадли нефть экспорт қилувчи мамлакатлар (Саудия Арабистони, Қувайт ва бошқалар), энг кам ривожланган мамлакатлар (ЭКРМ), шу жумладан энг камбағал мамлакатлар (Чад, Бангладеш, Эфиопия), ҳар хил минтақавий иттифоқлар ва байналминал гуруҳларга ажратилади. Бу барча турли-туманлик бир бутун яхлитликка ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг ҳар хил жиҳатлари орқали тортилади. Ҳозирги хўжалик алоқаларининг чуқурлашиб бораётганлиги, байналминаллашувнинг кучайиши ҳамда фан-техника инқилобининг кенг қамровли тавсифи, алоқа ва коммуникация воситаларининг бутунлай янги роли шароитида миллий иқтисодиёт ўз-ўзини таъминлаш орқали самарали амал қилиши мумкин эмас.

Жаҳон хўжалик алоқаларининг тез ўсиши шундай даврларга тўғри келадики, бу даврда ишлаб чиқариш омилларининг

ҳаракати тезлашади, капитал миллий чегарадан чиқади, ишчи кучи миграцияси кучаяди, халқаро меҳнат тақсимотининг шаклланиш жараёни тезлашади. Бу шундан гувоҳлик берадики, хўжалик алоқаларининг байналминаллашувини кўп жиҳатдан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш мантиқи тақозо қилади, яъни у миллий чегарадан ўсиб чиқади ва объектив равишда ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувини зарур қилиб қўяди.

Ишлаб чиқариш ёки иқтисодий ҳаётнинг байналминаллашуви – бу мамлакатларнинг жаҳон миқёсида иқтисодий алоқаларининг кучайиши ҳамда иқтисодий муносабатларнинг тобора кенгроқ жабҳаларини қамраб олиш жараёни ҳисобланади.

Барча иқтисодий жараёнларнинг байналминаллашуви натижасида жаҳон хўжалигининг қуйидаги таркиби вужудга келди:

1) товар ва хизматлар жаҳон бозори;
2) капиталлар жаҳон бозори;
3) ишчи кучи жаҳон бозори;
4) халқаро валюта тизими;
5) халқаро кредит-молия тизими.

Бундан ташқари, байналминаллашув ахборотлар, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари, маданият соҳаларида ҳам ривожланмоқда. Ягона илмий-ахборот макони шаклланмоқда.

Халқаро савдо миллий давлатларнинг пайдо бўлиши билан улар орасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг ифодаси сифатида қадимдан амал қилиб келган бўлсада, бу ҳали жаҳон бозори мавжудлигини англатмас эди. Жаҳон бозори фақат йирик машиналашган саноатнинг пайдо бўлиши билан дастлаб бир қатор мамлакатлар ўртасида вужудга келиб, XX асрнинг бошларида жаҳоннинг барча мамлакатларини қамраб олди.

Алоҳида мамлакатлар миллий бозори ҳамда жаҳон бозори фарқланади. Жаҳон бозори бир қатор ўзига хос хусусиятларга

эга. Агар миллий бозорда товарлар ҳаракати иқтисодий омиллар (ишлаб чиқариш алоқалари, транспорт, хомашё, меҳнат ресурслари ва ҳ.к.) билан боғлиқ бўлса, товарларнинг жаҳон бозорига бу омиллардан ташқари алоҳида давлатларнинг ташқи иқтисодий сиёсати аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Миллий хўжаликлар ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар негизида шаклланган жаҳон хўжалиги асосида халқаро меҳнат тақсимоти ётади.

Халқаро меҳнат тақсимоти алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматларнинг маълум турларини ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашувини ифодалайди. Алоҳида мамлакатларнинг бундай ихтисослашуви маҳсулотлари устун даражада экспортга йўналтирилган халқаро ихтисослашган тармоқларнинг шаклланишига олиб келади.

Дастлабки вақтларда халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши асосан табиий шароитлардаги тафовутларга асосланган эди. Бинобарин, фақат саноат тўнтаришидан кейин, яъни ишлаб чиқарувчи кучлар байналминал хусусият касб этиб, миллий хўжаликлар доирасидан ташқарига ўсиб чиқа бошлагач, уларнинг негизида барқарор меҳнат тақсимоти ва жаҳон бозори таркиб топади. Ҳозирги вақтда халқаро меҳнат тақсимоти турли ижтимоий тизимларни ўз ичига олувчи умумжаҳон хўжалиги доирасида ривожланмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимоти ва айирбошлашда қатнашаётган мамлакатлар бир хил шароитда эмас. Бу ҳол уларнинг турли географик аҳволи, табиий ресурсларининг таркиби ва миқдори, ривожланиш кўлами, даражаси ва иқтисодиётининг тузилиши, ички бозорнинг ҳажми билан белгиланади.

Ана шу фарқлар сабабли айрим мамлакатларда бир хил товарларни ишлаб чиқаришдаги харажатлар даражаси ҳам турлича бўлади. Шунинг учун ҳар бир мамлакат ўзи нисбатан қулайроқ, камроқ харажат билан ишлаб чиқарадиган товарларни бошқа мамлакатларга сотишга ҳаракат қилади. Аксинча, ишлаб чиқариш нисбатан кўпроқ харажат талаб қиладиган ёки табиий ва бошқа шароитларга кўра умуман

ишлаб чиқариб бўлмайдиган товарларни жаҳон бозоридан сотиб олишга интилади.

Товарлар мамлакатлар ўртасида жаҳон нархлари асосида айирбошланади. Улар байналминал қийматга асосланади. Бунинг маъноси шуки, **ижтимоий зарурий байналминал меҳнат сарфлари** жаҳон бозорида эътироф қилинади. Умуман олганда, жаҳон нархларининг ташкил топиши одатда соф ҳолда амалга ошмайди. Байналминал қийматнинг ҳосил бўлишига тўсқинлик қилувчи махсус омиллар жаҳон нархларига таъсир қилади. Ташқи савдо ва валюта чекловлари, валюталар қийматининг ўзгариб туриши, халқаро монополиялар сиёсати, биржадаги чайқовчиликлар ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Шу сабабли айрим мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги рақобатлашув қобилиятидаги фарқлар, пировард натижада меҳнат унумдорлигининг миллий даражадаги фарқларини акс эттиради.

Ривожланган мамлакатларда кейинги ўн йилликларда янги технологик асосларга ўтиш жаҳон хўжалик алоқаларининг тез ўсиши билан бирга борди. Такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг байналминаллашуви ўзининг ҳар иккала шаклида: **интеграцион** (миллий хўжаликларнинг яқинлашуви, ўзаро мослашуви орқали) ва **трансмиллий** (халқаро ишлаб чиқариш мажмуасининг тузилиши орқали) шаклларида кучаяди. Жумладан, бутун дунёда минтақавий давлатлараро иқтисодий интеграциянинг қарор топиш тамойили кузатилади. Хусусан, ривожланган Европа интеграцион ҳамжамияти (ЕИ) доирасида товарлар, хизматлар ва ишчи кучининг эркин ҳаракати амалга оширилади. Шимолий Америка умумий иқтисодий ҳамкорлиги АҚШ, Канада ва Мексика иқтисодиётининг интеграциясини кўзда тутади. Давлатлараро интеграциянинг кучайиши жанубий-шарқий Осиё, Ўрта Осиё, араб дунёси, Африка ва Марказий Америка мамлакатлари учун ҳам хусусиятли бўлмоқда.

25.2. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви йўналишлари ва зиддиятлари

Иқтисодий ҳаётнинг байналминаллашуви билан бир қаторда глобаллашуви жараёни ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ҳар иккала тушунча ўзаро боғлиқ бўлиб, улар жаҳон хўжалиги субъектларининг умумий мақсадларга эришиш йўлидаги хатти-ҳаракатларининг бирлашуви жараёнини акс эттиради. Шунингдек, бу тушунчалар бир-биридан фарқланади. Биринчидан, улар бир хилда бўлмаган хўжалик бирлашмалари миқёсларини ифодалайдилар. Олдинги ўринда кўрсатилганидек, байналминаллашув жаҳон хўжалигининг бир неча субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ўрнатилиши ва ривожланишининг дастлабки босқичи ҳисобланади. **Глобаллашув (лотинча globus – ер курраси) жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.** Бугунги кунда глобаллашув жараёни аҳамиятининг тобора ошиб бориши иқтисодий адабиётларда унинг ривожланиш йўналишлари ва зиддиятлари каби масалаларнинг ҳам кўриб чиқилишини тақозо этмоқда[191].

Глобаллашув узоқ вақт давомида таркиб топувчи ҳамда бутун борлиқни қамраб олувчи башарият миқёсидаги иқтисодий тизимни намоён этади. Ҳозирда у жаҳон хўжалигининг умумжаҳон тавсифига эга ҳамда яхлит ҳолда бутун инсониятга тааллуқли бўлган маълум бир унсурларни ўз ичига олиши мумкин. Шунга кўра, ҳозирги вақтда жаҳон хўжалигининг глобаллашув йўлидаги ривожланишининг дастлабки қадамлари, йўналишлари амалга ошмоқда. Глобаллашувнинг йўналишлари макроиқтисодиётга нисбатан сифат жиҳатидан янги бўлган иқтисодий муносабатлар турининг таркиб топишига олиб келади. Глобаллашув жараёнининг қуйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

[191] Борисов Е.Ф. Экономическая теория: учеб. – 4-е изд., перераб. и доп. – М. : Высшее образование, 2008, с.514-524.

Биринчи йўналиш – **мулкчилик муносабатларининг глобаллашуви.** Ҳозирда мулкий ўзлаштиришнинг мамлакатлар ҳудудидан четга чиқувчи, кўплаб давлатларнинг иштироки асосида рўй берувчи кўринишлари амал қилмоқда. Буларга трансмиллий корпорациялар (ТМК), шунингдек ТМКнинг халқаро бирлашмаларини мисол келтириш мумкин.

Европа Иттифоқи тажрибаси шуни кўрсатадики, минтақавий интеграциялашув миллий тузилмалардан юқори турувчи органларни таркиб топтириши мумкин. Бу органлар ЕИга аъзо давлатларнинг мулкчилик муносабатларини ҳам маълум даражада тартибга солади.

Иккинчи йўналиш – **кооперация ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражасига ўтиш.** Юқори даражада ривожланган мамлакатлар ҳозирги замон мураккаб меҳнат кооперациясига хос бўлган хўжалик ўзаро алоқаларининг жуда катта тармоғига киришиб кетганлар. Энг мукаммал техника воситаларини яратишда турли мамлакатлардан етказиб берилувчи кўплаб бутловчи қисмлардан фойдаланилади. Масалан, АҚШ «Боинг» самолётини ишлаб чиқаришда бутловчи қисм ва деталларни мингга яқин хорижий фирмалардан олади.

Учинчи йўналиш **– хўжаликни ташкил этишнинг бутунлай янги шаклларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.** Жаҳонда хўжалик алоқаларини ташкил этиш шаклларининг тубдан ўзгариши кўп жиҳатдан ахборот тарқатишнинг глобаллашуви билан боғлиқ. Жумладан, янги асримизнинг дастлабки даври учун қуйидаги жараёнлар хос: а) бутун жаҳонни тўлиқ компьютерлаштиришни тақозо этувчи глобал ахборот тизимлари (Интернет) янада ривожланади; б) сунъий йўлдошлар имкониятларидан фойдаланишнинг янги тизими уяли телефон алоқасидан йўлдошлар орқали таъминланувчи глобал алоқага ўтиш имконини беради; в) инсоният очиқ ахборотлари ривожланган жамият томон интилади; г) Интернет орқали савдо тизими кенг ривожланади.

Тўртинчи йўналиш **– халқаро иқтисодий ташкилотларнинг тартибга солувчи роли ривожланади.** Жаҳон хўжалиги субъектларининг ўзаро алоқаси ҳамда ўзаро боғлиқлигининг кенгайиши ва кучайиши глобал муаммоларни ҳал этишда тобора кўпроқ давлатларнинг иштирок этишини тақозо этади. Бунга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиш ва унинг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида 20 та ривожланган мамлакатлар иштирокида ўтказилган Саммитларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ва шунга ўхшаш муаммоларнинг мураккаблашуви уларнинг ўз вақтида ва тезкорлик билан ҳал этилишида ҳукуматлараро ва ноҳукумат (ишлаб чиқарувчилар, компаниялар ва фирмалар, илмий жамиятлар ва бошқа ташкилотларнинг бирлашмалари) халқаро иқтисодий ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини заруриятга айлантиради.

Шунингдек, жаҳон хўжалиги глобаллашуви жараёнларининг зиддиятли томонлари ҳам мавжуд. Бу зиддиятларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1) турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги.

Иқтисодий ўсишнинг жадаллашувида илмий-техника инқилоби (ИТИ) ҳал қилувчи роль ўйнайди. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб янги техника ва технологияларга «сакраб» ўтилиши ўзига хос «туташ занжир» ҳосил қилди. Глобал миқёсдаги ахборотлаштириш натижасида турли мамлакатларнинг технологик жиҳатдан бараварлашуви тенденцияси кучайди. Ахборот, алоқа ва транспорт воситалари ривожланишидаги техникавий тўнтариш ер шарининг барча минтақаларида ИТИ ютуқларини тезлик билан ўзлаштириш имконини берди. Натижада, бир мамлакатда яратилган янги техника ва технологиялар, сунъий тўсиқларни бартараф этган ҳолда, жаҳон бўйича тезлик билан тарқалмоқда. Бироқ, XX асрнинг охирига келиб, жаҳон хўжалигидаги иқтисодий ўсиш суръатларида жиддий тафовутлар сезилмоқда. Биринчидан, ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг кўпайиш

тезлиги жуда ўсиб кетди. Аҳоли жон бошига ЯИМ ўсиш тенденциясига эга бўлган ривожланаётган мамлакатлар сони кўпайди. Иккинчидан, иқтисодий ривожланиш суръатларидаги тафовутлар натижасида ғарб мамлакатлари иқтисодий қудратининг секин-аста, бироқ мунтазам равишдаги нисбатан пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Баъзи мамлакатлар ўзларининг иқтисодий ўсиш суръатларини сезиларли даражада оширган ҳолда замонавий саноатлашган ишлаб чиқаришнинг энг юқори даражасига эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, 1970-1980 йилларда янги индустриал мамлакатларнинг «дастлабки авлоди» – Корея Республикаси, Тайвань, Сингапур ва Гонконг анча тез суръатларда ривожланди. 1990 йилларнинг охирига келиб янги индустриал мамлакатларнинг «иккинчи авлоди» – Индонезия, Филиппин, Малайзия, Таиланд жадал суръатда тараққий этди. Улар ривожланган мамлакатлар билан нафақат анъанавий ишлаб чиқариш соҳалари, балки мураккаб техника маҳсулотлари, жумладан ишлаб чиқариш воситалари бозори бўйича рақобатлаша бошладилар. Бироқ, ҳали жаҳон хўжалиги таркибида ишлаб чиқаришнинг саноатлашуви даражасига етмаган, тараққиётда илгарилаб кетган мамлакатларга етиб олиш учун зарур ресурсларга эга бўлмаган кўплаб мамлакатлар ҳам мавжуд.

2) бой ва қашшоқ мамлакатлар ўртасидаги фарқнинг кучайиши.

Жаҳон миқёсида яратилган маҳсулот ва даромадларнинг турли мамлакатлар ўртасидаги тақсимоти ўта даражада нотекис бормоқда. XX асрда ер шари аҳолисининг энг бой чорак қисми ЯИМнинг ўртача жон бошига 6 баравар ўсишига эришган бўлса, энг камбағал чорак қисми эса бу кўрсаткичнинг 3 баравар ўсишига эришган холос.

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги даврда жаҳонда очликка маҳкум кишилар сони 500 млн.га етади, уларнинг деярли ярми очлик ва тўйиб овқатмаслик ҳамда бунинг оқибатида келиб чиқувчи

турли касалликлар натижасида ўлимга маҳкумдирлар. 1 млрд.дан ортиқ кишилар етарли даражада овқатланмаслик муаммосига дуч келмоқдалар. Шунингдек, «яширин очлик» – сифатли ва тўлиқ овқатланмаслик ҳам кенг тарқалган. Шунга қарамай, фан ва техниканинг замонавий даражаси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни аҳамиятли даражада кўпайтириш имконини бериб, у нафақат ҳозир, балки келгусида яшаши мумкин бўлган барча аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондира олади.

3) экологик ҳалокат таҳдидларининг кучайиб бориши.

Инсоният тараққиётининг бутун тарихи давомида хўжалик фаолиятининг табиатга таъсири у қадар аҳамиятли бўлмай, табиат ўзининг экологик мувозанатини қайта тиклашга қодир бўлиб келган. Бироқ, ҳозирга келиб, атроф-муҳитга кўрсатилаётган таъсир шунчалик кучайиб кетдики, натижада табиат ўзини-ўзи қайта тиклаш қобилиятини йўқотиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, кейинги 200 йил ичида ер юзидаги 900 мингга яқин турдаги ўсимлик ва ҳайвонлар қирилиб кетган.

Фойдали қазилмаларнинг баъзи бир қайта тикланмас захиралари тугаб бормоқда, ўрмон материаллари ресурслари ва хомашёнинг бошқа турлари қайта тикланиб улгурмаяпти. Ер юзидаги иқлимнинг ўзгариши, озон қатламининг сийраклашуви, бошқа ҳалокатли жараёнларнинг кучайиши цивилизацияга жиддий таҳдид солмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг табиий муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида тозалаш қурилмалари ва бошқа экологик ҳимоя воситаларини барпо этиш учун йирик капитал қўйилмалар талаб этилади. Глобал экологик муаммоларни ҳал этиш учун бутун дунё мамлакатлари ва халқларининг кучларини бирлаштириш лозим бўлади.

4) турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг фарқланиши.

Яна бир глобал зиддият сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида бошланган демографик «портлашлар», яъни ер шари аҳолиси сонининг жадал ўсиши кўрсатилади. Айниқса,

ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг тез ўсиши бир қатор жиддий ижтимоий-иқтисодий зиддиятларни келтириб чиқаради. Баъзи бир мамлакатлардаги аҳоли сонининг кўпайиши натижасида рационал хўжалик юритишга тўсқинлик қилувчи аҳолининг нисбий ортиқчалиги белгилари кўзга ташланади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига қарамай аҳоли жон бошига истеъмол, айниқса ривожланган мамлакатлардаги истеъмол даражаси билан таққослаганда кишиларнинг ҳақиқий эҳтиёжларига қараганда паст даражада қолмоқда. Бу каби ҳолатлардан баъзи бир демограф-олимлар асоссиз равишда, кескин хулосалар чиқариб, аҳоли нуфузи жараёнлари устидан давлат миқёсидаги назоратларнинг ўрнатилиши, жумладан оилани режалаштириш дастурларини ишлаб чиқиш каби даъволарини кучайтирмоқдалар. Бундай асосиз дастурлардан кўра, улар бу мамлакатларда янги техника ва технология асосида ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш дастурини таклиф қилсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридагилардан кўринадики, ҳозирда жаҳон миқёсида юз бераётган глобаллашув жараёнлари ўзининг ижобий йўналишлари ва зиддиятларига эга бўлиб, бу жиҳатларнинг нисбатини тартибга солиш дадунёнинг барча мамлакатларининг фаол иштироки ва бирлашуви талаб этилади.

25.3. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари. Жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши

Жаҳон хўжалиги мураккаб тизим ҳисобланади. Турли миллий иқтисодиётлар (ёки улар ташқи иқтисодий алоқалари) нинг барча мажмуи товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракати билан мустаҳкамланган бўлади. Шу асосда мамлакатлар ўртасида халқаро иқтисодий муносабатлар вужудга келади. **Халқаро иқтисодий муносабатлар (баъзида уларни ташқи иқтисодий алоқалар, жаҳон хўжалиги алоқалари деб ҳам юритилади) – бу жаҳоннинг турли**

мамлакатлари ўртасидаги хўжалик алоқалари мажмуидир.

Халқаро иқтисодий муносабатлар қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- товар ва хизматларнинг халқаро савдоси;
- капитал ва чет эл инвестицияларининг ҳаракати;
- ишчи кучининг ташқи миграцияси;
- ишлаб чиқаришнинг давлатлараро кооперацияси;
- фан ва техника соҳасидаги айирбошлаш;
- валюта-кредит муносабатлари.

Товар ва хизматларнинг халқаро савдоси энг аввало миллий хўжаликларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокига боғлиқ. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланиши натижасида жаҳон бозори таркиб топади. Жаҳон бозорига товар ва хизматларнинг халқаро ҳаракати сифатида қараш мумкин. Жаҳон бозори ўзининг ривожланишида бир қатор босқичлардан ўтадики, улардан ҳар бири миллий хўжаликнинг халқаро иқтисодий муносабатларга жалб қилинишининг маълум даражаси билан тавсифланади. Товар ва хизматларнинг халқаро савдоси ва жаҳон бозорининг асосий белги ва хусусиятларини 27-бобда батафсил кўриб чиқамиз.

Капиталнинг халқаро ҳаракати – бу капиталнинг чет элда жойлаштирилиши ва ҳаракатга келтирилиши. У чет элга қуйидаги шаклларда чиқарилади:

- хусусий ёки давлат капитали шаклида. Капиталнинг халқаро ташкилотлар йўли билан ҳаракати кўпинча мустақил шакл сифатида ажратилади;

– пул ва товар шаклида. Жумладан, капитал чиқариш машина ва ускуналар, патентлар, ноу-хау ҳамда товар кредитлари шаклида бўлиши мумкин;

– қисқа ва узоқ муддатли кредитлар шаклида;

– ссуда ва тадбиркорлик капитали шаклида. Ссуда шаклидаги капитал қуйилмалар бўйича фоиз, тадбиркорлик шаклидаги капитал эса фойда келтиради. Тадбиркорлик капитали тўғридан-тўғри ва портфелли инвестициялардан иборат бўлади. **Тўғридан-тўғри инвестициялар шу капитал**

ҳисобига қурилган объект (корхона)лар устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради, портфелли инвестициялар эса бундай ҳуқуқни бермайди. У одатда акция пакетлари ҳамда облигация ва бошқа қимматли қоғозлар шаклида берилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анча мураккаб жиҳатларидан бири ишчи **кучининг халқаро миграцияси** ҳисобланиб, у ўз ифодасини ишчи кучи ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишида топади. Халқаро миграция жараёнини иқтисодий омиллар билан бирга сиёсий, этник, маданий, оилавий ва бошқа тавсифдаги омиллар ҳам тақозо қилади.

Халқаро миграция иккита асосий таркибий қисмни ўз ичига олади: эмиграция ва иммиграция. **Эмиграция – яшаб турган мамлакатларидан доимий яшаш учун бошқа мамлакатга чиқиб кетишни, иммиграция – шу мамлакатга доимий яшаш учун бошқа мамлакатдан кириб келишни билдиради. Халқаро миграция шунингдек репатриация – яъни фуқароларни илгари чиқиб кетган мамлакатларига қайтарилиши жараёнини** ҳам ўз ичига олади.

Халқаро мигрантлар бешта асосий тоифага ажратилади:

1) иммигрантлар ва ноиммигрантлар;
2) шартнома бўйича ишлашга келган мигрантлар;
3) нолегал, яширин иммигрантлар;
4) бошпана сўровчи шахслар;
5) қочоқлар.

Фан-техника ютуқлари билан халқаро айирбошлаш бир қатор шаклларда амалга оширилади. У илмий-техникавий ахборотлар, мутахассислар, фан соҳаси ходимлари билан айирбошлашни, тадқиқот ва янгиликларни лицензия асосида беришни, илмий-тадқиқот ишлари ўтказишни, умумий фан-техника ва технологияни ишлаб чиқариш бўйича қўшма тадбиркорликни ўз ичига олади.

Илмий-техникавий ҳамкорликнинг муҳим шаклларидан бири халқаро инжиниринг ҳисобланади. **Халқаро**

инжиниринг бир давлат томонидан бошқасига саноат ва бошқа объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш жараёнига керакли ҳисоб-китоб лойиҳаларини бериш ҳамда инженерлик-қурилиш хизмати кўрсатишдан иборат бўлади.

Жаҳон инфратузилмаси. Товарлар, ишчи кучи, молиявий воситаларнинг миллий чегаралардан чиқиб, бошқа мамлакатларга кириб бориши орқали тўхтовсиз ўсиб борувчи ҳаракати бутун жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши ва такомиллашувини тезлаштиради. Муҳим транспорт тизими (денгиз, дарё, ҳаво, темир йўл транспорти) билан бир қаторда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида ахборот коммуникациялар тармоғи тобора кўпроқ аҳамият касб этиб боради. Муносиб умумжаҳон инфратузилмаси бўлмаса, ҳозирги ишлаб чиқарувчи кучларнинг байналминаллашувини ривожлантириб бўлмайди. Бундай инфратузилманинг айрим таркибий қисмлари жаҳон савдоси вужудга келаётган, жаҳон бозори ташкил топаётган вақтда пайдо бўлган.

Ҳозирги даврда биржалар, молия марказлари, йирик саноат ва савдо бирлашмалари мисли кўрилмаган тезлик билан оператив маълумотлар олишга ва уларни ишлаб чиқишга имкон берувчи энг янги техник воситалар билан жиҳозланган. Ривожланган мамлакатларда кенг тармоқли ахборот мажмуаси ташкил топмоқда, унинг таъсири амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига ёйилмоқда. Ҳозирги шароитда илмий ва тижорат ахборотлар айниқса қимматлидир. Шу сабабли турли халқаро даражаларда махсус «маълумотлар банклари» ташкил топмоқда, булар илмий ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун зарур ахборотни қидириб топишни анча енгиллаштиради. Жаҳон инфратузилмаси турли зиддиятларни бартараф қилиш орқали ривожланади.

Халқаро айирбошлаш товарларда моддийлашган шакллардан номоддий алоқаларга тобора кўпроқ ўрин бўшатади, яъни фан-техника ютуқлари, ишлаб чиқариш ва бошқариш тажрибаси, хизматнинг бошқа турлари билан

айирбошлаш ўсиб боради. Ҳисоб-китоблар ва маълумотларга кўра, ҳозирги кунда хизматлар жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 46 фоизидан кўпроғини ташкил қилади, бу кўрсаткич янада тезлик билан ўсиб боради.

25.4. Жаҳон хўжалиги алоқаларини халқаро тартибга солиш

Бутун жаҳон хўжалигининг ташкил топиши унинг иқтисодий ҳаётининг байналминаллашуви давлатлараро хўжалик алоқаларини тартибга солишнинг механизмини яратиш зарурлигига олиб келди. Ҳозирги даврда қандайдир тартибга солувчи тузилма амал қилмайдиган халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасини топиш қийин. Жумладан, молия, валюта ва кредит соҳаларида **Халқаро валюта фонди (ХВФ), Халқаро таъмирлаш ва ривожланиш банки (ХТРБ),** жаҳон савдоси соҳасида – **Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув – Жаҳон савдо ташкилоти (ТСБК – ЖСТ)**ни кўрсатиш мумкин.

Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш миллий-ташкилий шакллардан бошланади. Хўжалик ҳаётининг байналминаллашув жараёни дастлаб миллий давлатлар фаолиятини халқаро уйғунлаштиришга, кейин эса давлатлараро ва халқаро ташкилотлар тузилишига олиб келди.

Ҳуқуқий маънода тартибга солиш халқаро тартибларни ўрнатишга, яъни меъёрий чегаралар ва қоидаларни аниқловчи келишувларни ишлаб чиқаришни ёки халқаро алоқаларнинг қандайдир соҳасини ҳал қилишда томонлар зиммасига мажбуриятларга амал қилишни юклайди. Умумқабул қилинган андозалар ва қоидаларни ўз ичига олувчи халқаро тартиблар ўз навбатида миллий татибга солишга таъсир кўрсатиши мумкин.

Биринчи халқаро ташкилотлар ХХ асрнинг 20-йилларида тузилган бўлсада (Миллатлар лигаси – 1919 йил, Халқаро ҳисоб-китоблар банки – 1929 йил), халқаро даражада жаҳон

хўжалик алоқаларини кўп томонлама тартибга солувчи тузилмалар Иккинчи жаҳон урушидан кейин шакллана бошлади.

1945 йил махсус халқаро уйғунлаштирувчи муассасалар – **Халқаро валюта фонди (ХВФ) ва Халқаро таъмирлаш ва ривожлантириш банки (ХТРБ)** ташкил топди. Ҳозирги даврда ҳам уларнинг иккаласи муҳим халқаро ташкилот ҳисобланиб, жаҳон савдоси, халқаро кредит ва валюта муносабатлари соҳаларини давлатлараро тартибга солишнинг тартиб-қоидаларини аниқлаб беради. Урушдан кейинги даврда тузилган **Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ТСБК), Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЕИҲТ), НАТОнинг иқтисодий масалаларни уйғунлаштирувчи комитети (ИМУК)** халқаро иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш даврига тўғри келди.

Жаҳон савдосини эркинлаштириш кўп томонлама шартнома асосида ҳаракат қилувчи, халқаро савдо тартиб-қоидаларини қайд қилувчи, 1948 йилнинг 1 январидан буён Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ТСБК) номи билан фаолият кўрсатиб, 1995 йил 1 январдан Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) деб юритилувчи халқаро ташкилот доирасидаги фаолият билан боғлиқ. Ҳозирги даврда ЖСТ жаҳон савдо айланмасининг 4□5 қисмидан кўпроғини тартибга солади. ЖСТ миллий ва минтақавий даражада вақти-вақти билан кучайиб борувчи протекционизмга қарши туради, миллий манфаатларни ўзаро келиштиришга ёрдам беради. Унинг фаолияти савдода камситмаслик, савдода тарифли ва тарифсиз чеклашларни аниқлашда тенг асосда маслаҳатлашиш каби тамойилларга асосланади. ЖСТ фаолиятининг асосий шакли қатнашувчи томонларининг кўп томонлама савдо музокараларини ўтказиш ҳисобланади. Аммо жаҳон савдоси рақобат кураши асосида боради, шу сабабли ўзаро мақбул қарорларни қидириб топишга ва савдони халқаро даражада тартибга солишга кўплаб қийинчиликлар билан эришилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг яна бир аҳамиятга

молик соҳаси – бу валюта-молия соҳасидир. Халқаро молиявий муносабатларни уйғунлаштириш ХВФ, ХТРБ, **Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ), Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ), Халқаро молиявий корпорация (ХМК)** ва шу кабилар доирасида амалга оширилади. «Катта саккизлик» номини олган жаҳондаги етакчи мамлакатлар (АҚШ, Япония, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Канада, Европа Иттифоқи) нинг ҳар йиллик кенгаши бу соҳада муҳим роль ўйнайди. Бу мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти 2018 йилда жаҳондаги барча мамлакатлар ЯИМнинг 51,3 фоизини ташкил этган (25.1-жадвал).

25.1-жадвал

«Катта саккизлик» таркибига кирувчи мамлакатларнинг кўрсаткичлари (2018 йил)

	Аҳоли сони		**ЯИМ**	
	Млн. киши	**Жамига нисбатан фоизда**	**млрд. долл.**	**Жамига нисбатан фоизда**
Жаҳон бўйича	**7550,3**	**100**	**80737**	**100**
АҚШ	328,1	4,3	21344,7	26,4
Япония	126,4	1,7	5176,2	6,4
Германия	82,8	1,1	3963,9	4,9
Буюк Британия	66,5	0,9	2829,2	3,5
Франция	65,1	0,9	2761,6	3,4
Россия	144	1,9	1610,4	2,0
Италия	60,8	0,8	2025,9	2,5
Канада	37,1	0,5	1739,1	2,2
«Катта саккизлик» мамлакатлари биргаликда	**910,8**	**12,1**	**41451,0**	**51,3**

Манба: http://ru.wikipedia.org.

Валюта-молиявий соҳани халқаро уйғунлаштиришнинг кучайиши кўп жиҳатдан ХВФнинг фаолияти билан боғлиқ. У ўзининг низомига мувофиқ валюта курслари ва аъзо мамлакатлар тўлов балансларини тартибга солади, кўп томонлама тўлов тизимлари ва ривожланаётган мамлакатлар ташқи қарзларини назорат қилади, аъзо мамлакатларга уларнинг валюта-молия муаммоларини ҳал қилиш учун кредит беради.

Ривожланаётган мамлакатларда таркибий қайта қуришларни молиялаштириш билан ХТРБ фаол шуғулланади. ХТРБ ва у билан бирга Жаҳон банки таркибига кирувчи

Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ), Халқаро молиявий корпорация (ХМК) ҳар хил инвестицион объектларни ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланади, лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий асосларини тайёрлайди, ривожланаётган мамлакатлардаги таркибий қайта ўзгартиришга ёрдам беради.

Давлатлараро ташкилотлар ичида барча саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларни бирлаштирувчи ИҲРТ муҳим роль ўйнайди. Унинг доирасида ички иқтисодий тадбирларнинг бошқа мамлакатлар миллий иқтисодиёти самарадорлигига таъсирини, уларнинг тўлов баланси ҳолатини ўрганиш амалга оширилади, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тамойилларига тез мослашишини таъминлаш мақсадида макроиқтисодий тартибга солиш бўйича тавсияномалар берилади. ИҲРТ жаҳон хўжалиги доирасида кўп омилли фукционал алоқаларни ўрганишни амалга оширади, валюта ва бюджет сиёсати, нархлар, савдо ва бошқа соҳалар бўйича илмий асосланган иқтисодий прогнозлар тавсия этади.

Шарқий Европа минтақасида таркибий қайта қуришга молиявий таъсир кўрсатиш ва ёрдам ташкил қилиш мақсадида 1991 йил **Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) тузилди.**

Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодий муносабатларини халқаро тартибга солиш тизимида доимий ўзгаришлар рўй бериб туради. 80-йилларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий сабаблар тақозо қилган дунё сиёсий вазиятдаги ўзгаришлар, жаҳон хўжалик алоқалари тизимини кўп томонлама тартибга солиш шакллари эволюциясига олиб келди. Булар ичида собиқ социалистик мамлакатларда вазиятнинг ўзгариши, ташқи фаолиятида мустақил субъектларни ташкил қилувчи давлатлар сонининг кескин кўпайиши ҳамда дунё мамлакатлари ичида рўй берадиган ўзгаришлар муҳим ўрин тутади.

80-йилларнинг ўрталарида дунёда АҚШ, Ғарбий Европа ва Японияда иборат анча қудратли рақобатлашув марказ вужудга келдики, бу ҳам жаҳон иқтисодий муносабатларини тартибга солишга ўз таъсирини кўрсатади.

Жаҳон хўжалик алоқаларини тартибга солишга халқаро ташкилотлар аъзолари таркибидаги ўзгаришларнинг ҳам таъсири бўлди. ХВФ, ХТРБ, ТСБК (ХСТ)га Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги озод бўлган мамлакатлар ва кейин қатор собиқ социалистик мамлакатлар фаол кира бордики, бу ҳам жаҳон хўжалиги алоқаларини тартибга солишда маълум ўзгаришларга олиб келади.

Европа Иттифоқи (ЕИ) доирасида ягона бозорни бунёд этишга ҳаракат туфайли ягона умумевропа фуқаролиги, иқтисодий, валюта ва сиёсий иттифоқ таъсис этилади. Бу Иттифоқнинг Шартномада белгиланган вазифаларини бажариш учун бир қатор Европа муассасалари тузилди.

Европа Иттифоқининг ижроия органи **Европа ҳамжамияти Комиссияси (ЕҲК)**дир. Унинг аъзоларини миллий ҳукуматлар тайинлайди, лекин улар ўз фаолиятларида мутлақо мустақилдир.

Иттифоқнинг қарорлар қабул қилиш органи Вазирлар Кенгаши ҳисобланади. Унинг таркибида ички ишлар, молия, таъминот, қишлоқ хўжалиги каби Вазирлар Кенгаши мавжуд бўлади.

Европа ҳамжамияти Комиссияси фаолиятини назорат қилиш, ҳамжамият бюджети ва қонунларини маъқуллаш ҳамда уларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи Европарламент зиммасига юклатилади.

Европа Иттифоқида 1999 йилдан бошлаб ягона пул-кредит сиёсати ўтказила бошланди. Шу муносабат билан ягона валюта – ЭКЮ, 2004 йилдан бошлаб эса Евро жорий этилди ва янги муассаса – **Европа Марказий банки** тузилиб, у миллий банклар билан бирга Европа банклар тизимининг асосини ташкил қилди.

Шунингдек, ҳозирги иқтисодий-сиёсий жараёнларнинг юз бериши ва кўплаб мамлакатлар ижтимоий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, катта ижтимоий-иқтисодий талофатлар келтириши ривожланган мамлакатлар ҳукуматларини жиддий ташвишга солиб қўйди. Ушбу ҳолатларга қарши биргаликда

курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида ҳар йили турли мамлакатларда уларнинг саммитлари ўтказилади. Жумладан, 2019 йил 29 июнда Япониянинг Осака шаҳрида жаҳон ялпи маҳсулотининг 80 фоиздан ортиғини ишлаб чиқарадиган **20 та йирик давлат иштирокидаги 12-саммит** ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Ана шу омилларни инобатга олиб ҳамда Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун борган фуқароларимизга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида бугунги кунда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар ўрганилмоқда. Биз, албатта, ушбу жиддий масалада, энг аввало, халқимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг хоҳиш-иродасига таянамиз.

Шу билан бирга, биз Жаҳон савдо ташкилоти билан бошланган мулоқотимизни ҳамда Европа Иттифоқи билан Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги янги битимни тузиш бўйича ишларни изчил давом эттирамиз. Шунингдек, биз бошқа халқаро ва минтақавий иқтисодий ташкилотлардаги иштирокимизни янада кучайтирамиз"[192].

Хулосалар

1. Жаҳон хўжалиги миллий хўжаликдан иқтисодий алоқаларнинг халқаро миқёсга чиқиши ва ягона жаҳон бозорининг мавжудлиги билан фарқланади. Жаҳон бозорининг амал қилишига ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсати аҳамиятли таъсир кўрсатади. Жаҳон бозорининг ўзига хос хусусияти бўлиб жаҳон нархлари ва халқаро рақобат тизимининг амал қилиши ҳисобланади. Айнан халқаро рақобатнинг мавжудлиги турли даражадаги миллий қийматларни ягона байналминал қийматга келтиради. Жаҳон нархи жаҳон бозорига неъматларнинг асосий ҳажмини

[192] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 декабрь.

етказиб берувчи мамлакатлардаги шарт-шароитлар орқали аниқланади.

2. Ишлаб чиқариш ёки иқтисодий ҳаётнинг байналминаллашуви – бу иқтисодий алоқаларнинг жаҳон миқёсида кучайиши ҳамда иқтисодий муносабатларнинг тобора кенгроқ жабҳаларини қамраб олиши жараёни ҳисобланади.

3. Иқтисодий ҳаётнинг байналминаллашуви билан бир қаторда глобаллашув жараёни ҳам муҳим ўрин тутади. Глобаллашув жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар ягона тармоғининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади. Глобаллашув жараёнининг мулкчилик муносабатларининг глобаллашуви; кооперация ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражасига ўтиш; хўжаликни ташкил этишнинг бутунлай янги шаклларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши; халқаро иқтисодий ташкилотларнинг тартибга солувчи роли ривожланиши каби йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Шунингдек, жаҳон хўжалиги глобалашуви жараёнларининг турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишининг бир текисда бормаслиги; бой ва қашшоқ мамлакатлар ўртасидаги фарқнинг кучайиши; экологик ҳалокат таҳдидларининг кучайиб бориши; турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг фарқланиши каби зиддиятли томонлари ҳам мавжуд.

4. Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматларнинг маълум турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувини ифодалайди. Алоҳида мамлакатларнинг бундай ихтисослашуви маҳсулотлари устун даражада экспортга йўналтирилган халқаро ихтисослашган тармоқларнинг шаклланишига олиб келади.

5. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланиши натижасида жаҳон бозори таркиб топади. Жаҳон бозорига товар ва хизматларнинг халқаро ҳаракати сифатида қараш мумкин. Жаҳон бозори ўзининг ривожланишида бир қатор босқичлардан

ўтадики, улардан ҳар бири миллий хўжаликнинг халқаро иқтисодий муносабатларга жалб қилинишининг маълум даражаси билан тавсифланади.

6. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анча мураккаб жиҳатларидан бири ишчи кучининг халқаро миграцияси ҳисобланиб, у ўз ифодасини ишчи кучи ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишида топади.

Асосий таянч тушунчалар:

Жаҳон хўжалиги – халқаро меҳнат тақсимоти асосида савдо-ишлаб чиқариш, молиявий ва илмий-техникавий ва бошқа алоқалар орқали ўзаро манфаатдорлик мақсадида бирлашган турли мамлакатлар хўжаликлари тизими.

Ишлаб чиқариш ёки иқтисодий ҳаётнинг байналминаллашуви – мамлакатларнинг жаҳон миқёсида иқтисодий алоқаларининг кучайиши ҳамда иқтисодий муносабатларнинг тобора кенгроқ жабҳаларини қамраб олиши жараёни.

Халқаро меҳнат тақсимоти – алоҳида олинган мамлакатларнинг товар ва хизматларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашуви.

Глобаллашув – жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар ягона тармоғининг ташкил топиши ва ривожланиши.

Халқаро иқтисодий муносабатлар – жаҳоннинг турли мамлакатлари ўртасидаги хўжалик алоқалари мажмуи.

Капиталнинг халқаро ҳаракати – капиталнинг чет элда жойлаштирилиши ва ҳаракат қилиши.

Ишчи кучининг халқаро миграцияси – ишчи кучи ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминланиш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтиши.

Эмиграция – аҳолининг бир мамлакатдан доимий яшаш учун бошқа мамлакатга чиқиб кетиши.

Иммиграция – аҳолининг шу мамлакатга доимий яшаш учун кириб келиши.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодий ривожининг энг муҳим ўзига хос хусусияти нимадан иборат? Жаҳон хўжалигининг миллий иқтисодиётга таъсири қандай?
2. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлаш қандай мезонларга асосланади? Уларни туркумлаш бўйича ҳозирги даврдаги ёндошувларга асосланиб давлатларнинг асосий гуруҳларини ажратиб кўрсатинг.
3. Иқтисодий ҳаётнинг байналминаллашуви жараёнининг моҳияти нимадан иборат?
4. Глобаллашув жараёни нима ва унинг қандай йўналишлари мавжуд? Глобаллашув жараёнининг зиддиятли жиҳатларини гапириб беринг.
5. Халқаро меҳнат тақсимоти қандай тамойилларга асосланади? Унда табиий шароитдаги тафовутлар қандай роль ўйнайди?
6. Жаҳон нархлари қандай қийматга асосланади? Жаҳон нархларига таъсир кўрсатувчи омиллар тавсифини беринг.
7. Халқаро иқтисодий муносабатлар нима учун турли шаклларга эга бўлади? Уларнинг асосий шаклларини санаб кўрсатинг.
8. Ишчи кучининг халқаро миграцияси тўғрисида тушунча беринг. Халқаро мигрантлар қандай тоифаларга ажратилади?
9. Жаҳон инфратузилмаси таркибий қисмларининг тавсифини беринг ва уларнинг ҳар бирининг аҳамиятини кўрсатинг.
10. Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солишни нима зарур қилиб қўяди? Ҳозирда халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қандай халқаро тузилмаларни биласиз?

26-боб. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА КИРИБ БОРИШИ

Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодиётида икки тенденция амал қилмоқда. Бир томондан, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, халқаро савдонинг эркинлашуви, коммуникация ва ахборот замонавий тизими, техник жиҳатдан жаҳон андозалари ва меъёрларининг яратилиши натижасида жаҳон хўжалигининг яхлитлиги, унинг глобаллашуви кучаймоқда. Айниқса, бу жараён трансмиллий корпорацияларнинг фаолиятлари орқали аниқ намоён бўлмоқда. Бошқа томондан, минтақавий даражада мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан яқинлашуви ва ўзаро алоқадорлиги рўй бериб, жаҳон хўжалигининг нисбатан мустақил марказларини ташкил этиш йўналишида ривожланаётган йирик минтақавий интеграцион тузилмалар шаклланмоқда.

Шунга кўра, ушбу бобда халқаро интеграциянинг моҳияти, мақсад ва шакллари баён этилади. Халқаро иқтисодий интеграциянинг турлича назариялари таҳлил этилиб, жаҳондаги асосий интеграцион гуруҳлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига кириб бориши ва ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари очиб берилади.

26.1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, шакллари ва объектив асослари

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнларини тадқиқ этиш, унда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш ва мазкур жараённинг энг самарали шаклларини кўрсатиб беришга интилиш бу борадаги турли назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди. Бундай назариялар қаторида неолиберализм, корпорационализм, структурализм, неокейнсчилик йўналиши кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Эрта **неолиберализм** (1950-1960 йиллар) вакиллари В.Репке ва М.Аллэ тўлиқ интеграция деганда бир неча мамлакатлар миқёсида ягона бозор маконининг ташкил этилишини тушуниб, бу маконда эркин рақобат ва бозорнинг стихияли кучлари амал қилиб, давлат сиёсати унга ўз таъсирини ўтказа олмайди. Бу олимларнинг фикрича, халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасига давлатнинг аралашуви инфляция, халқаро савдо ва тўлов нисбатларининг бузилиши каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Бироқ, давлат иштирокидаги минтақавий давлатлараро иттифоқларнинг шаклланиши асосидаги халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши эрта неолибераллар фикрининг асоссиз эканлигини кўрсатди. Шунга кўра, кейинги неолиберализм вакили Б.Баласс иқтисодий интеграция давлатнинг иқтисодий ҳаётдаги иштирокининг фаоллашувига олиб келишини тадқиқ этди.

Корпорационализм (намояндалари С.Рольф, Ю.Ростоу) XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлиб, бозор механизми ва давлат томонидан тартибга солишга қарама-қарши ҳолда трансмиллий корпорацияларнинг фаолият кўрсатиши халқаро иқтисодиётнинг интеграциялашувини, унинг рационал ва мувозанатли ривожланишини таъминлашга қодирлиги тўғрисидаги ғояларни илгари сурди.

Структурализм (асосий вакили Г.Мюрдаль) йўналиши тарафдорлари товарлар, капитал ва ишчи кучи ҳаракатининг тўла либераллашуви ғоясига қарши чиқиб, бозор механизмининг эркин амал қилиши ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва жойлашувида маълум номутаносибликларни, даромадлардаги тенгсизликнинг чуқурлашувини келтириб чиқаради, деб ҳисоблайдилар. Бу оқим вакиллари иқтисодий интеграцияга интеграциялашаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларнинг чуқур жараёни сифатида қараб, бунинг натижасида сифат жиҳатидан янги интеграциялашган макон, нисбатан такомиллашган хўжалик организми пайдо бўлишини таъкидлаганлар.

Неокейнсчилик (асосий вакили Р.Купер) йўналиши халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг марказий муаммосини мамлакатларнинг эркинлигини максимал даражада сақлаб қолган ҳолда интеграция жараёнларидан олинадиган турли-туман нафлиликни кўпайтиришга асосий эътибор қаратган. Неокейнсчилар халқаро интеграцияни ривожлантиришнинг мумкин бўлган иккита вариантини илгари сурдилар: биринчиси – иқтисодий мақсад ва сиёсатни мувофиқлаштирган ҳолда миллий эркинликни йўқотиш асосидаги интеграция; иккинчиси – миллий мустақилликни имкон қадар сақлаб қолиш шартига асосланган интеграция. Бу вариантларнинг ҳеч бири соф ҳолда мавжуд бўлмаслигини англаган ҳолда, улар интеграциялашувчи томонларнинг ички ва ташқи сиёсатларини мувофиқлаштириш йўли билан бу вариантларни уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатганлар. Неокейнсча йўналишнинг яна бир кўриниши **дирижизм** (асосий вакили Я.Тинберген) бўлиб, унинг намояндалари интеграция жараёнларида бозор механизмининг ҳал қилувчи ролини инкор этадилар. Улар халқаро иқтисодий тузилмаларнинг ташкил этилиши ва амал қилиши интеграциялашаётган мамлакатлар томонидан умумий иқтисодий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши, социал қонунчилик бўйича келишув, кредит сиёсатининг мувофиқлаштирилиши асосида амалга оширилиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Юқоридаги турли-туман назарияларнинг умумий тавсифи шуни кўрсатадики, уларнинг ҳар бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг маълум жиҳатларини очиб беришга, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш ва янги ғояларни ривожлантиришга қаратилган. Мазкур назарияларнинг тўғри ва илмий асосланган томонларидан фойдаланган ҳолда халқаро иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштиришга интилиш иқтисодиёт назарияси олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий интеграция – бу турли мамлакатлар иқтисодий алоқаларининг барқарорлашиб, чуқурлашиб ривожланиши, улар хўжаликларининг чамбарчас

чатишиб-чирмашиб ривожланиш жараёнларидир. Микродаражада бу жараён ҳудуд жиҳатдан яқин жойлашган мамлакатлар алоҳида фирмаларининг ўзаро таъсири орқали, улар ўртасидаги турли-туман иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши, шу жумладан чет эллардаги филиалларини ташкил этиш асосида боради. Давлатлараро даражада интеграция давлатлар иқтисодий бирлашмаларининг шаклланиши ҳамда иқтисодий сиёсатларнинг келишуви асосида амалга ошади.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий шакллари қуйидагилар:

– **эркин савдо ҳудудлари.** Бу иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг доирасида қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги савдо чеклашлари бекор қилинади. Эркин савдо ҳудудларининг ташкил этилиши ички бозорда миллий ва хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, бу бир томондан, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг банкрот бўлиши хавфини кучайтирса, бошқа томондан ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва янгиликларни жорий этиш учун рағбат яратади. Бунга Европа эркин савдо уюшмаси ва МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро битим мисол бўла олади;

– **божхона иттифоқи.** Иқтисодий интеграциянинг бу шакли эркин савдо ҳудудларининг фаолият қилиши билан бирга ягона ташқи савдо тарифлари ўрнатишни ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати юритишни тақозо қилади. Европа Иттифоқи (ЕИ) божхона иттифоқига ёрқин мисолдир;

– **тўлов иттифоқи.** Бу миллий валюталарнинг ўзаро эркин алмашувини ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилишини таъминлайди. Европа ҳамжамияти, Жанубий-шарқий Осиё ва МДҲ мамлакатлари учун тўлов иттифоқи пировард мақсаддир;

– **умумий бозор.** Бу иқтисодий интеграциянинг анча мураккаб шакли бўлиб, унинг қатнашчиларига эркин ўзаро

савдо ва ягона ташқи савдо тарифи билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати ҳамда ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат таъминланади. Бунга Европа иқтисодий иттифоқи ёки Европа умумий бозорини мисол қилиб келтириш мумкин. Унинг доирасида барча бож тўловлари ва импорт меъёр (квота)лари бекор қилинади, бошқа мамлакатлардан Европа бозорига товарлар кириши бир хил тартибга солинади, пул маблағлари ва ишчи кучининг чегарадан эркин ўтиши таъминланади ҳамда умумий муаммоларни ҳал этишда ягона сиёсат ўтказилади;

– **иқтисодий ва валюта иттифоқи.** Бу давлатлараро иқтисодий интеграциянинг энг олий шакли ҳисобланади. Бунда иқтисодий интеграциянинг барча қараб чиқилган шакллари умумий иқтисодий ва валюта-молиявий сиёсат ўтказиш билан бирга уйғунлашади.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини объектив тавсифдаги бир қатор омиллар тақозо қиладики, уларнинг ичидан қуйидагилар асосий ўринни эгаллайди:

– хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви ва глобаллашуви;

– халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;

– умумжаҳон фан-техника революцияси;

– миллий иқтисодиёт очиқлигининг кучайиши.

Интеграция жараёнларини рағбатлантирувчи асосий омиллардан бири – миллий иқтисодиёт очиқлик даражасининг ошишидир. Очиқ иқтисодиётнинг ўзига хос белгиси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалик муносабатлари тизимига чуқур киришганлиги;

– товарлар, капитал, ишчи кучининг мамлакатлараро ҳаракати йўлидаги тўсиқларнинг камайтирилиши ёки тўлиқ бартараф этилиши;

– миллий валюта конвертациясининг таъминланганлиги.

Шундай қилиб, интеграция миллий даражадаги иқтисодий ўсиш жараёнларининг ўзаро бирикиши орқали тавсифланиб,

бунинг натижасида ягона хўжалик организми шаклланади. Реал ҳаётда бир вақтнинг ўзида интеграциялашув ва интеграциялашувдан қайтиш каби икки тенденция амал қилади. Бундан ташқари, баъзи бир сабабларга кўра турли мамлакатлардаги интеграциянинг турли элементлари бир хилда ривожланмайди. Шунга кўра, интеграциянинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

– қатъий (бир томонлама нафли) интеграция. Бу турдаги интеграция ташқи тавсиф ҳолатлари билан шартланган бўлиб, мазкур жараёнлардан баъзи мамлакатлар наф кўрувчи ҳисобланса, бошқа бирлари донор ҳисобланади;

– мослашувчан (икки томонлама нафли) интеграция. Бу турдаги интеграцияда ҳар бир мамлакат бир вақтнинг ўзида ҳам донор, ҳам наф кўрувчи ҳисобланади.

Давлатлараро иқтисодий интеграциянинг ривожланишида қуйидаги бир қатор шарт-шароитларнинг мавжудлиги таъсир кўрсатади:

– интеграцион алоқага киришаётган мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт жиҳатидан бир хил даражада бўлиши ҳамда бир турдаги хўжалик тизимларига эга бўлиши;

– уларнинг ҳудудий жиҳатдан яқинлиги, ягона минтақада жойлашганлиги ва умумий чегарага эгалиги;

– уларнинг тарихан таркиб топган ва етарли даражада мустаҳкам иқтисодий алоқаларга эгалиги;

– иқтисодий манфаатлар ва муаммоларнинг умумийлиги ҳамда уларни ҳал этишда биргаликдаги ҳаракатнинг самарадорлиги ва ҳ.к.

26.2. Жаҳондаги асосий интеграцион гуруҳларнинг амал қилиш хусусиятлари

Интеграция жараёнлари объектив тавсиф касб этишига қарамай, у ўз-ўзича, стихияли тарзда бормайди. Балки бугунги кунда ташкил этилган ва фаолият юритаётган минтақавий интеграцион тузилмалар уларга кирувчи мамлакатлар ўртасида

қонуний келишув ва ўзаро шартномалар асосида амал қилади.

Ҳозирда дунёда жуда кўплаб интеграцион гуруҳлар мавжуд. Биз турли минтақалардаги асосий интеграцион гуруҳлар сифатида қуйидаги тузилмаларни кўрсатишимиз мумкин:

– Ғарбий Европада – Европа Иттифоқи (ЕИ);

– Шимолий Америкада – Эркин савдо тўғрисида Шимолий Америка битими (НАФТА);

– Осиё-Тинч океани минтақасида – Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН).

Европа Иттифоқи 1993 йил 1 ноябрда Маастрихт келишувлари (бу келишувлар 1991 ва 1992 йилларда иқтисодий ва валюта иттифоқини шакллантириш тўғрисида имзоланган эди) кучга кириши асосида янги ном билан пайдо бўлди. Бунга қадар у Европа ҳамжамияти деб аталиб, ўз ичига 1967 йилда бирлашган учта мустақил минтақавий ташкилотларни олар эди, яъни:

– 1951 йилда ташкил этилган кўмир ва пўлат ишлаб чиқариш бўйича Европа бирлашмаси;

– 1957 йилда ташкил этилган Европа иқтисодий ҳамжамияти;

– 1958 йилда ташкил этилган атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти.

ЕИ доирасидаги интеграциянинг ривожланиши босқичма-босқич бормоқда. Жумладан, дастлаб эркин савдо ҳудуди, божхона иттифоқи, умумий бозорнинг, кейинчалик эса иқтисодий ва валюта иттифоқининг ташкил этилиши бу тузилмалар шаклланишининг қуйидан юқорига томон ҳаракатини билдиради. Ҳозирда ЕИда ягона бозор ҳамда давлатлараро бошқарув тизимини ташкил этиш жараёни якунланиб, мамлакатлар иқтисодий, валюта ва сиёсий иттифоқларни расмийлаштирдилар.

Иқтисодий иттифоқнинг амал қилиши ЕИ Вазирлар кенгаши томонидан ЕИ иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилишини кўзда тутади ҳамда уларга ҳар бир аъзо мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши мувофиқ тушишини назорат қилади.

Сиёсий иттифоқ ягона ташқи сиёсатни олиб бориш ҳамда ички қонунчилик доирасида умумий ёндашувларни ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Валюта иттифоқи ЕИ доирасида ягона пул-кредит сиёсатини олиб бориш ҳамда барча мамлакатлар учун умумий бўлган валютанинг амал қилишини англатади.

1999 йил 1 январдан ЕИ мамлакатлари ҳудудида Евро ҳисоб-китоб бирлиги сифатида амал қила бошлади. Бироқ, бу пайтда валюта иттифоқига ЕИнинг барча аъзолари кирмай, Буюк Британия, Греция, Дания ва Швеция Евро ҳудудидан ташқарида қолди.

ЕИ тўла ҳуқуқли аъзолари таркиби йиллар давомида кенгайиб бормоқда. Ҳозирда унинг таркибига 26 мамлакат киради: Бельгия, Германия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Франция (1957 йил); Дания, Ирландия (1973 йил); Греция (1981 йил); Гренландия (1985 йил); Португалия, Испания (1986 йил); Австрия, Финляндия, Швеция (1995 йил); Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения, Чехия, Эстония (2004 йил); Болгария, Руминия (2007 йил). Буюк Британия 2020 йил 31 январдан бошлаб Европа Иттифоқи аъзолигидан чиқиб кетди.

ЕИга аъзо бўлиш учун бу мамлакатлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

- демократияни кафолатловчи ташкилотларнинг барқарор фаолияти;
- ҳуқуқий тартибнинг ўрнатилиши ва унга амал қилиниши;
- инсон ҳуқуқларига амал қилиниши ва кам сонли миллатларнинг ҳимоя қилиниши;
- бозор иқтисодиётининг амал қилиши;
- Иттифоқ ичидаги рақобат кураши ва бозор кучларининг таъсирига бардош бера олиш;
- ўз зиммасига аъзолик мажбуриятларини, шу жумладан, сиёсий, иқтисодий ва валюта иттифоқи вазифаларини олишга тайёрлик.

Европа Иттифоқининг кенгайиши ўзининг ижобий ва

салбий томонларига эга. Бир томондан, янги ҳудудлар ва аҳолининг қўшилиши ҳисобига ЕИнинг ресурс салоҳияти ўсади, мавжуд аъзолар учун бозорлар аҳамиятли даражада кенгаяди, ЕИнинг жаҳондаги сиёсий мавқеи кучаяди. Бошқа томондан, ЕИдан катта ҳажмдаги сарф-харажатлар, жумладан, унинг янги аъзолари учун субсидия ва трансферт тўловлари учун бюджет сарфларининг ўсиши талаб этилади. Янги аъзолар иқтисодиётининг тармоқ бўйича таркиби талабга жавоб бермаганлиги сабабли, ЕИда беқарорлик хавфи кучаяди.

Эркин савдо тўғрисида Шимолий Америка битими (НАФТА) 1994 йилдан бошлаб амалда бўлиб, ўз ичига АҚШ, Канада ва Мексикани қамраб олади. Бу мамлакатларнинг ўзаро савдо ва капитал ҳаракати асосидаги иқтисодий алоқаларининг миқёсларини қуйидаги маълумотлар орқали тасаввур этиш мумкин: АҚШда Канада экспортининг 75-80% (ёки Канада ЯММнинг 20%) сотилади. Канададаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таркибида АҚШнинг улуши 75%дан, Канаданинг АҚШдаги улуши эса 9%дан ортиқ. АҚШга Мексика экспортининг 70%дан ортиғи йўналтирилиб, АҚШдан Мексикага 65% импорт келиб тушади.

Шимолий Америка интеграцион гуруҳининг мавжуд таркиби Европадаги интеграция моделидан фарқ қилиб, бу қуйидагиларда намоён бўлади:

- АҚШ, Канада ва Мексика ўртасидаги иқтисодий ўзаро алоқаларнинг тенг нисбатларда эмаслиги;
- бу гуруҳ аъзолари ривожланганлик даражасининг кескин фарқ қилиши.

Эркин савдо тўғрисида Шимолий Америка битими (НАФТА)нинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- барча божхона тўловларини бекор қилиш;
- товар ва хизматлар савдосидаги тарифсиз тўсиқларнинг аҳамиятли қисмини босқичма-босқич тугатиб бориш;
- Мексикадаги Шимолий Америка капитал қўйилмалари учун шарт-шароитларни яхшилаш;
- Мексика молия бозорида АҚШ ва Канада банкларининг фаолиятини эркинлаштириш;

- АҚШ, Канада ва Мексика арбитраж комиссиясини ташкил этиш.

Шунингдек, келгусида нафақат НАФТА доирасида ички минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш, балки бошқа Лотин Америкаси мамлакатлари ҳисобига унинг таркибини кенгайтириш ҳам кўзда тутилмоқда.

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН) 1967 йилда ташкил топганлигига қарамай, фақат 1992 йилга келиб унинг иштирокчилари (Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Таиланд, Бруней, Вьетнам, Мьянма, Лаос) ўз олдиларига 2008 йилга қадар ягона минтақавий эркин савдо ҳудудини ташкил этиш вазифасини қўйдилар. АСЕАННнинг аъзоси ҳисобланган ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиёти Япония, АҚШ, Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқ.

2018 йил 6 февраль куни Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН)га аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирларининг Сингапурдаги навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилади. Унда бир қанча масалалар муҳокама қилинган. Жумладан:

- Минтақадаги аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш учун “ақлли шаҳарлар” тармоғини яратиш;
- Терроризм ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни ривожлантириш;
- Кибер ва трансчегаравий таҳдидларга қарши жамоавий барқарорликни шакллантириш;
- Жанубий Хитой денгизидаги баҳсли ҳудудлар масаласи;
- Мьянмалик рохинжа мусулмонларининг тақдири.

Шунингдек, АСЕАНга аъзо мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича таклифлар киритилиши кўзда тутилган.

26.3. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва ташқи иқтисодий фаолияти

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига қўшилишининг

шарт-шароитлари ва ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш имкониятлари Республика давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан вужудга кела бошлади. Бундай вазиятда ташқи иқтисодий алоқалар мажмуини бошқаришнинг ўзига хос тизимини шакллантириш, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш борасида қоида ва тамойилларни ишлаб чиқиш, республиканинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йўлларини белгилаш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш асосида хорижий шериклар билан муносабатларни йўлга қўйишнинг ҳамда улар билан ҳамкорликни ривожлантириш устувор йўналишларининг асосий тамойилларини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолияти стратегиясининг лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур эди.

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалик алоқаларида иштирок этишининг асоси очиқ турдаги иқтисодиётни вужудга келтиришдир. Шу сабабли республикамиз мустақилликка эришгандан кейин қисқа давр ичида 80 дан ортиқ давлат билан дипломатия муносабатларини ўрнатди, дунёнинг кўпчилик давлатларида дипломатия элчихоналарини очди, кўпгина халқаро ташкилотлар – БМТ иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро банк, Халқаро валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот каби бошқа халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви жараёнларининг зарурлиги тўғрисида тўхталиб, Президент Ш.Мирзиёев «жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим»[193] деб таъкидладилар.

Шунга кўра, Ташқи савдо йўналишларини

[193] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь.

диверсификациялаш ва уларнинг халқаро инфратузилмалари билан интеграциялашувига қаратилган дастурни ишлаб чиқиш стратегик вазифа сифатида қўйилмоқда. Жумладан, бу борада қарор ишлаб чиқиш кўзда тутилган бўлиб, унда қуйидагиларни инобатга олиш таклиф этилади:[194]

- миллий транспорт логистика компаниялари ўртасида рақобат даражасини ошириш, экспорт корхоналари учун тарифларни пасайтиришни рағбатлантириш, автомобиль паркларини кенгайтириш, юк автомобилларини олиш учун кредитлар олишни соддалаштириш;

- экспортга мўлжалланган миллий маҳсулотлар нархларини рақобатбардош қилиш мақсадида юкларни бир транспортдан бошқасига қайта юклаш пунктлари сонини ошириш;

- «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК веб-сайтларида темир йўл ва ҳаво транспортларида юк ташиш тарифларини оптималлаштириш.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кўп даражали тизим сифатида амал қилиб, уни қуйидаги бешта даражага ажратиш мумкин: глобал; трансконтинентал; минтақалараро; минтақавий; маҳаллий[195]. Ҳар бир даражадаги интеграцион алоқаларнинг ўзига хос вазифалари мавжуд.

Ўзбекистоннинг **глобал даражада** амалга оширилувчи стратегик интеграцион вазифаси – бу мамлакатдаги барча хўжалик субъектларининг ташқи бозор билан ўзаро алоқасини таъминлаш учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келувчи шарт-шароитларни яратиш асосида унинг халқаро валюта-молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилишидир. Ўзбекистоннинг БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ), Европа ҳамжамияти, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) каби ташкилотлар фаолиятидаги

[194] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. 8-илова, 145-қатор.

[195] Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики / Под ред. А.Х.Хикматова. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. 292-бет.

фаол иштироки унинг жаҳон хўжалигига янада кенгроқ интеграциялашувини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг **трансконтинентал даражада** амалга оширилувчи интеграцион вазифаси – бу халқаро трансосиё Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) доирасидаги ўзаро алоқаларни янада кучайтиришдан иборат. Бу ташкилот 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, ўз ичига Осиё қитъасининг 10 та давлати (Туркия, Эрон, Покистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжон)ни олади. Унинг асосий мақсади – хўжаликнинг транспорт, коммуникациялар, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, туризм, ишчи кучи ресурсларини ривожлантириш бўйича минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

Ўзбекистон **минтақаларо даражада** янги мустақил давлатлар – МДҲ мамлакатлари билан интеграцияга киришди. Ўзбекистон биринчилар қаторида МДҲни ташкил этиш ғоясини қўллаб-қувватлади, унинг ташкилотчилари таркибига кирди, интеграцион ва кооперацион алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда унинг Халқаро иқтисодий қўмита (МЭК), Давлатлараро банк (МГБ), МДҲ Статистика қўмитаси каби институционал тузилмаларини шакллантиришда фаол иштирок этмоқда.

Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, кейинги пайтларда МДҲ ўзининг ташкил топиши чоғидаги дастлабки мақсади – яъни, мавжуд хўжалик алоқалари ва имкониятлардан фойдаланишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш ва шу асосда иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсади ҳамда ундан келиб чиқувчи вазифаларга мос келмай қолди. Бу ташкилот фаолият йўналишида кўпроқ сиёсий масалалар, «интеграцион алоқаларни кучайтириш» шиори остида кучли мамлакатларнинг нисбатан кучсиз мамлакатлар ички ишларига аралашуви, улар манфаатларининг сиқиб қўйилиши, иқтисодий ва сиёсий тазйиқ ўтказиш ҳолатлари устунлик касб эта бошлади.

Ўзбекистоннинг **минтақавий даражадаги** интеграцияси – бу умумий тарихга, ягона маданий анъаналарга, ўхшаш турмуш тарзи ва менталитетга эга бўлган қардош халқларни бирлаштирувчи Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат. Бундай интеграцион алоқанинг аниқ шакли сифатида 1992 йилнинг январь ойида ташкил этилган Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлиги (ЦАРС) ташкил этилди.

Яна бир истиқболли, кучли салоҳиятга эга бўлган минтақавий бирлашмалардан бири – **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)дир.** ШҲТнинг шаклланиши 1992 йилдан Хитой билан чегарадош беш постсовет республикаларининг ўзаро чегараларни аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилишидан бошланган. Дастлаб “Шанхай бешлиги” деб ном олган бу ташкилот 1996 йилда Шанхайда, 1998 йилда Олмотада, 1999 йилда Бишкекда беш давлат раҳбарларининг саммити чегараларни мустаҳкамлаш, чегара ҳудудларида қуролли кучларни қисқартириш каби масалаларни келишиб, ҳал этишга қаратилди. 2000 йил июлида Душанба саммитида Ўзбекистон биринчи Президенти И.А.Каримов кузатувчи сифатида қатнашди. 2001 йил 15 июнда Шанхай саммитида ташкилотга олтинчи бўлиб Ўзбекистон қўшилди, “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида Шанхай конвенцияси” имзоланди. 2004 йил июндан бошлаб ташкилот тўла равишда ишга киришди. 2005 йилда Остона саммитида ва 2007 йил 15-16 августда Бишкек учрашувларида Эрон, Покистон ва Ҳиндистон, Мўғулистон кузатувчи сифатида иштирок этди.

2016 йилда ШҲТнинг Тошкентда ўтказилган Саммитида Ҳиндистон ва Покистон давлатлари ШҲТга аъзо сифатида қабул қилинди. Ушбу саммитда аъзо давлатлар билан бирга 18 та кузатувчи давлатлар вакиллари иштирок этишди. Ташкилот аъзолари ўзаро келишувлар ва ҳамкорлик шартномаларини имзолашди. Бугунги кунда ШҲТнинг мақсади жуда оддий: аъзо давлатларда ҳарбий-сиёсий можароларга йўл қўймаслик, ҳудуддаги барчани бирлаштирувчи инфраструктурани яратиш

(йўл, логистика марказлари, ахборот ва қонуний асослар ва бошқалар).

2019 йил 13-14 июнь куни Қирғизистон Республикаси Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари кенгашида Шанхай иқтисодий ташкилоти билан ҳамкорликни кучайтириш, Марказий Осиё давлатлари ўртасида эркин савдо алоқаларини ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди. Шундан кейин эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 февралдаги "Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-4619-сонли Қарори имзоланди. Унга кўра, 2019 йил 14 июнь куни Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг кенгаши йиғилишида имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик қилиш асосий вазифа қилиб қўйилди[196].

Бу ташкилотга Осиёнинг икки етакчи мамлакати – Ҳиндистон ва Покистоннинг аъзо бўлиши билан ШҲТ глобал кун тартибига эга энг йирик минтақавий ташкилотга айланди. Бугун ШҲТ фаолияти сиёсат, хавфсизлик, терроризмга қарши кураш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликдан тортиб экологик мавзугача бўлган кенг кўламли масалаларни қамраб олган.

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари билан иқтисодий интеграциясининг кучайиши кўп жиҳатдан мазкур мамлакатларнинг миллий манфаатдорлиги билан белгиланади. Энг аввало, Ўзбекистон рақобат жиҳатидан нисбатан устунликка эга бўлган ишлаб чиқариш соҳалари товарлари – қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, кимё саноати, қурилиш материаллари саноати, электр энергетикаси товарларининг савдосини кенгайтириши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, телекоммуникациялар, сув ва энергия ресурсларидан фойдаланиш, халқаро туризм, ҳамкорликдаги экологик лойиҳаларни амалга ошириш

[196] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 февралдаги "Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-4619-сонли Қарори.

борасида интеграция алоқаларини кучайтириш лозим.

26.1 жадвал

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар тўғрисида маълумотлар (2019 йил)

Давлатлар	Ҳудуди[197]		Аҳоли сони[198]		ЯИМ[199]	
	минг км^2	салмоғи, %	млн. киши	салмоғи, %	млрд. долл	салмоғи, %
Ўзбекистон	447,4	0,09	34,0	0,44	50,5	0,06
Қозоғистон	2724,9	0,53	18,6	0,24	170,5	0,20
Хитой	9599	1,88	1 402,5	18,21	13608,2	15,86
Қирғизистон	198,5	0,04	6,5	0,08	8,1	0,01
Россия	17125,2	3,36	146.7	1,91	1657,6	1,93
Тожикистон	143,1	0,03	9,1	0,12	7,5	0,01
Ҳиндистон	3287,3	0,64	1 370,5	17,80	2726,3	3,18
Покистон	803,9	0,16	217,4	2,82	312,6	0,36
ШҲТ бўйича жами	**34329,3**	**6,73**	**3205,3**	**41,63**	**18541,3**	**21,61**
Дунё бўйича жами	**510072**	**100**	**7700,3**	**100**	**85804,4**	**100**

Жадвалдан кўриниб турибдики, ШҲТнинг таркибида Ўзбекистон ўзига хос салмоққа эга. Шу билан бирга ШҲТнинг жаҳон миқёсидаги иқтисодий салоҳияти ва салмоғи анча юқоридир. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш талабларидан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган барча муассасалар (ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, божхоналар хизмати ва бошқалар) амалда янгидан ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасидан тортиб, бошқарувнинг маҳаллий даражаси ва корхоналаргача бўлган хўжалик субъектларида тегишли ташқи иқтисодий бўлимлар тузилди. Дунёнинг бир қанча мамлакатларида савдо уйлари очилди ва савдо-саноат палаталари барпо этилди.

Енгил саноат соҳасида ташкил этилган қўшма корхоналар географиясига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда соҳани ривожлантириш борасида энг катта хориж сармоясига эга бўлган (хорижий инвестиция маблағларини киритган) давлатлардан бири Корея Республикаси ҳисобланади. Мазкур давлатнинг улуши 38 фоизни ташкил этади. Кейинги ўринларда эса Туркия, Хитой, Германия, Буюк Британия ва бошқа давлатлар туради.

[197] https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_государств_и_зависимых_территорий_по_площади

[198] https://en.wikipedia.org/wiki/Список_стран_по_населению

[199] https://gtmarket.ru/ratings/rating-countries-gdp/rating-countries-gdp-info

Республикамиз МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдони амалга оширишни кенг йўлга қўйган бўлиб унда асосий катта улушларни Россия ва Қозоғистон эгаллайди. Ташқи савдо билан бирга иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари ҳам сезиларли даражада ривожланди. Жумладан, 2014-2018 йилларда енгил саноат соҳасига киритилган инвестициялар ҳажми анча ошди (26.2-жадвал).

26.2-жадвал

МДҲ мамлакатларининг республика ташқи савдосидаги улуши (млрд. доллар)[200]

Давлатлар	Экспорт			Импорт		
	2014	2016	2018	2014	2016	2018
Азарбайжон	21,8	12,5	19,5	9,2	7,7	11,5
Арманистон	1,5	1,7	2,4	4,4	2,6	4,8
Белорус	36,1	22,7	33,7	40,5	25,4	38,4
Қозоғистон	79,5	35,3	61,1	41,3	24,5	33,7
Қирғизистон	1,9	1,5	1,8	5,7	3,1	5,3
Молдова	2,3	1,5	2,7	5,3	3,5	5,8
Россия	501,5	259,3	451,5	292,0	165,1	240,2
Украина	54	34,0	47,3	54,4	38,3	57,2

Халқаро иқтисодий интеграция жаҳон хўжалиги ривожининг тарихий жиҳатдан узоқ давр давом этган натижаси ҳисоблансада, ҳозирги кунда ҳам мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида ҳал этилмаган кўпдан-кўп муаммолар мавжудки, мамлакатимиз учун бу ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат.

Дастлабки даврларда республикамизда ташқи савдо икки йўналиш бўйича: МДҲ мамлакатлари билан ҳукуматлараро битимлар ва хорижий мамлакатлар билан эркин муомаладаги валютада ҳисоб-китоб қилиш асосида амалга оширилди.

Жаҳон миқёсида савдо-сотиқ ишларининг ўсиш суръати сезиларли даражада сустлашгани, экспорт қилинадиган энг муҳим товарларга нисбатан ташқи талабнинг камайиши ва нархларнинг пасайишига қарамасдан, **биз ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришдик. Бу эса**

[200] Манба: http://ru.wikipedia.org/wiki, https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_стран_по_экспорту, http://total-rating.ru/1911-obem-importa-stran-mira-za-2016-god.html, https://trendeconomy.ru/data/commodity_h2/TOTAL

давлатимизнинг олтин валюта захирасини ошириш имконини берди.

Таъкидлаш керакки, ташқи савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобига сифат жиҳатидан ўзгармоқда. Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида рақобатбардош тайёр маҳсулот улушининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодиётимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай ҳолат экспортимизнинг хомашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятда Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама алоқалари ва ҳамкорлигини ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги ягона иқтисодий макон тўғрисида тузилган шартнома самара бера бошлади. Уларнинг саноатини интеграциялаштиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилди.

Республика ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай шароит яратишга, ҳамда зарур бўлган ташкилот ва муассасалар тузишга катта аҳамият берилмоқда. Булар жумласига таваккалчилик хатарларидан келадиган зарарни қоплайдиган «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясини, турли қўшма суғурта компанияларини, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида БМТ билан биргаликда ташкил қилинган инвестицияларга кўмаклашувчи хизматни, Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар агентлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу муассаса ва ташкилотлар ҳамда республикада вужудга келтирилган ҳуқуқий меъёрлар хорижий инвестиция фаолияти учун қулай шароитларни яратиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва сарфланган сармоясини кафолатлайди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши

БМТнинг республикада амалга ошираётган иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, фан соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳаларида ҳам намоён бўлади.

Мамлакатимизнинг **Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар билан иқтисодий ва савдо соҳасидаги ҳамкорлиги, НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги шериклик» дастуридаги иштироки** унинг жаҳон хўжалигига қўшилишининг навбатдаги йўналишидир. Жумладан, Европа Иттифоқи билан Республикамиз ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1996 йил июнь) ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишидир.

Ўзбекистоннинг Халқаро валюта фонди ва жаҳон банки билан ҳамкорлиги ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишдаги навбатдаги йўналишдир. Бу йўналишда ХВФ билан тизимли қайта қурилишларни маблағ билан таъминлаш, тизимли ва макроиқтисодий сиёсат соҳасидаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастурлари маъқулланди.

Жаҳон банк ташкилотлари – Халқаро таъмирлаш ва ривожланиш банки (ХТРБ), Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ), Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва Инвестицияларни кафолатлаш халқаро агентлиги (ИКХА) билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий стратегиясини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Хусусан, ХРРБ йўли билан Ўзбекистонга пахта етиштириш усулларини замонавийлаштириб, унинг жаҳон бозорига чиқишига кўмаклашиш ва унумдорликни ошириш учун асос яратиш мақсадида 66 млн. доллар, институционал ислоҳотларни давом эттириш учун 120 млн. доллар маблағ ажратилди. Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ҳам Ўзбекистонда бир қатор лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда **Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)** алоҳида роль ўйнайди.

2018 йилда Ўзбекистон учун янги мамлакат стратегияси қабул қилингандан сўнг, ЕТТБ қарийб 400 миллион еврога тенг

12та лойиҳани имзолади, бу эса бир йил ичида мамлакатдаги банк ишбилармонлик фаоллигининг рекорд даражасига айланди. Шаҳар ва энергетика инфратузилмасига, шу жумладан, Фарғона водийсида сув таъминоти ва канализация инфратузилмасини тиклашга, шунингдек, банк ва саноат фаолиятига катта сармоялар киритилди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ва савдо фаолиятида **Осиё ривожланиши Банки (ОРБ) ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)** билан ҳамкорлиги истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида дунё мамлакатлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб, бу миллий иқтисодиётнинг байналмилаллашувини кучайтиради ҳамда иқтисодий тараққиётини юқори босқичга кўтаришнинг асосий ташқи омиллари ҳисобланади.

Хулосалар

1. Халқаро иқтисодий интеграция – бу мамлакатларнинг чуқур, барқарор ўзаро иқтисодий алоқаларининг ривожланиши, миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик ва сиёсий алоқаларининг чатишиб кетиш жараёнларидир. Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий шакллари сифатида эркин савдо ҳудудлари, божхона иттифоқи, тўлов иттифоқи, умумий бозор, иқтисодий ва валюта иттифоқини кўрсатиш мумкин.

2. Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини объектив тавсифдаги бир қатор омиллар тақозо қиладики, уларнинг ичида хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви ва глобаллашуви; халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви; умумжаҳон фан-техника революцияси; миллий иқтисодиёт очиқлигининг кучайиши кабилар асосий ўринни эгаллайди.

3. Турли мамлакатлардаги интеграциянинг турли элементлари бир хилда ривожланмайди. Шунга кўра, интеграциянинг қатъий (бир томонлама нафли) интеграция,

тасодифий интеграция, мослашувчан (икки томонлама нафли) интеграция каби турлари фарқланади.

4. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кўп даражали тизим сифатида амал қилиб, уни қуйидаги бешта даражага ажратиш мумкин: глобал; трансконтинентал; минтақалараро; минтақавий; маҳаллий. Ҳар бир даражадаги интеграцион алоқаларнинг ўзига хос вазифалари мавжуд.

5. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини амалга оширишнинг асосий тамойиллари тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик негизида қурилиб, унинг қоидалари икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатларида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга асосланди.

Асосий таянч тушунчалар:

Халқаро иқтисодий интеграция – жаҳон мамлакатлари ўзаро иқтисодий алоқаларини чуқурлаштириш ва барқарор ривожланиши ҳамда миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик алоқаларининг бирлашиш жараёни.

Эркин савдо ҳудудлари – иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг доирасида савдо чеклашлари бекор қилинади.

Божхона иттифоқи – ягона ташқи савдо таърифлари ўрнатишни ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати юритишини тақозо қилади.

Тўлов иттифоқи – миллий валюталарнинг ўзаро алмашинуви ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилиши.

Умумий бозор – бунда унинг қатнашчилари ўзаро эркин савдони амалга ошириш ва ягона ташқи савдо сиёсати ўтказиш билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати таъминланади.

Иқтисодий ва валюта иттифоқи – иқтисодий интеграциянинг энг олий шакли бўлиб, бунда иқтисодий интеграциянинг барча қараб чиқилган шакллари иқтисодий ва валюта-молиявий сиёсат ўтказиш билан бирга уйғунлашади.

Қатъий (бир томонлама нафли) интеграция – интеграция жараёнларидан баъзилари наф кўрувчи, бошқа бирлари донор мамлакатлар ҳисобланадиган интеграциянинг ташқи тавсиф ҳолатлари билан шартланган тури.

Мослашувчан (икки томонлама нафли) интеграция – ҳар бир мамлакат бир вақтнинг ўзида ҳам донор, ҳам наф кўрувчи ҳисобланадиган интеграция тури.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

11. Халқаро иқтисодий интеграция нима ва унинг қандай шакллари мавжуд?
12. Эркин савдо ҳудудларининг моҳиятини тушунтиринг. Бундай тузилмаларнинг интеграциялашув жараёнидаги ўрни қандай?
13. Божхона иттифоқи ва тўлов иттифоқи бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?
14. Умумий бозорнинг амал қилиш тамойиллари қандай ва бугунги кунда унинг фаолияти учун қандай шарт-шароитлар талаб қилинади?
15. Интеграциянинг қандай турларини биласиз? Ҳар бирига мисоллар келтиринг.
16. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг қандай даражалари мавжуд?
17. Халқаро иқтисодий ташкилотлар тўғрисида маълумот беринг.
18. Халқаро иқтисодий муносабатларни ифодаловчи яна қандай назарияларни биласиз? Бу назарияларнинг афзал ва камчилик томонларини таққосланг.
19. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларнинг устувор йўналишларини кўрсатинг.

20. Мамлакатимизнинг кейинги йиллардаги ташқи иқтисодий фаолиятига баҳо беринг.

27-боб. ЖАҲОН БОЗОРИ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ВА КРЕДИТМУНОСАБАТЛАРИ

Ушбу бобда миллий иқтисодиётнинг дунё мамлакатлари билан боғланган мураккаб иқтисодий муносабатлари тизимида халқаро савдо муносабатларининг тутган ўрни, халқаро савдонинг ривожланиши, омиллари ва тузилиши, халқаро муносабатларнинг молиявий ёки валютага оид томонлари баён этилади. Шунингдек, валюта муносабатлари ва ҳозирги замон валюта тизими асослари, мамлакатнинг тўлов баланси, унинг таркиби ва тақчиллиги муаммолари ўрганилади. Халқаро ваюта-кредит муносабатлари, валюта тизими, валюта курси ва валюта сиёсати, уларга таъсир кўрсатувчи омиллар алоҳида эътибор берилади.

27.1. Халқаро меҳнат тақсимоти ва халқаро савдо тўғрисидаги турлича назариялар

Миллий хўжаликларнинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида иштирок этиши, уларнинг шакллари ва самарадорлик даражаси каби муаммоларнинг узоқ давр мобайнида турли олимлар томонидан тадқиқ этилиши бу борадаги турлича назарияларнинг шаклланишига олиб келди. Бу назариялар орасида энг аввало мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувда иштирок этиши зарурлигини назарий жиҳатдан асослаб берувчи мутлақ ва қиёсий (нисбий) устунлик назариялари муҳим аҳамият касб этади.

Мутлақ устунлик назарияси. Иқтисодий ривожланишнинг миллий андозасидан жаҳон андозасига ўтиш, халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши, иқтисодиётнинг глобаллашуви мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиши миллий

манфаатларга қай даражада жавоб беради, деган саволни қўяди. Бу саволга жавоб топишга иқтисодиёт фани илгаридан қизиқиб келган. Жумладан, А.Смит халқаро меҳнат тақсимоти масаласини таҳлил қилиб, қандай товарларни экспорт қилиш ва қайсиларини импорт қилиш қулайлиги тўғрисидаги ўз қарашларини баён қилиш асосида «мутлақ устунлик» назариясини илгари сурган. Мазкур назарияга кўра, А.Смит ҳар бир мамлакатнинг қандайдир маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослашувида бозорнинг асосий роль ўйнашини кўрсатиб берган. Шу билан бирга, у мамлакатлар қуйидаги икки кўринишдаги устунликка: 1) табиий, яъни иқлим шароитининг қулайлиги, баъзи бир табиий ресурсларнинг мавжудлиги ва шу каби ҳолатлар билан шартланган устунлик; 2) эришилган, яъни мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш технологияси билан шартланган устунликка эгалигини таъкидлаган. Бу устунликлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз сифати жиҳатидан юқори ва таннархи жиҳатидан паст даражада бўлади. Шунга кўра, маҳсулотларнинг барча турлари ҳар бир мамлакат томонидан ишлаб чиқарилиши шарт эмас, балки уларнинг баъзиларини устунликка эга бўлган мамлакатдан сотиб олиш самарали ҳисобланади. Уни сотиб олиш меҳнат сарфлари эса мазкур мамлакатнинг ўзи учун устун ҳисобланган соҳадаги меҳнат орқали қопланади. А.Смит назарияси бўйича ҳар бир мамлакат ўзида бошқаларга қараганда арзонга тушган, яъни кам меҳнат сарфланган товарни экспорт қилиб, уларга нисбатан кўп сарф талаб қиладиган товарларни импорт қилиш фойдалидир.

Қиёсий устунлик назарияси. Д.Рикардо ўзаро фойдали савдо ва халқаро ихтисослашувнинг анча умумий тамойилларини шакллантириб, А.Смитнинг қарашларини такомиллаштирган ҳолда «қиёсий устунлик» назариясини ишлаб чиқди. У мазкур назария ёрдамида, ҳатто барча маҳсулотларни ишлаб чиқаришда айрим мамлакатнинг мутлақ устунлиги мавжудлигида ҳам ўзаро фойдали савдонинг

нафақат мумкинлигини, балки зарурлигини исботлаб берди. Бу мамлакат нисбатан паст самарали маҳсулотни ишлаб чиқаришдан воз кечиб, нисбатан юқори самарали маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўтиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши мумкин. Мазкур назарияга кўра, мамлакатлар нисбатан паст харажатли маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашув орқали қўшимча устунликка эга бўлиши ва маҳсулот умумий ҳажмини оширишлари мумкин. Бунда ҳар бир мамлакатнинг қандайдир товар ишлаб чиқариш бўйича мутлақ устунликка эга бўлиши, яъни унинг ишлаб чиқариш харажатлари хорижда яратилаётган шундай товарларнинг харажатларидан паст бўлиши шарт эмас. Д.Рикардонинг фикрича, мамлакат ўзида қиёсий устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқариши ва четга сотиши етарли ҳисобланади.

Қиёсий устунлик назарияси қуйидаги бир қатор шартли фаразларга асосланади: 1) унда иккита мамлакат ва иккита товар ўзаро таққосланади; 2) ишлаб чиқариш харажатлари иш ҳақи кўринишида олинади; 3) мамлакатлар ўртасидаги иш ҳақи даражасидаги фарқлар эътиборга олинмайди; 4) транспорт харажатлари эътиборга олинмайди; 5) эркин савдо мавжуд деб фараз қилинади.

Халқаро савдода қиёсий устунлик тамойилларининг амал қилишини яққол тасаввур қилиш учун қуйидаги шартли мисолни кўриб чиқамиз (27.1-жадвал).

27.1-жадвал

Турли мамлакатларда дон ва вино ишлаб чиқариш харажатлари

Мамлакат	50 кг дон ишлаб чиқариш харажатлари, киши/кун	100 л вино ишлаб чиқариш харажатлари, киши/кун
Буюк Британия	100	120
Португалия	90	80

Жадвалдан кўринадики, агар мутлақ харажатлар эътиборга олинса, улар ҳар иккала маҳсулот бўйича ҳам Португалияда паст бўлиб, унинг Буюк Британия билан савдо алоқаларини ўрнатиш учун ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Бироқ, қиёсий харажатлар ушбу фикр-мулоҳазаларни ўзгартириб юборади.

Бунинг учун ҳар иккала маҳсулот бўйича мамлакатларнинг қиёсий харажатларини ҳисоблаб чиқамиз:

1. Дон бўйича қиёсий харажатлар:

а) Буюк Британияда $\frac{100}{50}:\frac{120}{100}=\frac{5}{3}=1{,}6$.

б) Португалияда $\frac{90}{50}:\frac{80}{100}=\frac{9}{4}=2{,}25$.

2. Вино бўйича қиёсий харажатлар:

а) Буюк Британияда $\frac{120}{100}:\frac{100}{50}=\frac{3}{5}=0{,}6$.

б) Португалияда $\frac{80}{100}:\frac{90}{50}=\frac{4}{9}=0{,}4$.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, дон бўйича қиёсий харажатлар коэффициенти Португалияга (2,25) нисбатан Буюк Британияда (1,6) пастлиги сабабли донни Буюк Британия ишлаб чиқариши ва экспорт қилиши лозим. Вино бўйича қиёсий харажатлар коэффициенти Буюк Британияга (0,6) нисбатан Португалияда (0,4) пастлиги сабабли, винони Португалияда ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай тартибдаги халқаро савдода иштирок этиш ҳар иккала мамлакат учун ҳам манфаатли ҳисобланади.

Иқтисодиёт назариясида халқаро ихтисослашувнинг устунликларини асослаш Рикардонинг классик схемаси билан чекланмаган. XX асрда халқаро ихтисослашувнинг қонуниятлари Э.Хекшер, Б.Олин, П.Самуэльсон, Ж.Кейнс, В. Леонтьев, Г.Хаберлер ва бошқа кўплаб иқтисодчилар томонидан тадқиқ қилинди. Жумладан, иқтисодий адабиётларда **Хекшер-Олин-Самуэльсон модели** деб юритилувчи модель алоҳида аҳамият касб этади. Бу модель асосчилари Э.Хекшер ва Б.Олин халқаро товар оқимларининг йўналиш ва таркибий тузилиши қай тарзда белгиланиши тўғрисидаги замонавий тасаввурларни ишлаб чиқдилар. П.Самуэльсон эса мазкур фикрларни амалий жиҳатдан

ифодаловчи математик шартларни очиб берди. Мазкур модель асосида **ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси** ётади. Маълумки, турли мамлакатлар ишлаб чиқариш омиллари – ишчи кучи, ер ва капитал билан турли даражада таъминланганлар. Агар мамлакат фақат қандайдир битта омил билан етарли даражада таъминланган бўлса, бу мамлакатда шундай омил сиғими катта бўлган товарларни ишлаб чиқариш арзонга тушади. Бу мамлакат учун уларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш нисбатан фойдали ҳисобланади.

Халқаро ихтисослашувнинг қонуниятларини янада чуқурроқ тушуниш қиёсий харажатлар таҳлили асосида кўп омилли андоза тузишга олиб келдики, унда товарлар ҳаракати билан бирга ишлаб чиқариш омилларининг давлатлараро эркин ҳаракати имкониятлари ҳисобга олинди. Ўтказилган тадқиқотларда нафақат тармоқлараро, балки тармоқлар ичида ва минтақа ўртасидаги ихтисослашувнинг қонуниятлари, мамлакатнинг материал, капитал, меҳнат ва фан сиғимли товарларга ихтисослашув сабаблари очиб берилди. Ихтисослашувга фан ва техника тараққиёти ҳамда технологик ўзгаришлар суръати ва тавсифи таъсирининг хусусиятлари аниқланди.

1954 йили америкалик иқтисодчи В.Леонтьевнинг мақоласи эълон қилиниб, унда ўша даврда капитал ортиқчалигига эга бўлган мамлакат ҳисобланувчи АҚШ экспорти ва импортида меҳнат ва капитал тўлиқ сарфининг ҳисоб-китоби асосида Хекшер-Олин назариясини текширишга уриниб кўрилган. Бунда АҚШ капитал сиғими юқори бўлган товарларни экспорт қилиб, меҳнат сиғими юқори бўлган товарларни эса импорт қилиши тахмин қилинар эди. Натижа тескари бўлиб чиқиб, Леонтьев парадокси деган ном олди. Маълум бўлдики, АҚШдаги капиталнинг нисбий ортиқчалиги Америка ташқи савдосига таъсир кўрсатмайди. АҚШ кўпроқ меҳнат сиғими юқори, капитал сиғими эса паст бўлган товарларни экспорт қилар экан. В.Леонтьев Америкадаги меҳнатнинг юқори унумдорлиги америкалик ишчиларнинг нисбатан юқори

малакаси билан боғлиқлигини таъкидлаб, бу ердаги меҳнатнинг хориждаги меҳнат билан нисбати 1:3 эквивалентликда эканлигини кўрсатди. Бу эса ишчи кучи малакаси моделининг пайдо бўлишига олиб келди.

Ишчи кучи малакаси моделига кўра, ишлаб чиқаришда учта эмас, балки тўртта: малакали ишчи кучи, малакасиз ишчи кучи, капитал ва ер иштирок этади. Касбий маҳоратга эга бўлган ходимлар ва юқори малакали ишчи кучининг нисбатан кўплиги малакали меҳнатнинг катта миқдорини тақозо этувчи товарларнинг экспорт қилинишига олиб келади. Малакасиз ишчи кучининг кўплиги эса ишлаб чиқаришда юқори малака талаб этилмайдиган товарларнинг экспортига имкон яратади.

Ҳозирги замон иқтисодий фани Хекшер-Олин назариясининг фақат ютуқли жиҳатларини эмас, балки чекланган томонларини ҳам очиб беради. Жумладан, қуйидаги жараёнлар бу назарияга мувофиқ келмайди:

- юқори ривожланган мамлакатларнинг саноати ва савдосидаги таркибий силжишларнинг яқинлашуви;
- даромадларнинг бир хилда юқори даражасига эга бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдонинг аҳамиятли ва мунтазам ўсиб борувчи солиштирма салмоғи;
- жаҳон савдосида ўхшаш саноат товарларини бир-бирига етказиб беришнинг юқори ва ўсиб борувчи солиштирма салмоғи.

Санаб ўтилган ҳолатлар иқтисодий фан олдига Хекшер-Олин назариясини кенгайтириш ёки асосий қоидаларини янгилаш йўлларини қидириш вазифасини қўяди. Бу бир томондан, назариянинг кенгайишига, ишлаб чиқариш омилларининг янгича талқин этилишига, иккинчи томондан эса, унинг тўлиқ инкор этилишига ҳамда ХМТ самарадорлиги муаммосига мутлақ янги ёндашувларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Халқаро меҳнат тақсимоти неоклассик назариялари ўртасида америкалик иқтисодчи **Г.Хаберлернинг муқобил**

харажатлар модели етакчи ўрин тутади. У ҳар бир мамлакат учун барча ресурс ва энг яхши технологиялардан фойдаланган ҳолда икки турдаги товарни қандай нисбатда ишлаб чиқара олиши мумкинлигини кўрсатувчи ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғидан фойдаланишни таклиф этади. Бу қарашларга кўра, ҳар бир мамлакат бошқа мамлакатларга таққослаганда юқори технологияга эга бўлган тармоқлардаги маҳсулотларни экспорт қилади. Кейинчалик илғор технология муқаррар равишда дунё бўйлаб тарқалиб, технологиядаги фарқлар йўқолади, экспорт пасайиб, жаҳон савдоси таркибий тузилишида кейинги ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Р.Верноннинг товарнинг ҳаётий цикли назариясида мамлакатнинг жаҳон савдосидаги муваффақияти ички бозорга боғлиқлиги таъкидланади. Вернон назариясига кўра маҳсулотларнинг баъзи бир турлари тўрт босқичдан иборат циклдан ўтади (жорий этиш, ўсиш, етуклик, пасайиш), уларни ишлаб чиқариш эса халқаро миқёсда циклнинг босқичидан келиб чиққан ҳолда силжийди. Р.Вернон АҚШнинг янги ва истиқболли товарларнинг аҳамиятли миқдорини ишлаб чиқаришда етакчилик қилиши сабабларини очиб беришга ҳаракат қилди. У миллий бозорда хорижий бозорга нисбатан эртароқ пайдо бўлган товарларга талаб АҚШнинг технологик устунлигига олиб келишини таъкидлади. Америка фирмалари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши босқичида бу янгиликларни экспорт қилади, уларга бўлган талабнинг ўсиши билан эса хорижий мамлакатларда ишлаб чиқаришни ташкил этади. Янги технологиянинг тарқалиши билан хорижий корхоналар ҳам янги товарларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, уларни АҚШга олиб кела бошлайдилар. «Товар цикли» тушунчаси миллий ва ташқи бозорларнинг ўзаро боғлиқлигини изоҳловчи назариянинг асосига айланди. Халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон савдоси таркибий тузилишининг самарадорлиги мустақиллик, ўзаро боғлиқлик ва боғлиқлик концепцияларини тушунтиришга ёрдам беради.

Юқори иқтисодий мустақиллик баъзи бир товар, хизмат

ва технологияларнинг мавжуд бўлмаслигини билдиради, шунга кўра ҳозирда ҳеч бир мамлакат тўлиқ мустақилликка интилмайди. Бироқ, кўплаб мамлакатлар халқаро меҳнат тақсимоти тизимига кириш ҳамда ташқи савдо таркибини шакллантиришда талаб ва таклиф устидан хорижий назоратнинг ўрнатилиши хавфини паст даражада бўлишига ҳаракат қиладилар.

Хориждаги ўзгаришлардан ҳимояланганликнинг ўсишини ўзаро эҳтиёж асосидаги савдо алоқаларини ривожлантириш орқали таъминлаш мумкин. Мамлакатлар (масалан, Франция ва Германия) нинг савдо шериклари сифатидаги ўзаро боғлиқлиги ҳолатида улардан бирининг товарларни етказиб бериш ёки бозор ҳажмини қисқартириши эҳтимолдан узоқ, чунки бошқа томон ҳам бунга дарҳол жавоб қайтаради. Ўта юқори даражадаги боғлиқлик мамлакатнинг бошқа мамлакатларда рўй берувчи ўзгаришларга боғлиқлигини келтириб чиқаради.

Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви барча назарияларнинг ҳаётий лаёқатлилигини ва уларни доимий равишда модификациялаб, янги қирраларни қўшиб туриш зарурлигини тасдиқлайди. Халқаро алоқаларнинг жаҳон амалиётида эса бу назариялардан кенг фойдаланилмоқда.

27.2. Халқаро савдонинг мазмуни, тузилиши ва хусусиятлари

Ҳозирги жаҳон ривожининг хусусиятли белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсиши ҳисобланади. Ташқи савдо халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш, илмий-техника ва бошқа шакллари (кадрларни тайёрлаш, туризм ва ҳ.к.) билан бир қатордаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шакли ҳисобланади. Барча мамлакатлар ташқи савдоси мажмуи халқаро савдони ташкил этади.

Халқаро савдо – бу турли мамлакат хўжаликлари ўртасидаги товар ва хизматларни айирбошлаш жараёнида содир бўладиган муносабатлар мажмуидир. Халқаро савдо қадимдан мавжуд бўлсада, фақат XIX асрга келиб, яъни деярли барча ривожланган мамлакатлар халқаро савдо алоқаларида иштирок эта бошлаши билан жаҳон бозори шаклига кирди.

Халқаро савдо ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт, савдо баланси каби кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Экспорт – мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни мамлакатдан ташқарига чиқарилиб чет эллик мижозларга сотишдир. Экспортнинг иқтисодий самарадорлиги, фойдалилиги шу билан аниқланадики, мазкур мамлакатда ишлаб чиқариш харажатлари товарни импорт қилувчи мамлакатлар харажатларидан паст бўлган маҳсулотларни четга чиқаради. Бунда экспортда олинадиган ютуқ ҳажми мазкур товар миллий ва жаҳон нархларининг нисбатига, мазкур товарнинг халқаро айланмасида иштирок этувчи мамлакатларнинг меҳнат унумдорлигига боғлиқ.

Халқаро савдода **товарларнинг экспорт таркиби** фан-техника революцияси ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви таъсири остида ўзгаради. Ҳозирги даврда халқаро савдонинг экспорт таркибида қайта ишловчи саноат маҳсулотлари етакчи ўринга эга бўлиб, унинг ҳиссасига жаҳон товар айирбошлашининг 3/4 қисми тўғри келади. Озиқ-овқат, хомашё ва ёқилғи улуши фақат 1/4 қисмини ташкил қилади.

Хизматлар экспорти товарлар экспортидан фарқ қилади. Чет эллик истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш, чет эл валюталарини олиш билан боғлиқ бўлиб, у миллий чегарада амалга оширилади (масалан, чет эл компанияси вакилларига почта, телеграф хизмати кўрсатиш, чет эл фуқароларига сайёҳлик ва бошқа хизматлар кўрсатиш ва ҳ.к.).

Капитал экспорт қилиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Капитал экспорти кредит бериш ёки чет эл корхоналари акцияларига мақсадли сармоялар сарфлаш каби шаклларда

амалга оширилиб, капитал чиқарилган вақтда экспорт қилувчи мамлакатдан маблағлар оқимини тақозо қилади ва шу орқали тасарруфида бўлган ресурслар ҳажмини қисқартиради. Бошқа томондан, капитал экспорти чет давлатларнинг мазкур мамлакатдан бўлган қарзларини кўпайтиради. У жаҳон бозорига товарларнинг кейинги экспорти учун қулай шароит яратади ва чет эл валютасида фоиз ёки дивиденд шаклида барқарор даромад олиш омили ҳисобланади.

Кўплаб мамлакатлар, чекланган ресурс базасига ва тор ички бозорга эга бўлиб, ўзларининг ички истеъмоли учун зарур бўлган барча товарларни етарли самарадорлик билан ишлаб чиқариш ҳолатида бўлмайди. Бундай мамлакатлар учун импорт керакли товарларни олишнинг асосий йўли ҳисобланади.

Импорт экспортдан фарқ қилиб чет эллик ишлаб чиқарувчилардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга келтиришни билдиради. Бунда мамлакат ичида ишлаб чиқариш харажатлари ташқаридан сотиб олинган чоғдаги харажатлардан юқори бўлган товарлар импорт қилинади. Ташқи савдо самарадорлигини ҳисоблашда мазкур мамлакат томонидан импорт қилиш ҳисобига муайян товарларга бўлган ўз эҳтиёжининг тезлик билан қондирилиши ҳамда бундай товарларни мамлакат ичида ишлаб чиқарилган чоғда сарфланиши лозим бўлган ресурсларнинг тежалиши натижасида олинувчи иқтисодий наф эътиборга олинади.

Қуйидаги жадвалда кейинги йилларда мамлакатимиздаги экспорт ва импортнинг товар таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган (27.2-жадвал).

27.2-жадвал

Ўзбекистонда экспорт ва импортнинг товар таркиби, фоизда[201]

Товарлар гуруҳи	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоизда							
	2010	2012	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Экспорт	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**
Пахта толаси	11,3	14,6	7,7	6,1	5,1	3,4	1,6	1,6
Озиқ-овқат	9,7	2,6	12,4	10,8	8,5	6,3	7,8	8,5
Кимё маҳсулотлари	5,1	8,3	4,7	5,1	6,7	6,4	6,5	4,9
Энергетика маҳсулотлари	24,8	13,5	23,0	22,1	13,6	13,8	19,1	14,1
Қора ва рангли металлар	6,8	14,5	7,2	6,8	5,7	6,6	8,4	7,3
Машина ва ускуналар	5,5	0,4	4,0	1,3	1,8	2,6	1,5	2,5
Хизматлар	9,1	23,0	22,4	25,2	25,5	25,2	21,9	19,9
Бошқалар	27,7	22,2	18,6	22,6	33,1	35,7	33,2	41,2
Импорт	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**
Озиқ-овқат	10,9	7,2	10,8	12,8	11,9	9,8	8,1	7,8
Кимё маҳсулотлари	14,3	17,7	15,9	17,0	17,5	16,5	13,0	13,2
Энергетика маҳсулотлари	6,0	0,3	6,2	5,8	4,9	5,7	4,5	3,8
Қора ва рангли металлар	8,4	3,2	8,0	7,4	7,6	9,8	9,1	8,7
Машина ва ускуналар	44,1	58,4	39,5	40,5	41,4	38,9	43,0	43,8
Хизматлар	4,7	7,0	8,0	7,7	6,5	7,5	10,9	10,0
Бошқалар	11,6	6,2	11,6	8,88	10,2	11,8	11,2	12,7

“Бизнинг ташқи савдога чиқадиган юкларимизнинг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг транзит йўлаклари орқали ўтади. Шунингдек, тайёр маҳсулотларимиз экспортининг 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади”[202].

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалардаги иштирокини ифодаловчи бир қатор кўрсаткичлар ҳам мавжуд. Масалан, тармоқ ишлаб чиқаришининг халқаро ихтисослашуви даражаси кўрсаткичлари сифатида **таққослама экспорт ихтисослашуви коэффициенти (ТЭИК) ҳамда тармоқ ишлаб чиқаришидаги экспорт бўйича квотадан** фойдаланиш мумкин. ТЭИК қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K_o = Э_o / Э_м,$$

бу ерда:

[201] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари; Ўзбекистон Республикасининг Статистик ахборотномаси, 2017 йил. Тошкент - 2018.

[202] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 декабрь.

$Э_о$ – мамлакат экспортида товар (тармоқ товарлари йиғиндиси)нинг солиштирма салмоғи;

$Э_м$ – жаҳон экспортидаги шу турдаги товарларнинг солиштирма салмоғи.

Агар нисбат бирдан катта бўлса, бу тармоқ ёки товарни халқаро жиҳатдан ихтисослашган тармоқ ёки товарларга киритиш мумкин ва аксинча.

Экспорт бўйича квота миллий саноатнинг ташқи бозор учун очиқлик даражасини ифодалайди:

$$К_э = Э/ЯИМ,$$

бу ерда: Э – экспорт қиймати.

Экспорт буйича квотанинг кўпайиши ҳам мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокининг ҳамда маҳсулот рақобатбардошлигининг ўсиб боришидан дарак беради.

Мамлакатдаги аҳоли жон бошига тўғри келувчи экспорт ҳажми унинг иқтисодиётининг «очиқлиги» даражасини ифодалайди. **Экспорт салоҳияти (экспорт имкониятлари) – мазкур мамлакат томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўз иқтисодиёти манфаатларига путур етказмаган ҳолда жаҳон бозорида сотиши мумкин бўлган қисми.**

Товарлар экспорти ва импорти суммаси ташқи савдо айланмаси ёки ташқи товар айланмасини ташкил этади. **Бирор бир мамлакат бошқа мамлакатда ишлаб чиқарилган товарни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун харид қилган тақдирда реэкспорт рўй беради.** Реэкспорт билан реимпорт узвий боғлиқ. **Реимпорт истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарни сотиб олишни билдиради.**

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИ ҚУЙИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТАВСИФЛАНАДИ (27.3-ЖАДВАЛ).

27.3-жадвал

Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси ва унинг таркиби, фоизда[203]

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2010	2011	2012	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Ташқи савдо айланмаси	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**
Экспорт	59,7	55,3	47,0	49,2	49,4	50,9	47,4	41,9	42,4
Импорт	40,3	44,7	53,0	50,8	50,6	49,1	52,6	58,1	57,6
Экспорт – жами	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**
шу жумладан:									
Товарлар	90,9	86,3	77,0	77,6	74,8	74,5	74,8	78,1	88,1
Хизматлар	9,1	13,7	23,0	22,4	25,2	25,5	19,7	21,9	19,9
Импорт – жами	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**
шу жумладан:									
Товарлар	88,4	93,8	93,8	92,0	92,3	93,5	92,5	89,1	90,0
Хизматлар	11,6	6,2	6,2	8,0	7,7	6,5	14,1	10,9	10,0

Энг муҳими, экспорт ҳажмининг ана шундай ўсиши биз учун анъанавий ресурслар бўлмиш пахта толаси, қимматбаҳо металлар ва турли хомашё етказиб бериш ҳисобига эмас, балки асосан автомобиллар, нефть-кимё ва металл маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ип-калава ва газлама, трикотаж буюмлар, сим-кабель маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа шу каби кўплаб экспорт товарлари ҳажми ва турларини кўпайтириш эвазига таъминланмоқда.

«Бу йил экспортёрларга кафиллик берадиган ва харажатларнинг бир қисмини қоплайдиган – Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда экспортни олдиндан молиялаштириш учун – Экспорт-кредит агентлиги ташкил этилади. Шунингдек, экспорт қилишда замонавий суғурта хизматлари йўлга қўйилади, автомобиль ва ҳаво транспорти харажатларини қисман давлат томонидан қоплаб бериш механизми жорий қилинади.»[204].

[203] Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

[204] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 декабрь.

Экспорт ва импортнинг ҳаракатида ҳам мультипликация самараси мавжуд бўлиб, бу омилни ҳисобга олиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу борада таниқли иқтисодчи олимлардан Ж.Кейнс, Р.Кан, Ф.Махлуп, П.Самуэльсон ва бошқалар ташқи савдо мультипликатори тўғрисидаги назарий асосларни яратишда катта ҳисса қўшдилар.

Экспорт мультипликатори ҳам инвестициялар мультипликатори сингари истеъмол соҳасидаги ички жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, истеъмол ёки жамғармага сўнгги қўшилган мойиллик кўрсаткичлари орқали аниқланади:

$$M_x = \frac{1}{MRS} = \frac{1}{1 - MRC},$$

бу ерда:

Мх – экспорт мультипликатори коэффициенти;

MRS – жамғармага сўнгги қўшилган мойиллик;

MRC – истеъмолга сўнгги қўшилган мойиллик.

Экспорт ҳажми ошишининг ялпи миллий ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$ЯИМ = M_p \Delta X,$$

бу ерда:

Мр – мультипликатор;

ΔХ – экспорт ҳажмининг ўсиши.

Бироқ, халқаро савдо фақат экспортдан иборат бўлмай, балки ўз ичига импортни ҳам олади. Агар экспортдан олинган даромаднинг бир қисми импортга сарфланса, у ҳолда мамлакатнинг ички харид қобилияти пасаяди. Импорт жамғарма сингари бой берилган имконият сифатида амал қилади, шунинг учун у математик ифодаларда манфий ишора билан қўлланилади. Импортни жамғариш функциясига ўхшаган ҳолда таҳлил қилиш мумкин. Бунинг учун импортга сўнгги қўшилган мойиллик тушунчасини киритиб оламиз. Бу мойиллик импорт ҳажми ўзгаришининг даромад ўзгаришига нисбати орқали ифодаланиши мумкин. Натижада импорт мультипликатори формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$M_p = \frac{1}{(MRS + MRM)\Delta X},$$

бу ерда:

MRM – импортга сўнгги қўшилган мойиллик.

Импортни ҳисобга олган ҳолда экспорт ҳажми ўзгаришининг ялпи миллий ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Delta ЯИМ = \frac{1}{(MRS + MRM)\Delta X}.$$

Ташқи савдо мультипликатори чексиз ҳаракатда бўлмайди. Импорт товарларни истеъмол қилишга сўнгги қўшилган мойилликнинг қиймати бирдан кам бўлганлиги сабабли навбатдаги қўшимча ўсишлар миқдори мунтазам қисқариб, мультипликация жараёни секин-аста сўниб боради.

Халқаро савдо бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Иқтисодий ресурсларнинг ҳаракатчанлиги мамлакатлар ўртасида мамлакат ичидагига қараганда анча паст бўлади. Масалан, ишчилар мамлакат ичида вилоятдан вилоятга, ҳудуддан ҳудудга эркин ўтиши мумкин. Мамлакатлар ўртасидаги тил ва маданий тўсиқлардан ташқари яна иммиграцион қонунлар ишчи кучининг мамлакатлар ўртасидаги миграциясига қаттиқ чеклашлар қўяди. Солиқ қонунчилигидаги, давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа тадбирларидаги фарқлар ва бошқа қатор муассасавий тўсиқлар реал капиталнинг миллий чегара орқали миграциясини чеклайди.

2. Ҳар бир мамлакат ҳар хил валютадан фойдаланади. Бу мамлакатлар ўртасида халқаро савдони амалга оширишда муайян қийинчиликлар туғдиради.

3. Халқаро савдо сиёсий аралашув ва назоратга маҳкум бўлиб, бу ички савдога нисбатан қўлланиладиган тадбирлардан тавсифи ва даражаси бўйича сезиларли фарқланади.

Халқаро савдонинг таркибий тузилиши ишлаб чиқариш асосий омилларининг турли мамлакатлар ўртасида

жойлашуви ҳамда жаҳон ишлаб чиқариши тузилмасига боғлиқ. Агар бундан бир аср муқаддам халқаро савдода устун равишда хомашё, материаллар, озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари айирбошланган бўлса, бугунги кунга келиб саноат товарлари, айниқса машина ва асбоб-ускуналарнинг салмоғи сезиларли даражада ўсди. Интеллектуал товарлар ва хизматларнинг улуши ҳам кескин равишда ошиб, умумий савдо айланмасининг 10 фоизига қадар етди. Шунингдек, халқаро савдони ташкил этиш шакллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Анъанавий кўринишдаги товар биржалари, аукционлар, савдо-саноат ярмаркалари, савдо кўргазмалари билан бир қаторда икки томонлама битимларнинг қуйидаги шакллари ҳам кенг қўлланмоқда:

1) бартер – товарларни тўғридан-тўғри, пул иштирокисиз бир-бирига айирбошлаш. Бартерда пул иштирок этмасада, товарларнинг қийматини бир-бирига таққослаш учун пулнинг қиймат ўлчови вазифаси орқали баҳолаб олинади;

2) экспорт қилувчилар томонидан етказиб берилган товарлар қийматининг бир қисмига импорт товарларни харид қилиш;

3) техниканинг янги моделларини сотишда эскирган моделларни сотиб олиш;

4) импорт қилинган асбоб-ускуналар қисм ва деталларини импортга сотувчи мамлакат томонидан бутлаб бериш;

5) компенсацион битимлар. Мазкур битимлар шартига кўра, технологик асбоб-ускуналар етказиб берувчи томонларнинг бири тақдим этган кредит (молиявий, товар кўринишидаги) бўйича тўловлар ана шу асбоб-ускуналарда тайёрланган тайёр маҳсулотларни етказиб бериш орқали амалга оширилади;

6) бир мамлакатда ундирилган хомашёни бошқа бир мамлакат ишлаб чиқариш қувватлари ёрдамида қайта ишлашда ушбу қайта ишлаш ва ташиб бериш хизматларини қўшимча хомашё етказиб бериш орқали тўлаш;

7) клиринг операциялари, яъни ўзаро талаб ва мажбуриятларни ҳисобга олиш орқали нақд пулсиз ҳисоблашув.

Халқаро савдода иштирок этиш ҳар бир мамлакат учун миллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш вазифасини долзарб қилиб қўяди. Бу вазифа мамлакатларнинг савдо сиёсати орқали амалга ошади. Жаҳон амалиётида бу сиёсатнинг **протекционизм (ташқи таъсирдан ҳимоялаш) ва фритредерлик (савдога тўлиқ эркинлик бериш)** каби шакллари кенг тарқалган.

Протекционизмнинг классик ва замонавий кўринишлари фарқланади. Классик ёки қаттиқ **протекционизм** сиёсатининг назарий асосини меркантилизм ташкил этиб, унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- товарлар импортини чеклаш;
- экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- четдан келувчи товарларга юқори бож тўловлари ўрнатиш орқали миллий ишлаб чиқаришни ҳимоялаш;
- товарларнинг маълум турлари билан савдо қилишга давлат монополиясининг ўрнатилиши ва ҳ.к.

Замонавий протекционизмнинг ҳам асосий мақсади ички бозорда миллий ишлаб чиқарувчилар учун нисбатан қулай шароитлар яратиш ҳамда уларни хорижий ишлаб чиқарувчилар рақобатидан ҳимоялаш ҳисобланади, бироқ унинг усул ва воситалари ўзининг мослашувчанлиги билан классик протекционизмдан фарқ қилади.

Қиёсий харажатлар назариясига кўра эркин савдо туфайли, жаҳон хўжалиги ресурсларни самарали жойлаштиришга ва моддий фаровонликнинг юқори даражасига эришиши мумкин. Протекционизм, яъни эркин савдо йўлидаги тўсиқлар халқаро ихтисослашувдан олинадиган нафни камайтиради ёки йўққа чиқаради.

Эркин савдо йўлида жуда кўп тўсиқлар мавжуд бўлади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1) бож тўловлари. Бож тўловлари импорт товарларга акциз солиқлари ҳисобланади, у даромад олиш мақсадида ёки ҳимоя учун киритилиши мумкин;

2) импорт квоталари. Импорт квоталари ёрдамида

маълум бир вақт оралиғида импорт қилиниши мумкин бўлган товарларнинг максимал ҳажми ўрнатилади;

3) тарифсиз тўсиқлар. Тарифсиз тўсиқлар таркибига лицензиялаш тизими, маҳсулот сифатига стандартлар қўйиш ёки оддий маъмурий тақиқлашлар киради;

4) экспортни ихтиёрий чеклаш. Экспортни ихтиёрий чеклаш савдо тўсиқларининг нисбатан янги шакли ҳисобланади. Бу ҳолда чет эл фирмалари ўзларининг маълум мамлакатга экспортини ихтиёрий равишда чеклайди.

Мамлакатлар халқаро савдо ёрдамида ўзларининг давлатлараро ихтисослашувини ривожлантириши, ўзларининг ресурслари унумдорлигини ошириши ва шу орқали ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини кўпайтириши мумкин. Алоҳида давлатлар, энг юқори нисбий самарадорлик билан ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарларга ихтисослашиши ва уларнинг ўзлари самарали ишлаб чиқариш ҳолатида бўлмаган товарларга айирбошлаш ҳисобига ютиш мумкин.

Шу ўринда мамлакатлар нима учун савдо-сотиқ қилади, деган савол туғилади. Биринчидан, иқтисодий ресурслар дунё мамлакатлари ўртасида жуда нотекис тақсимланади: мамлакатлар ўзларининг иқтисодий ресурслар билан таъминланиши кескин фарқланади. Иккинчидан, ҳар хил товарларни самарали ишлаб чиқариш ҳар хил технология ёки ресурслар уйғунлашувини талаб қилади. Бу икки ҳолатнинг халқаро савдога таъсирини осон тушунтириш мумкин. Масалан, Япония кўп ва яхши тайёрланган ишчи кучига эга, малакали меҳнат ортиқча бўлганлиги сабабли арзон туради. Шу сабабли, Япония тайёрлаш учун кўп миқдорда малакали меҳнат талаб қилинадиган турли-туман меҳнат сиғимли товарларни самарали ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Австралия эса аксинча, жуда кенг майдонларига эга бўлган ҳолда етарли бўлмаган миқдорда инсон ресурслари ва капиталга эга.

Қисқача айтганда, ҳимоя қилинадиган тармоқлар савдо тўсиқларини киритишдан оладиган фойда бутун иқтисодиёт учун анча катта йўқотиш ҳисобланади.

Эркин савдо (фритредерлик) сиёсати протекционизм сиёсатининг акси бўлиб, ташқи савдони эркинлаштиришга қаратилган. Бу сиёсат халқаро савдо ҳажмларини ўсишига олиб келувчи турли тариф ва квоталарни қисқартириш, миллий иқтисодиётнинг очиқлигини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Халқаро савдони тартибга солиш халқаро ва миллий даражаларда амалга ошади.

Миллий даражадаги тартибга солиш экспорт ва импортни тартиблаш орқали намоён бўлади. Экспортни тартиблаш ташкилий ва кредит-молиявий усуллар ёрдамида уни рағбатлантиришга йўналтирилган. **Экспортни рағбатлантиришнинг ташкилий усулларига** қуйидагиларни киритиш мумкин:

- экспорт қилувчиларга ахборот ва маслаҳат бериш хизматларини кўрсатиш учун махсус бўлинмаларни ташкил этиш;
- савдо битимларини тузишда давлат идораларининг иштирок этиши;
- ташқи савдо учун малакали кадрларни тайёрлашга кўмаклашув;
- хорижий мамлакатларда кўргазмалар ташкил этишда ёрдам кўрсатиш;
- миллий компанияларни дипломатик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к.

Экспортни рағбатлантиришнинг кредит-молиявий усуллари қуйидагилардан иборат:

- экспортга товарлар етказиб беришни субсидиялаш;
- экспорт қилувчилар учун давлат кредитларини бериш ва хусусий кредитлар берилишини рағбатлантириш;
- хорижда амалга оширилувчи савдо битимларини давлат томонидан суғурталаш;

- экспортдан олинувчи фойдадан солиқ тўлашдан озод этиш ва ҳ.к.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаруви корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада оширишни рағбатлантириш кўлами янада оширилди. Шу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1731-сонли Қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ микрофирма ва кичик корхоналарга сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар учун янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ-3978-сон қарори қабул қилинди. Унга кўра, экспорт операциялари бўйича божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан бошлаб муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлиши мева-сабзавот маҳсулотлари учун 120 кун этиб белгиланади. Экспорт қилувчининг ташқи савдо контрактлари бўйича тўлов муддати ўтган дебитор қарздорлиги бўлса, унинг кейинги экспорти фақат 100 фоизли олдиндан тўлов асосида амалга оширилишига рухсат берилади[205].

[205] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ-3978-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.10.2018й.814-сон"Ўзагроэкспорт"АЖихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси олдиндан тўловсиз, тасдиқланган банк аккредитиви очилмасдан ёки биринчи даражали хорижий банк кафолати расмийлаштирилмасдан мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиши мумкин бўлган етакчи хорижий импорт қилувчи ташкилотлар рўйхатига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2017 й. ПҚ-3157-сон "Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни экспорт қилишга ундошчи меъёрий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Импортни тартибга солиш, асосан, уни тарифли ва тарифсиз воситалар орқали чеклашдан иборат. Асосий тарифли тўсиқ сифатида божхона божларини келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг стратегик йўналиши сифатида Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан 2019 йилдаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожланиши ва кенгайишини таъминлашга доир «Йўл ҳаритаси» лойиҳасини ишлаб чиқиб, унда қуйидагиларни назарда тутилмоқда:[206]

- Ўзбекистон корхоналарининг маҳсулотлари ва хизматларини ташқи бозорга экспорт қилишни кучайтириб бориш;

- Ўзбекистонга инвестицияларни, илғор технологияларни, сайёҳлар оқимини, шунингдек, грантлар, имтиёзли кредитлар ва техник кўмакларни жалб этиш;

- Республиканинг транспорт-транзит имкониятларини

[206] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. 8-илова, 313-қатор.

ошириш, ташқи савдо юк ташиш ишлари учун қулай шароитларни шакллантириш;

- таълим, фан ва техника соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш.

27.3. Тўлов баланси, унинг тузилиши ва тақчиллиги

Тўлов баланси - мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт (одатда бир йил) оралиғида амалга оширилган барча иқтисодий битимлар натижасининг тартиблаштирилган ёзуви.

Иқтисодий битимлар – қийматнинг ҳар қандай айирбошланиши, яъни товарлар, кўрсатилган хизматлар ёки активларга мулкчилик ҳуқуқининг бир давлат резидентларидан бошқа давлат резидентларига ўтиши бўйича келишувлардан иборат. Ҳар қандай битим икки томонига эга бўлади ва шу сабабли тўлов балансида икки томонлама ёзув тартибига риоя қилинади. Ҳар бир битим тўлов балансининг дебет ва кредит қисмларида ўз ифодасини топади.

Кредит – қийматнинг мамлакатдан чиқиб кетиши бўлиб, унинг ҳисобига мазкур мамлакат резидентлари чет эл валюталарида қопловчи тўловлар эквивалентини олади. Дебет – қийматнинг мазкур мамлакатга кириб келиши бўлиб, унинг ҳисобига резидентлар чет эл валюталарнинг сарфлайди. **Тўлов балансида кредитлар умумий суммаси дебетларнинг умумий суммасига тенг бўлиши зарур.**

Тўлов балансидаги барча битимлар ўз ичига жорий ва капитал билан операцияларни олиши сабабли, у учта таркибий қисмдан иборат бўлади (27.4-жадвал):

1) жорий операциялар ҳисоби;
2) капитал ҳаракати ҳисоби;
3) расмий захираларнинг ўзгариши.

27.4-жадвал

Тўлов балансининг тузилиши

I. Жорий операциялар ҳисоби	
1. Товар экспорти	2. Товар импорти
Ташқи савдо баланси қолдиғи	
3. Хизматлар экспорти (чет эл туризмидан даромадлар ва ҳ.к. - кредитли хизматлар)	4. Хизматлар импорти (туризм учун чет элга тўловлар ва ҳ.к. - кредитли хизматлар)
5. Инвестициялардан соф даромадлар (кредитли хизматлардан соф даромадлар)	
6. Соф трансфертлар	
Жорий операциялар бўйича баланс қолдиғи	
II. Капитал ҳаракати ҳисоби	
7. Капитал кириши	8. Капитал оқиб чиқиши
Капитал ҳаракати баланси қолдиғи	
Жорий операциялар ва капитал ҳаракати баланси қолдиғи	
III. Расмий захираларнинг ўзгариши	

Мамлакатнинг **ташқи савдо баланси (тўлов баланси)** мазкур давлатнинг чет эллик шериклари билан халқаро иқтисодий муносабатларнинг ҳолатини ифодалаб, унинг кредит-пул, валюта, бюджет-солиқ, ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш ва давлат қарзларини тартибга солиши учун индикатор бўлиб хизмат қилади.

Жорий операциялар ҳисоби товар ва хизматлар экспорти («+» белгиси билан), импорт («-» белгиси билан), инвестициялардан соф даромад ва соф трансфертларни ўз ичига олади. **Товарлар экспорти ва импорти ўртасидаги мувозанат (тенглик) савдо балансини ташкил қилади.**

Товар экспорти кредит сифатида чиқиб, миллий банкда чет эл валюталари захираларини вужудга келтиради. Импорт эса («дебет» графасида «-» белгиси билан) мамлакатдаги чет эл валюталари захирасини қисқартиради.

Инвестициялардан соф даромадлар (чет элдан соф омилли даромадлар) кредитли хизматлардан олинадиган соф даромад ҳисобланиб, у чет элларга қўйилган миллий пул капитали ҳисобига келади. Агар чет элга қўйилган миллий капитал мазкур мамлакатга қўйилган чет эл капиталига қараганда кўпроқ микдорда фоиз ва дивиденд келтирса, бунда инвестициялардан олинадиган соф даромад ижобий, акс ҳолда эса салбий бўлади.

Соф трансфертлар хусусий ва давлат маблағларининг

бошқа мамлакатларга ўтказилган суммасини билдиради (пенсия, совға, чет элга пул ўтказишлар ёки чет мамлакатларга инсонпарварлик ёрдамлари). Бундай тўловлар мамлакатда мавжуд чет эл валюталари захирасини камайтиради.

Макроиқтисодий моделда жорий операциялар ҳисоби қолдиғи қуйидагича ифодаланади:

$$\underset{\text{экспорт}}{X} - \underset{\text{импорт}}{M} = \underset{\text{соф экспорт}}{X_n} = \underset{\text{ЯИМ}}{Y} - \underset{\text{абсорбция}}{(C+I+G)}$$

Абсорбция - ялпи ички маҳсулотнинг мазкур мамлакатдаги уй хўжаликлари, корхоналар ва давлатга реализация қилинадиган қисми.

Импортга тўловлар экспортдан олинган даромаддан ортиқча бўлса, бу мамлакатнинг жорий операциялар бўйича баланси тақчиллигини билдиради. Бу тақчиллик чет эл қарзлари ёрдамида, ёки активларнинг бир қисмини чет элликларга сотиш йўли билан молиялаштирилади ва бу капитал ҳаракати ҳисобида акс этади.

Экспортдан олинадиган даромад импортга сарфлардан ортиқ бўлса жорий операциялар ҳисоби ижобий қолдиққа эга бўлади.

Капитал ҳаракати ҳисобида активлар билан амалга ошириладиган барча халқаро битимлар ўз ифодасини топади. Булар чет элликларга акциялар, облигациялар, кўчмас мулк ва ҳ.к. сотишдан олинадиган даромадлар ҳамда чет элдан активлар сотиб олиш натижасида вужудга келадиган сарф харажатлар.

Капитал ҳаракати баланси = Активлар сотишдан тушумлар – Четдан активлар сотиб олишга сарфлар

Чет эл активларини сотиш чет эл валюталари захираларини кўпайтиради, уларни сотиб олиш эса валюталари захираларини камайтиради. Капитал ҳаракати ҳисоби ҳам тақчилликка ва ижобий қолдиққа эга бўлади.

Тўлов балансининг тақчиллиги Марказий банк расмий захираларини қисқартириш ҳисобига молиялаштирилиши

мумкин. Расмий захираларнинг асосийлари қуйидагилар:

- чет эл валюталари;
- олтин;
- мамлакатнинг ХВФдаги кредит улуши;
- қарз олишнинг махсус ҳуқуқи (SDR) ва ҳ.к.

Баланс тақчиллиги расмий захиралар ҳисобига молиялаштирилганда ички бозорда чет эл валюталари таклифи ортади, миллий валюталар таклифи эса нисбатан камаяди ва унинг айирбошлаш курси нисбатан ўсиб миллий иқтисодиётга инқирозли таъсир кўрсатади. Аксинча, тўлов балансининг актив қолдиғи Марказий банк расмий валюта эҳтиёжларининг ўсиши билан бирга борганда ички бозорда чет эл валюталари таклифини камайтиради, миллий валюта таклифи эса нисбатан ортади ва унинг айирбошлаш курси пасайиб, иқтисодиётга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Марказий банк томонидан чет эл валюталарининг бундай сотилиши ва сотиб олиниши **расмий захиралар бўйича операциялар** дейилади. Бу операциялар Марказий банкнинг очиқ бозордаги операциялари билан бир хил эмас. Расмий захиралар бўйича операциялар натижасида жорий ҳисобдаги қолдиқ суммаси, капитал ҳаракати ҳисоби ва захиралар миқдорининг ўзгариши нолни ташкил қилиши зарур.

Мамлакат узоқ давр давомида жорий операциялар бўйича тақчилликни бартараф қилишни кечиктириши ва ўзининг расмий валюта захираларини тўлиқ сарфлаши натижасида тўлов баланси инқирози келиб чиқади. Мамлакат ташқи қарзларни тўлаш ҳолатида бўлмаганлиги сабабли, чет элдан кредит олиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Иқтисодиёт субъектларининг давлат ва Марказий банк сиёсатига ишончсизлиги тўлов баланси инқирозини чуқурлаштирувчи омил ҳисобланади. Миллий валюта қадрсизланишининг кутилиши чет эл валюталарига чайқовчиликка қаратилган талабни рағбатлантиради. Бу Марказий банкнинг миллий валюта қадрсизланишининг олдини олишга қаратилган ҳаракатини анча қийинлаштиради,

чунки унинг расмий валюта захиралари бир вақтда тўлов балансининг тақчиллигини молиялаштириш ва чет эл валюталарига ўсиб борувчи чайқовчилик талабини қондириш учун етарли бўлмай қолади. Бундай ҳолда валюталарнинг «хуфёна бозори» вужудга келиб, ривожлана бошлайди.

27.4. Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва валюта тизимлари

Пулнинг жаҳон хўжалигида амал қилиши ва турли халқаро иқтисодий алоқаларга (ташқи савдо, ишчи кучи ва капитал миграцияси, даромадлар, қарзлар ва субсидиялар оқими, илмий-техникавий маҳсулотларни айирбошлаш, туризм ва ҳ.к.) хизмат қилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар халқаро валюта-кредит муносабатлари деб аталади. Халқаро валюта-кредит муносабатлари пулнинг халқаро тўлов муносабатида амал қилиш жараёнида вужудга келади. **Валюта – бу мамлакатлар пул бирлиги** (масалан, сўм, доллар, фунт стерлинг ва ҳ.к.). Ҳар бир миллий бозор ўзининг миллий валюта тизимига эга бўлади. Бунда миллий ва халқаро валюта тизимини фарқлаш зарур. **Миллий валюта тизими – валюта муносабатларининг миллий қонунчилик билан белгиланадиган, мазкур мамлакатда амал қилиш шаклини ифодалайди.** Унинг таркибига қуйидаги унсурлар киради:

- миллий пул бирлиги;
- валюта курси тартиби;
- валютанинг муомалада бўлиш шарт-шароитлари;
- валюта бозори ва олтин бозори тизими;
- мамлакатнинг халқаро ҳисоблашув тартиби;
- мамлакат олтин-валюта захирасининг таркиби ва уни бошқарув тизими;
- мамлакат валюта муносабатларини тартибга солувчи миллий муассасалар мавқеи.

Халқаро валюта тизими – халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битимларда

келишилган ҳолда амал қиладиган шакли.

Халқаро валюта тизимининг таркибий унсурлари қуйидагилар ҳисобланади:

- асосий халқаро тўлов воситалари (миллий валюталар, олтин, халқаро валюта бирликлари – СДР, Евро);
- валюта курсларини белгилаш ва ушлаб туриш механизми;
- халқаро тўловларини баланслаштириш тартиби;
- валютанинг муомала қилиш шарт-шароити;
- халқаро валюта бозори ва олтин бозори тартиби;
- валюта муносабатларини тартибга солувчи давлатлараро муассасалар тизими.

Бундан кўринадики, миллий ва халқаро валюта тизими унсурлари деярли бир хил бўлиб, улар фақат ташкил этилиши, амал қилиши ва тартибга солиниши миқёслари жиҳатидан фарқланади.

Жаҳон валюта тизими ўзининг ривожланишида учта босқичдан ўтди ва уларнинг ҳар бирига халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишнинг ўз типлари мос келади. **Биринчи босқич** 1879-1934 йилларни ўз ичига олиб, бунда олтин стандарт сифатидаги валюта тизими устунликка эга бўлган. **Иккинчи босқич** 1944-1971 йилларни ўз ичига олиб, бунда **олтин-девизли** (Бретон-Вудс тизими деб номланувчи) тизим устунликка эга бўлган. Бу икки тизим қайд қилинадиган валюта курсларига асосланган. **Учинчи босқич,** яъни ҳозирги даврда амал қилувчи жаҳон валюта тизими 1971 йилда ташкил топган бўлиб, бу тизим **бошқариладиган, сузиб юрувчи валюта тизими** номини олди. Чунки давлат кўпинча ўз валюталарининг халқаро қийматини ўзгартириш учун валюта бозорининг фаолият қилишига аралашади.

Олтин стандарт тизими қайд қилинган валюта курсининг мавжуд бўлишини кўзда тутади. Банклар ўзлари чиқарган банкнотларни олтинга алмаштирган. Олтинни эркин чиқариш ва киритиш Халқаро тўловларни мувофиқлаштириш воситаси бўлиб, хизмат қилган. Мамлакат учта шартни бажарса олтин стандарт қабул қилинган, деб ҳисобланган, яъни: а)

ўз пул бирлигининг маълум олтин мазмунини ўрнатади; б) ўзининг олтин захираси ва пулнинг ички таклифи ўртасидаги қаттиқ нисбатни ушлаб туради; в) олтиннинг эркин экспорт ва импортига тўсқинлик қилмайди. Олтин страндарт пул бирлигининг олтин мазмуни нисбатига асосланади. Олтин стандарт шароитида, турли мамлакатлар пул бирлигининг нисбати уларнинг расмий олтин мазмуни бўйича ўрнатилади.

Олтин стандарт барбод бўлгандан кейин, валюта соҳасини тартибга солишнинг ўзаро мақбул йўлини топишга ҳаракат қилинди. Янги жаҳон валюта тизими асосларини ишлаб чиқиш мақсадида, 1944 йил Бреттон-Вудсда (АҚШ) иттифоқчи давлатларнинг халқаро конференцияси чақирилди. Бу конференцияда ўзаро боғлиқ валюта курсларини тартибга солиш тизимини яратиш ҳақидаги келишувга эришилди ва бу кўпинча Бреттон-Вудс тизими деб аталади. Мазкур тизим олдинги олтин стандартдан кескин фарқ қилмайди. Унинг асосида олтин-валюта стандарти (АҚШ доллари) ётади ва бу ерда резервлар сифатида олтин ва доллар чиқади.

Долларнинг олтинга алмашиниши расман тўхтагандан кейин, валютанинг қайд қилинган курси сузиб юрувчи курсига ўрин бўшатади. Халқаро валюта тизимидаги бу ўзгариш 1976 йил Кингстон (Ямайка) даги келишувга биноан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланади. Қоғоз пул тизимига ўтиш билан, қоғоз пуллар олтинга алмаштирилмайди. Беқарор курслар шароитида валюта курси ҳам ҳар қандай бошқа нархлар каби талаб ва таклифнинг бозор кучлари билан белгиланади.

Ҳар қандай валюта тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири валюта курси ҳисобланади. **Валюта курси бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасидаги баҳосидир.**

Валюта курсларига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб курсатиш мумкин:

- миллий даромад ва ишлаб чиқариш харажатлари даражаси;
- миллий истеъмолчиларнинг реал харид қилиш лаёқати ва мамлакатдаги инфляция даражаси;

- валюталарга талаб ва таклифга таъсир кўрсатувчи тўлов баланси ҳолати;

- мамлакатдаги фоиз ставкаси даражаси;

- валютага жаҳон бозоридаги ишонч ва ҳ. к.

Назарий жиҳатдан валюта курсларининг тебранишини тушунтириш **харид қилиш лаёқатининг паритет** (турли мамлакатлар пул бирликлари қийматининг бир-бирига нисбати) назарияси ёрдамида амалга оширилади. Бу назарияга кўра, курслар нисбатларини аниқлаш учун икки мамлакат истеъмол товарлари «савати» нархларини таққослаш талаб қилинади. Масалан, агар Ўзбекистонда бундай «сават», айтайлик 120 минг сўм, АҚШда эса 100 доллар турса, 120 мингни 100 га бўлиб, 1 долларнинг нархини ҳосил қиламиз, бу 1200 сўмга тенг. Агар бошқа шароитлар ўзгармагани ҳолда мамлакатимиздаги товарларнинг нархи ошса, долларнинг сўмга нисбатан алмашув курси ҳам ошади. Бундай боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$P = r \times P_i \quad ёки \quad r = P / P_i,$$

бу ерда:

P – мамлакатимиздаги нархлар даражаси;

Pi – хорижий мамлакатдаги нархлар даражаси;

r – валюта курси ёки хорижий валютанинг миллий валютадаги нархи.

Ўзбекистон Марказий банки мавсумий тебранишларни камайтириш ва олтин-валюта захираларини кўпайтиришни ҳисобга олган ҳолда ўзгарувчан валюта курси режимини қўллаб келмоқда. Бунда ички валюта бозорида алмашув курсини мақсадли коридор доирасида ушлаб туриш учун, валюта савдоларида интервенсия операцияларини амалга ошириш орқали Марказий банк томонидан сўм алмашув курсининг ўзгариб борувчи бошқариладиган усули қўлланилди. Экспортни рағбатлантириш мақсадида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсини босқичма-босқич пасайтириш чоралари кўрилди.

Миллий валюта алмашув курсининг мақсадли параметрлар доирасида бўлиши ва унинг девальвация даражасининг босқичма-босқич пасайтириб борилиши истеъмол товарлари нархларини паст даражада ушлаб туриш учун қўшимча омил сифатида хизмат қилди.

Агар Ўзбекистонда муомаладаги пул массасининг кўпайиши оқибатида, товарлар нархи икки марта ошса ва барча шароитлар тенг бўлганда долларнинг сўмга айирбошлаш курси икки марта ошади.

27.5. Валюта-молия соҳасидаги давлатлараро ташкилотлар фаолиятининг ривожланиши

Халқаро валюта муносабатлари ўта беқарор, ноаниқ ва тез ўзгарувчи жараён бўлиб, уни ҳар бир мамлакат ҳукуматлари билан бир қаторда валюта-молия соҳасидаги давлатлараро ташкилотлар ҳам тартибга солишга ҳаракат қиладилар. Бундай ташкилотлар қаторига Халқаро валюта фонди (ХВФ), Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки (ХТТБ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ), Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА) кабиларни киритиш мумкин.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) ўзига аъзо мамлакатларнинг валюта курси ва тўлов балансларини тартибга солади, уларнинг валюта-молиявий муаммоларини ҳал этиш мақсадида кредитлар ажратади, ривожланаётган мамлакатларнинг кўп томонлама тўловлари тизимини ва ташқи қарзларини назорат қилади.

Қатъий валюта курслари амал қилган даврда ХВФнинг асосий фаолияти валюта нисбатларини ушлаб туриш, валюта курсларига асоссиз равишда таъсир кўрсатишнинг олдини олишга қаратилган эди. Сузиб юрувчи, эркин валюта курсларига ўтилиши билан бу фаолият йўналиши ўзгариб, 1978 йили ХВФнинг Низоми қайта кўриб чиқилди. Унга кўра, валютани давлатлараро тартиблашнинг асоси сифатида ХВФ назорат функцияларини кучайтириш, баланслаштирилмаган халқаро ҳисоблашувлар ҳамда асоссиз курс нисбатларига таъсир ўтказиш дастакларини кенгайтириш кўзда тутилди.

ХВФ мамлакатларнинг тўлов балансларини ва ташқи қарзларини тартибга солиш мақсадида кредитлар ажратади. Бунда қарз олувчи мамлакат ўзининг иқтисодий сиёсатида ХВФнинг тавсиясига биноан ўзгартиришлар киритиши талаб этилади. 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатдаги молиявий-иқтисодий барқарорлаштириш дастури кўринишидаги бундай ўзгаришлар фонд билан келишилган ҳолда амалга оширилади ва бунга мамлакатнинг тўловга лаёқатлиги тўғрисидаги ўзига хос халқаро гувоҳнома сифатида қаралади.

1970 йилдан бошлаб ХВФ халқаро тўлов ва захира воситалари – **қарз олишнинг махсус ҳуқуқлари (СДР)**ни чиқара бошлади. СДР нақд пул кўринишида бўлмай, фақат ХВФ махсус ҳисобварақларида кредит ёзувлари кўринишида амал қилади ва фондга аъзо мамлакатларнинг Марказий банклари ўртасидаги ҳисоблашувларда фойдаланилади.

Европа **валюта тизими** 1979 йилда Европа иқтисодий ҳамжамиятига кирувчи давлатлар томонидан валюта курсларини барқарорлаштириш мақсадида ташкил этилиб, бу давлатлар ўртасидаги тўлов жараёнларида амал қилувчи **Европа валюта бирлиги – ЭКЮ** муомалага киритилди.

Иқтисодий ва валюта иттифоқи (ИВИ) Европа валюта тизими амал қилиши натижасида ташкил этилиб, у қуйидагиларни тақозо этади:

- молия бозорларининг тўлиқ интеграциялашуви;
- капиталлар ҳаракатининг тўлиқ эркинлашуви;
- барча валюталарнинг тўлиқ конвертациясини таъминлаш ва пировардида миллий валюталарни ягона валюта билан алмаштириш.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг (ХТТБ) ҳам фаолияти халқаро валюта-молиявий муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган бўлиб, у ўзининг иккита филиали – Халқаро молиявий корпорация (ХМК) ҳамда Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА) билан биргаликда Жаҳон банки таркибига киради.

ХВФнинг аъзоси бўлган мамлакатлар ХТТБнинг аъзоси

бўла олади. ХТТБ томонидан тақдим этиладиган қарзларнинг асосий қисми қарз олувчи мамлакатларнинг иқтисодиётини таркибий қайта қуриш имконини берувчи лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ҳисобланади.

Халқаро молиявий корпорация (ХМК)нинг фаолияти устун равишда ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий секторини молиялаштиришга йўналтирилади.

Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА)нинг асосий фаолияти эса кўпроқ қолоқ мамлакатларга имтиёзли ёки фоизсиз кредитлар ажратишга қаратилган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) таркибига барча саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлар киради. ИҲРТ унга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги тенденцияларни, иқтисодиёт соҳасидаги ички хатти-ҳаракатларнинг бошқа мамлакатлар тўлов балансига таъсирини аниқлашга қаратилган. ИҲРТ томонидан ишлаб чиқилган башорат кўрсаткичлари асосида, жаҳон хўжалиги ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, миллий иқтисодиётларнинг ўзаро мослашувига имкон яратувчи макроиқтисодий сиёсатни олиб бориш бўйича тавсиялар берилади.

Халқаро ҳисоблашувлар банки (ХҲБ) Швейцариянинг Базель шаҳрида жойлашган бўлиб, у халқаро молиявий ташкилот ҳисобланмасада, банк фаолиятини халқаро тартибга солишда етакчи роль ўйнайди. ХҲБ Европанинг деярли барча мамлакатларини, Канада, Австралия, Япония ҳамда АҚШ тижорат банклари гуруҳини ўз таркибида бирлаштиради. 70 дан ортиқ Марказий банклар ўзларининг олтин-валюта захираларини ХҲБ ҳисобварақларида сақлайдилар.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Шарқий Европа ҳамда собиқ Иттифоқ мамлакатларига валюта-молия соҳасида кўмаклашишни мувофиқлаштириш мақсадида 1990 йилда ташкил этилди. Унинг асосий фаолияти Марказий ва Шарқий Европа, МДҲ мамлакатларини ислоҳ қилиш

жараёнлари билан боғлиқ турли кўринишдаги дастур ва лойиҳаларни молиялаштиришга, бу мамлакатларнинг жаҳон хўжалигига мослашувини жадаллаштиришга кўмаклашишга йўналтирилгандир.

Бугунги кунда санаб ўтилган бу каби давлатлараро ташкилотларнинг халқаро валюта-молия соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ва янада такомиллаштиришга қаратилган фаолиятининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Шу билан бир қаторда мазкур тузилмаларнинг ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш тартибини такомиллаштириш, бунда кўмак берилаётган мамлакатларнинг миллий манфаатларига путур етказмаслик, фаолият йўналиши сифатида кўпроқ иқтисодий мақсадларнинг илгари сурилиши каби жиҳатларга эътибор кучайтириш зарур бўлади.

Хулосалар

1. Барча мамлакатлар ташқи савдоси мажмуи халқаро савдони ташкил этади. Халқаро савдо – бу турли давлат миллий хўжаликлари ўртасидаги товар ва хизматларнинг айирбошлаш жараёнидир. Халқаро савдо қадимдан мавжуд бўлсада, фақат XIX асрга келиб, яъни деярли барча ривожланган мамлакатлар халқаро савдо алоқаларида иштирок эта бошлаши билан жаҳон бозори шаклига кирди. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланган халқаро савдо ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт каби кўрсаткичлар билан тавсифланади.

2. Капитал экспорт қилиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Капитал экспорти кредит бериш ёки чет эл корхоналари акцияларига мақсадли қўйилмалар каби шаклларда амалга оширилиб, капитал чиқарилган вақтда экспорт қилувчи мамлакатдан маблағлар оқимини тақозо қилади ва шу орқали тасарруфида бўлган ресурслар ҳажмини қисқартиради. Бошқа томондан, капитал экспорти чет давлатларнинг мазкур мамлакатдан бўлган қарзларини кўпайтиради. У жаҳон бозорига товарларнинг кейинги экспорти учун қулай шароит яратади ва чет эл валютасида фоиз ёки дивиденд шаклида

барқарор даромад олиш омили ҳисобланади.

3. Мамлакатдаги аҳоли жон бошига тўғри келувчи экспорт ҳажми унинг иқтисодиётининг «очиқлиги» даражасини ифодалайди. Экспорт салоҳияти (экспорт имкониятлари) – бу мазкур мамлакат томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўз иқтисодиёти манфаатларига путур етказмаган ҳолда жаҳон бозорида сотиши мумкин бўлган қисми.

4. Халқаро савдода иштирок этиш ҳар бир мамлакат учун миллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш вазифасини долзарб қилиб қўяди. Бу вазифа мамлакатларнинг савдо сиёсати орқали амалга ошади. Жаҳон амалиётида бу сиёсатнинг протекционизм (ташқи таъсирдан ҳимоялаш) ва фритредерлик (савдога тўлиқ эркинлик бериш) каби шакллари кенг тарқалган.

5. Иқтисодий битимлар – қийматнинг ҳар қандай айирбошланиши, яъни товарлар, кўрсатилган хизматлар ёки активларга мулкчилик ҳуқуқининг бир давлат резидентларидан бошқа давлат резидентларига ўтиши бўйича келишувлар. Ҳар қандай битим икки томонига эга бўлади ва шу сабабли тўлов балансида икки томонлама ёзув тартибига риоя қилинади. Ҳар бир битим тўлов балансининг дебет ва кредит қисмларида ўз ифодасини топади.

6. Иқтисодиёт субъектларининг давлат ва Марказий банк сиёсатига ишончсизлиги тўлов баланси инқирозини чуқурлаштирувчи омил ҳисобланади. Миллий валюта қадрсизланишининг кутилиши чет эл валюталарига чайқовчиликка қаратилган талабни рағбатлантиради.

7. Пулнинг жаҳон хўжалигида амал қилиши ва турли халқаро иқтисодий алоқаларга (ташқи савдо, ишчи кучи ва капитал миграцияси, даромадлар, қарзлар ва субсидиялар оқими, фан-техника ютуқларини айирбошлаш, туризм ва ҳ.к.) хизмат қилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар халқаро валюта-кредит муносабатлари деб аталади. У пулнинг халқаро тўлов муносабатида амал қилиш жараёнида вужудга келади.

8. Ҳар қандай валюта тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири валюта курси ҳисобланади. Валюта курси

бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасидаги ифодаланишини кўрсатади.

9. Назарий жиҳатдан валюта курсларининг тебранишини тушунтириш, харид қилиш лаёқатининг паритет (турли мамлакатлар пул бирликлари қийматининг бир-бирига нисбати) назарияси ёрдамида берилади. Бу назарияга кўра, курслар нисбатларини аниқлаш учун икки мамлакат истеъмолчилик товарлари «савати» нархларини таққослаш талаб қилинади.

Асосий таянч тушунчалар:

Экспорт – товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар мамлакатдан ташқарига чиқарилади.

Импорт – чет эллик мйижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга киритиш.

Реэкспорт – бирор бир мамлакатнинг бошқа мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун харид қилиши.

Реимпорт – истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарларни сотиб олиш.

Халқаро валюта тизими – халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битимларда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган шакли.

Валюта курси – бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланган нархи.

Тўлов баланси – мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт оралиғида (одатда бир йилда) амалга оширилган барча иқтисодий битимлар натижасининг тартиблаштирилган ёзуви.

Иқтисодий битимлар – қийматнинг ҳар қандай айирбошланиши, яъни товарлар кўрсатилган хизматлар ёки активларга мулкчилик ҳуқуқининг бир давлат резидентларидан бошқа давлат резидентларига ўтиши бўйича келишувлар.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Ички ва ташқи савдонинг ўхшашликлари нимадан иборат? Уларнинг фарқи-чи?
2. Халқаро савдо қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?
3. Нима учун халқаро савдода сунъий тўсиқлар мавжуд бўлади? Уларнинг тавсифини беринг.
4. Протекционистик сиёсатнинг ижобий ва салбий томонлари қандай? Уларни таққосланг.
5. Халқаро савдода иқтисодий интеграциянинг аҳамияти қандайлиги ва унда Ўзбекистоннинг иштирок этиши имкониятларини аниқланг.
6. Халқаро валюта тизимини тушунтиринг. Ҳар бир тизим қандай устунлик ва камчиликларга эга?
7. Давлат валюта курсларини барқарорлаштириш учун қандай усуллардан фойдаланади?
8. Чет эл валюталарига талаб ва таклифга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
9. Жаҳон валюта тизимининг мазмуни нимадан иборат? Унинг ривожланиш босқичлари ва уларга мос халқаро валюта муносабатларини ташкил қилиш типларини изоҳланг.
10. Валюта-молия соҳасидаги давлатлараро ташкилотларга қайси ташкилотлар киради? Уларнинг асосий фаолиятларини тавсифлаб беринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 2017.

1. Ўзбекистон Республикасининг 23.12.2020 йилдаги “Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги№ЎРҚ-656-сонли Қонуни.

2. Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, №ЎРҚ-652, 01.12.2020.

3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” №ЎРҚ-639-сонли. 29.09.2020.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрдаги “Касаба уюшмалари тўғрисида” ЎРҚ-588-сонли Қонуни

5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни.

6. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Рақобат тўғрисида. 2012 йил 6 январ.

7. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2003.

8. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Рақобат ва товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2001.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 февралдаги “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4619-сонли Қарори

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 мартдаги «Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 мартдаги «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сонли Фармони
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2978 сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ-3978-сон қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги "Бухоро вилоятида замонавий пахта – тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2978 сонли қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2018 йил 2 апрелдаги ПҚ-3646 сонли Қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 24 мартдаги ПҚ-3624 сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, ПФ-4947-сонли Фармони
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12

январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4931-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.05.2020 йилдаги “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №291-сонли қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.07.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №584-сонли қарори

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тадбиркорликни ҳамда хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 мартдаги 248 сонли қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат активларини сотишда ва ижарага беришда электрон савдоларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 22 мартдаги №209 қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 23 мартдаги №205 қарори

27. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори 22.02.2018

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги “Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор, паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган ва ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини янада оптимизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 192-сонли қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

29. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.

30. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига

Мурожаатномаси (24.01.2020) Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь.
31. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.
32. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 23 декабрь.
33. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. -56 б
34. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.-104 б.
35. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида – 2016 йил 30 декабр куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашди] // Халқ сўзи. – 2016. – 31 декабрь.
36. И.Каримов. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.
37. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015.
38. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

5. Дарсликлар

39. Ходиев Б., Шодмонов Ш. Иқтисодиёт назарияси (дарслик). – Т., «Баркамол файз медиа» нашриёти, 2017. – 785 б.
40. Гулямов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. Т.: “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019.
41. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси

(дарслик). – Т., «Иқтисод-молия» нашриёти, 2010. – 756 б.
42. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси (дарслик). – Т., «Фан ва технология» нашриёти, 2005. – 784 б.
43. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2014.
44. Раззоқов А.А., Ташматов Ш.Ҳ., Ўрмонов Н.Т. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 320 б.
45. П.С.Лопух, Н.Л.Стреха, О.В.Сарычева, А.Г.Шандроха. География. Страны и народы. – Минск : НИО, 2019. – 221 с.
46. Куликов, Л. М. Основы экономической теории : учебник для СПО / 3-е изд., перераб. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 2018. — 371 с.
47. Сидоров В.А., Кузнестова Е.Л., Болик А.В. Общая экономическая теория: учебник для студентов высших учебных заведений [Электронный ресурс]: электронное учебное издание / [Электрон дан. (6,2 Мб). Майкоп: ООО «ЭлИТ», 2017.
48. Лобачева, Е. Н. Основы экономической теории: учебник для СПО / 3-е изд., перераб. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 2017. — 516 с.
49. Казначевская Г.Б. Экономическая теория: Учебник. Ростов н/Д: Феникс, 2016. - 394 с.
50. Мамаева Л.Н. Экономическая теория: учебник. Ростов н/Д: Феникс, 2015. - 365 с.
51. Борисов Е.Ф. Экономическая теория: учеб. – 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2010. – 544 с.
52. Зубко Н.М. Экономическая теория. - Минск: НЦТ АПИ, 2012. 61-б.
53. И.К.Станковская, И.А.Стрелец. Экономическая теория.: Учебник. / 3-е изд., испр. – М.: «Эксмо», 2009. – 448 с.
54. Иохин В.Я. Экономическая теория: Учебник. – М.: Экономист, 2005. – 861 с.
55. Камаев В.Д. Экономическая теория: Краткий курс: учебник / В.Д.Камаев, М.З.Ильчиков, Т.А.Борисовская. – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2007. – 384 с.
56. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос, 2002, с.162.
57. Курс экономической теории: учебник / Под общ. ред. проф. Чепурина М.Н., проф. Киселевой Е.А. – 6-исправленное, дополненное и переработанное издание. – Киров: «АСА», 2007. – 848 с.
58. Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: Учебник. / 17-изд. - М.: ИНФРА-М, 2014. – 916 с.
59. Сажина М.А. Экономическая теория: учеб. для вузов /

М.А.Сажина, Г.Г.Чибриков. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, 2007. – 672 с.
60. Самуэлсон Пол Э., Нордхаус Вильям Д. Экономика.: Учебник. / 18-е изд.: Пер с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. – 1360 с.
61. Симкина Л.Г. Экономическая теория. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2008. – 384 с.
62. Станковская И.К., Стрелест И.А. Экономическая теория: учебник / И.А.Стрелест. – 3-е изд., испр. – М.: Эксмо, 2008. – 448 с.
63. Экономика. Учебник, 8-е изд., пререраб. и дополненное. - / Под ред. А.С. Булатова. М.: Экономист, 2005. – 896 с.
64. Экономическая теория (политэкономия): Учебник/ Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, акад. Г.П.Журавлевой, – 4-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2004.
65. Экономическая теория / Под ред. А.И.Добрынина, Л.С.Тарасевича, 3-е изд. – СПб.: Изд. СПбГУЭФ; Питер, 2008. – 544 с.
66. Экономическая теория. Учебник / Под ред. А.Г.Грязновой, Т.В.Чечеловой. – М.: Экзамен, 2011. – 592 с.
67. Экономическая теория: учеб. – 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005, 208-б.;
68. Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004, 217-бет.
69. Экономическая теория: Учебник. – Изд. испр. и доп. / Под общ. ред. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 672 с.

6. Ўқув қўлланмалар

70. Борисов Е.Ф. Экономическая теория: вопросы – ответы: Учеб. пособие. – 2-е изд., перераб. и доп. М.: Юридическая фирма «КОНТРАКТ»: ИНФРА-М, 2008. – 192 с.
71. Борисов Е.Ф. Экономическая теория: учеб. – 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 544 с.
72. В поисках новой теории с проблемными ситуациями: Учеб. пособ. / Под ред. Грязновой А.Г. и др. - М.: КНО РУС, 2004. – 368 с.
73. Кенэ, Тюрго, Дюпон: Физиократы. Избранные экономические произведения. М.: ЭКСМО, 2018. – С. 138.
74. А. Смит Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.: Эксмо, 2016. – С. 87.
75. В.Автономова, О.Ананьина, Н.Макашевой. История экономических учуний. Учебное пособие / Под. ред. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 784 с.
76. Шодмонов Ш.Ш., Юсупов Р.А. Замонавий бозор иқтисодиёти

назарияси ва амалиёти. – Т.: ТДИУ, 2007.
77. Носова С.С. Экономическая теория. Элементарный курс: учебное пособие / С.С.Носова. – М.: КНОРУС, 2008. – 520 с.
78. Основы экономической теории. Политэкономия: Учебник / Под ред. д-ра экон. наук, проф. Д.Д.Москвина. Изд. 3-е, исправл. – М.: Едиториал УРСС, 2003. – С.504.
79. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002. – 416 б.
80. Худокормов А.Г. Экономическая теория: Новейщие течениния Запада: / - М.: ИНФРА-М, 2009. – 416с.
81. Экономическая теория: учебное пособие / В.М.Соколинский, В.Е.Корольков [и др.]; под ред. А.Г.Грязновой и В.М.Соколинского. – 4-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2008. – 464 с.
82. Шишкин А.Ф. Экономическая теория: Учебное пособие для вузов. 2-е изд. Кн.1. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1996, 597-б.

7. Илмий монографиялар, мақолалар

83. Ш.Шодмонов, М.Рахматов “Иқтисодиёт назарияси” фанининг икки чигал тугуни ва унинг ечими. Монография. Тошкент: Иқтисодиёт, 2019 йил
84. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш. Ишлаб чиқариш жараёни ва уни жадал ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилиши. Илмий-услубий рисола. Тошкент: 2018.
85. Рахматов М.А., Б.З.Зарипов. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Т.: Замин Нашр, 2018 й. 20 бет.
86. Ш.Ш.Шодмонов. Қўшимча маҳсулот иқтисодий тараққиётнинг мезони ва манбаидир // “Иқтисод ва молия” илмий журнали. –Т.: 2016 й. №7 сон, 11-б.
87. Рахматов М.А. “Ишлаб чиқариш кластери инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим босқичидир”. Халқ сўзи, 2017 йил 28 март.
88. Рахматов М.А. Кластер интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш мезони. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 27 февраль.
89. Мамарахимов Б.Э. Теоретические аспекты воспроизводства рабочей силы // Экономика и предпринимательство. № 7 (120) 2020 г. с. 1124
90. Мамарахимов Б.Э. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга таъсири // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali.№ 3, may-iyun, 2020 yil.
91. Шодмонов Ш., Абдуллаева М., Мамарахимов Б. Ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришда маҳаллийлаштиришнинг

асосий жиҳатлари // Инновация: иқтисод ва фан журнали, №2, 2019. 3-8 бетлар.
92. Абдуллаева М., Мамарахимов Б. Бозор механизмлари орқали ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш // Иқтисодиётда инновациялар журнали, 2020 йил 2-махсус сон, 7-15 бетлар.
93. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари // Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.
94. Ўринов А.А. Мутаносиблик – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили. – И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006.
95. Хажиев Б.Д. Тадбиркорлик капитали ва унинг самарали амал қилиши. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2008.
96. Қ.Мамбетжанов. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий ҳисоблар тизимини такомиллаштиришнинг назарий асослари. // И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент – 2012. 8-9 бетлар.
97. Мамарахимов Б.Э. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни мувозанатлаштиришнинг асосий йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси автореферати. Тошкент -2012. 10 бет.
98. Ю.Иванов Доля сферы услуг в ВВП России. – М.: Вопросы статистики. 2017. №3
99. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Бозор иқтисодиёти асослари. Илмий-оммабоп нашр. – Т.: ТДИУ, 2007. – 75 б.
100. Шодмонов Э. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Монография. Тошкент: Иқтисод-молия, 2010. 13 б.

8. Илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўпламлари

101. Шодмонов Ш. Қўшимча маҳсулотнинг янги мазмуни // Рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш йўллари. Халқаро онлайн илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. - Т.: 2020 йил 20 май
102. Мамарахимов Б.Э. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ва унинг сифатини яхшилашнинг назарий асослари // “Стратегия действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития” Международная научно-практическая конференция. Ташкент, 2018 год 28-29 май. (3-қисм).
103. Жамолиддин Қудратов // Хусусийлаштириш: ўзгаришлар ва

янги қадамлар// Biznes daily «Birja» Республика иқтисодий газетаси 2019 yil 6 avgust. №90 (2565). http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/66704-xususiylashtirish o 'zgarishlar va yangi qadamlar

104. Иқтисодиётнинг таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатни таъминлашнинг назарий асослари. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тезислари. – Т.: ТДИУ, 2008 йил 6 июн.

105. Иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилидир. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тезислари. – Т.: ТДИУ, 2006 йил 28 декабр.

9. Газета ва журналлар

106. «Халқ сўзи» газетаси.

107. «Менинг мулким» газетаси.

108. «Бозор, пул ва кредит» журнали.

109. «Иқтисодиёт ва таълим» журнали.

110. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали.

111. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали.

112. Журнал «Экономическое обозрение».

113. Журнал «Российский экономический журнал».

114. Журнал «Вопросы экономики».

10. Статистик маълумотлар тўпламлари

115. Ўзбекистон рақамларда – 2015. Тошкент 2015.

116. 2017 йилда Пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари // Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хисоботи. http://www.cbu.uz/uzc/node/47130;

117. 2018 йилда Пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари // Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хисоботи. http://www.cbu.uz/uzc/node/47130

118. Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020–2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2018 йил.

119. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” йиллик нашрлари, 2019 йил январ-декабр.

120. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари-https://www.mf.uz/uz

121. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. // Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг нашри, 2019 йил январ-декабр. Тошкент – 2020.

11. Интернет сайтлари

122. www.stat.uz –Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
123. www.uza.uz –Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.
124. www.uzreport.com – САИПРО консалтинг компаниясига тегишли, Ўзбекистон ва бутун дунёдаги бизнес тизим ва истеъмолчиларга ахборот етказиб беришга мўлжалланган интеграциялашган интернет лойиҳа.
125. www.uzsecurities.com – Ўзбекистон Республикасининг Қимматли қоғозлар бозори ҳақида ахборот берувчи расмий сайти
126. www.uzexport.com - Ўзбекистон Республикасининг мамлакат экспорт салоҳияти ҳақида ахборот берувчи расмий сайти.
127. http://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.KD.ZG
128. www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари
129. Конкурентоспособность и модернизация Российской экономики. - http://www.moderniz.org.ru.
130. Хаитбаев Д. Кризис может иметь свои плюсы // http://www.review.uz/page/article/v_uzbekistane/2356.
131. https://trendeconomy.ru/data/commodity_h2/TOTAL
132. http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/66704-xususiylashtirish-o'zgarishlar va yangi qadamlar
133. https://gkk.uz/uz/yangiliklar/smiokomitete/3272-hususijlashtirilgan korkhonalar qo'llab-quvvatlanmoqda
134. https://gtmarket.ru/ratings/rating-countries-gdp/rating-countries-gdp-info
135. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy -“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3
I - Б Ў Л И М.
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ.....12
1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ.....12
1.1. Иқтисодиёт ва унинг бош масаласи.....12
1.2. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши.....24
1.3. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва вазифалари.....31
1.4. Иқтисодий қонунлар ва категориялар (илмий тушунчалар).....36
1.5. Иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг усуллари.....39
2-боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....49
2.1. Ишлаб чиқариш омиллари ва инфратузилмаси.....52
2.2. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни.....61
2.3. Хизмат кўрсатиш ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми сифатида.....68
2.4. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари.....77
2.5. Ишлаб чиқариш имкониятлари ва унинг чегараси.....94
2.6. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари.....99
3-боб. ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ВА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ.....108
3.1. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичлари ва уларни билишга бўлган турлича ёндашувлар.....108
3.2. Иқтисодий тизимлар ва уларнинг турли моделлари.....116
3.3. Мулкчилик муносабатларининг моҳияти ва иқтисодий мазмуни. Мулк объектлари ва субъектлари.....119
3.4. Мулкчиликнинг турли шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни.....122
3.5. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мақсади, йўллари ва усуллари.....126
4-боб. ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИНИНГ АСОСИДИР.....143
4.1. Натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтиш ва унинг ривожланиши.....144
4.2. Товар ва унинг хусусиятлари.....147
4.3. Қиймат тўғрисидаги турли назариялар эволюцияси.....157
4.4. Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва вазифалари.....163
4.5. Ўзбекистонда миллий валюта – сўмнинг муомалага киритилиши ва унинг барқарорлигини мустаҳкамлаш йўналишлари.....172
II Б Ў Л И М. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ НАЗАРИЯСИ.....182
5-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МАЗМУНИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИ.....182
5.1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва асосий белгилари.....182
5.2. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари.....188

5.3. Бозор ва унинг вазифалари.....194
5.4. Бозорнинг турлари ва тузилиши.....199
5.5. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари.....205
6-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ.....213
6.1. Ўтиш даврининг мазмуни. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари.....214
6.2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари.....220
6.3. Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва унинг асосий йўналишлари.....224
7-БОБ. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ НАЗАРИЯСИ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ.....233
7.1. Талаб тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Талаб қонуни.....234
7.2. Таклиф тушунчаси. Таклиф миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Таклиф қонуни.....241
7.3. Талаб миқдори ва таклиф миқдори ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши. Бозор мувозанати.....244
7.4. Истеъмолчи хатти-ҳаракати назарияси.....252
8-боб. РАҚОБАТ ВА МОНОПОЛИЯ.....264
8.1. Рақобатнинг моҳияти, шакллари ва усуллари.....265
8.2. Монополияларнинг иқтисодий асослари ва уларнинг турлари.....275
8.3. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини шакллантириш ва монополияга қарши қонунчилик.....285
9-боб. НАРХНИНГ МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....293
9.1. Нархнинг мазмуни, вазифалари ва унинг даражасига таъсир этувчи омиллар.....294
9.2. Нарх турлари ва уларнинг мазмуни.....302
9.3. Рақобатнинг турли кўринишлари шароитида нархнинг шаклланиш хусусиятлари.....305
9.4. Нарх сиёсати ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиш хусусиятлари.....311
10-боб. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ТАДБИРКОРЛИК КАПИТАЛИ.....320
10.1. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, унинг вазифалари ва ривожланишшарт-шароитлари.....320
10.2. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари, уларни ташкил этиш ва бошқаришнинг бозор тизимлари.....324
10.3. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада эркинлаштирилиши ва рағбатлантирилиши.....334
10.4. Тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракат босқичлари.....340
10.5. Тадбиркорлик капиталининг айланиши Асосий ва айланма капитал.....344
10.6. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш самарадорлиги.....348
11-боб. КОРХОНА (ФИРМА) ХАРАЖАТЛАРИ ВА ФОЙДАСИ.....361

11.1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг таркиби.....362
11.2. Ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариш тамойиллари ва омиллари.....371
11.3. Фойданинг мазмуни ва тақсимланиши.....374
11.4. Фойда нормаси ва массаси, уларнинг ошишига таъсир этувчи омиллар.....379
12-боб. ИШ ҲАҚИ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ.....388
12.1. Яратилган маҳсулот ва даромадларнинг
тақсимланиш тамойиллари.....389
12.2. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни.....392
12.3. Иш ҳақини ташкил этиш шакллари ва тизимлари.....399
12.4. Меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва касаба
уюшмаларининг роли.....402
13-БОБ. АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА АГРОБИЗНЕС.....412
13.1. Аграр муносабатларнинг иқтисодий мазмуни. Қишлоқ
хўжалик ишлаб чиқаришининг хусусиятлари.....413
13.2. Рента муносабатлари.....420
13.3. Агросаноат интеграцияси ва агробизнес.....429
13.4. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларни амалга ошириш ва
янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари.....432
13.5. Кластер – самарали хўжалик юритиш ва агросаноат интеграциясини
амалга оширишнинг янги тизими.....439
III Б Ў Л И М.
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ (МАКРОИҚТИСОДИЁТ)НИНГ АМАЛ ҚИЛИШ
ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ.....450
14-боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ
ЎЛЧАМЛАРИ. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ВА УНИНГ ҲАРАКАТ ШАКЛЛАРИ
14.1. Миллий иқтисодиётнинг қарор топиши ва унинг
макроиқтисодий кўрсаткичлари.....450
14.2. Миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркибий
қисмлари ва ҳаракат шакллари.....451
14.2. Миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркибий
қисмлари ва ҳаракат шакллари.....456
14.3. Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш усуллари.....465
15-боб. ЯЛПИ ТАЛАБ ВА ЯЛПИ ТАКЛИФ.....474
15.1. Ялпи талаб тушунчаси ва унинг ҳажмига таъсир
қилувчи омиллар.....475
15.2. Ялпи таклиф тушунчаси. Ялпи таклиф таркиби ва унга
таъсир қилувчи омиллар.....484
15.3. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанат
ва унинг ўзгариши.....488
16-боб. ИСТЕЪМОЛ, ЖАМҒАРМА ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР.....498
16.1. Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни
ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги.....498
16.2. Жамғаришнинг моҳияти, омиллари ва самарадорлиги.....507
16.3. Инвестициялар ва унинг даражасини белгиловчи омиллар.....509

16.4. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги нисбатни таъминлаш муаммолари.....514
16.5. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни кучайтириш
ва унинг шарт-шароитлари.....517
17-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ, ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА
МИЛЛИЙ БОЙЛИК.....524
17.1. Иқтисодий тараққиётнинг мазмуни ва кўрсаткичлари.....524
17.2. Иқтисодий ўсиш назариялари ва моделлари.....531
17.3. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни турлари ва омиллари.....540
17.4. Рақамли иқтисодиётга ўтиш иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг
муҳим йўналиши.....551
17.5. Миллий бойликнинг мазмуни ва унинг таркибий тузилиши.....556
18-боб. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЦИКЛЛИЛИГИ ВА
МАКРОИҚТИСОДИЙ БЕҚАРОРЛИК.....564
18.1. Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодиётнинг цикллилиги.....565
18.2. Иқтисодий цикл назариялари. Цикларнинг асосий турлари.....568
18.3. Иқтисодий инқирозларнинг мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва турлари...578
18.4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари,
салбий оқибатлари ва Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири.....583
19-боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУВОЗАНАТЛИ
ВА МУТАНОСИБ РИВОЖЛАНИШИ.....597
19.1. Иқтисодий мувозанатликнинг мазмуни ва намоён бўлиш шакллари.....598
19.2. Иқтисодий мутаносибликнинг мазмуни ва турлари.....605
19.3. Ўзбекистонда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, диверцификациялаш
ва модернизациялаш асосида мутаносибли ривожлантириш.....610
20-боб. ИШЧИ КУЧИ, УНИНГ БАНДЛИГИ ВА ИШСИЗЛИК.....617
20.1. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ва унинг хусусиятлари.....617
20.2. Ишчи кучи бозори. Ишчи кучига талаб ва унинг таклифи нисбати.....623
20.3. Ишчи кучи бандлиги тўғрисидаги турли концепциялар шарҳи.....629
20.4. Ишсизлик ва унинг турлари. Ишсизлик даражасини аниқлаш.....632
20.5. Ўзбекистонда ишчи кучи бандлигини таъминлаш ва ишсизларни ижтимоий
ҳимоялаш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.....638
21-боб. МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ.....645
21.1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари. Молия тизими.....646
21.2. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари.....652
21.3. Солиқ тизими ва унинг вазифалари.....656
21.4. Ўзбекистонда солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари.....662
22-БОБ. Пул-кредит тизими. Банклар ва уларнинг
бозор иқтисодиётидаги роли.....670
22.1. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари
Пулга бўлган талаб ва пул таклифи.....671
22.2. Инфляция, унинг моҳияти ва турлари.....679
22.3. Кредитнинг моҳияти, манбалари ва вазифалари.....687
22.4. Банк тизими. Марказий ва тижорат банклар ҳамда
уларнинг вазифалари.....692

22.5. Ўзбекистонда миллий валютани мустаҳкамлаш
сиёсатининг амалга оширилиши.....697
23-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА
ДАВЛАТНИНГ РОЛИ.....706
23.1. Давлатнинг миллий иқтисодиётни тартибга солишдаги
роли ҳақидаги назарий қарашлар.....707
23.2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг
мақсад ва вазифалари.....712
23.3. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари
ва воситалари.....718
24-боб. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА ДАРОМАДЛАРИ.....727
24.1. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг кўрсаткичлари.....728
24.2. Аҳоли даромадлари ва унинг таркиби.....731
24.3. Даромадлар тенгсизлиги ва унинг даражасини аниқлаш.....735
24.4. Камбағалликнинг мазмуни ва уни камайтиришнинг асосий йўналиши.....740
24.5. Давлатнинг ижтимоий сиёсати. Ўзбекистонда ижтимоий
сиёсатнинг асосий йўналишлари.....746
IV Б Ў Л И М. Ж А Ҳ О Н Х Ў Ж А Л И Г И
25-боб. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....754
25.1. Иқтисодий ривожланишнинг умумжаҳон томонлари
ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви.....754
25.2. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви йўналишлари ва зиддиятлари.....764
25.3. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари
Жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши.....769
25.4. Жаҳон хўжалиги алоқаларини халқаро тартибга солиш.....773
26-боб. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА КИРИБ БОРИШИ.....782
26.1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, шакллари
ва объектив асослари.....782
26.2. Жаҳондаги асосий интеграцион гуруҳларнинг амал қилиш хусусиятлари..788
26.3. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва
ташқи иқтисодий фаолияти.....792
27-боб. ЖАҲОН БОЗОРИ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ВА КРЕДИТ
МУНОСАБАТЛАРИ.....804
27.1. Халқаро меҳнат тақсимоти ва халқаро савдо тўғрисидаги
турлича назариялар.....804
27.2. Халқаро савдонинг мазмуни, тузилиши ва хусусиятлари.....814
27.3. Тўлов баланси, унинг тузилиши ва тақчиллиги.....825
27.4. Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва
валюта тизимлари.....829
27.5. Валюта-молия соҳасидаги давлатлараро ташкилотлар
фаолиятининг ривожланиши.....833
АДАБИЁТЛАР.....840

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ

Ш. ШОДМОНОВ
М. РАХМАТОВ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

ДАРСЛИК

Муҳаррир: **Ё. Иноғомов**
Техник муҳаррир: **С. Гафуров**
Дизайнер ва саҳифаловчи: **Г. Назирова**

Нашриёт лицензияси АИ № 015, 20.07.2018.
Босишга 2021 йил 17 мартда рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16 “Times New Roman” гарнитураси
Шартли б.т. 54. Адади 200.
Оргинал-макет “Zamin nashr” МЧЖда тайёрланди
ва босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш. Боғишамол кўчаси 160-уй
Тел: 71 235-44-82, 235-44-86
www.zaminnashr.uz

Қайдлар учун